ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БАСРИДИН КАРИМОВ

МАДАНИЯТШУНОСЛИК

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2015

Каримов Б. Маданиятшунослик. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Молия институт, -2015. – бет.

Мазкур ўқув қўлланмада “Маданиятшунослик” фанининг предмети, методологик асослари, маданият назарияси ва унинг қонуниятлари, Ватанимиз ва инсоният маданиятининг кўп минг йиллик тарихи билан боғлиқ масалалар, маданиятнинг турлари: ахлоқий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, экологик маданиятнинг жамият ижтимоий-тарихий ривожланишида тутган ўрни очиб берилган.

Қўлланмада маданиятнинг тарихий ҳодиса сифатида ривожланиш босқичлари, жамият ҳаёти ва инсон фаолияти билан боғлиқ томонларига, шунингдек, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар маънавий маданиятини такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Ўқув қўлланма талабаларнинг мустақил фикрлаши, ижодий изланишлари ҳамда маданият ва маърифатга оид илмий қарашларини шакллантиришга ёрдам беради.

Нашр олий ўқув юртлари талабалари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, тадқиқотчи–олимлар ва педагоглар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор М.Маҳмудов

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор С.Мамашокиров,
фалсафа фанлари доктори, профессор С.Раҳимов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маъсус таълим вазирлиги қошидаги Янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини Мувофиқлаштириш кенгаши қарорига асосан нашрга тавсия қилинган.

© Тошкент Молия институти, 2015.

© Б.Каримов, 2015.

Кириб келаётган XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради.
Ислом Каримов

МУҚАДДИМА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг маълум йўналишларидан бири-таълим тизимини ривожлантириш ва юқори малакали миллий кадрларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш ҳисобланади. Чунки, ўз келажагини ўйлаган ҳар бир халқ, миллат ёш авлоднинг фазилатлари ҳақида қайғуриши табиийдир.

Олий таълимдаги ўзгаришлар, энг аввало, бўлғуси мутахассисларни жаҳон маданияти ва цивилизацияси ютуқлари билан таништиришни, уларнинг гуманитар билимларини чуқурлаштиришни назарда тутади. Таълим тизимига маданиятшунослик фанининг киритилиши ҳам шу мақсадга қаратилган.

“Маданиятшунослик” фани жаҳон халқларининг кўп минг йиллик маданий ҳаёти, умумий илдизларини, Шарқ ва Ғарб маданиятининг тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ва муштараклигини, миллий ва минтақавий маданиятнинг жаҳон маданияти равнақига таъсирини, маданиятлараро мулоқот муаммоларини, маданиятнинг таркибий тузилиши, тарихий тараққиёти уларнинг инсоният ҳаётидаги аҳамиятини ўрганишдан иборат. Чунки, маданият инсониятнинг бутун тарихий тараққиёт жараёнида яратган барча моддий ва маънавий бойликларининг хазинасини ифодаловчи тушунча бўлиб, жуда мураккаб, кўп қиррали маънавий-ижтимоий ходиса сифатида бевосита ўтмишидаги ва ҳозирги кўплаб алломалар, мутафаккирлар ақл-идроки, истеъдоди, заковати ва меҳнати маҳсулидир.

Табиатшунослик - бизни ўраб турган моддий оламни, жамиятшунослик — инсоният жамоаси қонуниятларини, руҳшунослик -инсон онги ва шуурини, яъни ички дунёсини ўргангани каби, инсоният тараққиёти тарихида вужудга келган турли маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши масалалари маданиятшунослик фани доирасида ўрганилади.

Инсоният XXI асрга катта ҳаётий тажриба, бир олам билим ва юксак даражада ривожланган фан-техника ютуқлари билан кириб келди. Дунё халқлари маданий жиҳатдан ўзаро яқинлашдилар. Маданиятнинг турли соҳаларида мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди. Аммо, шу билан бирга бугунги дунё умумжаҳон миқёсидаги глобал муаммоларга, локал, яъни минтақавий ёки соҳавий можароларга, бир сўз билан айтганда, мураккаб зиддиятларга, мафкуравий таҳдидларга ҳам дуч келмоқда.

Ер куррасини қамраб олган глобаллашув жараёни, геосиёсатда турли кучлар ва манфаатларнинг тўқнашуви, ғоявий курашнинг кучайиши, аҳлоқий, диний, миллий, маънавий соҳаларда ғаразли ният билан чиқарилаётган келишмовчилик ва низолар маданият тараққиётига ҳам, халқларнинг руҳияти-ю кайфиятига ҳам, инсоният бирлигига ҳам раҳна солмоқда. Маънавиятга, маданиятга ва тарбияга нисбатан бўлаётган ижобий таъсир ва салбий тазйиқларни белгилаб, ҳисобга олиб бориш зарурлиги ҳам Сиз ўргананаётган фаннинг муҳимлигини кўрсатади.

Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида илгари сурилган муҳим, айни пайтда жиддий ғоялари ҳам барча ижтимоий фанлар қатори, маданиятшуносликнинг вазифаларини тўла-тўкис англашимизга хизмат қилади. **"Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, қўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади"[1].**

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда жаҳон тараққиётига монанд ҳуқуқий, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қурилмоқда. Бундай жамиятнинг пойдевори, ижодкори баркамол ёшлар ҳисобланади. Шу сабабли таълим-тарбия, маданият-маърифат, маънавият соҳасидаги ишлар Президентимизнинг ташаббуси туфайли давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

"Умумижтимоий ва социал-иқтисодий фанлар" туркумига кирган "Маданиятшунослик" фанини олий ўқув юртининг бакалавр йўналишида ўқитишдан қўйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

1. Талаба инсоният томонидан асрлар давомида яратилган маданият, унинг тараққиёти қонуниятлари ва тамойиллари, маданий жараёнларнинг такомил босқичлари ва ҳозирги ҳолати ҳақида чуқур билим ва малакага эга бўлиши, бу билимлар орқали ўзининг маданий тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

2. Талабадан жаҳон маданиятининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон халқининг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини билиши, ундан фахрланиш кўникмаси ва туйғусини ўз онгида мужассамлаштиришлари, аждодлар меросини сақлаш, ўрганиш унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишлари, энг муҳими бунга муносиб ворис бўлиш руҳида билим малакаларга эга бўлиш зарур.

3. Талаба истиқлол даври маданий тикланиш ва юксалиш жараёнига оид Президентимиз Ислом Каримовнинг назарий-методологик ва амалий ғояларининг мазмун-моҳиятини, унинг маданий-фалсафий ҳамда илмий

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008, 29-30 бетлар.

ифодасини чуқур англаб етиши, халқимиз томонидан яратилган маданият дурдоналарини, унинг ўзига хос қадриятларини пухта эгаллаш ва шу билим, кўникмалар орқали бегона таъсирларга муросасиз муносабатда бўлишликни талаб этади.

4. “Маданиятшунослик” фани бўйича тизимли билимларга, фан ҳақида умумий тушунча – тасаввурга, замонавий илмий асосларда маълумотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, касбий фаолиятида мустақил қарор қабул қилишни ва фойдалана олишни билиш давр талабидир.

Маданиятшунослик фан, ўзи тадқиқ этадиган соҳа каби, жуда серқирра ва кенг кўламлидир. Бу фан ўзининг таркиби ва тузилишига, ёндошув ва услубларига кўра бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан фарқ қилади, мураккаблиги, маданият тарихи фактларга бойлиги билан ажралиб туради. Унда маданият назарияси ва тарихига оид фикрлар, манбалари умумлаштирибгина қолмай, балки маданият қуйи ва юқори қатламлардан иборат деган мазмун барча мавзуларга сингдирилган концепция илгари сурилган.

Мазкур ўқув қўлланманинг **биринчи бўлими**да “Маданиятшунослик” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, фанлар тизимидаги ўрни баён этилган. Маданият назариясига оид асосий тушунча ва тамойиллар, маданиятнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти ва мазмуни, маданияти тараққиётининг асосий қонуниятлари, турли халқлар ва даврлар маданиятининг умумий ва ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Иккинчи бўлимда қадим замонлардан то ҳозирга қадар Шарқ ва Ғарб мамлакатларида маданият тараққиётининг асосий босқичлари, маданиятларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири, бойитиш масалалари ёритилган. Шу пайтгача илмий адабиётларда илм-фаннинг бошланғич пойдеворини юнонлар яратган дейиш одат тусига кириб қолган фикрнинг нотўғри ва асоссиз эканлиги аниқ далиллар асосида инкор этилиб, зероки, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да келтирилган диний, фалсафий, табиий илмлар юнонистонда илм-фаннинг ривожланишига туртки бўлганлигини илмий-назарий жиҳатдан исботлаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бунда жаҳон маданияти ва тарихига оид кўплаб маълумотлар, далиллар ва хулосалар баён этилган.

Учинчи бўлимда Марказий Осиё халқлари маданияти, хусусан, мамлакатимиз ҳудудида маданий тараққиётнинг тарихан теранлиги, қадимийлиги, жаҳон маданияти тарихида тутган ўзига хос ўрни, шунингдек, мустақиллик йилларида маданий тараққиёт юксалиб, такомиллашиб бораётгани, маданиятнинг ривож топиши учун катта имкониятлар вужудга келганлиги тўғрисида сўз юритилади.

Ушбу ўқув қўлланмани тайёрлаш жараёнида зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг илмий мероси, Аҳмад Яссавий ҳикматлари, “Темур тузуклари”, Президентимиз Ислом Каримов асарлари, жаҳоннинг таниқли маданиятшунос олимларининг илмий ишлари, асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Қўлингиздаги “Маданиятшунослик” фанидан тайёрланган ушбу ўқув қўлланма олий таълимнинг билим соҳалари; 100000 – гуманитар соҳа; 200000 – ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ. Таълим соҳаси; 110000 – Педагогика; 230000 – иқтисод. Таълим йўналишлари; институтда тайёрланадиган барча таълим йўналишлари учун мўлжалланган. Муаллиф билдирилган фикр, таклиф ва истаклар учун барча-барчага миннатдорчилик изҳор этади.

Оқил чин сўздан ўзгани демас, аммо
барча чинни ҳам демак -оқил иши эмас.
Алишер Навоий

БИРИНЧИ БЎЛИМ: МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

1 мавзу. “МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар.

Маданият, менталитет, диалектик метод, тизимли ёндашув методи, илмийлик, маданият ва шахс, ижодий қобилият, қадрият, информацион тариф, культура тушунчаси, цивилизация, маданиятшунос олимлар, ёзув, давлат, каннибализм, тараққиёт, ақлий ва маънавий салоҳият

1.1. “Маданиятшунослик” фанининг предмети, бошқа фанлар билан алоқадорлиги, уни ўрганишнинг методологик асослари

“Маданиятшунослик”ўрта асрларда ва Уйғониш даврида тарих ва фалсафага доир фанларнинг таркибида бўлган, кейинроқ, XX асрнинг иккинчи ярмида мустақил фан сифатида шаклланиб, дастлаб ғарб мамлакатларининг олий ўқув юртларида ўқитила бошланди. Бироқ собиқ иттифоқ ҳукмронлиги йилларида таълим муассасаларида бу фанга жиддий эътибор берилмади, ўқитилмади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби маданий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди.Натижада ушбу фанга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Юртимиздаги барча олий ўқув юртларида маданиятшуносликни алоҳида фан сифатида ўқитиш йўлга қўйилди.

“Маданиятшунослик” фани:

1. Инсоният тараққиётининг ибтидоий турмуш тарзидан то ҳозирги кунгача бўлган даврдаги маданий жараённи бутунлигича, яхлит идрок этишга, маданият тараққиёти ҳақида барча фанлар томонидан тўпланган билим ва тушунчаларни интеграциялашга кўмаклашувчи;
2. Маданиятни мураккаб ва динамик ҳодиса, ўзига хос феномен,

система сифатида ўрганувчи;

3. Инсоният тараққиётининг барча босқичларида инсонлар томонидан яратилган моддий ва маънавий–маданий ютуқларни ўрганувчи, уларни таққослаш орқали умумий маданиятшунослик қонуниятларни аниқловчи;

4. Ҳозирги босқичдаги жаҳонда кечаётган глобаллашув шароитида маданиятлараро мулоқот, миллий маданиятлар ўртасидаги алоқалар ҳақида талабаларда назарий билим ва амалий кўникмалар ҳосил қилишга йўналтирилган фандир.

“Маданиятшунослик” фани инсоннинг оила, табиат ва жамият билан ҳамкорликдаги ҳамда кишиларнинг маданий фаолиятларига оид барча жараёнларни ўрганади. Унинг **тадқиқот манбаи** сифатида:

- меҳнат қуроллари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш жараёни;
- инсоният томонидан яратилган маданий, маънавий мерос, санъат турлари;
- кишиларнинг ўзаро муомала воситаси бўлган турли тилларга жаҳон маданияти дурдоналари таржима қилиниб, ўзлаштирилиши;
- жамият бойлиги ва мезони бўлган билимларни айирбошлаш;
- дин ва диний қадриятлар;
- ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ташкилотлар;
- цивилизациянинг маданиятнинг диалектик ривожланиши билан ҳамоҳанглиги;
- жамиятда содир бўлувчи демографик ва этник жараёнларнинг маданияга таъсири.
- “Оммавий маданият” ва глобаллашув муаммолари.

Маданият -бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуигина бўлиб қолмай, айни пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни, жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг йиғиндиси маданиятда акс этади. Маданиятни ўрганишда объектив қонуниятлар, ҳодисалардаги сабабий боғлиқлик ҳақидаги анъанавий тасаввурлардан қисман фойдаланиш мумкин. Умумий бир соҳа сифатида

маданиятга тизимли ёндашув бир-бирига таъсир этувчи турли маданият соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини қисмларга бўлиб эмас, балки уларни яхлит тасаввур қилиш имконини беради. Тизимли ёндашув тадқиқотнинг жуда кўп услубларидан фойдаланишга имкон яратади.

Айнан, тизимли ёндашув маданиятга ўзига хос шаклда муносабат билдирган ҳолда кишилар ҳаёт фаолияти соҳаларини ҳам тушуниш имконини беради. Булардан маданият соҳалари, маданият институтлари ташкил топиб, улар аниқ тузилма ва вазифаларга эга бўлган ҳолда ижтимоий муносабатлар тамойили, коммуникация, маданий намуналарни ташкил қилиб, маданият тизимини белгилайди.

Маданиятшунослик умумназарий фан ҳисобланиб, унинг ўзига хос хусусияти инсоннинг маданий ҳаёти жараёнини тартибли тизимга солиш ва ўрганишдан иборатдир. Бундан ташқари “Маданиятшунослик” фани гуманитар билимларни ўзида мужассамлаштирганлиги туфайли билишнинг мураккаб объекти ҳам ҳисобланади.

Умуман олганда, “Маданиятшунослик”моддий ва маънавий маданият тўғрисидаги фандир. Ушбу фан инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий ютуқларни, ўзлаштириш ва таққослаш орқали ўрганилади. Мазкур фан гуманитар фан сифатида фалсафа, тарих, социология, этнография, педагогика, санъатшунослик, адабиётшунослик, политология, психология ва бошқа бир қатор фанлар билан алоқадор бўлиб, улар билан бирга ривожланади.

“Маданиятшунослик” фани тарих фани билан бевосита боғлиқдир. Маданиятшунос жаҳон халқлари тарихини яхши билмоғи зарур. Бусиз у инсоният тараққиётининг турли босқичларида шаклланган тарихий маданият турларини, уларнинг хусусиятларини, у ёки бу даврга хос маданий менталитетни тасвирлай олмайди. Инсониятнинг шаклланиши ва тараққиёти ҳақидаги тарихий фактлар, воқеа-ҳодисаларни билиш турли цивилизацияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш жараёни тўғрисида назарий хулосалар қилишга, маданий тараққиётга хос қонунлар чиқаришга

кўмаклашади. Шу нуқтаи назардан қараганда маданият тарихи “Маданиятшунослик” фанининг таркибий қисмидир. Шунингдек, “Маданиятшунослик” фани бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам яқиндан алоқададир.

“Маданиятшунослик” фани **политология** (*сиёсатшунослик*) фанининг давлат қурилиши ва тузилиши, ижтимоий- сиёсий тузумларнинг турлари ва хусусиятлари, жамиятни адолатли бошқариш усуллари ҳақидаги маълумотларига асосланади, уларга таяниб, давлат бошқаруви, сиёсий маданият ҳақида умумназарий хулосалар чиқаради.

“Маданиятшунослик” фани инсоннинг ички дунёси, маънавий, руҳий олами ҳақида фикр юритишда **психология** фани, бадиий адабиётга хос руҳий тахлил (психаанимиз) ютуқларидан фойдаланади, жамият тараққиётининг турли босқичларидаги турмуш тарзи, урф-одатлар, миллий маданий менталитетларни тасвирлашда **этнография** фани маълумотларига ҳам асосланади.

Маданиятшунослик жамият ва жамият тараққиёти қонунларини ўрганувчи **социология** фани билан ҳам боғлиқ. Шахснинг ижтимоий-маданий шаклланиши жамиятда кечар экан, социологиянинг бу борадаги фикрлари, хулосалари маданиятшунослик учун муҳим аҳамиятга эга. Худди шунингдек, социология жамият тизимидаги, аҳоли қатламларида ва бошқаришда содир бўладиган ўзгаришларни ҳам тадқиқ этади. Жамиятнинг ҳар бир қатламлари ва ташкилотлари, ўзининг ички белгиларига, ривожланиш қонунларига эга. Социологларнинг бу борадаги қарашлари маданиятшуносликка турли маданий оқимларнинг ўрнини тўғри англашга, ижтимоий-маданий жараёнларнинг бошқариш қонунларини яратишга ёрдам беради.

Маданиятшунослик **педагогика,** инсон тарбияси билан боғлиқ бошқа фанларнинг ютуқларидан ҳам фойдаланади. Ҳозирда инсон тарбияси муаммолари билан шуғулланувчи икки юзга яқин фан соҳалари ва назариялари мавжуд. Баъзан улар қаторига маданиятшуносликни ҳам киритишади. Бу бежиз эмас, чунки, маданиятшуносликнинг бош вазифаси ўзига хос воситалар орқали

атроф-муҳитни инсонийлаштириш, яъни инсон камолотини олий мақсад қилиб қўйган муҳитни шакллантиришдир. Маданиятшунослик ўз тадқиқот объектларини шунчаки ўрганиб қолмайди, у жамиятни инсон ва тараққиёт манфаатлари нуқтаи назаридан ўзгартириш, инсонийлаштириш йўлларини ҳам ёритиб беради.

Инсондаги биринчи ижтимоий эҳтиёж **тарбияга ёки тарбияланишга** бўлган эҳтиёждир. Бу эҳтиёжни ҳамма ҳам, айниқса, гўдаклиги ва болалигида зарур нарса сифатида қабул қилавермайди, шунингдек, маданиятни ҳам. Демак, тарбия, маданият ҳам, инсониятнинг мавжудлик, барҳаётлик шарти сифатида жамиятнинг онгли ва маданиятли қатламлари томонидан яратилади ҳамда ёшларга сингдирилади.

Тарбия объектида ижобий фазилатларни ва ижодий ҳислатларни шакллантириш-педагогиканинг ҳам, маданиятшуносликнинг ҳам вазифаси. Маданиятшуносликнинг амалиёт билан боғлиқ йўналиши —“прикладная культурология” (*амалда татбиқ қилинадиган, амалий маданияттшунослик*) худди шу жойда педагогика билан ҳамкорлик қилади, унинг бой тарбиявий таъсир усулларидан фойдаланади.

Санъатшунослик — эстетика, тасвирий санъат асослари, театршунослик, мусиқа назарияси каби фан соҳаларини ўз ичига олади. Санъат ва ижод эса ўз навбатида маданиятшуносликнинг ҳам объектидир. Гўзаллик ижод қилиш, кишиларнинг ҳис-туйғуларини ўстириш, уларни ранглар, оҳанг ва товушлар ранг-баранглигини илғашга ўрганиш муаммолари маданиятшуносликни ҳам қизиқтиради. У халқ амалий санъати, халқ мусиқаси ва қўшиқчилиги анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқади.

Эстетиканинг гўзаллик ва хунуклик, юксаклик ва тубанлик, кулгули ва фожиавийлик, мураттаблик ва номураттаблик каби тушунчаларни маданиятшуносларга ён атрофдаги воқеаларни, кишилардаги фазилатларни бор зиддиятлари билан тадқиқ этишга ўргатади. Демак, мавжуд зиддиятларни, қарама-қаршиликларни, уларнинг ички қонуниятларини ҳисобга олгандагина маданиятшунослик давр талабларини, ҳаёт эҳтиёжларини ва шахс истакларини

тўғри илғаб олади, ўзини ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган фан соҳаси эканлигини исботлайди.

Маданиятшунослик фани бадиий адабиёт,адабиётшунослик ва санъатшунослик билан ҳам ҳамкорлик қилади. Жаҳон адабиётида тасвирланган сиймолар, турли қарашларнинг тўқнашуви, инсон ҳаётининг ранг-баранг қирралари, инсон руҳий омили, ички кечинмалари-шодлиги ва қайғуси, севинч ва ўкинчи, меҳр ва қаҳри бор мураккабликлари билан тасвирланган ёзма асарлар маданиятшуносни ҳам ҳаётий, илмий-назарий бойитади. Чунки, китоб инсоният ижодиётининг чинакам ҳайратланарли ва эътиборга лойиқ кўриниши ҳисобланади. Китобларда ўтмиш замонларнинг ақл-идроки яшайди, ҳоки тупроқлари туш сингари аллақачонлар тўзғиб кетган одамларнинг овози бурро ва аниқ янграб туради. Зеро, инсоният яратган, қайта-қайта ўйлаб кўрган ва у эришган нарсаларнинг бари худди сеҳрли сандиқдай китоблар саҳифасида сақланиб қолган. Узоқ асрлардан бизгача етиб келган маданият дурдоналари, тафаккур кемалари бўлган китоблар ҳикматлар хазинаси эканлиги ҳақида ажойиб фикрлар айтилган.

Араб мутафаккири Абу Усмон ал-Жоҳиз китобнинг энг биринчи мўъжиза эканлиги ҳақида бундай дейди: “Китоб – ажойиб суҳбатдош, билим манбаи, ажойиб қурол (қилич билан олинмаган жойни китоб эгаллайди). Китоб - энг яхши шифо, роҳатбахш дори, содиқ дўст ва азиз меҳмон. Китоб –энг яхши маслаҳатчи ва оила аъзоси. Китоб - араб, Румдан, Шомдан, Ҳинд ва Форс, Юнонистондан келган дўст. Китоб сабабли қадимги нарсалар янги, ўликлар тирик, сақовлар сўзловчи бўлиб қолади. Китоб - шундай боғу бўстон баҳаво жойларки, меваларидан еб, яна енг ичида боғ ва ўтлоқларни уйинга олиб кетасан. Китоб энг яхши қўшни, содиқ дўст, адолатли ҳаким, меҳриборон устоз...”[1]

Адабий ижодий жараёнлардан яхши хабардор бўлиш, давр қаҳрамонларининг ички кечинмалари, турмуш тарзи ва ўй-ғамлари тасвирланган асарларни билиш ҳар бир маданиятли киши учун зарур. Адабиёт-

[1] Муаллифлар жамоаси: Жаҳон кўзгуси китобидан, Москва, “Наука”, 1984, 5-бет.

ҳаёт, давр кўзгуси. Киши замон, ижтимоий ҳаёт, давр билан боғлиқ экан, у замондошларининг кимлигини, уларнинг ҳаёти, ўю-ниятларини билиш учун ҳам шу «кўзгу»га тез-тез назар ташлаб туришга мажбур.

Шу билан бирга, “Маданиятшунослик” фани бошқа гуманитар фанлардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Унинг тадқиқот объекти турли халқларнинг кўп асрлик маданий ҳаёти, ўзига хос жиҳатлари ва умумий илдизларини, Шарқ ва Ғарб маданиятининг тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ва муштараклигини, миллий ва минтақавий маданиятнинг жаҳон маданияти равнақига таъсирини, маданиятнинг таркибий тузилиши, маданиятлараро мулоқот муаммолари, уларнинг инсоният ҳаётидаги ролини ўрганишдир.

“Маданиятшунослик” фани турли даражалардаги миллий, минтақавий ва жаҳон маданиятига, унинг алоҳида шахслардан то бутун инсониятгача бўлган турли хил объектларига татбиқан қўллаш мумкин бўлган энг умумий маданиятшунослик қонуниятларини аниқлаш имкониятини беради.

Маданиятшуносликнинг яна бир тадқиқот объекти - инсон ва унинг фаолияти жараёнида яратилган моддий ва маънавий бойликлар ҳисобланади. Маданият эса инсон фаолияти ва жамият ҳаётининг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқ. Маданиятшунослик мана шу боғлиқликнинг ўзига хос йўналишларини, ички қонунларини ўрганади. Моддий ва маънавий бойлик инсон фаолиятининг маҳсули бўлишидан қатъий назар маданий бойлик, мулк, хазина сифатида қадрланади. Маданиятшунослик мана шу бойликни киши ва жамият эҳтиёжлари нуқтаи назаридан баҳолайди, унинг ҳақиқий қимматини очиб беради.

Маданиятшуносликда “маданий мерос”, “маънавият”, “маърифат”, “маданий тараққиёт”, “илмий-техник тараққиёт”, “ижод”, “халқ маданияти”, “халқ санъати”, “миллий ва умуминсоний қадриятлар”, “аҳлоқий маданият”, “сиёсий маданият”, “цивилизация” каби тушунчалар кенг тарқалган. Бу тушунчаларга маданиятшуносликда инсон ва жамият тараққиётининг даражасини ифодаловчи категориялар сифатида қаралади.

Маданиятшуносликнинг тадқиқот усулларига тарихий (*ретроспектив-ўтмишга қаратилган*), тадрижий (*эволюцион-табиатдаги ва жамиятдаги ҳаракатнинг бир тури-узлуксиз тадрижий равишда борадиган миқдор ўзгариши)* ёндошиш, таҳлил ва умумлаштириш (*анализ ва синтез*), кузатиш, суҳбат, савол-жавоб кабилар киради. Фалсафа, социология, санъатшунослик, педагогика, тарих, этнография фанларидаги тадқиқот усуллари ҳам маданиятшунослик фанида кенг ишлатилади.

“Маданиятшунослик” фани бўйича тадқиқот олиб боришда бир қатор методологик тамойилларга таянади. **Диалектик метод** маданиятшуносликнинг муҳим усули бўлиб, инсониятнинг маданий ҳаётини, минг йиллар давомида инсонлар яратган моддий ва маънавий ютуқларни яхлит, умумий, ўзаро боғлиқликда, зиддиятлари ва доимо ривожланишда деган ҳолда ўрганишга имкон беради. Диалектик метод бирон-бир мамлакат ёки минтақада кечган маданий жараённи, жумладан, Ўзбекистон халқининг асрлар давомида шаклланган маданиятини жаҳон халқлари маданияти ривожи билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш, тадқиқ қилишга кўмаклашади ва маданий тараққиётга хос умумий маданиятшунослик қонуниятларини очишга имкон беради.

“Маданиятшунослик” фани объектни ўрганишда илмий билишнинг **тизимли (*системали*) ёндашув методига** таянади. Тизимли ёндашув бўлакларни бутун, бутунни унинг бўлаклари орқали таҳлил этиш, ўрганишни тақозо этади. Бу метод маданият таркибига кирувчи тил, дин, ҳуқуқ, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, адабиёт, санъат каби соҳалар орқали бутун жамият тараққиёти тўғрисида умумлаштирилган хулосалар чиқаришга, жамият тараққиёти орқали эса маданият таркибига кирувчи соҳаларни таҳлил қилишга кўмаклашади.

Илмийлик методида бирорта асарга ёки ижодкорнинг фаолиятига баҳо беришда унинг миллати, синфий ёки насл-насаб ҳолатларини асосдеб олмасдан фақат холисона хулоса чиқарилади.

“Маданиятшунослик” фани ўз тадқиқотларида **тарихийлик методига** асосланади. Тарихийлик методи маданиятга даврий нуқтаи назардан ўзгариб,

янгиланиб, ривожланиб, бойиб борувчи жараён сифатида қарайди. Тарихийлик методи ҳар бир халқ, ҳар бир давр маданиятини ўз даври нуқтаи назаридан баҳолашни, ҳозирги маданий ҳаётни ва эришилган ютуқларни ўтган замон маданиятига таққослаб, тасаввур қилиш имкониятини беради.

Маданият барча мамлакатларда бир текисда ривожланувчи жараён эмас. Турли халқларнинг турмуш тарзи, менталитети, маданий онги, тили, тафаккури бир-биридан фарқ қилиши табиий. Шу боисдан маданиятшунос уларни бир-бирига қарама-қарши қўймасдан таҳлил қилиши, маъно-мазмунининг мағзига тушуниб етишга интилмоғи лозим. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида маданият тараққиётида инқирозли ёки сакраш ҳолатлари ҳам юз бериб туради. Бундай ҳолатларни таҳлил қилишда иқтисодий, социологик, статистик ва билишнинг бошқа **илмий методларидан** ҳам фойдаланилади.

“Маданиятшунослик” фани ўз предметини ўрганишда тадқиқотчидан **ўз идроки, ички сезгилари билан ҳис қилиш** орқали ҳақиқатни англашни ҳам талаб қилади. Бу тамойил турли хил маданият соҳаларига чуқурроқ кириш, далил-ашёлар ёрдамида, бевосита ички сезгилар, мушоҳада орқали ҳақиқатни билиш имкониятини беради. Шунингдек, маданиятшуносликда маданиятнинг моддий ва маънавий унсурларини талқин қилиш, турли даврларга хос ёзув матнларини **шарҳлаш, изоҳлаб бериш, тушунтириш (***герменевтика***)** методи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, маданиятшунослик бошқа фанлар сингари диалектик,илмийлик, холислик, тарихийлик, ижтимоийлик, таққослаш, герменевтика каби билишнинг аниқ методларига таянган ҳолда тадқиқот юритади.

“Маданиятшунослик” фанини ўрганишнинг зарурияти шундаки, инсоният жамият тараққиётига фақат сиёсий, иқтисодий, техникавий, ҳуқуқий тадбирлар билан эриша олмайди, улар билан бир қаторда жамият маънавий-маданий ҳаётини ҳам юксалтиришга эришмоғи зарур бўлади.

1.2. Маданият ва шахснинг ўзаро муносабатлари

Маданият ва шахс нафақат мазмунан бир-бирига яқин, балки ички ва ташқи томонлари жиҳатидан ўзаро мос келувчи тушунчалардир. Шахс муайян маданий муҳитда яшайди ва фаолият кўрсатади.

Қомусий олим Абу Наср Форобий "Бахт–саодатга эришув ҳақида"ги рисоласида инсон камолотида жамоанинг роли катта эканлигини таъкидлаб:"Камолотга бир кишининг ўзи ёлғиз (*бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз*) эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, одамзод жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу: у ҳар қандай камолотга эришувида бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбурдир",— деб ёзганди.

Алломанинг фикрича, инсон ўз-ўзидан бахтли ҳам бўла олмайди, камолотга ҳам эришолмайди. "Бу нарса унинг ҳаракатларига, меҳнатига, касб-ҳунар эгаллашига, билимига ва фозил жамиятда яшашига боғлиқ", - дейди у. "Давлатнинг вазифаси инсонларнинг бахт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади"[1].

Абу Наср Форобий давлатни етук шахс, юксак хислатларга эга бўлган бир неча шахслар ва сайланган одамлар ёрдамида бошқаришлари мумкинлигини қайд этади. Олим жамият ўз ривожида етукликка томон интилиши, шунинг учун кураш олиб бориши ва ниҳоят, фозил жамият, фозил шаҳар даражасига кўтарилиши ҳақида фикр юритади[2].

Индивид ижтимоий турмуш ва маданиятга қай тарзда жалб қилинганлигига, унинг табиий имкониятлари, ҳаракати, ҳиссиёти, тафаккури социал-аҳамиятли мазмун билан тўлдирилганлигига ва маданий шакл касб этганлигига қараб шахс сифатида қарор топади. Маданият индивидуал ва ижтимоий ҳаёт билан узлуксиз бирлик ташкил топган вақтларда мавжуд бўлади.

[1]Маънавият юлдузлари. — Тошкент: "Мерос", 1999, 68-бет.
[2]Ўша жойда.

Маданият кишиларга табиатдан берилмайди, ҳар бир индивид ўзининг шахсий тажрибаси асосида, мустақил равишда бевосита теварак-атрофдаги кишиларнинг, жамиятнинг ва ўтган авлодларнинг тўплаган тажрибаларини ўзлаштиради.

Индивидиум ижтимоий амалиёт маҳсули бўлган маданиятни ўзлаштириш билан бирга унга акс таъсир этади. Шахснинг шаклланиш жараёнида маданиятнинг моддий дунёси ҳам бойиб боради. Шунингдек, инсон маданият нормаларига амал қилган ҳолда нафақат табиатни ва жамиятни, балки, шахсий «табиати»ни ҳам ўзгартиради. Маданият шахснинг ички дунёси мазмунига, ‘‘иккинчи табиати’’га айланади.

Шахснинг маданият билан ўзаро муносабати ҳеч қачон тўлиқ ва уйғун бўла олмайди. Ижтимоий ва индивидуал ҳаёт, шунингдек, маданият стихияси бир-бири билан мос келмаслиги мумкин. Маданият доимо инсон билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва усиз яшай олмайди. Лекин воқеликнинг мураккаб, яхлит бирлиги сифатида у ўз ривожланиш қонунияти ва борлиққа нисбатан мустақилдир. У маданий меросни ўзида мужассамлаштирган аниқ ижтимоий гуруҳларнинг маънавий ҳаётига нисбатан бойроқ ва чуқуррокдир. Маданият доимо қадриятларнинг энг йирик захираси, тажрибалар хазинаси бўлиб қолади. Инсоният авлодлари ундан фойдаланадилар ва унга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, индивид билан маданият ўртасидаги муносабат мураккаб жараён ҳисобланади. Индивидни ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига имкон берувчи руҳий-ижтимоий ва маданий дунёқараши ижобий ва салбий қарашларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Инсонга ишчанлик, фидойилик, матонат, ўткир зеҳн билан бирга калтафаҳмлик, ялқовлик, шафқатсизлик, ўз манфаатларини тўғри тушуна олмаслик, ҳақиқий қадриятларни сохтасидан ажрата билмаслик иллатлари ҳам хосдир. Шунинг учун маданиятни нафақат қадрлаш ва сақлаш, балки танқидий ўрганиш талаб этилади.

Қайд этилган омиллар таъсирида муайян ишлаб чиқариш усули ҳукмронлиги шароитидаги тарихан таркиб топган ижтимоий ва маданий муҳитда жамият билан индивид ўртасида нисбатан ўзгарувчан мувозанат

бўлади. Бу мувозанатни ҳосил бўлишида маданиятнинг иштироки салмоқлидир. Маданият шахсга таъсир этади ва унинг психологик ҳолатини шакллантиради, шахснинг характерида ва дунёни билишида муқим ўрнашиб қолади.

Шахс маданият билан қуйидаги соҳаларда муносабатда бўлади:

биринчидан, маданият таъсир этиш объекти сифатида уни ўзлаштиради;

иккинчидан, маданий қадриятларни ташувчи ва ифодаловчиси сифатида конкрет маданий муҳитда фаолият кўрсатади;

учинчидан, маданий ижодиёт субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради.

Маданият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, унинг шахс ҳаётида тутган ўрни тўғрисидаги мулоҳазаларимизга хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, табиат стихияли қонуниятлар асосида ривожланиб борса, инсоннинг ички дунёси, яъни ички “табиати”ни шакллантириш мақсадли, йўналтирилган асосда ташкил этилиши мумкин. Бунда маданият инсониятга шундай имкониятни яратувчи муҳим воситалардан бири бўлади.

Маданиятшунослик фани тарих, фалсафа, социология, этнография, социал психология каби бир қатор фанларнинг кесишувида вужудга келган, янги социал–гуманитар фан ҳисобланади. Унинг изланиш объекти ижтимоий воқелик бўлган маданият ва инсон ҳаёти услубидир. Унда маданиятнинг вужудга келиши, ривожланиши, жамиятда амал қилиши билан боғлиқ масалалар, маданият қоидалари институтларининг, қадриятларнинг жамият ҳаёти ва ривожланишидаги ўрни, ўзаро алоқалари жараёнлари ўрганилади.

Абу Наср Форобий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб, жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда маданиятли жамиятнинг кўп масалалари — давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошқалар қамраб олинган.

Абу Наср Форобий “Ақл маънолари ҳақида” рисоласида, ақл бир томондан руҳий жараён, иккинчи томондан ташқи таъсир — таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради. Алломанинг фикрича, ақл фақат инсонгагина

хос бўлган туғма қувват — руҳий куч билан боғлиқ. Ўз навбатида у билиш ҳақидаги таълимотнинг мантиқ (*логика*) илмида муҳим ўрин тутади. “Мантиқ санъати кишига шундай қонунлар ҳақида маълумот берадики, бу қонунлар воситасида ақл чиниқади, инсон соғлом фикр юритишга ўрганади”[1]. Олимнинг фикрича мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати каби муштаракдир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради.

Абу Наср Форобий логикаси мусулмон Шарқидаги мантиққа оид фикрларнинг ривожига катта туртки берди. Унинг билиш, мантиқ, ақл ҳақидаги фикрлари инсон ҳақидаги таълимот учун хизмат қилади. Ақлга эга бўлиш, билимли, мантиқли бўлиш билан чегараланмай, у маълум ахлоқий принципларга, ахлоқий маданиятга эгалик билан якунланиши керак. Негаки ҳар бир даврда ахлоқ жамият маданияти деган мезон билан баҳоланар экан, маданиятли инсонни ахлоқсиз, эътиқодсиз, иймонсиз ва ақлсиз тасаввур қилиш қийин.

Юқоридаги фикрларнинг тўғрилигини Абу Наср Форобийнинг қуйидаги фикрларидан кўриш мумкин: “Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим”[2].

Фаннинг асосий масаласи — инсон, унинг табиати ва имкониятлари тўғрисидаги масаладир. Табиатнинг мавжудлик қонуни хилма-хил бўлганидек, инсоннинг ички табиати, яъни маданияти ҳам табиий муҳит, ижтимоий борлиқ ва тарихий даврлар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради. Бу ўзгариш фақат илгарилаб бориш, янги қадриятларнинг вужудга келишидангина иборат бўлиб қолмасдан, балки, бирон-бир соҳадаги бузилишлар, инқирозий

[1]Маънавият юлдузлари. Тошкен: “Мерос”, 1999, – 67-бет.
[2]Ўша жойда.

аломатларнинг кучайиши билан ҳам характерланиши мумкин. Ҳозирги даврда “Оммавий маданият” шиори остида ноахлоқий тасвирлар, ҳаракатларни тарғиб қилиниши ва уни маънавий ҳаётга ва бошқа соҳаларга салбий таъсири борлиги фикримизнинг далилидир.

“Маданиятшунослик” фани тарихий даврларни таҳлил қилишда билишнинг **уч босқичини** табиий бирликда олиб қарашга ҳаракат қилади:

а) даврнинг аниқ яхлит қиёфасини, яъни унинг бадиий образини яратишга интилади;

б) инсоният борлиғининг умумий динамикасида даврнинг маънавий ўрнини аниқлайди (*ижтимоий онг тарихида, фанда, санъат ва фалсафада ўрганилувчи даврга берилган баҳонинг эволюциясини ҳам ўз ичига олади*);

в) аниқ даврнинг “мазмуни”ни таҳлил қилади, яъни унинг ҳозирги давр тафаккурида қандай ўринга эга эканлигини, унинг муаммоларини бизга қандай таъсир этишини, бизга қайси томонлари билан яқинлигини, ҳозирги вазиятнинг қайси социал ва индивидуал камчиликлари унда фаоллаштирилганлигини кўрсатади.

Маданият типлари тарихий даврларга қараб ўзгариб туради. Шунинг учун “Маданиятшунослик” фани турли халқларнинг маданий ривожланиш тарихини жаҳон маданий тараққиётининг таркибий қисми сифатида ўрганиш билан бирга аниқ тарихий даврнинг ижтимоий тараққиётда тутган маънавий ривожланиш босқичлари, умумий қонуниятлари, ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрганади.

Маданиятшунослик талаба онгини турли тарихий даврлар маданиятлари ва социал гуруҳларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи тўғрисидаги билимлар билан бойитади. Тарихий ва гуманитар билимларни тартибга келтиради, ижтимоий турмуш воқеликларини ягона мазмун асосида англашга ёрдам беради. Кўплаб бетакрор ва мустақил маданиятлардан ташкил топган жаҳон цивилизациясининг бирлиги ва хилма-хиллигини кўрсатади. У кишиларнинг фуқаролик ва маънавий етукликка эришишларида, фикрлар ва қадриятлар плюрализмини кўра билишда, фан тараққиётини тўғри баҳолаш қобилиятини ҳосил қилишда муҳимдир.

Инсон энг олий даражадаги тарихий мавжудотдир. Инсон тарихий даврда, тарихий давр инсонда мужассам. Негаки, ҳар қандай даврнинг хусусият ва даражаси маданият ривожи билан ўлчанади.

“Маданиятшунослик” фани диққат марказида инсонда **зиёлилик** ҳиссини тарбиялаш вазифаси туради. “Киши қанчалик зиёли бўлса,— деганди академик Д.С.Лихачев,-у шунча кўп нарсани тушунади ва ўзлаштиради, унинг дунёқараши ва қабул қилиш доираси шунчалик кенгаяди. Кишининг маданий савияси қанчалик тор бўлса, у ҳамма янгиликларга ва “жуда қадим”га нисбатан шунчалик бефарқ бўлади, ўзининг эски одатлари билан яшайди. Дунёқараши тор бўлиб, ҳамма нарсага шубҳа билан қарайди. Ўтмишнинг маданий қадриятларини ва ўзга миллатлар маданиятларини билиш, уни сақлаш, кўпайтириш, эстетик қимматликларини қабул қила билишнинг ривожланиб бориши маданий тараққиётнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Инсоният маданияти ривожланиши тарихи бу нафақат янги, балки эски маданий қимматликларни излаб топиш тарихидир. Шунингдек, ўзга маданиятларни билиш, маълум маънода гуманизм тарихи билан қўшилиб кетади. Бу бошқа халқларга нисбатан ҳурмат, тўғри маънодаги бардошлилик, тинчлик тилаш демакдир”[1].

“Маданиятшунослик” фанининг муҳим вазифаларидан яна бири — бу кишида **ижодий қобилиятни** ривожлантиришдир. Маданият фақатгина моддий ва маънавий қимматликлар йиғиндисидан иборат эмас, балки ижодий фаолиятдир. Маданиятшунослик янги маълумотлар бериш билан бирга ёшларда маданият воқеликлари билан муносабатда бўлиш малакасини ҳосил қилади. Хилма-хил маълумотлар бериш билан бирга тингловчиларда илмий тафаккур ҳосил қилиш услублари узлуксизлиги, мантиқийликни шакллантиради.

Фаннинг **тарбиявий** функциясини татбиқ этилиши унинг билиш функцияси билан қўшиб ўрганилишини талаб этади. Тарихий даврлар маданиятини ўрганиш маданиятларни қарама-қарши қўйиш, уларга баҳо бериш,

[1] Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. — Москва, “Наука”, 1979, С. 159.

фарқ қилиш мақсадларига эмас, балки янгиликни ўрганиш, бошқа маданиятлар қимматликларидан баҳраманд бўлишига хизмат қилади. Бу вазифаларни бажаришда маданиятшунослик фани тарихий антропология-маданиятга яхлит феномен, дунё ва ҳаётни идрок этиш усули сифатида муносабатда бўлади.

Тарихий антропология-инсоншуносликнинг энг муҳим тушунчаларидан бири — бу **менталитет**дир. ”Менталитет”— бу маданиятга тааллуқли бўлган кишиларда у ёки бошқа муҳитнинг муайян “ақлий воситалар йиғиндиси”, “психологик мослашув”ларнинг мавжудлигини билдиради. Улар инсонда ўзгаришларни, табиий ва ижтимоий борлиқни мустақил қабул қилиши ва идрок этишига шарт–шароитлар яратади. Бетартиб, узуқ-юлуқ тушунчалар ва таъсирлар тафаккур орқали қайта ишланади, нисбатан тартибли дунё манзарасига айланади. Бу манзара инсон хатти-ҳаракатида ўчмас из қолдиради. Бир ижтимоий ва маданий умумийликка тегишли бўлган, тарихий жараённинг субъектив томони ҳисобланувчи идрок ва ҳис қилиш услублари тарихнинг объектив жараёнига қўшилади. Яъни кишилар фаолиятини этика, эстетика меъёрлари асосида тартибга солиш вазифасини бажаради.

Маданият **аксиологик** вазифани ҳам бажаради, яъни кишилар томонидан моддий ва маънавий, эстетик, ахлоқий қадриятларни эгаллашга, ёмондан яхшини, беъмани, хунук иллатлардан доно, гўзал хислатларни ажрата билишга кўмаклашади.

Маданият инсонни жисмоний, ақлий чарчашдан ёки тушкунлик ҳолатидан олиб чиқиб, дам олиш орқали уни ижодкорликка ундовчи восита ҳам ҳисобланади.

Ҳозирги замон “Маданиятшунослик” фани “маданият”нинг турли соҳалари борлигини, булар бир-бирига алоқадорлигини:

а) индивидуал — шахс маданияти;

б) гуруҳий маданият — миллий, табақавий, касбий, оилавий;

в) минтақа маданияти;

г) қитъа маданияти;

с) инсоният маданияти.

Маданиятни қўлланиш жиҳатидан **турларга** бўлиш мунозарали бўлса-да, биз уларнинг мавжудлигини инкор қила олмаймиз. Маданият ижтимоий тараққиётларнинг тафовутларини йўқотмайди, аксинча, унинг хилма-хиллигини янада кенгайтиради. Шунинг учун уларни тобора чуқурроқ ўрганиш маданият тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайиб боришига хизмат қилади.

Маданият тушунчаси қўлланиш жиҳатидан хилма-хил бўлгани каби, кундалик ҳаётда (*оддий онг*) ва фанда ҳам турли мазмун касб этади. Биз "муомала маданияти", "меҳнат маданияти", "иқтисодий маданият", "сиёсий маданият", "ҳуқуқий маданият" каби иборалардан фойдаланамиз ва уларга кўникиб қолганмиз. Кундалик ҳаётда маданиятдан воқеликни баҳолаш тушунчаси сифатида ва шахснинг маълумотлилиги, хушмуомалалиги, озодалиги, вазминлиги каби хусусиятлари билан боғлаб тушунтириш одатга айланган.

"Маданиятли киши" тушунчасига қўшиб ишлатилувчи сифатлар жуда кенг бўлиб, уни қўллаш жамиятнинг умумий маданий даражаси ва шахснинг социал статусига боғлиқдир. Ҳозирги даврда "ишлаб чиқариш маданияти", "хизмат кўрсатиш маданияти", "дам олиш маданияти" тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу иборалардаги"маданият" орқали ижтимоий институтларнинг самарали фаолият кўрсатишлари тушунилади.

Баъзан маданият тўғрисидаги тасаввурлар шаҳарлар турмуш тарзи, театрлар ва кутубхоналарга тез-тез бориб туриш,"маданий" кишилар билан дўстлашиш ва чиройли нарсалар билан боғлиқ деб фикр қилинади. Газеталарда, статистик маълумотларда "иқтисод ва маданият", "фан ва маданият", "сиёсат ва маданият" каби иборалар кўп ишлатилади. Бунда маданият маънавий устқурма ёки ахлоқ ва санъат соҳалари билан чекланиб қолади.

Илмий нуқтаи назардан иқтисодни, сиёсатни ва фанни маданиятдан ташқари турувчи соҳа деб ҳисоблаш ҳақиқатдан йироқ. Шунингдек, классик қадриятлар ва санъатнинг буюк намуналари, идеал ва юксак интилишлар маданиятга тааллуқли соҳалар бўлиб, оддий, кундалик нарсалар унга ёт деган фикрлар ҳам асоссиздир. Кундалик ҳаётда маданиятга фақат қадриятлар

йиғиндиси сифатида қаралиши ҳам тўғри эмас, чунки, маданиятда инсониятга зарарли бўлган, эскилик қолдиқлари, тўлиқ текшириб кўрилмаган “янгиликлар” каби салбий нарсалар ҳам ўзлаштирилиши мумкин.

Кундалик ҳаётда ва фанда маданият атамасидан фойдаланиш тўғрисидаги мулоҳазаларни хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, маданият энг кенг маънода инсонни ўраб турган табиатдан, ижтимоий муносабатлардан ва бевосита ўзида стихияли равишда вужудга келган тайёр маълумотлардан фойдаланишни, онгли равишда ажратиб олишни тақозо этади. Маданият табиатдан фарқ қилади, анъаналар, рамзлар, тил, бевосита тақлид қилиш ва амалий ўрганиш орқали авлоддан-авлодга сингдирилади. Маданият шахс томонидан, унинг социал жиҳатдан шаклланиши жараёнида ўзлаштирилади ва асосан, кенг тарқалган ва кўпчилик қабул қилган ахлоқ, тафаккур ва ҳис қилишнинг парчаларидан ташкил топади. Индивидуал ҳаракатларнинг ҳиссаси бунда жуда кам.

Маданиятли бўлиш инсон онгини ўстиришни ҳам билдиради. **Биринчидан,** у жуда кенг бўлиб кишилар фаолиятининг барча услубларини, ижтимоий ҳаётнинг барча шаклларини ўз ичига олади. **Иккинчидан,** кундалик ҳаётда ҳиссий безаб кўрсатилган ва қимматли жиҳатларга урғу берилган тасаввурлардан фарқ қилиб, фанда тавсифий таъриф бериш билан чекланади.

Онгда маданиятни тушуниш бевосита унда амалий иштирок этиш билан боғлиқдир. Инсон маданий воқеликларга бефарқ муносабатда бўла олмайди. Унинг қадриятларга муносабати ва ҳиссий эмоционал тасаввурлари болалик даврида тўплаган тажрибасидан бошланади ва кишининг жамиятда тутган ўрни, ёши ва мавқеига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан одам боласи ўзига бегона бўлган урф-одатлар ва хатти-ҳаракатларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Хусусан, ҳозирги глобаллашув даврида Ғарбдан кириб келаётган сохта “маданият”- йигитларнинг зирак тақиб, бўйнига тилла занжир осиши, қизларнинг эркакча ва ярим яланғоч кийиниши, сурбетлик бизга бегонадир.

Фан эса маданиятни тадқиқ этишда бевосита умумий аҳамиятга эга бўлган, объектив ҳақиқатга мос **тушунчалар**дан фойдаланиши керак. Бу тушунчалар қуйидагилардир:

- **Қадрият** (*аксиологик*) ўлчови асосидаги таъриф. Бунда маданият инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий қимматликларнинг йиғиндисидан иборат, деб талқин этилади. Маданият инсон фаолиятидан ташқарида мавжуд эмас. Баҳолаш қадрият нуқтаи назаридан воқеликни таҳлил қилиш фаолиятининг табиий ва зарур бўлган шартидир.

- Маданият нимада намоён бўлишидан қатъи назар, муайян қадрият, маънавий неъматдир. Маданият тушунчаси тараққиёт, тарих, инсон, инсонпарварлик каби категориялар билан бир қаторда туради. Инсоннинг фаолият натижаси, муайян қадриятларга эга бўлган воқелик предметли аксиологик таърифнинг негизини ташкил этади. У кишиларнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ақлий фаолиятини қамраб олади. Бу таъриф камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. У воқеликни яхлит идрок этишга, натижаларни механик ҳисобга олишга асосланган. Бундай ёндашув воқеликка субъектив баҳо беришга имконият яратади. Аксиологик ёндашув доирасида маданият фаолият натижаси — ўтмишга айланиб қолиб, ҳозирги замон билан табиий алоқалар бузилиши мумкин. Қадрий ёндашувнинг заиф томонларини кўрсатиш бошқа даврга хос бўлган қимматликлар тизимидан воз кечишни англатмайди.

- Маданиятни **“фаолият”** тушунчаси асосида таърифлаш. Маданиятнинг умумий табиатини идрок этишга қилинган ҳаракат туфайли маданиятни кишиларнинг ижодий фаолияти жараёни сифатида тушуниш вужудга келади. Фаолият категорияси ўрганиш объекти инсон бўлган фанлар ҳаракатини интеграциялаш учун қулай имконият яратади. Маданиятни ижодий фаолият ва инсон фаолиятининг ўзига хос услуби сифатида таърифлаш концепцияси бир қатор муҳим масалаларда бир-бирини тўлдиради.

- Жамият нафақат қайта қуришга, балки анъаналарни, маданий ёдгорликларни сақлаб қолишга ҳам муҳтождир. Жамиятнинг амалий ва назарий, моддий ва маънавий каби ҳар қандай фаолияти ижодий соҳа билан

бирга ўзида фаолият кўрсатиш ва маданиятнинг ўзлаштириш аспектларини мужассамлаштиради. Ижодий фаолият кўлами қанча катта бўлса, маданиятнинг ишлаб туриш функцияси ва келгуси авлодларга етказиб бериш учун зарур бўлган фаолият кўлами шунча кенг бўлади. Фаолият мақсадли йўналтирилган активликдир.

Инсон қанчалик фаол ҳаракат қилса, шунчалик маданиятнинг “чегаралари” йўқолиб боради. Бу чегаралар вақт, макон ва қиммат ўлчовларига эга. Фақат белгиланган вақт интервалидагина инсон фаолияти натижаларини тўғри тасаввур қилиш ва уларни режалаштириш мумкин. Фаолият натижаси бошланишдан қанчалик йироқ бўлса, унинг маданиятга муносабати шунчалик ноаниқлашиб боради. Маконда ва қиймат чегараларида ҳам худди шундай хусусиятлар мавжуд.Интенсив (*шиддатли*) фаолият чегараларни кенгайтиради, лекин бунда вужудга келувчи воқеликлар мавжуд маданият учун бегона ва хатарли бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, ушбу ёндашувга хос бўлган маданиятнинг тирик асосидан фалсафий абстракция (*нарсани унинг конкрет хусусиятлари ва аломатларидан фикран айириб қараш*)лар дунёсига ўтишга интилиши, ҳозирги даврга хос бўлган технократик тафаккур таъсирини кучайишига олиб келади. Ушбу таърифнинг кучли томонлари мавжудлигига қарамасдан, амалда у тарихий-маданий изланишлардан йироқ бўлиб қолмоқда.

- **Информацион** таъриф маданиятни “барча ирсий бўлмаган информациялар йиғиндиси”, уни ташкил этиш ва сақлаш услублари сифатида таърифлаб, маданият информациялар омбори эмас, у ниҳоятда мураккаб механизм бўлиб, у информацияни доимий равишда энг фойдали ва қулай услубларни ишлаб чиққан ҳолда сақлайди, янги информацияларни қабул қилади, қайта маълумотларга айлантиради, уларни белгиларини бир тизимдан бошқасига ўтказади, деб изоҳлайди.

- “Барча ирсий бўлмаган информациялар йиғиндиси” деганда биз хотирани тушунишимиз мумкин. Чунки, хотира механик мазмунга эга эмас, балки ижодий жараён ҳисобланади. Хотиранинг энг муҳим маънавий аҳамияти шундаки, у вақт тўсиғини енгади ва ўлимга қарши туради. Умумий

хусусиятларга мувофиқ биз маданиятни хотира билан қиёслашимиз мумкин. Бунда биз алоҳида олинган шахснинг хотирасини эмас, балки жамият хотирасини назарда тутамиз.

• Ю.М.Лотманнинг фикрича, бир қатор қоидалар, чеклашлар сифатида намоён бўлувчи ташкилий вазият маданиятни белгиловчи хусусият ҳисобланади. К.Леви-Строснинг фикрига кўра, "қаерда тартиб-қоида бўлса, шу ерда маданият бошланади. Инсон табиатидаги барча умумийлик табиатга тегишли бўлади ва стихияли автоматизм билан характерланади, мажбурлаш нормалари билан белгиланувчи сифатлар маданият соҳасига тегишли бўлиб, ўзида нисбийлик ва хусусийликни мужассамлаштиради"[1].

Ю.М.Лотман таъкидлайдики, "маданият энтропияси"уни информацияга айлантиришнинг энг мукаммал механизмидир. Бу механизм информацияни сақлаши ва узатиши билан бирга унинг кўламларини кенгайтиради. Ўз-ўзини доимий равишда мукаммаллаштириши ва ривожлантириб бориши унинг қонунидир. Шунинг учун маданият бир вақтда ҳам стабиллик ҳам динамизм хусусиятларини намойиш қилиши керак. Шу маънода маданият тирик организм ва санъат асарларига хос бўлган хусусиятларига эга. Маданиятни инсоният томонидан яратилган маънавий неъматлар сифатида қабул қилишимиз лозим.

Америкалик маданиятшунос олим Эдуард Тайлор (1932-1917) ўзининг "Первобытная культура" (1871) асарида: **"Маданият кенг маънода кишининг жамият аъзоси сифатида ўзлаштирган билими, эътиқоди, санъати, ахлоқ-одоби, қонун-қоидалари ва бошқа бир қатор қобилиятлари ва одатлари йиғиндисидан ташкил топади"[2],—** деб таъриф берганди.

1.3. Маданият ва цивилизация

"Маданиятшунослик" фани талабаларга жаҳон маданияти ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон маданиятини ривожланиш тарихи, хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги муаммолари ва истиқболлари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларни бериш билан бирга уларни миллий маданиятга

[1] Лотман Ю.М. Статьи по типологии культуры. — Москва, Тарту, 1970. С. 7.
[2] Тайлор Э.Б. Первобытная культура. Москва, "Политиздат", 1989, С. 57.

ва ўзга миллатлар маданиятларига, қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялашда, маданий ёдгорликларига ижобий муносабатда бўлишларида, маънавий жиҳатдан ривожланишларида кўмаклашади.

Файласуф ва маданиятшунос В.М.Розин ибораси билан айтганда “қанча йирик маданиятшунос бўлса, шунча назариялар, тушунчалар мавжуд”[1]. Дарҳақиқат, Э.Б.Тайлор замонида маданиятнинг 7 та таърифи берилган бўлса, 1950 йилларда унинг сони 150 тага, ҳозирги кунда эса 800 тага етди. Бу таърифлар умумлаштирилса, “маданият” сўзининг мазмунини қуйидагича тушуниш мумкин:

1. **Маданият—** узоқ тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, осори-атиқалар йиғиндиси.

2. **Маданият** - у ёки бу жамиятга хос фалсафий қарашлар, илм, фан, маориф, санъат, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маиший хизмат кўрсатиш даражасини акс эттирувчи омиллар, ижтимоий тараққиёт даражаси.

3. **Маданият** - умуминсоний ҳодиса. Фақат бир халққа тегишли, бир халқнинг ўзигина яратган соф маданият бўлмайди. Ҳар бир миллий маданиятнинг асосий қисмини шу миллатнинг ўзи яратган бўлса-да, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний маданиятнинг улуши, таъсири бўлиши табиий ҳол. **Маданият аҳолининг бирон табақаси ёки синфига эмас, барчага баробар хизмат қилади.** Масалан, санъат ва адабиёт дурдоналари, меъморлик ёдгорликлари, фан-техника ютуқлари ва бошқалар барчага тегишлидир.

4. **Маданият**- инсонлар ҳаётида, жамият ривожида шаклланган миллий, умуминсоний қадриятлар мажмуи.

5. **Маданият** - ҳар бир кишининг тарбияланганлиги, инсонийлик фазилатлари ва ижодий фаолиятининг ифодасидир.

Демак, маданият инсоннинг фаолияти, унинг натижасида яратилган моддий ва маънавий неъматлар, фазилатлар, қадриятлар бўлиб, ўз навбатида шахснинг шаклланиш ва камол топишда муҳим омил ҳисобланган ижтимоий ходисадир.

[1] Розин В.М. Культурология. Учебник. –Москва, “Форум”, 1998, С-49.

Маданиятнинг тилга, динга, анъаналарга, қадриятларга, иқтисодиётга яқинлигини инобатга олиб, миллий, минтақавий, даврий жиҳатдан бир неча турларга бўлиш одати кенг тарқалган. Миллий маданиятда тил асосий восита сифатида олинса, минтақавий маданиятда диний, ахлоқий, бадиий, моддий, географик яқинлик, умумийлик назарда тутилади. Маданиятни ирқий омилни назарда тутган ҳолда бўлиш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, француз файласуфи Ж.Гобино жамият, маданият, дин, тил тўлалигича ирқий жиҳатлар, табиий шароит билан боғлиқ деб тушунтиради ва Европа маданиятини негроид маданиятдан устун деб ҳисоблайдики, бу албатта ноилмий қарашдир.

XX асрнинг иккинчи ярмида айрим мутахассислар жамият ва маданият соҳасида юз берган айрим салбий ўзгаришларни тушунтириш учун контркультура, субкультура тушунчаларини қўллай бошладилар. Контркультура деганда бир гуруҳ ёшларнинг ғарб мамлакатлардаги расмий қадриятларига қарши ғоявий-сиёсий, бадиий қарашлари, идеаллари тушунилади. Ёшларнинг бундай чиқишлари сўл радикалчилик, анархистик, экстремистик кўринишларда намоён бўлмоқда. Субкультура деганда жамиятдаги турли табақалар, гуруҳларга хос маданий жиҳатлар ҳисобга олинади.

Шаҳар маданияти, қишлоқ маданияти, касб маданияти, улар ўртасидаги фарқлар ҳақида ҳам гапирилади. Буларнинг ҳаммаси маданиятнинг мураккаб таркибий тизимдан иборат эканлигини кўрсатади.

“Маданиятшунослик” фанини ўрганишда маданият сўзининг маъно-мазмунини билиш, идрок қила олиш муҳим ўринга эга. Маданият сўзи арабча Мадина (*шаҳар*) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий (*саҳройи*) турмуш, иккинчисини маданий турмуш деб бўлганлар. Маданийлик шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган аҳолига, масалан, Мадина шаҳрида яшаганларга нисбатан ишлатилган.

Мадина - сўзининг тўлиқ арабча мазмуни - Мадинат-ул-Расулуллоҳ, яъни пайғамбар шаҳридир. У ўзининг ободонлиги, кўркамлиги билан Арабистондаги аҳоли яшайдиган бошқа манзилгоҳлардан ажралиб турар эди. Шунингдек,

Мадинаи–мунавара Маккадан кейин мусулмонлар зиёрат қиладиган энг йирик шаҳар ҳисобланади. Шу тариқа маданият сўзи бизнинг ўлкамизга Мадина шаҳри номи, ислом дини билан боғлиқ тарзда кириб келган.

Маданият тўғрисидаги дастлабки назарий тасаввурлар цивилизациянинг илк босқичларида пайдо бўлиб, дунёнинг мифологик суратида мустаҳкамланган эди. Антик даврдаёқ инсонлар ҳайвонлардан фарқланишини билганлар ва табиат дунёсини инсоният дунёсидан ажратадиган қирра борлигини тушуниб етганлар. Кейинчалик бу фарқни "маданият" (*"культура)*деб атайдилар.

"Маданият" (*"culture"*) **—** лотинча сўз бўлиб, Рим антик даврида пайдо бўлган. Бу сўз **"colere"** феълидан келиб чиқиб, *"ишлов бериш", "қайта ишлаш", "парвариш қилиш"* деган маънони билдирган. Бу маънода уни "De agri cultura"! асарини ёзган Рим сиёсатдони Марк Порций Катон (мил. ав. 234-149) ишлатган эди. Бугунги кунда ҳам ўсимликларга ишлов бериш ҳақида гап кетганда, «картошка культивацияси» ёки экин нави ҳақида маданий навлар (маданий ўсимлик нави маъносида) деймиз. Деҳқонга ёрдам берувчи машиналар орасида эса «культиватор» дегани ҳам бор.

Бироқ, маданият ҳақидаги дастлабки илмий тасаввурларнинг шаклланиши Рим нотиғи (*оратор*) ва файласуфи Марк Туллий Цицероннинг (мил. ав. 106-43) "Тускуладаги суҳбатлар" асарида илк бор намоён бўлган. Мил. ав. 45 йилда ёзилган ушбу асарда М.Т. Цицерон агрономик атама "культура"ни бошқа, метафора маъносида қўллаган. Инсон ҳаёт фаолиятини, ҳаётнинг биологик шаклларидан фарқини таъкидлаган ҳолда, у "культура" сўзи билан табиат эмас, инсон томонидан яратилган, табиат яратган дунёдан фарқли барча нарсани "культура" атамаси билан аташни таклиф қилди. Шу тариқа "культура"бошқа бир лотинча тушунча **—** "натура" (*табиат*) га қарама-қарши қўйилди.

Орадан вақт ўтиб, бу сўз билан инсон фаолияти предметларини ва уларни ярата олувчи инсон фазилатларини атай бошладилар. Шу даврдан бошлаб маданият дунёси табиий кучлар фаолияти натижаси эмас, балки инсоннинг

бевосита табиат яратган нарсаларини қайта ишлаш ва ўзгартиришга қаратилган фаолиятининг натижаси сифатида қабул қилинмоқда.

Бироқ бунда маданият (*культура*) — илгаригидек,ерга ишлов бериш маъносини ҳам билдирган. Фақат эндиликда ишлов бериш ва қайта ишлашнинг объекти нафақат ер, балки инсон ҳам бўла олади деб ҳисобланган. М.Т. Цицероннинг фикрича, инсоннинг руҳи, ақл-фаросатига ҳам деҳқон ерга ишлов бергани каби ишлов бериш керак. Айнан ”ақл-фаросатга”ишлов бериш, инсонда тафаккур қобилиятларини ривожлантириш, эркин фуқаронинг ҳақиқий бурчи, жисмоний меҳнат - ерга ишлов бериш эса қуллар ва қуйи табақаларнинг иши.

М.Т. Цицерон маданиятни шахс ва давлат яхлитлиги сифатида англаган ва у маданиятнинг маъноси инсонда жамият ва давлатга нисбатан ўз бурчини аниқ англаётган идеал фуқаро бўлиш эҳтиёжини тарбиялашдан иборат деб ҳисоблаган. Ушбу тасаввурни бошқа антик давр муаллифлари ҳам илгари суришган.

Маданиятнинг антик даврдаги тушунилиши - инсонпарвар, унинг негизида инсон идеали ётган, яъни ўз полиси қонунларига барча фуқаролик қонунларини бўйсундирган, барча фуқаролик мажбуриятларини бажараётган, уни душмандан ҳимоя қилаётган инсон-жангчи, инсон - гўзалликдан завқ олувчидир. Айнан шунда маданиятнинг мақсади мужассам эди: яъни инсонда ақлли фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, гўзалликни ҳис этиш туйғусини шакллантириш, фуқаролик ва хусусий ишларда адолат туйғусига эга бўлишга имкон беради.

Қадимги Грецияда тарбия ва таълим тизими “пайдейя” деб аталган. Унинг мақсади бирон-бир соҳада касб мутахассисини тайёрлаш эмас, балки инсонни шахс сифатида шакллантириш ҳисобланарди. Бунда инсон табиат билан яхлитлик ҳиссини йўқотмаган, бу эса космос - универсал дунё тартиботига мувофиқлик деб тушуниларди. Бу тартибот негизида табиатда ҳам, жамиятда ҳам мавжуд қонунлар ётарди. Шундай қилиб, маданиятли инсон ўз ҳаётини мазкур тартиботнинг табиий давоми деб тушунарди.

Бундай ҳолатни инсон бузилмас деб ҳисоблаб, бу тартибни худолар қўриқлаётганига ишонарди. Шунинг учун “культура” тушунчасига мажбурий элемент бўлиб “эътиқод”ҳам кирарди. Яъни,“культура” сўзи нафақат ”ишлов бериш”, балки “худоларга эътиқод қўйиш”ни ҳам билдирган. Антик давр худолари - бу инсон қиёфасидаги табиий стихиялардир. Юнонлар тасаввурида Ер - маъбуда Гея, ерга ишлов бериш эса айни пайтда Геяга эътиқод қўйишни ҳам билдиради.

Эллинизм, кейинчалик Рим империяси даврида маданиятнинг олдинги идеаллари барбод бўлади. Ижтимоий ва сиёсий беқарорлик шароитларида инсоннинг бошқа фазилярлари қадрлана бошланди. Файласуф–стоиклар ва эпикурчилар инсонда скептик (ҳар *нарсага ишончсизлик билан қаровчи*), тақдирга ишонишни тарбиялашни таклиф қилдилар. Христианлик (*насронийлик*)нинг вужудга келиши инсонга эътиқод бериб, маданият ҳақидаги ўрта аср тасаввурларини вужудга келтирди.

Маданиятшунос олимлардан Н.Бердяев ва В.Розинлар культурология сўзини “**культ**” яъни диний ибодат, худога сиғиниш сўзидан келиб чиққан дейишганиди.

Политеизм, мушриклик, маъжусийлик билан узоқ курашиш ўрта аср насронийлигига ва маданиятига ўзига хос тус бағишлади. Ўрта асрларда христианлик раҳнамолари антик маданиятдаги кўпхудоликни инкор қилишга қарамай антик маданиятнинг кўплаб ютуқларини сақлаб қолди ҳам. Бунда улар политейзм *(бир вақтда кўп худога топинишлик*)га, монотеизм (*худони битта деб билувчидан*)ни, нарсалар дунёсига — маънавиятни, гедонизм (*ҳиссий завқ олишга интилиш*)га — аскетизм (*таркидунё қилиш, зохидлик*)ни,дунёни ақл ёрдамида идрок қилишга — Инжилга таянадиган китоб билимини қарама-қарши қўйди.

Ўрта асрларда Худо - дунё яратувчиси, якка-ю ягона ҳақиқий реаллик, табиатдан юқори турувчи ва табиат яратувчиси деб ҳисобланди. Дунё мазмуни эндиликда Худонинг яратганларидан иборат, дунёнинг ўзи эса абадий ҳаётга нисбатан ўткинчи олам, самовий мавжудотлар мангу ҳаёт рамзлари

ҳисобланди. Ой - черков рамзи, Шамол Муқаддас Руҳ рамзи. Инсоннинг вазифаси эса бу китобни ўқий олиш ва тушунишдан иборат эди. Бунда маданиятнинг вазифаси инсоннинг қобилиятига ишлов беришдир.

Антик даврдагига кўра ўрта асрларда маданиятнинг мақсадлари ўзгарди. Агар антик даврда идеал фуқарони тарбиялашга барча кучлар қаратилган бўлса, ўрта асрларда ҳаётда ташқи таянч излаш, бировга суяниш, инсоннинг заифлиги ва такомиллашмагани туфайли ёрдам олиш эҳтиёжини тарбиялаш биринчи ўринга қўйилди. Бунинг учун эса ақл-идрок талаб қилинмасди, фақат эътиқод (*ишонч*), умид ва муҳаббат керак эди. Бу сифатлардан инсон ҳаёт кучини топарди. Ҳаётнинг мақсади эса ўз-ўзини англаш эмас, балки Худони билишдан иборат бўлиб қолди.

Ўрта асрларда тарих ва маданият тараққиёти тушунчаси пайдо бўлиб, бу тараққиётнинг мезони маданиятнинг олий ахлоқий қадриятларга мослиги ҳисобланади. Ҳар қандай халқнинг маданияти универсал ҳисобланмиш насронийликнинг ахлоқий қадриятларига мослиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, баҳоланарди. Бу эса европоцентризмни вужудга келтирди. Европоцентризм Европани дунё цивилизациясининг бешиги деб ҳисоблади.

Освальд Шпенглер (1880-1936) 8, Н.Я.Данилевский (XIX аср) 10, Арнолд Жозеф Тойнби (1889-1975) 20 га яқин цивилизацияларни бир нечта маданият турлари билан кўрсатиб ўтгандилар. Уларнинг назариялари ўзининг оригиналлиги, ҳақиқатга яқинлиги, машҳурлиги ва таниқлилиги билан ажралиб туради.

О.Шпенглер ғоялари "Закат Европы" (“Европа қуёшининг ботиши”, 1918-22) асаридан сўнг мутахассислар орасида машҳур бўлиб кетди. Н.Я.Данилевский ғоялари ҳам О.Шпенглерникига яқин бўлса-да,у олимга машҳурлик олиб келмади. Сабаби, Н.Я.Данилевский ўз қарашларини О.Шпенглерга нисбатан 50 йил аввал баён қилган бўлиб, бу даврда Европа интеллегенциясининг онги, дунёқараши ҳали бу ғояларни қабул қилишга тайёр эмас эди.Шунга қарамай Н.Я.Данилевский назарияси ҳам интеллегентлар томонидан эътиборсиз қолмади. Олимнинг "Россия и Европа" (1869) асари чоп

этилгандан сўнг айрим мутафаккирлар асарга нисбатан ижобий, айримлари эса танқидий фикр билдиришди.

Н.Я.Данилевский назариясининг бошланғич принципи мустақил маданий-тарихий турларни ўрганиш давомида уларни биологик организмга ўхшатиш ва бу ўхшатиш орқали маданий-тарихий турларнинг ривожланганлик даражасини кузатишдир. Яъни, маданий-тарихий турлар тирик организм каби ҳамиша бир-бирлари ва атроф-муҳит билан ўзаро курашда бўладилар; биологик турлар каби улар ҳам олдиндан белгиланган кучга тўлиш, қариш ва ўлиш каби босқичларни босиб ўтадилар.

Н.Я.Данилевскийнинг фикрича, тарихнинг ҳаёт йўли - бу маданий-тарихий турларнинг ўзаро курашиб, бир-бирларини сиқиб чиқаришдан иборат бўлган йўлдир. Тадқиқотчи қуйидаги тарихий-маданий турларни ёки бошқача айтганда, илк цивилизацияларни ажратиб кўрсатади; 1. Миср; 2. Хитой; 3. Вавилон (Бобил); 4. Ҳинд; 5. Эрон; 6. Европа; 7. Грек; 8.Рим; 9. Араб; 10. Герман-роман ёки Европа дейиш ҳам мумкин. Бу асосий тарихий-маданий ёки илк цивилизация турларига Н.Я.Данилевский яна иккита америкача турларни ҳам қўшади. Булар: Мексика ва Перу тарихий-маданий турлари ёки илк цивилизациялари. Охирги икки маданиятнинг тугатилиши XVI-асрга келиб мажбурий равишда амалга оширилган (*Америкага испан,португал босқинчилари кириб келиши сабаб бўлган*).

Цивилизация шароитида маданият ривожланишнинг юқори поғонасига кўтарилади, натижада янгидан-янги моддий ва маънавий маданият қадриятлари яратилади. Ҳозирда бу тушунча:

1. Ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичи;

2. Умуман, кишилик жамияти ривожланишининг маълум бир босқичи (*масалан, неолит даври, капиталистик ёки ҳозирги замон*) цивилизацияси;

3. Маълум бир ижтимоий-иқтисодий тараққиёт: антик, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр цивилизацияси;

4. География жиҳатдан фарқланувчи ҳудудлар (*масалан, Европа, Осиё, Ўрта Ер денгиз бўйи ёки Яқин Шарқ)* цивилизацияси;

5. Диний мансублиги билан фарқланувчи маданий бирликлар (*христиан ёки ислом*) цивилизацияси;

6. Этник мансублигига кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий бирликлар (ара*б ёки ҳинд)* цивилизацияси;

7. Макон ва замонда чекланган жамиятларни (*қадимги Миср ёки Вавилон цивилизацияси*) ва шу каби маъноларни ифодалаш учун қўлланилади.

8. Келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра ажралувчи бирликлар (*ер цивилизацияси ва ердан ташқари*) цивилизациялари ва ҳоказо.

Цивилизация тушунчасидан ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини ифодалашда фойдаланиш ўринли. Чунки, бу маънода ишлатилганда, цивилизация тушунчаси кишилик жамияти ривожланишининг ибтидоий ҳолатдан кейинги даврдаги бутун ҳолатини тўлалигича қамраб олади. Варварликдан цивилизацияга ўтиш ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши, товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиши, савдо-сотиқнинг, ёзувнинг пайдо бўлиши, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бир-биридан ажралиши, сиёсий ҳокимиятнинг қарор топиши каби хусусиятлар билан характерланади. “Европа қуёшининг ботиши” асарида немис файласуфи О.Шпенглер уни маданиятнинг антиподи маъносида, яъни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёнини, босқичини характерлаш учун ишлатади.

О.Шпенглер учун цивилизация - бу ижодиёт, илҳомланиш, ривож, маънавий бойиш даври ўрнига жамиятнинг тош қотиши, ижоднинг танг ҳолатга келиши, маънавий бўшлиқ даври билан алмашинувидир. Цивилизацияга бундай қараш диалектика “инкорни-инкор” қонуни татбиқ қилинишига мос келмайди.

Н.Бердяев цивилизация ва маданият ҳодисасига хронологик ёндашиб, “улар даврлар алмашинуви натижасида юзага келади”, деб О.Шпенглер назариясини хато сифатида кўрсатади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, инсонпарвар-гуманист А.Швейцер маданият ва цивилизация ўртасидаги фарқни шартли, деб кўрсатиб ўтади. Унинг ва О.Шпенглернинг фикрлари битта жараённи ифодалаши учун француз тадқиқотчилари “цивилизация”, немис тадқиқотчилари “маданият” атамасини ишлатишади. Масалан, француз тарих мактаби намоёндалари “цивилизация” иборасини ишлатишса-да, аслида маданият тушунчаси ва жараёнларини назарда тутишади. Эдуард Тайлор эса ўз асарларида маданиятни цивилизацияга тенглаштириб қўйган.

Айрим тадқиқотчилар нуқтаи назарича, цивилизация -бу инсонларнинг табиий ҳаётни издан чиқаришдир -Инсон табиатга таъсир кўрсатиб, ўзига қулайлик яратади. Гоҳида цивилизация табиатга зарар етказиши ва табиат инсонга қарши чиқиши ҳам мумкин. Маданият эса инсоннинг ички олами, унинг маънавий бойлиги бўлиб, кишининг қай даражада ривожланганлигини кўрсатиб беради.

Кўпгина адабиётларда цивилизация қандай поғонага кўтарилганини ҳисобланиши аниқ кўрсатилмаган. Лекин цивилизация белгилари сифатида қуйидагиларни айтиши мумкин:

1. Ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилганлиги;

2. Ёзув маданиятининг пайдо бўлганлиги;

3. Жамоаларда ортиқча бойликнинг, яъни социал табақа ва синфларнинг пайдо бўлиши;

3. Шаҳарлар ва шаҳар маданиятининг пайдо бўлганлиги;

4. Давлатнинг пайдо бўлиши;

5. Оламдаги нарса ва ҳодисаларни билиш бўйича турли фанларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши;

6. Инсон қадр-қиммати маълум бир даражага кўтарилган бўлиши.

Каннибализм (*ваҳшийлик*) ва инсонни қурбонликка келтириш мавжуд бўлган, шунингдек, инсон қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқи мавжуд бўлмаган жамиятлар цивилизация даражасига етган ҳисобланмайди. Албатта, замонавий цивилизацияларда айрим ҳолларда учраб турадиган инсонни қурбон қилиш,

қонли маросимлар ўтказиш жиноят ва руҳий касалликлар белгиси ҳисобланади. Бундай варварлик ҳолатлари цивилизация мавжудлигида ҳам учрайди ва бутун инсоният томонидан қораланади.

Цивилизация бу аввало маданият ютуқларидир. Бир маданият бир нечта династия ва давлатлардан узоқ яшаши мумкин. Ўз навбатида, бир цивилизациянинг ўзи ҳам шунчалик узоқ умр кўрадики, умри давомида бир-бирини босиб олган турли давлатларни "кўриш" имкониятига эга бўлади. Цивилизация турли ҳудудларга тарқалиши, уларни босиб олиши (гоҳо *куч ишлатиш йўли билан*), янги-янги халқ ва давлатларни эгаллаши мумкин. Шунингдек, цивилизация ўз маданий қадрият ва ютуқларини бошқа бир цивилизацияга бериб, ўзи йўқолиб кетиши ҳам мумкин.

Айрим ҳолларда бир нечта цивилизациялар бирлашиб, ягона цивилизация ташкил қилиши ҳам мумкин (*масалан, Бобил-Аккад, Крит-Микен,юнон–рим цивилизациялари*). Цивилизациялар бир-бири билан параллел равишда яшаши ёки бирин-кетин вужудга келиши ҳам мумкин. Бундан келиб чиқадики, цивилизация тарихи — бу маданиятлар тарихидир. Цивилизацияни ўрганиш эса ундаги маданият ривожини ўрганишдир.

Цивилизация маданиятнинг аниқ намоён бўлишини, унинг реал ҳаётини акс эттиришдир. Цивилизация маданиятсиз, маданият цивилизациясиз, ундан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Чунки,, инсон маълум бир цивилизация бағрида ўтмиш аждодлари томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштирган ҳолда шаклланади ва камол топади.

Инсоният цивилизацияси нуқтаи назаридан қаралганда ов ва меҳнат қуроллари, оловдан фойдаланишни ўзлаштириш, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, кийим-бош, уй-жой, йирик сув иншоотлари, бинолар, машиналар, техника тараққиёти, транспорт, алоқа, маиший хизмат воситаларининг такомиллашиш жараёни кабилар цивилизация тушунчасига киради. Демак, умуман жаҳон цивилизацияси деганда инсонлар ўзлари учун яратган ҳаётий қулайликлар, моддий эҳтиёжларини қондирувчи моддий-техник воситалар тушунилади.

Маданият инсонни руҳий, маънавий бойитади, шахсни, унинг олам, табиат ҳақидаги тафаккурини ўзгартиради, инсонда ички барқарорликни шакллантиради. Маънавият орқали инсон ўлим даҳшатини енгади, кези келганда Ватани, халқи учун ўлимга ҳам тик боради. Ибтидоий жамиятдаги сеҳргарлик, жодугарлик, афсунгарлик, ҳозирги замон динлари, халқ қўшиқлари, адабиёт, санъат, ахлоқ-одоб ва бошқалар — буларнинг ҳаммаси маданият соҳасига киради.

Цивилизация сўзи лотинча гражданлик (*фуқаролик*), давлатчилик сўзидан келиб чиққан. Цивилизация сўзи жамият тараққиётининг даражасини белгиловчи тушунчадир. Цивилизация инсоният ижтимоий тараққиётидаги учта катта даврнинг (*ёввойилик, ваҳшийлик ва цивилизация*) охиргиси бўлиб, у ёзувнинг, давлатнинг, ҳуқуқий тартиб-қоидаларнинг келиб чиқишидан, яъни бундан 6 минг йиллар муқаддам (Ҳиндистон, *Миср ва Месопотамияда*) бошланган. Цивилизациянинг бошланиши билан турли хил динлар, гуманистик ва ахлоқий қадриятлар кенг тарқала бошлайди. Цивилизация турли минтақаларда бирин-кетин вужудга келган, албатта.

Цивилизация маданият тушунчаси каби инсоният тараққиётининг маҳсули. Цивилизация сўзи маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи маъносида ҳам ишлатилади. Қадимги Миср цивилизацияси, Ўрта Ер денгизи цивилизацияси, Ҳинд цивилизацияси, Марказий Осиё цивилизацияси, Ацтеклар, Майялар, Инклар цивилизациялари каби. Цивилизация дастлаб айрим ҳудудларда, бир-бири билан у қадар боғланмаган ҳолда шаклланган бўлса, XVI-XX асрларда умумжаҳон цивилизацияси шаклида уйғунлашади. Француз файласуф маърифатпарварлари ақл ва адолатга асосланган жамиятни цивилизациялашган жамият деб таърифладилар.

Дунёда илғор фан, техника, технология, ахборот воситалари асосида иш юритаётган, маърифатпарвар, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қурган мамлакатлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон ҳудуди қадимги юксак цивилизация марказларидан бўлиб, илм-фанларда етакчи бўлган. Истиқлол даврида инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат қуриш,

фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан бормоқда. Демак, маданият ва цивилизация ўртасида мантиқий бирлик, умумийлик мавжуд, негаки уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсон фаолиятининг, ҳам моддий, ҳам маънавий тараққиётнинг маҳсулидир.

Моддий ва маънавий тараққиётнинг бошида инсонларнинг ақлий ва маънавий салоҳияти, ниятлари, ғоялари, ўйлари, лойиҳалари туради, сўнгра улар моддий шаклда намоён бўлади. Бунга нафақат техник иншоотларнинг, шунингдек, бадиий асарларнинг яратилиши ҳам мисол бўла олади. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ҳайкалларида,аввало, санъаткорнинг маънавий тафаккури, лойиҳаси, ижоди оқибатида қаҳрамонларнинг моддий шаклга кирган ажойиб монументини кўрамиз.

XXI аср жаҳон цивилизацияси тарихига дунёдаги барча халқларнинг тинчлик, демократия, халқаро ҳамкорлик, фан-техника ютуқларидан яратувчанликда фойдаланиш ақл-идрок асри бўлиб кирди.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, “Маданиятшунослик” фани гуманитар фанлар қаторида олий ўқув юртларида ўрганилиши ҳозирги давр талабига мос келади. Жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий, сиёсий тадбирлар ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билангина тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамиятнинг маънавий ҳаётини ҳам қайта қуриш талаб етилади. Шу боис истиқлол йиллари биз учун ҳаётнинг барча соҳаларидаги янгиланиш ва ўзгаришлар билан бирга, том маънодаги маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”[1],— дея таъкидлаганликлари ҳам бежизга эмас.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар тўплами. 1-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 81-бет.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. “Маданиятшунослик” фанининг предмети, уни ўрганиш манбаи нималардан иборат?
2. “Маданиятшунослик” фанининг бошқа гуманитар фанлар билан боғлиқ томонларини тушунтириб беринг?
3. “Маданиятшунослик” фани қандай методологик тамойилларга таянади?
4. Маданият инсоният ҳаётида қандай вазифаларни бажаради?
5. Зиёлилик ҳиссини тарбиялаш деганда нималарга эътибор бериш керак?
6. Маданиятни қўллаш жиҳатдан турлари?
7. Қадрият (аксиологик) ўлчови асосидаги таърифни келтиринг?
8. Маданиятшунос олим Эдуард Тайлор ҳақида сўзлаб беринг?
9. Маданият сўзининг келиб чиқиши ҳақида нималарни биласиз?
10. Культура билан маданият тушунчаларининг фарқини айтинг?
11. Н.Бердяев ва В.Розинлар ҳақида биласизми?
12. Цивилизация бу қандай тушунча?

Энг аввало эзгу ахлоққа эга
бўлишга ҳаракат қилинг,
зеро ахлоқ қонуннинг асосидир.
Пифагор

2 мавзу. МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар

Моддий ва маънавий маданият, инсоният тараққиёти, ахлоқий мезонлар, сиёсий инқилоб, техник асос, шахс, тарихий, замонавий, оламни ўзлаштириш, ҳимоя-мослашув, коммуникатив, этнос, ҳудуд, санъат асарлари, милий маданият, ёзув маданияти, шаҳар аҳолиси.

2.1. Моддий ва маънавий маданият, уларнинг ўзаро алоқадорлиги

Моддий маданият ва маънавий маданият-маданиятшуносликнинг асосий икки соҳаси бўлиб, бир-бири билан ўзаро алоқада, ўзаро таъсирда ва бир-бирини тақозо қилган ҳолда ривожланади. Моддий маданият ҳар доим маълум бир маънавий маданиятнинг тимсоли ҳисобланади, ўз навбатида маънавий маданият ҳам қайсидир нарса, белги, тасвир, рамзларда моддий уйғунликда мужассам бўлади. Маънавий маданият асосан инсоний фазилатларга боғлиқ бўлиб, руҳий олам камолотини ифодалайди.

Моддий маданиятнинг маънавиятдан тарихан айрилиги фақат инсоният тараққиётининг бошланғич даврларига хосдир. Жамиятда маънавий фаолият махсус соҳага айлангач, ахлоқий мезонлар, дин, санъат, ҳуқуқ, сиёсат, фан шаклланиб, маълум доирадаги кишилар бу соҳа билан шуғуллана бошлади.

Фанда маданият деганда узоқ вақтларгача фақат моддий маданият назарда тутилди. Негаки, борлиқни фан-техника тараққиёти белгилайди деб ҳисобланди. Шунинг учун, биринчи ўринда илмий тадқиқотларнинг асоси биология, геометрия, зоология, математика, физика, ҳимия бўлиб келди. Натижада, жамиятнинг маънавий ҳаётини, унинг иқтисодиётини ўрганишга етарли эътибор берилмади.

Индустриал жамиятнинг вужудга келиши, унинг техникавий тараққиёти ва технологияларини тезда алмашиши маданиятшуносларни инсониятнинг барча моддий маданиятини ўрганишга ундади.

Кишиларнинг амалий қайта ўзгартирувчилик фаолияти, уларни ижтимоий ишлаб чиқариш ва такрорий ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги, моддий маданиятнинг ўзига хос соҳаларга бўлиниши маданиятшуносликда муайян тадқиқотларга зарурият туғдирди.

Моддий маданиятнинг **биринчи соҳаси —** бу меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришнинг барча воситалари, турар жойлар, алоқа воситалари, техника қурилмаларидир. Хуллас, сунъий ясалган нарсаларнинг барчаси, шунингдек, моддий маданиятнинг бу қисми ишлаб чиқариш техникаси маданияти ёки жамият ҳаётининг моддий техник асоси деб аталади. Ишлаб чиқарувчи техника маданиятининг махсус қисмини ишлаб чиқариш технологиялари, меҳнат фаолиятида иштирок этувчиларнинг ижодий кўлами, уларнинг техник билими, ишлаб чиқариш маданияти, жисмоний ва руҳий имкониятлари ташкил қилади.

Моддий маданиятнинг **иккинчи соҳаси** ижтимоий ҳаёт ва унинг барча тармоқларининг меъёрий фаолиятини таъминловчи кўплаб ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан боғлиқ. Бу турли ҳокимият тузилмалари ва унга муносиб бошқарув шакллари, ижтимоий ташкилотлар, таълим, ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, соғлиқни сақлаш ва дам олиш, бўш вақт ва кўнгил очиш муассасалари тизими каби барча ижтимоий институтлар бўлиб, улар амалда жамият маданиятини сақлайди, ўзгартиради ва қайта шакллантиради.

Моддий маданиятнинг **учинчи соҳаси** (*ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи*) инсоннинг ўзи ҳисобланади. Моддий маданиятнинг бу соҳаси инсониятнинг шунчаки биомавжудотлик муаммоларини тадқиқ қилмасдан, балки авлодларнинг ўзаро муносабатлари муаммоларини ҳам таҳлил қилади.

Инсон улғайиши ва қайси жамоага мансублиги жиҳатидан бошқа жамият маданияти таъсири сифатида ҳам шаклланиши мумкин. Баъзан инсоннинг икки турдан ҳам кўпроқ маданиятга мансублиги уни кўп томонлама, турли маданий

оламга мансуб қилади. Аммо, бунда маълум хавф ҳам яширинган бўлади. Яъни, улғаювчи авлод ўз жамиятида яшаш жараёнида бегона маданиятларнинг салбий томонлари таъсирида ўзининг маданият манбаидан айрилишига, ўз этник анъаналарини тушунмаслигига олиб келади. Ўз миллий маданиятидан маҳрум киши манқуртга айланади ва ҳар қандай маданиятга ҳам бефарқ муносабатда бўлади. Шунинг учун ҳам маданий мерос ва анъаналар миллий маданиятнинг яшовчанлигида ўта муҳим омил ҳисобланади.

Моддий маданиятнинг учинчи соҳаси доирасига инсон ҳаёт фаолиятининг генетик (*ирсий*), жисмоний (*соматик*), тиббий-биологик хусусиятлари ҳақидаги, жамиятда юзага келадиган ва тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари акс этувчи маданий анъаналар ва соғлом одатларга тўғри келадиган инсоннинг тартибли овқатланиш ва турмуш тарзи ҳақидаги билимлар мажмуи бўлган инсон экологияси муаммолари ҳам мансуб.

Умуман, моддий маданиятга меҳнат маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, ҳунармандчилик-амалий санъат, турмуш маданияти, экологик маданиятлар киради. Ишлаб чиқариш воситалари моддий маданиятнинг муҳим қисмидир. Замонавий техника ютуқлари жамият моддий маданиятининг асосини белгиловчи жиҳатдир. Маиший турмушдаги истеъмол буюмлари ҳам ҳар бир халқнинг моддий ҳаёт даражасини белгилайди. Моддий маданият ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмлари мажмуидангина иборат бўлмай, уларни ижодий ўзлаштириш, янгидан яратиш, улардан мукаммал фойдаланиш усуллари ҳамдир. Бунда ижодий салоҳият, малака ва ғоя, режа ва лойиҳалар моддийлашиб, шахс, жамият, миллат, халқ, давлат умуминсоний мазмун касб этади.

Маънавий маданият анча илгари ўрганила бошланган. Инсоният тарихининг бошларидан кишилар маънавий маданиятни белгилашга, унинг шаклланиш сабабларини аниқланишга, маънавий бойлик ижодкори ва яратувчилари қандай сифатларга эга бўлишлари кераклиги ва маънавий ижодкорлик жараёнини тушунтиришга уринганлар. Илгари мавжуд бўлмаган

маданият ҳодисасини вужудга келтиришга хизмат қилувчи ижодий кучлар ҳаёлот, фантастик тадқиқотларга эътиборларини қаратади.

Инсондаги барча қобилият табиатан мавжуд бўлиб, унинг шаклланиши инсоннинг пайдо бўлиш давридан бошланган. Инсондаги аждодлардан қолган ёввоийлик хусусиятлари табиат билан доимий ўзаро ҳамкорликда, олам сирларини идрок этиш давомида йўқолиб, билими ривожланди. Инсондаги жисмоний ва руҳий жиҳатлар такомиллашиб, интелектуал ва ҳиссий имкониятлар кучайиб борди.

Абу Наср Форобий фикрича, турли шаҳар-давлатлар ўзаро келишиб, турли касб-хунар эгаларини рағбатлантирсалар, махсулотлар чиқаришда ва уларни айирбошлашда иқтисодий алоқаларни кучайтириб, ҳамкорлик қилсалар, касб-ҳунар, санъатлар ҳам ривожланади.Бунда барча умуминсоний маданиятни ташкил этувчи турли халқлар томонидан яратилган мустақил маданиятлар ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

2.2. Маданиятнинг таркибий қисмлари ва функциялари

“Маданиятшунослик” фанида ижтимоий-маданий ҳодисаларга яратилган бойликлар ва қадриятларга система сифатида қараш кенг тарқалган. Бу қарашга кўра маданият ўзининг ички ва ташқи алоқаларига эга. Ички алоқаларга системанинг (*маданиятнинг*) таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар, ўзаро боғлиқликлар ва муштаракликлар киради. Ташқи алоқаларини эса системанинг ён-атрофдаги бошқа системалар, тизимлар, объектлар билан муносабатлари ташкил этади.

Ички алоқалар маданиятнинг ўзига хослигини, таркибий қисмларидаги муштараклик ва фарқларни, улардаги тадрижий ёки инқилобий ўзгаришларни акс эттиради. Ички алоқалари ва хусусиятларига кўра маданият мустақил система-ижтимоий ҳодисага айланади. Тўғри, маданиятнинг ушбу мустақиллиги нисбийдир. Жамиятда қарор топган ижтимоий муносабатлар, сиёсий, маънавий ва ахлоқий қарашлар, турмуш тарзи, миллий хусусиятлар

маданиятга таъсир этади, уни у ёки бу кўринишда намоён бўлишини белгилайди. Масалан, сиёсий маданиятни олайлик.

Сиёсий маданият кишиларнинг давлат, хукумат фаолиятига, мавжуд сиёсий тизимга муносабатларидан иборат. Ғарбда давлат билан шахс ўртасидаги қарама-қаршилик, хатто очиқдан-очиқ тўқнашувлар оддий хол ҳисобланади. Истаган шахс ўз оила аъзосидан тортиб, то давлат раҳбарини ҳам танқид қилиши, хатто уларнинг шахсий ҳаётига оид сирларини ошкор этиши, баъзан эса ғаразли ниятлар билан шов-шув кўтариши мумкин.

Шарқда сиёсий маданият аҳлоқий ва миллий этика доирасида кўпроқ намоён бўлиш хусусиятига эга. Бу хусусиятларга кўра шахс билан давлат, ҳукумат ўртасида муносабатлар бир-бирини ҳурмат қилиш, ижтимоий барқарорликни, тинчликни, кишилар ва оила осойишталигини кўзлаш тамойилларига қурилади. Демак, сиёсий маданиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни қанчалик юқори бўлмасин, сиёсий маданият кишилар ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларни қанчалик ўзгартирмасин, у асрлар давомида шаклланган тарихий-маданий парадигма (сўзларни туслаш)га таянади. Ушбу тарихий-маданий парадигма сиёсий маданиятнинг, нафақат унинг, балки маданиятнинг қолган барча саҳаларининг ҳам ижтимоий функцияларини белгилаб беради. Қисқа қилиб айтганда, маданиятнинг ижтимоий функциялари унинг ички қисмлари фаолиятида намоён бўлса-да улар ташқи алоқалар, ташқи белгилар, ташқи объектлар орқали белгиланади.

Маданиятнинг ижтимоий функциялари жамият ва кишилар эҳтиёжларининг ифодасидир. Маълумки, турли вазият ва шароитларга қараб эҳтиёжлар ўзгариб туради. Демак, маданият ва унинг ижтимоий функциялари ҳам ўзгариб туради. Бироқ, бундан маданиятнинг мазмун, моҳияти ҳам ўзгариб туради деган фикр келиб чиқмаслиги зарур. Маданият икки гуруҳга: муҳим тарихий ўзак ва ўзгарувчан қатламларидан иборат. Бу гуруҳлаш бизга маданиятнинг ижтимоий функцияларини ҳам ана шу ёндашишдан келиб чиқиб, аниқлашга ёрдам беради.

Тарихий-маданий бойликларни ўрганиш ва сақлаш функцияси маданиятнинг ўзак қатламига тааллуқлидир. Бу функция маданиятнинг тарихий-ижтимоий ҳодиса эканлигидан келиб чиқади. Маданиятнинг ўзак қатламига тааллуқли тил, миллий онг ва турмуш тарзи, дин, урф-одатларни ўрганиш ва уларни асраш маданиятнинг бош функцияси ҳисобланади. Ҳар бир маданиятнинг қандай анъаналарга таянганлиги, қандай принципларга амал қилгани ана шу функцияда намоён бўлади.

Тил, миллий онг, дин ва урф-одатларсиз бирорта кишилик жамияти, шу билан бирга маданият ҳам бўлган эмас. Бундан кейин ҳам бўлмайди. Бироқ бу бойликларнинг, қадриятларнинг мавжудлигини тан олиш бошқаю уларга бўлган муносабат бошқа. Тарихий-маданий бойликларни ўрганиш ва асраш кишида ўтмишга, ўтган авлодлар қолдирган маданий меросга ҳурмат билан қарашни ўргатади. Бундай фазилатлардан узоқ киши нигилизмга (*қуруқдан-қуруқ инкор этиш*), ўтмиш бойликларига эскилик қолдиғи сифатида қарашга мойил бўлади. Бўлар-бўлмасга ўтмишга тош отиш, ўтмишдан фақат нуқсонлар излаш - маданиятсизлик белгиси. Маданиятни бирёқлама ёки тайёр андозалар нуқтаи назаридан баҳолаб бўлмайди. У тўғри англашни, кенг қамровли ўлчовдан келиб чиқиб, баҳолашни тақазо этади. Бу фазилатлар ўзидан-ўзи шаклланмайди. Уларни кишига маданият ўргатади.

Тарихий-маданий бойликларни ўрганиш ва асраш ўтмиш учун эмас, энг аввало келажак учун, ёш авлодларни ватанпарвар, миллатпарвар қилиб тарбиялаш учун зарур. Ҳозир яхши яшаш учун ривожланган ғарб мамлакатларига ҳавас қилиш ҳоллари пайдо бўлаяпти. Кўпгина ёшларни ана шундай давлатларда яшашга интилаётгани ҳам сир эмас. Албатта, кимнинг қаерда яшаши унинг умуминсоний ҳуқуқи. Бироқ ҳориждаги беҳаёлик, беодоблик, маданиятсизликни, қилпиллаб, бақириб, сакраб қўшиқ айтишни баъзилар “чиройли ҳаёт” деб ўйлайдилар. Аслида чиройли ҳаёт ватан равнақи учун фидокорона ва оқилона меҳнат натижасидир.

Демак, эл, юрт манфаати учун меҳнат қилиш, маданий бойликлар яратиш чиройли яшашни таъминлаши мумкин. Тарихий-маданий бойликларга тўғри

муносабатни уйғотиш эса кишида нафақат тарихий обидаларни асраш, маданий меросни севиш, шу билан бирга ота-боболаримиз орзу қилиб келган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ҳиссини шакллантиради.

Миллий хусусиятсиз маданият йўқ. Бироқ маълум бир иқтисодий, маданий, сиёсий ва маънавий омиллар таъсири остида миллий маданиятлардаги ўзига хосликлар йўқолиши мумкин. Миллий маданиятдаги ўзига хосликнинг йўқолиши миллатнинг, халқнинг тарих саҳнасидан тушуб қолишига олиб келади. Шунинг учун маданиятнинг яна бир ижтимоий функцияси-турли маданиятлар плюрализмини, ранг-баранглигини ҳурматлаш билан бирга, ўз маданиятининг миллий ўзига хослигини сақлаб қолишдан иборатдир.

Миллий маданиятни ривожлантириш функцияси ўтмишни келажак билан боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. У бир томондан тарихий-маданий бойликларни ўрганишни, иккинчи томондан эса миллий–маданий бойликларни давр, тараққиёт талаблари ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ривожлантиришни назарда тутади.

Маданият миллий хусусиятларни ривожлантиришга ўз таркибий қисмларини, институтларини даъват этар экан, улардан миллий менталитетга хос фазилатларни миллий ва умуминсоний белгиларни доим уйғунлаштиришни, миллий маданиятни умуминсоний сифатлар билан бойитишни ҳам талаб этади. Маданият қанчалик миллий бўлмасин, унда турли миллатлар, элатлар ва маданиятларга хос умуминсоний белгилар мавжуд бўлади, чунки, миллий маданият, ён-атрофда яшаётган халқлар, элатлар, маданий қатламлар таъсирисиз ёки ёрдамисиз ривожланмайди. Шунинг учун миллий маданиятнинг ривожланиши мавжуд бўлган тарихий-маданий алоқаларни бойитиш, ён-атрофдаги маданий жараёнлардан ижобий томонларини ўзлаштириш орқали кечади. Ғарб маданиятига хос салбий томонларга, ўзимиздаги баъзи нуқсонларга (мол-дунёга, мансабга сиғиниш каби) танқидий қараш зарур.

Шахснинг ижодий ва маданий кучларини ривожлантириш маданиятнинг туб мақсади ҳисобланади. Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ ва бу

манфаатлари ҳам тараққиётга олиб келавермайди, ижтимоий ҳаёти ва турмушини яхшиламайди. Айрим олган шахс манфаати ижтимоий, жамият ва умуминсоний манфаатларга муштарак бўлиши зарур.

Биз манфаатлар ўртасида фарқлар, қарама-қаршиликлар, хатто кескин тўқнашувлар бўлишини инкор қилолмаймиз. Бироқ бу зиддиятлар инсонни, кишиларни маънавий жиҳатдан «ибтидоий тўда» даврига қайтармаслиги, балки уларнинг ички олимини қандайдир янги ёндашув билан бойитиши керак.

Инсон жамиятда, халқ орсида яшар экан, ён-атроф ҳақидаги маълум бир хабарларга, маълумотларга-информацияларга доимо эҳтиёж сезади. “Информация-тараққиёт юраги” деган экан бир донишманд. Информация маданий тараққиётнинг ҳам юрагидир. Ҳозирги замон кишиси радио, телевидение, оммавий ахборот воситаларисиз ўз ҳаётини тасаввур қила олмайди. Бироқ бу информациялар кўпинча кундалик эҳтиёжларни ёки шунчаки қизиқишларни қондиришга хизмат қилади.

Тўғри, улар кишининг шаклланишида, ички дунёсида маълум бир из қолдириши ва маданий ўзакка таъсир ўтказиши мумкин. Аммо улар моҳиятига кўра кунора, ҳар бир дақиқада ўзгариб, бир-бирини ё тўлдириб ёки бутунлай инкор этиб тургани сабабли ҳар доим ҳам маданий ўзакда сақланиб қолавермайди.

Маданиятнинг яна бир функцияси дам олиш ва ҳордиқ чиқаришни уюштиришдир. Ижтимоий ҳаёт тараққий этган сайин мазмунли дам олиш ва ҳордиқ чиқаришга эҳтиёж ҳам ортади. Ғарб мамлакатларида ҳозир “дам олиш ва ҳордиқ чиқариш баъзи ғарб одамлари цивилизацияси” атамаси кенг қўлланилмоқда. Дам олиш ва ҳордиқ чиқаришни баъзи ғарб одамлари цивилизациялар тараққиётининг бош кўрсаткичи деб қараши ақлга мувофиқ эмас.

Мароқли ва сермазмун дам олиш кишиларнинг нафақат ижтимоий-маданий, шу билан бирга табиий, психо-физиологик эҳтиёжларига киради. Агар киши ушбу эҳтиёжларини керакли даражада қондирмаса, унда бир ёқлама ривожланиш шаклланади. Эртаю кеч, ойлаб, йиллаб фақат жиноятчиларни фош

қилиш (*хатто бу ният ижобий бўлганда ҳам*) ҳақида ўйлайдиган ҳуқуқшунос охир натижада ҳар бир кишига бўлғуси қонунбузар сифатида қарашга ўрганади. Машҳур Шерлок Холмсга фалсафадан доктор Уотсон “икки”қўйган бўлсада у турмушни мукаммал ўрганган. Бунинг устига скрипкада гўзал куйлар чалган. Айнан мана шу икки хислат-кишилар ҳаётини, турмушини мукаммал билиш, синчковлик ва санъатни севиш Шерлок Холмсни машҳур изқуварга айлантирган. Демак, ҳаётни, кишилар турмушини ўрганмасдан, санъатни севмасдан туриб нафақат маданиятли инсон, шу билан бирга, юқори малакали ҳуқуқшунос бўлиш ҳам қийин. Бунинг учун ҳуқуқшуносга асосий фаолиятдан воз кечиб санъат, маданият билан шуғулланиш шарт эмас. Ишдан кейинги бўш вақтларидан, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш онларидан унумли фойдаланиш етарли.

Муомала маданияти ҳаётимизнинг асосини ташкил этади. Минг афсуски, кишилар муомала, мулоқотни сермаъно ва сермазмун қилиш зарурлигини ҳар доим ҳам сезмайдилар. Мулоқот фаолиятимиз ва турмуш тарзимизнинг таркибий қисми сифатида иқтисодий, сиёсий, маънавий, руҳий, инфармацион эҳтиёжларимизни қондириш учун хизмат қилади. Мулоқотнинг қанчалик мақсадли ва мазмунли бўлиши ижтимоий-маданий эҳтиёжларимизнинг қанчалик аниқлигига, моҳиятига боғлиқ. Айнан муомала ва мулоқот орқали кишилар бир-бирларини биладилар, ижтимоий шахс сифатида шаклланадилар, ўзларида у ёки бу фазилатларни ривожлантирадилар. Шунинг учун ҳам мулоқот маданияти тарбиянинг, шахс камолотининг асосий шартига айланган.

Маънавий фаолиятнинг турли шакллари мавжуд, бироқ, уларнинг барчаси маданиятни ўстиради.Фан, дин, фалсафа, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура, миллий ўзлик маънавий маданиятнинг аниқ шакллари ҳисобланади. Алоҳида шаклдаги маънавиятнинг хусусияти махсус тузилиш ва маълум вазифалар мажмуидан иборат бўлиб, ҳар бири ўзига хосликда ифодаланади. Маънавий маданиятнинг айрим шакллари (*фан, санъат*) бир-биридан фарқланади, яъни маънавий маданиятнинг аниқ соҳасига айланади, бошқа шаклларида (*ахлоқий, эстетик*) фаолиятнинг барча турлари қоришиб кетади. Маданиятдаги

ҳайратланарли функционал ҳаққонийлик шуки, унда ҳеч бир ортиқча, шунчаки нарса йўқ, барча маданият ҳодисаси ўзаро фойдали умумий алоқадорликда кечади. Тадқиқотчилар маданиятнинг турли функцияларини кўрсатадилар. Жумладан:

Оламни билиш, ўзлаштириш ва ўзгартириш: бу мавжуд нарсаларнинг мазмун, моҳиятини билиш, шунингдек, ижоддаги ҳаётий талабларни қондириш зарурати билан боғлиқ.

Ҳимоя-мослашув вазифаси: жамият ва атроф-муҳит ўртасидаги мувофиқликни сақлаш. Ушбу функция узоқ вақт қийин табиий шароитларда барча янги ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишда ва кўниктиришда (олов, турар - жой, кийим, деҳқончилик) одамнинг омон қолишини таъминлайди. Кейинги вақтларда ўта жиддий бўлиб турган муаммо табиатни ҳимоя қилувчи воситаларни яратиш бўлиб, бунда экологик мезон, экологик тафаккурнинг кенг қўламда ёйилишини амалга ошириш зарур.

Ахборотларни ўзлаштириш ва йиғиш функцияси хабарларни йиғиш ва сақлаш воситаси табиий хотира ёки хабарларни нарсаларга ёзиш (*қўлёзмалар, картиналар, пластинкалар, китоблар, кинотасмалар, магнит ёки рақамли ёзувлар*) бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ахборотларни ташкил қилиш, унинг қадри ва мазмуни бўйича тартибга солишнинг маълум усули ва белгилар тизими зарур. Ҳозирги даврда тил белгилар тизимининг кенг қўлами ва ўта аҳамиятлиси бўлиб қолмоқда.

Коммуникатив функция (*алоқа,ахборот алмашув*) **—** нарса, ҳодисанинг моҳиятини аниқлашда билимлар, фикрлар, маънавий кучларни ўзаро алмашуви, ижтимоий ҳаёт доимий равишда энергия, ахборот, ўзаро амалий ҳамкорликни тақозо қилади, негаки, фақат турли типларнинг муносабати (*анъанавий, функционал-аҳамиятли, шахслараро, ишлаб чиқарувчи, маърифий-маданий*) жамиятнинг тузум сифатида мавжудлигини ва унинг кейинги тараққиётини таъминлашга қодир бўлиб, ҳозирги глобаллашув шароитида унинг роли янада ортмоқда.

Нормативлик функцияси (*мезон-меъёрий*) **—** кишилар ҳулқини тартибга солиш, уларнинг кучини бир меъёрда ва шу йўл билан жамиятни бир бутунликда сақлаш мақсадида мувофиқлаштириш. Меъёр-қоида қандайдир ҳаракат ёки предметлар, нарсаларни яратиш соҳасида аниқ кўрсатмадир. Онгли равишда ўрнатилган ёки кўп асрлик анъаналарга таянувчи мажбурий, тақиқловчи меъёрлар мавжуд (*ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар*), бироқ уларнинг мазмуни жамиятни барбод қилмаслик учун кишилар фаолиятини тартибга солиш, аниқ чегаралар билан белгилашдир.

Руҳий ёки эътиқод мўътадиллиги — байрамлар, диний маросимлар, оммавий ўйин, томошалар жараёнларида руҳий зўриқишларни бартараф қилиш. Қониқарсиз истаклар, рўёбга чиқмайдиган ниятлар, амалда тақиқланувчи жанжаллар мавжудлиги руҳий зўриқишлар пайдо бўлишига олиб келиб, нафақат маълум бир шахс саломатлигига зарар етказади, балки, оммавийлик касб этиб, жамият ҳаракатини издан чиқариши мумкин. Шунинг учун маданиятда жаҳл, ғазаб, эҳтиролардан халос бўлиш механизми ишлаб чиқилган.

Хуллас, кишилар яратган моддий ва маънавий қадриятлар, бойликлар уларнинг қобилиятлари, муносабатлари ва моҳиятли кучлари намоён бўлишидан иборат. Инсон маданият соҳасида бу маънавий қадриятларга ўз муносабатини билдирар экан, айни вақтда, ўзи ривожланадиган, ўзгариб турадиган моҳият сифатида ҳам намоён бўлади. Демак, *маданият инсон камолоти, инсон фаолиятининг маҳсулотлари ва инсоннинг жонли қобилиятлари, билимлари шаклида яшаб туради.*

Кишилар ижтимоий тажриба жараёнида зарурий моддий шарт–шароит ва ҳаёт воситаларини яратиш билангина кифояланмай, айни чоғда ўз онгини ҳам такомиллаштиради. Ижтимоий онг шаклларини (*дунёқараш, ахлоқ, ҳуқуқ, эстетик онг*) вужудга келтирадилар ёки маънавий ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширадилар. Буларнинг мажмуи *маънавий маданият* соҳасини ташкил этади.

Маънавий маданият кишилар маънавий ижодкорлиги фаолиятлари натижалари- тасаввурлар, ғоялар, илмий билимлар, диний қарашлар, санъат соҳалари, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни билишдан ҳосил бўлади. Маънавий қадриятлар ўзича пайдо бўлмайди, балки муайян тараққиёт босқичида ўзаро муносабатга кирадиган кишилар томонидан яратилади. Маънавий маданият **—** маънавий ижоднинг шунчаки маҳсули бўлиб қолмай, балки ижодий фаолиятни амалга оширадиган кишилар ўртасидаги муносабатни ҳам билдиради.

Шунингдек, маънавий маданият таълим ва фан соҳаси билан боғланган илмий фаолият ва билим олиш жараёни билан узвий бўлган таълим маданиятини, ахлоқий ва эстетик маданиятни ҳам ўз ичига олади. Натижада, маънавий маданият ўзаро узвий боғлиқликда инсон маънавий фазилати ва фаолиятининг (*нарсаларда*) моддийлашган шаклида, инсон томонидан яратилган маънавий қадриятлар шаклида (*илм, санъат, ҳуқуқ, ахлоқ қоидаларида*) мавжуд бўлади.

Маданиятнинг қуйидаги функциялари бевосита шахс камолоти билан боғлиқ:

- **“Социализация”**(ижтимоийлашув) **—** жамият ҳаёти учун унинг ҳақиқий аъзоси сифатида зарур ҳисобланган маълум миқдордаги шартларни ўзлаштириш. Бу функция идрок, тафаккур, нутқ, сўзларни қўлланилиши, оҳанги, имо-ишора ва шаъма, типик ҳодисаларга муносабат тарзи, шунингдек, талаб ва қадрият йўналишлари тизимини шакллантириш каби андозавий усулларнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқ.

- “**Инкультурация” (***айрим бир шахснинг хислат ва хусусиятларга қараб, фарқ қилиш, ажратиш***)** - аввало ўз халқининг, кейин эса умуминсоний маданий меросга *ворис бўлиш*.

- “**Индивидуализация” -** маданият маълум шахслар қобилияти, иқтидори, хусусиятини ўта ривожлантиришга мўлжалланган. Шахс маданияти қолган барча маданиятлар доирасида (*жамият, инсоният*) энг асосий бўғин бўлиб, бу ҳар бир аниқ шахс маданиятининг баркамоллик даражасига жамият ёки бутун инсоният маданияти билан боғлиқ бўлишини билдиради.

Ҳар қандай жамият маънавий маданиятнинг таркибий қисми, бой билим олами бўлиб, у инсоннинг қаерда яшаши ва ҳаракат қилишини, умуман, дунёдаги ва жамиятдаги ўрнини белгилашга ёрдам беради. Маданий қадриятлар инсон учун ўта шахсий моҳият ва мазмун касб этиб, инсон у орқали бошқа кишилар билан, бутун жамият билан муносабат ўрнатади. Қадриятлар жамиятга манзур бўлувчи ахлоқ шаклларини яратишда ва англашда инсонга ёрдам беради. Айтиш жоизки, маданиятли инсонда бошқаларга нисбатан мунозарали эмас, балки мулойим муносабат шаклланади. Мунозаралар туғилган ҳолларда муаммони ҳал этишнинг жамиятни мустаҳкамлай оладиган қулай усуллари топилади.

Жамият, аввало тарихнинг муайян бир тараққиёти босқичида табиатдан ажралиб чиққан моддий дунёнинг таркибий қисми бўлиб, ривожланувчи кишилар ҳаётий фаолиятларининг мажмуидир. Шунингдек, жамият кишилик тарихининг муайян босқичи ёки ижтимоий тизимнинг аниқ типи. Ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуи ижтимоий муносабатлар дейилувчи жамиятни, яъни тарихий тараққиётнинг муайян босқичидаги жамиятни вужудга келтиради.

Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатлари турли тарихий даврларда турлича бўлиб, шахс маданияти жамият маданиятини белгилайди ва шахс маданияти ҳам ўз навбатида муайян бир жамият маданиятида шаклланади. Ҳар бир жамият шахс маданиятини камол топтиришда ўзининг меъёрий қадриятларидан фойдаланади ва шахснинг маънавий эҳтиёжларини таъминлайди.

Жамият билан шахснинг ўзаро муносабати, шахснинг эркинлиги, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, инсоний қадриятлар ҳақидаги муаммо барча тарихий даврларда муҳим масала ҳисобланган.

Инсон табиатнинг олий маҳсули бўлиб, унинг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндиси билан белгиланади. Инсон айни пайтда биоэтногенез ва ижтимоий тарихий тараққиётнинг маҳсули, ҳам унинг субъектидир. Ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий вужудга айлантиради,

дунёқарашини шакллантиради. Инсон ишлаб чиқариш жараёнида фақат яратувчи бўлиб қолмай, ўзини, ўз шахсиятини ҳам қайта яратади. Бу жараёнда инсон ўзини такрор ижод қилади ва шу жиҳатдан у ижтимоий мавжудотдир.

Одамларнинг ижтимоий моҳияти мужассамлашган ҳолда шахсда ўз ифодасини топади. Шахс одамнинг ижтимоий моҳияти ва ижтимоий фаолиятининг ифодаланишидир. Одам ижтимоий қадриятларни ўзлаштириш натижасида шахсга айланади.

Инсон ижтимоий муносабатлар йиғиндиси сифатида муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга. Бу унинг шахслигини ифодалайди. Индивид шахсга айланиши учун бир қанча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши лозим. Шахс дейилганда, умуман инсонни эмас, балки масъулият ва эркинликларга эга бўлган одам тушунилади. У ижтимоий шарт–шароитларга боғлиқ бўлган одамдир.

Шахсни жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ажратиб бўлмаганидек, жамият тараққиёти ҳам инсоннинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқ. Жамият билан шахс ўртасидаги муносабат бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тақозо қиладиган муносабатлардир. Ижтимоий муносабатлар таъсирида шахс турмушининг турли-туман кўринишлари, хусусиятлари шаклланади. Шахснинг шаклланиши жамиятдаги ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ. Ҳар бир шахсда у мансуб бўлган жамоага, миллатга, элатга, жамиятга хос жами хусусиятлар ва белгилар бўлади.

Шахс ўз ҳаётининг бутун мазмунини жамиятдан, кишилар жамоасидан олади. Ҳар қандай шахс объектив шарт–шароитлар ва субъектив омилларнинг узвий бирлиги ҳам таъсири остида шаклланади. Бироқ шахс камолотига объектив шарт-шароитлар ҳам таъсир кўрсатади. Оила, ўқув даргоҳлари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, матбуот, маҳалла, ишхона каби омиллар ҳам шахсни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Объектив шарт–шароитларнинг шахсга таъсири субъектив омиллар орқали ўтади.

Шахс ижтимоий мавжудот сифатида муайян эркинликка ҳам эга. Унинг эркинлик даражаси жамиятнинг ижтимоий тузилишига, мулкий муносабатларга ҳам боғлиқ. Эркинлик ҳар бир шахснинг табиий ҳуқуқидир. Шахсларнинг

инсоний ҳуқуқлари ва эркинликларини чегаралаб қўйиш, паймол қилиш миллий, диний камситишлар; ирқчилик; халқларнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданий мерослари, миллий қадриятларига беписанд қараш-уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситишдир. Жамиятимизда бундай салбий ҳолатларга йўл қўйилмаслиги эса Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва умуминсоният олдидаги бурчи ва мажбурияти ҳам бор. Эркинлик бу, анархия эмас, балки англанган зарурият ёки қонун доирасидаги фаолиятдир. Инсон ўзи яшаб турган жамиятнинг қонун-қоидалари, тартиблари, ахлоқий, ҳуқуқий нормаларига амал қилмаслиги, унинг муаммолари, қийинчиликларига бефарқ қараши мумкин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг конституциясида белгилаб қўйилган қонунларга амал қилиш, бошқа фуқароларнинг миллий қадр-қимматини ҳурматлаш, жамият манфаатларига, турмуш тарзига, одоб-ахлоқ ва маънавиятига зид ва ножўя ҳаракатларга муросасиз бўлиш, Ватанини, халқини ҳимоя қилиш ва бошқа шу кабилар шахснинг Ватани ва халқи олдидаги бурчи ва мажбуриятидир.

Ҳар бир шахснинг умумхалқ манфаатларига тааллуқли бўлган бурч ва масъулиятлари табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини қўриқлаш, маданий-тарихий ёдгорликларни сақлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, бошқа халқлар ва мамлакатлар билан дўстлик, тинчликни сақлаш кабилардир.

Барча ривожланган жамиятларда шахснинг эркини бўғиб қўйиш, унинг ҳуқуқларига йўл бермаслик, унга хиёнат қилиш ёки унинг жамият олдидаги бурч ва мажбуриятини бажармаслиги қонун йўли билан тақиқланади.

2.3. Маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётида тутган ўрни

Жамият маданият хусусиятини, унинг мезон ва мазмунини зиёлилар белгилайди. Зиёлилик бу нафақат кенг билимга эга бўлишни, балки ташаббускорликни, жавобгарликни, ахлоқий-эстетик журъатни ва туғма истеъдодни билдиради.

Зиёлилар-ақлий меҳнатнинг хилма-хил мураккаб турлари билан шуғулланувчи қатламдир (*фан ва маданият ходимлари, ўқитувчилар, ижодкорлар, муҳандислар, технологлар, шифокорлар*).

Маданиятлилик деганда шахсдаги камтарлик, ҳалоллик, ростгўйлик, саҳоватпешалик, инсонпарварлик, яхшилик, саҳийлик каби инсоний фазилатлар, ахлоқий қоидаларга тўла амал қилиш, ўз миллати ҳамда бошқа халқларни ҳам ҳурмат қилиш хислатлари англашилади.

Зиёлилик ақлий камолот эгаси бўлиш, назарий масалаларни англашга, илмий билимларни ўзлаштиришга тайёр бўлишдир. «Зиёлилик» юксак даражада камол топган интеллектни, кенг билимлилик, юксак маданиятлиликни англатса, «зиёли» кишилик табақалари орасидаги ижтимоий қатламни англатадики, бу қатлам юқори малакали ақлий меҳнат билан машғул бўлади.

Етарли билимга эга бўлмаган ҳолда дунёдаги барча нарсалар тўғрисида оз-оз ва умумий фикр билдира олувчи киши дилетантдир. Дилетантлик ўша шахсда маданият камлигининг белгиси бўлиб, унинг чинакам маданият ва зиёлиликка алоқаси йўқдир. Кўпроқ учрайдиган ҳолат-баъзи зиёлилар ёвуз одамларга хизмат қилиши, қора ниятли бўлиши ҳам мумкин. Бу бахс талаб мавзу.

Тарбиялилик маданиятнинг асосий белгиси бўлиб, тарбияли зиёли шахснинг умумий маданий савияси жуда кўп ҳислатларида акс этади. Умумий маданиятга нутқ маданияти ҳам киради. Маданиятли киши содда, қисқа, образли, ифодали ва чиройли нутқ орқали ўз фикрини баён қилади. “Нутқнинг кучи оз сўз билан кўп маънони англата олишда”, - деб ёзган эди Плутарх.“Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз”, дейди Алишер Навоий.

Зиёли шахснинг эстетик диди баланд бўлади, яъни фақат санъат асарларининг гўзаллиги тўғрисидагина эмас, балки кишиларнинг, табиат ва жамиятдаги гўзаллик ва хунуклик ҳақида фикр юритишга, қўполлик ва адолатсизликка қаршилик кўрсатиб, уни бартараф этишга қодир бўлади. Ҳамма нарсада меъёр ва уйғунлик туйғуси зиёлиликнинг юксак хусусиятидир.

Зиёлилик билим, илм ва тарбия билан камол топади. Зиёлилик тушунчасига умумий маданиятдан ташқари қалб нозиклиги, умуман, ҳаётга муносабатда юксак онг, ижтимоий фаоллик ҳам киради. Демак, «зиёлилик» тушунчаси фақат ақлий меҳнат кишисига тааллуқли эмас. Чуқур интеллектга, олижаноб ҳис-туйғуларга эга бўлган, маънавий эҳтиёжлари кенг ҳар бир кишини зиёли деб аташ мумкин. Маданиятшуносликни ўрганишдан мақсад зиёлиликни тарбиялашдир. Зиёли - интеллектуал шахс, маданиятли киши бўлиш билан бирга,жамият ва миллат тақдирига маънавий жавобгар бўлганлигидадир. Интеллектуал, оқил инсон индивидуал ҳолатларда ўз фикридан қаноатланмайдиган, ўз зарарига бўлса-да рост гапирувчи, ўз хатосини тан олувчи, шахсий манфаатидан Ватан манфаатини устун қўювчи зиёлидир. Зиёлининг шу хусусиятларида комиллик белгилари намоён бўлади.

Шахснинг комилликка эришувини таъминлашда жамиятдаги меҳнат маданиятини ривожлантириш, кишиларнинг сиёсий-ҳуқуқий онглилигини ошириш, ахлоқий ва эстетик онгини тарбиялашда маданиятнинг таркибий қисмлари, соҳалари катта вазифани бажаради. Шахсни ижтимоий жиҳатдан фарқланишига кўра инсоннинг меҳнат маданияти, муомала маданияти, ахлоқий маданияти, бадиий-тафаккур маданияти, дунёқараши, руҳий олами ҳақида гапириш мумкин. Маданият ижтимоий тузулма сифатида илмий билимларни, тафаккурни, ахлоқий-эстетик қадриятларни, ахлоқий-ҳуқуқий меёрларни, урф-одат ва анъаналарни қамраб олади.

Шахс маданияти шаклланишида жамият маданиятининг қуйидаги тизимлари аҳамиятлидир:

Сиёсий маданият — кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, эътиқодлари, мақсадларини ифодаловчи сиёсий- ҳуқуқий ғоялар мажмуи бўлиб, маънавий қадриятларнинг махсус тизимини ташкил қилади. Бу маданият тарихий тараққиёт босқичларида жамиятнинг ижтимоий табақалари манфаатлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келган бўлиб, жамият сиёсий фаолиятига узвий боғлиқ. Сиёсий маданият, сиёсий фаолият сифатида, яъни

инсонлар фаолиятидаги табиатни қайта яратиш ва ўзларини тарбиялаш жараёнларини қамраб олиб, “сиёсий ишлаб чиқариш”ни акс эттиради.

Бунда сиёсий фаолият амалий жиҳатдан ижтимоий гуруҳлар (*соцuум*)нинг сиёсий ҳокимият учун бўлган ҳаракатларини ифодалайди, маънавий-назарий жиҳатдан эса ижтимоий муносабаталарни табақавий дунёқараш руҳида англаш, муайян сиёсий ғоялар, дастурлар ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишни назарда тутади. Умуман, сиёсий маданият кишилар фаолиятининг манфаатли ва табақавий жиҳатдан ўзига хос шакли бўлиб, сиёсий муносабатларни табақалар, шахслар томонидан фаол ўзлаштириш жараёнини билдиради. Сиёсий маданият таркибига мафкура, сиёсий тажриба ва анъаналар, сиёсий ташкилотлар, сиёсий фаолият усуллари киради.

Сиёсий маданиятнинг мавжудлик усули жамиятнинг сиёсий-маданий бойлиги, амалий - сиёсий маданиятдан иборатдир. Жамиятнинг сиёсий-маданий бойлиги – давлат бошқарувининг тарихий тажрибаси, сиёсий фаолият воситалари, усуллари, сиёсий билимлар мажмуидир. Амалий – сиёсий маданият эса – жамият, гуруҳ, шахс сиёсий ҳаётидаги мавжуд маданиятдир.

Маданиятниижтимоий намоён бўлиш шакли жиҳатидан жамият сиёсий маданиятини ижтимоий гуруҳлар ва шахс сиёсий маданиятига ажратиш мумкин. Жамият сиёсий маданияти тараққиётнинг маълум бир босқичидаги сиёсий-ижтимоий қадриятлар, сиёсий тузилмалар, сиёсий фаолият усулларининг мажмуидир. Шахс сиёсий маданияти эса, индивид томонидан жамиятнинг сиёсий, мафкуравий ва ижтимоий-руҳий қадриятларини ва усулларини ўзлаштирилиши ҳамда амалга ошириш тизимидир. Шахс сиёсий фаолиятида сиёсий маданиятни билиш ва амалий фаолиятда қўллаш даражасининг ўзаро боғлиқлиги, яхлит бирлигидан сиёсий маданият таркиб топади.

Сиёсий маданият тараққиёти ҳуқуқий маданият билан боғлиқ бўлиб, бу фақат қонунларни билиш, ҳуқуқий билимдангина иборат бўлмай, қонунларга онгли равишда амал қилиш демакдир. Умуман, ҳуқуқий маданият- ҳуқуқий онг,

ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий фаолликнинг бирликда намоён бўлувчи маънавий қадриятлар тизимидир.

Иқтисодий маданият тушунчасида иқтисодий билимлар, қонуниятлар билан фаол ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик омиллари намоён бўлади. Иқтисодий маданиятда маданият ва иқтисоднинг ўзаро таъсир хусусиятлари мавжуд бўлиб, унинг таркибига иқтисодий онг, иқтисодий фаолият, иқтисодий муносабатлар киради.

Иқтисодий онг аввало, кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз ўрнини англашини билдириб, рационал билимларни, мулк турларини ва улардан фойдаланиш усулларини ўзида ифодалайди. Иқтисодий фаолият таркибига моддий ва номоддий ишлаб чиқариш, меҳнат ва меҳнат маҳсулини ўзгартириш ҳам киради. Иқтисодий фаолият субъекти инсондир. Мукаммал фикр ва юксак онг фаолиятда моддийлашсагина иқтисодий маданият ҳодисасига айланади. Иқтисодий тафаккур билан иқтисодий онг иқтисодий одобнинг мезони бўлиб, иқтисодий онг маданиятнинг назарий асосидир.

Ижтимоий муносабатлар таркибида иқтисодий маданият муҳим таркибий қисмини ташкил қилади ва ижтимоий-иқтисодий онгни белгилайди, уларда ўз ифодасини топади. Шунингдек, ижтимоий муносабатлар ишлаб чиқариш даражасигина эмас, балки мулк, тақсимот, истеъмол билан боғлиқ муносабатларни акс эттиради. Иқтисодий маданиятнинг мазмунини кишиларнинг турли соҳалардаги мақсадга мувофиқ ижодий фаолияти, янги сифат натижалари ташкил этади.

Жамият иқтисодий маданиятида шахснинг иқтисодий маданияти унинг ўзини камол топтиришини англатиб, нафақат маданият қадриятларини яратиши, бойитиши ва истеъмол қилиш даражасини, балки ўз фаровонлигини янги босқичга кўтарилишини ҳам таъминлайди.

Иқтисодий маданият қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Билиш функцияси — иқтисод фанларининг ҳолати, фан асосларининг тажрибага татбиқ этиш усули ва йўлларини билиб олишга даъват этади.

2. Дунёқараш функцияси асосан, маънавий-руҳий моҳиятдаги иқтисодий дунёқараш бўлиб, иқтисодий ғоялар, қарашлар, тасаввурлар тизимидан иборат.

3. Тарбиявий функция — иқтисодий маданиятни эгаллаш, билимлар йиғиндисини эътиқодга айлантиришдаги бош манба эҳтиёжлар ва манфаатлардир. Билимлар ақл-идрок ва юракдан ўзлаштирилганда эътиқодга айланади.

4. Амалий функция ёки ишлаб чиқариш функцияси- бунда иқтисодий маданият маънавий ва амалий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларининг доимий ривожланиши кўринишида намоён бўлади.

Ахлоқий маданият жамият, социум, индивидлар томонидан ахлоқий камолот меъёрларига эришиш даражасидир. Кундалик турмушда, кишилар фаолиятида амал қиладиган ва ўзлаштириладиган ахлоқий қадриятлар ахлоқий камолот меъёрлари билан боғлиқ. Ахлоқий маданият таркибига ахлоқий онг, ахлоқий муносабат ва ахлоқий фаолият киради.

Ахлоқий онг тарихан кам ўзгарувчи умуминсоний ахлоқий қадриятларни англатади ва у ахлоқийликнинг пойдеворидир. Воқеликка ва инсон фаолиятига қадрият тарафидан муносабатда бўлиш ахлоқий онгнинг муҳим ҳусусиятидир.

Ахлоқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида кўриниши бўлиб, ахлоқий фаолиятга боғлиқ ҳолда кишилар ўртасида таркиб топадиган ўзаро боғлиқлик ва алоқалар йиғиндисидир.

Ахлоқий фаолиятда инсон ёки жамиятнинг ахлоқий онги, ахлоқий муносабатлари яхлит намоён бўлиб, ахлоқий талаблар, фазилатлар инсонпарварликни шакллантиради. Ахлоқий фаолият ахлоқий билимларни эгаллаш, ахлоқий туйғуларни шакллантириш, ўзини тарбиялаш; меҳнатга меҳр ахлоқий тарбияланганлик кабилардан ташкил топади.

Ахлоқий меъёрлар ва қоидалар ўзида аниқ тарихий мазмун, муайян жамиятнинг ижтимоий ҳолатини акс эттиради. Ахлоқий маданият инсон ҳулқининг фазилатларига эга бўлмасдан туриб мавжуд бўла олмайди. Ахлоқий

маданият ахлоқий онг шаклланиши жараёнида кишиларнинг ҳулқи орқали реаллашади.

Жамиятнинг ахлоқий маданияти моҳиятига кўра индивид-шахсларнинг ахлоқий маданиятидан ташкил топса-да, жамият ахлоқи янада муҳим аҳамиятга эга. Жамият ахлоқий маданияти ахлоқий қадриятлар тизимидан ташкил топади ва уни ифодалайди, шахс ахлоқий маданиятида эса ана шу тизимнинг жиҳатлари индивидуалликда акс этади. Бу икки жиҳат бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини бойитади.

Эстетик маданият инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти билан боғлиқ муносабат ва қадриятлар тизимини ифодалайди. Эстетик маданият соҳаси, инсоннинг ўз теварак-атрофини ўраб олган воқеликка нисбатан бўладиган муносабатида ўзини намоён этади. Инсон қўпол ё нозиктаъб бўлишда эркиндир. Бу эркинликнинг моҳияти шундаки, эстетик онгли, дидли инсонлар табиат, руҳий олам гўзалликларини кўпроқ ҳис этади, уларни ўз ижодида, гавдалантиради, қайта ишлайди.

Эстетик маданият жамият маданиятининг махсус қисми бўлиб, унинг ҳолати санъат ва эстетик муносабатлар ривожланиши билан боғлиқ. Эстетик маданият инсонни гўзалликка интилиб яшашга ундайди, “Гўзалликни ҳам ҳаё билан севиш мумкин”,— деган эди Ф.Петрарка.

Эстетик муносабатлар ва унга мувофиқ келадиган эстетик қадриятлар тизими эстетик маданиятнинг унсурлари ҳисобланади. Эстетик маданиятнинг хусусиятлари эса унинг негизини ташкил этувчи фаолиятнинг ўзига хослиги билан шартлангандир. Фаолият амал қилмоғи учун, фаолиятнинг субъекти, объекти ва унинг ўзи бўлиши керак.

Маданият тизимида илм, фанлар— моддий ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсули сифатида ўзида инсоннинг моҳиятли кучларини ифода этади ва маданият ҳодисаси сифатида намоён бўлади.Фан маданият ҳодисаси сифатида билимларни ишлаб чиқариш

билан ривожланади.“Ҳар қандай тасаввур ва билимлар сингари фан ҳам ижтимоий практика, ижтимоий эҳтиёж туфайли юзага келади”[1].

Маданият тизимида дин инсонларнинг оламдаги нарса ва ҳодисаларни илоҳий образларда мушоҳада қилиш шакли бўлиб, эътиқод рамзи, ҳаёт ва охират тасаввурларининг маънавий хазинаси сифатида намоён бўлишидир. Шунинг учун ҳам дин барча жамиятларда ахлоқни шакллантирувчи соҳа бўлиб келди ва ғоявий-сиёсий йўналишларга эга бўлди. У ибтидоий даврлардан бошлаб маданиятнинг таркибий қисми сифатида шаклланиб, жаҳондаги йирик маданиятлар зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, ислом цивилизацияларини яратди.

2.4. Маданият бойликлари (*маданий қадриятлар*)

Қадрият инсон ҳаётида ўта аҳамиятли бўлиб, уни маданият соҳалари рўёбга чиқарган ҳодиса сифатида англаш мумкин. Унда хўжалик, техник, ижтимоий, сиёсий, бадиий, илмий, ахлоқий қадриятлар фарқланади. Расмий нуқтаи назардан қадриятни ижобий ва салбий, ўзига хос ва доимий, мустақил ва шартли тарзда фарқлаш мумкин. Моддий нуқтаи назардан қадрият ҳиссий бўлиб — бу ҳаётий, маиший, техник, илмий қониқиш қадрияти, маънавийлари - аҳлоқий, эстетик, диний ва бошқаларга бўлинади. Айрим қадриятлар (*хўжалик, техник, сиёсий*) тарихий хусусият касб этиб, яъни маданият, давр ўзгариши билан улар ўзгариб туришини аниқлаш қийин эмас; бошқа қадриятлар эса доимий, универсал хусусиятга эга (*ахлоқий, бадиий*) умуминсоний-тинчлик, озодлик, тенглик, инсонпарварлик каби олий идеаллар барча замонларда қадрланади.

Қадриятлар ижтимоий фаолиятни тартибга солиб, индивидлар, гуруҳлар ва жамиятнинг муҳим ютуқларга эришувини белгилайди. Ижтимоий кўламдаги мазмун даражаси бўйича қадриятлар ворисийлик, узвийликга эга. Қадриятнинг **дастлабки даражаси** оддийлари орасидан ажралган аниқ нарса ва ҳодисалар, ҳаракатларнинг афзалликлари билан боғлиқ. Унинг **иккинчи даражаси** эса, маълум индивидга яқин бўлган ижтимоий гуруҳлар қизиқишига мос келувчи

[1] Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. — Фарғона, 1998, 40-бет.

ғоялар ёки фаолиятнинг танланиши билан боғлиқ. **Учинчи даражаси**, бу энг юксак умуминсоний мақсадлардаги танланиш бўлиб, бунда эзгулик, ҳақиқат, гўзаллик, адолат, тартиб, буларнинг зиди: ёвузлик, ёлғон, хунуклик, тартибсизлик, қашшоқлик ижтимоий иллатлар сифатида намоён бўлади ёки бу тақдир билан боғлиқ ўта юксак танлаш ҳисобланади (*буддизмда нирван, сўфийликда фано сингари*).

Қадриятларнинг иерархияга асосланган мураккаб тизимида индивиддаги сингари турли тоифадаги умумнинг ҳам ўзига хослиги асосий ва такрорий, марказий ва четдаги, устунлик ва ҳолатдаги тарзларга ажратиш мумкинлигидир. Қадриятлар моҳияти ҳар бир жамиятнинг миллий ва ўзига хос цивилизацияси билан боғлиқ ҳолда кескин фарқланади. Ҳамма даврларда, барча халқларда энг юксак қариятлар эзгулик, мазмунли ҳаёт, меҳнат, севги, ҳақиқат, бахт-саодат каби мезонларда ифодаланган.

Қадриятлар муайян жамият ёки синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятнинг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамият ҳодисалари моҳиятидир. Бу неъматларнинг қадриятлар дейилишига сабаб, кишилар уларни қадрлайдилар, чунки, бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади.

Қадриятларнинг энг асосий ва умуминсонийлари адолат, озодлик, ҳаёт, яшаш ҳуқуқидир. Ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради, қолган қадриятлар аслида, ҳаёт неъматларининг моҳияти - маданий қадриятлардир.

Қадриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳолаш билан белгиланади. Баҳолаш эса инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишларидан келиб чиқади. Айрим ҳолларда эҳтиёж ва манфаатлар бир-бирига зид келиши мумкин. Муайян ижтимоий гуруҳ, миллат, синфлар учун олий қадрият ҳисобланган ҳодисалар бошқалар учун қадрият бўлмаслиги мумкин. Табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият туркумига киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-истаклари, мақсадлари билан белгиланади.

Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилади.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Улар моҳиятига кўра турларга бўлинади. Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар: ер ва ер ости бойликлари, бошқа табиат неъматлари катта аҳамият касб этади.

Инсон меҳнати, ақли билан яратилган моддий бойликлар моддий қадриятлар ҳисобланади. Маданий-маънавий қадриятларга илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлар яратган бойликлар мансуб. Шунингдек, жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий-сиёсий қадриятлар: эркинлик, тенглик, биродарлик кабилар ҳам ўзига хос ўрин тутади. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичида истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида аҳамиятга эга.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади. Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Минтақавий қадриятлар иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

Умуминсоний қадриятлар мазмуни жиҳатдан чуқур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишига мувофиқ келади.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан қанча кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади.

Умуминсоний қадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради. Булар: ер

юзида илм-фанни тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, қирғин қуролларини тўхтатиш, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқалар.

Маданий мерос — бу ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажриба, билимлар, уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва маҳсуллари ҳамда унинг натижаларидир. Ўзлаштириш ёки аниқроғи, маданий мерос муносабат жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатдаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини бир бутун ҳолда бирлаштириб, миллат, халқнинг мулки, бебаҳо бойлигига айланади. Бор нарсани излаш, маълум нарсани очиш, қилинган кашфиётни кашф этиш керак бўлмаганидек, ўтмишда аждодлар қилган ишни такрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб, жамият ўз мақсадларини амалга оширишнинг қисқа йўлларини танлайди. Бундан ташқари, маънавий мерос кишиларнинг савиясини беҳад кенгайтиради, улар ҳаётини ақлий ва ҳиссий жиҳатдан бойитади, маърифат ва маънавиятнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўтмишдан батамом узилиш,уни унутиш мумкин эмас. Инсоният тарихида “эски” маданиятдан воз кечиб, мутлақо янги маданият яратишга уринишлар бўлган, бироқ бундай уринишлар ҳунук натижаларга олиб келган. Бунга 1920 йилларда Совет Россиясида “пролетар маданияти”ни яратишга уринишни ёки “маданий инқилоб”ни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу “инқилоблар” жараёнида янги маданият яралмади, аксинча, борини ҳам йўқ қилишга: қўлёзмалар, китоблар, суратлар ёқилди, кўплаб диний меъморий ёдгорликлар бузилди, энг ачинарлиси,кўплаб маданий қадрият эгалари махв этилди. Оқибатда ўтмиш билан боғлиқ узвийлик бузилиб, жамият маълум даражада маънан орқага кетди.

Маданиятнинг меъёрий ривожланиши уни асраб, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришни билдиради. Бироқ, бу жараён оддий ва бир ҳилда кечмайди. Маънавий қадриятларнинг мундарижаси, уларни қайта кўриб чиқиш ва қайта баҳолаш, ўзаро боғлиқлик усуллари, муносабат типлари, билимларни асраш ва узатиш, ҳаёт меъёрлари, воқеликни эстетик идрок қилиш хусусияти

ўзгармасдан қолмайди, улар узлуксиз ҳаракатда бўлади. Мерос серқирра ва кўп қиёфалидир. Унинг аниқ намоён бўлиши типларнинг кўплиги, тенденциялар хилма-хиллиги билан фарқланади.

Ҳар бир янги авлоднинг ўтмишдаги меросга ворислик қилиши маданиятнинг турли соҳаларида ўтмишдошларининг тажрибасидан фарқланади: санъатдаги ўлчам фандагидан бошқача; табиий фанлар гуманитар фанлардан фарқли. Ворислик (*меросдан фойдаланиш*) ҳар қандай соҳада инсоннинг аввалги маданий, маънавий, илмий бойликларни ўзлаштиришида намоён бўлади ва айни пайтда маҳаллий ёки дунё миқёсидаги жараёнлар шаклида ҳам ифодаланиши мумкин. Ворисликнинг маҳаллий (*чекланган*) шакли маданиятнинг касбий (*профессионал*), миллий, этник ва бошқа кўринишларига эга. Бу фаолият маданий босқичларда бир меъёрда, текис йўналиш шаклларида бўлмай, унинг бир босқичдан иккинчи босқичга сакраб ўтиши нотекис бухронлар хусусиятига эга.

Инсониятнинг маънавий ютуқларини мерос қилиб олишда ворислик жараёнлари кенг миқёсли (*умумий*) шаклда муффасал йўналишда амалга ошади. Масалан, қадимги Миср, Бобил, Шумер заковати,“Инжил”, “1001 кеча” эртаклари каби маданият ёдгорликларига ижобий таъсир қилди. Яна, ер юзидаги барча халқларнинг замонавий билим соҳаларига асос бўлган Бобил астрономияси, ҳинд математикаси, антик юнон фалсафаси, Рим ҳуқуқи ҳақида ҳам шундай гапириш мумкин.

Агар маданият ва маънавият соҳалари таркибида тил, удумлар, анъаналар ва бошқалар бўлса, маълум халқнинг маданият тарихи доирасида мерос қолдириш жараёни яхшироқ кечади. Бошқа соҳаларда эса техника, фан, санъат каби соҳалардаги бир халққа тегишли мерос бошқа халқларга ҳам тегишли мулкка айланади. Жаҳон адабиётининг қадимги, ўрта асрлар, Уйғониш даври, маърифатчилик босқичларида ижод қилинган дурдоналари ҳозир ҳам, келгусида ҳам барча халқлар учун қадрли маданий бойликлардир.

Маданиятда кейинги авлодларга мерос қолдириш учун белгиланган усул ва механизмлар мавжуд. Улардан қадимий осори атиқаларни намойиш қилиш,

оғзаки узатиш, фольклор, санъат кабилар қадимдан амал қилади,кино тасвири, магнит ёзуви, компьютер хотирасикейинроқ пайдо бўлди.

Барча жамиятларда ҳам маънавий меросдан фойдаланиш имкониятлари, шароитлари бир хил эмас. Улар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий омиллар билан белгиланади. Бу омиллар мероснинг ҳажми, танлаш хусусияти, интенсивлигига боғлиқ. Бизга маълумки собиқ совет жамиятида, коммунистик ғоя ҳукмронлиги даврида халқлар, хусусан Ўзбекистон ҳам ўзининг ҳақиқий тарихий, миллий ва маънавий меросларидан маҳрум этилган эди. Бироқ, тарихда маданий меросдан мутлақо маҳрум бўлган ёки ундан фойдаланмаган жамият ёки халқлар бўлиши мумкин эмас.

1. Маънавий мероснинг узвийлиги. Аждодлар яратган жамикибойликларга янги авлодлар меросхўр бўлади, тарихий аҳамиятини йўқотган маданият ўрнига яна янги маданиятлар вужудга келади, аммо шунда ҳам аввалгилардан кўп нарсалар ўзлаштирилади. Ўтмиш тажрибаси бугун ва келажак учун ҳар доим асқотиши мумкин, шунингдек, бугун унутилган нарсалар бутунлай йўқолиб кетмайди. Масалан, У. Шекспир юз йилча унутилиб, кейинги авлодлар учун жаҳон адабиёти ва драматургиясининг классиги сифатида танилди. Яъни, тарихий хотирасиз келажак йўқ (И.Каримов). Ўтмишга тўппончадан ўқ отсанг, келажак сенга замбаракдан ўқ отади (Р.Ҳамзатов).

2. Ўтмишдан ҳозирга ва келажакка ўтиш жараёнида меросдан холис фойдаланиш. Ўтиш даврида маданий мероснинг хусусияти ўзгармаса ҳам, унга муносабат ўзгариши мумкин. Яъни, миллий ғоя мавжуд нуқтаи назар ва билимлар талабига мос келувчи янги талқиндаги мазмун касб этади. Мана шундай кўринишда у келажакка мерос бўлиб ўтади. Масалан, бизнинг кунимизгача Аристотельва Демокрит асарларининг асл нусхаси сақланиб қолмаган, бироқ ҳар бир авлод уларнинг ғоясини ўзи учун янгитдан кашф қилади ва уларнинг фалсафасини талқин қилувчи минглаб китоблар яратилади.

3.Ўтмишдан қолган барча нарсалар бутунлайўзлаштирилмайди, балки янги давр ва замон талабига, руҳига жавоб берувчи, моҳиятан зарур нарсаларгина олинади. Ҳозирда эскирган ва керакмас деб ҳисобланган нарсалар

келажакда балки янги моҳият ва муҳим аҳамият касб этар. Аллақайси даврда қолиб кетган кийиниш усули кутилмаганда урфга айланиши мумкин. Янги ҳаёт қадим донишмандчилигидан ғоялар олади. Демак давр ва замон ўтмишдан қолган нарсаларнинг сайқалланиб, мукаммаллашиб, ўз талабларига жавоб бера оладиган томонларини ҳеч қачон инкор этмайди. Демак бу ерда ҳам фалсафанинг инкорни-инкор қонунига амал қилинади.

Ҳар бир этнос, халқ ўзининг мустақил, бетакрор, ноёб маданиятига эга. Халқлар ҳаётининг минтақавий, тарихий ўзига хослиги ҳар бир халқ маданиятининг ривожланиши учун шароит яратиб беради, у ёки бу этнос ҳаётининг сақланиб қолиши ва барҳаётлигига имкон туғдиради. Шу тарзда миллатлар олами- умумий коинот шаклланади, унда инсон ва уни тарихан ўраб турувчи табиат уйғунлашиб, этносларнинг ижтимоий руҳиятига таъсир кўрсатади, миллий хусусият сақланиб қолади ва меросга ворислик амалий фаолиятга айланиб, жамиятни тараққий эттиради.

Мана шу мангу маданият оламида инсон туради, бу ерда унинг муҳим ўрни, мақсади шаклланади, унинг диди, ҳаётий орзуси пайдо бўлади. Инсон маданиятларга меросхўр сифатида ўтмишдан қолган миллий мулкни, маданий хазиналарни ўзлаштиради. Мукаммал, намунавий ҳулқ қадриятларини, яъни инсоний фазилатларни асраб-авайлаш ва келажакка қолдириш, жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда барқарорлик ва узвийлик бўлиши зарур.

Анъана маданиятда янги одатлар билан уйғунлашиб кетади. Инсонга нафақат билим, шунингдек, ҳаёт фаолиятида анъанавий ибратлар ва яхши ўзлаштирилган маҳорат ва кўникма ҳам зарур. Бироқ, янгиижодкорликнинг бошланиши фикрлаш жиҳатдан дастлабки эслаб, тасвирлашдан фарқланувчи янги қадриятларни, моддий ва маънавий бойликларни вужудга келтиради. Маданиятнинг ривожланиш жараёни ижодкорликнинг субъекти саналган шахснинг шаклланиш, камол топиш жараёни билан бирга кечадиган ҳодисадир, яъни, инсонни нафақат жамиятда мавжуд бўлган маданий меъёрлар, анъана ва ибратлар, балки маданий жараёнларнинг ривожланиб бориши ҳам қўллайди.

Юқорида таъкидланганидек, миллий маънавий мерос муаммоси мамлакатимизда жамият учун ўта муҳимлилик касб этмоқда. Россия мустамлакачилариўз даврида Туркистон халқларининг маданиятига «қолоқ» маданият деб, паст назар билан қарашган. Собиқ советлар даврида ўзбек халқининг маданий меросига бир ёқлама ҳукмронлик қилди. Тарихимизга, адабиёт ва санъат асарларига“синфий кураш”, ”халқчиллик”, ”партиявийлик”каби ғариб назария орқали баҳо берилди. Фақат коммунистик ғояга мос келувчи нарсаларга ютуқ сифатида қаралди, қолган барчаси хато дейилди ёки мутлақо кишилар хотирасидан ўчириб ташлашга, мустамлакачиларнинг буюрганини, ўйламай, тез бажарадиган зомбиларни, манқуртларни кўпайтиришга уринилди.

Узоқ давом этган совет мафкурасининг тазйиқига, қатағонларига қарамай, ўзбек халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоя - улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим воқеа бўлиб қолди.

Ўзбек халқининг маданий мероси минг йиллар давомида яратилган. Унда турли даврларда Ўзбекистон ҳудудида эътиқод қилинган зардўштийлик, буддизм, ислом ва бошқа динлар яратган маънавий-ахлоқий қадриятлар мужассамлашган. Унда бутун дунёга машҳур Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб буюк мутафаккирларнинг билими ва салоҳияти гавдаланган. Бу меросда Амир Темур ва Бобур Мирзоларнинг давлатчилик ва сиёсий қурилиш тажрибалари, буюк меъморлик ёдгорликлари, тасвирий санъат, мусиқа, амалий санъат асарлари: халқ урф-одатлари ва анъаналари, миллий спорт турлари уйғунлашган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда жамиятимиз жадал туб ўзгаришлар ҳолатини бошдан кечирмоқда. Бундай даврда ҳар бир кишига мустаҳкам таянч зарур. Фақат миллий ғоя шундай таянч бўлиши мумкин. Фақат миллий ғоя ислоҳотлар йўлидан муваффақиятли бориш учун миллатни бирлаштириши ва жипслаштириши мумкин. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисидаги ўз мулоҳазаларида миллий ғоянинг шакллантиришни биринчи даражали қилиб "... миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан"[1],— деганди. Чунки,миллий ғоя асосида халқнинг ҳақиқий тарихини қайтариш, миллий анъаналарни тиклаш, маданий ва маънавий меросни ўрганиш ётади. Худди шу ғоя XXI асрда мустақил Ўзбекистоннинг озод фуқаролари маънавияти шаклланишида катта аҳамият касб этиб, уларнинг ўз Ватанини гуллаб–яшнаши учун фидойи, ўз халқининг буюк ўтмишидан фахрланувчи миллат фарзандлари бўлиши учун хизмат қилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Моддий маданиятнинг маънавий маънавиятдан фарқи?
2. Маънавий маданият қачондан ўрганила бошланган?
3. Маданиятнинг таркибий қисмларини изоҳланг?
4. Тарихий-маданий бойликларни тушунтиринг.
5. Ўтмишни келажак билан боғлаш нима?
6. Оламни билиш, ўзлаштириш ҳақида фикрингиз?
7. Маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётида ўрни?
8. Иқтисодий маданиятни тушунтириб беринг?
9. Маданий мерос-бу?
10. Маънавий меросни узвийлиги деганда?
11. Ўзбек халқининг маданий мероси қайси даврлардан бошлаб шакллана бошлаган?

[1]Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар тўплами, 9-жилд. — Тошкент: "Ўзбекистон", 2001, 222-223-бетлар.

Донишмандлик бизга ҳаёт
сўқмоқларида улуғ саодатни
ҳозирлаб, инъом этувчи воситадир.
Абу Али ибн Сино

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ЖАҲОН МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

3 мавзу. ҚАДИМГИ ШАРҚ МАДАНИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар.

Қадимги Шарқ, Мифологик тафаккур, эволюция, илк цивилизация, Миср эҳромлари, Имхотеп, Карнак, тиббиёт, ёзув, Ниневия, Саргон II, шумерлар дини, Бобил давлати, Хаммурапи, Навуходоносор II, Семирамида осма боғлари, Хараппа, Моҳенжо-Даро, Веда, илм-фан, тиббиёт, Ажанта, Рамаяна, Брахманизм, Буддизм, “Ши-цзи”, Тан сулоласи, кашфиётлар, Буюк Хитой девори, Конфуций, Цинь Шихуанди.

3.1. Қадимги Миср маданияти

Қадимги Миср илк цивилизация ўчоқларидан бири сифатида ўзига хос бетакрорлиги билан ажралиб туради. Бу давлат Африканинг шимоли-шарқида жойлашган ва унинг пайдо бўлишида Нил дарёсининг буюк хизмати бор. Нил — дунёдаги энг катта дарё бўлиб (*узунлиги 7.000 км.га яқин*),Марказий Африкадан бошланиб, сувлари Ўрта ер денгизига қўйилади. Дарёнинг айниқса баҳор ойларида қора лойқа-минералларга бой суви тошиб, икки соҳили ва делтасини-хавзасини чўкиндилар билан бойитади. Бу эса деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига зарур табиий шароит эди. Шу сабабли водийликлар ўз юртини “Миср”, “Қора тупроқ”, (*юнонча “Египет”)* деб аташган.Мисрда илк деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ҳам энг аввало шу дарё билан боғлиқ бўлган.

Қадимдан Миср табиати иссиқ, ҳайвонот, ўсимлик дунёси ва ер ости бойликлари кўп бўлганлиги боис бу ерда моддий ва маънавий маданият жуда эрта вужудга келиб, ривожланган. Мисрда давлатнинг пайдо бўлиши мил. ав. IV минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Бу даврларда Нил дарёсининг

шимолида ва жанубида 42 та шаҳар давлатлари — номлар пайдо бўлган. Номларни номархлар бошқариб, улар деҳқончилик, чорвачилик, суғориш, ҳарбий ва диний ишларни ҳам бошқарганлар.

Булар илк қулдорлик давлатлари эдилар. Бу давлатчаларнинг шимолий ва жанубий бирлашмалари вужудга келади. Мил. ав. III мингинчи йил бошларида Жануб подшоси Шимолий уюшма устидан ғалаба қилиши натижасида ягона Миср давлатига асос солинади. Унинг пойтахти Мемфис шаҳри бўлган.

Ўз ватани тарихини ёзган коҳин Манефон қадимги Миср подшолиги тарихини тўртта даврга бўлади: Илк подшолик (мил. ав. 3000-2800), Қадимги подшолик (мил. ав. 2800-2250), Ўрта подшолик (мил. ав. 2050-1700), Янги подшолик (мил. ав. 1580-1070 йиллар). Бу даврлар жами 30 та фиръавнлар сулоларини ўз ичига олади. Сўнги подшолик (*Ливия-Сомс ва Эрон*) даври (мил. ав. 1070-332)да давлатни чет эл хукмдорлари бошқарган.

Одамларнинг ҳаёти кўп жиҳатдан Нилга боғлиқ эди. Шунинг учун жамият ҳаёти изчил йўлга қўйилди, сув омборлари ва каналлар-наҳрлар сув оқими, ер ландшафти қоидалари режалаштирилган ҳолда қурилди. Ер тақсимланиши, сувга эгалик ҳуқуқи қатъий бошқарув асосида олиб борилди. Фиръавннинг аёнлари юқори ҳосил олиш учун зарур ишларни бажарди.

Қадимги Миср дунё цивилизациясининг классик намунаси бўлди. Қадимги юнон тарихчиси Геродот бу мамлакатни «Нилнинг инъоми» деб бежиз айтмаган. Баҳор ойларида Нил дарёси тошқини натижасида қирғоқдаги ерларда ҳосил бўлган чўкмалар деҳқончилик учун «текин ўғит» бўлиб хизмат қилган. Дарё бўйларида турли хил гранит, мармар каби тошларнинг бўлиши эса қурилишга яхши материал ҳисобланган.

Миср тарихининг барча даврларида ҳайвонлар, табиат ҳодисалари ва ота-боболар руҳига эътиқод қилиш кенг тарқалган. Шу билан бирга Мисрда ягона давлатнинг вужудга келиши билан фиръавн — подшоларга эътиқод қилиш ва уларни илоҳийлаштириш пайдо бўлган. Биринчи ўринда қарчиғай бошли Қуёш “худо”си -**Ра ёки Амон-Ра** бўлиб, (*мисрликлар тасаввурида*) у ҳар куни олтин

қайиқчасида осмонни кезиб чиқади ва ғарбга тушади. Мисрликлар Қуёш “худо”сига атаб ибодатхоналар қурганлар.

Мисрликлар дини илк уруғдошлик жамоаларида вужудга келган. Диний анъаналар мустаҳкам ва турғун бўлган. Фетишизм, тотемизм (қушлар ва ҳайвонларга топиниш) Мисрда узоқ давом этган. Деярли ҳар бир маъбуд қандайдир ҳайвон кўринишида тасвирланган. Масалан, Анубис маъбуди — бўри, маъбуда Баст - мушук кўринишида тасвирланган. Кейинчалик маъбудлар танаси инсоний қиёфа олган.

Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллуна бошлагач, турли хил табиат кучларини ўзида ифодаловчи маъбудларга, жумладан, Осмон (*маъбуд Нут*), Ер (*маъбуд Геб*), Қуёш (*маъбуд Ра*), Ой (*маъбуд Тот*) ва бошқаларга сиғиниш кучайган. Хапи маъбуди сиймосида мисрлик деҳқонлар Нил дарёсига сиғинишган.

Миср маъбудлари ичида **Осирис** алоҳида ўрин тутади. У аввал деҳқончилик ҳомийси бўлиб, эшакбошли, қизил кўзли ёвуз маъбуд Сет томонидан ўлдирилган. Осирис нариги дунёдаги подшоҳликда шоҳ ва судья бўлиб олади.

Миср мифлари орасида марказий ўринни дунёнинг яратилиши, инсонларни қилган гуноҳлари учун жазолаш, қуёш маъбуди Ра билан илон Апон сувратдаги зулмат кучлари ўртасидаги кураш, Осириснинг ўлими ва қайта тирилиши эгаллайди.

Дин ва илоҳийлаштирилган фиръавн культи эҳтиёжларига хизмат қилиш лозим бўлган Миср санъати ўз ғояларини қатъий белгиланган шаклда ифодаланган. Меъморлик фиръавнлар ҳокимиятнинг қудратини, улуғворлигини ва машҳурлигини кўрсатишга қаратилган, шу мақсадда бино (*эҳром, ибодатхона, сарой ва бошқа*)ларнинг улкан, ҳашаматли бўлишига аҳамият берилган. Эҳром ва мақбараларнинг ички даворларига демотик-сувратли битикларда диний дуолар ва тилаклар ифодаланган.

Қадимги подшолик даврида ибодатхоналарнинг янги типи пайдо бўлган, улар одатда Мисрнинг бош маъбуди — Рага бағишланган. Мақбара ва

ибодатхоналарнинг девори рангин расмлар, релъеф ва ҳайкаллар билан безатилган. Бу даврда ҳайкал портретлар санъати тараққий этган. Мисрликлар тасаввурини ҳайкал портретлар марҳумларнинг қиёфадоши ролини ўтаб, марҳумларнинг руҳлари жойлашган жой вазифасини ўташган.

Миср шоҳлари (*улар фиръавн деб юритилган*) "нариги дунё"да ҳам яшашни орзу қилиб, ўзларига эҳром қурдиришган. Қадимги Миср фиръавнларидан **Жосер** биринчи бўлиб ўзига улкан даҳма, яъни эҳром бунёд этдирган. Улкан тош иншоотни қуриш ишига фиръавннинг вазири, замонасининг ажойиб олими — ҳаким, риёзатчи ва меъмор **Имхотеп** раҳбарлик қилган. У Саккарада марҳумлар руҳига бағишлаб маросимлар ўтказиладиган мажмуи бунёд этган, унинг марказида поғанали мақбара-эҳром (баландлиги 60 метр, асоси 109,2 х 121 метр) қурган.

Мил. ав. 2800 йилларда Миср давлатини **Хуфу** (*юнонлар Хеопс деб аташган*) бошқарган. Қадимги дунё тарихчиси Геродотнинг ёзишича, Хуфуга эҳром бунёд этиш учун йигирма йил вақт кетган, қурилишда бир йўла юз минглаб қуллар ишлаган, улар ҳар уч ойда алмаштириб турилган. Гизадаги меъмор Хемнун лойиҳаси бўйича фиръавн Хеопс учун қурилгандунёда тенги йўқ эҳром (баландлиги 146,59 метр, асоси 233х233 метр). Эҳром қурилишига, олимларнинг ҳисобича, 2 миллион 300 минг дона тош ишлатилган ва ҳар бирининг оғирлиги 2 тоннадан 30 тоннагача бўлган.

Хефрен эҳроми (*баландлиги 143,5 метр, томонлар асоси 215,25м.*) яқинидаги ибодатхонанинг ҳашаматли зали қиррали устунлар билан безатилган. "Катта сфинкс" (*узунлиги57 метр, баландлиги 20 метр, мил. ав. III аср)* қояларда жойлашган. Микерин эҳроми (*баландлиги 62 метр, томонлар асоси 108,4 м.*) "Дунёнинг етти мўжизаси" таркибига кирган. Ҳар бир эҳромга шарқдан ибодатхоналар туташган бўлиб, улар ўтиш йўллари орқали бир-бири билан боғланган. Ибодатхона-мақбараларда аслзодаларнинг 2-6 сулолалари дафн этилган бўлиб, 7 мингдан зиёд қабрлар жойлашган.

2002 йили Европа ва Миср олимлари робот ёрдамида Хеопс пирамидаси устида тадқиқот ўтказдилар. Тўрт минг йил давомида бу хонага инсон оёғи

тегмаган эди. Икки соат давомида ўн икки сантиметрли “пирамидатешар” робот 65 метр туннелни босиб ўтиб, махсус дрель билан оҳактошдан қилинган эшикни тешди. Тешик орқали кичкина телекамерани ҳам олиб ўтди. Робот у ерда яна бир сирли хонага дуч келди. Хонанинг эшиги маҳкамланган экан. Шундай қилиб, хазина топилмади.

XXI асрда археологлар қазув ишларида энг янги усулларни татбиқ қилиб, шуни тушундиларки, қадимги Миср архитекторлари усталик билан иш тутган эканлар: Фиръавннинг қабрини ҳар хил нопок одамлар булғамасин, деб одамларни чалғитиш учун кераксиз коридорлар қурган эканлар. Икки француз археологи Жак Бордо ва Франс Дармен дастлабки олти сулоланинг фиръавнлари қабрлари лойиҳасига оид барча маълумотларни йиғдилар ва ҳар бир қабрнинг батафсил хариталарини чиздилар. Тайёрланган хариталар асосида пирамидаларнинг ички ер ости йўлларининг бир неча юз метрини суратга туширдилар. Харита ва суратларни солиштириб, шуни аниқладиларки, ер ости йўлларидаги кўплаб туташган жойлар маҳорат билан қилинган соҳта йўлларга олиб борар экан. Туташган жойлар тошни ўйиб ишланган бўлиб, сувалган ёки майдаланган тошга оҳак қўшиб беркитилган экан. Шу тариқа горизонтал туташган жойлар сохта бўлиб чиқди. Аммо бу қазилма натижасида археологлар ҳақиқий йўлакни ва тош деворни топишга муваффақ бўлдилар. Бу йўлак ва тош девор пирамиданинг яширин ковакларига кирадиган жойларини сир сақларди. Ўша ковакларни ташқаридан билиш мумкин эмас, чунки, ковак жойлар қум билан беркитилган эди.

Карнак. Ипет-Исут-қадимги Миср ибодатхоналар ҳаробаси. Ибодатхоналар мураккаб таркиби, ҳашаматли меъморий тузилиши билан ажралиб туради. **Амон-Ра** ибодатхонаси (мил. ав. XVI-XI асрлар) даги 134 колоннали катта зали, ҳовлилари диққатга сазовор. Бу зал деворларида фиръавнларнинг урушдаги ғалабалари тавсирланган. Амон-Ра ибодатхонаси мажмуи билан маъбуда **Мут** ибодатхонаси (мил.ав. XVI-XV асрлар)ни машҳур сфинкслар ҳиёбони бирлаштириб туради. Ҳозир Карнак музейга айлантирилган бўлиб, ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинади.

Тутанхамон— Мисрда янги подшолик даврида мил. ав. 1347-1337 йилларда ҳукмронлик сурган фиръавн. Тутанхамоннинг шоҳлар водийсидаги мақбараси 1922 йил инглиз археологи П.Картер томонидан топилган. Ундан олтин саркофагидан ташқари, фиръавн тириклигида яхши кўрган санъат асарлари ва унинг қурол, буюмлари: олтин ниқоби, рафиқаси тасвири, фиръавн 2 ғилдиракли жанг араваси устида акс эттирилган ҳайкалча, олтин, ганч, қора ва қизил ёғочлардан ишланган ҳайкалчалар, ўқ-ёй, ханжар, қутича, ўриндиқ ва бошқа буюмлар топилган. Бу ноёб санъат асарлари жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида намойиш этилган.

Ёш ҳукмдорнинг жасади қўйилган марказий хонадан турли озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар, қимматбаҳо буюмлар топилган. Хона эшиги олдига унинг ҳайкали ўрнатилган. Хона деворлари ҳам соф олтиндан ишланган бўлиб, қадимий тош тобут бутун хонани эгаллаган эди. Фиръавннинг жасади олтин ғилофга солинган, юзида олтин ниқоб, унинг устига эса сон-саноқсиз маржону–билагузуклар ташлаб қўйилган. Қолаверса, оёғидаги сандал ҳам олтиндан, қўл-оёқларининг бармоқларига ҳам олтин ғилоф кийдирилган.Хуллас, Тутанхамон даҳмасидаги бойликни ҳисоблаш қийин. Лекин, қолган 79 та даҳмалардаги қимматбаҳо анжомлар ўғирланган, талон-тарож қилинган бўлишига қарамай, бундан ҳам кўп бўлганини исботловчи тарихий маълумотлар бор.

Иероглифлар (юн. муқаддас ва ўйиқ)-бир сўз, бўғин ёки товушни ифодалашга хизмат қилувчи график ифода. Иероглифларнинг энг қадимгиси Миср ёзуви белгилари бўлиб, мил. ав. IV минг йилик охирида қўлланилган. Ҳозир 5 мингга яқин Миср иероглифи маълум. Миср иероглифлари орасида қуйидагилар фарқланади: 1) бир қонсонатли белгилар (30 га яқин); булар миср тилидаги ундош товушларни ифода этган; 2) морфемаларни фонетик ифодалаш учун икки ва уч консонатли белгилар; 3) бир бутун сўзни ифодалаш учун идеограммалар; 4) детерминатлар – сўз маъносини аниқлаштирувчи ёрдамчи (талаффуз этилмайдиган) идеографик белгилар.

Қадимги подшолик даврида фиръавнлар саройида бўлажак мирзаларни тайёрлайдиган мактаблар ташкил қилинган. Кейинчалик ибодатхоналар ва

йирик давлат идоралари қошида ҳам мактаблар очилган. Мактабда 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ўқитилган. 12 ёшидан талабалар идораларда мирзалик қилган. Машғулотлар тонг саҳардан кеч пайтгача давом этган. Мактабда қаттиқ интизом жорий қилинган, тан жазоси қўлланилган. Ўқув, ёзув ва ҳисоб асосий фанлар бўлган. Ўқув фанларидан ташқари мактабда гимнастика машғулотлари ва сузиш, яхши муомалага ўргатишган. Ибодатхоналар қошидаги мактабларда умумий ва диний билимлар билан бирга астрономия, тиббиёт ўргатилган.

Мил.ав. IV минг йилликдан бошлаб мис ишлатила бошланган, кулолчилик дастгоҳлари пайдо бўлган. Мил. ав. III минг йиллардан шишасозлик ривожлана бошлаган. Мил. ав. II минг йилликдан бронза жездан фойдаланила бошланган. Темирдан ясалган илк буюмлар мил. ав. II минг йиллик ўрталарига оиддир. Мисрликлар олтин ва кумушдан ҳақиқий санъат асарларини ижод қилганлар. Илк подшолик даврида омоч пайдо бўлган. Умуман олганда қадимги Миср ҳунармандчилигининг 30 дан ортиқ касб турлари бўлган.

Қадимги, айниқса, ўрта подшолик даврида математика соҳасида катта ютуқларга эришилган. Жумладан, саноқ тизими кашф этилган. Миср ёзувида 1, 10, 100, 1000, 10000, 100000, ҳатто миллионни ҳам билдирувчи алоҳида белгилар бўлган. Миср астрономлари юлдузлар, сайёралар ҳаракатини ўрганиб, биринчи юлдузлар осмони харитасини тузганлар. Шундай хариталар Сенмут мақбараси, Эдфу ва Дендир ибодатхоналарининг шифтларида сақланиб қолган.

Қадимги мисрликлар география фани соҳасида ҳам дастлабки маълумотларга эга бўлганлар. Қадимги Миср географлари ўз ўлкалари ва Арабистон ярим оролининг харитасини чизганлар. Улар чизган Арабистон чўлларидаги олтин конлари жойлашган районнинг харитаси ҳозиргача сақланиб қолган.Миср астрономлари дунёда биринчи бўлиб алоҳида тақвим тузганлар. Унга кўра, бир йил 365 кунни ташкил қилиб, у 12 ойга бўлинади. Ҳар ой 30 кундан иборат бўлган, қолган 5 кунни эса байрам қилишган. Қум ва сув соатлари ҳам дастлаб Мисрда кашф этилган.

Мисрда тиббиёт ҳам эрта ривожланган. Мил. ав. 3600 йилда Мемфисда афсонавий табиб Имхотеб шарафига махсус ибодатхона қурилиб, у ерда беморларга тиббий ёрдам кўрсатилган. Гелиополис ва Саис шаҳарларида табиблар тайёрлайдиган махсус мактаблар бўлган. Тиббиётга бағишланган асарлар яратилган. Табиблар бош мияни очганлар, тишларга пломба қўйганлар, жасадларни мўмиёлаш учун дори-дармонлар, турли анвои хушбўйликлар, бўёқлар ва бошқаларни тайёрлаганлар. Мўмиёлаш жараёнида инсон аъзоларининг ички тузилишини яхши билганлар. Улар беморларни даволашда терапия, жаррохлик, руҳий таъсир этиш усулларини қўллашган. Қизиғи шундаки, Миср таббий-жарроҳлик асбобларининг шакллари ҳозиргача деярли ўзгармаган.

Ўрта подшолик даврида адабиёт жуда ривожланган. Бу даврда жуда кўплаб қўшиқ, эртак ва мақоллар тўқилган. Ўша даврда “Кема ҳалокати” «Оға-ини ҳақида», «Тўғри ва эгри ҳақида», «Изида ва Осирис ҳақида» ҳикоя, қисса «Гор ва Сет жанжали» номли афсоналар жуда машҳур бўлган. “Оға-ини” ҳикоясида оққўнгил укасининг уйини, ерини тортиб олиб, ўзини қул қилиб ишлатган ака маъбудлар томонидан дўзаҳга ҳукм қилинади.

Бу даврда кўп жанрли адабиёт ҳам ривожланади. Диний «Марҳумлар китоби», реализм руҳидаги «Икки оға-ини ҳақида», «Севги ҳақида», «Юракни роҳатлантирувчи қўшиқ» каби асарлар юзага келди. Сочга шакл бериш, парфюмерия, этика маданиятининг бошланиши ҳам қадимги Миср маданияти билан боғлиқ.

Дунёда биринчи бўлиб Мисрда театр кашф қилинган. Ибодатхоналарда диний драмалар қўйилган. Хусусан, театрларда Осириснинг ўлими ва қайта тирилиши кўринишлари ижро этилган.

Янги подшолик даври қадимги Миср тарихида моддий ва маънавий ривожланишнинг энг чўққиси ҳисобланади. Бу даврда мисрликлар темирдан фойдаланишга ўтганлар, тўқимачилик дастгоҳини кашф қилинган, асаларини хонакилаштиришган, йилқичиликни ўзлаштирганлар. Чиғириқни ва шаруфни кашф этилиши полизчилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига олиб келган.

Хуллас, бу даврда мамлакат иқтисоди тез ўсади. Бу эса жамиятнинг янада бойишига ва санъатнинг ривожланишига олиб келди.

Сўнгги подшолик даврида Миср инқироз жараёнинибошидан кечирди. Ягона Миср аввал иккига, сўнгра майда номларга (*давлатчаларга*) бўлиниб кетади. Миср аввал Нумибия, Оссурия, Эрон таъсирига тушиб қолади ва ниҳоят, мил. ав. 332 йили Александр Македонский томонидан эгалланади. Шу билан Мисрнинг қадимги даври маданияти тугайди.

Мисрликларнинг турли соҳаларидаги билимлари жаҳон фанининг ривожига муҳим ҳисса қўшган. Юнонлар Мисрни қадимги донишмандлар юрти, мисрликларни эса ўз устозлари деб ҳисоблаб келишган. Пифагор, Суқрот, Плотон, Аристотель ва бошқа донишмандлар Мисрга бориб, илм ўрганиб келган эдилар.

Қадимги Миср маданияти ҳозирга қадар ҳам яшаб келмоқда. Бу маданият жаҳон маданияти ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Юнон файласуфи Плотон Миср маданиятини “Жамъи цивилизацияларнинг онаси” деб бежиз айтмаган.

3.2. Қадимги Месопотамия маданияти

Месопотамияда яшаган ва *Шумер, Аккад, Бобил* ва *Оссурия* каби йирик давлатлар барпо этган халқлар юксак даражада тараққий этган илм-фан, адабиёт ва санъат ҳамда диний мафкуранинг устувор бўлганлиги билан ажралиб турган.

Шумерлар иқтисодининг асосини суғорма деҳқончилик тизими ташкил қилган. Шунингдек, чорвачилик, металсозлик ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Мил. ав. III мингинчи йил бошларидан шумерликлар бронзадан меҳнат қуролларини ясашган, мил. ав. II мингинчи йил охирларига келиб эса темир даври бошланади.

Месопотамиянинг катта ютуқларидан бири бу **ёзув**нинг ихтиро қилиниши эди. Илк ёзув мил. ав. IV минг йилликда жанубий Месопотамияда шумерлар томонидан кашф қилинган. У суратли ёзув бўлиб, сўз расм орқали ифода этилган. Бу фанда **иероглиф** деб номланган. Аммо суратли ёзув билан

сўзларни ифодалаш чекланганлиги сабабли бу ёзув такомиллаштирилиб, белгили миххат ёзуви кашф қилинган.

Миххат - қадимги Олд Осиёда қўлланилган, мих ёки поначаларга ўхшаш чизиқли (белги)ларни лой тахтачаларга ўйиб тушуришдан иборат идеографик ёзув тари, мил. ав. III минг йиллик бошларида шумерлар томонидан яратилган. Бунда айрим буюмлар ва умумий тушунчаларнинг номи расмлар билан ифодаланган, масалан, оёқ тасвири "юриш", "туриш", "олиб кетиши" маъноларини анълатган. Бундай белгилар миқдори 1000 тагача етган. Шумер миххати дастлаб юқоридан пастга, кейинчалик горизантал ҳолда- чапдан ўнгга қараб ёзилган. Мил. ав III минг йиллик ўрталарида миххатнинг сўз-бўғинли шакли пайдо бўлган, белгилар миқдори 600 тагача қисқартирилиб, расм-белгилар соддалаштирилган. Айни шу даврда шумер миххати аккадликлар (бобилликлар ва оссурияликлар) томонидан ўзлаштирилиб, сомий тилларга мослаштирилган, белгилар сони 300 тага туширилган. Аккадликлар ишлаб чиққан миххат кейинчалик, мил.ав. II-I минг йилликлар даврида, бир қанча қўшни халқлар тиллари (хетт, элам, урарту, қадимги форс)га маслаштирилган ҳолда қўллана бошлаган. Бу даврда миххатлар ҳарф-товуш-бўғин ёзувларига анча яқинлашиб, шундай ёзувларнинг келиб чиқишига асос бўлган. Мил.ав 1 минг йиллик охирларида миххатлар ўрнини оромий ёзуви эгаллаган.

Месопотамияда қадимдан бошлаб мактаблар вужудга келган бўлиб, уларда ўзига тўқ кишиларнинг фарзандлари таълим олган. Мактабларнинг қуйи синфларида адабиёт, тил, грамматика фанлари ўқитилган. Юқори синфларида эса астрономия, математика, геометрия, тиббиёт ва ветеринария ҳамда диний дарслар ўтилган. Мактаблар давлатни бошқариш учун ходимлар тайёрлаган.

Қадимдан Месопотамия мирзалари адабий, тарихий асарларни тери, сопол, лой тахтачаларга ёзиб, уларни аввал офтобда қуритган, сўнгра хумдонларда пиширилиб, ўзига хос китоблар яратилган ва кутубхоналарни ташкил қилганлар. Бундай кутубхоналар Ур, Ниппур, Ниневия, Бобил, Ашшур каби шаҳарларда мавжуд бўлган. Уларнинг ичида энг каттаси Оссурия подшоси

Ашшурбанипалнинг Ниневиядаги кутубхонаси бўлиб, унда 30 мингдан ортиқ тшбитиклар сақланган.

Месопотамиядаги учинчи кучли давлат - **Оссурия** эди. Оссурия мил. ав. III минг йилликда ташкил топиб, мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида гуллаб-яшнаган. Оссурия Яқин Шарқда савдо йўлларининг кесишган жойида жойлашганлиги сабабли тез орада кучли давлатга айланди. Архитектура Оссурия маданиятида етакчи ўрин эгалларди. Архитектура обидалари ичида энг катталари Дур-Шаррукинда қурилган подшо Саргон II нинг сарой мажмуидир. Мазкур сарой деворларида ҳайкаллар тасвири (*ҳайвонлар*) акс эттирилган. Оссурияда сарой деворларида подшо ҳаётидан лавҳалар ва табиат кўринишлари тасвирланган. Масалан, подшо Ашшурбанипал II нинг Ниневиядаги саройи деворларида «Катта шерлар ови» тасвирланиб, унда яраланган, ўлаётган ва ўлган шерларнинг ҳолатлари усталик билан акс эттирилган.

Икки дарё оралиғида яшаган қадимги халқларнинг дини айрим маҳаллий маъбудларга сиғинишдан иборат эди. Аммо бу ҳол бошқа маъбудларга сиғинишни истисно этмасди. Мил. ав. III минг йилликда шумерлар динида айниқса, айрим жамоаларнинг ҳомийлари бўлмиш маъбуд ва маъбудаларга сиғиниш кучаяди, булар, одатда, ўсимлик дунёси ҳамда суғорма деҳқончиликнинг ҳам маъбудлари эди. Қуёш маъбуди — Уту, Ой маъбуди — Зуэн (*Нанна*), Осмон маъбуди — Ан, муҳаббат маъбудаси — Иннин (*Инанна*), ер ости сувлари маъбуди, донолик ва маданий ихтиролар ҳомийси — Энки кабиларга ҳамма жойларда сиғинилса-да, уларнинг ўз жамоа марказларида ҳам ибодат қилинарди.

Шумерларда Энлил маъбуди — энг олий маъбуд ҳисобланар, Энлил, Ан ва Энки улуғ маъбудлар учлигини ташкил этарди. Ўсимликлар дунёси, шунингдек, чорвачилик соҳасининг ўлиб борувчи ва қайта тирилувчи маъбудлари — Думузи-абзу (*Таммуз*) ва бошқаларга топиниш ҳам, шумерлар ҳаётида зўр аҳамиятга молик ибодат деб саналарди. Шумерлар ўлимдан кейинги дунёни қоп-қоронғу ер ости шаҳари деб тасаввур этишарди. Бу зулмат

шаҳрида Эреш-ки маъбудаси (*ёхуд Нергал маъбуди*) ҳукмронлик қилармиш. Яхшилик ва ёвузлик руҳларига ишониш ҳам кенг тарқалган эди.

Моддий маданият соҳасида Шумерда архитектура қурилиши соҳаси муҳим ўрин тутган. Бу ерда хом ғишт кашф қилинган бўлиб, улардан ибодатхоналар - олти, етти қаватли зиккуратлар қурилган. Уларнинг ичида таниқлиси Ур шаҳридаги «Храм-тоғи» (*мил. ав. XXII-XXI асрлар*) бўлган. Зиккуратлар биргина диний маросимларни ўтказиш жойигина бўлмай, расадхона-обсерваториялар вазифасини ҳам бажарганлар. Осмон ёритқичлари ҳаракатини кузатиш билан астроном коҳинлар шуғулланишган. Қадимги Месопотамия астрономлари Қуёш ва Ой тутилишини олдиндан билганлар. Улар Қуёш йили 365, Ой йили 354 кунлигини аниқлаб, шу асосда астрономия тақвимини тузганлар.

Ҳайкалтарошлик соҳаси ривожланиб, ибодатхоналар учун кичик ҳажмдаги ҳайкалчалар ясалган. Мисол учун, Лагашдаги аёл ҳайкалчасида (*бўйи 26 см.*) этник қиёфа белгилари ҳам намоён қилинган. Бу даврга тааллуқли мисдан ясалган Саргоннинг боши тасвирланган ҳайкалчада подшоҳнинг ботирлиги, кучли иродаси ва қаҳрли характери ифода қилинган.

Шумерда бадиий адабиёт ривожи юқори даражага кўтарилган. Ноёб асарлардан «Деҳқончилик тўплами», «Гилгамеш ҳақида достон» каби асарлар яратилган. Достонда Гилгамеш ва Энкидуларнинг дўстлиги, қаҳрамонликлари ва саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Мил. ав. III мингинчи йил охирига келиб Шумер инқирозга учради ва уни Бобил босиб олди. **Бобил** тарихи икки даврга бўлиниб, қадимги даври мил. ав. II минг йилликнинг биринчи ярмини ва янги даври мил. ав. I минг йилликнинг ўрталарини ўз ичига олади.

Қадимги даврнинг энг ривожланган вақти мил. ав. 1792-1750 йилларда подшо **Хаммурапи** ҳукмронлик қилган. Хаммурапи йирик давлат тузиб, бу давлатни ўзи тузган қонунлар асосида бошқарган. Хаммурапи тўплами миххат ёзувида базалът тош устуни сатҳида битилган. Қонунлар тўплами 282 моддадан иборат бўлиб, у кириш, қонунлар ва хулосадан иборат. Кириш

қисмида қонунларни чиқаришдан мақсад, мамлакатда адолат ўрнатишдан иборат, деб кўрсатилган. Унда подшоҳ улуғланиши билан бирга хусусий мулк ҳимоя қилинган. Масалан, кимки ибодатхонанинг ёки подшонинг мулкини ўғирласа, у ўлдирилиши лозим; ўғирлик молни олган киши ҳам ўлдирилиши керак…

Хаммурапи қонунлари ўз даврининг муҳим, юридик ҳужжати ҳисобланади. Баландлиги икки метр базалът устунида Хаммурапининг тик турган ҳолда, курсида ўтирган Қуёш ва адолат маъбуди Шамаш қўлидан ҳокимият белгиси — таёқни олаётган ҳолати тасвирланган. Бу жиҳатдан у тасвирий монументал асар ҳамдир.

Янги Бобилнинг гуллаб-яшнаши подшоҳ **НавуходоносорII** (мил. ав. 605-562 йй.) даврига тўғри келади. Унинг даврида дунёнинг етти мўъжизасидан бири - “Семирамиданинг осма боғлари” қурилган бўлиб, уни севги рамзи деб ҳам аташади. Жаҳонда энг гўзал бу боғни Бобил подшоси ўз севиклирафиқаси шарафига қурдиради. Сабаби, малика боғу-роғларга бурканган тоғли Мидия мамлакатидан эди. У ўз юртини соғиниб хархаша қилаверганидан подшоҳ бир боғ қуриб, рафиқасининг кўнглини шод қилмоқчи бўлган ва сарой ёнидан қурилишга жой ажратган. Тепаликда барпо этилган тўрт қаватли бу боғ қадим замон муҳандисларининг билими ва тафаккури намунасидир.

Бир тасаввур қилиб кўринг-а: нақшинкор устунларга таянган равоқлар устидан ғишт, мураккаб таркибли боғловчи материал, ичига ҳозирги цементга ўхшаш лой тўлдирилган чий тўшалган, яна ғишт терилган ва ниҳоят сув ўтмасин деб қўрғошин қуйилган; ҳар қаватга мана шу тарзда “замин”қурилганидан кейин унинг устидан улкан дарахтларни ушлаб тура оладиган даражада қалин қилиб унумдор тупроқ қатлами ётқизилган. Боғнинг бир қаватидан иккинчисига кенг зиналар орқали чиқилган.

Боғ учун дунёнинг Мағрибу-Машриғидан энг нодир ва кўркам дарахт кўчатлари, анвойи гуллар келтирилиб, экилган. Уларни минглаб қуллар парвариш қилишган, Фрот дарёсидан чархпалак ёрдамида чиқарилган сув билан суғоришган. Боғдаги дарахтлар яшил бўлиб, узоқдан қаралганда муаллақ

ҳавода ўсаётган бўлиб кўрингани учун унга “Семирамиданинг осма боғлари”деб ном берилган. Бобил боғининг довруғи қўшни мамлакатларга, ҳатто Искандар Зулқарнайнга ҳам етиб боради. Бобилни ишғол қилган жаҳонгир унинг гўзаллигидан ҳайратга тушади, шаҳарнинг саройи, айниқса, муаллақ боғларидан лол қолиб, уни ўзининг пойтахти деб эълон қилади.

Навуходоносор II даврга мансуб “Бобил минораси” (баландлиги 90 метр) — зиккурати ўз даврининг энг улкан архитектура иншооти бўлган. Минора тўғрисида “Библия”да ҳам эслатиб ўтилади.

Юнон олими Геродот (мил.ав. 490-425) Бобилда бўлиб, бу давлат пойтахтининг гўзаллигидан ҳайратда қолганини ёзади. Шаҳар кўчалари кенг, текис, икки томонида кўп қаватли бинолар саф тортган. Қисқаси, Бобил ўша замон шаҳарлари ичида энг гўзали бўлган ва бу шаҳарда таърифга сиғмайдиган боғлар бунёд этилган.

Фан тараққиётининг муҳим омили инсоннинг хўжалик фаолияти бўлди, чунки, у ўлчовлар тизимини ишлаб чиқишни, ер майдони ўлчамларини, дон омборлари ва сунъий сув ҳавзалари ҳажмини аниқлаш усулларини билишни, каналлар қазиш, иморатлар қуриш ва ҳунармандчиликда банд бўладиган ишчи кучини ҳисоблай олишни талаб қиларди. Ана шу омилларнинг натижаси сифатида мил.ав. III минг йиллик охирида Шумер-Бобил математикаси яратилди.

Бобил математиклари шумерликлар яратган олтмишлик позицион ҳисоб тизимидан кенг фойдаланишган; шу тизим асосида турли ҳисоблаш жадваллари: сонларни бўлиш ва кўпайтириш, сонларнинг квадратлари, кублари ҳамда квадрат ва куб илдизлари ва бошқа жадвалларни тузишган. Бир соатни 60 минутга, бир минутни 60 секундга бўлиш Бобилда кашф этилган

Қадимги Бобилда математика, геометрия, астрономия, тиббиёт, тарих ва бошқа фанларга қизиқиш эрта бошланган. Ерларни ўлчаш, масофани аниқлаш, ҳосилни ҳисоблаш ва савдо-сотиқ ишларини юритиш учун математика ва геометрия керак бўлган. Бобилликлар 100 ва 1000 лик сонларни алоҳида белги билан ифода этганлар, ҳатто доиранинг 360 градус эканлигини аниқлаганлар.

Бобилликлар квадрат тенгламаларни ечишган, ”Пифагор теоремаси”ни ва турли “Пифагор сонлари”ни топиш усулларини (*Пифагордан минг йилдан ортиқ вақт илгари*) билишган; ер майдонлари, жойлар, айрим бинолар тархларини чизишган (*лекин масштабга риоя қилишмаган*), фазовий жисмларнинг ҳажмини аниқлай олишган.

Ўша даврда тиббиёт ҳам жадал ривожланди. Жарроҳлик йўли билан тузалмас оёқ-қўлларни кесиб ташлаш, синган жойларни битириш, кўзга тушган оқларни олиб ташлаш ва бошқа муолажалар бажарилар эди. Мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмидан ҳозиргача етиб келган тиббий матнларда инсон танасининг бўлаклари анатомик тизимга солинганлиги маълум бўлди. Баъзи касалликлар ва тегишли дори-дармонлар ҳам муайян тизимга солинган экан.

Бобилликлар кимё борасида ҳам катта муваффақиятларга эришишган. Бу ютуқлар, албатта, соф амалий тарзда бўлган. Мил. ав. II минг йилликдан бошлаб жез тайёрлашнинг кўплаб рецептлари сақланиб қолган, сиркори сопол буюмлар ва уларнинг ранг-баранг нақшлари маълум бўлган.

Бобилда географик тасаввурларни ибтидоий чизмалар — «дунё харитаси»да умумлаштиришга ҳаракат қилинган. Харитада ер ясси кўринишда ва уни тоғлардан оқиб келувчи Дажла ва Фрот дарёлари кесиб ўтган тарзда тасвирланган. Буларнинг ҳаммаси дунё океан билан ўралган ва ер ҳам унинг устида сузиб юради деб тасаввур қилинишига асос бўлган. Бобилликлар ўзлари яшаётган жойни одамлар яшайдиган қуруқликнинг маркази деб билганлар. Океан «Осмон тўғони» билан ўралган, унинг устида бир неча (учта ёки еттита) осмон гардиши ўрнашган, ер остида эса жаҳанам *(“Улуғ тоғ”)* жойлашган деб тахмин қилганлар.

Мисрликлардан фарқли ўлароқ, қадимги Месопотамия аҳолиси ердаги ҳаётга кўпроқ эътибор қилишган. Улар ўлим билан инсоннинг бу дунёда ҳаёти тугайди деб ўйлашса-да, нариги дунёга ишонишган. Мисрликлардан фарқли равишда, нариги дунёни инсон руҳи мангу сув ва овқатга зориқиб яшайдиган қўрқинчли дунё деб тасаввур қилишган. Шуруппакнинг Месопотамияликларга насиҳатида айтиладики “Ширин ҳаётдан ташқари бирон нарса азиз эмас”.

Месопотамияликларнинг қувончли ҳаёт ҳақидаги қарашлари “Гилгамеш” достонида ҳам тасвирланади. “Гилгамш” достони тупроқ, сув, ҳаво, қуёш, инсон ҳаёти ва тирикликнинг абадий манбаи эканлиги ҳақида бўлиб, бобилликлар бу асарда шахсий ҳаёт муаммолари билан кўпроқ қизиққанлар.

Бобилликларнинг қадимги маданияти, диний эътиқодлари, фалсафий қарашлари, адабий асарлари, билимлари, ўлчов бирликлари, афсона ва ривоятлари наслдан-наслга ўтиб, ривожланиб, бойиб Шарқдаги кўпгина халқларнинг маданий-маънавий тараққиётига, ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Бобил мил. ав. 539 йили Эрон қўшинлари томонидан босиб олинди. Шу билан Месопотамия халқлари қадимий маданияти ва санъати тарихи тугади.

Хулоса қилиб айтганда, бу ўлкада табиий иқлимнинг қулайлиги, ер ости бойликларининг мавжудлиги, геостратегик жойлашувнинг мослиги — булар бошқа ўлкаларга нисбатан эртароқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдонинг вужудга келишига ҳамда ривожланишига сабаб бўлган. Моддий маданиятнинг ривожланиши эса, маънавий-маданий ривожланишига олиб келди. Илк давлатларнинг вужудга келиши билан маданий тараққиёт даражаси янада тезлашди. Натижада Месопотамия илк цивилизация бешикларидан бирига айланди.

3.3. Қадимги Ҳиндистон маданияти

Ҳиндистон Шарқнинг юксак маданиятли мамлакатларидан биридир. Ҳиндистон ярим ороли қадимдан табиий ранг-баранглик, бой ўсимлик, ҳайванот ва қимматбаҳо ер ости бойликларига эга бўлган. Унда серсув Ҳинд ва Ганг каби дарёлари оқади. Мил. ав.V минг йилликнинг охири – IV минг йилликдан бошлаб Ҳинд дарёси водийсида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ривожланиб, ўзига хос маданият ва **Хараппа,Моҳенжо-Даро** каби катта шаҳар–давлатлари шаклланган.

Хараппа – жез даврига оид юксак ривожланган шаҳар маданияти (мил. ав. 2500-1800 йиллар). Хараппа маданиятининг иқтисодий асосини суғорма

деҳқончилик, шунингдек, уй чорвачилиги ва ҳунармандчилик ташкил этган. Бу маданиятга оид 2 асосий шаҳар – Моҳенжо Даро ва Хараппада олиб борилган қозишма ишлари шаҳарсозлик санъати юксак даражада тараққий этганидан далолат беради. Шаҳарлар режа асосида қурилиб, қалъа (арк) ва қуйи шаҳар қисмидан иборат бўлган, кўчаларига пишиқ ғишт ётқизилган, ариқлар ўтказилган. Кенглиги 10 метрга етган кўчалар қатъий тўрт бурчак ҳосил қилиб ўзаро кесишган. Кўчаларнинг ҳар 2 томонидан пишиқ ғиштдан ишланган 2 ва ҳатто 3 қаватли бинолар қад кўтарган; уларнинг сув таъминоти ва канализацияси тизими пухта ишлаб чиқилган.

Хараппаликлар узунлик ва оғирлик ўлчов бирликлари тизимидан хабардор бўлишган. Уларнинг оригинал ёзувни кашф этгани ушбу маданиятнинг ёрқин ютуқларидан биридир. Бу ёзув битилган мингдан ортиқ муҳр, шунингдек, сопол ва металл буюмлар топилган, лекин, уларни ҳанузгача ўқишга муваффақ бўлинмаган. Профессор Ю.Кнорозов раҳбарлигидаги олимлар томонидан математик методлар қўлланиши натижасида ёзув унгдан чапга йўналгани аниқланган.

Хараппа шаҳридан археологлар 500 га яқин ёдгорликлар топишган. Шаҳар қурилиши шакли Моҳенжо-Даро билан деярли бир хил ва унда меъморлик, тўқимачилик, кулолчилик, тоштарошлик, заргарлик, қуролсозлик анча ривож топган. Ҳар иккала шаҳарда ҳам йирик ғалла омборлари топилган бўлиб, бу давлатни марказлашганлик даражасини кўрсатади. Ҳиндлар дунёда биринчи бўлиб пахтадан мато тўқиб, кийимлар тикканлар, (*шаҳардан кийим тикиш, қуролсозлик устахонаси қолдиқларни топилган)*. Хараппа сув йўли ва қуруқлик орқали шумерлар билан савдо алоқалари олиб борган илк қулдорлик давлати эди.

Моҳенжо - Даро (*синдх тилида - "ўликлар тепалиги"*)-Хараппа маданиятининг асосий марказларидан бирининг харобаси. Мил. ав. III-II минг йилликларга тўғри келадиган бу шаҳар Синднинг марказий қисмида жойлашган. Моҳенжо-Даро ҳозирда Покистон ҳудудида жойлашган бўлиб, шаҳарнинг майдони 270 гектардан иборат бўлган. Бу ердан археологлар

кўчалар, пишиқ ва хом ғиштдан қурилган турар жойлар, саройлар, омборхоналар, ибодатхоналар ва подшо қароргоҳининг қолдиқларини топишган. Шаҳарда пишиқ ғиштдан қурилган сув тармоғи ва канализация ҳам бўлган. Бадавлат кишиларнинг уйлари, шунингдек, ибодатхоналар 2-3 қаватли қилиб, пишиқ ғиштдан 4,5 минг йил аввал қурилган.

Уни 1922 йилда ҳинд археологи Р.Банержи очган. Моҳенжо - Даро йирик ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлган бўлиб, металл ва тошга ишлов бериш, кулолчилик тараққий этган. Қазишмалар Моҳенжо-Даро қадимги Ҳиндистон, Миср, Месопотамия билан бир қаторда энг қадимги маданият ўчоғи бўлганлигини тасдиқлайди.

Ҳиндистон башарият тарихида қадимги цивилизация бешикларидан бири бўлиб, мил. ав. III минг йил аввал бу жойда ерни сунъий суғориш тараққий этган, анҳорлар қазилган, кулолчилик, ёғочсизлик, тўқимачилик, заргарлик ривожланган, ёғоч ва металлдан жанг аравалари ясашган, пишиқ ғиштдан кўп қаватли бинолар қуришган, жун ва зиғир толасидан матолар тайёрлашган. Мис ва темирдан, жездан қурол-аслаҳалар ясашган. Ҳиндистон шатранж (*шахмат*) ўйинининг ватани ҳисобланади.

Ҳиндлар ўзларининг қадимий ёзувларига эга бўлганлар, уларда астрономия, математика анча ривож топган. Ҳиндлар қуёш ва сув соатларидан фойдаланганлар, ўзларининг тақвимини тузганлар. Шунингдек, бу даврда қадимги ҳинд фани ҳам кўплаб ютуқларни қўлга киритган. Ҳиндистонда нолдан фойдаланиб ўнлик саноқ тизими яратилиши билан математика ривожлана бошлади *(“сон”, “туб сон”, “синус” каби атамалар пайдо бўлган*). Мил. ав. III-II минг йилликларидаёқ Ҳиндистонда ҳисобнинг ўнли тизими таркиб топган эди. Шунингдек, нолни билдирадиган белги биринчи Ҳиндистонда ишлатилган. Бу янгиликни дунёга оммалаштирган олим — буюк ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳисобланади.

Табобат оламида ҳинд коҳинлари касалликни аниқлаш ва уни даволашда катта ютуқларга эришганлар. Даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар 1000 га яқин бўлиб, силаш, уқалаш, ванна қилиш, жарроҳлик усулларидан кенг

фойдаланганлар. Ўлим сабабини аниқлаш мақсадида мурда танасини анатомик тадқиқ қилиш тажрибалари анатомия ва физиологияни ривожлантириб, тиббиётда катта ютуқларга эришилди. Тиббиётга оид асарлардан бирида Ҳиндистонда жарроҳликнинг 300 тури бўлганлиги ва 120 та жарроҳлик асбоби мавжудлиги эслатилади. Табиблар дориларни ўсимликлар, минераллар ва ҳайвон аъзоларидан тайёрлаганлар. Ҳинд кимёгарлари бўёқ, кислота ва турли кимёвий моддаларни кашф этганлар.

Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон" номли асарида айтилишича, Ҳиндистонда эранинг биринчи асрларидаёқ тиб, риёзат, илми-нужум, дин, кимё мусиқа, поэзия, адабиёт санъат, фалсафа ривожланган."Рамаяна", "Маҳабҳарата", "Ригведа", "Бхагавадгита", "Шакунтала", "Аюрведа", "Мудраракшаса", "Калила ва Димна", "Мегатута", "Регхувенша", "Дашакумачарита" каби асарлар бунинг исботига мисоллардир.

Ҳиндистоннинг мил. ав. II минг йилликлардаги дастлабки фалсафасини ўрганишда қадимги ҳиндларнинг "Веда" деб аталадиган диний тўпламлари ва иккита катта эпик достони — "Рамаяна" ва "Маҳабҳората" ҳамда ал-Берунийнинг "Ҳиндистон" асари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳиндистон Шарқдаги энг қадимги маданият яратган мамлакатлардан биридир. Бу ерда меъморлик, ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъати бир-бири билан уйғунлашган ҳолда ривож топган. Мил. ав. I минг йилликларда дастлабки давлат пайдо бўлган. Адабий манбаларга кўра шу давлатларда ажойиб, ҳашаматли ёғоч ва тош меъморлиги равнақ топган. Бу ерда бўлган буддизмнинг Хитой ва Ўрта Осиёга тарқалганлиги ҳам шундан далолат беради.

Мил. ав. II минг йиллик ўрталаридан бошлаб Эрон ва Турон орқали Ҳиндистонга кўчманчи, чорвадор орий қабилалари бостириб киради. Улар Ганг ва Панжоб дарёси воҳаларининг унумдор ерларига ўрнашганлар ва кейинчалик маҳаллий халқ билан аралашиб кетганлар. Орийлар билан маҳаллий халқ ўртасидаги қонли жанглар ҳиндларнинг халқ оғзаки ижодиёти намуналари бўлган "Маҳабҳарата" ва "Рамаяна" достонларида акс эттирилган.

Маҳабҳарата — (“Бҳарата авлодлари жангномаси”)-қадимги ҳинд қаҳрамонлик эпоси. Дастлабки намунаси мил. ав. X-VIII асрларда вужудга келган. 25 минг мисрадан иборат шеърий қўшиқлардир. Унда Ҳиндистондаги қадимги Ҳастинапур (*бугунгиДеҳли*) давлатининг шоҳи Бҳаратанинг еттинчи авлодида тахт учун бўлиб ўтган буюк жанглар тарихи баён этилади. Эпоснинг ҳинд халқи ҳаётидаги муҳим аҳамияти шундаки, ҳиндуизмнинг муқаддас китоби бўлган “Бҳагавадгита” *(“Илоҳий қўшиқлар”)* ҳам айнан “Маҳабҳарата” воқеалари орқали шу кунгача етиб келган. “Бҳагавадгита”даги маъбуд Кришнанинг сўзлари, у кўтариб чиққан ғоя бугунги ҳиндуизм қонун-қоидаларининг асосини ташкил этади.

Ж.Неру“Маҳабҳарата” билан “Рамаяна” эпосларининг адабиётга таъсирини баҳолаб: “Омма онгига бу икки асардек узоқ муддат давомида ҳамда чуқур таъсир қила олган китобни бошқа ҳеч бир мамлакатда кўрмаганман”, - деган эди.

“Рамаяна”— санскрит тилидаги қадимги ҳинд эпоси. Мил. ав. IV асрда Шарқий Ҳиндистонда яратилган, халқ оғзаки ижодида тўлдирилган ва қисман ўзгариб, мил. II асрига келиб тўлиқ шаклланган. Ўрта асрларда вишнуизмнинг муқаддас китобларидан бўлган. «Рамаяна» 7 китобдан иборат, 1-7 китоблари тил ва мазмун жиҳатдан бошқаларидан фарқ қилади ҳамда бу факт асарга кейинчалик қўшимчалар қилинганини тасдиқлайди. «Рамаяна» Ҳиндистонда «Маҳабҳарата» дан кейин турадиган машҳур асар.

Веда - мил. ав. 1 минг йилликда Ҳиндистонда вужудга келган фалсафий дин. Веда динида дастлаб табиат кучлари ва ҳодисалари антропоморфик (*инсон қиёфасига ўхшатиб*) тасаввур этилган. Веда динида яхши ва ёмон худолар, руҳлар ҳақидаги тасаввурлар асосий ўрин эгаллайди. Унда *политеизм* (*кўпхудолик*) ҳукмрон бўлган. Веда динида сиғиниш маросимлари асосан “худо”ларга қурбонлик қилиш, овқат, ҳайвонлар келтириш ва турли урф-одатларни бажаришдан иборат бўлган. Кейинчалик коҳинларнинг алоҳида қатлами - *браҳманлар* ажралиб чиқиб, диний маросимлар тизими

мураккаблашди. Веда динининг кейинги эволюцияси натижасида *браҳманизм* вужудга келди.

Ведалар (*санскритча - билим*) Ҳиндистон ёзма адабиётининг қадимги ёдгорлиги. Мил. ав. II минг йилликнинг охири – 1 минг йилликнинг бошида яратилиб, Ведалар тўпламлари деб номланади. Бу маданий ёдгорликдан бизгача 4 та қисм (*самҳита*): “Ригведа” (*қасида, мадҳия, дуолар тўплами*), “Самаведа” (*қўшиқлар тўплами*), “Аюрведа” ёки “Яжурведа” (*қурбонлик қилиш йўллари*), Атҳарваведа (*сеҳрли дуолар тўплами*) етиб келган. Веда адабиёти бир неча минг йиллар давомида шаклланиб, қадимги ҳиндлар тарихидаги турли жамиятларнинг диний-фалсафий, эстетик тараққиёт даражаларини ифодалайди.

Ведалар ичида энг қадимгиси “Ригведа” ҳисобланади. Бунда табиатдаги нарса ва ҳодисалар (*осмон ўзгариши, қуёш, юлдузлар, момақалдироқ, шамол, ёмғир, тоғлар, дарёлар*) илоҳий кучлар сифатида гавдалантирилиб, улар шарафига қўшиқлар, мадҳиялар тўқилган, уларга қурбонликлар келтирилган. Инсоният ҳаёти, унинг бахт-саодати ана шу кучларга боғлиқ ҳолда тасаввур қилинган, “Ригведа”га кўра, Индра-момақалдироқ илоҳи, Митра - Қуёш тангриси, Варуна - Осмон маъбуди, Агни - Олов маъбуди, Яма - ажал, ўлим келтирувчи, Сама - Ой маъбудаси, Рита - Коинот тартибини англатади.

“Ригведа” қўшиқларини тўпловчилар риши (*илоҳий қўшиқларни тўқувчи донишманд*)лар деб атаган. “Ригведа” китобида қадимги дунё фалсафий тафаккурининг ўзига хос бадиий ифодаси ҳисобланади. Унда қадимги ҳиндлар олам сирлари ҳақида фикр юритади. Шарқ файласуфлари тўрт унсур-сув, олов, ҳаво, тупроқни барча мавжудотларнинг асоси деб билганлар. Бу жиҳатдан Веда фалсафаси Арасту замонидаги, кейинроқ Абу Наср Форобий замонидаги тафаккурга таъсир этган.

Браҳманизм, браҳманлик — қадимги ҳинд дини. *Веда* дини асосида мил. ав. 1 минг йилликнинг бошида пайдо бўлган. Браҳманизмнинг муқаддас адабиётига *ведалар* ва уларга ёзилган жуда кўп шарҳлар (*браҳманлар, арньяклар, упанишадлар*) киради. Браҳманизмда веда динидаги кўпгина

худоларнинг таъсири деярли йўққа чиқиб, асосан 3 худо: *Браҳма, Шива* ва *Вишну* эътиборли ҳисобланган. Браҳма оламни яратувчи ва бошқарувчи, Вишну — оламларни сақлаб қолувчи ва муҳофаза қилувчи, Шива — ҳамма мавжудотни яксон этувчи худо деб тушунилган. Браҳмада илгариги тотемистик тасаввурларнинг қолдиғи сифатида ҳайвон (*сигир, маймун*)ларни, айрим ўсимликларни ва браҳмани илоҳийлаштириш мавжуд.

Браҳмада бутун борлиқ хаёлий бўлиб, жонли нарсалар, жумладан инсон ҳам қайта тирилиш хусусиятига эга деб қаралган. Браҳма белгилаган ҳаёт меъёрлари, қонуннинг бажарилиши ёки бажарилмаслигига қараб инсон ахлоқига баҳо берилган. Браҳманизм таълимотига кўра, жонни халос қилиш, уни бундан кейинги қайта пайдо бўлишдан сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли жоннинг Браҳма билан қўшилиб кетишидир. Бунга эришмоқ учун Браҳманинг илоҳий моҳиятини тўла билиб олиш, фикрни худога қаратиш ва ташқи оламдан бутунлай воз кечиш талаб этилган. Браҳманизм ижтимоий ҳаётни, жумладан давлатни ҳам Браҳманинг ижоди, давлат арбобларини эса инсон қиёфасидаги фаришталар деб ҳисоблар эди.

Ҳинд руҳонийлари браҳманлар деб аталганлар. Браҳманларнинг таъкидлашича, худо одамларни ўз танасининг турли қисмларидан яратган. Хусусан, худо ўз оғзидан браҳманларни; қўлларидан кшатрийларни-жангчи, рожаларни; сонларидан вайшоқлар - ҳунармандлар, савдогарлар, деҳқонларни; лойга беланган оёқлардан эса шудралар, яъни хизматкорларни яратган деб, таълим берилади. Шулардан кейин эса энг паст тоифа-“чандаллар”(*ҳазар қилинадиганлар*) яралган. Шундай қилиб, браҳманлар таълимотига кўра, худо одамларни турли тоифаларга — касталарга бўлиб, бола қайси кастадан туғилган бўлса, у умри бўйи ўша тоифада қолиши керак бўлган. Тоифаларни аралашиб кетишига йўл қўйилмаган.

Буддизм *(Будда* номидан олинган). Буддавийлик - жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири (христианлик ва ислом дини билан бирга). Унга эътиқод қилувчилар тахминан 500 миллиондан ортиқ. Мил. ав. VI-V асрларда Ҳиндистонда пайдо бўлган. Ривоятларга кўра, Буддизмга Сиддҳартҳа Гаутама

(*Будда*) асос солган. Буддизмда 2 асосий йўналиш мавжуд: *хинаяна* ва *махаяна.* Кейингиси жуда кўп секта ва мазҳабларга бўлинади. Бошқа динлардан фарқли равишда буддизмда сансара-дунёга турли жисмларда қайта-қайта келиб-кетиш ҳақидаги ҳикматли ҳикоялар- жотакалар ўқитилади. Фақат он ёки лаҳзалар силсиласи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири йўқолиб, кейингисига ўрин беради.

Будда таълимоти айни бир вақтнинг ўзида ҳам қийин, ҳам теран. Биз бу ўринда фақат унинг "тўрт ҳақиқат" деган ном билан танилган асосий қоидаларини келтирамиз:

1. Дунё азоб-уқибатларга тўлиб кетган. Туғилиш азоб, қарилик -азоб, касаллик ва ўлим азоб. Ўзинг ёмон кўрган одам билан учрашиш азоб, севимли кишидан жудо бўлиш - азоб, хоҳлаган нарсани қондириш учун беҳуда кураш-азоб. Аслида хоҳиш-истаклар ва эҳтиёжлардан озод бўлмаган ҳаёт ҳар доим азоб келтиради. Бу азоб ҳақидаги ҳақиқат дейилади;

2. Инсон азобларининг сабаби шубҳасиз жисмоний мавжуд бўлиш иштиёқида ва дунёвий эҳтиросларнинг хом-хаёллигидадир. Агар бундай эҳтиослар ва хом-хаёлларнинг келиб чиқишини кузатилса, шу нарса маълум бўладики, улар ҳамма нарсани ютуб юборадиган, интуитив(онгнинг ижтимоий амалиёт ва тафаккурга алоқаси бўлмаган алоҳида бир хусусият) тарзда келиб чиқадиган хоҳиш-истакларга асосланади. Масалан, яшашга нисбатан кучли хоҳиш, агар ҳатто унинг излайдиган нарсаси баъзан ўлим бўлиб чиқса-да, ўзи ҳоҳлаган нарсани излайди. Бу азобларнинг сабаби тўғрисидаги ҳақиқат, деб аталади;

3. Агар инсоннинг барча эҳтиослари негизида ётган хоҳиш бартараф этилиши мумкин бўлса, унда эҳтирос ўлади ва одамнинг азоблари ниҳоясига етади. Бу азобларнинг тўхтатилиши ҳақидаги ҳақиқат, деб аталади;

4. Хоҳиш-истаклар ва азоблар бўлмайдиган ҳолатга-нирванага эришиш учун муайян йўлга амал қилиш лозим. Бундай саховатли эски йўлнинг босқичлари қуйидагилардир: тўғри тушуниш, тўғри нутқ, тўғри тафаккур, тўғри фелъ-атвор, тўғри турмуш тарзи, тўғри куч-ғайрат, фикрнинг тўғри йўналиши

ва диққат-эътиборни тўғри қаратиш. Бу азобларнинг сабабидан холос бўлишнинг саховатли йўли ҳақидаги ҳақиқатдир.

Мил. ав. 272-232 йилларда **Ашока** императорлиги даврида қадимги Ҳиндистон санъати гуллаб яшнади. Бу даврда буддизм кенг ёйилди. Бу дин ибодатхоналар қурлишига, тасвирий санъат намуналарининг пайдо бўлишига олиб келди. Буддага бағишланган меъморлик композицияларида қадимги ҳинд меъморлигидан мавжуд анъаналар, халқ мифологиялари, Будда ҳаёти ва фаолияти билан қўшилиб кетган афсоналар ўз ифодасини топди.

Будданинг дарвешона ҳаёт кечирганлигининг рамзий маъноси ғорларда ишланган ибодатхоналардир. Бундай ибодатхоналар қоялар ичига ишланган, ичкарида кохинлар хонаси ва ибодатхона жойлашган. Унинг хоналари қоя ичига ўйиб кирган, деворлари эса ҳайкалторошлик ва ранг тасвир билан безатилган. Кирадиган эшигининг тўғрисида, хонанинг думалоқ қилиб ишланган томонига эса ступа ўрнатилган. Бунга “Ажанта” мажмуаси ёрқин мисол бўлади.

Ажанта - Ҳиндистоннинг ғарбидаги шаҳарча номи билан юритилувчи меъморий мажмуа. Аврангободдан шимолий шарқда, Маҳораштра штатида. У Вагхора дарёси ёқасидаги тош қояларга ясалган ибодатхоналардан иборат (мил. ав. II асрдан мил. VII асрлар). Ғор ичига жами 29 та ғор ичига зал ишланган. Ажанта мажмуаси қадимий халқ меъморлиги услубида яратилган. Ажантанинг кейинги қурилган қисмлари ҳайкаллар ва деворий расмлар билан безатилган. Уларда тантанали шодиёналар ва халқ санъати акс эттирилган. Бу суратларда Будда ҳақидаги афсоналар билан бирга, турли маъбуд, ҳайвон, қушлар тасвири ҳам нозик ва зўр маҳорат билан чизилган. Санъаткорлар ҳайкалтарошлик ва рассомлик асарларига халқ бадиий ижодига хос реалистик руҳ ва гўзаллик бера олганлар.

Қадимги Ҳиндистон тиббиёти, математикаси бутун дунёда шуҳрат топди, тилшунослик, мантиқ, психология фанлари юқори босқичга кўтарилди, маданиятида анъанага содиқлик ва янгиликка интилиш барча даврларда ҳинд маданиятига хос хусусиятлардир.

3.4. Қадимги Хитой маданияти

Хитой Марказий ва Шарқий Осиёдаги энг қадимги давлат бўлиб, табиати кескин ўзгарувчан ва мўътадил. Марказий Хитойнинг Тайшан тоғларидан бошланиб, Тинч океани ҳавзаларига қуйиладиган Хуанхэ (*Сариқ дарё*) ва Янцзи дарёлари Шарқий Хитой пасттекислиги орқали оқиб ўтади. Ёғингарчилик вақтларида Хуанхэ дарёси тошиб, кўплаб ташвишлар келтирганлиги учун унга хитойликлар «Тентак дарё», «Хитойнинг шўри», «Минг хил кулфат келтирувчи дарё» деб ном беришган. Шу дарёларнинг бўйларидаги ерлар унумдор бўлиб, илк деҳқончилик вужудга келган. Бу ўлка қадимдан ўсимликлар ва ҳайвонот оламига ҳамда ер ости қазилма бойликлари билан машҳур бўлган.

Хитой цивилизацияси мил. ав. III минг йиллик охирида шаклланди. Хитой тарихини биринчи бўлиб Сима Цян 30 бобдан иборат “Ши-цзи” («Тарихий хотиралар») асарида ёритган ва сулолавий даврларга бўлган. Қадимги Хитойда қўҳна Месопотамия,Ҳиндистон, Миср сингари ўзига хос маданият яратилган. Қадимги Хитой императорлари юқори давлат мансабларига тайинлаш учун талабгорларни олимлар ҳайъатининг имтиҳонидан ўтказар ва узоқ синаб кўрар эди.

Хитойликлар Тан сулоласи даврида (*мил. ав. II минг йил ўрталарида*) ўз ёзувини яратганлар. Иероглифлар шакли турли комбинацияларда такрорланувчи 36 тагача бўлган стандарт чизиқлардан ташкил топган. Иероглифлар маълум ёзув қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда муайян тартибда, чапдан ўнгга, юқоридан пастга ёзилади. Хитой ёзуви тарихида иероглифларнинг 7 хил-гу вэн (қадимги ёзув), да жуан (катта белгили ёзув), сяо жуан (кичик белгили ёзув), ли шу (расмий ёзув), синг шу (ярим тез ёзув), цао шу (тез ёзув), қай шу (намунали ёзув) каби ёзилиш услублари бўлиб, улар 4-5 минг йил давомида бири биринг ўрнини эгаллаган, шаклан ўзгариб, такомиллашиб борган.

Хитой ёзувида иероглифларнинг умумий сони 60 мингдан кўпроқ бўлиб, шулардан тахминан 96 фоизи мураккаб, икки ва ундан ортиқ қисм-чизиқдан

тузилган ва 4 фоизи содда, фақат бир қисмдан иборат иероглифлар ҳисобланади. Ҳозир Хитой тилида тахминан 8-10 минг иегроглиф қўлланилади.

Чжоу даврида Хитойда металл тангалар (*дунёда биринчи*) муомалага чиқарилди. Денгизларда сузиш учун компас ихтиро қилинган (*унинг стрелкаси Шимолни эмас, Жанубни кўрсатган*). Дунёда биринчи бўлиб, Хитойда порох ихтиро қилинган бўлиб, ундан байрамларда мушакбозликларда фойдаланилган. Артиллерия, милтиқ, арбалет-ўқ-ёй ҳам дастлаб Хитойда яратилган ва дунё бўйлаб чой, чинни, гугурт, ипак, бетон қўйиш технологиясини ишлаб чиққанлар. Ганъсу вилоятидаги архитектура комплекси шундан далолат беради.

Мил. ав. I аср охири ва янги аср арафасида хитойликлар латта, пўслоқ ва бамбук аралашмасидан қоғоз тайёрлаганлар. Қоғоз ёғоч, бамбук ва шойига қараганда арзон бўлиб, у ёзиш ва сақлаш учун қулай ҳисобланган. Қоғознинг ихтиро қилиниши маориф, фан, маданиятнинг ривожланиши ва давлат ишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Буюк Хитой девори мил. ав. IV асрда бошланиб, бир неча асрлар давомида шимолдаги Хунн қабилаларининг ҳужумларидан сақланиш ва савдо-сотиқ ишларини кўзлаб қурилган. Девор Ляодун қўлтиғи қирғоғидаги Шайхайгуанъ шаҳридан бошланиб, ғарбда Дунхуан (Қашғар) қалъасигача давом этган. Деворнинг умумий узунлиги 8,5 минг километр, деворининг баландлиги - 6.6 метр (шинакларининг деворлари билан 8-10 метргача), кенглиги-асосида 6,5 метрдан юқорисида 5 метргача. Ҳар юз метрда соқчилар учун тўртбурчакли буржлар (баландлиги 10-12 метр) қурилган, ҳар 10 километрда кузатиш ва хабар бериш учун миноралар, тоғдаги муҳим ўтиш жойларида мустаҳкам қурғонлари бўлган. Буюк Хитой девори меъморий ёдгорлик сифатида сақланади.

Буюк ипак йўли-қадимда ва ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мамлакатларини илк бор ўзаро боғлаган қитъалараро карвон йўли (мил-ав. II аср милодий XV-аср). Буюк ипак йўли атамаси ушбу йўлдан ташилган қимматбаҳо товар-Хитой ипаги билан боғлиқ. Ғарб мамлакатлари узоқ вақтгача ипакчилик сир-асрорларидан бехабар бўлишган.

Буюк ипак йўли атамаси қадимда ишлатилмаган. Бу йўлни тарихий, географик ва маданий жиҳатларини илмий ўрганиш амалда қўплаб мамлакат олимлари томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Уни тадқиқ этишда Ғарбий Европа, Россия ва Япония олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар. 1877 йил машҳур немис олими Карл Рихтгофен ўзининг "Хитой" номли йирик илмий асарида улкан Евросиё материгининг турли қисмларини боғловчи йўллар тизимини "Ипак йўли" деб атаган, кейинчалик "Буюк ипак йўли" атамаси қабул қилинган.

"Буюк ипак йўли" биргина савдо-сотиқ билан чекланибгина қолмай,балки айни пайтда дипломатия, диний ва маънавий қадриятларнинг тарқалиш йўли ҳам эди. У Шарқ ва Ғарб цивилизациясини боғловчи йўл бўлиб, унда Марказий Осиё халқлари воситачилик қилганлар.

Бадиий маданият Бобил, Миср, Ҳиндистонда динга тобелик хусусиятига эга бўлса, Хитойда бадиий асарлар кўпроқ дунёвий йўналишга эга эди. Масалан, Конфуций таълимотига кўра, «Ши цзин»*(«Қўшиқлар китоби»)га* мадҳиялар, хулқ ва урф-одатлар масалалари киритилган. Шеърият лирикасида ва тасвирий санъатда табиат гўзаллиги ҳар бир кишига тушунарли тарзда ҳаётий, завқ берувчи тарзда тасвирланган. Ҳайкалторошлар димоғдор амалдор, лаганбардор хизматчи ва ҳолдан тойган қулларнинг оғир меҳнатини маҳорат билан акс эттирганлар.

Мил.ав. II мингинчи йилларда Хитойда мифлар пайдо бўлган, турли рамзий белгилар юзага келган. Бу белги ва мифлар идишларнинг юзаларига ишланган ҳайкалларда, рангтасвирда тасвирланган ва шуларда кишиларнинг фалсафий қарашлари ўз ифодасини топган. Шу вақтда бронзадан ишланган, диний маросимлар ўтказиш учун мўлжалланган буюмлар юксак маҳорат билан ишланган, уларнинг юзаси рамзий белги, нақш, фантастик ва яримфантастик образларнинг бўртма тасвири билан безалган. Буюмларнинг банди ва қопқоғига ҳам турли шакллар берилган.

Хитойнинг қадимги санъат ёдгорликлари мил. ав. III минг йилликка мансуб. Хитойнинг кўп жойларидан нафис ишланган сопол идишлар, жез ва

нефритдан ишланган ва шакли ҳамда гули ҳар хил бўлган буюмлар, ҳайвонларнинг Инъ даврига мансуб тошдан ишланган ҳайкалчилари, Чжоу даври (мил. ав. XI-III асрлар)га мансуб амалий-безак санъати асарлари топилган. Мил. ав. 1 минг йилликдан қилич сопи, мебель тайёрлашда локдан фойдаланишган. Мил. ав. IV-III асрларга оид шойига тушъ сиёҳлари билан расм солинган асар сақланган. Хань даври мақбараларидан мифология ва дунёвий мавзудаги релъеф ҳамда ёзувлар, одам, уй ҳайвонлари тасвирланган сопол идишлар, олтин ва кумуш билан безатилган жез буюмлар топилган. Кулолчилик маҳсулотлари, айниқса чинни буюмлари ҳозиргача ўзининг нафслиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Цинъ Шихуанди(мил. ав. 246-210) олтита подшоликни босиб олиб, мил. ав. 221 йил ягона марказлашган Цинь империясини барпо этган ва ўзини биринчи Хитой императори деб эълон қилган. Унинг даврида, мил. ав. 215 йилдан, Буюк Хитой деворини илгари мавжуд бўлган чегара истеҳкомлари билан яхлит ҳолга келтириш жараёни бошланган. Хитой такрорланмас жозибаси билан қадимдан дунё сайёҳлари эътиборини жалб қилиб келган.

Цинь Шихуанди қўлида қонун чиқариш, ижроия ва суд ҳокимияти тўпланган, ўз ҳокимиятига нисбатан ҳар қандай танқидий муносабатларга барҳам бериш мақсадида мил. ав. 213 йил хусусий шахслар қўлида сақланаётган гуманитар адабиётларни ёқиш ҳақида Фармон чиқарган. Мил. ав. 212 йил Цинъ Шихуанди император ҳокимиятига қарши халқни кўтармоқчи бўлган 460 нафар Конфуций дини арбобларини қатл эттирган.

Император Цинь Шихуанди мақбараси ва терракота армияси (қўшин хайкаллари)Сианъ шаҳри яқинда бўлиб, мазкур обида ЮНЕСКОнинг “Бутунжаҳон мероси” рўйхатига киритилган. Мақбарани 700 минг асир-қул барпо этган. Цинъ Шихуанди ўлимидан сўнг ҳам ҳарбий кучга таяниш учун жангчи ва отларини бўй баравар катталикдаги ҳайкалларини ясатишни буюрган. Ҳозир бу ер музей бўлиб, унинг асосий экспонати - терракота, яъни куйдирилган қизғиш-жигарранг сополдан ясалган 7400 та аскар, от ва 90 та ҳарбий араваларни ташкил этувчи ҳайкаллардан иборат. Шуниси қизиқки,

император Цинь Шинхуаннинг терракота лашкаридаги барча ҳайкаллар (*аскар, от ва аравалар*) асл ўлчамга эга. Аскар ҳайкалларининг бўйи 1.8 метр бўлиб, улар орасида юз тузилиши бир-бирига ўхшаш бўлган иккита бир хилини учратиш қийин.

Мил. ав. XII-VI асрларда Хитойда дунёни мифлар орқали тасаввур қилишдан фалсафий мушоҳада қилишга ўтилади. Фалсафа ўзининг «олтин аср» деб номланган ўша даврнинг чўққисига чиқади. Фалсафий қарашлар ичида иккитаси муҳим аҳамиятга эга бўлган.Булардан биттаси Конфуцийчилик бўлиб, унинг асосчиси **Кун Фуцзи ёки Кун-цзу** эди. У мил. ав. 552 йилда зодагон оилада туғилган бўлиб, 15 ёшидан ўзи мустақил мутоала қилиб маълумот олган.Бир неча йиллар давомида турли подшоҳлар қўл остида ишлагандан кейин ёшларга таълим беришга киришади.

Янги устознинг адолатли жамият ва маданият ҳақидаги фикрлари, чуқур маъноли сўзлари мамлакат бўйлаб кенг тарқалади. Шундан сўнг Конфуций ҳузурига мамлакатнинг турли минтақаларидан илмга чанқоқ ёшлар кела бошлайдилар. У илм излаб келувчиларга ҳеч қачон рад жавобини бермас эди. Конфуцийнинг 3000 га яқин шогирдлари, 72 та энг кўзга кўринган издошлари орасида мамлакатнинг обрўли хонадонларидан бўлган кишилар билан бир қаторда камбағал, оддий кишилар ҳам бўлган. Конфуций мактаби қадимги Хитойда аста-секин катта таъсир доирасига эга бўлиб борди. Унинг кўплаб шогирдлари қадимги Хитой подшоҳликларида эътиборли мансабларни эгалладилар. Конфуций ёшлар тарбиячиси ва устози сифатида кенг шуҳрат қозониб, илк Хитой маърифатпарвари номига сазовор бўлган.

Хитойнинг энг машҳур ўқитувчиси сифатида шуҳрат қозонган **Конфуций** очган мактабда 4 та фан: ахлоқ, тил, сиёсат ва адабиёт ўқитилган. Таълим беришдан ташқари қадимги Хитойнинг 5 та мумтоз асари- “Тарих китоби”-“Шуцзин”, “Қўшиқлар китоби”, -“Шйцзин”, “Ўзгаришлар китоби”, -“Ицзин”, “Мусиқа китоби”,-“Юэцзин” ва “Маросимлар китоби”, -“Лицзи”ни тўплаш, таҳрир қилиш, тарқатиш билан шуғулланади. Конфуций таълимоти унинг “Лунь юй” (*“Суҳбатлар ва мулоҳазалар”*) китобида баён этилган. Бу китоб

аслида Конфуцийнинг фикрлари ва суҳбатлари асосида шогирдлари ва издошлари томонидан битилган. Конфуцийнинг таълимотида инсонпарварлик (*жэнь*), одоб қоидалари (***ж***), фазилат (***дэ***) тушунчаси муҳим ўрин эгаллайди. Инсонпарварлик тушунчасига кўра, одамлар ахлоқий ва ижтимоий муносабатларда ёши улуғ, мавқеи баланд кишиларни ҳурмат қилишлари, подшоҳга садоқатли бўлишлари керак. Одоб қоидалари тушунчасига кўра, у туфайли юксак фазилатлар шаклланади, жамият ривож топади, адолат тантана қилади.

Гарчи Конфуций подшоҳлар хизматида бўлган пайтларида ўзининг иш фаолиятида баъзи ислоҳотларни амалга оширишга ҳаракат қилган бўлса-да, аммо унинг кўпчилик таклифлари амалдорлар ва ҳукмдорлар томонидан қўллаб-қувватланмади. Конфуцийнинг асосий эътиборини тортган нарса ўз замонасининг камчиликлари ва айбу-нуқсонлари эди.

Оддий халқнинг ночорлиги, амалдорларнинг золимлиги, ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, қадимги маънавий анъана ва қадриятлардан узоқлашиш - буларнинг ҳаммаси Конфуцийнинг кескин танқидий қарашлари юзага келишига туртки бўлди. У мавжуд муаммони ҳал қилишда янгича қарашларга таяниш лозимлигини англаб етди. Бироқ у ўз фикрларининг жамоатчилик томонидан қабул қилиниши учун ҳамма эътироф қилган обрўга эга бўлиши керак эди. Конфуций худди ана шу обрўни узоқ ўтмишнинг ярим афсонавий образларидан топди. Конфуций вафотидан бир неча аср ўтгач, унинг таълимоти халқ ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланди ва ҳозир ҳам Хитой халқининг маънавий ҳаётида ўз ўрни бор.

Конфуцийнинг фалсафий қарашлари. Конфуций комил инсон ***(цзюн-цзи)*** хақидаги ғояни яратди. Цзюн-цзи, яъни юксак маънавиятли инсон икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва масъулият (*аждодлар олдидаги қарз*)ни ҳис қилиш. Комил инсон, энг аввало, ишончли ва фидойи бўлиши лозим, бунинг учун тинимсиз, ўзини аямасдан ўз ҳукмдори, ўз отаси ва ўзидан катта барчага бирдай хизмат қилиши ва доимо камолот сари интилиши зарур.

Конфуцийликнинг илк кўринишида ахлоқ масаласи биринчи ўринга қўйилган, диний эътиқод эса иккинчи даражали саналган. Диний масалалар, ақидаларга конфуцийлик анча вазминлик билан муносабатда бўлди. Аммо, диний маросим, расм-русмларнинг тарбиявий аҳамиятини мақтади.

Конфуций ўз вақтида қадимги Хитойда кенг тарқалган руҳларга эътиқод масаласига шубҳали муносабатда бўлган. «Лунь юй» (Суҳбатлар ва мулоҳазалар)да келтирилишича, файласуф ғайритабиий нарсалар ва руҳлар тўғрисида гапиришни ёқтирмаган. Шунингдек, у тақдир, инсон умри, ўлим ҳақида сўз юритишдан қочган. Ундан: «Ўлим нима?» -деб сўраганларида: «Биз тириклик нима эканлигини билмаймиз-у, ўлим нима эканлигини қаердан била олар эдик», деб жавоб берган.

Бироқ қадимдан давом этиб келаётган диний қадриятлар, урф-одатларга Конфуций ҳурмат билан муносабатда бўлган. Конфуцийнинг яна бир таълимоти — «**Сяо**» бўлиб, у инсон ўз ота-онасига муносиб бўлиши ҳақидаги ғояни ўзида мужассам қилган. Конфуцийнинг фикрича, инсон учун Сяодан муҳимроқ нарса йўқ. У: *«Сяо* ва *Ди* (*уканинг акага, кичикларнинг катталарга ҳурмати*) инсонийликнинг асосидир» деган. Сяонинг асосий маъноси нима, фарзандлик хизмати қандай бўлиши керак, деган саволга Конфуций шундай жавоб берган: «Ақлли ва ота-онангни боқишга яроқли бўлишингдир. Чунончи, одамлар уйларида итлар ва отларини ҳам боқадилар-ку? Агар ота-оналарига ортиқ эҳтиром кўрсатмасалар, ҳайвонларни боқишларидан нима фарқи қолади?».

Сяо таълимотининг «Ли қонунлари»га кўра, фарзанд ота-она ҳаётлик чоғида мутлақо уларнинг ихтиёридадир. То улар дунёдан ўтгунича ўзига-ўзи эгалик қилишга ҳақли эмас. Агар ота-она вафот этса, фарзанд кандай иш билан машғул бўлишидан қатъи назар, барча ишни ташлаб уч йил аза тутиши шарт. Конфуцийчиликнинг *Сяо* таълимоти асрлар мобайнида Хитой маданияти, ахлоқий меъёрларига катта таъсир ўтказиб келди.

Бурчни адо этиш туфайли инсон камолотга эришади. Унинг негизида “Сен ўзинг нимага эришишни истасанг, уни бошқаларнинг эришишига кўмаклаш”, “Сен нимани истамасанг, уни бошқаларга раво кўрма” каби ислом динида

ҳам қадрланувчи ҳаётий тамойиллар ётади. “Буюк таълимот” ва “Ўрталик ҳақида таълимот” деган асарларга кўра, одамларнинг биргаликда оқилона яшаши тартибининг муҳим шартини 5 та оддий ва буюк фазилат ташкил этади: **донолик; инсонпарварлик; садоқат; катталарни ҳурмат қилиш; жасорат.** Бу фазилатлар ўзига ва бошқага ҳалолликни ва чуқур ҳурматини англатади. Фақат мумтоз ва комил инсонларгина бундай фазилатга эга бўладилар.

Конфуций ўзи учун, авлодлари, яқин шогирдларига алоҳида ажратилган қабристонга дафн этилган. Унинг уйи ибодатхонасига айлантирилган, бу жой зиёратгоҳ бўлиб қолган. Конфуций ибодатхонаси Цюйфу шаҳрининг марказида қад кўтарган. Ибодатхона императорларнинг илоҳга сиғинадиган жойи сифатида мил. ав. 478 йилда қурила бошланган. Дастлаб унинг 3 тагина зали мавжуд бўлган. **Хань даврида** (206-220 йилари император эди) конфуцийликка катта эътиқод қўйиб, ибодатхонани кенгайтира бошлайди. Кейинги даврларда императорлар зиёратга келишар ёки ўз вакилларини қурбонлик билан юборишарди.

Асрдан-асрга Конфуций ибодатхонасининг чегаралари кенгайиб борди. **Минлар** (1368-1644) ва **Цинлар** (1644-1911) даврида кўп қурилишлар олиб борилиб, ибодатхона бугунги кундаги кўринишга эга бўлди. Ибодатхона ўзининг маҳобати, улуғворлиги, меъморий ғояси, ечимининг уйғунлиги, нафис ижроси билан бутун жаҳонга машҳур. Ибодатхона майдони 9,2 гектар, тарҳи 150х630 метр. Ибодатхонада жами 9 та ҳовли, 466 та алоҳида хона, 54 та тоқу-равоқлари бор. Конфуций ибодатхонасида 2100 дан ортиқ ёзувли тош ёдгорлик (*стелла*)лар мавжуд бўлиб, улар бир томондан, ажойиб тарихий манба сифатида, иккинчи томондан эса, каллиграфия ва тош ёзуви кўргазмаси сифатида хизмат қилади.

Лао Цзи (мил.ав. 579-499) – Хитойлик файласуфнинг асл исми Ли Эр эди. Лао Цзи “устоз Лао” деган маънони билдиради. Лао эса лақаб бўлиб, “қария” деганидир. Лао Цзт Чжоу саройида архив ходими бўлиб хизмат қилган. Конфуций билан учрашган. Салтанат инқирози сабабли “истеъфога” чиқади ва тарки дунё қилиб, Ғарбга қараб йўл олади. Чегарага етиб келганда чегара бошлиғи ундан ўз ватанига нимадир қолдириб кетишни сўрайди.Ли Эр чегара

бошлиғига 5000 белгидан иборат қўлёзмани топширади. Бу тарихда “Даоэцзин” -“Эзгулик йўли ёки куч ва ҳаракат ҳақидаги китоб” билан машҳур китоб эди. Бу китобда Дао таълимотининг моҳияти ҳақида сўз боради. Дао иероглифи икки қисм: “Шоу”- бош ва “Цзбу”- бармоқ деган сўздан иборат. Бу “одамлар юрадиган йўл” деган маънони англатади.

Ҳозирга келиб **Дао** (*хитойча-қонун, йўл*) қадимги Хитой фалсафасининг муҳим тушунчаларидан бири ҳисобланади. Дастлаб “йўл”, “тариқат” маъносини, кейинчалик фалсафада табиатнинг “йўллари”ни, унинг қонуниятларини билдирган. Коинотнинг бош сабабчиси, унинг сирли қонунияти; ақл билан билиб, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, лекин ҳамма нарсада мавжуд бўлган ҳаётий бутунлик. Дао-ҳамма нарсанинг асоси. Дунё-Даонинг “гавдаланиши”дир.

Одамлар гўзалликни англаган ондан бошлаб хунуклик пайдо бўлади. Буни башар эзгулик нелигини англаган лаҳзаларда эса ёвузлик ҳам мавжудлигини тушунади. Демак, борлиқ йўқликни, мушкулот енгилликни юзага келтиради. Юксаклик ва тубанлик бир-бирига қайишади, узунлик ва қисқалик бирини-бири тўлдиради. Товушлар узаро қўшилиб уйғунликни ҳосил қилади. Ўтмиш ва келажак ўзаро ўрин алмашади. Шу боис доно фаолиятсизликни афзал кўриб, сукутда мутолаа билан машғул бўлади.

Даосизм вакиллари мил. ав. IV-III асрларда яшаган Ян Чжу, Инь Вэнь, Чжуан-цзига кўра, табиат ва инсон ҳаёти “илоҳий самовий қонун”га боғлиқ эмас, балки нарсаларнинг табиий йўли, қонуни - “Дао” га асосланади. Ян Чжу фикрича, ҳаётнинг табиий қонунлари - “Дао”га риоя қилиш инсонга “ўз табиатини бутунликда сақлаб қолишга” имкон беради.

Даосизм дунёдаги ҳамма нарсаларда қарама-қаршиликлар кураши ётади, улар ўзгаришда, ҳаракатда: “бир хил нарсалар кетиб, бошқа ҳил нарсалар келади, баъзи нарсалар гуллайди, баъзилар сўнади”,деб ҳисоблайди. Даосизм таълимотида инсонлар табиатга ва жамиятга зўрлик қилмаслик, табиатга яқин бўлган ҳаётга қайтиш даъвати бор.

III асрга келиб ягона Хан подшолигининг Вей, Шу ва майда учта давлатларга бўлиниб кетиши билан қадимги Хитой даври тугайди ва ўрта асрлар даври бошланади.

Шундай қилиб, қадимги Хитой ўзига хос бетакрор маданияти билан жаҳон маданиятини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. Унинг таъсири айниқса Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари маданиятининг шакланиши ва ривожланишида кучлироқ акс этди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсоният цивилизациясининг кўҳна ва йирик марказлари - Миср, Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитой маданиятлари, Бобил, Шумер, Урарту, Финикия, Элам цивилизациялари шаклланиб, маданий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатди. Қадимги Шарқ маданияти “илк кашфиётчи ва асосчи сифатида улкан миссияни” бажарди; илк ёзувни яратди ва давлатчилик пойдеворини қуриб, этник, касбий, мулкий ва ижтимоий аҳволи билан фарқланувчи кишиларнинг бирга яшашлари учун шароитни шакллантирди. Бошқа маданиятлар ибтидоий ва қадимги Шарқ маданиятининг тажриба ва ютуқларидан фойдаландилар.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Қадимги Миср подшолиги тарихи нечта даврга бўлинган?
2. Хеопс эҳроми ҳақида маълумот беринг?
3. Ипет-Исут-қадимги Миср ибодатхоналари ҳақида биласизми?
4. Тутанхамон мақбарасини қайси археолог топган?
5. Бобил тарихи неча даврга бўлинади?
6. Семирамда осма боғлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Моҳенжо-Даро, Хараппа ҳақида гапиринг?
8. Будда дини Брахманизм динидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?
9. Ажанта мажмуасида санъатнинг қайси турлари синтезини кўрса бўлади?
10. Конфуцийликда қандай ғоялар илгари сурилган?
11. Буюк Хитой девори ҳақида фикр-мулоҳазаларингиз?
12. Император Цин Шихуанди мақбараси ҳақида нималарни биласиз?

Барча халқлар орасида греклар ҳаёт
орзусини энг гўзал даражада орзу қилганлар.
Йоханн Вольфганг Гёте

4 мавзу. АНТИК ДАВР МАДАНИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар

Эллада, аристократия одоби, Спарта мактаби, Эгей маданияти, Гомер даври, Архаик даври, Классик давр маданият, Эллинизм, меъморлик, ҳайкалтарошлик, театр, Рим қонуни, содиқлик, уруғдошлик, ҳарбий жасорат, колизей, оммавий байрамлар, тасвирий санъат, сенат, Рим фалсафаси, насронийлик, календар.

4.1. Антик Юнонистон маданияти

Антик давр маданияти-жаҳон цивилизациясининг илк марказ-ларидан бўлиб, у даврда фалсафа,маданият фан сифатида шаклланди. Унинг учун Шарқ маданиятининг, айниқса, арифметика, астрономия, мифология ва теология соҳаларида эришилган дастлабки муҳим ютуқларининг аҳамияти катта бўлди.

Қадимги Юнон маданияти мил. ав. XXVIII асрдан мил. ав. II асргача давом этди. Юнонлар ўзларининг ватанини **Эллада** деб атаганлар. Қадимги Юнон маданиятининг энг юқори даражага кўтарилган даври мил.ав. V-IV асрларга тўғри келади. Қадимги Юнон маданияти жаҳон маданияти тарихида феномен ҳодиса сифатида ўзини намоён этди.

Қадимги Юнон маданияти бешта даврга бўлинади: Эгей маданияти (мил. ав. XXVIII-XI асрлар); Гомер даври маданияти (мил. ав. XI-IX асрлар); Архаик даври маданияти (мил. ав. VIII-VI асрлар); Классик (*юқори даражадаги*) даври маданияти (мил. ав. V-IV асрлар); Эллинизм даври маданияти (мил. ав. 323-146 йиллар).

Эгей маданиятини кўпинча **Крит-Микен маданияти** деб ҳам аташади. Бунинг сабаби Крит ороли ва Микен шаҳри Юнон маданиятининг асосий марказлари саналган. Шунингдек, бу даврни афсонавий подшо Миноснинг номи билан Миной маданияти деб ҳам аташади.

Мил. ав. III мингинчи йилларнинг охири, икки мингинчи йилларнинг

бошларида Крит оролида Кносс, Феста, Мали ва Като-Закро шаҳар давлатлари вужудга келди. Шаҳарларнинг тутган ўрни ҳисобга олиниб, баъзида уларни «Сарой маданияти» деб ҳам аташади. Бу даврда асосий машғулот қишлоқ хўжалиги бўлиб, бунда дон, узум, зайтун етиштирилган. Хўжаликда чорвачилик, хунармандчилик ва савдо ҳам муҳим ўрин тутган.

XIX асрнинг 70 йилларида немис археологи Генрих Шлиман Эгей денгизи қирғоқларида қазув ишлари олиб борди ва натижада 7 та шаҳарни аниқлади. Шаҳарларнинг биридан олтин санъат буюмлари хазинаси топилди.

Крит маданиятига тааллуқли Кносс саройи «Лабиринт» (юнон-хоналари беҳад куп, йўлаклари одамни адаштирувчи улкан бино) номи билан тарихга кирган бўлиб, у кўп қаватли, 300 хонадан иборат, 16 минг кв.м. майдонни эгаллаганди. Саройда сув ўтказувчи мослама (*водопровод*), канализация ва ванналар, ҳунармандчилик устахоналари бўлган. Саройнинг махфий хонасидан аёл шаклидаги маъбуданинг қўлида илонни ушлаб турган ҳайкалчаси топилган. Саройнинг деворларида ҳозиргача «Гуллар терувчи», «Қушни тутишга шайланаётган мушук», «Хўкиз билан ўйин» каби расм манзаралари сақланиб қолган. Крит чизиқли ҳарфлардан иборат ўз ёзувига эга бўлган.

Чизиқли ёзув Крит оролининг энг қадимги ёзувлари тизими; А ва Б турлари фарқланади. Чизиқли ёзувланинг Б тури (крит-микен бўғин ёзуви)да битилган матнлар юнон тили лаҳжаларидан бирини намоён қилади. Мил.ав. XV-XIV асрларга мансуб ушбу матнлар XIX аср охирларида Крит оролида, мил.ав. XIII асрга мансуб матнлар эса 1939 йили Пелепоннеснинг жанубий қисмида топилган. Бу ёзувдаги матнлар биринчи марта инглиз олими А.Эванс томонидан 1909 йили эълон қилинган. Чизиқли ёзувни ўқишга инглиз олимлари М.Вентрис ва Ж.Чедвик 1953 йилда мувоффақ бўлган. Чизиқли ёзувниг А тури ҳали ўқилмаган ва унинг ҳинд-европа тилларига алоқадорлиги исботланмаган.

Эллада ҳозирги замон давлатларининг бошқарув шакли **—** республика ва демократиянинг ватанига айланди. Унинг намунавий шакли Перикл (443-429 йй.) даврида гуллаб-яшнади. Юнонистонда жисмоний ва ақлий меҳнат иккига ажралади. Жисмоний меҳнат бу қулларга, ақлий меҳнат қилиш эса озод

кишиларга тааллуқли эди. Юнонлар давлат ва шахсий мулк, жамоа ва шахсий манфаатларни ўзаро жуда моҳирона боғлай олганлар. Масалан, қулдорлик давлат тизимини идор этиш воситаси.

Аристократия (юнон. ***aristokratia***- асл инсонлар ҳукмронлиги)- иқтисодий ҳукмрон синф, зодагонларнинг сиёсий ҳокимияти. Аристократия биринчи марта антик даврнинг машҳур мутафаккирлари Платон, Аристотель томонидан қулдорлик давлат тузумини идора этиш воситаси сифатида ишлаб чиқилган. Аристократия одоби - мусобақа тамойиллари асосида ҳаётда биринчилардан бўлишга интилиш кенг қулоч ёйди. Бундай ўйинлар саҳнаси: Олимпия ўйинлари, мунозара, жанг майдони, театр саҳналари эди. Юнонлар учун эркинлик энг юқори қадрият ҳисобланиб, унинг учун ҳатто ўлимга ҳам тик борганлар. Леонид жасорати ёки Прометей ҳақида афсона бунга мисолдир.

Юнонларнинг турмуш тарзи ҳақиқат, гўзаллик, меҳрибонлик каби категориялар уйғунлиги билан белгиланган. Улар учун меъёр тушунчаси муҳим аҳамиятга эга эди. Шунинг учун юнонларда мулк эркин киши учун ажралмас атрибут бўлса, иккинчи томондан очкўзлик, молпарастликни қоралаганлар. Ҳар қандай эркин юнон полис (*шаҳар*) давлатини энг олий эҳсон деб қабул қилган ва унинг ватанпарвари бўлган.

Ёшларни тарбиялаш учун таълим тизими икки йўналишда ташкил этилган: а) “гимнастика” ва б) ақлий йўналишдаги барча маданият турлари. Озод юнонлар болаларини 7 ёшдан мактабга берганлар. Иқтисодий имконияти бор хонадонларнинг болалари 18 ёшгача гимназияларда ўқишни давом эттиришган. Юнон мактабларида болаларга қўйиладиган талаблар: чиройли ёзиш, аниқ ва равон сўзлашга ўргатилган, улар Гомер, Гесиод ва бошқа шоирларнинг шеърларини, достонларини ёд олганлар. Юнонлар ашула айтиш, рақсга тушиш, лира созини чалишни билмайдиганларни ўқимишли деб ҳисобламаганлар.

Афина тарбияси — мил. ав. VII-V асрларда қадимги Афинада болалар ва ўсмирлар (*қуллардан ташқари*) тарбияси тизими. Бунда 7ёшдан 16 ёшгача

бўлган болалар ўқиганлар. Маънавий тарбия гимнастика билан қўшиб олиб борилган.

Спарта тарбияси — мил.ав.VIII-IV асрларда зодагонларнинг болаларини тарбиялаш тизими. 7-20 ёшдаги болалар давлат интернатларида ҳарбий-жисмоний тайёргарлик кўришган. Ўқиш ва ёзишни ўрганишган; буйруққа бўйсуниш; уни сўзсиз бажариш ва ғалабага эришиш кўникмалари шакллантирилган, ҳарбий интизом асосида ҳаётга ўргатилган. Тартиб-интизом йилдан йилга қийинлаштириб борилган. Катталарга сўзсиз бўйсуниш, енгил кийимда, оёқ кийимсиз юришга, қаттиқ ўрин — жойда ётишга ўргатилган. Махсус жисмоний машқлар бажарилиши белгилаб қўйилган. 15-20 ёшдагилар учун ҳарбий машқлар билан бирга, хорда куйлаш асосий машғулотлар сирасига киритилган. Ёшларнинг ақлий ривожланиши муҳим ҳисобланган ва саволларга аниқ ҳамда қисқа жавоб бериш махсус машғулотлар жараёнида ўзлаштирилган.

Гимнасий (юнон.) – Юнонистон шаҳарлари ва эллинистик Шарқда давлат ўқув-тарбия муассасаси гимнасий деб номланган. Гимнасийларнинг пайдо бўлган вақти ҳақида аниқ маълумот йўқ. У мил. ав. V-IV асрларда кенг тарқалган. Гимнасий аввал жисмоний машқлар билан шуғулланиладиган маскан саналган. Кейинчалик ёшларнинг мусиқий (*ақлий ва эстетик*) ҳамда гимнастик (*ахлоқий ва жисмоний)* ривожланишини таъминловчи, шу билан бирга, бир-бирлари билан мулоқотда бўлиш марказига айланган. Гимнасий давлат назоратидаги мактаб бўлган. Унга зодагон — қулдорлар оиласининг палестра (*Юнонистондаги 12-16 ёшли болаларнинг гимнастика мактаби*)ни тугатган 16 ёшли фарзандлари қабул қилинган. Улар Гимнасийда 18 ёшгача гимнастика билан шуғулланишган ҳамда адабий, фалсафий ва сиёсий таълим олишган.

Гимнасийда таълим олаётган болаларнинг қанчалик чиниққан, чидамли, соғлом, жисмонан ва руҳан бақувватлиги давлат томонидан назорат қилинган. Фалсафа, адабиёт, сиёсатга доир билимларни мамлакатдаги таникли кишилар олиб боришган. Гимнасийлар ичида Платон ўз шогирдлари билан суҳбат

ўтказган Академия ва Аристотель ташкил этган Ликей машҳур бўлган. Гимнасийни тугатган йигитлар эфебия мактабида ҳарбий билим олишган.

Эфебия (*юнон.***ephebeia** -*ўсмир*) — Юнонистон (*Спарта, Афина*)да эркин туғилган 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирларни ҳарбий ва фуқаролик хизматига тайёрлайдиган давлат ташкилоти Эфебия деб аталган. Ўқиш казарма шароитида 2 йил давом этган. Биринчи йили эфеблар гимнастика, камондан отишни ўрганганлар, ҳарбий машқлар ўтказишган. Иккинчи йил ҳарбий қўрғонлар қуриш, ҳарбий гарнизонларни қўриқлаш, ҳарбий-денгиз ишларини ўрганиш билан шуғулланишган, халқ сайил ва байрамлари ҳамда йиғилишларида тартиб сақланишини назорат қилишган. Эфебияни тугатганлар тўла ҳуқуқли фуқаро ҳисобланган.

Юнон фалсафасининг энг юксак намояндалари Суқрот, Платон ва Аристотель мероси умуминсоний маданият хазиналаридир. Юнонистонда оламни фалсафий мушоҳада қилиш -мантиқ ва тасдиқлашга таянган илмий ва рационал фикрлаш методи орқали билиш мумкинлигига асос солинди. Деярли ҳозирги замон маданиятининг дастлабки жанрлари қадимги Юнонистонда пайдо бўлди. Баъзилари ўша даврнинг ўзида жуда юқори даражага кўтарилди. Фидий бошчилигидаги бадиий тасвирий санъат асарлари, Зевснинг катта ҳайкали бунга мисол бўла олади.

Ибтидоий жамоа тузумидан синфий жамиятга ўтиш давомида юнонларнинг диний тасаввурлари ҳам ўзгариб борган. Бунинг натижасида ҳар бир йирик ҳодиса, касби-корнинг ўз худолари -ҳомийлари пайдо бўлган. Масалан, Гея -Ер худоси. Олимп худоларидан илгариги энг қадимги маъбуда. Ўз-ўзидан осмон (*Уран*), денгиз (*Потон*) ва тоғларни яратган. Уранни эр қилиб олган. Улардан худоларнинг биринчи авлоди -6 эркак титан ва 6 аёл титан туғилган, уларнинг орасида Зевснинг ота-онаси -Кронос ва Рея ҳам бўлган. Гея Олимп худоларининг ҳаётида фаол иштирок этмаса ҳам, уларга доно маслаҳатлар бериб турган. Вақт ўтиши билан Гея тақдир ҳукмини биладиган қадимги донишмандлик ҳомийси сифатида эъзозлаган.

Юнон афсоналаридаги олий маъбуд, бутун олам ҳукмдори **Зевс**дир. У Кронос ва Реянинг ўғли. Маъбудларнинг учинчи авлодига мансуб бўлиб, Тартарда ўз отаси ва бошқа титанларни енгиб, Олимп тоғида ҳукмрон бўлгандан кейин аста-секин оламни қайтадан тузади, қонунлар чиқаради, тартиб ўрнатади, фан, санъат, ахлоқ меъёрларини жорий этади. Зевс тақдир иродасини ва яхши ниятларини рўёбга чиқарувчи кўплаб қаҳрамонлар (*Геракл, Персей*) нинг отаси. Айни вақтда Зевс - даҳшатли жазоловчи куч. У бир неча марта одам зотини йўқ қилиб, ундан ҳам мукаммал инсонни яратишга уринади. Зевс тўғрисидаги афсоналарнинг айрим қисмлари «Илиада», «Одиссея» ва бошқа антик давр асарларида бор.

Олимп маъбудларидан бири, Кронос ва Реянинг ўғли **Посейдон**дир. У дунёга ҳукмронлик қилишни акалари Зевс ва Аид билан бўлишиб олган. Унга денгиз ҳукмронлиги насиб қилган. Қўлида уч тишли айри билан тасвирланган, у ана шу айри ёрдамида денгиз довулларини ҳосил қилган. Яна бир маъбуда – **Артемида** бўлиб, овчилар, аёллар ҳомийси. Елкасида ўқ-ёй, баъзан ярим ой ҳолатида тасвирланган.

Юнон афсонасида дастлаб ҳосилдорлик, кейинроқ севги ва гўзаллик маъбудаси **Афродита**дир. Афродита денгиз саёҳатчиларининг ҳомийси ҳам эди. Афсоналарга қараганда, Афродита денгиз кўпигида туғилган, асосий ибодатхоналаридан бири Қибрис оролининг Пафос шаҳрида бўлган. Афродитага сиғиниш олдин Кичик Осиё, Қибрис ороли ва бошқа оролларда кенг ёйилган бўлса, кейинроқ Болқон ярим ороли ва Юнонистонга тарқалган.

Гермес дастлаб чорвадор ва чўпонлар худоси, пода ва яйловлар, кейинчалик йўл, йўловчилар ҳомийси бўлган. Шунингдек, Гермесга савдогарлар ва савдо ҳомийси, ўлчовлар, сонлар ва лира (мусиқа асбоби) ихтирочиси сифатида сиғинилган. Гермес Олимп маъбудларининг хабарчиси, марҳумларнинг жонини аид (*ер ости салтанати, дўзах*)га ўтказувчи ҳисобланган.

Юнон мифологиясида олов ҳамда темирчилик пири **Гефест**дир. У касб-ҳунар ҳомийси сифатида эъзозланган. Иккала оёғи чўлоқ, бадбашара бўлган

ҳолда соҳибжамол Афродитага уйланган. Гефест - қўли гул уста; ер остидаги баҳайбат темирчилик устахонасида Зевс учун чақмоқ ва момақалдироқлар тайёрлаб беради, деб тасаввур қилинган. Гефест тўғрисидаги мифлар Юнонистонда бадиий ҳунармандчилик юксак даражада ривожланганлигини ифода этар эди.

Уруш ва ғалаба, санъат ва ҳунармандчилик, билим ва донолик маъбудаси, Зевснинг қизи **Афина** тўла қуролланган ҳолатда (*дубулға ва совут билан*) туғилган. Афина шаҳрининг ҳомийси. Юнон санъатининг нодир ёдгорлиги бўлган Афинадаги Парфенон ибодатхонаси олдига Афинанинг архитектор Фидий томонидан бажарилган, баландлиги 12 метрлик катта ҳайкали ўрнатилган. Маъбуданинг номи Грециядаги марказий шаҳарлардан бирига қўйилган.

Юнон мифологиясидаги узумчилик ҳамда виночилик пири **Дионис** бўлиб, у Зевс билан фивалик малика Семеланинг ўғли. Дионис шарафига бағишланган байрамлар ўта хушчақчақлик, кайф-сафо билан ўтган.

Афсоналарга кўра, маъбудлар маликаси **Гера**дир. У Зевснинг хотини, никоҳ ҳомийси бўлиб, шафқатсизлик, қахр-ғазаби ва рашки билан ажралиб турган.

Қадимги юнонларнинг эътиқодича, Зевс бошлиқ маъбудлар баланд **Олимп тоғлари**да яшаганлар ва бадавлат кишилардай ҳаёт кечирганлар. Улар ҳам одамлар каби шуҳратпараст, ҳокимиятпараст, шафқатсиз ва қасоскор бўлганлар. Юнон маъбудларининг одамлардан фарқи шундаки, биринчидан улар умрбоқий, иккинчидан, улар гўзал ва қадди-қомати келишган (*Гефестдан ташқари*)бўлишган. Юнон маъбудлари ҳам севишган, хурсанд ёки ғамгин, ғазабли ҳолатларда намоён бўлганлар. Ердаги аёллар билан маъбудлар қовушганда қаҳрамонлар дунёга келган.

Юнон афсоналари қаҳрамони, Зевс билан оддий аёл Алкменанинг ўғли **Геракл** афсоналарга кўра, беқиёс кучга эга бўлган. У мислсиз 12 та жасорат кўрсатган. Геракл Немей шерини ва кўп бошли Лерней аждаҳосини ўлдирган, Эриманф тўнғизини тирик тутган, Стимфол темир қушларини қириб ташлаган,

амазонкалар маликаси Ипполитанинг камарини олган, подшоҳ Диомедни енгиб, йиқитган ва бошқа мардликлар кўрсатган. Шунингдек, Антейни енгган, Прометейни озод қилган. Хотини Деянира рашк сабабли уни заҳарлаган. Зевс уни ўлмайдиган қилган. Юнонистоннинг кўпгина жойларида, кейинчалик Италияда Гераклга эътиқод қилинган. Геракл ҳақидаги афсоналарда инсоннинг табиатнинг даҳшатли кучларига қарши кураши акс этган. Геракл **Геркулес** номи билан ҳам машҳур.

Грецияда маъбудларга аталган махсус байрамлар мавжуд бўлиб, улар турли шаҳарларни бамисоли бир бутун қилиб боғлаган ва Эллада элини бирлаштирган. Шунингдек, жисмоний тарбия, мусиқа, қўшиқ кабилар байрамларнинг энг муҳим шарти ҳисобланган. Бу куни қўшиқлар айтишганлар, давра олиб рақсга тушишганлар, охирида театр томошалари қўйиб берилган.

Грек театрлари 20-25 мингтача томошабинларни сиғдирган. Театр томошалари кўнгил очиш эмас, балки муқаддас бурчни адо этиш ҳисобланган. Унда ҳар бир фуқаронинг иштирок этиши шарт бўлган. Театр тарбия мактаби бўлиб, унда қўйиладиган спектаклларда ахлоқ, сиёсат ва мафкуранинг энг муҳим масалалари таҳлил этилган.

Байрамлардан ташқари грекларни умумгрек мусобақалари бирлаштирган. Бу ўйинлар худоларнинг отаси олимплик Зевс шарафига мил. ав. 776 йилдан мил. 394 йилгача ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилган. Унда югуриш, бокс, диск отиш, тўрт от қўшилган икки ғилдиракли аравалар мусобақаси, санъат конкурси намойиш этилган. Ўйинлар вақтида ҳамма греклар қатнаша олиши учун урушлар тўхтатилган. Шундай қилиб, **олимп ўйинлари** тинчлик даракчиси бўлган.

Юнонлар ўз маъбудларига ишонишган, сиғинишган, уларга атаб ибодатхоналар қуришган ва қурбонликлар қилишган. Лекин юнонларда маъбудларга кўр-кўрона сажда қилиш, мутаассиблик даражасида бўлмаган. Масалан, Прометей маъбудлар иродасига қарши одамларга осмондан оловни олиб тушиб берган (*Прометей афсонасидан*).

Юнонлар мифологиясида фақат маъбудлар эмас, ердаги инсонларни ҳам

улуғланган. Бунга **Софокл**нинг “Дунёда буюклар кўп, лекин табиатда инсондан бошқа кучлиси йўқ”, ёки **Архимед**нинг “Менга Ернинг таянч нуқтасини топиб беринглар, мен уни ағдариб ташлайман” деган ибораларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Мил. ав. 1450 йилда Крит оролидаги Миной цивилизацияси четдан дорий қабилаларининг бостириб кириши, кучли зилзила, сув тошқини ва вулқон отилиши туфайли фалокатга учраган. Шунга қарамай Крит-Микен маданиятининг узвийлиги Эллада маданиятида намоён бўлди.

Мил. ав. XI-IX асрлар **Гомер** асри деб аталади. Бунга сабаб шуки, бу даврни ёритиб берувчи асосий манба Гомернинг “Одиссея”, “Илиада” достонлари бўлиб, гекзаметр (*муқаддас ўлчови*) да ёзилган.

“Одиссея” достонида дунёга машҳур шундай фольклор сюжети ётади; узоқ дарбадарликдан сўнг Одиссей садоқатли рафиқаси Пенелопа олдига таниб бўлмас даражада қайтиб келади. Одиссей образида қаҳрамонлик сифатларидан кўра унинг ақл-заковати, эпчиллиги, тадбиркорлиги устун туради. “Одиссея”да маиший картиналар ва эртак унсурлари “Илиада”дагига қараганда кўпроқ.

Илиада мил. ав. XIII асрдаги Илион, яъни Троя уруши ҳақидаги ривоятлар асосида IX-VIII асрларда пайдо бўлган. “Илиада”нинг бош қаҳрамони **Ахилл**. Буюк йўлбошчиси Агомемнон томонидан ҳақоратланган “Ахиллнинг қаҳри” достон мавзуининг асосини ташкил этади. Унда яккама-якка қахрамонона жанг манзаралари, қамал қилинган Троядаги ҳаёт лавҳалари, маъбудларнинг Олимпдаги мунозаралари мутойибали тасвирланган.

1870 йили немис олими **Генрех Шлиман** Гомер асарларини тадқиқ қилиб, Троя шаҳри жойлашган Туркиянинг Ҳисорлик шаҳри ҳудудида эканлигини аниқлаб, унинг қолдиқларини топди. Бу достонлар қадимги замонлардаёқ Юнон халқининг муқаддас ва мўътабар китобига айланган.

Бу даврда давлатчилик, шаҳар - сарой турмуш маданияти ва ёзув йўқ бўлиб боради, меҳнат қуролларини темирдан ясашга ўтилиши натижасида меҳнат унумдорлиги анча ўсади, деҳқончилик ва чорвачилик ривож топади. Савдо-сотиқда эса қорамоллар айирбошлаш воситаси ҳисобланган.

Мил. ав. VIII-VI асрлар Архаик даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Юнонистонда уч аср давомида қишлоқдан шаҳарга, уруғ-қабилачилик, патриархат муносабатларидан классик қулчилик босқичига ўтиш учун замин яратилди.

Шаҳар -давлат ижтимоий ҳаётининг асосий шакли бўлиб қолади. Давлат тузумининг шакллари -**монархия, олигархия, аристократик ва демократик республика** бўлган. Юнонлар финикияликларнинг ёзуви асосида 24 ҳарфдан иборат ҳам унли, ҳам ундош товушларни ифодаловчи ўз алифболарини яратганлар. Юнонистонда таълим тизимининг ютуғи туфайли полиснинг эркин кишилари орасида саводсизлар йўқ эди. Жамият қадриятлари ва аҳлоқий нормалар шакллана боради. Бунда ватанпарварлик ва фуқаролик муҳим ўрин тутган. Ўз шаҳрини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи ҳисобланган. Худди шу даврда инсон танаси билан руҳ ўртасида уйғунликни ифодаловчи идеал инсон тўғрисидаги ғоя шаклланади.

Пифагор (мил. ав. 580-500) — юнон математиги, файласуф, қулдор аристократиянинг ғоявий тарғиботчиси бўлган. У Кротонда фалсафий мактаб, сиёсий партия ва диний биродарликни мужассамлаштирган пифагорчилар иттифоқини тузади. Пифагор фалсафасида миқдор барча нарсанинг моҳияти, олам эса миқдор ва улар орасидаги муносабатларнинг гармоник системаси, деган ғоялар илгари сурилган. Пифагор ҳаётининг мазмунига оид қарашларига “фалсафа” деб ном берган биринчи донишманд: “Тартиб сенинг муқаддас мақсадинг бўлсин, сен бу мақсад йўлида астойдил хизмат қил, чунки, тартиб ҳамма нарсанинг асосидир. Табиатнинг мавжудлиги асосида ҳам тартиб ётади”. Пифагор узоқ вақт давомида Мисрда таҳсил олган. Зардуштийлик динига жуда қизиққан. У Мисрда илм сирларини ўрганиш учун ҳатто 24 ёшида хатна қилдиришига ҳам рози бўлган. Акс ҳолда уни китобларга яқинлаштиришмасди. У ҳеч қачон йиғламаган ва умуман эҳтирос ҳамда хис-ҳаяжонга берилмаган.

Флиунт шаҳрига сафари чоғида ҳоким Леон Пифагордан сўради: “Сен қайси илм билмдонисан? –Ҳеч қайси деб жавоб берди Пифагор. –мен шунчаки

бир файласуфман” –Фалсафа дегани нима ўзи? – таажжубланиб сўради ҳоким. Пифагор шундай жавоб берди: “Инсон умрини бозор ва олимпия ўйинларига қиёслаш мумкин. Бозордаги сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам доимо ўз фойдаларини кўзлайдилар. Олимпия ўйинлари иштирокчилари эса шон-шуҳрат ва машҳурлик пайида бўладилар. Ўйингоҳдаги томошабинлар эса уларни диққат билан кузатадилар. Ҳаётда ҳам шундай. Одамларнинг катта бир гуруҳи бойлик ва шон-шуҳрат орттириш мақсадида елиб-югурадилар. Ана шу оломон орасида камчиликдан иборат бир гуруҳ борким, улар четдан туриб атрофдагиларни жимгина кузатадилар. Воқеа- ҳодисаларни, инсон табиатини тадқиқ этадилар. Ҳақиқатни англаш уларнинг энг севимли амалидир. Ана шу тоифадаги одамлар файласуфлар-доноликни севувчилар, деб аталади. Улар софослар, яъни донишмандлар эмас. Чунки том маънодаги донишмандлик ёлғиз Аллоҳга хос сифат. Бандалар эса донишмандликка интилиш билан кифояланадилар, холос”.

Математика тарихида Пифагор геометрияга систематик исбот тушунчасини киритиб, уни абстракт фан даражасига кўтарган, тўғри чизиқли шакллар геометриясини тузган, ўхшашлик ҳақидаги таълимотни яратган, тўғри бурчакли учбурчак ҳақидаги теоремани исботлаган, айрим мунтазам кўпбурчак ва кўптомонликларни ясаган деб ҳисобланади. Одатда, жуфт ва тоқ, куб ва мураккаб, мукаммал сонлар, арифметик, геометрик ва гармоник пропорциялар Пифагор номи билан боғланади. Пифагор мактабининг математикани системалаштиришдаги роли катта бўлган.

Милет мактаби мил.ав. VI асрда вужудга келган, Ионния денгизи соҳилидаги Милет шаҳри номидан олинган. Йирик намоёндалари **— Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, Гераклит.** Улар табиатдаги ҳодисаларни ўзгаришда, ўзаро алоқадорликда, бир-бирига ўтиб туришда деб, воқеа–ҳодисалар сабабини табиатнинг ўзидан қидирганлар. Руҳий ҳодисаларни материянинг кўриниши, бутун табиатни жонли деб тушунганлар. Европада илмий космогония, космология, физика, география, метеорология, астрономия ва бошқа фанлар тарихи Милет мактабидан бошланади. Мил.ав. VII-VI

асрларгача бўлган юнон тафаккурининг шаклланишига ва ривожига Миср, Бобил, Финикияда ривож этган таълимотлар асос бўлган. Кронос ва Зевс ҳақидаги тушунчани ҳам иониялик олим Ферecидес Яқин Шарқдан олган. Мил.ав. VI асрга келиб юнонлар эронийлар билан яқиндан алоқада бўла бошлагач, Марказий Осиё ва Эрон халқлари дини, Зардушт таълимоти Иониялик дошишмандларга ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Мил.ав. VI асрда грек фанининг пойдеворини яратган иониялик етти олимнинг келиб қичиши, асосан Шарқ мамлакатларидан – Биса фригиялик, Фалес финикиялик, Ферecидес эса жанубий анатолиялик бўлган.

Иониялик файласуф олимларининг илмий фаолияти амалий ҳаёт эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ривожланган. Бу оламлар ўз таълимотида астрономия, математика, физика ва биология ҳақида дастлабки тушунчаларни, кундалик ҳаётда зарур бўлган асбобларни яратганлар. Улар яратган таълимот ибтидоий материализм руҳида эди.

Қадимги грек фани, фалсафаси марказий Грецияда эмас, балки кичик Осиёда, Ониядаги йирик порт шаҳри Милетда шаклланган. Милет шаҳри географик жиҳатдан қулай жойлашган бўлганлиги сабабли бу ерда савдо, ҳунармандчилик бошқа жойларга нисбатан эрта ва кенг ривожланган. Ҳақиқатдан, Милет Ассирия устидан ғалаба қозонган Мидия билан яқин алоқада бўлган ва табиийки, бу мамлакатда тарқалган зардуштийликдан ҳам яхшигина хабардор бўлган, айниқса, космология ва космогония соҳасида милетликлар мисрлик ва бобилликларнинг абстракий фаразларига эмас, балки зардуштийликнинг муайян тизимга солинган илми нузумига амал қиладилар.

Милет олимлари орасида, айниқса, Фалес таълимоти диққатга сазовардир. Фалес файласуф, астраном, математик, физик, сиёсий арбоб ва савдогар эди. Мидия, Эрон муғлари билан мулоқотда бўлган, уларнинг космогоник таълимотларини ўрганган ва шу таълимот асосида борлиқ хусусияти, осмон ва ер ҳақидаги назариясини яратган. Афсуски, Фалес асарлари қадим даврлардаёқ йўқолиб кетган.Фақат кейинги даврда ўтган файласуф олимлар, айниқса, Аристотель асарларида берилган маълумотларга

таяниб олимнинг ибтидоий материализмга асосланган илмий қарашлари ҳақида фикр юритиш мумкин ер курраси сувда туради, сув ҳамма нарсанинг моддий асоси).

Зардуштийлик космогоникаси бўйича ер гардиш шаклида, у сувда туради, намлик, сув ҳамма нарсанинг асоси, ерни океан қуршаган, у худди сувдаги тахтадек, ана шу доктрианага биноан зардуштийлар сувни ҳатто оловдан ҳам ортиқроқ эъзозлаганлар. Уларнинг фикрича, ерни қуршаган олти модда (олти маъбуда)нинг биринчиси сув. Арестотель келтирган Фалеснинг иккинчиси тезиси "табиатдаги ҳамма нарсаларда маъбудларнинг иштироки бор, улар ўлик эмас, тирик". Бу ғоя эса зардуштийликнинг юқорида келтирилган ғоясига асосланади. Зардуштийликда Ахура Мазда аввал борлиқ ва ҳамма нарсаларни тана қобиғидан (меног) озод ҳолда яратган, кейин уларга шакл берган, деган таълимот бор. Фалеснинг ҳар бир буюмда маъбуд худо бор, деган назарияси худди ана шу буюмларнинг меног ҳолатини эслатади.

Зардуштийлик таълимотига кўра Ахура Мазда яратган олти модда –олти маъбуд Амэша-Сиэнта (яъни "мангу авлиёлар") қуйидагилардир-Воху-Мана (Яхши ният), Аша-Ваҳишта (Ўта адолатлийлик), Сиэнта-Армаити (Диёнатли авлиёлик), Хшатра-Вапрйа (Орзу этилган қудрат, ирода), Хаурватаг (Яхлитлик) ва Амэрэтаг (Мангулик). Уларнинг ҳаммаси Ахура Мазданинг эманациси. Улар ўзлари яратган ҳар бир моддада иштирок этадилар. Фалеснинг иккинчи тезиси эса зардуштийликнинг айнан ана шу Амэша-Спэнта таълимоти таъсири остида шаклланган. Борлиқнинг асоси тўрт унсур (сув, ер, олов, ҳаво) таълимотида ҳам Шарқ фалсафасининг таъсири бор. Инсоният тарихидаги энг кўҳна ва ҳалигача ўз кучини йўқотмаган "Кимлигингни ўзинг яхши билиб ол" ва "ҳеч нарса ҳаддан зиёда бўлмаслиги керак" деган икки ҳикмат ҳам Фалесга тааллуқли. Айтишларига қараганда Фалес ўз таълимотини шеър билан ёзган.

Фалес таълимотини унинг шогирди ва ватандоши Анаксимандр (мил.ав.611-545) давом эттирди. Анаксимандр юнон адабиёти тарихидаги биринчи насрий асар "Табиат ҳақида" рисоласини яратган эди. Анаксимандр Фалес каби космогония масаласига, борлиқ, ҳамма нарсалар қаердан бўлганига

кўпроқ қизиққан. Фалесдан фарқли ўлароқ, у борлиқ фазонинг чексизлигидан пайдо бўлган, “чексизлик ҳамма нарсага йўналиш беради ва ҳамма нарсани идора этади” дейди.

Аристотель Анаксимандрнинг бу фикрига изоҳ бериб, “ҳар бир пайдо бўлган нарсанинг охири бор, лекин у мутлоқ йўқ бўлиб кетмайди” дейди. Аристотель бу фикрни “файласуф айтган чексизлик илоҳият, чунки у мангу, йўқ бўлиб ҳам кетмайди” деб изоҳлайди.

Аристотелнинг ана шу юқорида келтирилган талқини кейинги давр юнон фалсафаси учун ҳам ҳал этувчи рол ўйнайди. “Чексизликдан пайдо бўлган буюмлар маълум вақтдан кейин яна асли ҳолига, чексизликка қайтади. Шундай қилиб беҳисоб дунёлар пайдо бўлади ва ҳалок бўлади”. Чексизлик ҳақидаги назария зардуштийликнинг Ахура Маздаси билан боғлиқ эди, чунки бу маъбуднинг макони осмондаги чексиз нурда. Анаксимандрнинг рационалистик фикри бўйича жаҳонда бизнинг еримизга ўхшаган “дунёлар кўп, лекин улар бир-биридан жуда узоқда, уларни фақат тафаккур кучи билан билиш мумкин, кўриб бўлмайди”. Бу таълимот Ахура Мазда томонидан еримизни қуршаган олти кичик маъбуда яратилиши ҳақидаги таълимот таъсири остида келиб чиққан.

Анаксимандр яратган космогоник таълимоти бошқа юнон файласуфлари ижодида учрамайди. Анаксимандрнинг фикрича, коинотдаги ҳар бир дунёни аввал ҳаво, кейин олов қуршаган. Еримизнинг ҳаво билан олов қобиғи ўртасида аввал юлдузлар, сайёралар, кейин ой ва ниҳоят қуёш жойлашган, ер конус шаклида. Космогонияни ана шундай тасаввур этиш коҳинлар томонидан ишлаб чиқилган зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ. Тўғри Анаксимандр зардуштийларнинг космос ҳақидаги назариясига бир қанча ўзгартиришлар киритиб, анча мураккаблаштиради, ҳавода (атмосферада) тешиклар бор, юлдузларнинг катта – кичиклиги ана шу тешиклар билан боғлиқ, юлдузлар тешиклар орқали кўринган ернинг олов қобиғи.

Милетлик файласуф олимларнинг учинчиси, Анаксимандрнинг дўсти, шогирди Анаксимен (мил.ав. 585-525) эди. Фалес ва Анаксимандр асарлари

каби Анаксимон мероси ҳам бизга бошқа муаллифларда келтирилган парчалар орқали етиб келган. Олимнинг фикрича, ҳамма нарсалар ҳавонинг сийракланиши ёки зичланишидан пайдо бўлади, сийракланса олов, зичланса шамол, булут, туман, кейин сув, ер, тош бўлади; ер текис доира, уни ҳаво ушлаб туради. Ердан чиққан буғлар мусаффолашиб оловга айланади, олов қуёшга, ой ва юлдузларга айланади, юлдузлар баргларга ўхшаб енгилгина фазода учиб юрадилар.

Марказий Осиёда ривож топган ибтидоий фалсафий таълимотлар, айниқса зардуштийлик таълимоти диалектика асосчиларидан бири эфеслик Гераклит (мил.ав. 544-483) дунёқарашига кучли таъсир этган. Гераклитнинг "Табиат ҳақида" асаридан бизгача 130 парча (фрагмент) етиб келган. У бу китобини жуда мураккаб тилда, илмнинг мағзини чақа оладиган, фаросатли ва доно китобхонларга мўлжаллаб ёзганини айтади.

Фалес борлиқнинг асоси сув, Анаксимандр ҳаво деса, Гераклитнинг фикрича, ҳамма нарсанинг асоси олов. Зардуштийлик таълимотида эса Ахура Мазда Амэша-Сиэнта-олти кичик маъбудлар-олти борлиқни оловдан барпо этган, олов уларга ҳаёт ва иссиқлик беради, дейилади. Греклитнинг фикрича, олов ердан чиққан ва уни ўзгартириб юборган. Олов космосдаги дунёлар ўртасидаги алоқани таъминлайди, ҳаво, сув, ер оловдан пайдо бўлади ва маълум вақтдан сўнг ҳаммаси яна ўтга айланади. Дунёда ҳамма нарса доимий ҳаракатда ва ўзгаришда, қотиб қолган нарса эса умуман бўлмайди. Доимий ўзгариш ва ҳаракатни Гераклит қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши сифатида тушунади. Бу тезис асосида зардуштийлик динидаги Ахура Мазда билан Ангра-Манъю, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги доимий кураш ётади. Гераклитнинг фикрича, қуёш ҳаракатини Дике, зардуштийликда эса Митра назорат қилиб туради. Дикенинг яна бир вазифаси ёлғоннинг жазосини бериш. Зардушт олти абстракт, ахлоқий тушунчаларни ҳам илоҳийлаштириб "Мангу авлиёлар" номини берган эди. Милет файласуф олимларида космик адолат тушунчаси бўлиб, Гераклитда у Дике билан боғлиқ, Дике эса

зардуштийликдаги Аша-Ваҳишта, адолат, ҳаққонийлик ҳақидаги таълимот билан боғлиқ эканлиги аниқ.

Гераклит ҳам Зардушт каби абстракт тушунчани илохийлаштиради. Унинг фикрича, донишмандлик-илоҳият, лекин уни Зевс деб атаб бўлмайди. “Донишмандлик ҳамма учун ягона, у дунёда жорий этилган тартибни сақлаб туришни билади. Донишмандлик инсонлар фаолиятини доим кечаю кундуз кузатиб боради”. Илоҳият инсонлар қилмишини назорат остида тутиши греклар учун янгилик бўлиб, зардуштийликнинг Ахура Маздаси ва Амэша-Сиэнтаси фаолиятининг айнан ўзи эди. Яхшилик, ҳаққонийлик, диёнатлилик каби хусусиятларга эга инсонлар руҳи, Гераклит таълимотида айтилишича, ўлгандан сўнг осмонга чиқиб, қуёш ва юлдузларнинг мусаффо фазосида мангу бўладилар, нафсга берилганлар ой атрофида бўлиб, ёғин-сочин, совуқлик улардан тарқалади. Энг олийжаноб қаҳрамон, ботир одамлар руҳи энг юқори осмону фалакка кўтариладилар.

Инсонларнинг вафотидан кейинги тақдирини Греклит томонидан юқорида келтирилганидек талқин қилиш грек дини, дунёқараши учун мутлоқ янгилик эди. Чунки уларнинг тасаввурида ҳамма ўликлар Тартарга ўликлар дунёси маъбуди Аид ўлкасига боради. Гераклит инсонларнинг ўлганидан кейинги тақдири ҳақидаги назариясини зардуштийлик таъсири остида ишлаб чиққан. Бунинг яна бир исботи: зардуштийлик дини ер муқаддас, ўлган ҳар бир нарса ҳаром, муқаддас ерни ифлослантирмаслик учун уни ерга қўмиб бўлмайди, ўликлар суяги гўштидан ажратилиб остодонга солиб ерга кўмилган. Гераклт: жон чиқиш вақтида тана бузилади, ҳаромлашади, шунинг учун уни на ерга кўмиб, на оловда куйдириб бўлади, уни ҳайвон ва қушлар еб кетиши керак дейди.

Милет, тарихининг мил.ав. VII-VI асрлардаги иқтисодий-ижтимоий ҳолати ўзидан юқори бўлган маданият таъсирини қабул қилиш даражасига кўтарилади ва Шарқ таъсири эса потенциал кучлар тараққиётига туртки бўлди. Натижада Милетда шаклланиб ривож этган ибтидоий материалистик илмий-фалсафий таълимот ташкил топди. Тўғри, Шарқнинг таъсири узоқ давом

этмади, мил. ав. V асрда рўй берган Юнон-Эрон урушлари бунга чек қўйди. Лекин Милет мактаби бундан кейинги грек тафаккури ривожига, айниқса, Демокрит, Платон, Аристотель, Диоген, Эпикур каби файласуфлар таълимотига катта таъсир этди ва юнон табиий фанлар ривожини аниқлаб берди. Шу маънода айтишимиз мумкинки, агар қадимги юнон фани, фалсафаси кейинги давр Шарқ ва Европа илм-фани ва фалсафасига асос бўлган бўлса, демак, бунда зардуштийлик таълимотининг хизматини инкор этиб бўлмайди.

“Греция мўжизаси” номи билан тарихга кирган классик даврда,мил. ав. V-IV асрларда қадимги юнон цивилизацияси ва маданияти яшнаб, энг юқори чўққига чиқади. Бу даврда юнонлар эронликлар устидан ғалабага эришгач, иқтисодиёт, савдо кенг ривожланади. Афина Ўрта Ер денгизида энг катта савдо марказига айланади. Афина Миср, Карфаген, Крит, Сурия, Финикияликлар билан савдо алоқаларини олиб боради.

Шу даврларда тафаккур даҳолари Суқрот, Демокрит, Платон, Диоген, Аристотель, Геродот, Гиппократ каби буюк алломалар яшаб, ижод қилганлар.

Тарихда биринчи марта Суқрот томонидан инсонни фалсафий англаш масаласи қўйилди. Платон фалсафани тугалланган дунёқараш, сиёсий ва мантиқий, этник система сифатида яратди; Аристотель эса фалсафага ҳақиқий мавжудликни тадқиқот-назарий ўрганувчи фан сифатида қаради. Бу 3 нафар машҳур юнон мутафаккирларининг ҳар бири ўша вақтдан буён ўзича алоҳида ва турли шаклларда жаҳон фалсафасининг ривожланишига таъсир кўрсатиб келади.

Суқрот (мил.ав.470-399) нинг фалсафий таълимоти тўғрисидаги маълумотларни унга замондош ва шогирд бўлган Ксенофонт, Платон, кейинроқ Аристотеллар ёзиб қолдирган. Суқрот фақирона кун кечириб, доимо эски либосларда, оёқ яланг юрган. Унинг турмуш тарзи, сўзлари ва суҳбатлари одамларда катта қизиқиш уйғотарди. Файласуф кўп вақтини одам гавжум майдонларда, хиёбонларда ўтказган. Ўзининг суҳбатидан баҳраманд бўлиш ниятида юрган исталган киши билан савол-жавоб қилган. Ушбу мулоқотларнинг услуби ва характери Платоннинг диалог суҳбатлар тарзида

ёзилган асарларида ўз ифодасини топган. Суқрот ўз фалсафий тадқиқотларига ахлоқий масалаларни асос қилиб олган. Шогирди Платон кўп асарларида ёзишича, Суқрот адолатли, фаравон жамият қуриш учун қандай қонунлар зарурлигини, одамлар фақат моддий неъматлар билан баданини парвариш қилавермай, маънавий неъматлар (илм-фанлар, фазилатлар) билан ўз руҳини тарбиялаб, парваришлаб ўстириш зарурлигини таъкидлайди. Суқротнинг яна бир шогирди Афиналик Ксенофонт (“Киропедия”, “Уй-рўзғор қуриш”, “Суқрот ҳақида хотира”) муаллифи, Эрон шаҳаншоҳи Кир III ҳузурида хизмат қилган, ёлланма ўн минг грек қўшини бошлиғи эди) Суқротнинг жуда кўп ёшларга турли касб-ҳунарларни пухта ўрганиш йўл-йўриқларини кўрсатган. Платон ва Ксенофонтларнинг ёзишларича, Суқротнинг мислсиз шон-шуҳратини кўролмаган ҳасадгўйлар уни юнон маъбудларини инкор этишда айблаб, судга берганлар. Суд буюк донишмандни ўлимга ҳукм этган.

Суқрот таълимотига кўра, фалсафанинг мақсади ўз-ўзини билиш бўлиб, бу эса чин эзгуликка эришиш йўлидир; эзгулик — билим ёки доноликдир. Суқрот инсонда ўрта миёналик, мўътадиллик (*яъни, эҳтиросларни жиловлай билиш*)ни, довюраклик (*яъни, хавф-хатарни енга билиш*)ни, адолат (*яъни, илоҳий ва инсоний қонун-қоидаларга риоя эта билиш*)ни энг асосий эзгулик ва яхшилик белгиси деб биларди. Замондошлари ва шогирдларининг гувоҳлик беришича, Суқрот ўзининг чуқур диалектик фикрлаши, яъни мавжудот фаолиятга оид номукаммал тушунчалардаги зиддиятларни очиш орқали ўша нарсаларни билиш сари етаклай олиш санъати, индуктив таълимотдан фойдаланиш маҳорати билан инсоният маданиятига кучли таъсир кўрсатган.

Суқрот таълим-тарбия амалиётидаги ҳар қандай ақидапарастликни қаттиқ қоралаган. Таълимнинг маъруза ўқиш шаклидан воз кечиб, диалектик **суҳбат ва бахс-мунозарорқали ҳақиқатни излаб топиш**ни асосий услубга айлантирди. У барча мавжуд нуқтаи назарларнинг ҳеч бирига қўшилмай, уларни танқидий асосда муҳокама қилишга интилган. Педагогикада мажбурлашдан, зўравонликдан воз кечиш тарафдори бўлган. Унингча, билим беришнинг ягона воситаси - ишонтиришдир.

Сукрот номи кейинги даврлар учун донишмандлик тимсоли бўлиб қолган. Қуйида унинг доно фикрларидан номуналарни берамиз.

Гўзаллик -бу қисқа муддатли ҳокимлик қиладиган қироличадир.

***

Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир, негаки бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради.

***

Ҳузур - ҳаловатнинг қули бўлиб қолган одам танасини ҳам, руҳиятини ҳам, мажруҳ қилади.

Платон (мил. ав. 427-347) мил. ав. 384 йилда Афинада "Академия" номи билан файласуфлар мактабини очган. Бинонинг кираверишига "Геометрияни билмаганлар бу ерга кирмасин" деб ёзиб қўйилган. Платон геометрия фанининг отаси ҳисобланади.

Академияда фақат фалсафа эмас, астрономия, геометрия, география, зоология ва ботаникадан ҳам таълим берилар эди. Бироқ фалсафий таълим марказий ўринда бўлган. Таълим маърузалар, мунозаралар ва суҳбатларга асосланарди. Ҳар куни гимнастика машғулотлари ўтказиларди.

Платон фалсафасининг асосий моҳияти - «ғоя» («*эйдос*»)лар ҳақидаги таълимотида баён этилган. Унинг фикрича, ғоя ҳақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё унинг соясидир. Ҳақиқий ўзгариш ва тараққиёт ғоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг инъикосидир. Ғоялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам била олмайди. Уларни биладиган зотлар жуда кам учрайди, бу зотлар улкан ақл эгалари бўлади. Аксарият кишилар соялар дунёси билан кифояланади. Платон ғоялар дунёсини нарсалар дунёсидан устун қўяди, чунки, ғоялар дунёси идеал нарсалардир. Инсон ғоялар дунёси билан соялар дунёси ўртасидаги зотдир. Унинг руҳи ғоялар дунёсига, жисмоний танаси соялар дунёсига мансубдир.

Платон қарашларида жамият, давлат тўғрисидаги таълимот марказий ўринлардан бирини ташкил қилади. У давлат фуқароларини 3 табақага бўлган:

1 табақа -давлатни бошқариб турадиган донишманд ҳукмдорлар;

2 табақа -давлатни душмандан ҳимоя қиладиган ҳарбийлар;

3 табақа-давлатни ва юқоридаги 2 табақани моддий жиҳатдан таъминлаб

турадиган деҳқонлар ва ҳунармандлар. Платон давлат бошқарув шаклини олий ҳокимият, якка амалга оширадиган монархияга, тор доирадаги чекланган шахслар томонидан амалга оширадиган аристократияга, бутун халқ ҳокимиятни бошқарадиган демократияга ажратади.

Платон 4 асосий фазилатни фарқ қилади: донишмандлик, мардлик, ақл билан иш қилиш ва энг асосийси - бошқа фазилатларга йўл очадиган ва қўшилиб кетадиган фазилат-адолат. Унингча, жамият барча аъзоларининг одил жамиятдаги қонунларга бўйсуниши жамият тараққиётининг асосий гаровидир. **Қаердаки қонунлар ҳоким устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга амал қилса, ўша давлат гуллаб яшнайди.** Агар давлат қонунлар устидан яроқсиз ҳокимиятни ўрнатиб қўядиган бўлса, у ҳолда қонун ҳеч қандай фойда бермайди, аксинча, давлат учун жуда катта зарар келтиради деб таъкидлайди.

Платондан 30га яқин катта ва кичик асар ҳамда хатлари сақланиб қолган. Асарлари диалог шаклида ёзилган. Улардан муҳимлари: “Апология” (*Суқротни ҳимоя қилиш*), “Критон” (*қонунни ҳурмат қилиш ҳақида*), “Лахет” (*мардлик ҳақида*), “Менон” (*нотиқлик санъати моҳияти ҳақида*), “Базм” (*эрос ҳақида*), “Федр” (*эйдослар ҳақидаги таълимот*), “Федон” (*адолат ҳақида*), “Давлат” (адола*т ҳақида*), “Теэтет” (*билим ҳақида*), “Тимей” (*космология*), “Қонунлар”, “Сиёсатдон”, “Филеб” ва бошқалар. Платоннинг асарлари асрлар давомида Ғарбда, Шарқда маълум ва машҳур бўлган, кўп тилларга таржима қилинган, уларга шархлар ёзилган. Абу Наср Форобий “Платон қонунлар моҳияти ҳақида” асарида маданият ва маънавиятга доир кўп масалаларни чуқур шарҳлайди.

Аристотель (мил.ав 384-322) ижоди ўз замонидаги деярли барча билим соҳаларини қамраб олади. У «илк фалсафа»га оид (*«Метафизика»)* асарида Платоннинг ғоялар назариясини танқид қилди. «Платон ғоялари абадий», моддий мавжудодлар ўткинчи деб ёзган эди. Аристотель эса мавжудодлар ва уларнинг ғоялари ажралмасдир, дейди. Даҳрий шўролар заминида бу икки донишманд бири идеалист, бири материалист деб, қарама-қарши қўйилди. Ҳозирги фан идеализм ва материализм ўзаро зид эмас, бир бирини тўлдиради,

дейди.

Аристотель билиш ҳақидаги таълимотида «диалектик» билиш билан «аподиктик» билишни бир-биридан фарқлайди. «Диалектик» билиш — тажриба самараси бўлмиш «фикр»ни, «аподиктик» билиш эса ишончли билимни вужудга келтиради. Аммо Аристотель тажрибани ишончли билимнинг олий даражаси, деб ҳисобламайди, унинг фикрича, билимнинг энг олий қонун-қоидалари бевосита назарий ақл воситасидагина идрок этилади.

Аристотель “Органон” таркибига кирувчи 8 фан: “Риторика”, “Поэтика”, “Герменевтика”, “Биринчи Аналитика”, “Иккинчи Аналитика”, “Софистика”, “Топика”, “Мантиқ” илмларининг асосчисидир. Аристотель «Аналитика» деб номлаган мантиқий исботланган мазкур фан тафаккурнинг тушунча, муҳокама, хулоса каби асосий шаклларидан, айният, қарама-қаршилик ва учинчиси истисно қонунларидан, фикрни исботлаш ёхуд рад этиш услубларидан, вақт, макон, сифат, миқдор, ҳаракат каби бир қанча категориялардан иборат. Мантиқ «илк фалсафа» («метафизика») билан биргаликда фан соҳаларининг фалсафий тасниф тизимини ташкил этади.

Аристотель жаҳонда илм тарихида илк бор ахлоқ фани - этикага асос солди. Аристотель ақл-заковатдан кўра кўнгилдаги неъматларни-виждон, бурч, бағрикенглик, камтаринлик, меҳнатсеварлик хислатларни барча неъматлардан устун қўяди, эзгулик, роҳат ва лаззат манбаи, деб билади. Амалий фаолият эса ҳамиша ҳам ақл ҳукмига бўйсунавермайди, бинобарин кундалик ишларда ҳам ақл, ҳам ҳаётий тажриба, фазилатларни ишга солиб, ўрта йўлни танлаган маъқул.

Аристотел ижтимоий қарашларида «инсон - ижтимоий маҳлуқдир» деган ғояга асосланади, яъни оила, жамият, давлат - инсон ҳаёти ва фаолиятининг асосий соҳаларидир, буларсиз у яшай олмайди. Аристотель оилавий ва ижтимоий тарбияни давлат тузумини мустаҳкамлаш воситаси деб билади. Аристотель давлат масаласида ҳар қандай арбоб қулай сиёсий шарт–шароит вужудга келишини кутиб ўтирмай, мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, яхши конституция асосида кишиларни бошқара билиши, биринчи галда ёш

авлоднинг жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбияси ҳақида қайғуриши лозим, деб ҳисоблайди.

Аристотелнинг тарбия назарияси замирида ахлоқий ва руҳий камолот ётади: тарбиядан мақсад - руҳнинг олий жиҳатлари бўлмиш ақл-заковат ва фазилатларни эгаллашдир. Тарбиянинг ўзаро чамбарчас боғлиқ уч жиҳати - жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия - руҳнинг уч турига мувофиқ келади, яъни камолотга эришишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари - табиий қобилият, кўникма ва ақл-идрокдан иборат, тарбия иши айни шу кучларга асосланиши зарур.

Аристотелдан жуда бой фалсафий мерос қолган. Улар орасида энг машҳурлари: «Полития», «Ғоялар ҳақида», «Фаровонлик ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Категориялар», «Физика», «Метафизика», «Жон ҳақида», «Никомах ахлоқи», «Евдем ахлоқи», «Ахлоқи кабир», «Сиёсат», «Экономика», «Этика», «Поэтика», «Риторика» ва бошқалар.

Аристотел - барча замонлар олимлари Устози аввал деб билган буюк аллома. Унинг қомусий асарлари Шарқ мутафаккирлари ижодида ҳам чуқур из қолдирган. VII-VIII асрлардан бошлаб, айниқса Хорун ар-Рашид ва Маъмун ибн Хорун ар-Рашид даврида Араб халифалиги ҳудудида Аристотель асарлари таржима этилиб ўрганилган, уларга юзлаб изоҳ ва шарҳлар битилди. Бу соҳада Ўрта Осиёнинг улуғ олимлари фаоллик кўрсатган. Абу Наср Форобий Аристотелнинг «Метафизика», «Жон ҳақида», «Этика», «Категориялар», «Топика», «Аналитика» ва бошқа асарларига илмий шархлар ёзиб, «Шарқ Арастуси» деган унвонга сазовор бўлди. Абу Али ибн Сино ўз устозларининг илғор ғояларини янада ривожлантириб, Аристотел ва Абу Наср Форобийдан кейин «Учинчи муаллим» деб аталди. Абу Али ибн Сино билан Абу Райҳон Беруний ўртасида Аристотелнинг «Осмон ҳақида» ва «Физика» асарлари тўғрисидаги мунозараси ватанимизда Аристотель меросига қизиқиш кучли бўлганидан далолат беради.

Гиппократ (мил.ав. 460-377) илмий тиббиёт асосчиларидан бири. Гиппократ Юнонистонда машҳур бўлган шифокор гиппократлар сулоласининг

ўн саккизинчи авлоди. Гиппократ тиббиётга оид маълумотни Гераклитдан олган. Унга қарашли 75 га яқин асар бўлиб, улар "Мажмуайи Букротия"*("Буқрот тўплами")* номи билан машҳур бўлган. Бу асарларнинг кўпчилигини Гиппократ вафотидан кейин ўғиллари ва шогирдлари ёзишган. Унинг асарлари ичида энг машҳури "Китоб ал-Фусул" ("*Афоризмлар*") китоби бўлган. Гиппократ асарлари Ғарб ва Шарқ шифокорлари қўлида мўътабар қўлланма бўлиб келди.

Гиппократ тиббиётни коҳинлар таъсиридан қутқарди ва унинг мустақил ривожланиш йўлларини таърифлади, Ташқи муҳит омилларини (*иқлим, тупроқ, сув, кишиларнинг ҳаёт йўсини, мамлакат қонунлари ва бошқа*) одамнинг жисмоний ва руҳий хусусиятларининг шаклланишига таъсири жиҳатдан ажратди. Гиппократ тиббиёт географиясига асос солди. Касаллик этиологияси (*касаллик сабаби*) ва уни аниқлаш (*диагностика*) масалаларини, даволаш тизимини ишлаб чиқди. Шифокор хулқ-атворининг қисқача таърифи билан қасамёд *("Гиппократ қасамёди")* матнини ёзган. Гиппократни тиббиётнинг отаси деб атайдилар.

Демокрит (мил. ав. 460-370) атомистик назария асосчиларидан бири. Фалсафа, мантиқ, физика, математика, техника, ахлоқ, мусиқа каби соҳаларда асарлар ёзган. Демокрит таълимотига кўра, табиат объектив равишда мавжуд. Табиатдаги барча нарса ва ҳодисалар бўлинмас зарралар-атомлардан ташкил топган.

Атомлар энг майда, бўлинмас ва ўзгармас, боқий, моддий зарралар бўлиб, фазода доимо ҳар томонга ҳаракат қилади. Зарраларнинг ҳар хил қўшилувидан турли нарсалар вужудга келган. Ҳатто одамнинг жони ҳам энг нозик ҳаракатчан атомлардан ташкил топган. Атомлар ҳажми, шакли, тартиби ва ҳолати билан бир-биридан фарқ қилади; сифат жиҳатдан эса бир хил, яъни ранг, ҳид, маза каби сифатлар атомга тегишли бўлмай, балки субъект сезги органлари маҳсулидир.

Атомлар билан бир қаторда вакуум- бўшлиқ мавжуд. Атомлар ҳаракати тасодифий бўлмай, муайян қонуниятларга бўйсунган ҳолда содир бўлади.

Ҳаракатни материядан ажратиш мумкин эмас. Атомлар ҳаракатининг вақт нуқтаи назаридан боши йўқ, у абадий. Демокрит олам чексиз ва абадий, дунёлар вужудга келиб, йўқ бўлиб туради, жон ҳам моддий ва тана билан бирга ўлади деган фикрларни илгари сурди.

Билиш назариясида Демокрит моддий оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлади, билиш жараёнида сезги ва тафаккур аҳамиятини кўрсатди. Унингча, сезгиларимиз (*кўриш, эшитиш, маза билиш)* орқали олинган билим «қоронғи», у оламнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Ақл орқали олинган билим «ёруғ», ҳақиқий билимдир. Демокрит илгари сурган ғоялар узоқ йиллар давомида фан ривожига таъсир кўрсатди.

Геродот (мил. ав.490-425) тарих фанининг отаси. Мил. ав. 455-447 йилларда бутун Кичик Осиё, Миср, Бобил, Финикия, Кирена, Юнонистоннинг Болқондаги шаҳарлари, Қора денгиз соҳиллари бўйлаб саёҳат қилиб, скифлар ҳақида маълумот тўплаган.

Геродот яратган “Тарих”александриялик олимлар томонидан тўққиз китобга тақсимланади ва ҳар бирига музалар номи (Клио, Евтерпа, Талия, Мель помени, Терисихора, Эрато, Полигимния, Урания ва Каллиопа) сарлавҳа сифатида қўйилади. Ҳар бир китоб ўз навбатида юзлаб боблардан иборат. “Тарих”да Европа ва Осиё, Юнонистон ва Эрон ўртасидаги урушлар воқеаси ёритилган.

Геродот асари жаҳон бадиий адабиёти хазинасининг ажойиб намуналаридан бири. Унда география, этнография ва тарихдан энг қадим даврларга оид, турли халқлар ва элатлар, ҳудудларга оид жуда қизиқ маълумотлар бор. Лекин парадокс шундаки, “Тарих” асарини бизнинг тушунчамиздаги тарихий асар деб бўлмайди. Қадим грек тарихи, жумладан Герадот асари ҳам ҳозирги тарихий асарлардан мутлақо фарқ этади. Унда ҳақиқатни тасвирлаш, унинг сабабларини очиш ва илмий умумлаштиришларга эмас, балки асарнинг бадиийлигига аҳамият берилган.

Геродот “Тарих”ининг асосий ғоясини юнон дунёсининг шарқ дунёси билан кураши ташкил қилади. Геродот Мидия, Аҳамонийлар давлати тарихи,

табиий шароити ва мураккаб ҳаёти, аҳолисининг ўтмиши, дини, ўзига хос урф – одатлари ҳамда маданий ёдгорликларини усталик билан баён этиб, тарихий воқеаларни кенг таҳлил қилган.

Антик адабиётда биринчи бўлиб скифларнинг ҳаёти ва турмуш тарзлари Геродот асарида тадрижий суратда баён этилган. Хусусан, у Ўрта Осиёда яшаган массагетлар ҳақида батафсил маълумотлар келтириб, массагетлар маликаси Тўмариснинг ахмонийлар подшоси Кир II билан бўлган жангини юксак маҳорат билан баён қилган.

Қадимги Юнон маданиятидаги театр соҳасида трагедия, комедия жанрларининг пайдо бўлиши ва равнақи муҳим воқеа ҳисобланади. Юнон театри қишлоқ хўжалиги, узумчилик ҳомийси бўлган Дионис шарафига ўтказиладиган байрамлар вақтида ижро этиладиган халқ қўшиқлари ва ўйинлари асосида вужудга келган.

Эсхил (мил. ав. 525-456) **—** драматург, “трагедиянинг отаси”. Унинг 80 дан ортиқ драмасидан «Эронийлар» (472), «Фивага қарши еттовлон» (467), «Орестея» (458), «Илтижогўйлар» ҳамда «Занжирбанд Прометей» трагедиялари бизгача етиб келган.

Эсхил Афина демократияси авж олган даврда яшаган ва бу шароит унинг ижодига ҳам таъсир этган. Трагедияга икки актёрни киритиб, уни чинакам драматик жанрга айлантирган ва диалог конфликтининг юзага келишига имкон яратган. Эсхил трагедиялари монументал, композицияси мутаносиб; уларда хор етакчи ўринда, персонажлар тавсифномаси зиддиятлардан ҳоли ва қатьий мақсадга қаратилган.

Эсхил трагедияларида инсонпарварлик, ватанпарварлик каби ижтимоий ва ахлоқий муаммолар кўтариб чиқилган. Прометей ҳақидаги трилогиясидан фақат «Занжирбанд Прометей» трагедияси сақланиб қолган. Прометей тимсолида зулмга қарши, адолат учун курашувчи буюк инсон характери ёратилган. Эсхилнинг “Занжирбанд Прометей” трагедияси шоир Асқар Қосим таржимасида ўзбекчада нашр этилган.

Софокл (мил. ав. 496-406) **—** драматург, шоир, сиёсий ва ҳарбий арбоб.

Софокл антик давр трагедиялари учун устувор аҳамиятга эга бўлган шахснинг маънавий шаклланиши муаммосини ечишда дунёнинг парвардигор томонидан идора этилишини назардан қочирмаган. Унинг “Трахийалик аёллар” трагедиясидан бошқа барча асарлари олийжаноб кишиларнинг номлари билан аталган. Антик манбаларга кўра, 123 та драма ёзган. “Аякс”, “Антигона”, “Шоҳ Эдип”, “Электра”, “Филоктет”, “Эдип Колонда” ва бошқалар.

Бу асарларнинг қаҳрамонлари мураккаб вазиятда дўқ ва пўписаларга ёхуд мурасасозликка даъват этувчи кенгаш ва маслаҳатларга қарамай, ўз мақсадлари сари интиладилар. Антигона “норасмий қонун”га итоат этиб, давлат қонунини бузади ва қонун жиноятчи кўмилмасин деган ҳукмига қарамай, акасини дафн этади. Электра қатл этилган отасининг ўчини олиш учун акаси Орестага ёрдамлашиб, қотил онани ўлдиришда қатнашади. Эдип тақдири азалдан қанчалик қочишга уринмасин, отасининг қотили ва онасининг эри бўлиб чиқади. Бу айби учун шоҳ Эдип ўзини жазолайди.

Ана шу тарзда Софокл трагедияларининг қаҳрамонлари, ўз истакларига қарши ўлароқ, тақдири азалнинг қурбони сифатида гавдаланадилар. Софокл воқеанинг табиий оқимини акс эттирар экан, тасвирга илоҳий кучларни жалб этмайди, томошабин унинг асарларида камдан-кам ҳолларда фолбин, башоратчиларга дуч келади. Софокл Эсхилдан фарқли ўлароқ, трагедиянинг трилогия кўринишларидан воз кечиб, ҳар бир асарида сюжетнинг мустақиллигига эришади. Унинг иккинчи янгилиги уч актёр иштирокидаги саҳналардан самарали фойдаланишидир.

Софокл жаҳон адабиёти тарихидан бир неча монументал образларни яратган ижодкор ва жиддий драматик композициялар устаси сифатида ўрин эгаллаган. Софокл асарлари театр санъати юксак тараққиёт даражасига кўтарилган ҳозирги даврда ҳам ўз қимматини йўқотмай, жаҳон драматургиясининг шоҳ намуналари бўлиб қолмоқда. Софоклнинг “Шоҳ Эдип” (1969), “Антигона” асарлари ҳозирги ўзбек миллий театрда (1971), “Электра” трагедияси эса Аброр Ҳидоятов номидаги театрда саҳналаштирилган.

Аристофан (мил. ав. 445-385) — юнон шоири, «комедия отаси».

Аристофан назари даврнинг долзарб муаммоларига қаратилган бўлиб, ижодида ёрқин намоён бўлади ва ўша давр деҳқонлар оммаси манфаатларини ифодалайди. У шаҳар аҳолиси паст табақасини ўзига ром этган радикаллар ақидасига («Чавандозлар»), софистларнинг индивидуал фалсафасига («Булут») ишончсизлик билан қаради. У ҳар иккаласида ҳам Афина демократиясининг инқирози аломатларини кўра олди. Аристофан комедияларида муҳим воқеаларга муносабат, ҳарбий сиёсатга қарши кайфият яққол сезилади («*Лисистрата*»), ҳаётий шахсларни камситиш *(«Булут»да — Суқротни*), фантастик вазиятлар («*Ахариянлар», «Қушлар*») ҳам Аристофан ижодига мавзу бўлган.

Архитектура ва шаҳар қурилиши бўйича милетлик **Гипподам** томонидан шаҳарларнинг режалаштириш концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра шаҳар жамоа маркази, яшаш учун уй-жой ҳамда ишлаб чиқариш ва порт зоналаридан иборат бўлиши керак эди. Монументал қурилишнинг асосий тури ибодатхоналар бўлган. Архитекторлар-**Гектин** ва **Каликрат**лар томонидан қурилган Афина Акрополи жаҳон архитектурасининг ноёб намуналаридан бири ҳисобланиб, унда 46 та устун ва ҳайкаллар бўлган.

Мил. ав. VII-VI асрларда юнон меъморлари санъат дурдонаси бўлган бир қанча ибодатхоналар бунёд этишган. Шулар ичида энг салобатлиси ва муҳташами, Эфес шаҳрида маъбуда **Артемида** учун бунёд этилган ибодатхона эди.Меъмор **Херсифрон** эфесликларга кўш устунли улкан ибодатхона қуришни таклиф қилади. Лекин қандай қурилиш материалларидан фойдаланиш керак, деган масала кўндаланг бўлиб турганида, баногоҳ шаҳар яқинидан оқ мармар кони топилиб қолади.Нақл қилишларича, қурилиш 120 йил давом этган экан. Ибодатхона бежамдор устунлар, маъбудларнинг тасвири, одам бўйи бараваридаги бўртма нақшлар, соф олтиндан ишланган сигир ҳайкали билан безатилган.

Мармардан яратилган бу санъат кошонасини дунёнинг етти иқлимидан келиб томоша қилувчиларнинг кети узилмайди. Бироқ, савлат тўкиб турган бу ибодатхонанинг кули кўкка совурилади. Бу мудҳиш воқеа мил. ав. 356 йилда

рўй беради. Яъни, эфеслик Герострат деган бир кимса тарихда номим қолсин деб юз йил мобайнида оламни ҳайратда қолдирган бу мўъжизага ўт қўяди.Ибодатхона ёнғиндан қаттиқ зарар кўрган бўлишига қарамай, эфесликлар уни қайта тиклашга аҳд қилиб, бор-йўқ бойликларини муқаддас ибодатхонани тиклашга инъом этишади.

Мил. ав. 333 йилда Осиёга юриш бошлаган Искандар Зулқарнайн қўшинлари Эфесга яқинлашиб қолганида шаҳарликлар ибодатхонани тиклаш билан банд эдилар. Аҳоли жаҳонгирни шоду–ҳуррамлик билан кутиб олади. Бундан ниҳоятда хурсанд бўлган Искандар ибодатхона қурилиши билан боғлиқ барча ҳаражатларни ўз зиммасига олишни ваъда қилади. Бироқ ибодатхона македониялик шоҳнинг мададисиз қайта қурилади. Кейинги қиёфасида у янада улуғвор, янада салобатли кўринарди. Зотан, эндиликда ибодатхона жуда катта майдонни (*бўйи 110, эни 55 метр*) эгалларди, зинапоялари ҳам олдингига нисбатан кўпроқ эди.Бу зиёратгоҳ кошона қуриб битказилгач, ўз замонасининг машҳур рассомлари-ю-ҳайкалтарошлари Праксител ва Скопаслар раҳбарлигида ишланган 127 та устунлар ажойиб ҳайкаллар ва расмлар билан безатилган.

Олимпия ўйинларининг бошланганига 300 йил бўлганига қарамай, ўша вақтларда Юнонистонда Зевсга бағишланган бирорта ибодатхона ёки ҳайкал бўлмаган. Мил. ав. 470 йилда Зевсга бағишланган ибодатхона ва қадимги дунёнинг етти мўъжизасидан бири, деб ном олган унинг маҳобатли ҳайкали яратилган. Маълумотларга кўра, обида мармардан қурилган. Пастки қисми чиғаноқтошдан ясалган, баландлиги 10,5 метр, диаметри 2 метрдан ошадиган 34 та улкан устунлар уни ўраб турган. Ибодатхона саҳнининг ўлчами 64х27 метр, асосидан тепасигача баландлиги 20 метрдан ошган. Бинонинг ташқи деворларига Гераклнинг 12 ғалабаси ўйиб акс эттирилган тоштахталар ўрнатилган. Баландлиги 10 метрдан ошган бронза эшиклар очилиши билан ибодатхонанинг ичкарисидаги бор гўзаллик намоён бўлган.

Ибодатхона қурилиши тутгандан сўнг олимпликлар шаҳарда Зевснинг ҳайкалини бунёд этишга қарор қилишган. Иншоотни бунёд этиш учун Афинадан ўша вақтлардаги энг машҳур ҳайкалтарош Фидий таклиф этилган.

Фидий Зевснинг улкан тахтда ўтирган ёғоч ҳайкалини яратган. Зевснинг танасини ясаш учун ишлатилган фил суяги, қимматбаҳо тошлар, шу жумладан 200 килограмм соф олтин сарфланган. Олтин асосан, Зевс танасининг бир қисмини ёпиб турган ёпқич, унинг чап қўлида ушлаб турган салтанат ҳассаси ва бургут, ўнг қўлидаги ғалаба маъбудаси Никанинг ҳайкали ҳамда маъбуд бошига кийган зайтун новдаларидан қилинган гулчамбарни ясаш учун ишлатилган.

Зевс тахти улкан бўлиб, ўтирадиган жойининг томонлари 6 метр, ўриндиқ сифатида ишлатилган тош-тахтанинг қалинлиги 1 метр бўлган. Маъбуднинг оёқлари иккита шер кўтариб турган тагликда турган. Тахтда ўтирган Зевс ҳайкалининг умумий баландлиги 17 метр бўлган. Маъбуд кўзларининг катталиги одам муштидан йирикроқлиги мазкур иншоотнинг нақадар улкан бўлганидан далолат беради. Олимпда яратилган Зевс ҳайкали қадимги дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган.

Пракситель қуйи классика даври намоёндасидир. Унинг асарлари асосан мармардан ишланган. Пракситель даврнинг бадиий талабларига жавоб берадиган янги, ўта нозик гўзаллик намуналарини яратди. У Юнон ҳайкалтарошлигида биринчи бўлиб яланғоч аёл образи “Афродита” ҳайкалини яратган. Асарлари нисбатлар жиҳатидан келишган ва уйғун; мармарни маҳорат билан йўниб, тасвирни ҳис қила олган ва унинг майин шаклига эришган. Пракситель шаклларига нафис ҳолат ва енгиллик бера оладиган ташқи таянч нуқталарини топа олган: Булар “Мусаллас қуяётган сатир”, “Эрот”, “Аполлон Сауроктон” ҳайкалларида ёркин намоён бўлган.

Галикарнас-қадимда Кичик Осиё соҳилида жойлашган юнон шаҳарларидан бири бўлиб, ўз замонасида ниҳоятда гўзаллиги билан машҳур бўлган. Оқ мармардан ишланган муҳташам қасрлар, театрлар, шоҳ саройи, боғлар, кенг кўчалар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турган. Галикарнас довруғини оламга машҳур қилган шоҳ Мавсол мақбарасини[1] қурган кишилар уни оламнинг етти мўъжизасидан бири деб кўкларга кўтаришган.

[1]Мавсол номидан кейинчалик мавзолей сўзи келиб чиққан.

Меъморлар тўғри тўртбурчакли, кенглиги 66 метр, узунлиги 77 метрга яқин, баландлиги 46 метрли уч бўлинмадан иборат ажойиб мақбара яратишди. Биринчи бўлинма оқ мармардан баланд қилиб ишланган зинали тагкурси бўлиб, унда Мавсол ва Артемисиянинг мақбараси жойлашди. Юқори қисми бинонинг тўрт томонини ўраб турувчи, мармардан ишланган бўртма шакллар билан безатилди. Бино юқорисидаги иккинчи бўлинманинг атрофи қатор устунли саҳн бўлиб, бу ер илоҳий шоҳ ва унинг рафиқаси шарафига қурбонлик қилиш учун мўлжалланган. Устунлар сербезак пирамонлар билан ясатилган. Бинонинг энг тепасига мармардан ишланган ҳайкал-тўрт от қўшилган икки ғилдиракли арава ўрнатилган.

Бинонинг қуйи қисми атрофига шерлар ҳамда отларини елдириб бораётган суворийларнинг ҳайкаллари ўрнатилди. Мақбарадаги қуйи ва юқори хоналарнинг шифтларини ички томондан ўн бешта устун кўтариб турган.

Мақбарада шоҳ Мавсол ва малика Артемисия ҳайкали ёнма-ён турган. Чунки, Артемисия умр йўлдоши хотирасини абадул-абад ёд этувчи вафодор бева сифатида ўзини ҳам абадийлаштирган. Машҳур ҳайкалтарош **Скопас** ўз замонасидаги ҳайкалтарошлик анъаналарига хилоф равишда, тошдаги кўр кўзларни кўра оладиган қилиб, маликанинг кўз боқишида айрилиқ дарди, изтироб, қаҳр ва андуҳни ифода эта олган. Ғарб варварлари – салибчилар ушбу бинода ишлатилган материалларни бузиб олиб, ўзларининг сарой қурилишига ишлатишган.

Эллинизм даври маданияти. Македония, Юнонистон, Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳиллари, Ғарбий Осиё, Қора денгиз атрофидаги мамлакатлар тарихининг Александр Македонский истилосидан (мил. ав. 333-323) то милоднинг 30 йилида Миср Рим қўшинлари томонидан ишғол этилган пайтгача ўтган даврни эллинизм даври дейилади. “Эллинизм” атамаси илмда дастлаб немис олими И.Г.Дройзеннинг 1836-1843 йилларда чоп этилган 3 жилдли “Эллинизм тарихи” асарида қўлланилган ва ушбу атама орқали эллада халқларининг Шарқ мамлакатларидаги ҳукмронлиги ва улар маданиятининг

Шарқ халқлари маданияти билан уйғунлашиб ҳосил қилинган янги маданият тушунилади.

Эллинизм даврида турли халқларнинг маданият даражалари ҳар хил бўлган бўлса-да, ўзига хос ривожланиш юз берган эди. Эллинистик мамлакатларда табиий фанлар (*жумладан, математика*), кемасозлик, ҳарбий санъат ва шаҳарсозлик ривож топди. Денгиз соҳилларида кўпгина маёқлар қурилди, савдо йўллари барпо этилди, савдо кемалари кўпроқ юк кўтарадиган ва тезроқ сузадиган даражасига етдилар.

Тараққиёт асосан илм-фан борасида бўлиб, аввало, юнонларнинг илк бор Шарқ маданияти билан яқиндан танишишлари уларнинг онгини яна ҳам кенгайтириб, фаннинг ривожига кучли таъсир кўрсатди. Шу даврда ижод қилган олимлардан Эвклид, Архимед-математикани; Аристарх, Гиппарх-астрономияни, Страбон, Эратосфен -географияни юксак даражага кўтариб, жаҳон илмининг келгуси тараққиётига йўл очдилар.

Олимлар, шоирлар ва санъат аҳлининг ишлари учун қулай шароит туғдириш мақсадида Мисрнинг дастлабки Птоломей ҳоқонлари Искандария шаҳрида ҳозирги фанлар академиясига ўхшаш муассаса — “музей”, яъни музалар кошонаси очдилар. Юнонистоннинг турли ерларидан чақирилган олимлар музей дарсхоналарида маърузалар ўқийдилар, лабораторияларда ҳар хил тажриба ишлари ўтказадилар. Музей қошида махсус кутубхона бўлган. Мил. ав. III асрнинг ўрталарида музей қироатхоналарида ярим миллионга яқин папирус ўрамлари сақланган.

Астрономия, тиббиёт ва география соҳаларида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Архитектура соҳасида кўплаб ҳашаматли саройлар, кутубхоналар, гимназиялар, уй-жойлар қурилди. Кемаларнинг Искандарияга хавф-хатарсиз кириши учун Фарос оролининг шарқий томонига йўл кўрсатувчи маёқ қуришга қарор қилинган эди. Мил.ав. 285 йилда орол билан қирғоқ ўртасига тупроқ, шағал, тошлар тўкиб бирлаштирилади. Унинг узунлиги 700-800 метрни ташкил қиларди. Маёқни қуриш машҳур меъмор **Сострат Книдский**га топширилди.

Меъмор ўз ишига зўр иштиёқ билан киришиб, мил. ав. 280 йилда баландлиги 120 метр, уч қаватли минорани қуриб битказади. Пастки қавати, томонлари тенг тўғри бурчак шаклга эга бўлиб, ҳар қайси деворининг узунлиги 30,5 метрга тенг эди. Биринчи қават йирик оҳактош плиталардан қурилиб, тўрт томони дунёнинг тўрт тарафига: шимол, шарқ, жануб ва ғарбга қараган. Иккинчи қават эса саккиз қиррали минора бўлиб, чиройли мармар плиталар билан пардозланган. Миноранинг саккиз қирраси асосий шамол эсадиган саккиз томонга қаратилган. Фонарь ўрнатилган учинчи қават юмалоқ шаклда бўлиб, энг устки қавати гумбаз, унинг устида эса денгиз худоси Посейдоннинг бронзадан жуда улкан қилиб ишланган, бўйи 7 метрлик ҳайкали турарди.

Гумбаз қисмида минора машъали ёниб, нури металл ойналарда акс этиши натижасида янада ўткирлашар ва денгизчиларга узоқдан равшан кўриниб турарди. Машъал учун ёқилғи пастки икки қават ичидаги айланма зинапоялардан олиб чиқиларди. Зинапоялар чиқиб-тушиш учун шундай қулай эдики, ёқилғи ҳатто эшакка ортилиб олиб чиқиларди.

Ҳайкалтарошлик соҳасида эллинизм даврида баъзида йирик шакллардаги ҳайкаллар ҳам яратилган. Бронзадан ҳайкал қўйиш санъати мил. ав. IV асрда яшаган ҳайкалтарош **Лисипп** томонидан юксак чўққига кўтарилди. Лисипп бутун Юнонистонга овоза бўлган Зевснинг 20 метрли ҳайкалини яратиши билан катта шуҳрат қозонди.

Родосликлар ундан ҳам маҳобатли, Зевс ҳайкалини ўз соясида қолдирадиган улкан Гелиос ҳайкалини яратишдек ниҳоятда масъулиятли ва улуғ ишни энг тажрибали — оролдаги Линд шаҳрининг фуқароси, буюк ҳайкалтарош Лисиппнинг иқтидорли шогирди **Хорес**га топширишган.

Ҳайкалтарош Хорес Гелиосни чиройли кўринишда, нур таратувчи тож кийган ҳолда, баланд мармар таглик устига бир оз орқага мойил турган тарзда, ўнг қўлини пешонасига қўйиб, узоқ-узоқларга тикилган ва ергача тушиб турган ёпинчиқни чап қўли билан ушлаб турган вазиятда тасвирлаган.

Нима учун ўнг қўли пешонага теккизиб қўйилган, деган савол туғилиши мумкин. Агар Гелиос қўлини олдинга чўзиб ёки юқорига кўтариб турганида,

вазият тантанаворлик касб этмасмиди? Гап шундаки, ҳайкалтарош Гелиосга шу вазиятни танлашдан олдин, ҳайкалнинг оғирлигини ҳисобга олган, албатта. Агар қўлини олдинга чўздирганида эди, у ўз оғирлигини кўтара олмай тушиб кетарди. Шунингдек, ёпинчиқ ҳайкалнинг орқа томонидан ерга тегиб туриши, аввало унга салобат бахш этишдан ташқари, энг муҳими, тирговичлик вазифасини ўтаб, ҳайкалнинг мустаҳкам туришини таъминлаган.

Византиялик **Фалон**нинг "Етти мўъжиза ҳақида" деган китобида қимматли маълумотлар берилган. Унда, ҳайкални техникадан хабардор одам яратган, деган фикри жуда муҳимдир. Родос оролидаги ҳайкалга 13 тоннага яқин бронза ва 7-8 тонна темир сарфлангани ёзилган. Қолаверса, ҳайкал сиртидаги бронза тахтанинг қалинлиги 1,5 миллиметрга тенг. Шундай экан, ҳайкал қуйма эмас, балки қоплама бўлганлиги аниқ.

Бронзадан ясалган 36 метрли улкан Колос-Родосский оролидаги **Гелиос** ҳайкали 56 йилгина савлат тўкиб турган, холос. Мил. ав. 220 йили юз берган даҳшатли зилзила Родос оролини вайрон қилди. Бинолар ер билан яксон бўлди. Аммо ҳаммасидан ҳам Колосснинг заволи родосликлар учун чексиз мусибат келтирди. Мил. ав. I аср охирларида яшаган юнон географи **Страбон:** "Зилзиладан қулаган ҳайкал икки тиззасидан синиб, ерда ётибди", — деб ёзган эди.

Қадимги Юнонистон маданияти жаҳон маданиятига катта таъсирини ўтказди ва ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Юнон маданиятисиз ҳозирги Европа маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек Шарқ дунёси ҳам эллинизм маданиятисиз бошқачароқ кўринишига эга бўлган бўларди.

4.2. Антик Рим маданияти

Антик Рим маданияти мил. ав. VIII асрдан мил. 476 йилигача давом этган. Қадимги Рим маданиятининг ўрни ва роли тўғрисида маданиятшунос олимлар ичида икки хил қараш мавжуд: Таниқли маданиятшунослар О.Шпенглер ва А.Тойнбиларнинг фикрича, қадимги римликлар мустақил маданият ва цивилизацияни ярата олмаганлар, улар давлат, ҳуқуқ ва техника соҳаларида

греклар ва мисрликларнинг ютуқларни қўлга киритганлар холос, бошқа соҳаларда римликлар эллинизм даражасига ета олмаганлар.Бошқа олимлар, жумладан Д.А.Силичев, бошқача фикрни илгари суриб, Рим маданияти ва цивилизацияси ҳам ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб туришини ва жаҳон маданиятида ўз ўрни борлигини қайд қилади.

Қадимги Рим маданиятининг шаклланишига антик дунёдаги икки буюк маданият -этрусклар ва юнонлар маданияти анъаналари таъсир кўрсатган Рим ибодатхоналари этруск ибодатхоналари намунаси бўйича қурилди, лотин алифбоси ҳам этрускларнинг алифбоси асосида яратилди. Римга Юнонларнинг таъсири мил. ав. III асрдан, “Илиада” ва “Одиссея”нинг Рим шеъриятига таъсири билан бошланган.

Римликлар кўп соҳаларда эллинларга ўхшар эди. Шу билан бирга улар ўзларининг қадриятлари ва идеал тизимини яратганлар. Булар сирасига айниқса ватанпарварлик, фуқаролик бурчига содиқлик, маъбудларига эътиқод Римда олий қадрият сифатига кўтарилган эди. Римликлар қонунни алоҳида қадрлар, унга бўйсунишни шараф деб билар эдилар. Улар учун ижтимоий манфаат шахсий манфаатдан устун турарди.

Кишиларда қуйидаги мурувватлилик сифатлари улуғланган:

1. Содиқлик - мил. ав.V асрда ибодатхона қурилган бўлиб, унда фуқаролар ўртасидаги муносабат, аскарларнинг ўз бошлиқларига содиқлиги-ёрқин акс эттирилганди;

2. Жасорат - ўз ишини бажаришда ботирлик, ҳар хил алдов ва ваъдаларга берилмаслик, сотилмаслик;

3. Шон-шавкат-жасорат учун тақдирланиш ва улуғланиш;

4. Эркинлик - мил. ав. 238 йили унга атаб ибодатхона қурилган.

Римликлар эркин фуқаро билан қул ўртасидаги зиддиятларни кучайтирганлар. Эркин киши учун сиёсат, уруш, ҳуқуқ қонунларини ишлаб чиқиш, тарихшунослик ва фалсафа, давлатни бошқариш билан шуғулланиш фахрли ҳисобланган. Ҳунармандчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, актёрлик ва драматурглик фахрли касб саналган.

Барча қўл меҳнати қулларга тегишли бўлган. Жумладан, ёлғончилик, лаганбардорлик каби иллатлар ҳам қулларга тааллуқли деб ҳисоблашган. Рим классик қулчилик тузумининг энг юқори чўққисига кўтарилган эди.

Қадимги Римда биринчи бўлиб **Нибур** томонидан қайд қилинган уруғдошлик асосидаги аҳолининг таркибий тузилиши муҳим роль ўйнаган. Римнинг аҳолиси 300 та уруғдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар ўнтаси курияга бирлашар, 10 та курия-трибуни ташкил қиларди. 3 та трибун-бу 3 та қабила *лотин, сабин, этруск*лардан иборат эдилар. Шу трибуларнинг аъзолари тенг ҳуқуқли фуқаролар-патрицийлар эди. Италиянинг бошқа жойларидан Римга кўчиб келган одамлар ва уларнинг аждодларини плебейлар деб аташган. Плебейлар орасида ҳам бой–бадавлат кишилар бўлган, лекин уларнинг орасида камбағаллар кўпчиликни ташкил қилган. Рим аҳолиси ичида қуллар ҳуқуқсиз,“гапирувчи ҳайвон” саналардилар.

Римликлар нисбатан жанговор бўлганлар ва ҳарбий жасорат улар учун олий қадрият ҳисобланган. Жангчиларнинг босқинчилик юришлари туфайли Рим империянинг пойтахтига айланди. Рим ҳуқуқи, ажойиб йўллар, турар - жойлар, жамоат уйлари Римнинг улкан ютуқлари ҳисобланган. Давлат қурилиши соҳасида республика ва империя бошқаруви шаклларини яратиб, ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мил. ав. 27 йили Рим республика номи билан аталса-да, амалда авторитар бошқарувидаги империяга айланади. **Биринчи император**, принципиат (**шу сабабли империяни принципиат деб аталган)** бўлган **Октавиан**га Сенат **Август** унвонини **—** “Муқаддас киши” фахрий номини берган. Октавиан давридан бошлаб бутун Апенин ярим ороли Италия[1] деб атала бошланган. Беш аср давом этган Рим империясида Август даври (мил. ав. 20-14) Рим маданиятининг олтин даври ҳисобланади.

Дин ва мифология. Қадимги римликлар жуда кўп маъбудларга эътиқод қилганлар, турли нарсаларнинг, масалан, булоқ, ўрмон, дарахт, жойларнинг ва экинларнинг илоҳий ҳомийси — маъбудаси мавжуд деб ишонганлар. Бу

[1]Италия — юнонча бузоқлар мамлакати дегани.

маъбуда ва ҳомийлар дастлаб қиёфасиз, кейинчалик этруск ва юнон динлари таъсирида инсон қиёфасида тасвир этилган. Уларга қурбонлик қилиб турилган (*масалан, ҳосилни оширишни сўраб сигир қурбонлик қилинган*).

Ибтидоий динларга эътиқод қилган кишилар чакалакзор, тоғ, майдонларда ибодат қилганлар (*шу ерларда меҳроблар ишланган*). Ибодатхоналар қуриш одати римликларга этрусклардан ўтган. Марс (дастлаб *дала ва ҳосил маъбудаси; кейинчалик - уруш маъбудаси*), Диана (*юнонларда - Артемида; ов маъбудаси*), Венера (*боғ, ҳосилдорлик маъбудаси, кейинчалик -Афродита - муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси*), Фортуна (*омад маъбудаси*), Ферония (*ер маъбудаси*) каби умум-итальян халқларининг маъбудлари деб қаралган. Айрим маъбудларга маълум табақалар, маълум касб эгалари кўпроқ эътиқод билан қараганлар. Масалан, чавандозлар Нептунга, савдогарлар Меркурийга, қуллар Дианага кўпроқ эътиқод қилишган.

Маънавий маданият соҳасида римликлар юнон маданиятининг ворислари ҳисобланадилар. Кўплаб юнон маъбудлари номлари ўзгартирилган. Чунончи, Зевс - Юпитерга, Кронос-Сатурнга, Пасейдон-Нептунга, Гермес Меркурийга, Гефест-Вулканга, Гера — Юнонага, Афродита — Венерага, Артемида — Дианага, Афина-Минервага айланган.

Римликларда оила ҳомийси маъбуд **Веста**га алоҳида эътибор берганлар. Веста ибодатхонаси учун зодагон оилалардан весталкаларни-ёш қизлардан танлаганлар. Улар 30 йил мобайнида ибодатхонада хизмат қилишлари керак бўлган. Весталкаларни жуда хурмат қилишган. Агар весталкага жиноятчи тўғри келиб қолса-ю, весталка илтимос қилса жиноятчининг айби кечирилган. Весталка ўзаро уришаётганлар олдига келса, жанжални дарҳол тўхтатишган. Уларни ўчоқ-оловни сақловчи ҳомийлар деб ҳисоблашган. Весталкалар хизмат даврида бокиралигини сақлай олишмаса, унда уларни тириклайин ерга кўмишган.

Римда фан ва маориф катта муваффақиятларга эришган. Таълим уч босқичдан иборат эди: бошланғич таълим, грамматика ва риторика мактаби. Императорлар риторика мактаби учун катта маблағ ажратганлар. Барча таълим

босқичларида ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилган. Ўрта мактабларда муаллимлар юнон тили ва етти фан: грамматика, диалектика, риторика, мусиқа, арифметика, геометрия, астрономияни ўргатганлар. Булар қаторида архитектура ва тиббиёт ҳам ўқитилган. Бошланғич мактабда ўқиш 7 йилдан 12 йилгача давом этган.

Римда кенг ёйилган олий гуманитар мактаб **ритор** мактаби деб аталган. Ундаги 3 босқичли таълим ушбу тизимнинг юқори чўққиси бўлган. Бошланғич, ўрта ва грамматик мактабдан сўнг. Ритор мактабида чиройли сўзлаш санъати, нотиқлик маҳоратини эгаллаш ўргатилган. Уларда нотиқлик санъатидан ташқари ёш нотиқларнинг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам берадиган турли фанлар, хусусан, риторика, ҳуқуқшунослик, тарих, адабиёт, фалсафа ўқитилишига эътибор қаратилган. Марк Туллий Цицерон ва Марк Фабий Квинтилианларнинг «Нотиқлик санъати бўйича ўгитлар» китоби ритор мактабини бошқаришда фойдаланиладиган асосий қўлланма ҳисобланган. Улар ритор мактабини ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқдилар ва Римда бу мактабларнинг давлат тасарруфига ўтишини таъминладилар.

Римликларда қуйидаги оммавий йирик байрамлар бўлган:

Сатурналия - ҳар йили декабр ойида Сатурн маъбудига аталиб ўтказиладиган байрам бўлиб, у карнавал билан бошланган, байрам вақтида табақавий фарқларга риоя қилинган. Камбағалларга садақалар берилган, бир-бирларига ўзаро туҳфалар улашганлар.

Луперкалия - маъбуд Фавкага аталиб (*чорва ҳомийси*), қадимги ҳосилдорлик сеҳргарлиги билан боғлиқ байрам бўлган. Бу байрамни ҳар йили феврал ойида ўтказишган. Шу куни ҳаммани қамчи билан секин уриб чиққанлар (*қамчини фебрица дейилган, шундан феврал ойининг номи келиб чиққан*).

Мифология соҳасида Рим билан боғлиқ мифлар, чунончи, “Рим дунё маркази”, “Рим -доимий шаҳар”, “Римнинг дунё устидан ҳукмронлик қилиши” сингари ғоялар алоҳида ўрин тутган.

Афсонага кўра Римга мил. ав. 753 йили эгизаклар Ромул ва Ремлар асос солганлар. Шу вақтдан Римнинг монархия бошқаруви тарихи бошланади. У даврда жамиятнинг муҳим масалаларини халқ мажлиси ҳал қилган. Патрицийларнинг (*туб аҳоли*) нуфузли оқсоқолларидан «Кексалар кенгаши» тузилиб, уни лотинчада **Сенат** деб аташган. Дастлаб Сенат ва подшо халқ мажлисига таяниб, давлатни идора қилишган.

Мил. ав. 510 йили Сенат билан подшонинг қарама-қаршилиги натижасида подшо Таквиний ағдарилиб, Римда аристократик Республика бошқарув тизими ўрнатилади. Пуни урушларидан кейин (264-146 йй.) Карфаген мағлубиятга учрагач, Рим империясининг ҳудуди анча кенгаяди ва Римнинг обрўси кучаяди.

Рим, Александрия, Афина, Карфаген шаҳарлари илмий марказлар сифатида фаолият кўрсатган эди. География билимларга, тиббий ва тарихга эътибор берилди.

Тарих фани ривожи йилнинг муҳим воқеалари тавсифланган аналлардан бошланади. Мил. ав. 130 йилда аналлар 80 китобдан иборат бўлиб, “Катта аналлар” номи билан тайёрланган. Илк тарихчилар -аналчилар деб аталган.

Дастлабки етук тарихчи **Полибий** (мил. ав. II аср) Юнонистон, Македония, Кичик Осиё, Сурия, Карфаген ва Римнинг 40 китобдан иборат тарихини яратган.

Плутарх (46-127) тарихчи, файласуф ва ёзувчи. Плутарх таълимотида кўпроқ ахлоқ-одоб, инсонпарварлик масалалари етакчилик қилган ва олим фалсафани инсонлар учун ўз-ўзини маънавий шакллантириш воситаси деб билган. Плутархдан бой адабий ва фалсафий мерос қолган. Бироқ унинг номини машҳур этган етакчи мерос-тарихий-биографик асарлар ҳисобланади. Ушбу асарлар «Қиёсий ҳаётномалар» умумий номи билан шуҳрат топган. Мазкур асарларда Лисандр ва Сулла, Китон ва Ликулл, Никий ва Красс, Агесилай ва Помпей, Александр ва Цезарь, Демосфен ва Цицерон сингари машҳур юнон, Рим давлат ва сиёсий арбоблари, саркардалари ва нотиқларининг ҳаёт йўллари, хулқ-атвори, турмуш тарзини қиёслаш йўли билан таржимаи ҳоллари баён қилинган.

Бадиий-тарихий аҳамиятга молик Плутарх биографик асарларида қадимги Эрон, Парфия ва Суғдиёна сингари Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир маълумотлар ҳам ёритилган. Плутарх илгари сурган инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари кейинги даврларда анчагина илғор тафаккур вакилларига маълум даражада ўз таъсирини ўтказган.

Империя даврида фанлар ривожланиши кузатилади. **Катта Плиний, Птоломей ва Гален** таниқли олимлар эдилар. Катта Плиний томонидан 37 томлик «Табиий фанлар тарихи» асари яратилди. Бу асар ўша даврда табиий фанлар энциклопедияси ролини ўйнаган. Птоломей дунёнинг **геоцентрик** тузилиши тўғрисидаги таълимотга асос солди. Унинг **«Алмагест»** асари астрономик билимлар бўйича қомус эди. У оптика, математика ва география соҳаларига доир асарлар ҳам ёзган.

Қадимги дунёнинг машҳур табибларидан **Асклепиад, Корнелий Цельс, Клавдий Гален** бўлиб, уларнинг ичида Клавдий Гален (129-201 йй.) Шарқда ***Жолинус Ҳаким*** номи билан машҳур эди. Дастлаб у гладиаторлик мактабида ишлаб, сўнг Рим императори саройида табиблик қилган. Клавдий Гален 400 дан ортиқ асарлар ёзган. Унинг «Табиблик санъати»,«Даво усуллари», «Дориларнинг тартиби ҳақида» асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

У “Инсон танасининг қисмлари ҳақида” ги мумтоз асарида биринчи марта бир бутун организмни анатомик-физиологик жиҳатдан тасвирлаб берган. Гален шифобахш дориларни ҳайвон ва ўсимликлардан тайёрлаган. Табобат тарихида қон айланиши тўғрисидаги дастлабки ғояларни илгари сурган. Одам анатомияси ва физиологияси илмий диагностика, даволаш ва профилактиканинг асоси эканлигини кўрсатиб берган.

Гален антик тиббиётни ягона таълимот тарзида умумлаштириб, XV-XVI асрларга қадар табобат илмининг ривожига катта ҳисса қўшган. Гален файласуф сифатида сезгилардан ташқари ҳам билиш ҳақиқат манбаидир, деб ҳисоблаган. Унинг асарларидан улуғ мутафаккиримиз Ибн Сино ҳам фойдаланган.

Овидий (мил. ав. 43 мил. 18) ўзининг «Севги санъати», «Дард-аламлар» ва «Понтдан мактублар» номли асарлари билан Рим шеъриятига асос солди. Аслзодалар турмушини танқид остига олиб, Август ғазабига учраган. Бошқа асарларида эса ўз қайғу-аламини ва меҳнаткашларнинг оғир турмушини акс эттирган. Шу боис Қора денгиз бўйидаги Тома шаҳрига сургун қилинган.

Эпикуризм ва стоикларнинг кўзга кўринган вакиллари **Лукреций, Цицерон ва Сенека** эдилар. **Тит Лукреций Кар** (мил. ав. 96-55) римлик файласуф ва шоир. Асосий фалсафий асари -"Нарсаларнинг табиати ҳақида" дидактик достонидир. У қадимги даврда материалистик фалсафа изчил баён қилинган ва тўла сақланган ягона асардир. Лукрецийнинг фикрича, атом илк материя сифатида нарсалар моҳияти негизини ташкил қилади. Лукреций баъзиларнинг атомларни сезги аъзоларимиз орқали кўрмаймиз, чунки, улар йўқ, деган фикрига жавобан, биз шамолни кўрмаймиз, лекин шунга қарамасдан у доимо мавжуддир, дейди. Атомлар хилма-хил. Фазо реал мавжуд. У нарсалардан ташқарида мавжуд, бўшлиқ, вақт эса жисмларнинг ҳаракати ва сукунати билан бевосита боғлиқ. Ҳаракат бўшлиқда содир бўлади. Жисм ва бўшлиқ чексизликни ташкил қилади. Ҳар қандай ҳаракат жисмларнинг ўзига хосдир. Ҳаракат сезгилардан яширин майда зарраларда бошланади.

Марк Туллий Цицерон (мил. ав. 106-43) **—** Рим сиёсий арбоби, нотиқ, ёзувчи. Римда таҳсил олиб, нотиқлик санъатини эгаллайди. Элчилик даврида Катилина фитнасини фош этгани учун "фуқаролик чамбари" билан тақдирланади ва Рим фуқаролари орасида биринчи бўлиб, ***"Юрт отаси"*** унвонига сазовор бўлди. Аммо римлик фитначиларни судсиз қатл этгани сабабли мил. ав. 58 йилда қувғинга учраб, хорижда яшашга мажбур бўлган. Цезарь ўлдирилгач (мил. ав. 44 йил), Антоний буйруғи билан қатл этилгунга қадар Римнинг амалдаги ҳукмдори саналган.

Цицерон сиёсат, фалсафа ва адабиётда "ўрта оқим" ҳисобланган барқарорлик ва вазминлик ақидаларига содиқ бўлган. "Аралаш давлат тузилмаси" (*монархия, аристократия ва демократиянинг қўшилишидан пайдо*

бўлган ҳокимият) Цицероннинг сиёсий идеали бўлиб, мил. ав. II аср бошидаги Рим республикасини бунинг намунаси деб ҳисоблаган.

Цицероннинг 58 та нутқи, 19 та асари ва 800 дан зиёд мактублари сақланиб қолган. Унинг асарлари Римдаги фуқаролар уруши даври тўғрисидаги маълумотлар манбаси ҳисобланади. Цицерон жаҳон тарихида нотиқлик санъатининг мукаммал эгаллаган киши сифатида шухрат қозонган. Цицерон ўз асарлари (“*Яхшилик ва ёмонликнинг чегаралари тўғрисида”, “Давлат тўғрисида”, “Қонунлар тўғрисида”, “Мажбуриятлар тўғрисида”)* ҳамда нутқлари билан Рим мумтоз насри ва адабий тилига тамал тошини қўйган.

У бахтнинг бирдан-бир манбаи сифатида олий эзгулик, олий фазилат хусусидаги, ахлоқий бурч ва шахсий фойда зиддияти ҳақидаги масалаларга эътибор бериб, амалий тавсиялар берган. Камолотга эришиш учун тўрт фазилат -донишмандлик, адолат, мардлик, мўътадиллик зарур, деб уқтирган.

Рим архитектураси, тасвирий ва амалий-безак санъати антик бадиий маданиятнинг сўнгги, якунловчи даври ҳисобланади. Римда иссиқ ва совуқ суви бор ҳаммомлар, гимнастика заллари, дам олиш хоналари қурилган. Империя даврида Рим шаҳарлари режаси анча яхшиланади, чиройли майдонларга, яшаш учун қулай бўлган уйларга алоҳида эътибор берилди. **Нерон** ҳукмронлиги даврида Рим шаҳрида ёнғин юз берган ва 14 та тумандан 10 таси ёниб тугаган. Бу туманларда уйлар асосан ёғочдан қурилган. Йўллари эса жуда тор бўлган. Ёнғиндан кейин император шаҳарни янги режа бўйича кўчаларни кенг, уйларни, император саройини тошдан қуришга фармон берган.

Империя давридаги шаҳарларнинг фарқли хусусиятларидан бири — коммуникация воситалари*(тош кўприк, водопроводлар, канализация)*нинг борлиги эди. Милодий I асрга келиб Римда 11 та водопровод, 600 га яқин фонтан бўлиб, водопроводлардан иккитаси ҳозиргача ишлайди.

Римда архитектура, ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъатида реализм кучайди, уларда Юнонистон санъатидагидек афсона (*миф*)лар эмас, тарихий шахслар, воқеалар кўпроқ акс эттирилди. Рим санъатининг қадимги даврида Этрурия санъатининг таъсири кучли бўлди. Пуни урушлари ва охирги

республика даври (мил. ав. III-I асрлар) санъатида Буюк Юнонистон (*Жанубий Италия*) ва римликлар истило қилган шарқий юнон шаҳарлари санъати билан уйғунликда ривож топди. Бинолар улуғвор қурилди, турар жойлар табиатга яқинлаштирилиб, барпо қилина бошланди (*айниқса, шаҳардан ташқаридаги виллалар*), мил. ав. II асрдан бошлаб бетон кашф қилиб, ундан унумли фойдаланилди, бу биноларни арзон ва тез қуришга, шакллари турли-туман бўлишига имкон берди. Мил. ав. II-I асрларда томошахоналар, театр бинолари такомиллаштирилди, томошабинлар ўтирадиган жойлар галерея, зинапоялар билан саҳнадан, томоша кўрсатиладиган майдондан ажратилди.

Тасвирий санъатда мил. ав. III-I асрларда портрет, ҳайкал ривож топди, шаҳарлар расмий кишилар ва қаҳрамонларнинг ҳайкаллари билан безатилди. Республика даврида тарихий мавзуларда рельефлар кўп ишланди, монументал безак рассомлиги, мозаика, қимматбаҳо тошларни бадиий ишлаш санъати юксалди. Қадимги Рим меъморлигининг юксак равнақи империя гуллаб-яшнаган даврга тўғри келади. Биноларнинг монументаллигига (*аркалар, тоқли, гумбазли бинолар)* аҳамият берилди, иморатлар ҳайкалтарошлик, рассомлик санъати асарлари билан жозибадорлаштирилди. Архитектура император шахсиятини улуғлашга ва империя қудратини кўз-кўз қилишга хизмат қилди.

Улкан гумбазли *Пантеон* каби улуғвор бинолар, йирик амфитеатрлар бунёд этилди. Императорлардан Троян даврида ҳайкалларда қаҳрамонлик кўпроқ ифодаланган бўлса, Адриан ва Антоний ҳукмронлиги йилларида образларда психологик теранлик кўзга ташланди. Безак рассомлигида енгил нақшлар, кичик сюжетли расмлар ишлашга кўпроқ аҳамият берилди (*63 йилгача*), кейин мураккаб архитектура композициялари кўпроқ акс эттирилди. II асрдан оқ-қора тош мозаикадан кенг фойдаланилди.

Империя даврида амалий безак санъатида металлни бадиий ишлаш, қизил сирли сопол идиш ва буюмлар, шиша буюмлар тайёрлаш авж олди. Империя тушкунликка учраган давр (III-IV асрлар)да вилоятларда янги форумлар, йирик ибодатхоналар кўплаб қурилди. Ҳайкалтарошликда шартлилик кенг ўрин ола бошлади. III-IVасрларда миниатюра (*юпқа зар қоғозга ишлаб 2 қават шиша*

орасига ўрнатиладиган) портретлар ишлаш, христиан афсоналари акс эттирилган сюжетли рельефлар билан безатилган мармар саркофаглар тайёрлаш санъати ривож топди.

Антик даврга оид Рим меъморлигининг ноёб нуманалари сифатида Пантеон (*юнон ибодатхона*)ни кўрсатиш мумкин. Пантеон ярим доира шаклидаги қиррадор гумбазли (*диаметри 43 метрдан ошиқ*) иншоот. Марказида интеръерни ёритиб турувчи туйнук бор (*диаметри 9 метрга яқин*). Ички гумбази ҳовузакларга (*катаксимон шаклда*) бўлинган. Кириш томони пештоқли, 16 та коринф устунлари (*8 таси пештоқ олдида, қолганлари ичкарироқда*) безаб туради.

Колизей (*Колоссей, лот. colosscus — улкан*) — Қадимги Римдаги меъморий ёдгорлик (мил. 75-80 йиллар). Император Тит қурдирган. Кейинчалик Флавий амфитеатри номи билан машҳур бўлган. Колизейнинг баландлиги 57 метр, тарҳи эллипс шаклида (524 метр). 4 қатламли ўриндиққа 50 минг томошабин жойлашган. Саҳна тагида ҳайвонлар қафаси, омборхона бўлган. Император ўриндиғи саҳна билан тенг (*баландлиги 3,5 метр*) бўлган. 1 қатламда императорнинг яқинлари, 2 қатламда юқори табақали кишилар, 3 ва 4 қатламда оддий халқ ўтирган. Ўриндиқлар тошдан ишланган, галереяларнинг конструкциялари бетон ва ғишт билан мустаҳкамланган.

Колизейнинг улуғвор олд томони 4 қаватли, ҳар бири 80 та равоқлар қатори билан жозибадор ишланган, пастки қисмидан томошабинлар кириш ва чиқишда фойдаланганлар. Колизей марказидаги саҳнада байрам маросимлари, қурбонлик, гладиаторлар жанги, театр томошалари ўтказилган.Аренага 2 минг йиртқич чиқарилган. 10 минг гладиатор бир-бири билан жанг қилган ва йиртқич ҳайвонлар билан олишишган.

Қадимги Римда махсус тайёргарликдан ўтган, ўзаро ёки ёввойи ҳайвонлар билан курашишга мажбур қилинган бақувват, жасур қуллар, ҳарбий асирлар **Гладиаторлар** (*лат. Gladius-шамшир*) деб номланганлар. Улар махсус мактабда ўқиганлар (*Римда, Капуяда*). Гладиаторлар жанги зодагонларнинг кўнгил очиш томошасига айланган. Римда биринчи Гладиаторлар жанги мил.

ав. 264 йилда ўтказилган. Гладиаторлар бир неча бор қулдорларга қарши бош кўтарганлар. Гладиатор **Спартак** раҳбарлигидаги қўзғолон шуларнинг бири. Гладиаторлар жанги христианлар талаби билан V асрдан эътиборан барҳам топган.

Календарь (*қарз дафтари*), **тақвим** - йил, ой, ҳафта ва кунлар ҳисоблашни юритиш тизими бўлиб, у Қуёш, Ой, сайёраларнинг кўринма ҳаракати, кун билан туннинг алмашинуви, Ой фазалари ва йил фаслларининг даврий равишда такрорланиб туришига асосланади. Календарнинг пайдо бўлиши одамнинг хўжалик фаолиятини юритиш эҳтиёжи билан боғлиқ. Одамлар Қуёшнинг чиқиб–ботишини кузатиб - кун, Ой ўроғининг аввал катталашиб, сўнг кичрайишига қараб - ой, йил фаслларининг давомида Қуёшнинг уфқдан қанчалик кўтарилишини кузатиб, йил тушунчаларига келишган. Аста-секин вақтни яна ҳам аниқроқ ҳисоблаш эҳтиёжи билан соат, минут бирликлари, мифологик анъаналар асосида ҳафта тушунчаси киритилган. Вақт ҳисобини тўғри юритиш учун дастлабки расадхоналар қурилган, қуёш соати ўйлаб топилган.

Календарь ҳисобининг асосий бирлиги - йил. Йил эса ойларга, ойлар эса кунларга бўлинган. Бу 3 тушунча 3 хил астрономик ҳодиса - мос тартибда Ернинг Қуёш атрофида айланиши, Ойнинг Ер атрофида айланиши ва Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши билан боғлиқ. Бу 3 ҳодисанинг давомийлиги анча мураккаблиги йилни ойларга, ойни кунларга бўлишни мураккаблаштиради. Бу масала турли халқларда турли усулда ҳал этилган ва шу тарзда қуёш календари (*шамсий тақвим*), ой календари (*қамарий тақвим*) ҳамда ой-қуёш календари (*шамсий-қамарий тақвим*) ишлаб чиқилган.

Қуёш календарининг асосий бирлиги - тропик йил. Унинг узунлиги кетма-кет икки баҳорги тенгкунлик оралиғидан иборат бўлиб, 365 кун, 5 соат, 48 минут, 46 секундга тенг. Дастлабки шамсий календардан фойдаланган қадимги мисрликлар бир йилни 365 кун деб олишган. Бир йил 12 ойга,ҳар ой 30 кунга бўлинган ва йил охирида қўшимча 5 кун қўшилган. Қадимги Римда ҳам бир

йилни 365 кун деб олинган, лекин йилнинг ойларга бўлиниши яна ҳам мураккаброқ бўлган.

Бундан ташқари қадимги Миср ва Рим календарларида йил узунлиги тропик йилдан тахминан 6 соатга қисқа бўлгани учун баҳорги тенг кунлик ҳар йилда 1 кунга сурилган ва бу ҳам чалкашликларга сабаб бўлган. Уларни бартараф этиш учун Рим консули Юлий Цезарь мил. ав. 46 йилда юнон астрономи Созиген таклифига мувофиқ календар ислоҳотини ўтказади: ҳар 4 йилдан бири 366 кунлик (*кабиса*) деб қабул қилинади. Бу календар Юлий календари деб юритилади. Юлий календарида бир йил 12 ойга бўлиниб, тоқ ойлар 31 кун, жуфт ойлар 30 кун, фақат феврал ойи 28 кун (*қабиса йили 29 кун*).

Дунёнинг кўп мамлакатларида ҳозиргача ойларнинг Юлий календаридаги номлари қўлланади. Юлий календарида бир йил тропик йилдан 11 минут, 14 секунд ортиқ бўлгани учун бу фарқ ҳар 400 йилда тахминан 3 кунни ташкил қилади. Бу фарқ йиғилиб XVI асрда 10 кунга етган, натижада баҳорги тенг кунлик 11 мартга тўғри келиб қолган. Бу номутаносиблик христианларнинг диний байрамларини белгилашда чалкашлик келтириб чиқарар эди.

Шунинг учун, Юлий календаридаги хатоликни тузатиш учун 1582 йил 24 февралда Рим папаси **ГригорийXIII**-италиялик врач ва математик **Луиджи Луллио** лойиҳаси бўйича календарь ислоҳотини ўтказади: 1) 1582 йил 4 октябрдан кейинги кун 15 октябрь деб олинади ва баҳорги тенг кунлик 21-мартга қайтарилади; 2) тўртга бўлинадиган йиллар Юлий календардаги каби 366 кун деб олинади; 3) ҳар 400 йилда 3 кун чиқариб ташланади, 400 га бўлинмайдиган йиллар 365 кунлик (*яъни оддий*) йил деб эълон қилинади. У **Григорий календари** деб юритила бошланади. Саналарни Григорий календарига мувофиқ ҳисоблаш янги услуб деб аталди. Саналарни аввалгидек Юлий календари асосида ҳисоблашда давом этиш эса эски услуб номини олган. Григорий календари XVI асрдан бошлаб аста-секин дунёнинг кўпчилик мамлакатларига тарқалди. Туркистонда ҳам у, 1918 йил 14 февралдан қўлланиб келинади.

Йил узунлиги ва ой-кунларга бўлиниш календарга мувофиқ юритилса, йиллар ҳисоби алоҳида келишув билан белгиланиши лозим. Қачон биринчи йил деб олиниши билан бу масала ҳал бўлади ва исталган санани ҳисоблаш имкони туғилади. Бундай келишув календарь билан бирга хронология деб аталади. Григорий календари қабул қилинган мамлакатларнинг кўпчилигида хронология Исо Масиҳнинг туғилган кунидан бошланади. Тарихнинг мана шу санасигача даври эски эра (*мил. ав.*), кейинги даври эса янги эра (*милодий*) деб аталади.

Милодий I асридан бошлаб римликларнинг, айниқса, уларнинг юқори табақалари - зодагонлари ҳаётида маънавий қашшоқлик жараёни кучайиб борди. Рим императорлари **Калигула ва Нерон** қаҳри қаттиқлик ва маънавий бузуқлик рамзларига айланадилар. Маънавий бўшлиқ ва инқироз Рим жамияти ҳалокатининг бош сабабларидан бирига айланди.

Италиядаги қашшоқ ва мазлумлар яхши яшаш ва озодликка эришиш учун ўз маъбудларига илтижо қилиб келганлар. Лекин бу илтижолар уларнинг аҳволини яхшиламаган. Бора-бора мазлумлар орасида эски маъбуд ва маъбудаларга ишончсизлик вужудга келган. Улар орасида ўзларига озодлик келтирадиган, золимларни эса жазолайдиган қудратли худога ишониш туйғуси вужудга кела бошлаган. Бу худо ва унинг дастлабки пайғамбари Исо Масиҳ эди. Исо пайғамбар исми мусулмонларнинг илоҳий китоби -«Қуръон»да ҳам учрайди.

Шарқ йилномаларига кўра Исо пайғамбар милоднинг 25 декабрида бокира Биби Марямдан туғилган бўлиб, улғайгач, мўъжизалар кўрсатиш қобилиятига эга эканлигини «Евангелие» («*Хушхабар*»)да ёзилган.

Насронийлик (*христианлик*) динининг асосида якка худо -Иусус Христос (*Исо Масиҳ*)га ишонч, севиш ётади. Христиан динида ҳамма одамлар худо олдида тенг деб эълон қилинади. Улар худо дунёни 6 кунда яратган деган ривоятга ишонганлар. Христиан дини дастлаб, мазлумларнинг ҳимоячиси, аслзодалар ва бойларни инсоф ва адолатга чақирувчи, келажакда мазлумларни қуллик ва қашшоқликдан озод қилишга ваъда берувчи дин сифатида эътироф этилган.

Дастлабки христиан жамоалари таркибий тузилиши жиҳатидан энг демократик тарзда бўлган. Унга майда ҳунармандлар, қуллар ва барча мазлумлар кирар эди. Улар бир-бирларини ўзаро ака-сингил деб аташар эдилар.

Платон ғоялари христианлик динига асос қилиб олинган эди. Икки аср мобайнида христиан дини мазлумлар динидан аста-секин ҳукмрон синфлар мафкурасига айланади ва унга янги талқинлар киритилади.

313 йили император **Константин** христианларни эркин йиғилишларига рухсат берди ва черковлар қурилишига маблағлар ажратди. Христианлик давлат динига айланади ва қадимги Рим империясида антик маданиятга қарши курашди. Шу билан бирга христианликнинг давлат динига айланиши туфайли черков фанга, айниқса, диний ақидаларга тўғри келмаган томонларига қарши кураш бошлайди. Кўплаб илмий асарлар, жумладан Александрия кутубхонасидаги кўплаб қўлёзмалар, китоблар ёндириб юборилди. Христианлар айниқса, қидимги маъбудларнинг, императорларнинг, қаҳрамонларнинг ҳайкалларини бузганлар, ибодатхоналарни черковларга айлантирганлар. Олимпия ўйинларини маън қилганлар. Римликларнинг диний эътиқоди дастлаб ***мажусийликка*** асосланган эди.

395 йили Рим империяси Шарқий ва Ғарбий қисмга ажралиб кетишига олиб келди. 476 йили эса римликларнинг герман ёлланма қўшинидан навбатдаги мағлубияти натижасида охирги император **Ромул Августул** тахтдан туширилади. Натижада Ғарбий Рим империяси барҳам топади.

Хулоса қилиб айтганда антик давр маданияти-жаҳон цивилизациясининг марказларидан бўлиб, унинг учун Шарқ маданиятининг эришган дастлабки муҳим ютуқларининг аҳамияти катта бўлди.Эллада ҳозирги замон давлатларининг бошқарув шакли-республика ва демократиянинг ватанига айланди. Таълим тизимининг мукаммалиги, табиий фа фалсафий фанларнинг ривожи, драматургия соҳасидаги эришилган ютуқлар, архитектура ва ҳайкалтарошлик соҳаларининг ривожи ҳозиргача санъат дурдоналари ҳисобланади. Римликлар учун содиқлик, жасоарт, шон-шавкат, эркинлик ниҳоятда мурувватлилик ҳисобланиши, илм-фан, маданият билан шуғулланиш

фахрли ҳисобланган. Бу Римда фан ва маориф соҳасининг муваффақиятига олиб келди. Римда “Кексалар кенгаши” тузилиб Сенат деб аташган. Бу эса ҳозирги кунда демократик бошқарув тизимининг ўзаги ҳисобланади. Римда архитектура, ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъатида реализм юксак даражага кўтарилди. Римда муомалага киритилган календарни ишлатмоқдамиз. Аниқ давр маданияти Европа маданиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнади ва жаҳон маданияти тарихида ўз ўрнини эгаллади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Юнонлар ватанини нима деб атаганлар?
2. Юнонларда энг юқори қадрият нима?
3. Мактабларда ўқитиш тизими қандай бўлган?
4. Юнон фалсафасининг юксак намоёндалари кимлар?
5. Ибтидоий дин шакллари қандай бўлган?
6. Қадимги Юнонистон маданияти неча даврга бўлинади?
7. “Одиссия” ва “Иллада” достонларини биласизми?
8. Қадимги Рим маданияти қачон бошлаган?
9. Қандай касблар фахрли ҳисобланган?
10. Рим аҳолисининг таркибий тузилиши қандай бўлган?
11. Қандай соҳаларда римликлар юнон маданиятининг ворислари ҳисобланадилар?

Инсон дунёни қанчалик билса,
ўзлигини ҳам шунчалик англайди.
Йоханн Вольфганг Гёте

5 мавзу. ЎРТА АСРЛАР ЕВРОПА МАДАНИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар

Ўрта асрлар, Шарқ илм-фанининг таъсири, феодализмнинг пайдо бўлиши, монахлар, праваслав, месса, Кирилл ва Мефодий, черков, Бертолъд Регенсбургский, диний таълимотлар, университет, илмий даража, етти эркин санъат, Оксфорд, Кембриж, Сорбонна, китоб босиш дастгоҳи, трубадурлар шеърияти, меъморлик, София ибодатхонаси, готика, иконография, роман услуби

5.1. Ўрта асрлардаги Европа қиёфаси

Ўрта асрлар тушунчаси Европада V асрдан то XVII асрнинг биринчи ярмига қадар бўлган даврни қамраб олади. Бу давр антик маданиятнинг инқирозини бошлаб берган Рим давлатининг қулаши билан бошланади. Европадаги айрим мамлакатларда феодализм VII-VIII асрлар ва ундан кеч ҳам бошланиб, XIII асрларнинг сўнгигача давом этган. Ўрта асрлар инсониятнинг катта қисми мажусийлик, мушрикликдан яккахудолик диний эътиқоди – масиҳийлик (христианлик)га ўтгани сабабли Европа халқлари маданияти тараққиётининг муҳим даврини ифодалайди. Бу давр кейинги жаҳон халқлари иқтисодий ва миллий маданиятининг ривожланишида муҳим босқич бўлди.

Қулдорлик даврида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум бўлган қуллар ўрта асрларда зодагон феодалларнинг ерларида эркин ишлаши билан бирга жамият аъзоси сифатида тан олинди. Оддий халқнинг ўз хусусий хўжалигига эга бўлиши, ишлаб чиқариш воситалари билан иш кўриши, қўшимча маҳсулотнинг бир улушини ўзида қолдириши мумкинлиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан маълум даражада манфаатдорлигини вужудга келтирди.

Европада ўрта асрларни қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

Илк ўрта асрлар V-XI асрлар.Бу давр феодал муносабатларга ўтиш, феодаллар табақасининг шаклланиши, католик черков таъсирининг кучайиши, олий таълим муассасалари-университетларнинг пайдо бўлиш давридир.

Мумтоз (*классик***) ўрта асрлар —** XI асрдан XV аср ўрталаригача бўлган давр.Ушбу даврга хос хусусиятлар шундаки, қишлоқлардаги ишлаб чиқариш ривожланиб, шаҳарларда мануфактуралар пайдо бўлди, шаҳар инфратузилмаси яратилди, марказлашган йирик давлатлар ташкил топди. Қирол ҳокимияти кучайиб, унинг жамият равнақига таъсири ортиб борди. Китоб нашр этиш йўлга қўйилди, фаннинг қатор янги тармоқларига асос солинди.

Сўнгги ўрта асрлар –XV аср иккинчи ярмидан –XVII асрнинг биринчи ярмигача. Бу даврда илм-фан ва техника ривожланди. Инсон турмуш тарзида буюк ўзгаришлар юз берди, янги қитъалар кашф этилди. Капиталистик муносабатларга ўтишга замин яратилди. Демократик тамойиллар шаклланди.

V-VI асрларда Рим империяси ерларида асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи германларнинг дастлабки давлатлари ташкил топган. Маданият равнақи бўйича ўзидан юқори бўлган халқлар устидан ҳукмронлик қилиш германларни бошқарув тизимини янги тартибга мослаштиришга мажбур этди.

Антик даврдаги асосий иш кучлари қулларнинг жисмоний кучи эди. Энди эса ўз меҳнатидан маълум даражада манфаатдор бўлган крепостной деҳқон, ҳунарманд асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Агар антик даврда назарий билимлар муваффақиятли ривожланган бўлса, ўрта асрлар даври механика воситаларидан фойдаланиш учун кенг йўл очилди. Антик давр руҳан ва жисмонан ўзаро мувозанатда (гармонияда, уйғунликда) бўлган инсон тимсолини кўрсатишга интилган эди. Аммо, Рим империяида бу ғоя инқирозга учраб, жаҳонга ҳукмронлик, қирғин урушларда бошқа ҳалқларнинг бойликларини талаш, сохта маъбудларга қасрлар ва ҳайкаллар тиклаб, сиғиниб, ғалаба учун қурбонлик қилиш маданият эмас, жаҳолатнинг “гуллаб-яшнаши” бўлиб қолган эди.

Ўрта асрларда дин, черков раҳбарлари ҳур фикрли олимларни қамаш билан бирга, Демокрит, Платон, Аристотель каби антик давр мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий ва табиий-фалсафий қарашларини Жордано Бруно, Галилео Галилей, Томас Мор, Томмазо Кампанелла каби ўрта аср назариётчи-олимлари томонидан илғор таълимотлар яратилишига кўрсатган бевосита таъсирини рад этиб бўлмайди. Масалан, Платон, Аристотеллар томонидан илгари сурилган идеал давлат тўғрисидаги ғоялар Томас Мор, Томмазо Кампанеллаларнинг утопик қарашларида айниқса, яққол намоён бўлади. Айнан шу қарашлар асосида кейинчалик гуманизм, демократия тўғрисидаги янгидан-янги таълимотлар ривожланиб, уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам адолатли, фаровон жамият қуришда жаҳон халқларига фойдали манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат ва умуман, маданият ҳеч қандай чегараланиш, миллий чекланишни тан олмайди. Жаҳонда ҳеч қандай халқ бошқа халқлардан узилиб қолган ҳолда ривожланган эмас. Аммо четдан бўлган таъсир ҳамма вақт ҳам қабул этилавермаган. Жамият тараққиётида бошқа таъсирга эҳтиёж туғилгандагина у ўзлаштирилади. Лекин маълум ғоялар айнан қабул қилиниши шарт эмас. Қабул қилувчи ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни ўзига мослаб ўзлаштириши ҳам мумкин.Масалан, Аристотель, Ибн Сино таълимотларини Ўрта асрлар Европасида христиан черкови оталари - Буюк Альберт ва Фома Аквинский христиан динининг католик мазҳабига мослаштириб, талқин этган.

Испанияда салкам саккиз аср давом этган араблар ҳукмронлиги, ярим оролда Шарқ маданияти, илм-фан, фалсафа, бадиий адабиётнинг ривожланиши, халифаликни ташкил этган бошқа халқлар, айниқса Мовароуннаҳр, Эрон маданиятининг араблар томонидан ўзлаштирилиши, Испанияда эса янада такомиллаштирилиши Европа халқлари, айниқса, Испания билан чегарадош мамлакатлар учун изсиз кечмади. Аксинча, Ғарб мамлакатлари халқлари маданияти шаклланиши ва ривожига туртки бўлди. Кўп олимлар VIII-XIII асрлар оралиғида Африка қирғоқларидан то Хитой чегараларигача бўлган

минтақада яратилган техник, табиат, тиббиёт, астрономия, математика, фалсафа фанлари ютуқларини Европа ўзлаштириши учун беш асрдан ортиқ вақт керак бўлди, деб тан оладилар.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг “Зижи ал-Хоразмий”, “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва-л муқобила” асари XII асрлардаёқ Европалик олимлар томонидан лотин тилига таржима этилган. Бу таржималар мазкур асарлар яратилганидан уч юз йил кейин Европада астрономия, математика, жўғрофия, медицина фанларининг тарқалишига олиб келди ва уларнинг пойдеворига асос солган.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг “Зиж”и Европаликлар учун мутлоқ янгилик бўлди. Муҳаммад ал-Хоразмий “Зиж”ига шарҳлар ёзилди, ундан бутун қисмлари кўчирилгани аниқланди. Европада илми нужумдан қатор рисолалар ҳам ёзилган. Буюк ватандошимизнинг “Зиж”и Европада ягона асар бўлиб, астрономиядан қўлланма сифатида фойдаланилган. Европада зижлар тузишдаги ягона намуна ва Уйғониш даврида кенг ривож этган астрономия фанининг пойдеворини яратди.

Муҳаммад ал-Хоразмий асарлари фақат аниқ фанлар ривожини белгилаб берибгина қолмай, ўрта аср табобатига ҳам баракали таъсир этган. Ўрта асрларда астрология (инсонлар тақдирини юлдузлар ҳаракати орқали аниқлаш) Шарқда кенг ривожланган ва аллома ҳам бу ҳақда рисола яратган. Асрлар ўтиши билан осмон жисмларининг ҳаракати одамлар соғлиғига таъсир этиши аниқланди. Бунинг натижасида астрология муҳим “фан”га айланди. Лекин юлдузлар ҳолати ва ҳаракатини аниқлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келмаган. Бунинг учун ҳам астрономия, ҳам математикани яхши билиш керак эди. Шунинг учун ҳатто XVIII асргача шифокорлар математик бўлиши керак эди. Ўрта асрларда Европа университетларида математикани медицина факультетларида ўқитилган. Астрология инсон соғлиғи табиат ходисалари билан боғлиқлиги, ҳар бир инсоннинг табиатига қараб муолажа бериш зарурлиги тушунчасини медицинага олиб киради. Шундай қилиб, астрология орқали математика медицина билан боғланди.

1. Арифметик асар, “Алгоритм ҳинд ҳисоби ҳақида” номи билан маълум. Асарнинг арабча нусхалари сақланмаган. Бу ерда келтирилган ном асарнинг XIV асрда кўчирилган ва Кембриж университетида сақланадиган нусхасида келтирилади. Мазкур нусхага асос бўлган лтинча таржимани XII асрда Кремонлаик Герардо ёки Аделард Бат бажарган.

2. “Ал-китаб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала” (“Алжабр алмуқобила ҳисоби ҳақида қисқача китоб”), Ал-Хоразмий “Алгебра”сининг арбача нусхаси Оксфорд университетининг Бодлеян кутубхонасида сақланади. Бу қўлёзма 1342 йили кўчирилган. Унинг арабча нусхаси инглизча таржимаси билан бирга. Ф.Розен томонидан 1831 йили нашр этилган. Ал-Хоразмий бу асарининг яна иккита арабча нусхаси бор. Рисоланинг арабча нус халаридан ташқари иккита лотинча таржимасининг нусхалари мавжуд. Биринчи лотинча таржимаси 1145 йили Испаниянинг Сеговия шаҳрида Честерлик Роберт томонидан бажарилган.

Сонларни ҳинд рақамлари билан ўнлик позицион системасида ёзилишини ва “Ота ўхшаш кичик доирача”нинг ишлатилиши ҳақида муфассал сўзлаганидан сўнг ал-Хоразмий катта сонларни айтишни ўргатади ва бунда у фақат бирлар, ўнлар, юзлар ва мингларнинг номларидан фойдаланади. Мисол тариқасида ал-Хоразмий мана бу 1180073051492863 соннинг ўқилишини кўрсатади, у бундай ўқилади: мингта минг минг минг минг беш марта ва юз минг минг минг мингтўрт марта ва саксон минг минг минг минг уч марта ва уч минг минг минг уч марта ва эллик бир минг икки марта ва тўрт юз минг ва тўқсон имкки минг ва саккиз юз олтмиш уч. Сонларнинг бундай ноқулай ўқилиши Шарқда ҳам, Европадаҳам узоқ муддатгача сақланиб, ўнлик позицион система узил-кесил ғалаба қилгандагина йўқолди.

Европада ўнлик позицион ҳисоблаш системасининг ва рақамларнинг тарқалашида XII асрдан бошлаб арабча ариметик асарларнинг ва айниқаса ал-Хоразмий рисоласининг лотин тилига қилинган таржималари катта аҳамияти касб этади. Бу таржималар билан ал-Хоразмий арифметик ва астрономик асарларининг қайта ишланганлари, улар орасида Севилиялик Ионнинг

“Алгоризмнинг арифметик амали ҳақида китоб”, магистр А. томонидан таълиф этилган “Ал-Хоразмийнинг астрономия санъатига кириш китоби” ва испаниялик Савасорданинг “Ўлчашлар ҳақида китоби” ҳам муҳим роль ўйнади. XII аср ўрталарига келиб, у “Муқаддас Рим империяси” ерларида, хусусан, Австрия ва Германияда маълум бўлди. Бундан кейин, 1200 йилга келиб “Алгоритм китоби” ёзилди.

Шу даврда Италия ҳам янги арифметиканинг тарқалишида муҳим марказлардан бирига айланди. Бу ерда Пизалик Леонардо 1202 йили ўзининг машҳур “Абак китоби”ни ёзади. Унинг китоби ўнлик позицион ҳисоблаш системасига асосланган арифметика ва алгебрадан мукаммал асар эди. Инглиз олими Жон Сакробоснинг (XIII аср) “Оддий алгоризм” асари ҳам кенг тарқалди. Ж.Сакробосконинг китобида бутун сонлар билан қўшиш, айриш, иккилаш, икки бараварлаш, кўпайтириш, бўлиш, прогрессия ҳамда квадрат ва куб илдиз чиқаришбаён қилинган эди. 1290 йили даниялик олим Петер Ингварсен унга шарҳ ёзади. Ж.Сакробоскопнинг китоби 1488 йили Страсбургда нашр этилади. Деярли икки ярим аср давомида Ғарбий Европада арифметикани Ж.Сакробосконинг китоби бўйича ўрганилади. Ж.Сакробоско билан деярли бир вақтда Иордан Неморарий ўзининг “Алгоризмни тушунтириш” номли асарини ёзади. Бу асарда бутун сонлар билан амаллар баён этилган бўлиб, мазмуни бўйича Ж.Сакробосконинг китобига яқин. Мазкур китоб 1534 йили Нъюрнбергда ва 1570 йили француз тилида Парижда нашр этилади.

Француз математиги Александр де Вильдье (XII-XIII) гексаметр (муыаддас) вазнидаги шеърлар билан лотин тилида “Алгоризм ҳақида қўй” китобини ёзади. Унинг китоби француз, инглиз ва исланд тилларига таржима қилинади. XIII аср охири ва XIV аср бошларига келиб алгоризм ҳақидаги китоблар миллий тилларда: француз, инглиз, итальян ва бошқа тилларда пайдо бўла бошлади. XII аср охирига келиб Европада қоғознинг пайдо бўлиши ва унинг кейинги асрларда кўпайиши алгоризмнинг ғалабасини осонлаштирди ва XVI аср бошига келиб алгоризм, яъни ал-Хоразмий киритган тўққизта рақам нолга асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш системаси Ғарбий Европада кенг

тарқалди. Россияда бу ҳисоб системаси XVII аср охирида Петр 1 замонидан бошлаб оммавий тусда ёйилади.

Абу Наср Форобий ўз олдига илғор грек фалсафаси ва фанини халқлар ўртасида тарқатиш ва ўша даврдаги мавжуд фанлар соҳасида асарлар ёзишини мақсад қилиб қўйди. У грек фани ва фалсафасини халққа ёйишда бир томондан, таржимонлик қилса, иккинчи томондан, грек мутафаккирнинг асарларига шарҳлар ёзди; тушуниш қийин бўлган асарларини оддийлаштирилди.

Абу Наср Форобий ўзининг "Фанларнинг келиб чиқиши" номли асарида ўрта аср шароитида бўлиб, фанни маълум бир системада классификациялашга ҳаракат қилди ва ҳар қайси фаннинг таърифини ҳамда уларнинг (арифметика, геометрия, астрономия ва музиканинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатишга интилди).

Бу тўрт тарбиявий фан деб аталади, чунки улар туфайли ўқувчилар тарбияланади, улар ўқувчиларни янада назокатлироқ қилади ва ўқувчиларнинг шундан кейин келадиган билимларни ўрганиши ва ўқиб олиши учун тўғри йўл кўрсатади дейди.

Юқорида кўрсатилган фанларни пухта ўзлаштириб олгандан кейин бошқа фанларни, хусусан табиат ҳақидаги фанларни ўрганиши осон бўлади, деган фикр Абу Наср Форобийда асосий ўринни эгаллайди. У табиат тўғрисидаги фанларни тарбиявий фанларга қараганда ҳажми кенгроқ деб таъкидлайди. Лекин аллома тарбиявий деб аталувчи фанларни яхши эгаллаб олмасдан, табиат тўғрисидаги фанларни эгаллаш қийин бўлади, деб кўрсатади.

Абу Наср Форобийнинг ўша даврдаги мавжуд фанларни ўзлаштириб олишда, асосан, тил-грамматика, мантиқни ўрганишга эътибор бериш кераклигини, хусусан, кишининг ўз фикрини бошқаларга билдириш ва бошқалар фикрини аниқ тушуниб олишда кишида орасида восита – тилни энг биринчи фанлар қаторига қўйиши катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда у шундан деб ёзади: қандай қилиб таълим бериш ёки таълим олиш, қандай қилиб ўз фикримизни ифодалаш, баён қилиш, сўраш ва жавоб бериш масаласига келганимизда, мен фанлар ичида энг биринчи фан-тил ҳақидаги фандир,

иккинчи фан грамматика, учинчи фан мантиқ, тўртинчи фан поэтикадир, деб тасдиқлайман. Бу фанларнинг ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Буларни чуқур ўзлаштириб олиш кишини ҳар томонлама камол топишига ёрдам беради, чунки тил нарсалар ҳодисаларга ном берса, грамматика уларни тартибга солади, мантиқ ҳақиқатни ёлғондан ажратиб, аниқлаб бериш учун хизмат қилса, поэтика қандай қилиб чиройли гапириш кераклигини ўргатади.

Абу Наср Форобий асарлари XII асрдан бошлаб лотин ва яҳудий тилларига таржима қилинган. Олимнинг илмлар таснифи ҳақидаги рисоласи икки маротаба таржима этилган, кейинчалик эса бир неча бор кўчириб тарқатилган. Бу даврда Абу Наср Форобийнинг фалсафага оид бошқа асарлари “Ақлнинг мазмуни”, “Бахт-саодатга эришиш ҳақида рисола”, “Масалалар манбаи”, “Исбот китоби”, “Жон (руҳ)нинг моҳияти ҳақида”, “Мантиққа кириш китоби”, “Физика”га шарҳлар”, “Поэтика”га шарҳлар” каби асарлари ҳам таржима қилинган.

Абу Наср Форобий асарлари Шарқнинг бошқа алломалари, айниқса, Абу Али ибн Сино, Ибн Рўшд асарлари билан бир қаторда ўрта асрлар Европасида кескин тус олган мафкуравий курашда ҳар иккала томон вакиллари учун ғоявий қурол вазифасини ўтайди. Агар инглиз монахи Александр (1170-1245), Фома Аквинский (1255-1247), Буюк Альберт (1207-1280). Аристотель ва унинг Шарқдаги издошлари таълимотини бузиб, христиан дини ақидаларини оқлашга хизмат қилдиришга уринсалар, қарама-қарши томон вакиллари черков ҳукмронлигига қарши кураш қуроли сифатида фойдаланадилар. Бу масалада, айниқса, Францияда Шартр, Париж, Англияда Оксфорд, Италияда Болонъя, Падуя университетлари катта роль ўйнайдилар.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари - “Китоб ал-ҳаракот ас-самовийа ва тавомиъ илм ан-нужум” (“Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби”). Бу асар “Астрономия асослари ҳақидаги китоб” номи билан ҳам маълум бўлиб, XII асрда икки марта лотин тилига ва бир марта яҳудий тилига таржима қилинган. Биринчи лотинча таржимани 1145 йили севилиялик Ионн ва иккинчисини 1175 йили кремоналик Герардо бажарган. Шундан сўнг

Аҳмад ал-Фарғоний номи лотинлаштирилиб, “Алфраганус” шаклида Ғарбда шуҳрат топди.

Унинг “Астрономия асослари ҳақидаги китоб” асаридан бир неча асрлар давомида Европа университетларида астрономия фани бўйича асосий дарслик сифатида фойдаланилган, чунки бу китоб замонасидаги астроомия ҳақидаги энг муҳим ва зарур бўлган билимларни ўз ичига олган. Асарнинг географияга оид бўлими Ер юзидаги мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақидаги энг бошланғич ва зарурий билимларга бағишланган бўлиб, “Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқлимдаги ҳодисалар ҳақида” деб аталади.

Асарда фалакиёт ва география илмларининг асосий мазмуни, вазифалари ва қисмлари тушунарли далиллар асосида содда қилилб баён этилган. Хусусан, Ернинг думалоқлиги, бир хил осмон ёритқичларининг турли вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу тутилишнинг ҳар бир жойдан турлича кўриниши, масофалар ўзгариши билан уларнинг кўриниши ўзгариши ҳақидаги қимматли мулоҳазалар билдирилади. Бу асар ўрта аср Европа мамлакатларидаги астрономия илмининг ривожни бошлаб берди.

Асар Европа Ренессанси даврида ва ундан бироз сўнг бир неча марта нашр этилган. Унинг энг биринчи нашри севилиялик Иоганнинг таржимаси асосида 1493 йили Феррарила (италия) бажарган. Иккинчи нашри кремоналик Герардонинг таржимасидан 1537 йили Нюрнбергда Й.Шёнер томонидан амалга оширилган. Асарнинг учинчи лотинча нашри яҳудийча таржимасидан Й.Христманн томонидан 1590 йили Франкфуртдан амалга оширилди. Ниҳоят охирги лотинча нашри Оксфордда сақланувчи қўлёзманинг арабча матни билан бирга машҳур голланд математиги ва арабшунос Якоб Голкус 1669 йил Амстердамда амалга оширган.

Абу Али ибн Сино инсоният маданияти, дунё фани хазинасига беқиё катта ҳисса қўшган, ўша даврдаги илмларнинг деярли ҳамма соҳалари билан шуғулланган қомусий олимдир. Алломанинг “Ал-қонун фи-т-тиб” асари Абу Али ибн Синогача Шарқ, Греция ва Римда яратилган тиббиёт ҳақидаги илм ва шахсий тажриба якунигина бўлиб қолмай, бу фанни ўз даври учун ҳайратомуз

юқори даражага кўтарган асардир. XII асрдаёқ Херардо томонидан “Тиб қонунлари” ва “Аш-шифо” лотин тилига таржима қилинган. 1279 йили Натан та Меати Римда “Тиб қонунлари”ни яҳудий тилга таржима қилган. Шу ўринда олим исмининг европача транскипцияси ҳақида тўхталсак, таржимон “Ибн Сино” номини яҳудий вариантида “Абен Сина” деб берган. У бориб оғзаки тилда “Авен Сина”га, бу вариант лотин транскрипциясида “Авиценна”га айланган. Олим асрлар давомида бутун Европада шу исм остида машҳур бўлган.

Ўрта асрда Европада шакллана бошлаган аристотелизм фалсафаси Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушд номлари билан боғлиқ бўлган. Абу Али ибн Сино номи тиббиётга бағишланган асарвлари туфайли Европада эрта шуҳрат қозонгани учун фалсафага оид асарларнинг кенг тарқалиши ҳам осон бўлди. Европа, албатта, Аристотель асарлари билан маълум даражада таниш бўлган. Аммо файласуфнинг Европага маълум асарлари неоплатонизм ва айниқса, Плотин томонидан идеализмга бўйсундирилиб, қайта ишланган вариантлари эди. Плотин ва неоплатонизм вакиллари борлиқнинг материалистик асосини мутлоқ тан олмаганлар. Плотиннинг фикрича, материя, тана руҳ учун ёвузлик, фикрлар, ғоялар материяга қарама-қарши ўлароқ эзгуликдир, материя ғояга бўйсунади.

Бу таълимотнинг христиан динига таъсири кучли бўлган. Бу динда одамлар ва моддий дунё, моддий ҳаётга эътиборсизлик, унга нисбатан нафрат уйғотишга уриниш Плотиндан олинган. Плотинчилар ғояни бирламчи ҳисоблайдилар. Плотин Аристотель дунёқарашига хос бўлган электизм, яъни материализм билан идеализм элементлари мавжудлигини англаган ҳолда уни қайта ишлаб, материалистик хусусиятларини камайтириб, идеализмни кучайтирган эди. Даставвал араб тилига сурёний тилидан таржима этилган Аристотель асарлари Плотиннинг қайта ишлаган нусхалари бўлган. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ибн Рўшдлар грек файласуфи таълимотини плотинизмдан тозаладилар, асли нусхаларнинг таржимасини амалга оширдилар, уларга илмий шарҳлар ёздилар. XII-XIII асрлардан бошлаб Шарқ олимлари асарлари таржималари

орқали Европаликлар ҳақиқий Аристотель таълимоти билан таниша бошладилар.

Европа мамлакатлари, айниқса, Франция ва Италиянинг иқтисодий, ижтимоий тараққиёти натижасида черковнинг мутлоқ ҳукмронлигини рад этувчи турли ғоявий оқимлар келиб чиқди. XIII-XIV асрларда Европа мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий, мафкурвий тараққиёти четдан, бу ўринда Шарқдан бўлган таъсирни ўзлаштириши даражасига кўтарилган эди. Европа Шарқдан илм, фалсафа, айниқса, Аристотель таълимотини ўзлаштирибгина қўймай, Шарқ халқларининг минг йиллик маданияти билан танишиб, уни ўзлаштира бошлайди.

1245 йил инглиз олими Рожер Бэкон Собонна университетида Аристотель, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рўшд таълимотлари ҳақида маърузалар ўқийди. Кейинчалик олим Париждан кетишга мажбур бўлади. Англиянинг Оксфорд университетида дарс беради. Рожер Бэкон юқорида қайд этилган алломаларнинг таълимотларини маданиятда анча орқада бўлган Англияда ҳам тарқатди. XIII аср ўрталарида янги таълимотларнинг кенг тарқалиши натижасида “дин илмга аралашмасин, диндорлар ўз иши билан, олимлар ўз иши билан шуғуллансин”, деган талаб майдонга ташланди. Шарқ фалсафаси Европада шунчалик мавқега эришгандики, натижада черков чекинишга мажбур бўлди.

Ирландиялик арабшунос олим М.Уотт "Исломнинг ўрта асрлар Европасига таъсири" асарида бошқа европалик олимлардан фарқли ўлароқ қуйидаги ҳақиқатни тан олган эди: "Европаликлар мусулмон маданиятидан, айниқса, фалсафа ва тиббиёт соҳасида ўзларининг қанчалик қарздор эканликларини ҳис қилганларича йўқ. Кўпинча мусулмонлар маданиятининг ижобий таъсири ва кўламини пасайтириш, ҳатто томоман эсга олмасликка уринамиз. Бизнинг мусулмонлар билан яхши муносабатимиз уларнинг олдида қанчалик қарздор эканлигимизни тан олишга мажбур қилади”. Европалик олимлар кўпинча “араб фани”, “араб маданияти” ёки “ислом маданияти” ибораларини қўллайдилар.

Аввало IX-XII асрларда ривожланган илм-фан ижодкорларининг аксарияти Марказий Осиёлик, қисман эронликлар. Шу боис табиийки, бу иборани қўлланиши ҳақиқатга зид. Иккинчидан, маданиятни, фанни ислом динига эътиқод қилган олимлар яратган. Европаликлар Шарқ халқларини қанчалик менсимай, ўзларини баланд олмасинлар, уларга маданият, санъат, адабиёт, яшаш тарзи, кийиниш ва ҳакозолар шарқликлардан ўтганлиги ҳақиқат. Биргина шу мисолдан кўриниб турибдики, халқлар, авлодлар ва даврлар ўртасидаги ворисийлик нафақат айрим ҳудудлар, балки жаҳон цивилизацияси юксалишида ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Демак, ўрта асрлар маданияти бевосита антик давр маданияти, илм-фан ва санъати ютуқлари асосида ва Шарқ маданиятининг таъсири билан юксалган ҳамда ўша даврда намоён бўла бошлаган ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳодисаларни янада бойитган, кейинги Ғарб Уйғониш даври учун мустаҳкам замин ҳозирлаб берган.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жиҳатидан бу давр феодализм босқичига тўғри келади. Аммо ўрта асрлар тушунчасининг асосий мазмуни муайян даврнинг вақт чегараларини аниқлаштириш билангина кифояланиб қолмасдан, балки бу даврни маданият инқирози палласи сифатида қабул қилинади. Шу маънода ўрта асрлар антик даврга нисбатан сўзсиз йўқотишлар даври деб ҳам қаралар эди. Ўрта асрлар маданиятига паст назар билан қараш кўпинча антик давр маданиятига хайриҳоҳлик билан қаровчи тадқиқотчиларнинг бир ёқлама ёндашувидан бошқа нарса эмас.

Ўрта асрларнинг “зулмат дунёси” тимсолига айланишида ушбу давр намоёндалари бўлган ёзувчилар, шоирлар, тарихчилар, диний уламолар ва давлат арбобларининг ҳам “ҳиссаси” бор. Чунки, улар ўз ижодида асосан замонавий ҳаётнинг мураккаб жиҳатларини акс эттирганлар. Бундай асарларда келажакка ишончсизлик, ҳаётдан норозилик туйғуси сезилиб туради. Шу боисдан ҳам бу муаммолардан халос бўлиш имкони сифатида ажал, ўлим мавзуси марказий ўрин тутган. Улар назарида ўрта асрлар бекорга сарфланган давр, беҳуда кетган юзлаб йиллар сифатида гавдаланган. Ўрта асрларни фақат

жаҳолатдан иборат, антик давр маданияти ютуқларини чиппакка чиқарган давр, дегувчилар ҳам кўплаб топилар эди.

Ғарбий “Христианлар дунёси”, “Рим дунёси”нинг таназзули оқибатида эмас, балки Рим билан “варварлар маданиятларининг ўзаро мувофиқлашуви, бирикиши натижасида юзага келди. Аммо у ҳақиқатан ҳам инқироз, зўравонлик ва шафқатсизлик, антик дунё маданияти ва цивилизациясининг кўплаб ютуқларидан бебаҳра қолиш каби жиддий тўсиқларни бошдан кечирди. Кўплаб антик давр шаҳарлари ва нодир санъат асарлари катта талофат кўрди: айримлари бузиб ташланди, бошқалари (*савдо йўллари ўз йўналишини ўзгартириши муносабати билан*) таназзулга юз тутди. Шунга қарамасдан, илк ўрта асрлардаёқ айрим соҳаларда ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади.

XII асрга келиб Европанинг илғор мамлакатлари бўлмиш Италия ва Францияда феодал тузуми шаклланиб бўлди. Феодал аристократияси, рицарлик ўзининг сиёсий, ижтимоий ва маданий мавқеини ўрнатди. Эндиликда рицарларнинг қаҳрамонлик идеалига эстетик идеал ҳам қўшилди. Бу жараён Салиб юришларини тезлаштирди. Европаликлар Испания ва Сицилияда бўлиб, Салиб юришларида мусулмонлар билан тўқнашувлар натижасида ўзларининг ўта қолоқликларини англаб етдилар. Салиб юришларидан кейин Испания ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан ўрнатилган иқтисодий ва маданий алоқалар ўз натижасини беради.

XI-XII асрларда Франциянинг жанубидаги Испанияга чегарадош бўлган Провансда Европада биринчи бўлиб пул алоқалари, савдо, ҳунармандчилик, маданият, илм-фан, санъат, адабиёт шакилланиб, ривож топди, шаҳарлар обод бўлиб, мавқеи ошди. Испаниядан таклиф этилган меъморлар ҳашаматли бинолар қурдилар. Ҳақиқий рицарлик ҳам даставвал Провансда шаклланди. Эндиликда рицарларнинг билим даражаси кенгайди, қаҳрамонлик, ботирлик идеалига маданиятлилик, сахийлик, олижаноблик, назокатлилик, билимдонлик, ошиқлик тушунчалари ҳам қўйилди.

Феодализмнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган маҳаллий ишлаб чиқариш кучларининг юзага келишини, йирик шаҳар ва қишлоқлардан узок жойларга ҳам маданият ютуқларининг кириб келишини таъминлайди. Маданиятнинг кенг халқ оммасига сингиш даври бошланади. Шу даврдан бошлаб, миллий, ўзига хос санъат шакллана борди, жуда кўп маҳаллий мактаблар пайдо бўла бошлади.

5.2. Христианлик - Европа маданиятининг ўзаги

Ўрта асрларда феодал муносабатларнинг шаклланиши ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда кескин ўзгаришларни келтириб чиқарди. Айниқса, диний ақидаларнинг расман тус олиб, кўп худоликдан якка худолик — тавҳид ақидасига ўтиш жараёни инсониятнинг ҳаёт тарзини ўзгартирди. Библия, Қуръони Каримнинг пайдо бўлиши нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам тафаккурни ва ҳаёт тарзини жиддий ўзгартирди. Маъжусийлик даврида ижтимоий тенгсизлик, жабр, зулм кучли эди. Масиҳийликда энди маънавий жиҳатдан барча инсонлар Худо олдида тенг қадрланади деган ғоя таъсирида инсоният маълум даражада тартибга солинган ҳаёт кечира бошлади.

Муқаддас ёзувлар ва манбаларнинг вужудга келиши нафақат халқлар ва давлатлар диний ҳаётининг ривожида, балки, дунёвий ҳаётнинг такомилида ҳам муҳим ўринга эга бўлди. Жумладан, иудаизм тарихи, назарияси қадимги яҳудийларнинг ҳаёти ва тақдири билан боғланган. Библиянинг қадимги Аҳд-Таврот қисми бу тўғрида тўлиқ маълумот беради.

Ҳамма динлар ўз давридаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг таъсирида, жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришларга, талабларга жавоб тарзда юзага келган. Худди шунингдек, ҳеч бир дин соф тарзда пайдо бўлмаган, унинг негизида бир томондан ибтидоий диний, иккинчи томондан ўз давридаги ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашлар ётади. Демак, ҳамма динларда ворисийлик анъанаси мавжуд.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, христианлик Форс кўрфази атрофида юзага келган, кейинчалик бутун Рим империясига тарқалган бўлиб, унга

яҳудийлик дини, стоиклар, айниқса қадимги юнон файласуфи Сенека таълимоти таъсир қилган деб ҳисоблашади. Христианликка Плотон идеализмининг таъсири катта бўлганлиги илмий адабиётларда асослаб берилган.

Христианларнинг император Константин даври Римда расмий дин сифатида тан олиниши, унда зохидлар (монахлар) оқимини юзага келтирди. Монахлар христианликни давлат, жамият ишлари билан қўшилишига қарши оқим эди. Христианликни давлат, жамият ишларига аралашишни Август Блаженний қўллаб чиқди. У ўзининг диний-фалсафий асарларида илоҳий ҳокимият азалий, одамлар интиладиган дунёвий ҳокимият ўткинчи деган фикрларни илгари сурди. Бу фикрлар расмий черков учун айни муддо эди. Шу тариқа давлатни динга, черковга итоат эттириш бошланди.

Константиннинг пойтахти Константинополга кўчириши билан христианликда маркази Константинопол бўлган шарқий ва марзакий Рим бўлган ғарбий оқимлар (черковлар) юзага келди. Римдаги христиан черковини бошқарувчи епископлар, патриархлар “папа” деб аталадиган бўлди. Константинопол черковини эса патриарх бошқаради. Тез орада шарқий ва ғарбий черковлар ўртасида бир-бирини инкор этувчи қарашлар вужудга келди. Рим папаси ўзини бутун христианлар дунёсини бошқариши, барча давлатлар, подшоҳлар унга бўйсуниши зарур деган ғояни илгари сура бошлади. Шарқ черкови ва Константинопол императори эса ҳар ким ўз ишини қилиши, дин, черков кишиларни худо билан муносабатларини йўлга қўйиб бориши лозим, деган фикрда эди. Император христианликка эътиқод қилсада, черковнинг давлатни бошқариш ишларига аралашишга йўл қўймасликка интилди.

Рим папаси Константинопол черковини ўз таъсирига олиш ниятида элчиларни юборган. Патриарх Михаил Керулларий папа одамларини совуқ кутиб олди. Бундан норози бўлган элчилар София ибодатхонасига бориб папа номидан патриархни черковдан четлатилган деб эълон қиладилар. Патриарх ҳам собор чақириб элчиларни ўзини черковдан четлаштиришга муваффақ бўлади. Ушбу зиддиятдан кейин Рим черкови билан Константинопол черкови

ўртасидаги алоқалар расмий (1054 йил) узилади. Шарқий христианлар православлар (чин эътиқодчилар), ғарбий христианлар католиклар (бутун дунё) деб аталадиган бўлади.

Православ черкови давлат ишларига аралашишдан кўра ўзининг диний ишлари билан кўпроқ машғул бўлди. Бироқ бу православ черковининг давлатдан бутунлай айрича яшади дегани эмас. Православ динининг йирик намоёндалари эътиқод этувчиларнинг маънавий-руҳий тарбиясига эътибор берганларидек, уларнинг давлат ва жамият ишларида ҳам садоқатли, мурувватли, иймонли бўлишига даъват этади.

Ўрта асрлар Уйғониш даври, Реформация каби ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ўзгаришларни ўз ичига олади. Айнан бу даврларда христианлик дунёни маънавий-руҳий нуқтаи назардан ўзгартириш тўғрисидаги ранг-баранг қарашларини юзага келтиради. Шу даврлардан бошлаб деярли барча файласуфлар, тарихчилар, ўзини интеллектуал соҳага оид деб қаровчи кишилар Исло Масиҳ таълимотини у ёки бу даражада таҳлил қилишга, ундан озиқ олишга интиладилар. Санъат, адабиёт, меъморлик, фалсафа, ҳатто ижтимоий-сиёсий соҳаларда христианлик ижодий кучлари руёбга чиқаришига даъват этувчи маънавий куч сифатида намоён бўлди. Европада университетлар юзага келиб, теологияни ўқитиш йўлга қўйилди.

Христианлик ёки масиҳийлик-дунёдаги кўп тарқалган ижтимоий, фалсафий, диний оқимлардан бири бўлиб, Библиянинг янги Аҳд қисмига асосланади. Янги Аҳд (“*Хушхабар*”) Исо-Масиҳ яратган таълимотдан иборатдир. Христианликнинг асосий ғояси-Исонинг одамзоднинг ҳалоскори - “мессия” эканлиги яҳудийликда мавжуд бўлиб, охиратга яқин келиши кутилаётган ҳалоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиққан.

Христианликдаги бу ғоя Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақидаги таълимоти билан мустаҳкамланади. Христианлик Ота Худо, Ўғил Худо ва Муқаддас Руҳ-учлик худо тўғрисидаги таълимотга асосланади. Бу дин дунёнинг ҳамма мамлакатларида учрайди. Гарчи христианлик бугунги кунда Ғарб мамлакатларига хос оқим бўлса-да, аслида Шарқ ва унинг маданияти

билан зич боғланган. У Шарқнинг бой мифологик, бадиий ва ақидапарастлик имкониятларидан фойдаланди. Бу имкониятлар — христианликнинг пайдо бўлиши учун битта имконият ва асосдир. Иккинчи имконият — христиан таълимотининг юзага келишида иудаизмнинг муҳим асос бўлганидир.

Битта далил: инсониятнинг гуноҳ қилиши ва гуноҳлардан фориғ бўлиб, нажот топиш ғояси асли қадимги Миср ва Ҳиндистон динларида, зардуштийликда ҳам, Қадимий Аҳднинг барча китобларида ўз аксини топган. Гуноҳ ва инсониятнинг гуноҳлардан халос бўлиб, нажот топиш ғояси Европа учун ҳам, Шарқ халқлари ҳаёт тарзи учун ҳам муҳим ахлоқий мезондир.

Илк христианлик, барча диний таълимотлар сингари ижтимоий-сиёсий ғоялар маҳсулига, иудаизмга ва Рим ҳокимиятининг собиқ Яҳудия ҳудудидаги ҳукмронлигига қарши, очиқроқ айтганда, эзилган, хўрланган, азоб чекаётган халқнинг таълимоти сифатида вужудга келди. Христианлик таълимоти оммани курашга даъват қилмади, шу маънода бу оқимни асло инқилобий деб бўлмайди. Аксинча, турли кўринишдаги қўзғолон ва урушларнинг, низоларнинг олдини олган оқим сифатида пайдо бўлди.

Инсониятни ҳалолликка ва ортиқча ҳашаматларга, бойликка берилмасликка даъват қилиш ҳам христианлик таълимотининг муҳим жиҳатларидандир. Христианлик таълимоти Шарқнинг маҳсули бўлса-да, Европа маданиятининг юзага келиши ва тараққиётида катта хизмат қилади. Шубҳасиз, Европанинг бой маданияти илдизлари антик давр фалсафасидан, ҳайкалтарошлигидан, архитектураси ва театридан озиқланган бўлса ҳам, Леонардо да-Винчи, Донателло, Жотто, Микеланжело, Рафаэл асарлари христианлик бадиий тафаккури дурдоналаридир.

Аммо ўрта асрларда христиан руҳонийлари Европа адабиёти, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галило Галилейнинг илмий кашфиётларига қарши курашди. Бу курашни христиан таълимотининг бўлиниши маҳсули ва ўзига хос диний таълимотнинг “зўравонлик” сиёсати деб баҳолаш лозим. Бу фикримизни далиллаш учун христианликнинг илк ўрта асрлардаги фаолиятидан бошлаб ўрта асрларгача бўлган тарихига қайтайлик.

Христиан динининг расмий тус олиши осонлик билан бўлмади. 391-392 йиллар император Феодосий христиан динини буйруқ билан расмийлаштирган бўлса-да, у 451 йилга келиб амалга оширилди. Эндиликда бу дин антик дини, фалсафаси ва фанига қарши шафқатсиз курашувчи, фақат дин арбоблари, Рим папаси, черков манфаатини кўзловчи жанговор кучга айланди. Ҳуқуқ тенглиги нариги дунёда, бу дунёда азоб чекканлар нариги дунёда роҳатда бўладилар, деган таълимот ишлаб чиқилди. Христиан дини Европа мамлакатларида феодализм тузумининг тасдиқловчи ва оқловчисига, ўрта асрларнинг ҳукмрон мафкурасига айланди. Черков ақидаларида ҳар бир инсон ҳокимларга бўйсуниши шарт. Ўрта аср адабиёти ҳам хиристиан дини, черков билан мутлоқ боғлиқ бўлган. Ўрта аср Европасида адабиётга фақат сўз санъати билан боғлиқ ижод сифатида қаралмаган, балки диний маросимлар билан алоқадор жанрлар – мадқхия, эпитафия, диний шеърлар, авлиёлар ҳақидаги қиссаларнигина адабиёт деб ҳисоблаганлар. Ҳақиқий бадиий асарларни расмий диний адабиёт тан олмаган.

V асрда Рим епископи **Папа** деб эълон қилинган. Папанинг қўли остида катта ҳукмронлик бор эди. Рим папаси: “Менинг ҳукмронлигим Худо томонидан берилган, мен гуноҳсизман”, деб эълон қилди. Шу тариқа Рим Папасининг обрў-эътибори, сиёсий мавқеи ўрта асрдаги Европа ҳукмдорларидан юқори бўлди. Энди католик дини Ўрта асрларда Европа тарихида ўз ҳукмронлигини зўрлик билан ўтказадиган бўлди. Ҳукмдорлар ҳам Рим папасининг обрўсига таяндилар, доминикчилар, тамплиерлар, Мальта рицарлари каби диний тариқатларнинг обрўйидан фойдаландилар. “Исо-Масиҳ қабрини иймонсизлардан холос қилиш” учун Қуддусга қилинган салиб юришлари бунга гувоҳлик беради.

Ўрта асрлар Европа маданияти черков-диний ғояси билан яқиндан боғланган эди. Черковнинг ҳукмронлиги ўрта асрлар маданиятининг турли соҳаларида, чунончи, фан, мактаб, адабиёт, санъатда акс этди: кишиларнинг олам тўғрисидаги билимлари маҳаллий черков таълимоти доираси билан чекланарди. Бошқа мамлакатлар тўғрисида маълумотлар жуда оз

бўлганлигидан, европаликлар анча вақтларгача олис юртлар ҳақида турли уйдирмаларни тўқишарди. Фан ва техника тараққиёти даражаси жуда паст бўлганлигидан, одамлар қурғоқчилик, тошқин ва касалликлар олдида ожиз эдилар.

Жисмоний эҳтиёжлар ва лаззатлар мутлақлаштирилган Рим жамиятининг аччиқ сабоқларига таяниб, христианлик инсондаги руҳиятга, унинг ички дунёсига асосий эътиборни қаратди. У инсонни зийнат ва кўнгилҳушликдан ўзини тийишга, кўнгилли равишдаги жавонмардликка, ҳиссий, жисмоний туйғуларни сўндиришга чақиради. Христианлик руҳиятнинг жисмоний камолотдан устунлигини эълон қилиб, инсон руҳонияти, маънавиятини шакллантиришга, уни аҳлоқан юксалтиришга катта ҳисса қўшди.

Бу даврда олий диний ҳокимиятни олий сиёсий ҳокимият билан ягона қўлда бирлаштиришга уриниш ғояси кузатилади. Бунга Рим папаларининг (*Шарқда - Араб ҳалифалиги*) Европада ҳокимият жиловларини ўз қўлларига олишга интилишлари мисол бўла олади. Черковнинг қудратли таъсири ўлароқ, Рим папалари Худонинг ердаги ноиблари ҳисобланар эдилар. XII асрга келиб эса, миллий, сиёсий ва давлат манфаатлари билан диний фаолият ўртасида зиддият, низолар келиб чиқди.

Исо-Масиҳ - Қуръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири. Исломда Муҳаммад (*с.а.в.*)дан олдинги пайғамбар сифатида алоҳида эъзозланади. Исо Масиҳга “Инжил” нозил қилинган. Қуръонга кўра, Исо - Оллоҳнинг ўғли эмас, Худо ҳам эмас. Исо - Оллоҳнинг бандаси ва бокира қиз Марямдан мўъжиза билан туғилган. Оллоҳ унга “Бани Исроил” қавмини ҳидоятга бошлаш учун пайғамбарлик даражасини ирода этди. Исо одамларни Худонинг амру фармонларига бўйсуниб, гуноҳлардан тийилишга, барчага меҳр шафқат билан қарашга даъват қилди. Яхудийларни нотўғри йўллардан қайтариб, уларга ҳалол ва ҳаромни тушунтира бошлади. Ўзидан кейин Аҳмад (*яъни Муҳаммад*) номида бир пайғамбар бўлиши башоратини ҳам етказди.

Христианликда Исо-Исус Христос номи билан юритилиб, христианлик асосчиси ҳисобланади (*“Христос” сўзи юнонча бўлиб, ўзбек тилида “ҳалоскор”*

маъносини англатади). Христиан черковларининг аксарияти уни Худо-одам сифатида улуғлайди. Дурадгор Юсуфнинг хотини Мариямдан туғилган Исо ўз тарғиботчилик фаолиятини бошлаб, атрофига 12 шогирд (*апостол-ҳаворий)*ларни тўплайди. Ҳаворийлардан бири Исо тарғибот қилаётган янги таълимотниошкор этиб қўйгани туфайли яҳудийлар суди — синедрион Исони ўлим жазосига ҳукм қилади. Рим нойиби Понтий Пилат ҳукмни тасдиқлайди. Исо Масиҳ чормих қилиниб, қатл этилади. Христианлар Исонинг тирилиб келишига ("*воскресенье*" га) ишонадилар.

Христианлик Яқин Шарқ динларидаги халоскорлик ғоясига ва рим-грек фалсафаси асосига қурилган. Халоскорнинг келиши ҳақидаги ғояларни зароастизм, Бобил мифологияси ва қадимги Миср ёзувларида учратиш мумкин. Христианликдаги яккахудолик, халоскорнинг кетиши, дунёнинг Худо томонидан яратилганлиги, "Худо ўғли", одамнинг гуноҳдан пайдо бўлгани ҳақидаги ғояларни аслида Филон Александриский (мил. ав. 20 мил. 54 й.й.) ишлаб чиққан. Донишманд Сенеканинг тана "руҳ қафаси", ақл ва руҳ Худо руҳининг учқунчаси, руҳ ўз қафасидан эркинликка интилади, қуллик руҳга эмас, танага хос ҳодиса, ҳамма кишилар ҳуқуқий масалаларида тенг каби фикрларни ҳам кейинчалик христианликка ўтди. 324 йили Рим императори Константин ўз ҳукмдорлигини кенгайтириш мақсадида христианликни давлат дини деб эълон қилди.

Христианликда асосий ғоялар "Инжил"да, унинг иккинчи қисми "Янги Аҳд"да ўз ифодасини топган. Ундаги энг асосий аҳлоқий фалсафий ғоя Худо – севги, меҳр-муҳаббат манбаидир. Худо барчани, миллат ва эътиқодидан қатъи назар, севгучидир.

Исо Масиҳ одамларга қарата, сиз ернинг тузисизлар, сиз дунёнинг нурисизлар. Душманларингизни севинглар, лаънатланганларни дуо қилинг, нафратланганларга яхшилик кўрсатинг. Бошқалар устидан ҳукм чиқарманг, сизнинг устингиздан ҳукм чиқарувчилар топилади, сизлар қандай қилсангиз, сизга ҳам шундай ҳукм ўтказилади. Одамлар сизга қандай муомала қилишларини истасангиз, сиз ҳам уларга шундай муомалада бўлинг. Ёмонга

қарши чиқманг, ким ўнг-чекканга урса, унга иккинчисини ҳам урдир. Шундай қилиб, осмондаги Отангиз баркамол бўлгани каби, сиз ҳам баркамол бўлинглар, (қаранг: Инжил, Стокгольм, 1992. 5-7 боблар) дейди.

Жамият ва давлат таназзулга юз тутган, юрт, эл тўпланган бойликларга қараб бир-бирига ёв гуруҳларга бўлинган кишилар нафсига, шаҳвоний ҳирсларга берилиб аҳлоқан тубанлашган бир даврда бундай шиорлар билан қалби инсонпарварлик ғояларига тўлиқ инсонгина майдонга чиқиши мумкин эди. Одамни, миллати, эгаллаган мавқеи ва тўплаган давлатидан қатъи назар, “ернинг тўзи”, “дунёнинг нури”, яъни ҳаётнинг олий неъмати деб улуғлаш буюк жасорат эди. Ғанимларни ҳам севиш, зўравонликни итоат ва меҳр-муҳаббат кўрсатиб енгишга даъват этиш христианликни жаҳон динларидан бирига айлантирди. Бу фикр ҳозирги кунда ҳам аҳлоқнинг юксак намунаси ҳисобланади.

Насронийлик (*христианлик*) жаҳон динлари бўлмиш зардуштийлик, буддавийлик ва ислом каби йирик динлардан бири бўлиб, яҳудийликдан мустақил дин сифатида ажралиб чиққан. Ҳозирги кунда унга 2 миллиарддан зиёд аҳоли эътиқод қилади.

Католик черкови қатъий марказлаштирилган ягона жаҳон маркази — Римнинг ичидаги Ватикан давлатида жойлашган. Католик черковини амалда папа ва унинг жойлардаги кардиналлари бошқарадилар. Католик черковида кардинал Рим папасидан кейинги олий руҳоний бўлиб, кардиналлар мажлисининг розилиги билан папа томонидан тайинланади ва у папанинг энг яқин маслаҳатчиси ҳисобланади. Ўз навбатида кардиналлар йиғилиши Рим папасини сайлайди. Кардиналларнинг умумий сони асрлар давомида 70 нафардан ошмаган.

Месса- католик христианларида асосий ибодатлардан бири (*литургия*)нинг номи. Христианларнинг эътиқодига кўра, Месса жараёнида ибодат қилувчилар Исо Масихга қўшилиш орқали ўз гуноҳларидан халос бўладилар. У “Инжил” парчаларини ўқиш, диний мавзуларни куйлаш ҳамда Исо Масиҳни ҳаёти ва ўлимини ифодаловчи махсус ҳаракатлардан иборат.

Уйғониш давридан бошлаб Европа маданиятида энг йирик диний мусиқа жанрини, лотин матнларида айтиладиган орган ёки вокал-чолғу туркумининг оддий, тантанавор ҳамда қисқа турлари мавжуд. Людвиг ван Бетховен, Иоганн Себастлин Бах, Иосиф Гайдн, Моцарт каби буюк бастакорлар орган мусиқаси даҳолари дейилади.

Православие - христианликдаги 3 асосий оқимдан бири. Рим империяси Ғарбий ва Шарқий қисмларга ажралгач (395-йил), пайдо бўлган. Православие илоҳиёти асослари IX-XI асрларда **Византия**да шаклланган. Христиан черкови католик ва проваславие черковига бўлинганидан кейин 1054 йилда мустақил черков сифатида узил-кесил қарор топди. Европада XI асргача мактаблар черков қошида бўлган. Черковларда таълим бирон халқ гаплашмайдиган лотин тилида олиб борилган. Славян халқларининг кўпчилиги христиан динини Византия империясидан қабул қилган. Диний китобларни славян тилига кўчиришга зарурат туғилди, аммо бунинг учун аввало славянларнинг ёзувини яратиш муаммоси бор эди.

Роҳиблардан **Кирилл ва Мефодий** IX аср ўрталарида юнон алифбоси асосида славян алифбосини яратди (*у кириллица деб аталади*). Православие мазҳабининг асосий муқаддас китоблари “Таврот” ва “Инжил”дир. Асосан Шарқий Европа ва Яқин Шарқда кенг тарқалган православиенинг католиклардан фарқларидан бири шуки, ягона диний марказ, черковларнинг ягона бошлиғи йўқ.

Православие- оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси, муқаддас учликдан иборат ягона Худо ва унинг ўғли Исо ва муқаддас руҳ эканлиги, Исо Масиҳнинг ҳалоскорлик фаолиятини тан олади. Бу мазҳабда христианликнинг 7 сирли маросими асосий ўринни эгаллайди. *Пасха ва постлар*га (*насронийлар рўзаси*) катта эътибор берилади. Диний маросимлари — бутларга сажда қилиш, руҳонийларнинг уйланишлари ва никоҳдан ўтишларининг мумкинлиги, қўшиқ қироатларини ўз тилларида куйлаш ва бошқа расм-русмлари билан католиликдан фарқ қилади.

Ибодатхоналарда диний аҳамиятига кўра эрталабки, пешинги ва кечки ибодатлар қилинади. Асосийси -пешинги ибодат бўлиб, уни бажариш вақтида қавмлар нон ва вино тортадилар. Православие мазҳабининг ўзига хос хусусияти иконаларга сиғинишдир. Ибодат қилиш вақтида хоч (*крест*), шамлар, ҳар хил идишлар ишлатилади.

Дин тарихий тажрибалар асосида ҳаётни муқаддас шаклда тасвирловчи ғояларни яратди. Натижада, фалсафада – теология, адабиётда – илоҳий дидактик жанрлар, Европа мусиқасида черков гимнлари-литургия, тасвирий санъатда христианлик сюжетлари асосий ўрин тутди. Асосий фанлар илоҳиёт ва схоластика (*ўрта асрлар фалсафасида юнонча бу атама догма, юзаки , формал билимни англатган*). Илоҳиёт олам ва инсон ҳақидаги ўз «илмий» манзарасини яратди. Коинот хусусидаги илмда Ер-Оламнинг, маркази Иерусалим-Қуддуси шариф дунёнинг маркази деган қараш ҳукмронлик қилди. Инсон мажозий тарзда микрокосмос-тана-ер, қон-сув, нафас-ҳаво, ҳарорат-олов, яъни у бошланғич ибтидодан иборат деб қаралди.

Ғарб бадиий маданиятининг ривожланишида маданитшунослик ва санъатшуносликда “христианлик маданияти”, “христианлик санъати” деб аталаётган ижтимоий-маданий воқелик алоҳида ўрин тутади. Эрамизнинг бошларида юзага келган христианлик III-IV асрларга келиб нафақат руҳий ҳаётда, эътиқод ва ибодатда, шу билан бирга, бадиий ижодда ҳам ўз ифодасини топа бошлади. Натижада IV-XIV асрнинг ўзига хос Ғарб маданияти пайдо бўлди. Шуни айтишимиз керакки, нафақат Ғарб маданияти ва санъати ҳамда христианлик дини ҳам қуруқ жойда бўлмасдан, у ўздан олдинги антик даврда шаклланган яҳудийлик дини, қадимги Грек-Рим фалсафаси ва аҳлоқий қарашларининг давомчиси эди. Шунинг учун уни, яъни христианликни, бутунлай янги дин ва санъат яратди дейиш тарихий ҳақиқатга зиддир.

Христианликнинг муқаддас китоби “Инжил” ўзининг тили, тасвир усули ва ички композицияси нуқтаи назаридан бадиий асарни эслатади. Унинг байтларини “шеър” деб аташлари ҳам бежиз эмас. “Инжил”даги афсона ва ривоятлар, ҳикматли сўзлар, ўхшатишлар, иборалар, авлиёлар ҳақидаги

ҳикоялар кенг тарқалиб Ғарб ҳаёти тарзига ва маданиятига ҳамон жиддий таъсир ўтказиб келади. Шунинг учун ҳам П.Чаадаев Инжилда “барча даврларга тааллуқли илм, дарс мавжуд” деганида ҳақ эди.

Христианлик санъати узоқ йиллар черков таъсирида пайдо бўлди. Шу боис христианлик санъатида черков қуриш ва уни бадиий безатиш алоҳида бир санъат сифатида шаклланади. 532-537 йилларда Константинополда қурилган муқаддас София ибодатхонаси ўзининг салобати билан ер ва осмон ўртасида, муқаддас бирлик, бу бирликнинг эса яратувчиси мавжуд деган фикрга ундайди. Ибодатхона ичларини безашжа илоҳий образлар билан бирга, реал тарихий шахслар, айниқса, шоҳ ва унинг оила аъзолари ҳам тасвирланадиган бўлди. Рангли тасвирларни илоҳийлаштириш ва уларга сиғиниш христианликнинг ашаддий қўриқчилари бўлган руҳонийларга ёқмайди. Улар тарихга иконага қарши курашувчилар номи билан кирган. VIII асрдан бошлаб ибодатхоналарни безаш, черков рухсати билан амалга ошириладиган маданий марказларга айлана борди. Ҳар бир шаҳар марказида ибодатхоналар қурилади. Илм, фандаги ранг-баранглик ва ҳурфикрлик санъатга ҳам таъсир қилди. Натижада ибодатхона ичларини бадиий безашда христиан динининг асосчилари ва тарғиботчиларидан ташқари яна реал кишилар тасвирлари пайдо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, христианлик санъатида илоҳий образлар ғайриҳаётий, ғайринсоний ғоялар билан эмас, балки аксинча, одамни ундаги гўзалликни улуғлаш ғоялари билан суғорилган. Ҳатто Худо, Исо Масиҳ ҳам оддий одам кўринишида тасвирланади. Айнан мана шу санъат усули христианликни барчага тушунрли, улар ҳаётига яқин динга айлантирган. Бу ўринда Рафаэль, Микеланжело, Леонардо да Винчи, Себастъяно дель Пъомбо, Жоржоне, Тициан, Қоррежо, Федерика Бароччи, Каррачи, Караважо, А.Дюрер ижодини эслаш ўринлидир.

Христианлик мусиқа, ашула, хор оркестр санъатларидан кенг фойдаланган. Черков ўз таъсирини ёйиш мақсадида бу санъатлардан фойдаланишининг махсус йўлларини ишлаб чиққан ва қайси ўлкага

христианликни ёймоқчи бўлса ўша ерга руҳонийлардан олдин мусиқачиларни юборган. Инжилнинг ўзи ҳам худони мусиқа ва қўшиқ билан шарафлашга даъват этади. Христианлик байрамлари эса ажойиб бир санъат намунасидир.

Асосий мавзу -Худони куйлаш, Инжил асотирлари, авлиёлар ҳаёти, руҳий-ахлоқий покланиш, гуноҳдан фориғ бўлиш ақидалари эди. Мусиқавий маданият негизини черков қўшиқ-куйи (*литургия*), мусиқа, шеърият ва драматургияни ўзида уйғунлаштирган черков тантаналари ташкил этди. Меъморлик ва тасвирий санъат илоҳиятни унсиз тарғиб шакли тарзида намоён бўлди. Унинг бутун ифода шакли-бино ичининг хоч шаклидалиги, атрофнинг безак-ҳашами, турли ҳайкалчалар, мой бўёқли тасвирларда христиан рамзлари ва христианлик ақидалари ифодаланган.

Бош жанр икона бўлиб, у омма учун худо билан руҳий-ҳиссий боғланиш — алоқа шакли саналган. Тасвирда худо бандаларининг гуноҳ кечмишлари, уларни бу гуноҳлардан фориғ этишга қаратилган мотамсаро кўриниши ифодаланган.

Монастирлар (*юн.монахлар маскани*) - черковнинг муайян йўл-йўриқлар асосида биргаликда яшовчи монах (*роҳиб*)лар жамоаси; монахлар жамоаси фойдаланадиган ибодатхона, турар-жой ва хўжалик бинолари мажмуаси.

Монахлар, роҳиблар (*юн.- ёлғиз*) -ижтимоий-диний гуруҳ. Улар тарки дунё қилиши, мол-мулкдан воз кечиши, нафсини тийиши (оил*а қурмаслиги*), қариндошлик ва ижтимоий алоқалардан ҳоли бўлиши, қатъий интизомга риоя қилиши керак. Монах монастирда яшаши ва унинг қоидаларини бажариши шарт ҳисобланган.

Аббат католик монастири бошлиғи. Христиан жамоаларининг ижтимоий таркиби вақт ўтиши билан руҳонийлар ва оддий жамоа аъзоларига бўлинган. Айрим жамоалар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиши епископ бошлиқ черковнинг таркиб топишига олиб келди. Черков катта бойлик тўплаб, сиёсий кучга айланиб борган. Дастлаб христианларни таъқиб этган Рим императорлари кейинчалик христианлик тарафдорлари бўлдилар. IV асрга келиб, христианлик

Рим империясида мавжуд ижтимоий тузум ва унинг тартибларини ҳимоя қилувчи давлат динига айланди.

Черков (*юн. - Худонинг уйи*) -христианликдаги махсус диний ташкилот. Ўз диний ақидалари ва маросимлари тизимига эга. Христианлик черкови - "Исонинг илоҳий танаси", унга эътиқод қилувчилар шу жамоа аъзоларидир. Исо эса шу тана боши деб таълим беради. Черков диндорлар уюшмаси бўлиб, сирли маросимлар (*хусусан, нон ва вино тортиш маросими*)да инсон билан Худонинг биргаликдаги иштироки орқали уларнинг бирлашиб кетиши амалга оширилади деб тасаввур қилинади.

Христиан черкови кейинчалик ўз мақсади ва мазмуни билан ҳукмрон табақа манфаатига хизмат қилса-да, унинг маориф, маданият ва, маълум даражада, фанларнингривожланишига қўшган ҳиссасини эътироф этиш лозим. Дастлабки кутубхоналар монастирларда бўлган. Монах-хаттотлар, кўпинча диний мавзуда бўлса-да, китобларнинг янги нусхаларини кўчирганлар. Европада XI асрга қадар мактаблар ҳам черковлар қошида ташкил этилган бўлиб, уларда ўрта асрларнинг барча буюк алломалари таълим олганлар.

Христиан динининг халоскорлик кучига ишонган халқ кўпинча ўз хоҳиши билан, баъзида мажбуран ҳосилининг катта қисмини черков ва монастирлар ҳисобига ҳадя қилар эди. Бу борада черковнинг нақадар катта имкониятларга эга бўлганлигини Париж яқинидаги Сен-Жермен монастирига тегишли деҳқонлар сони 80-мингдан ортиқ эканлигидан ҳам билса бўлади.

Ўрта асрлар Европасида бой-бадавлат кишиларнинг ҳам кўпчилиги саводсиз бўлган, шу сабабли жамиятнинг барча қатламлари иштирок этадиган оммавий тадбирлардан бири диний мавзудаги маърузалар эди. Воизлар инсоннинг ҳаётида, унинг турмуш тарзида, касбий фаолиятида амал қилиниши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида нутқлар сўзлаб, уларни эзгуликка, ўзаро ҳурматга чақирганлар. Масалан, XIII асрда Германияда машҳур воиз **Бертольд Регенсбургский**(1210-1272) шундай атоқли арбоблардан эди. Маълумотларга кўра, унинг насиҳатларини тинглаш учун 50 минглаб халқ йиғилган. 1250-1272 йиллар мобайнида ушбу воиз томонидан тайёрланган 60 та нутқ маълумдир.

Б.Регенсбургский инсон худо олдида қуйидагилар учун жавоб беришини уқтиради:

• ўзимиз учун (*барчамиз эзгуликка интилиб яшашимиз лозим*);

• истеъдодимиз (*лавозим, хизмат тури*) учун (қандай бўлишидан қатъий назар) ўз даражасидан ҳеч ким нолимаслиги керак;

Агар ҳамма рицар, амалдор бўлса, ким озиқ-овқат, кийим-кечак тайёрлайди, бинолар барпо этади? Ўғрилик, қаллоблик, судхўрлик худо томонидан яратилган касблар эмас. Демак, улар билан шуғулланиш-яратганга шак келтиришдир.

Ўрта асрларнинг илоҳиётга оид муаммоларидан бири ақл ва эътиқод масаласи ҳисобланади. Ғарбда бу бир томондан, эътиқодни ақлдан мустақил, мутлақ устун деб билувчилар ва иккинчи томондан, диний ақидаларни асослашда ақлнинг ролини эътироф этувчилар (Анлий *Боеций, Пьер Абеляр, Сигер Брабантский*) ўртасидаги мунозараларда ифодаланади. Агар биринчилар авлиё Августиннинг «Англаш учун ишонаман» деган иборасини шиор қилиб, эътиқодни заковатдан устун эканлигини асослашга уринган бўлсалар, уларнинг муҳолифлари Пьер Абелярнинг «Ишониш учун англайман» сўзини шиор деб билганлар. XIII асрда Фома Аквинский «Олтин оралиқ»ни топиш - заковат орқали эътиқодни қисман асослашга уриниб, аслида Зардуштийликнинг «Икки ҳақиқат» тўғрисидаги (*дуализм*) назариясини эътироф этди. Халқ орасида христиан динининг нуфузи юқори бўлган.

Ўрта асрлар даврининг **диний таълимотлар** тараққиётида алоҳида ўрин тутган сиймо, машҳур илоҳиётчи, файласуф олим, мулойимлиги туфайли “фаришта доктор” лақабини олган, вафотидан сўнг (1323 й), авлиё деб эълон қилинган **Фома Аквинский** (1225-1274)Худонинг борлиги тўғрисида шундай далиллар келтиради:

Биринчидан - табиатда ҳаракат мавжуд. Биринчи ҳаракатга солувчи куч бу -Худодир.

Иккинчидан -ўзаро таъсир қилувчи сабаблар мавжудлиги, яъни бирон нарса таъсир қилувчи сабабсиз юз бермайди. Бош сабабчи -Худодир.

Учинчидан -тасодиф ва заруриятнинг ўзаро муносабати.

Тасодифий нарса зарурий нарсага боғлиқ. Бош зарурат-Худонинг иродасидир.

Тўртинчидан -инсон ҳаёти давомида камолотга интилади. Энг олий камолот эгаси -Худодир.

Бешинчидан -оламниваҳамма нарсаларнинг мақсадга мувофиқ яратилганлигидир. Шундай бир олий куч борки,барча нарсаларни мақсадга йўналтиради -бу Худодир.

Икки ҳақиқат ғоясини Сигер Брабнтский фалсафа ўз ҳақиқатини, дин, Худо ўз ҳақиқатини беради, деб асослаган эди. Бинобарин, ҳақиқатнинг диний ва фалсафий талқини қиёсланиб, англанмоғи лозим.

Мусулмон Шарқида илм ва ақл-идрокка ҳар доим фақат маънавий юксалиш йўлидаги босқич сифатида қаралган, ақл ва илм бошқа мақсадга қаратилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам IX-XVI асрлардаги араб тилига асосланган тажриба фанлари ва фалсафа тараққиётидаги катта ютуқларнинг барчаси диндан ажралмаган ҳолда содир бўлди, илмнинг бош вазифаси ҳаёт учун зарур ҳисобланган маънавий асосни яратишда давом этган.

Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг диний маданиятларида сезиларли фарқлар ҳам мавжуд. Ўрта асрлар Европасида черковнинг аҳамияти алоҳида кўрсатилиб, унда черков худо ва инсон ўртасидаги воситачи, қолаверса, инсоннинг руҳини илоҳий «мўъжиза» ёрдамида халос қилиши мумкин (*чўқинтириш, тавба, никоҳ удумларида*) дейилади. Черков Европа халқлари учун билимларни тўпловчи ва сақловчи жой бўлиб, таълим тизими, ҳуқуқий ва ахлоқий мезонларнинг шаклланиши, жамиятнинг ижтимоий тузилишида муҳим роль ўйнади.

5.3. Ўрта асарларда таълим тизими ва адабиёт

Ўрта асрлар Европа маданиятининг энг йирик ютуғи ўрта ва олий таълим тизимининг яратилишидир. Бу даврда феодал жамиятнинг деҳқончилик меҳнатидан озод бўлган қисми бошқа фаолият турлари -санъат, адабиёт, ҳарбий хизмат, таълим билан шуғуллана бошлади. Таълимнинг у ёки бу тури қадимги цивилизацияда ҳам мавжуд бўлган. Бу тизим айрим ҳудудларда ҳатто бугунги

олий таълим муассасаларининг илк кўринишлари тарзида бўлган. Масалан, қадимги Юнонистонда Пифагор, Аристотель мактаблари узоқ вақт, Платон академияси эса улардан ҳам кўпроқ (минг йил) фаолият кўрсатган.

Ўрта асрлар Европасида саводли кишилар нафақат деҳқонлар, балки феодаллар орасида ҳам оз сонли эди. Рицарларнинг кўпчилиги имзо чекиш ўрнига белги қўйганлар. Ғарбий Европада узоқ вақтларгача руҳонийларгина нисбатан саводхон бўлиб келди: улар диний китобларни ўқишлари, ибодат дуоларини билишлари, худонинг қудратини диндорларга чиройли қилиб тасвирлаб, кишиларни ишонтиришлари лозим эди.

Черков ва монастирлар ҳузурида ташкил этилган қуйи мактаблар ўз олдига саводхон диндорларни тайёрлашни мақсад қилиб қўйган. Бу мактабларда асосан лотин тилини, ибодат ва дуолар ўқиш тартибларини ўргатишга эътибор берилар эди. Диний мактабларда саккиз ёшли болалар ҳам, ўсмир йигитлар ҳам ёшига қараб, синфларга бўлинмасдан, баробар ўқитилган.

Византия Рим, юнон ва эллинизм анъаналари таъсирида вужудга келган ўзига хос маданият маркази эди. Антик давр таълими анъаналари сақланиб қолган ва юксак даражада ривожланганди. Византияликлар таълимнинг ҳар қандай турига, илм-фанга катта эътибор билан қараганлар. Мамлакатда давлат тили юнон тили бўлиб, қадимги Рим маорифи тартиби тўла сақланиб қолган эди. Болалар 6-7-ёшдан мактабга берилиб, бошланғич таълим (*ўқиш ва ёзишни ўрганиш*) хусусий мактабларда 2-3 йил давомида амалга оширилган.

VIII асргача ўқув дастури мажусий динлар афсоналарига, кейинроқ Библия китобларига асосланган. Ўрта маълумот грамматика ўқитувчиси раҳбарлигида олинган. Дастурга орфография (*имло қоидалари*), гамматика нормалари, талаффуз, шеър ёзиш қоидалари, нотиқлик санъати, шунингдек, ҳужжатлар тузиш услубияти киритилган. Диний мактаблар билан бирга давлат ва хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатган. Умуман, аҳолининг барча тоифалари учун бошланғич таълим олиш имконияти мавжуд бўлган.

425 йилда Константинополда барпо этилган олий мактаб (*аудиторий*) бошқа олий мактаблардан ўзиб кетди. Константинопол аудиторийси давлат

муассасаси, унинг профессорлари давлат хизматчилари ҳисобланар, пойтахтда дарс бериш фақат уларга рухсат этиларди. IX аср ўрталарига келиб Магнавр олий мактаби ишлай бошлади. Бу мактаб олий дунёвий амалдор ва дин пешволарини тайёрлар эди. 1045 йили Константинополда юридик ва фалсафий мактаблар давлат муассасаси сифатида очилди. XII асрда олий мактабда тиббиёт фани ҳам ўқитила бошланди.

Византияда математика, айниқса, алгебра муваффақиятли ривожланди. Математика ва астрономиянинг тараққиёти кундалик амалий ҳаётга-ҳунармандчилик, денгизчилик, савдо, ҳарбий иш, қишлоқ хўжалиги ривожланишига йўналтирилган эди. Муваффақият қозонган муҳим соҳалардан яна бири тиббиёт бўлган. Тиббиёт ва ҳунармандчилик эҳтиёжлари кимёнинг ривожланишини рағбатлантирди. Византияликлар шиша, эмаль бўёқ тайёрлашнинг антик даврдан сақланиб қолган сирларидан хабардор бўлишган. Империя VII асрда кашф қилинган "юнон олови" (*нефть ва смола қоришмасидан тайёрланган ёнувчи модда*) денгиз флоти ва қуруқликдаги жангларда византияликларга кўплаб ғалабалар келтирган.

Византияда тарих ва география фанлари ҳам тараққий қилган. Географлар яратган хариталар, шаҳарлар лойиҳаси чизмалари ўз даврида ушбу соҳанинг юксак муваффақияти белгиси эди. Тарихчилар томонидан яратилган асарлар ҳам ўзининг ҳаққонийлиги, аниқлиги ва холислиги билан ажралиб турарди.

Университет (*лот.-йиғинди, мажмуа*) табиий, ижтимоий ва гуманитар йўналишда юксак малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган кўп тармоқли олий ўқув-илмий муассасаси. Университет ўз битирувчиларининг келажакдаги илмий-амалий ва педагогик фаолиятлари учун чуқур назарий тайёргарлик кўришларини таъминлайди. Ўқув ва илмий ишларининг узвий равишда қўшиб олиб борилиши университет таълимининг асосий ўзига хос жиҳатидир.

Профессор атамаси дастлаб Рим империяси (*мил. ав. I аср ўрталари, мил. V аср бошлари*)да грамматика ва воизлик мактаби ўқитувчиларига нисбатан қўлланилган. Ўрта асрларда диний мактаб вакиллари, XIII асрдан университет

ўқитувчилари профессор деб аталган. Ўрта асрларда профессор атамаси олимлик белгиси сифатида магистр ёки фан доктори илмий даражалари маъносини билдирган.

Илмий даражалар (*бакалавр, магистр, доктор*) тизими, умумий ва махсус фанларни узвийликда ўқитиш тартиблари ҳам ўша даврларда яратилиб, то бугунги кунгача такомиллашиб келган. Шунингдек, Ғарбий Европа университетлари ўзига хос маданият маскани бўлиб ҳам хизмат қилди. Бунда барча университетларда таълим умумий-лотин тилида олиб борилиши етакчи омил бўлди. Университет дипломларини халқаро миқёсда тан олиш анъанаси ҳам ўрта асрларда пайдо бўлди.

Ўқув ишларини тартибга солиш, маъруза ва имтиҳонларни талаб даражасида ташкил этиш мақсадида университетларда диний, юридик, тиббий ва умумтаълим факультетлари ташкил қилинган. Ҳар бир факультетга сайлов асосида тайинланган декан раҳбарлик қилган. Факультетнинг асосий мақсади маърузаларни ташкил қилиш ва тақсимлаш, баҳс-мунозаралар, тажрибалар ўтказиш ҳамда илмий даражалар беришдан иборат бўлган.

“Етти эркин санъат”-ўрта асрлар мактабларида ва университетларининг “пропедавтик” (*майёрлов*) факультетларида ўрганиладиган ўқув фанлари 2 босқич-тривиум(*грамматика, риторика, диалектика*) ва квадриум (*арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа*) дан иборат бўлган. “Етти эркин санъат” антик даврдаёқ шаклланган. Ўрта асрлар даврида диннинг ҳукмронлиги ортиши ва маданиятнинг инқирози сабабли қадимги давр олимлари томонидан илмнинг бу соҳаларига қўшилган бой мазмун диний мақсадда фойдаланиладиган оддий маълумотларни чекланган миқдорда иборат қилиб қўйди. Уйғониш даврида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ортиши туфайли таълимнинг мазмуни ўзгарди, "Етти эркин санъат"нинг дунёвий шакли тикланди. "Етти эркин санъат" тизими ўрнини аста-секин мумтоз гимназиялар тизими эгаллади.

Ўрта асрлардаги университетларда одатда, пропедавтика (*майёрлов*), илоҳиёт, тиббиёт, ҳуқуқ сингари 4 та факультет бўлган. Пропедавтик факультет

ҳамма учун мажбурий бўлиб, унда рицарлар учун зарур "Етти эркин санъат" ўргатилган.

Пропедавтик факультетнинг грамматика, риторика, диалектика асосларини ўрганган талабасига санъат бакалаври даражаси берилган. Факультетнинг фалсафа, арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа назариясининг тўлиқ курсини ўзлаштирган талаба санъат магистри даражасига эришган ва у қолган 3 та факультетнинг бирига кириб ўқиш ҳуқуқини қўлга киритган. Дастлабки университетларда худди мадрасалардаги каби ўқиш муддати ҳам, талабаларнинг ёш чегараси ҳам белгилаб қўйилмаган. Амалда университетда ўқиш 12-14 йиллаб давом этган.

Оксфорд университети **—** Буюк Британиянинг йирик ва қадимги университетларидан бири бўлиб, XII асрнинг 2 ярмида Оксфорд шаҳрида, **Кембриж** университети ҳам Европадаги қадимги университетлардан бири 1209 йилда Буюк Биританиянинг Кембриж шаҳрида ташкил этилган. XVI асрда университет Англияда реформация, XVII асрда ўша даврдаги илғор фан марказига айланган. 1669-1702 йилларда Исаак Ньютон Кембриж университети профессори бўлган.

Сорбонна — Франциядаги йирик ўқув ва илмий марказлардан бири. 1215 йил черков маркази негизида вужудга келиб, Европада биринчи дунёвий университет ҳисобланган. Дастлаб санъат, ҳуқуқ, илоҳиёт, тиббиёт факультетлари бўлган, 1257 йил Парижнинг лотин кварталида **Сорбонна** деб аталган коллеж ташкил этилган (*асосчиси Робер де–Сорбон номи билан боғлиқ*). XVII асрда Сорбонна коллежи билан Париж университети қўшилиб. уларнинг ҳар икки номи айнан ишлатила бошланди. Париж университети ўрта асрларда ва XVII асрга қадар Европада илоҳиёт ва юриспруденция соҳасида йирик ўқув юрти ва илмий марказ ҳисобланган. Ҳозирги кунда дунёнинг энг йирик олий таълим маскани бўлмиш университетда 250 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

Шундай қилиб, ўрта асрларда университетлар тизимининг ташкил топиши ва уларнинг фаолияти кейинги даврлардаги илмий, маданий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун катта аҳамият касб этди.

Мактаб ва университетларнинг кўпайиб бориши китобга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Илк ўрта асрларда китоб қимматбаҳо буюм бўлиб, у пергаментга — бузоқ терисидан тайёрланган махсус варақларга хаттотлар томонидан ёзилган. XII асрдан бошлаб алоҳида китоб чоп этиш устахоналарининг очилиши уларнинг бирмунча арзонлашувига олиб келди. XIV асрдан қоғознинг кенг қўлланиши эса, уни янада кўпроқ чиқариш имкониятини туғдирди.

Қоғоз Хитойдан Шарқ давлатлари, жумладан, Самарқанд орқали Европага кириб келди. Испанияда дастлабки қоғоз устахоналари XII асрдан ишга тушган. Кейинчалик, XIV асрдан эса бу соҳа Италияда ҳам ривожлана борди. Европадаги дастлабки устахоналарда қоғоз эски латталардан тайёрланган. 1445 йилда Германияда **Иоганн Гуттенберг**нинг китоб босиш дастгоҳини кашф этиши натижасида китобнинг оммавий тарқалиши Европа маданий ҳаётининг янада юксалишига олиб келди.

Бу даврда санъат, аста-секин варварлик таъсиридан халос бўлиб, **антик давр** меросига фаол мурожаат қила бошлайди. Шунинг учун бу даврни маълум маънода "Каролинглар Уйғониши" деб ҳам айтишади. Бунда, юқорида таъкидлаганимиздек, Буюк Карлнинг ҳиссаси алоҳидадир. У ўз саройи қошида маданий-маърифий марказ ташкил қилиб, уни Академия деб атайди. Буюк Карл академияда етук олимлар, файласуфлар, шоир ва рассомлар ижоди учун қулай шароит яратишга катта ҳомийлик кўрсатди. Натижада бу даврда фанлар ва санъат сирларини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш, уларни янада ривожлантиришга бўлган интилиш кучаяди. Айниқса, антик давр маданияти билан мустаҳкам алоқа ўрнатилиши учун кўп саъй-ҳаркатлар амалга оширилади.

VIII-IX асрлар Европа адабиётида **жанговар шеърият** шаклланди. Жанговар достонлар асосан икки йўналишда, яъни тарихий воқеаларга ва ҳаёлий тасаввурларга, халқ эртаклари ва афсоналарига мос равишда яратилган.

Тарихий жангномаларга француз халқ оғзаки ижодининг "Роланд ҳақида қўшиқ" ёки испан адабиётига оид "Сид ҳақида қўшиқ" асарларини мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин. Германияда яратилган "Нибелунглар ҳақида қўшиқ" достони эса тарихий ҳақиқат ва афсоналарни ўзида мужассамлаштирган асардир. Ўрта асрлар маданиятининг энг ёрқин саҳифалари кейинчалик романтик тус олган **рицарлар адабиёти** билан бевосита боғлиқ.

Францияда мафкура соҳасидаги кураш бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топди.Шу даврда ажойиб бадиий асар “Атиргул ҳақидаги роман” ёзилади. Романнинг биринчи қисми XII асрнинг ўттизинчи йилларида Гилъом де Лоррис томонидан ёзилган бўлиб, рицарлик романлари руҳидаги асар эди. XIII асрнинг етмишиинчи йилларида асар Жан де Мён томонидан давом эттирилган.

Романнинг биринчи қисмида шоир боққа кириб ўта гўзал, ажойиб атиргул кўради. Уни томоша қилиб турганида грекларнинг ишқ маъбуди Амур найзасини шоирга отиб, гулга ошиқу шайдо қилади. Аммо Уят, Қўрқув, Фитна, Раддият Салом, Олийҳимматлилик, Раҳмдиллик, Ҳасад аралашиб, икки томон кураша бошлайди. Асар туш кўриш баёни шаклида ёзилган бўлиб, назокатлик, муҳаббат ғояси илгари сурилади. Романнинг иккинчи қисми ҳам “Атиргул ҳақидаги роман” деб аталиб, образлар талқини, ғоявий йўналиши аввалги қисмидан мутлоқ ўзгача. Унинг муаллифи Жан де Мён ўз даврининг билимдон вакили, бир неча асарларни лотин тилидан французь тилига таржима ҳам қилган эди.

Де Мён асарида антик давр муаллифлари Аристотель, Платон, Вергилий, Овидий, Лукреий асарларидан кўплаб парчалар келтирилади. Ҳаммадан ҳайратомузлиги шундаки, ёзувчи асарида ўз даврини аёвсиз танқид қилади.

Онг йигитни муҳаббатдан воз кечишга ундайди. Дўст унга маслаҳатлар беради. Табиатнинг аралашуви ҳам натижа бермайди. Ниҳоят Амурнинг ўзи воқеага аралашади, душманлар енгилади, йигит Атиргулни узиб олади ва уйғонади. Шунингдек, шоир борлиқнинг келиб чиқиши, руҳнинг абадийлиги, эркинлик, ҳуқуқ тенглиги, онг, аҳлоқ каби муаммолар ҳақида фикр юритади. Жамият тузумида феодал ва черков қонун-қоидаларига биноан табақаларга

бўлинишини қоралайди. У даврларда бадиий адабиётга черков жиддий муносабатда бўлмай, фақат кўнгил очувчи восита сифатида қараган.

Шарқ адабиётидаги ижтимоий фанларнинг турли соҳаларига, айниқса, аҳлоқ ва одобга бағишланган асарлар Францияда XIII асрда кўплаб таржима этилган ва тарқалган эди.Уларнинг таъсири асосида қатор шеърий асарлар юзага келди. Булар орасида энг характерлиси “Сидрах китоби” эди. Асар Бухтарий (*Бактрия*) подшоҳи Бокт билан донишманд Сидрах ўртасидаги суҳбат тарзида, насрда ёзилган. “Сидрах китобини” ўрта асрлар аҳлоқ ва одоби қомуси дейиш мумкин.

XII-XIII асрларда Ибн Синонинг кўпчилик асарлари лотин тилига таржима қилинган, жумладан, “Рисола фи-л-ишқ” асарида ошиқ ва маҳбуба жисмоний яқинликка эмас, балки руҳий яқинликка интилиши баён қилинган. 1180 йил Прованслик адиб Андрей Капеллан лотин тилда. “Одобли севги санъати ҳақида” деб номланган рисола ёзади. Асар рицар ишқи назарияси ва амалиёти ҳақида бўлиб, унда ишқнинг қонун-қоидалари баён этилади.

XIII асрнинг охирларида Провансда “Рисолаи ишқ” номи остида достон яратилади. Достон 34000 мисрадан иборат бўлиб, муаллифи **Матфре Эрменгау** эди. М.Эрменгау достонида ўрта асрлардаги табиат, дин, аҳлоқ ҳақидаги тушунчаларни Ибн Синонинг рисоласида берилган руҳий ва жисмоний ишқ ҳақидаги таълимоти асосида берилган. Прованс шоири Ибн Сино фикрини такрорлаб:“ишқ инсон руҳининг маҳсули, танасининг эмас”, дейди.

Немис олими Г.Лей:“Ишқ тушунчаси Авиценнанинг “Ишқ рисоласи” — таъсирида шаклланган. Ишқни руҳий ва жисмоний турларга ажратиш ҳам Авиценна таъсири остида бошланган” дейди. Адабиётда фалсафий ғоя фақат образларда ўз ифодасини топган, шоир фантазияси билан бойиган ҳолда адабий ғояга айланди. Шуниси қизиққи, ишқ муаммоси адабиёт, санъатда эмас, балки файласуф олимлар томонидан ишланади.

XII асрга келиб Францияда феодал тузуми шаклланиб битади, табақалар аниқланади, рицарлик эса сиёсий ва ижтимоий мавқеъни қатъийлаштиради.

Салиб юришлардан сўнг Испания ва Шарқ мамлакатлари билан ўрнатилган иқтисодий ва маданий алоқалар ўз натижасини беради. Тўғри, рицарлар ҳали ҳам асосан феадал урушлари, босқинчилик билан шуғулланадилар, аввалги қўполликлари сақланади, лекин маданият, гўзаллик, латофатга интилиши кўзга ташланади. Улар эндиликда Шарқдан ўрганиб ҳашаматли ҳаёт кечириш, сахий, олийжаноб бўлишга ўринадилар. Кейинчалик бу хусусиятлар рицар бўлиш учун шарт бўлган хусусиятларга айланади. Ҳатто сахийлик қаҳрамонликдан ҳам устун кўрилади. Рицарлик қонуни ишлаб чиқилади. Рицар нозик табиатли, хушмуомала, латофатли, ёқимли бўлиши шарт бўлган. Агар аввал рицарлик идеали асосан жасурлик, қаҳрамонлик бўлса, энди унга эстетик идеал ҳам қўшилди.

Бу даврда Провансда йирик феодаллар саройларида дунёвий мазмундаги адабиёт, санъат тўгараклари пайдо бўлди, кейинчалик улар маданият марказларига айланадилар. Бу салонларда асосан аристократ, аслзода хонимлар ташаббускор эдилар. Сарой тўгаракларида шеърлар ўқилиб, ашулалар айтилади, санъат, илм, дин, адабиёт ҳақида баҳс, суҳбатлар бўлади. Эндиликда рицарлик тарбиясига мусиқа, ашула, рақс, шахмат, шеър ёзиш, хонимларга хушомад қилишни ўрганиш ҳам киради. Бу даврда Францияда, айниқса, Провансда, ҳотин-қизлар жамият ҳаётида анча фаол иштирок эта бошлайдилар. Рицар муҳаббати ҳам худди шу давр ва шу минтақада юзага келади.

Ҳақиқий рицар бўлиши учун ошиқ шоир бўлиши, маҳбубасини кўкларга кўтариб куйлаши шарт эди. Ижтимоий ва маданий ҳаёт, рицар идеали ўзгариши билан хотин-қизларга, айниқса, аристократ аёлларга бўлган муносабат ҳам ўзгаради. Эндиликда гўзал, олийжаноб хонимларни (*қизларни эмас*) улуғлаш кўзга ташланади.

Провансдаги рицарь шеърияти асосан араб шеърияти шакли ва тушунчаси, ҳатто унинг вазни асосида шаклланади. Трубадурлар куйлаган ишқни “сарой муҳаббати” деб атаганлар. Ишқ тушунчасининг ўзи Абу Али ибн Синонинг “Ишқ рисоласи” таъсири остида шаклланган. Фалсафа тарихида

Абу Али ибн Сино биринчи бўлиб жисмоний ва руҳий ишқ тушунчасини ишлаб чиққан. Шарқ фалсафаси, айниқса Абу Али ибн Сино таълимоти Испания орқали ҳатто король ва аслзодалар саройларига ўтган.

Йирик аслзодаларнинг саройларида бек хизматини рицар шоир, мусиқачи, ашулачилар бажо келтирганлар. Улар бек ва беканинг кўнгил очишига хизмат қилганлар. Сарой шоирлари ишқи ана шу шахслар томонидан уй бекасига изҳор қилинган. Лекин аристократлар саройларида вужудга келган ишқ-муҳаббат ҳақиқий муҳаббатдан узоқ бўлган. Уларни тасаввур, ақл ўйини, шоирларнинг ишқий мавзуини ким қанчалик яхши ёритиши мумкинлиги ҳақидаги мушоира дейиш мумкин. Аммо шундай бўлишига қарамай, дунёвий, инсоний мавзунинг даставвал Провансалда адабиётга кириб келиши адабиёт тарихида ижобий ҳол эди.

Провансал шеъриятининг асосий мавзуи олий даражали, унга эришиш амри маҳол бўлган хоним (кўпинча шоир хизмат қилган олий шахс, ҳомийсининг рафиқаси) гўзаллиги, олий инсоний хусусиятлари, лекин ошиққа нисбатан шафқатсизлиги, садоқатсизлиги, шоирнинг азоб-уқибатлари, рашк мушкулликлари, садоқати бўлиб, трубадурлар уларни юксак маҳорат билан турли алфозда куйлаганлар. Бу даврда муҳаббат илоҳийлаштирилади, унга сиғинадилар, қадимги грек мифологиясидаги ишқ маъбуди Амур тирилтирилади. Маҳбуба ҳам идеаллаштирилиб баъзи ўринларда Исо пайғамбарнинг онаси биби Марямга тенглаштирилади. Аммо провансал шоирларнинг маҳбубаси жонли, ҳаётий маъшуқа эмас, балки мажозий, хаёлидир. Муҳаббат изҳор қилувчи аёлга шоир тасаввуридаги энг яхши хусусиятларни нисбат беради.

Трубадурлар шеъриятида маҳбубанинг фақат ташқи қиёфасига доир “ажойиб малласоч”, оқ гулга ўхшаган “оппоқ манглай”, “силлиқ, ингичка, узун панжалик оқ билак”, “ёш, гўзал, алифдек қомат” каби сифатлашлар гўзалларни маҳд этувчи адабий қолип тусига айланган эди. Севимли аёлнинг ҳеч қандай шахсий хусусияти йўқ, унинг исми ҳам тилга олинмайди. Хоним одобли, хушмуомала, ақлли, олийҳиммат, пок, дид билан кийинган, суҳбатларда

иштирок эта олиши керак. Шоир маҳбубага яқинлашувни орзу ҳам қилмайди, ошиқлиги махфий, унинг учун энг олий мукофат бир қиё боқиш, айниқса, бир жилмайиш. Шуниси қизиққи, аслзода хонимлар учун ҳам жуфти ҳалоли ва бошқалар томонидан тан олинган ошиқ рицар шоири бўлиши шарт эди, акс ҳолда обрўйи тўлиқ бўлмаган.

Бу даврда ишқ фалсафаси, ишқ назарияси, ишқ илми ҳам ишлаб чиқилди. Ошиқ бўлган одам ҳеч қачон ёмон ниятлар, ёмон ишларни қилмайди. У ҳамма вақт олий ҳимматли бўлишга интилади. Шоир Арнаут де Марюэль прованс шоирларига хос фикрни куйидагича баён қилади. “Ҳақиқий ошиқ муҳаббат туфайли мутакаббир бўлса тавозели бўлади, кўрқоқ-мард, дангаса-ишчан, тентак-донишманд, беадаб-боадаб, ғамгин-қувноқ, мақтанчоқ-ростгўй, камтарин, заҳар одам-ёқимли, фитначи, хоин-яхши одам, қўпол, ёввойи сифат-хуш табиатли, бахил-олижаноб, заиф-полвон, хасис-олийҳиммат одамга айланади”. Ишққа бундай муносабатда бўлиш ҳам провансал шоирларига хосдир. Прованс трубадурларининг ишқ фазилатлари ҳақидаги фикрлари Шарқ файласуфлари қарашларига ҳамоҳангдир.

Канадалик олим А.Деноми сарой муҳаббати илдизи Шарқ адабиётида эмас, балки фалсафасида, уни Абу Али ибн Сино асарларидан ахтариш керак, деган фикрни майдонга ташлади. Ҳақиқатдан ишқ масаласи, мажозий олий инсоний, жисмоний ишқ масаласи файласуф-олимларни анчадан буён қизиқтириб келган. Испанияда ҳам Ибн Ҳазим Абу Али ибн Сино рисоласидан илҳомланиб “Китоби ишқ” (1022 йил) асарини ёзган эди. Асарда ошиқ маъшуқага ўз ихтиёрини мутлоқ бериши ва садоқатли бўлиши шарт эди. Ибн Ҳазм Абу Али ибн Сино фикрини давом эттириб, муҳаббат инсонни поклантирувчи кучга эга эканлигини таъкидлайди: ошиқ маҳбубаси учун ҳеч қандай қийинчиликлардан қайтмайди. Шоир “Озод одам ўз ихтиёри билан муҳаббатининг қулига айланади, қандай ажойиб ҳолат!”, дейди. Бу фикр рицар шеъриятининг яратувчи шоирлар, трубадурлар фаолияти ва ижодига айнан кўчган: граф Гилъом, Серхамон, Маркабрюн, Арнаут де Морсиль, Жауфре Рюдель, Раймбаут III, Бернарт де Вентадори, Жираут де Борнель, Бертран де

Борн ва бошқалар. Ҳаммаси бўлиб 500 га яқин шоирлар ижод қилганлиги бизга маълум.

Провансал трубадурлар фақатгина дунёвий мазмун, ишқий мавзу ва миллий тилдаги шеърият яратибгина қолмай, ўзига хос ишқ маданиятини ҳам яратдилар. Христиан дини, феодал жамияти томонидан таҳқирланган, қамситилган хотин-қизларни илоҳийлаштириб, кўкларга кўтариб куйладилар. Оила қуриш, фарзанд кўриш гуноҳ ҳисобланган даврда трубадурлар дунёвий ишқни илоҳийлаштирдилар, ўрта асрлардаги “руҳ ва тана” ўртасидаги зиддиятни муросага келтирдилар. Трубадурлар ишқи, айниқса, беғараз ишқ Европа учун мутлоқ янгилик эди, на қадимий Юнонистонда, на Рим ва на Европа ўрта асрларида фақат четдан, узоқдан туриб севиш тушунчаси умуман бўлмаган.

Провансал шеърияти, трубадурлар ижоди-Европа шеъриятининг йўналиши, шаклларини аниқлаб берибгина қолмай, ишқ тушунчаси, ишқий кечинмалар қандай бўлишини ҳам кўрсатиб берди. Кейинги давр Европа ишқий шеърияти бу моделни ўзлаштирди, анъанага айлантирди. Трубадурларнинг ишққа бўлган муносабати реал ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Агар Шарқ шеъриятининг Европа шеъриятига таъсири уч аср давомида кўп баҳсларни келтириб чиқарган бўлса, насрий асарлар таъсири анча осонлик билан тан олинди. XII аср бадиий насрий асарларни испан тилига таржима этиш билан характерланади. “Бониум ёки олтин таомлар”, “Сирлар сири”, “Сендебар”, “Калила ва Димна” ва ҳаказо. Арагон қироли Донишманд Алъфонс X даврида Кастилияда лотин-араб институти, Мурсияда яна бир таржима мактабини ташкил этди. Шуниси қизиққи, бу фаолиятнинг моҳиятини яхши тушинган Рим папаси уни рағбатлантиради.

Таржима мактаблари ва Алъфонс институтида илмий асарлардан ташқари панд-насиҳат, аҳлоқ ва адаб ҳақидаги умуминсоний қадриятларга эга бўлган асарлар, асосий мазмунга бир қанча қисса ва ҳикояларни қистирма шаклида бириктирилган асарлар ҳам таржима қилинади. Бу асарлар фақат

испан адаби-ётидагина эмас, балки бутун Европа адабиётидаги насрий асарларнинг шаклланишида ҳал этувчи роль ўйнади.

XII-асрнинг биринчи ярмида христиан динига ўтган яҳудий Педро Алфонс “Клирикларга насиҳат” (клирик руҳонийликка тайёрланаётган ёш йигит) асарини ёзади. Асар бошида адиб китобхонларга мурожаат этиб, ўзи ҳақида баъзи маълумотларни, ушбу китоб ёзишнинг сабабларини айтади. Асарнинг асосий мазмуни вафот этаётган арабнинг ўз ўғлига насиҳатомуз воқеаларнинг баёнидан иборат. Бир қисм ҳикоялар эса ўқитувчининг талабага насиҳатлари шаклида ёзилган. Асосий мазмунга ўттизта ҳикоя қистирма қилиб берилган. Ҳикоятларнинг аксарияти панд-насиҳат характерида ва ҳар бир ҳикоят сўнгида шарқ адабиётига хос ахлоқий хулоса чиқарилган. Педро Алфонс асари ўрта асрлардаёқ испан, француз, олмон, инглиз, италъян, испан тилларига ағдарилган. Педро Алъфонснинг катта хизмати Шарқ адабиётига хос ушбу жанрни Европа адабиётига олиб кириши бўлди.

Ўрта асрларда Европа адабиётига ҳам жанр, ҳам услуб, мазмун жиҳатдан кучли таъсир этган асар “Панчататра” бўлди. Асар VI асрда паҳлавий, VIII асрда араб тилига “Калила ва Димна” номи остида таржима қилинди. Кейинчалик араб тилидан XI асрда грек тилига, XII асрда яҳудий, XIII асрда лотин, 1251йилда испан тилига ва сўнгра деярли ҳамма Европа тилларига таржима қилинди. Ҳозир унинг турли тилларга қилинган 200 дан ортиқ таржимаси мавжудлиги аниқланган. Славакиялик олим М.Галик академик С.Ф. Ольденбургга суянган ҳолда “Панчататра” китоб дунёсида Библиядан кейинги энг кўп тарқалган асар. У ўрта асрлар ва Уйғониш даври адабиёти ривожига шунчалик таъсир этдики, буни Шарқ адабиётининг бирорта асари ҳақида айтиб бўлмайди”, дейди.

“Калила ва Димна”нинг насиҳатомуз руҳи, бужанрнинг Европа китобхони учун янгилиги асар муваффақиятини аниқлаб берди. Бу асар “Клирикларга насиҳат”дан деярли бир аср кейин таржима этилган бўлсада, давр маданияти, тарбиявий аҳамияти жиҳатдан бири иккинчисини тўлдиради. Ҳикояларга, одатда, оддий кишиларга мўлжалланган адабиёт деб қаралишига

қарамай, ҳар иккала тўпламнинг ўз даври учун аҳамияти беандоза эди. Ҳар иккала тўплам аввал испан, кейинчалик эса умуман Европа адабиётида насрий жанрнинг, айниқса ҳикояларнинг адабий жанр ҳолига келишида моҳияти катта бўлган. Аввалига асосий мазмунга қистирма ҳикояларни жойлаштириш, Шарқ адабий анъанасига тақлидий асарлар яратиш фақат испан адабиётида кенг тарқалиб, кейинчалик бошқа халқлар адабиётида ҳам учрайди:

Қирол Санчонинг "Ҳужжатлар ва топшириқлар" (XIII аср), Санчес де Версиальнинг "Намуналар китоби" (XIVаср охири) ва энг характерли намунаси Хуан Мануэлнинг "Граф Луканор" асари эди. Кейинчалик эса Италияда "Новеллино" (XIII аср), Англияда "Кентерберия ҳикоялари", Баккачонинг "Декамерон"и, Францияда Маргарита Наваррскаянинг "Гептамерон" асарлари ҳам шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Ўрта асрлар Европа маданияти мазмун жиҳатидан хилма-хил бўлиб, жаҳон маданияти тарихида ўзига хос ўринни эгаллайди. Юқорида таъкидланганидек, Уйғониш даври Ўрта асрларга ўта танқидий ва қатъий баҳо берган. Аммо сўнгги даврлар бунга зарур тузатишлар киритиб, тараққиётнинг бу босқичига муносиб баҳо берди. XVIII-XIX асрлардаги романтизм ўрта аср рицарлигида ҳақиқий инсоний тимсоллар ва қадриятларни ҳис қилиб, ундан илҳом олган эди. Кейинги даврлар аёллари бўлса ҳақиқий эркаклар-рицарларни ҳаётда кўришга интиқ бўладилар.

Ўрта асрлар хилма-хил, ҳатто қарама-қарши ғоя ва ақидаларнинг ажойиб узвийлиги даври эдики, айнан шу узвийлик замонавий цивилизация пайдо бўлишига замин ҳозирлади.

5.4. Меъморлик ва тасвирий санъат

Византия меъморлигининг ривожланган даври VI асрга тўғри келади. Бу даврда Константинополь жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири ҳисобланган. Шаҳар атрофи мустаҳкам қалъа деворлари билан ўралиб, хандақлар казилган (V асрнинг 1 ярми). Шаҳар маркази (*Агустион майдони*)да қадимги Рим меъморлиги таъсирида зафар тоқи (*арк*) лари, форумлар, черков бинолари,

император саройи, отчопар, акведуклар курилган. Византия меъморлик мактабида «плинфа» (*ясси кенг ғишт*) кўп қўлланилган.

Ибодатхона қурилишида **базилика** услубидан фойдаланилган. Кейинчалик бу услуб қўшни мамлакатлар меъморлигига таъсир қилган. Ибодатхоналарнинг ташқи кўриниши кўпол ва оғир бўлиб, ички кўриниши эса, аксинча, ўта ҳашамдор бўлган (*Салоникидаги Авлиё Дмитрий базиликаси (V-аср*), Авлиё Георгий ротондаси, София ибодатхонаси-Византия меъморлигининг буюк маҳобатли ёдгорлиги (532-537й.й.).

София ибодатхонаси тархи 3 нефли гумбазли базилика шаклида бўлиб, ён нефлари 2 қатламли, гумбази ярим айланасимон. Ўрта нефи кенг ва баланд, томи улкан гумбаз билан қопланган. Ибодатхона узунлиги 77 метр, гумбаз диаметри 31,5 метр. Гумбази 4 устунга ҳамда бағалидаги равоқларига таянади. Гумбаз асосига 40 та дераза ишланган, рангли мармар ва кошинлар билан серҳашам безатилган. Кейинчалик ташқи кўриниши турк меъморлигига хос услубда қурилган. 4 та найзасимон минора ишланган бўлиб, ҳозирда музейдир.

Европада меъморлик соҳаси айниқса, XI асрдан бошлаб тез ривожланди. Дастлабки пайтда бинолар ва ҳатто, феодал зодагонлари қалъалари ҳам ёғочдан қурилган. Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги шаҳарлар қурилишида тошни ашё сифатида ишлатиш учун бир неча аср керак бўлди.

Роман услуби - Европа (*асосан, Ғарбий Европа*) санъатида X асрдан XII-XIII асрларгача ҳукм сурган бадиий услуб. Бу давр санъатида қадимги Рим меъморчилиги услуб ва унсурларидан кенг фойдаланилган *(«роман» ибораси шартли бўлиб, «римники» маъносини англатади*). Роман услуби (*ибора XIX асрнинг 20 - йилларидан ишлатила бошланган*) Европада христиан диний тизимининг мустаҳкамланиши ва ёйилиши билан боғлиқ ҳолда ривожланди, шунинг учун марказлари монастирлар бўлиб, қурувчи, ҳайкалтарош ва тоштарошлари эса монахлар эди. XI аср охиридан сайёр қурувчилар ибодатхона, монастир, черков, қўрғон ва қасрлар қуриб, роман услубини ривожлантирдилар.

Бинолар тошдан курилган (*базилика тури асосий ўринни эгаллайди*), тузилишининг асосини минора ташкил этади, унинг атрофидаги геометрик шакллар (*куб, призма, цилиндр ва б.)* бинонинг яхлит мажмуини ҳосил қилади. Роман услуби меъморлигида антик санъат, Византия ҳамда араб мамлакатлари санъати сезиларли таъсир кўрсатган, юзага келган меъморлик мактаблари ягона тамойилларга бўйсунган. Бу бинолар тарҳи ва тузилишида, безаклар шакли ва мазмунида кўринади. Роман услуби Франция, Германия меъморлигида ёрқин намоён бўлган. Жумладан, Нотр дам ла Грант ибодатхонаси (XI-XII асрлар) кўриниши бирмунча паст, уч нефли (*ўртадаги нефи ёнидагилардан бирмунча баланд*), тош деворлари қалин, ундаги кичик тор дарчалар девор қалинлигини бўрттириб, салобатини оширади, бино (ички ва ташқи деворлари) рассомлик ва ҳайкалтарошлик асарлари билан безатилган. Дастлаб деворий расмларга кенг ўрин берилган, XI асрнинг охири – XII аср бошларидан ибодатхоналар безагида монументал рельефлар етакчи ўрин эгаллайди; бино пештоқи ва олд тарзида, ички безаклардан устун ва унинг капиталида релбефлар кенг ишлатилган. Роман услубида витраж (гулдор ойналар) ҳам ўз ўрнига эга бўлган.

Готика (*итал. gotico - герман қабилаларидан готлар номидан*)услуби – XII аср ўрталарида Шимолий Францияда юзага келди. XIII аср 1 ярмида юксак даражада ривожланди. Шу ерда готиканинг тош ибодатхоналари ўзининг мумтоз шаклига эга бўлди. Биби Марям ибодатхонаси (Нотр-Дам, 1163-1257), Шартр (1194-1260), Реймс (1211-1311), Амьен (1220-1288) ва бошқа ибодатхоналар готиканинг юксак намунасидир.

«Готика» термини Уйғониш даврида қўлланила бошлади ва унда етакчи ўринни меъморлик эгаллади, унда меъморлик, ҳайкалтарошлик ва рангтасвир (*асосан витраж*)нинг уйғунлиги буюк намунаси бўлган ибодатхона алоҳида ўрин тутади. Ўрта асрлар шаҳри марказидаги энг чиройли ва ҳашаматли бино, бу ибодатхона эди. Уни энг баланд қилиб қурилишга сабаб бу: биринчидан, католик динининг мавқеини кўрсатиш бўлса; иккинчидан,деворлар билан ўралган шаҳар майдонини кенгайтириш унча осон бўлмаган. Ибодатхона қуришнинг янги лойиҳа тизими ишлаб чиқилди: бош тарзи учли равоқли ва

гумбазлари қовурғали (*нервюр*), оғирлиги аркбутанлар орқали ташқи девор ва таянч устунлар (*контрфорс*)га ўтказилган синчли тузилма. Гумбаз тўшамалари енгил қаламалар билан тўлдирилган, устун ораларидаги йирик ойналар витражлар билан безатилган, ғарбий тарзида миноралар (*баландлиги 150 м гача*) қурилган.

Бу янги лойиҳа нефлар кенглиги ва бино баландлигини бирмунча оширган. Шунинг ҳисобига иншоот енгил, мужассамотига кўра кўкка чўзилган. Ички ва ташқариси ҳайкаллар ва нафис тош ўймакори безаклар билан безатилган. Мужассамотида панжарали баланд миноралар муҳим ўрин тутган. Готика меъморлигига учли гумбазлар, дераза ва пештоқлар, доира шаклидаги ойналар, безак қисм (*фиал*)лар ва шу каби меъморий шакллар хос.

Нидерландия, Шимолий Германия, Скандинавия, Испания, Италия, Польша, Чехия, Латвия, Эстония ва бошқа жойларда ҳам готика маҳаллий анъаналар таъсирида ривожланди. Готиканинг илғор усуллари Уйғониш даври ва **барокко** меъморлигига ижобий таъсир кўрсатди.

Дожлар саройи-Италия готика меъморлигининг улкан обидаси (IX-XV асрлар). Сан-Маро ибодатхонаси ва кутубхонаси ҳамда бошқа бинолар билан уйғунлашган ҳолда шаҳар меъморий ансамблни ташкил этган. Венеция давлати ҳукумати бошлиқлари (*дожлар*)нинг қароргоҳи бўлган ҳашаматли сарой (XVIII аср охиридан музей) готика (XIV-XV асрлар) ва **ренессанс** (XV-XVI асрлар) услубида қайта қурилган.“Катта маслаҳат” зали (*54x25 метр, баландлиги 15,4 метр*)да П.Веронезе, Тинторетто, Б.Тъеполо ва бошқа машҳур рассомларнинг намоёнларига ишланган расмлари сақланган. Дожлар саройи меъморлигида Италия ва араб-мусулмонларининг анъаналари (*бош тарзининг юқори кисми яхлит, ойнали, пешайвони серустунли, қатор равоқли ва бошқалар*) уйғунлашиб кетган.

Биби Марям ибодатхонаси — Париждаги француз готикасига хос меъморий ёдгорлик (1163-1257). Ибодатхона тархи 5 нефли, қисқа тарансент (*тўсиқ*)ли базилика (*узунлиги 130 метр, эни 108 метр, интерьер баландлиги 35 метр*) ҳамда 2 минора (*баландлиги 69 метр*)дан иборат. Бино бир вақтнинг ўзида 9000 кишини сиғдира олган. Меъморий тузилиши готика услубига хос

(*бош тарзи қисмларига ажратилиб, содда безакларда пардозланган*) безакларда роман услуби қўлланилган (*интерьердаги ёйсимон равоқ-устунлар, аркбутан ва б.*), шунингдек, янги конструктив элементлардан фойдаланилган. Бош тарзидаги витраж ва ҳайкаллари сақланган. Биби Марям ибодатхонаси Франция ва бошка мамлакатлардаги ибодатхоналар қурилишига асос бўлди.

Қадимги Русдаги катта гумбазли ибодатхоналардан энг машҳурлари Киевдаги София (XI аср), Владимирдаги Успенский (XII аср), Нерлдаги Покров черковлари (ХП аср) дир. Унинг ютуқлари Амьен ва Реймс ибодатхонаси (XIII аср), шунингдек француз қироллари учун черков ролини ўтаган ажойиб Сан Шапель Юқори Черкови (XIII аср) томонидан янада ривожлантирилди. Германияга готика Франция таъсирида тарқалди. Бу ердаги машҳур иншоотлардан бири Кельндаги черковдир (XIII-XV, XIX асрлар). Англия готикаси ҳам кўп жиҳатдан французмоделини давом эттиради. Англия қироллари ва буюк инсонлар мақбараси бўлган Вестминстер аббатлиги (XIII-XVI асрлар) ҳам ушбу услубга мисолдир.

Ўрта асрларда **қурилиш-меъморлик** соҳасида катта бурилиш юз берди. Бинолар янада гўзаллашиб, кишилар учун қулайликлар ортиб борди. Бу даврдаги Европа меъморлигида роман ва готика услубларидан ташкари Италиядаги Византия услубидан (Венециядаги Авлиё Марк черкови, қисман Дожлар саройи ва бошқалар) ҳамда Испаниядаги араб услубидан (*энг машҳур ёдгорликлар: арабларнинг Гранаадаги Ал-Ҳамро номли собиқ сарой-масжиди, ҳозирги Севилъя собори ва Севилъядаги Ал-Қасар қасри*) ҳам фойдаланилган.

Ўрта асрларда **ҳайкалтарошлик** санъати меъморлик билан узвий боғлиқ равишда ривожланди. Ибодатхона ва черковлар пайғамбар, авлиёлар, епископ ва қиролларнинг юзлаб ҳайкаллари билан безатилган. Ҳайкалларга асосий буюртмачи черков бўлганлиги боис, улар диний мавзуда яратилган. Ҳайкалтарошларни айниқса, онанинг фарзандга бўлган меҳр-муҳаббатини улуғлаш қизиқтирган. Бу ҳол Биби Мариямнинг кўплаб ҳайкалларида ўз аксини топган (*Европада уни "хоним", "бекам", деб улуғланган ёҳуд "Мадонна" деб аташ расм бўлган*).

Готика тасвирий санъати диний ва дунёвий дунёқарашлардаги уйғунликни сақлаган ҳолда ривожланди, айни вақтда воқеликни унинг ҳодисалари билан бирга акс эттиришга интилди. Ибодатхоналар безагида ҳайкал ва рельефлар (*масалан, Реймс ибодатхонасида 2300 дан ортиқ ҳайкал*), витражлар (*Сен-Дени, Шартр ва бошқаларда*) кенг қўлланилган, тасвирий санъат асарлари меъморий ансамблга бўйсундирилган. Диний мавзудаги асарлар билан бир қаторда маиший лавҳалар, меҳнат жараёни ҳам акс этган, баъзан ҳажвий лавҳалар ҳам учрайди (*Париж, Амьен, Страсбург ва бошқа жойлардаги ибодатхоналар*). Амалий безак санъати юксак даражада ривожланди: тош ва фил суяги ўймакорлиги, металл буюмлар, эмаль ва шу кабилар.

Илк ўрта асрларда христиан Европасида ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат тақиқланмаган бўлишига қарамасдан, уларда ҳам анча вақт давомида асосан диний мавзулар устунлик қилган. Асосан, бу Исо пайғамбар, Момо Ҳавво, апостоллар (*пайғамбарлар*) тимсоллари эди. Дастлаб Исо тасвирлари Юнон ва Рим афсоналари тимсолларини эслатган. Христианларнинг айрим тамойилларига қарама-қарши бўлишига қарамасдан, антик дунёнинг маданий-тарихий анъаналари христиан дини томонидан бутунлай улоқтириб ташланиши мумкин эмас эди. Христиан динини қабул қилган кўплаб одамларда ҳали эски маданият анъаналари билан боғлиқ бўлган турли эстетик эҳтиёжлар сақланиб қолади.

Энг дастлабки христианларда Худо тасвирини яратиш муаммоси бўлмаган, чунки, дастлабки христианлар яҳудийлар бўлиб, уларнинг динида тасвирий санъат умуман тақиқланган эди. Христиан динининг Ғарбга тарқалиб бориши билан янги христианлар Худо тимсолини кўришни хоҳлайдилар. Диний марказ бўлмаганлиги боис бундай муаммоларни ҳал қилиш имкони йўқ эди. Исони Орфей кўринишида, чиройли ёки хунук қилиб тасвирлашга уринишлар бўлди. Иконаларни яратишнинг йўлга қўйилиши маълум маънода мазкур муаммоларнинг ечимини топиш имконини берди.

Иконография — бу Исо пайғамбар тимсолини яратишда рассом асосланиши, қатъий амал қилиши лозим бўлган қонун-қоидалар мажмуасидир. Икона саводсиз омма учун худо билан руҳий-ҳиссий боғланиш, алоқа шакли саналган. Тасвирда худони бандаларнинг гуноҳ кечмишларини мағфират этишга қаратилган мотамсаро кўриниши ифодаланган. Иконалар яратишнинг турли миллий, ҳудудий мактаблари пайдо бўла бошлади (*масалан, Византия, рус мактаблари*). Икона чизишда рассомлар йирик тасвирларга турли қисмлар, кийим ва умумий рангнинг ҳақиқатга яқин бўлишига интилмаганлар. Тасвир кенг қамровли бўлиб, реал ҳаётийликдан четлаш орқали томошабин эътиборини тўла бадиий асарнинг руҳий мазмунига қаратиш имконини берган.

Икона (*юн. тасвир, образ*) **—** христиан динига мансуб диндорлар сажда қиладиган, чўқинадиган Исо, Биби Марям ва авлиёларнинг ранг тасвир ёки бўртма тасвири. Диний иконанинг энг қадимгиси II асрга мансуб бўлиб, IX асрда анча тараққий этган. Том маънода ўрта асрлар санъатининг ўзига хос асари. Ўрта асрларда Европа тасвирий санъатининг асосий тури сифатида аҳамият касб этган. Икона тайёрланадиган марказлар вужудга келган, у марказларда рассомларнинг артел, цехлари шаклланган. Икона черковларнинг таъсири ва моддий мавқеини таъминловчи муҳим манбалардан бири бўлган.

Инсон танасининг гўзаллигини улуғловчи антик давр санъаткорларидан фарқли ўлароқ, ўрта аср усталари одамларнинг фикри, ҳис-туйғуси ва кайфиятларини, яъни кўпроқ ички дунёсини ифодалашга ҳаракат қилишган. Роман услубидаги ҳайкалларда одамлар айтарли даражада жозибали тасвирланмаган. Усталар одамларнинг қайғу-аламларини ёки хурсандчиликларини, ички ҳис-туйғу ва кечинмаларини бўрттириб акс эттириш ниятида ҳайкалларнинг ҳолати ҳаракатларини кўп ҳолларда ғайритабиий кўринишда (*нимжон, озғин, хунук*) акс эттирганлар.

Готика услубидаги ҳайкалларда одамлар қиёфаси бирмунча тўғри тасвирланган. Уларнинг қадди-қоматлари, кийимлари бурмаларидан ҳам билиниб туради. Ҳайкалларда кўпроқ ҳаракат ҳолати ифодаланган. Истеъдодли усталар ҳаётда кўрган нарсаларини кўп ҳолларда ишонарли қилиб тасвирлашга

интилганлар. Ҳайкалтарошларда аста-секин инсон ташқи қиёфасининг гўзаллигини тасвирлашга қизиқиш ортаборди.

Роман услубида қурилган ибодатхоналарнинг ички деворларига, шифтга кўп сурат солинарди. Бу суратларда азиз — авлиёлар, худо сиймолари тасвирланарди. Сўнгги даврларда қурила бошланган готика услубидаги ибодатхоналар деворларида суратлар нисбатан кам бўлган. Уларнинг ўрнига катта деразалар, қўрғошин гардиш билан бир-бирига уланган, рангли ойна парчаларидан ишланган витражлар, сурат ва манзаралар ибодатхона ичидаги устунларда, гумбаз ва полда жилваланиб, унга бениҳоя чиройли ҳамда тантанали тус берган.

Етук ўрта аср бошлари – X аср венгерлар, сарацин(*мусулмон*)лар, айниқса норманлар юришлари натижасида энг мураккаб, оғир давр бўлди. Янги тикланаётган давлатлар чуқур инқироз ва таназзулни бошдан кечирар, санъат ҳам шундай ҳолатда эди. Аммо X аср охирига келиб аҳвол анча яхшиланади: феодал муносабатлар ўрнатилиб, ҳаётнинг барча жабҳаларидаги каби, санъатда ҳам жонланиш ва юксалиш кузатилади.

Ўрта асрлардаги тасвирий санъат асарларида инсонларнинг бўшлиқ мавжудлигини онгли равишда тан олмасликка интилиши акс этиб туради. Шу боисдан бу даврда яратилган кўпчилик тасвирий санъат асарларида осмон тасвирланмаган. Осмон рамзи бўлган ҳаво ранг айни чоғда инсон эрки, озодлиги рамзи бўлган. Шунинг учун рассомлар ўз асарларини турли тасвирлар, масалан, сербарг ўсимликлар, мураккаб геометрик шакллар, тўғри ва кесишган чизиқлар, тилло ранг муҳит билан безатганлар. Суратлардаги одамлар гуруҳи яхлит битта танадан кўп бошли, кўп қўл-оёқлидек гавдаланади. Чунки, гавдалар орасида бўш жой бўлмасдан, улар бир-бирига жипслашиб тургандек идрок этилади.

Ўрта аср суратларида мазмунан ва географик жиҳатдан, вақт нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқ бўлмаган воқеа-ҳодисаларни ҳам бирлаштиришга интилишни ҳис этамиз. Масалан, XV асрда яратилган ва ҳозирги кунда Флоренция музейида сақланаётган нақшинкор идишдаги “Парис устидан суд”

асарида машҳур афсонанинг бирданига бир нечта кўринишлари тасвирланган: Париснинг чўпонлик даври, Маъбудалар йиғини, Олтин олманинг тақдим этилиши ва ҳоказо. Ўрта аср расмларидаги умумий вақт тасодиф эмас, балки қонуниятдир.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрлар даври маданиятида инсониятнинг тарихий ривожланиш жараёнида зиддиятли бўлса-да, антик даврга нисбатан тараққиёт даври бўлди ва ўзига хос хусусиятларга эга: **биринчидан** Европада бу даврда христиан дини хукмрон мавқега эга бўлиб, маданиятнинг турли соҳаларининг ривожига ўз таъсирини ўтказди ва ўзига хос қадриятлар яратилди; **иккинчидан**, Европа маданияти Шарқ маданиятининг ютуқларидан фойдаланди; **учинчидан** шу даврда ўрта ва олий мактаб тизими ва тарих, фалсафа, техника, адабиёт, архитектура соҳаларида катта ютуқларга эришилди.

Умуман олганда ўрта асрлар маданияти бўлмаганида Европа маданияти ҳозирги кўринишда бўлмас, жаҳон маданияти ҳам бошқача кўринишда ва даражада бўлар эди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1.Ўрта асрлар Европа маданияти неча даврга бўлинади?
2. Ўрта Осиёлик алломалар асарларнинг Европага таъсири ҳақида сўзлаб беринг?
3. Европалик олимлар “араб фани”, “араб маданияти” ёки “ислом маданияти” ибораларини қўллашлари тўғрими?
4.Христиан динининг энг асосий ғояси?
5.Византияда илм-фаннинг қайси соҳалари ривожланган?
6. “Университет” атамаси қачондан қўлланила бошланди?
7. “Етти эркин” санъат тўғрисида биласизми?
8. Илмий даражалар (бакалавр, магистр, доктор) ҳақида?
9. Оксфорд, Кембриж, Сорбонна университетлари ҳақида маълумот беринг?
10.София ибодатхонаси қурилишининг ўзига хослиги нимада?
11. Роман услубида қурилган бинолар ҳақида биласизми?
12. Готика услубидаги бинолар ҳақида сўзланг?

Пешволардан олға ўтдим шахд ила,
Мен ғаввосу, илм бўлди уммоним.
Ҳиндан сўра, Машриқ аро қадримни,
Мағриб мени ўқир,йўқдир армоним.
Абу Райҳон Беруний

6 мавзу. ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ МАДАНИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар

Уйғониш даври, услуб, рационализм, ренессанснинг асосий аломатлари, аниқ фанлар, фалсафий асарлар, шеърият, ислом динининг асосий ақидаси суннийлик, шиа, ҳадис, саҳиҳи Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотурдий, Маҳмуд аз-Замахшарий, илм-фан равнақи, Бағдод Маъмун академияси, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Хоразм Маъмун академияси, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино.

6.1. Уйғониш даври ва унинг асосий омиллари

IX-XII асрларда жаҳон цивилизацияси тараққиёти давомида қадимги Шарқ минтақасига мансуб Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё ҳудудлари инсоният цивилизациясининг илк бешиклари шу қитъада бўлиб, кейинги уйғониш даври учун фундамент *(биринчи омил)* бўлиб, кейинги босқичда фан ва маданият янада юксакликка кўтарилди.

Бу жараёнда кўп минг йиллик тарихга эга бўлган, Шарқу Ғарбни туташтирган, ўзаро маданият, дину эътиқод, урф-одат, анъаналар алмашинувини таъминлаган Буюк ипак йўлининг ўрни катта бўлди. Кўҳна Хитой юртидан бошланган бу йўл аввало Шарқ халқларини бир-бири билан боғлаб, уларнинг иқтисодий, савдо-сотиқ, маданий-маънавий алоқаларини ривожланиши, турмуш тарзини бойишида сезиларли туртки бўлди. Шарқ халклари, элатларининг тили, урф-одатлари, мусиқаси, тўйу маъракалари, диний расм-русумларидаги ўхшашлик жиҳатларнинг мавжудлиги ҳам буни исбот этади.

Яна бири — бу IX асрга келиб Шарқ, жумладан Ўрта Осиёда натурал ишлаб чиқаришнинг ривожланган даврига кириши, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдони ривожланиши, ***Дамашқ, Бағдод, Марв, Урганч, Самарқанд,***

Бухоро, Тошкент, Син, Дунхуан каби маданият марказлари сифатида ривожланиши ҳам муҳим омил бўлди.

Шунингдек, VII асрдан бошлаб араб дунёсида ислом байроғи остида вужудга келган ҳалифалик давлати қисқа тарихий давр ичида кўпгина ҳудудларни эгаллаб, уларда нисбатан ягона иқтисодий ва маданий-маънавий макон яратишга муваффақ бўлди. Бундай ҳолат Шарқ Уйғониш жараёнига ва айниқса, араб дунёси билан туташган Марказий Осиё ҳудудларига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Халифалик тасарруфидаги мамлакатларда исломий ҳамда дунёвий маданиятнинг ёнма-ён ривожланишига кенг йўл очилдики, бу ҳол охир-оқибатда Шарқ дунёсини улкан ўзгаришларга олиб келди.

Бу жараёнларнинг кучайишига нисбатан адолатли ва маърифатли давлат раҳбарларининг илм-фан ва санъат аҳлига, илм-фан ривожига ҳомийлик қилганлиги ҳам жуда муҳим эди.Буни ҳалифалик ҳукмдорлари Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун, Исмоил Сомоний, Маҳмуд Ғазнавий,Султон Санжар, Маликшоҳ, Маъмун ибн Маъмун,Низомулмулк, Алоиддин Отсиз ва бошқалар тимсолида кўришимиз мумкин.

IX асрга келиб Мовароуннаҳрни мустақилликка эришиши, сомонийлар ва қорахонийлар даврида моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиши ҳам Шарқ уйғониш даврида Ўрта Осиёдан юзлаб алломаларнинг фаолияти билан боғлиқ.

Шарқ Уйғониш даври ўз мазмун-моҳиятига кўра қуйидаги муҳим омиллар ва хусусиятлари билан ажралиб туради:

1) маданиятда дунёвий билимлар, ислом аҳкомлари, ақидаларининг ривожланиши, уларнинг жамият ва одамлар манфаатлари нуқтаи назаридан талқин этилиши;

2) турли давлатлар, халқларнинг (*араб, эрон, юнон, ҳинд, туркий ва б.*) маданий мерослари, қадриятлари, ютуқлари, маънавий бойликларидан фойдаланилганлиги;

3)астрономия, математика, минералогия, жуғрофия, кимё ва бошқа табиий фанлар ривожи;

4) услуб (*методология*)да рационализм (*оқилоналик*), мантиқнинг устуворлиги;

5) инсоний дўстлик, юксак ахлоқийлик, комил инсон шахсини шакллантириш ғояларининг талқин этилиши;

6) фалсафа, тарих ва тиббиёт фанларининг ривожланиши;

7) адабиёт, мусиқа, халқ амалий санъати, нотиқликнинг кенг ривож топиши;

8) қомусий билимдонлик, донишмандликнинг кенг эътироф топиши ва шу кабилар.

Уйғониш даврининг бу асосий омиллари ва хусусиятлари дунёвий илм-фанларнинг ривожланиши-булар, шубҳасиз, башарият маънавияти юксалишининг муҳим мезонлари бўлиб хизмат қилди.

Шарқ маданий Уйғонишининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, бу юксалиш жараёни бир вақтнинг ўзида ҳам ҳалифалик марказида ва унинг Мағрибу Машриқ томонларида (*Испания Андалузияси ва Марказий Осиёда*) бирдек намоён бўлди. Масалан, IX аср бошларида ҳалифалик пойтахти Бағдод бир вақтнинг ўзида исломий ва дунёвий маданият, илму урфоннинг йирик марказларидан бирига айланганди. Ҳалифа Хорун ар-Рашид (786-809) даврида Бағдодда ташкил этилган **"Байт ул-ҳикмат"***("Донишмандлар уйи")* **—** олимларни бирлаштирган илмий муассаса ҳалифа Маъмун (813-833) даврида янада ривожланди. Унда жуда кўп қомусий билим соҳиблари илму фаннинг турли-туман соҳалари бўйича йирик тадқиқотлар олиб борганлар.

Бу давр дунёвий илм-фанининг яна бир муҳим ютуғи шундаки, Араб ва Ажам олимлари саъй-ҳаракатлари, изланишлари туфайли юнон, лотин, сурёний, форсий-паҳлавий, ҳинд-санскрит тилларида битилган. сон-саноқсиз ноёб илмий асарлар, қўлёзмалар топилиб, улар араб тилига таржима этилди ва ҳаётга ижобий татбиқ этила борди.

Уйғониш даври маданиятининг буюк намояндалари ўз ижодий изланишларида бевосита антик маданият меросига таянганлар. Марказий Осиё халқларининг қадимги юнонлар, римликлар, месопотамияликлар,

ҳиндистонликлар, хитойликларнинг маданияти билан яқиндан таниш бўлганлиги, уларнинг тилини яхши билганлиги, умуман, жаҳон маданиятининг юксалишга ҳаётбахш таъсир кўрсатди.

Ислом дини жаҳон маданиятига, тилга, удум-анъаналарга маълум даражада ўз таъсирини ўтқазган бўлса-да, унинг моҳияти ўзгармади. Бу халқимизга хос эзгулик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик, хайр-мурувват, оққўнгиллик, бағрикенглик, илмга ташналик, ўзга халқларга ишонч, эҳтиром фазилатларидир.

Юнон, Ҳинд, Хитой ва бошқа халқлар маданиятини жуда яхши билган Марказий Осиёнинг илм аҳли ўзга халқларни бошқалар маданияти билан таништирди. Машҳур математик ал -Хоразмий ҳиндларнинг ҳисоб тизимини, Абу Наср Форобий юнонистонликАристотелнинг фалсафий таълимотини, Ибн Сино Гиппократ тиббиётини янги даврда юқори босқичларга кўтардилар. Имом ал-Бухорий исломий таълимотга асосланиб, ҳадислар илмида “Муҳаддислар султони” деган буюк унвонга сазавор бўлди.

Уйғониш даври, Ренессанс — Марказий Осиё, Эрон, Хитой, Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври. “Ренессанс” атамаси дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалиш (XIV-XVI асрлар)га нисбатан қўлланилган, уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар.

Ренессанснинг асосий аломатлари:

- тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаасибликни ёриб ўтиб, инсоннинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш;
- антик давр маданиятини тиклаш, бойитиш. Бу фикрни Шарқ уйғониш даврига қўллаш мумкин, чунки, бу ерда тараққиёт ўзидан олдинги давр маданиятини тадрижий тарзда янада кўтарилиши тарзида юз берди.
- адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналари, гуманистик ғояларни тарғиб қилиш;
- инсон эрки, ҳурфикрлилик учун курашиш;
- ҳам диний, ҳам дунёвий фанларни ривожлантириш.

Бунинг хотимасида ижодий қудрат ва тафаккур кучини намойиш этадиган улуғвор бадиий асарлар, салобатли бинолар яратилди, илм-фан ривожланди.

Дунё маданиятини яхлит олиб, ўрганган олимларнинг ишлари шуни кўрсатадики, Осиё марказида жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан, фалсафа, адабиёт кучли ривожланиб, илғор инсонпарварлик ғоялари жамият фикрини банд этган, ақлий ва ижодий фаоллик гуркираган. Бу давр дунё илмида "Мусулмон Ренессанси" (*А.Мец*) ёки "Шарқ уйғониши даври" (*Н.И.Конрад*) номи билан аталиб келинмоқда.

Шарқ Уйғониш даврида Европа уйғониш даврининг асосий белгилари мужассам: жўшқин ижодий фаолият, улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилгани, ақлни ҳайратга соладиган бемисл асарларнинг яратилгани шундан далолат беради. Шарқ уйғониш даври ҳам улуғ алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирларни етиштирди.

Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар.

Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Абул Ҳомид Ғаззолий, Азизиддин Насафийларнинг фалсафий асарлари тафаккур хазинасини бойитди, олам, одам ва жамият яхлитликда тадқиқ этилиб, янги қонуниятлар очилди, ақлий билим уфқлари кенгайди, фозил жамият ва комил инсон назарияси чуқур ишлаб чиқилди.

Шеъриятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Саноий Ғазнавий, Фаруддин Аттор, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Низомий Ганжавий каби даҳо ижодкорлар етишиб, ўлмас асарлар яратдилар, ишқ-муҳаббат, қаҳрамонлик, озодлик ва эзгуликни куйладилар.

Мусиқада ҳам Уйғониш даври жараёнига хос юксаклик дастлаб Шарқда юз берди. Марказий Осиё халқларининг қадимги анъаналари араб, ҳинд ва форс мусиқий мерос асарлари, чолғулари билан ўзаро таъсир жараёнлари натижасида бойиб, қайтадан жонланди. Зеро Абу Наср Форобий ва унинг издоши Ибн Сино

мусиқанинг назарий, фалсафий ва эстетик масалаларини атрофлича тадқиқ этиб, умумшарқий таълимотни яратишган. Хусусан, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа амалиётига таянган ҳолда, куй ва усуллар, қўлланиладиган созлар, муайян шакл ва жанрлар доирасида муштараклик мавжудлигини исботлаган.

Абу Наср Форобийнинг "Китоб ул мусиқа ал-кабир" (*Мусиқага доир катта китоб*) ва Ибн Синонинг "Жавомеъ илм ул-мусиқа" (*Мусиқага оид илмлар тўплами*) каби асарларида юнон олимлари Пифагор, Аристоксен ва бошқаларнинг қарашлари бойитилиб, товушлар баланд-пастлиги муносабатлари математик услубда ифодаланган. Шунингдек, соф товушқатор тизими, ундан ўрин олган бўъдларнинг мулойимат ва мунофират таснифоти, ийқо назарияси илк бор асослаб берилган. XII-XIII асрларда ижодий ва ақлий кучлар ривожини намойиш этган ўн икки мақом тизими юзага келди.

Уйғониш даврининг яна бир белгиси халқ руҳини ифодалайдиган "Минг бир кеча", "Калила ва Димна", "Етти вазир", "Тўтинома", "Синдбоднома" каби ҳикматли фикрларга, қизиқарли саргузаштларга тўла, шавқу завқ қўзғатадиган асарларнинг кўпайгани, иккинчи томондан "Хамса"ларда бўлганидай, умуминсоний идеалларни мужассам этган ҳикмат ва фалсафага бой умумбашарий ғояларнинг тасвирланишидир.

Эрон ва Марказий Осиё халқлари бир неча минг йиллик цивилизация тарихига эга. Зотан, қадимияти, қадимги давлатчилиги бўлмаган халқда Уйғониш даври ҳам бўлмайди. Марказий Осиёда IX-XII асрларда ўз халқининг қадамий маданий меросига қизиқиш, "Авесто" фалсафасини Қуръон маърифати билан уйғунлаштириб, қайта тиклашга интилиш, тасаввуф таълимоти "Ишроқ" фалсафасида намоён бўлган. Шу асосда турли назариялар, таълимотлар юзага келиб, фикрий хилма-хиллик ривожланди. Тасаввуфий-орифона, футувват-жавонмардлик таълимотлари ва тариқатларининг қарор топиши, аслида, ҳурфикрлик ва инсон камолотига бўлган ишончнинг нишонаси эди. Уйғониш даври вакиллари динга қарши эмас, балки динни схоластика ва жаҳолат манбаига айлантирганларга қарши курашганлар.

Тафаккурдаги ақлий (*рационализм*) ва важдий (*иррационализм*) йўналиш намояндалари зоҳиран ўзаро келишмай келган бўлсаларда, амалда Европа Уйғониш даврида бўлганидек, инсон онгини бедор этиб, уни ақидапарастлик (*тақлидчилик*) ғуборидан тозалашда ҳамкорлик қилдилар. Шу боис ҳурфикрли мутафаккирлар орасида рационалист олимлар билан бирга, ориф сўфийлар ҳам бор эди.

Шарқ Уйғониш даври вакиллари ўз халқларининг қадимги маданияти билан бирга, юнон ва ҳинд халқлари меросидан ҳам фойдаланишган. Юнон олимларининг асарлари VIII-IX асрларда араб тилига таржима қилинди, шарҳланди. Афлотун, Арастуни Шарқ файласуфлари ҳам устоз деб ҳисоблашган. Бироқ юнонлар ҳам кўп фикрларни қадимги осиёликлардан олганлар. Бу тарих қонунияти: юксалишга шайланган халқ маданияти ўзигача яратилган башарий ютуқларни ўзлаштириб, яна юксакликка кўтарилади.

Шарқ Уйғониш даври кенг кўламли: таълим ва таҳлил, мадраса ва маориф ривожланган, улкан кутубхоналарда юз минглаб жилд китоблар йиғилган, ***“хазинат ул-ҳикмат”, “дор ул-улум”***ларда толиби илмлар устоз-шогирдлар суҳбати бардавом эди, олимларнинг обрў-эътибори юксак қадрланди.

Юрт ободончилиги, мамлакат равнақи, қудратининг юксалиши давомида табиий равишда маънавий маданият, илм-фан ривожи ҳам жадал суръатлар билан кўзга ташланиб бордики, бунинг натижасида бу заминдан ўз элини шон-шарафга буркаган, дунёга довруғ таратган машҳур алломалар, илм-фан юлдузлари етишиб чиқдилар.

6.2. Ислом динини вжудга келиши ва унинг илмий ривожида Марказий Осиё алломаларининг ўрни

Ислом динининг пайдо бўлиши хусусида исломий манбаларга асосланган диний анъанада у илоҳий ҳодиса, инсонларни тўғри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охирги таълимот деб уқтирилади. Ислом дини талқинида дастлаб яҳудий ва христианлар ҳам айнан мусулмонлар эътиқод қилган худога

ишонганлар, дейилади. Шу худо, яъни Аллоҳ одамларга пайғамбар -элчилар юборган. Аммо инсонлар пайғамбарлар таълимотини бузганлар. Шунинг учун Аллоҳ инсонларга охирги расул этиб Муҳаммад (*с.а.в.)*ни танлади. Унга ўзининг каломи-Қуръонни нозил қилди.

Муҳаммад (*с.а.в.)* олдин ўз ҳамшаҳарларини, сўнг барча арабларни кўплаб қабила худоларига сиғинишдан воз кечиш ва ягона худо — Аллоҳга эътиқод қилиш, солиҳ ҳаёт кечириш, у дунёда жанатга тушиш учун бу дунёда эзгу ишлар қилишга даъват этди. Қуръонга кўра, араблар ва яҳудийларнинг умумий бобокалони Иброҳим Аллоҳга биринчи бўлиб иймон келтирган. Қуръони Каримда Тангри пайғамбарлардан Иброҳим, Мусо, Исо Масиҳ динига эришинглар деб амр қилинади.

Арабистон исломиятгача гоҳ Эронга, гоҳ Ҳабашистонга қарам эди, аҳолиси жоҳилият руҳида, турли иллатлар (қиз болаларни ўлдириш, маст аластлик, ахлоқсизлик) авжга чиққан эди. Тангри жаҳолиятни тугатиб, маърифатли, маданиятли ҳаётга ўтиш учун Муҳаммад (*с.а.в.)* ни юборди. Арабистон ярим оролидаги қабилаларнинг этник ва маданий жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, оғзаки ва ёзма адабиёт, умумий фикрлашнинг шаклланиши ва ниҳоят, арабларнинг диний тафаккурида ўзгариш жараёнлари кечаётган эди.

Муҳаммад пайғамбар ва унинг сафдошлари Абу Бакр Сиддиқ, Умар Ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб ва бошқалар Қурайш мушриклари, бутпарастларини ҳақ динга киритиш учун оғир машаққатларни енгиб ўтдилар.

Муҳаммад (*с.а.в.*)нинг диний ва сиёсий фаолияти фақат Макка ва Мадинада эмас, балки жаҳон миқёсида буюк ўзгаришларни келтириб чиқарди. Муҳаммад *(с.а.в.)* ҳар томонлама баркамол инсон бўлгани учун, унинг шахсий фазилатлари туфайли яҳудий-христиан мазҳабларига яқин ғоя билан яшовчи маҳаллий ҳижозликлар ҳаракати ўзига хос хусусиятлар касб этди, диний ва сиёсий кучга эга бўлди, бу куч ислом динини вужудга келтирди ва энг муҳим оламшумул тарихий воқеалардан бирига айланди.

Ислом динининг муқаддас китоби **Қуръондир**. Мусулмончиликда бу китобнинг бутун мазмуни Аллоҳнинг *ваҳий* қилинган сўзи деб тушунилади. Ислом динининг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва аҳлоқий меъёрлари, чеклаш ва таъқиқлари Қуръон билан бирга унинг тафсирларида, **Ҳадис** тўпламлари ва шариат қўлланмаларида, шунингдек, VIII-XII асрларда вужудга келган илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини топган.

Исломнинг асосий ақидаси-“Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули”. Ислом илоҳиётининг илк шакли-калом фалсафий таълимоти бўлиб, VII асрда араб ҳалифалигида вужудга келган. Мутакаллимлар ислом дини ақидаларини ишлаб чиқдилар. Ислом дини 5 “асос” ёки “устун” (*аркон ад-дин ал-исломий*)га эга: 1) калима келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса, ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси иймон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган. Иймон 7 ақидани — Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдир (*яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг иродаси билан бўлиши*)га ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишни ўз ичига олади. Исломда хатна, рўза ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, ақиқа, мавлуд, худойи, ашуро каби ўзига хос диний маросимчилик таркиб топган.

“Қуръони Карим”*(“қироат” сўзидан олинган)* ғоялари, қадриятлари (*одамларни тўғрилик, ростгўйлик, поклик, ҳалоллик, эзгулик, яхшилик, саҳоват, дўстлик, биродарлик, ўзаро тотувлик, ҳамжиҳатлик, тинчлигу осойишталикка ундаш*), исломий аҳкомлар, жамияту одамлар ҳаётига сингдириб борилиб, шу асосда улар аввалги бутпарастлик, оташпарастлик, кўп худолик, хурофот тушунчаларидан халос бўлиб бордилар. Пайғамбар ҳаётлик чоғида яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда Қуръон жамланиб китоб шаклига келтирилмаган. Пайғамбарнинг вафотидан кейин Қуръон кишиларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларида қолди.

Биринчи халифа - Абу Бакр Сиддиқ даврида ридда (*диндан қайтиш*)га қарши олиб борилган қаттиқ жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган кўплаб қорилар ҳалок бўлиб, Қуръоннинг келажак авлодга сақланмай йўқолиб кетиш хавфи

туғилган. Шунда Умар ибн Хаттоб Қуръонни китоб ҳолида келтириб, жамлаб қўйиш зарурлигини маслаҳат беради. Абу Бакр Сиддиқ бу ишни амалга оширишни Пайғамбар билан кўп вақт бирга юрган саҳоба, Қуръонни энг яхши ёд олган Зайд ибн Собитга топширади. Қуръонни кийик терисидан ишланган саҳифаларга ёзиб, Абу Бакр Сиддиқнинг уйига қўядилар. У оламдан ўтгандан кейин саҳифалар Умар ибн Хаттобнинг уйида, у кишидан сўнг эса, қизи — Пайғамбарнинг хотини Ҳафса бинти Умар ибн Хаттоб ҳузурида қолади.

Ҳалифа Усмон ибн Аффон Ҳафса бинти Умардан Абу Бакр Сиддиқ давридаги саҳифаларни сўраб олиб, ундан бир неча нусха кўчиришга буйруқ беради.Китоб пергамент қоғозига куфий хатида олти нусхада ёзилган бўлиб, уларнинг бештасини Макка, Шом, Басра, Куфа ва Мадинага юборилган. Қуръони Карим 30 пора (*қисм*), 114 сура, 6236та оятдан иборат. Учинчи халифа Усмон ибн Аффон ўзи билан олиб қолган нусхаси Амир Темур томонидан Басрадан Самарқандга олиб келинган бўлиб, ҳажми 68х53х22 сантиметр, жами 353 варақдан иборат.У ҳозирдаТошкентда — Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

Суннийлик — ислом динидаги 2 асосий йўналишдан бири ва энг кенг тарқалгани. Жаҳондаги барча мусулмонларнинг 93 фоизи суннийликка, қолган 7 фоизи шиаликка мансуб (2004). Ислом дини дастлабки даврда ҳеч қандай йўналиш, мазҳаб ва оқимларга бўлинмаган. VII-асрнинг ўрталарида турли сиёсий сабабларга кўра, мусулмонлар сафида бўлиниш бўлди. Аввал шиалар, кейин хорижийлар мусулмонлар оммасидан ажаралиб чиқдилар. Улар ўзларининг ҳақлигини исбот қилиш учун ўз фикрини, йўналишини ҳимоя қила бошлади, шу тариқа ҳар гуруҳнинг ўзига хос ақидаси шакллана борди.

Суннийлик бўйича Имом Аъзам Абу Ханифанинг “ал-Фиқҳ ал-акбар” асари энг нодир илмий мерос саналади. Бу ишда Абул Ҳасан Ашъарий билан Абу Мансур Мотуридийларнинг хизматлари беқиёсдир. Суннийлик йўналишида шу икки аллома асос солган ақидавий мактаблар барча сунний уламолар томонидан эътироф этилган. Суннийлик тамойиллари асосан қуйидагилардан иборат.

1. Мавжудотларнинг ҳақиқат ва моҳияти бор нарса бўлиб, уларни билиш мумкин. Билиш воситалари — бешта сезги аъзолари, илоҳий манбалар ва ақл.

2. Олам қадим эмас, балки қачондир Аллоҳ тарафидан яратилган.

3. Бутун борлиқни яратган Аллоҳнинг зоти битта, у ўзига хос азалий ва абадий кўпгина сифатларга эга.

4. Зотий сифатлари саналмиш илм, қудрат, ҳаёт, ирода, эшитиш, кўриш, гапириш Аллоҳнинг азалий ва абадий сифатларидир. Унинг зоти ҳам, сифатлари ҳам ўзи яратган маҳлуқот ва мавжудотларнинг сифатларига асло ўхшамайди. Унинг сифатлари нуқсонсиз, баркамолдир.

5. Аллоҳнинг исмлари кўп. Ҳадисда 99 та гўзал исмлари зикр этилган.

6. Аллоҳнинг адолатли экани, Ҳидоят ва залолат йўлларини кўрсатиб қўйгач, адашган ва куфр йўлини танлаганларни жазолаши адолат ҳисобланади. Борди-ю залолат йўлидан асраб қолса — бу Унинг фазли, марҳамати. Асрамаса, адолатли жазоси ҳисобланади.

7. Пайғамбарларнинг ҳаммасини барҳақ деб тасдиқ этиш. Уларнинг адади гарчи баъзи ҳадис ва ривоятларда кўрсатилган бўлса-да, муайян бир адад қатъий деб ҳисобланмагани маъқул. Пайғамбарларнинг биринчиси — Одам (*ас*), охиргиси — Муҳаммад (*с.а.в.*).

8.Пайғамбарларнинг мўъжизаларини ҳақ деб эътиқод қилиш. Шунингдек, авлиёларнинг карoматлари ҳам ҳақ ва ростдир. Ҳеч бир авлиё пайғамбар даражасига ета олмайди.

9. Исломнинг беш рукни — иймон калимаси, намоз, рўза, закот, ҳаж ҳар бир мусулмон зиммасига фарзи айн экани. Фарзлардан 1-3 лари мажбурий, 4 ва 5 чилари имконига яраша бўлиб, булардан бирортасини беузр тарк этса ёки шаръан тақиқланган ишларга қўл урса, қаттиқ гуноҳкор бўлиши, лекин кофир бўлмаслигини тасдиқ этиш.

10. Иймон - Муҳаммад (*с.а.в.*) Аллоҳ таоло томонидан келтирган барча хабар ва маълумотларни ҳақ ва рост эканига тил билан иқрор этиб, дил билан тасдиқлаш деб билиш. Солиҳ амалларни кўп қилганда иймон нури кўпайиб,

гуноҳ ишларни кўп қилганда иймон нури озайиб туришини тасдиқлаш ва ҳоказо.

Суннийликда 4 та диний-ҳуқуқий мазҳаб (ҳанафийлик, моликийлик, шофиъйлик, ҳанбалийлик) мавжуд. Суннийлик билан шиалик ўртасида ҳокимият масаласида, айрим диний маросим ва анъаналарда бирмунча тафовутлар бор.

Шиа сўзининг тўлиқ шакли “шиат Али” (*Али партияси*) бўлиб, бу ном Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларига эргашганларга нисбатан берилган. Шиада мусулмонлар жамоаси ёки давлатида фақат Муҳаммад (*с.а.в.*) авлодлари (*Али ва Фотимадан тарқалган*) ҳукмрон бўлиш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади. Уларнинг таълимотига кўра, раҳбар жамоа томонидан сайланмай мерос сифатида ўтади. Имомлик пайғамбарлик каби илоҳий мансаб ҳисобланади.

Шиаликка кўра, пайғамбар вафотидан кейин ҳалифаликка ҳақли киши Али ибн Абу Толиб бўлган. Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб ва Усмон ибн Аффон эса бу ҳуқуқни ундан зўрлик билан тортиб олишган. Шиалик тарафдорлари суннийлар каби Қуръонни илоҳий деб эътироф этади, лекин уларнинг айрим ўта реакцион руҳдаги вакиллари ҳалифалар даврида Қуръоннинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайдилар.

Шиалик илоҳиётчилари Қуръоннинг мазмунини мажозий шархлаш орқали ўз таълимотларини асослайди. Улар фақат Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодлари томонидан ривоят қилинган ҳадисларни тан олади. Бундай ҳадислардан иборат тўплам тузилиб, у ахбор деб аталган. Шиаликда 8 та ақидага эътиқод қилинади. Булар -тавҳид (*Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш*), адл (*адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси*), нубувват *(пайғамбарлик*), имомат (*имомлик – имомлар ҳокимиятини эътироф этиш*), Амри маъруф (*яхшиликка буюриш*), Наҳйи мункар (*ёмонликдан қайтариш*), тавалло (*Аллоҳ дўстларини дўст тутиш*), табарро (Аллоҳ *душманларидан узоқланиш*).

Шиаликда Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимияти тан олинади. Имом ал-Махдийни шиалар “яширинган”

ҳисоблайди, замона охир бўлганда унинг қайтиб келишини ва адолат ўрнатишини кутадилар. Шиаликда 12 имомлик (*исноашария*) Али ибн Абу Толибдан бошланиб, унинг Фотимадан туғилган ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайнга ўтади ва Муҳаммад ал- Маҳдийга бориб тугайди. Шунинг учун шиаликдаги исноашарийлар фирқаси “ўн икки имомни эътироф қилувчилар”, деб номланган.

Исноашарийларнинг баъзилари Али ибн Абу Толибни Пайғамбардан афзал деб эътиқод қиладилар ҳамда Али ибн Абу Толиб ва унинг ўн бир авлоди инсонларга ризқ бериб туради, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодлари Пайғамбардан кейинги Аллоҳнинг ҳужжатларидир. Уларнинг буйруқлари, таъқиқлари Пайғамбарнинг буйруғи, таъқиқидир, уларга итоат қилиш Пайғамбарга итоат қилишдир. Уларга бўйсунмаслик Пайғамбарга исён қилишдир.

Ҳадис (*хабар, гап, янгилик*) **—** Муҳаммад (*с.а.в*.) айтган сўзлари, қилган ишлари, иқрорлари тўғрисидаги ривоят. Ҳадис таълиф этиш соҳасида “муснад”, “саҳиҳ”, “сунан” деб аталмиш турли йўналишлар вужудга келди. “Муснад” йўналишида тасниф этилган тўпламларда турли мавзудаги ҳадислар бир жойда келтирилиб, улар ҳадис ривоят қилувчи саҳобаларнинг ислом динини қабул қилган вақтига кўра ёки алифбо тартибида жойлаштирилган.

Абу Ҳанифа, Аҳмад ибн Ханбалнинг Ҳадис китоблари шу йўналишга мансуб “Саҳиҳ” йўналишига тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган. Бу йўналишга Имом Бухорий асос солган. “Сунан” йўналишидаги тўпламга эса, тўғри ишонарли ҳадислар билан бир қаторда “заиф” ҳадислар ҳам киритилган. Абу Довуд, Абу Исо ат-Термизий, Насоий, Ибн Можа, Абу Муслим тўпламлари шу йўналишга мансубдир.

Миллий-сиёсий ихтилофлар натижасида пайғамбар номидан ёлғон ҳадислар тўқиш, фиқх ва калом илми соҳасидаги зиддиятлар, амир ва ҳокимларга хушомадгўйлик оқибатида кўплаб ишонарсиз, тўқима ҳадислар юзага келган.

Давр ўтиши билан ҳадислар тўпланиб, муҳим деб ҳисобланганлари бир тизимга солина бошланди. IX-X аср бошларида диндорлар орасида энг ишончли деб топилган ҳадисларнинг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: “Саҳиҳи Бухорий”, “Саҳиҳи Муслим”, “Саҳиҳи Термизий”, “Сунани Аби Довуд”, “Сунани ибн Можа”, “Сунани Насоий”. Бу 6 та Ҳадис тўпламини тузган муҳаддислардан 2 таси мовароуннаҳрлик, 4 таси эса хуросонлик бўлган.

Ислом динини қабул қилган халқлар маданий ва ғоявий меросининг кўп унсурлари исломга Ҳадис шаклида ўтган. Ҳадис йиғиш ўрта аср мусулмон маданиятининг муҳим хусусияти бўлиб, билим излашнинг асосий мазмуни ҳисобланган. Ҳадис ҳар қандай илмий асарларни асослашнинг муҳим қисми бўлган: ундан ҳикматли сўз ва матал сифатида ҳам фойдаланилган. Имом Бухорийнинг **“Саҳиҳи Бухорий”** асари ислом олами олий ўқув юртларининг шариат факультетларида асосий ўқув қўлланма сифатида хизмат қилиб келмоқда. Ҳадисларнинг кўпчилиги турли халқларнинг мақолларига, инсоний ахлоқ-одоб қоидаларига айланган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870)-бутун фаолияти давомида илм кишиларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Тижорат қилганда топган даромадидан ойига беш юз дирҳамдан фақиру мискинларга, илм толибларига сарфлаган. Шахсий ҳаётида ортиқча дабдаба ва сарф-ҳаражатларга йўл қўймаган. Имом Бухорий жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисни ёддан билган. Имом Бухорий ноёб қобилияти, иқтидори, қувваи ҳофизасининг ўта кучлилиги билан илм аҳлларини лол қолдирган. Ҳадис илмига ўта фидойилик, ақл-заковатини бахшида этиш Имом Бухорийга шон-шараф келтирди, уни ислом дунёсининг энг буюк алломаларидан бири сифатида танитди.

Имом Бухорий 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” *(“Ишончли тўплам”*) деб номланган 4 жилддан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишончлиси ва мукаммалидир. “Ал-Адаб ал-муфрад” *(“Адаб дурдоналари”)*

асари катта тарбиявий аҳамиятга молик беназир тўпламдир. Ровийларнинг куняларига бағишланган “Китоб ал-куна” *(“Кунялар ҳақида китоб”),* “Ат-Таърих ил-кабийр” *(“Катта тарих”),* “Китоб ал фавоид”*(“Фойдали ашёлар ҳақида китоб”)*ларига мусулмон дунёсининг жамоат арбоблари, олиму уламолар ва дин пешволари таяниб, иш тутадилар. Аллома таваллудининг 1225 йиллиги юртимизда 1998 йилда кенг нишонланди. У дафн этилган Самарқанд шаҳри яқинидаги Ҳартанг қишлоғида йирик ёдгорлик мажмуи барпо этилди.

“Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида **“муҳаддислар султони”** дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами – “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби ислом динида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба бўлиб, аҳли ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда”[1]

Имом Бухорийнинг шогирди ва издоши **Имом ат-Термизий** (824-892) ҳам буюк ҳадисшунос олимлардан биридир. Унинг машҳур асарлари “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” *(“Ишонарли тўплам”),* “Аш-Шамоил ан-набавия” ёки “Аш-Шамоил ан-набий саллолоҳу алайҳи ва саллам” *(“Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари”)*, “ал-Илал фил-ҳадис” *(“Ҳадислардаги иллатлар”)*, “Рисола фил-хилоф вал-жадал” *(“Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола”),* “ат-Тарих” (“Тарих”), “Китоб ул-асмо вал–куно” *(“Исмлар ва кунялар китоби”).*

Имом ат-Термизийнинг “аш - Шамоил ан - набавия” асари Муҳаммад (*с.а.в.)*нинг шахсий ҳаёти, у зотнинг суврати ва сийрати, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига олган манбадир. Бу китоб

[1]Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч, -Тошкент. “Маънавият”, 2008. 38-бет.

азалдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келади.

“Имом ат-Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, “ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” бўлиб, 6 та ишончли ҳадислар тўпламидан биридир. Ушбу асар илмий манбаларда “Сунани Термизий” номи билан ҳам айтилади. Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир”[2]

Ислом таълимотида шариат ва унинг рукнлари ҳам муҳим ўрин тутади. Шариат *(арабчада тўғри йўл, қонунчилик маъносида)* — ислом диний ҳуқуқи, яъни барча мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган қонунлар, ҳуқуқий-ахлоқий кўрсатмалар мажмуидир.

Исломий илм тараққиётида аллома **Бурхониддин Марғиноний** (1123-1197) - фиқҳ бўйича “Бидоят ул-мубтадиъ” (“*Бошловчилар учун қўлланма*”)ни ҳанафия назариётчиси, шариат асосчиларидан Абул Ҳасан ал-Қудурий ва Муҳаммад аш-Шайбоний асарларига таяниб ёзган. Бурхониддин Марғинонийнинг ушбу китоби назарий асар бўлиб, ундан амалий жиҳатдан фойдаланиш қийин бўлган. Шу сабабдан ўзи 8 жилдли шарҳ — “Кифоят ул-Мунтаҳий” *(“Якунловчилар учун тугал таълимот”)*ни ёзган. Кейинчалик бу китоби асосида “Китоб ал-Ҳидоя” (*“Ҳидоя” — “Тўғри йўл”)*ни ёзади. Бурҳониддин Марғиноний бу китобида ўша замонларда мўмин-мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотиқ, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли жуда кўп муркаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берди.

“Ҳидоя” китоби нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун ислом шарқида бир неча тилларга таржима этилиб, машҳур бўлиб кетди. Бу китобдан фиқҳ илми бўйича нуфузли ҳуқуқий манба-асосий қўлланма сифатида

[2]Ўша асар, 38-39-бетлар.

фойдаланилган. Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки оддий халқ орасида ҳам “ҳидоят йўлининг сарбони” дея катта ҳурмат-эътибор топди.

Бурҳониддин Марғиноний “Нашр ал-мазҳаб” (“*Мазҳабнинг тарқалиши”*), “Китоб ат-тажнис вал - мазийд” *(“Фуқаролик ҳуқуқини тақдим этиш”),* “Китоб ул-фароиз” *(“Мажбуриятлар ҳақида китоб”),* “Мазийд фи фуру ул-ҳанафий” *(“Ҳанафия мазҳабига қўшимчалар”)* асарларини ҳам ёзган. У ўз асарларида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулкчиликни турли шакллари, молиявий фаолият, жиноят ва жазонинг ҳуқуқий асосларини, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти, қозилик муассасалари таркиби, тартиби ва жиноятларни кўриш масалаларини батафсил ёритиб берди.

Президентимиз Ислом Каримов: “Бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида ***“Бурҳониддин ва милла”*** яъни ***“Дин ва миллатнинг ҳужжати”*** деган юксак унвонга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди. Марғинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, эллик етти китобидан иборат “Ҳидоя” — “Тўғри йўл” деб аталган асари, мана саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани албатта бежиз эмас”[1],- деб ёзганди.

Яқин Шарқ, Марказий Осиёлик олимлар ислом дини илми ривожига буюк ҳиссаларини қўшар эканлар Аллоҳнинг якка-ю ягоналиги, Аллоҳнинг бир эканлиги тўғрисидаги тавҳид билан ҳам машҳур бўлдилар. Фаннинг бу жабҳасида замон уламолари ва фузалолари орасида буюк қобилият эгаси **Абу Мансур ал-Мотуридий** (870-944) - номи алоҳида ажралиб туради.

Имом Мотуридийнинг асосий асарлари “Китоб ат-Тавҳид” *(“Яккахудолик ҳақидаги китоб”),* “Таъвилет аҳл ас-сунна”*(“Суннийлик анъаналари шарҳи”)*дир. “Китоб ат-Тавҳид” Худоннинг якка-ягоналиги билиш назарияси баён қилинган мусулмон илоҳиётшунослигининг биринчи асари ҳисобланади. Китобнинг калом илми шаърифи берилган муқаддимасида билимнинг 3 манбаи: ҳиссий (*сезги*) аъзолари воситасида, нақл-ривоятлар воситасида ва ақл-идрок воситасида ахборотлар олиш мумкинлиги ҳақида гапирилади.

[1]Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: “Маънавият”, 2008, 40-бет.

Имом Мотуридий соф дин доирасидан чиқмаган ҳолда ақл-идрокни улуғлайди ва мантиқан асослаган билимнинг аҳамиятини таъкидлайди. Китобда ўша даврдаги адашган фирқалар қарашларининг ҳақиқатдан йироқ эканлиги таҳлил этилган. Имом Мотуридий "дин йўлидаги барча адашувчиларнинг сабаби — риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашишдадир", деб таъкидлаган эди.

Имом Мотуридий илоҳиётчи олим сифатида муҳим ақидавий масалалар-жузъий ихтиёр, эътиқод, охират ҳаёти кабиларни қамраб олувчи рисолалар битди. "Маъхаз аш-шариъа" ("*Шариат манбалари*"), "Китоб ал-усул" ("*Диний таълимот асослари китоби*"), "Китоб ал-жадал" ("*Диалектика ҳақидаги китоб*") каби асарлар шулар жумласидандир. Имом Мотуридий Абу Ҳанифа қарашларини тушунтириб бериб, уни ривожлантирди. Абул Ҳасан ал-Ашъарий ишлаб чиққан ислом ақидаси асосларини такомиллаштириб, уни суннийлик эътиқодига кириб қолган нотўғри, ғайри саҳиҳ ақидаларидан тозалади. Имом Мотуридий қарашлари ўз даврида минтақанинг маданий ва илмий равнақига сабаб бўлган. Чунки, дин асосларини мантиқан тушунтирган, танлов ҳуқуқи, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамжиҳатликни қарор топтириш ғояларини ривожлантирган.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган, ислом оламида "Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи" деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради".[1]

Ўзининг илмий фаолияти туфайли ўз даврида ***"Жоаруллоҳ"*** яъни Худонинг қўшниси деган номга сазовор бўлган **Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий**(1075-1144) араб граматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, тафсир, ҳадис ва фиқҳга оид 50 дан ортиқ асарлар яратган. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг "Ал-Муфассал" (*"Грамматика бўйича муфассал*

[1]Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч, –Тошкент; "Маънавият", 2008. 39-бет.

китоб”) асари араб тили нахву сарфини ўрганишда йирик қўлланма сифатида шуҳрат топган. “Муқаддимат ул-адаб” *(“Адаб илмига муқаддима”)* асаридаги арабча сўзлар остида форсий ва туркий таржималарининг берилиши ўзбек тарихий лексикологияси учун қимматлидир. Асар 5 қисмга бўлинган бўлиб — отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритади.

Ушбу асарда Махмуд аз-Замахшарий ўша давр араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамрашга интилган, уларнинг этимологиясига катта эътибор берган. “Асос ал-балоғат” *(“Нотиқлик асослари”)* асари луғатшуносликка бағишланган. Унда араб тилининг фасоҳати, мукаммаллиги ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва сўзлар билан ифодалаш, сўз бойлигидан усталик билан фойдаланиш учун киши фасоҳат, балоғат илмларидан яхши хабардор бўлиши керак.

Бунинг учун сўзни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган. “Ал-фоиқ фи ғариб ал-ҳадис” *(“Ғариб ҳадислар ҳақида қимматли китоб”)* асари ҳадисда учрайдиган, маъносини англаш қийин бўлган иборалар, сўзлар ҳақида. “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоъиз вал-хутаб” *(“Хутбалар ва ваъзлар баёнида олтин шодалар”)* — насиҳатомуз мақолалар тўпламидан иборат. “Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ит-танзийл ва уйун ил-ақовийи фи вужуҳ ит-таъвийл” *(“Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш”*) асари Қуръон тафсирига бағишланган.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “... ўрта асрларда Хоразм диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили граматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан, илм-фаннинг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам шуҳрат қозонган Маҳмуд аз-Замахшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларига машаққатли сафарлар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот, ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий етуклик тимсоли бўлиб қолаверади”.[1]

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008, 43-бет

Юқорида исм-шарифлари айтилган исломшунос алломаларимиздан ташқари юртимиз тарихида, унинг маънавий сарчашмаларида сезиларли из қолдирган, уларни ўз пок таълимотлари ила бойитган улуғ салафларимиз — ***Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Қаффол Шоший, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий***каби бобокалонларимизнинг азиз номлари тикланиб, асарлари чоп этилиб, бебаҳо меросларидан баҳра олаяпмиз.

6.3. Шарқ уйғониш даврида илм-фан равнақи

Аббосий халифалар ал-Мансур (754-775), Хорун ар-Рашид (786-809) ва унинг ўғли ал-Маъмун (813-833) илм-фан, айниқса, фалсафа, математика, астрономиянинг ривожига хайриҳоҳлик билдирибгина қолмай, унга ҳомийлик қилдилар. Хорун ар-Рашид даврида Бағдодда кўплаб кутубхоналар ташкил этилади. Уларнинг энг йириги ҳалифа кутубхонаси эди. Кутубхоналарга ҳалифаликнинг турли минтақалари ва хорижий юртлардан китоблар келтирилди, уларни кўплаб таржимонлар, олимлар бошқа тиллардан араб тилига ағдарадилар. Бағдодда ижод этган олимларнинг кўпчилиги юртдошларимиз бўлиб, “араб фани” деб аталмиш илмнинг аксарият ижодкорларини ташкил этдилар.

Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун аввал Хоразм, кейинчалик Хуросон ноиби этиб тайинланган эди. Маъмун ёшлигида яхшигина маълумот олган ва отаси каби илм-фан ривожига ҳомийлик қилувчи шахс бўлган. Маъмун Марвда ўз атрофига Хоразм, Фарғона, Сўғд, Шош, Фороб каби ўлкалардан олимларни тўплаб, уларнинг илмий-ижодий фаолиятларига шароит яратиб берган. Улар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Каср ал-Фарғоний, Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Аббос ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Аббос ибн Саид Жавҳарий, Абу Бакр Аҳмад бин Али ал-Марвазийлар эдилар.

Минг йиллар давомида жаҳон савдо йўллари чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё минтақасида ўзига хос маданият мавжуд бўлган. Ўрта асрларда ҳам илғор маданият, илм-фан худди айнан Марказий Осиё ҳудудида

ривожланиши ва кейинчалик Бағдод академиясининг шаклланишида ҳал этувчи роль ўйнагани табиий ҳолдир. Санкт-Петербурглик олим Б.И.Маршак бу ҳақда шундай деб ёзади: “Бу давр Ўрта Осиё, Эрон, Хуросон маданияти, фани, адабиёти ва санъатининг араблар томонидан босиб олинган мамлакатларга ўта кенг тарқалган ва бу маданиятнинг араблар томонидан ўзлаштирилган даври эди. Сиёсий ҳокимият араблар қўлида бўлгани билан маданий ҳукмдорлик улар томонида эди. Ҳамма дипломатлар, араб тилида ёзган олимлар, шоирлар бекорга Марказий Осиё ва Хуросондан чиқмаган эдилар”.

Ал-Маъмун ҳалифа бўлгач, Мовароуннаҳрда бошланган ҳайрли иш — илм-фан ривожига ҳомийлик қилишни кенгроқ миқёсда давом эттирди. Ал-Маъмун давридан бошлаб, табобат, фалсафа, фалакиёт, математика каби фанларга оид рисолалар (*Платон –“Қонунлар”, “Тимей”, Аристотель — “Сиёсат”, “Категориялар”, “Аналитика”, “Одоб”, “Қалб ҳақида”)* грек, сурёний, санскрит, паҳлавий ва хоразм тилларидан араб тилига ағдарилади, бунинг натижасида ўша давргача инсоният яратган маънавий бойликларни ўзлаштириш ва ривожлантириш осонлашади.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) — Ўрта Осиёлик буюк математик, астроном, географ, фан тарихидаги қомусий олимлардан. Муҳаммад ал-Хоразмий Бағдодда юнон фанининг ютуқларини ўрганади, ҳинд ва эрон манбалари, ҳатто бевосита Бобилдан қолган айрим фактлар ҳамда Хитой манбалари билан ҳам танишади, уларни ўзининг муҳим кашфиётлари билан бойитади ва фан тарихида абадий из қолдирган фундаментал асарлар яратади. Шунинг учун ал-Хоразмий ўзигача мавжуд бўлган цивилизация меросини синтез қилиб, бойитиб жаҳонга ёйган фан даҳоси ҳисобланади.

Муҳаммад ал-Хоразмийга дастлабки буюк шуҳратни “Ҳисоб ал-ҳинд” (“*Ҳинд ҳисоби”*) номли рисоласи олиб келди. Мазкур рисолада жаҳон фани тарихида биринчи марта ўнлик система ва унинг амалий аҳамияти ҳақида сўз боради. Муҳаммад ал-Хоразмий томонидан “О” (***нол***) нинг кашф қилиниши инсоният илмий тафаккурининг беқиёс улкан ютуғидир. Муҳаммад ал-Хоразмий томонидан ёзилган. “Ҳисоб ал-ҳинд” китобида энг муҳим олтита

арифметик амаллар — қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш ва квадрат илдиз чиқариш кабилар ишлаб чиқилган ва унинг услуб ва қонунлари кашф қилинган эди.

Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанига асос солгани, бу фан атамаси унинг “Китоб мухтасар мин ҳисоб ал-жабр вал-муқобала” *(“Ал - жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”*) асари номидан келиб чиққани яхши маълум. Лекин баъзан ал-Хоразмий фақат ўзидан аввал маълум бўлган чизиқли ва квадрат тенгламалар ечиш усулини тизимга солган, деган нуқтаи назар учрайди. Бу фикр ал-Хоразмий асари шу мавзудан бошланганлиги туфайли пайдо бўлган. Ҳолбуки, ал-Хоразмийнинг китоби, биринчи навбатда, алгебраик ҳисобга бағишланган. Бу шундан ҳам кўринидаки, китоб номи икки муҳим алгебраик амал-ал-жабр ва ал-муқобала деб аталган. Муҳаммад ал-Хоразмий алгебраик амалларни, аввал тенгламаларни ечишда қандай қўлланилишини баён этиб, сўнг алгебраик шакл алмаштиришларига ўтган. Акс ҳолда китобнинг мақсадини тушуниш қийин бўлар эди.

Алгоритмлар назариясини ҳам ал-Хоразмий номи билан боғланганлиги, ҳатто “Алгоритм” атамаси ҳам лотинча ифода этилган “Дихи Алгоритмик” (*дедики ал-Хоразмий*) сўзидан келиб чиққанлигини ҳеч ким инкор этолмайди. “Алгоритм” тушунчаси ҳозирги замон кибернетикаси, ЭҲМ (*электрон ҳисоблаш машинаси*) ва информацион технологияси ҳамда жараёнларининг асосий категориясига айланди.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг фан тараққиётида чуқур из қолдирган яна бир асари **“Зижи Хоразмий”**дир. Бу асар ўрта асрлар фанидаги астрономияга оид дастлабки асар бўлиб, 37 бобдан иборат ва 116 та жадвални ўз ичига олади. Унда турли тақвимлар, хронология, Қуёш, Ой, сайёраларнинг ҳаракати, буржлар ва бошқалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Хусусан, Қуёш ва Ой ҳаракати тенгламалари ва тутилиш муддатларини аниқлаш қоидалари, синуслар жадваллари, географик нуқталарни топиш қоидалари берилади. “Зиж”га биринчи марта тангенс функцияси киритилган.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг “Китоб амал бил-астурлобот” *(“Астролябиялар билан амаллар ҳақида китоб”)* асарида қадимги ва ўрта аср астрономиясининг асосий кузатув асбоби бўлган астролябия ясаш ва ундан фойдаланиш, осмон ёритқичларининг баландлиги, буржларга кириш вақти, бир кунлик ҳаракати ва эклиптик координаталари, янги ой чиқиш муддатларини аниқлаш ва бошқа аниқ ва лўнда қоидалар тарзида баён қилинган.

Муҳаммад ал-Хоразмий юнон олими Птолемейдан кейин яшаган буюк географлардан ҳисобланади. Унинг **“Сурат ал-Арз”**(*“Ернинг тасвири”*) асари фан тарихидаги муҳим манбалардан биридир. Китоб Птолемейнинг “География” си асосида ёзилган бўлса-да, шунчаки шарҳ эмас, балки мустақил асар ҳисобланади. Унда биринчи марта Ер сиртини етти иқлимга бўлиш илмий ёндашув билан, иқлимларнинг географик кенгликлари асосида берилган ҳамда 2402 географик объект ҳақида маълумотлар, хусусан, уларнинг кенглиги ва узунлиги келтирилган (*бу маълумотларнинг кўпчилиги Птолемей “География”сида берилмаган*). Хусусан, ал-Хоразмий география тарихида биринчи марта Тинч океанини тилга олади. У ўзи яшаган жойлардан жуда узоқдаги бошқа объектлар: Атлантика ва Ҳинд океанларидаги ороллар, жумладан, Буюк Британия, Ирландия, Сарандиб (*Шри Ланка*) жойлашувини тўғри тасвирлайди. Бу китоб XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган ва география фани ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг “Китоб ат-тарих” асарида мил. ав. 312-йилдан то милоднинг 828-йилгача ҳалифаликда юз берган воқеалар ҳикоя қилинади. Муҳаммад ал-Хоразмий “Китоб ат-тарих” *(“Тарих китоби”)*асарида Муҳаммад (*с.а.в*.) ҳаёти билан боғлиқ саналар, ислом тарихидаги муҳорабалар, Қуёш тутилишлари, 713 йил 10 мартда Антиохия шаҳрида юз берган даҳшатли зилзила, ҳалифаликдаги сиёсий ҳодисалар баён этилган.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг асарида ҳалифалик тарихининг унчалик маълум бўлмаган тарафларини ёритадиган ҳаракатлар, халқ қўзғолонлари ҳақида муҳим хабарлар, фан ва маданият тарихига оид қимматбаҳо далиллар келтирилган. “Китоб ат-тарих”бутун ўрта асрлар мобайнида Шарқ

тарихнавислигига бевосита таъсир кўрсатиб келган. Шунга кўра, ал-Хоразмий ўрта аср тарихнавислигида муайян анъанага асос солгани ва унинг илк вакилларидан бири бўлгани шубҳасиздир.

Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек: “Ўрта асрларнинг илк даврида шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гапирар эканмиз, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номини биринчилар қаторида тилга оламиз. У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берди в амалиётга татбиқ этди. Бу эса математика ва астрономия фанлари ривожижа кескин бурилиш ясади. Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожидаги хизматлари умумэътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида унинг номи ва асарлари “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди”.[1]

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний (798-865) — астрономия, математика, география ва бошқа илмий йўналишларда фаолият кўрсатган қомусий олим. Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти, илмий изланишлари ва камолоти Аббосийлар сулоласи ҳукм сурган, Араб халифалиги жаҳоннинг энг йирик салтанатларидан бирига айланиб, унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросондан келган кўплаб мутафаккирлар муҳим ўринга эга бўла бошлаган тарихий даврда кечди.

Бу даврда халифаликда Хорун ар-Рашид фармони билан барпо қилинган иккита расадхона ва бой кутубхона бор эди. Абу Райҳон Берунийнинг маълумотларига қараганда, расадхоналардан бири Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласида ва иккинчиси Дамашқ яқинидаги Касийун номли тоғда

[1] Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Асарлар тўплами, 22 жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2014, 281-282-бетлар.

жойлашган. Расадхоналарда Хорун ар-Рашид асос солган илмий марказ “Байт ул-ҳикмат” (*“Донишмандлар уйи”)* олимлари илмий-тадқиқотлар олиб борарди. Улар орасида Аҳмад ал-Фарғоний ҳам бўлган. Аҳмад ал-Фарғоний аввал Бағдоддаги расадхонада иш олиб борди, сўнгра ал-Маъмун топшириғи билан Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳаракати ва ўрнини аниқлаш, янгича “Зиж” яратиш ишларига раҳбарлик қилди.

Аҳмад ал-Фарғоний 832-833 йилларда Шом (*Сурия*)нинг шимоли-шарқидаги Синжор даштида Тадмур ва ар-Раққа оралиғида ер меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчашда қатнашди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисидаги энг сўнгги маълумот 861 йилга мансуб. Ўша йили Аббосий халифа Абул Фазл Жаъфар ал-Мутаваккил буйруғи билан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо этиш учун Мисрнинг Қоҳира яқинидаги Фустат шаҳрига келади. Илмий-техник ва меъморий жиҳатдан ғоят улуғвор бу қурилма (“*Ниломер*”) Нил дарёсининг Сайёлат ул — Род мавзесида ҳозиргача сақланиб қолган.

Унинг асосий астрономик асари — “Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум” (“*Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби*”). Бу асар “Астрономия асослари ҳақидаги китоб” номи билан ҳам машҳур бўлиб, 1145-1175 йилларда Европада лотин тилига таржима этилади. Шундан сўнг Аҳмад ал-Фарғоний номи лотинлаштирилиб, **“Алфраганус”** шаклида Ғарбда шуҳрат топади. Унинг “Астрономия асослари ҳақидаги китоб” асаридан бир неча асрлар давомида Европа университетларида астрономия фани бўйича асосий дарслик сифатида фойдаланилган, чунки, бу китобда замонасидаги астрономия ҳақидаги энг муҳим ва зарур бўлган билимларни ўз ичига олган эди.

Унинг географияга оид бўлими ер юзидаги мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақидаги энг бошланғич ва зарурий билимларга бағишланган бўлиб, “Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқлимдаги ҳодисалар ҳақида” деб аталади. Асарда фалакиёт ва географик илмларнинг асосий мазмуни, вазифалари ва қисмлари тушунарли далиллар асосида, содда

баён этилади. Хусусан, Ернинг думалоқлиги, бир хил осмон ёритқичларининг турли вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу тутилишнинг ҳар бир жойдан турлича кўриниши, масофалар ўзгариши билан уларнинг кўриниши ўзгариши ҳақида қимматли мулоҳазалар билдирилади.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг "Ал-Фарғоний жадваллари", "Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида" асарлари алломага астрономия илми бўичада жаҳонда шуҳрат келтирди.

Юртбошимиз Ислом Каримов: 2014 йил Самарқанддаги халқаро анжумандда таъкидлаганидек: "Аҳмад Ал-Фарғоний томонидан IX асрда яратилган "Астрономия асослари" фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишига эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири, унинг Ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва, шунингдек, Нил дарёсида "ниломер" деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди".[1]

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий (873-950) **—** Ўрта Осиёнинг улуғ мутафаккири ва қомусий олими. Юнон фалсафасини чуқур билгани, унга шарҳлар битганлиги ва жаҳонга тарғиб қилгани ҳамда замонасининг илмларини пухта ўзлаштириб, фанлар ривожига улкан ҳисса қўшгани учун **"ал-Муаллим ас-Соний"** *("Иккинчи муаллим")*, **"Шарқ Арастуси"** номларига сазовор бўлди. Мавжуд маълумотларга қараганда Абу Наср Форобий 70 дан ортиқ тилни билган, 160 дан ортиқ асар

[1] Каримов И.А. "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Асарлар тўплами, 22 жилд. –Т.: "Ўзбекистон", 2014, 282-бет.

ёзган. Лекин уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Шунга қарамай, мавжуд рисолаларнинг ўзиёқ унинг буюк олим эканлигидан далолат беради.

Абу Наср Форобийнинг асосий асарлари: “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида”, “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар”, “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Бўшлиқ ҳақида рисола”, “Донолик асослари”, “Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши”, “Мантиқ тўғрисидаги рисолага муқаддима”, “Мантиқ илмига кириш”, “Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида”, “Мусиқа ҳақида катта китоб”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Ҳикмат маънолари”, “Ақл тўғрисида”, “Илмлар ва санъатлар фазилати”, “Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари”, “Аристотель “Метафизика” китобининг мақсади тўғрисида”, “Риторика ҳақида китоб” ва бошқалар.

Олимнинг илм-фан олдидаги хизматларидан яна бири унинг юнон мутафаккирлари асарларига шарҳлар ёзганлиги ва уларни янги ғоялар билан бойитганлигидир. Аллома, энг аввало, Аристотель асарларига шарҳлар битиб, унинг натур фалсафий ғояларининг тарғиботчиси ва давомчиси сифатида танилган. Абу Наср Форобий, шунингдек, Афлотун, Эвклид, Птолемей, Порфирий асарларига ҳам шарҳлар ёзган.

Абу Наср Форобийнинг гносеологик қарашлари, яъни билиш ҳақидаги таълимоти ижтимоий-фалсафий фикр ривожи тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Олимнинг бу борадаги фикрлари унинг “Мантиқ тўғрисида рисолага муқаддима”, “Мантиққа кириш”, “Ақл сўзининг маънолари тўғрисида”, “Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши” ва бошқа асарларида таҳлил қилиб берилган. Мутафаккир инсон - ер юзидаги олий мавжудот эканлигини таъкидлаб, унинг қобилияти, теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларни идрок этиш кучига катта баҳо беради.

Абу Наср Форобий ўз асарларида билиш шакллари, инсоннинг руҳий ҳолати, жон ва тананинг ўзаро муносабати, мантиқий фикрлаш тўғрисидаги мулоҳазаларини билдиради. Унинг айтишича, инсоннинг билиш, руҳий қобилиятларини мия бошқаради, юрак эса барча аъзоларни ҳаёт учун зарур бўлган қон билан таъминловчи марказ вазифасини бажаради. Инсон

воқеликнинг идрок, сезги, хотира, тасаввур, мантиқий тафаккур, ақл, нутқ ва бошқа восита ҳамда усуллар орқали била олади. Олим ҳиссий ва ақлий билиш мавжудлигини, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва фарқларини ҳам айтиб ўтади. Ҳиссий билишда сезги аъзолари ёрдамида ашёлар, нарса ва ҳодисаларнинг муайян сифатлари билиб олинади. Шу билан бирга, сезги орқали нарса ва буюмларнинг муҳим бўлмаган томонлари ҳам идрок қилинади. Ақл орқали эса буюм сифатларини мавҳумлаштириш орқали унинг моҳияти ва умумий томонлари билинади.

Абу Наср Форобий мантиқ илмининг моҳияти ва вазифаси ҳақида “Мантиқ илмига муқаддима” асарида шундай дейди: “Бу шундай бир санъатки, у ҳар доим одам нотиқликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирор бир хулоса қилинадиган бўлса, хатоларнинг олдини олувчи нарсаларни ўз ичига олади. Унинг ақлга нисбатан муносабати грамматика санъатининг тилга нисбатан муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тўғрилагани каби, у шунинг учун ҳам вужудга келган мантиқ илми ҳам хато келиб чиқиши мумкин бўлган жойда тафаккурли тўғри йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради”.

Абу Наср Форобий дунёқарашида ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий фикрлар ҳам муҳим ўрин тутади. Алломанинг “Тахсилус-саодат” (“Бахт-саодатга эришув ҳақида”), “Фозиллар шаҳри аҳолисининг фикрлари”, “Буюк кишиларнинг нақллари”, “Мусиқа ҳақида катта китоб”, “Сиёсати мадания” (“Фуқаролик сиёсати”) ва бошқа асарлари жамият ва уни бошқариш, ахлоқ-одоб ва таълим-тарбия масалаларига бағишланган.

Абу Наср Форобий Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари файласуфлари орасида биринчи бўлиб, жамиятнинг келиб чиқиши, унинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Ўрта аср шароитида жамият табиий шароитда келиб чиққанлиги, инсон фақат бошқалар ёрдамида ҳаёт қийинчиликларига қарши кураша олиши мумкинлигини асослаб берди. “Ҳар бир инсон,- дейди Абу Наср Форобий,- ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож

бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсонлар кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди". Шаҳарлар, унинг фикрича, инсонларнинг жамоа бўлиб уюшишининг олий шакли бўлиб, унда инсоний баркамол бўлиб етишиши учун зарурий шароитлар бўлади. Абу Наср Форобий инсонлар табиий эҳтиёж натижасида ўзаро бирлашиб, жамоани ташкил қилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Абу Наср Форобий шаҳар-давлатларни фозил ва жоҳилга ажаратади. Фозил шаҳар халқини бахт-саодатга элтиши, унинг бошлиғи эса адолатли, юксак ахлоқли ва маърифатли, ўзида бутун ижобий хислатларни тўплаган бўлиши лозим. Лекин, шундай шаҳар ёки мамлакатлар бўладики, уларнинг аҳолиси нафсга берилган, бутун фикри-зикри бойлик тўплаш бўлади. Абу Наср Форобий бундай шаҳарларни жоҳил шаҳарлар деб атайди. Жоҳил шаҳарларнинг бошлиқлари ҳам фақат бойлик тўплашга ружу қўйган бўлади. "Улардан чиққан раҳбар ҳам,- деб таъкидлайди аллома -раҳбарликни мол-дунё кўпайтиришда деб билади. Ҳақиқий бахтга эришиш учун ҳаракат қилувчи, ўзаро ёрдам қилувчи, халқини бирлаштирган шаҳар-фозил шаҳар ҳисобланади. Абу Наср Форобий фикрига кўра, давлатни идора этувчи шахс ўзининг фазилат ва хулқ-одоби билан ажралиб туриши, хусусан у 12 та хислатни эгаллаган бўлиши, бошқаларга ғамхўрлик қилиши, қонунларга тўла риоя этиши ва қонунларни ярата олиши, келгусини олдиндан кўра билиши керак.

Абу Наср Форобий мусиқани инсон тарбиясига таъсир қилувчи омиллардан бири деб билди, у мусиқани инсонга нафосат, эстетик завқ бағишловчи, ҳис-туйғуларни ва ахлоқни тарбияловчи муҳим восита, деб ҳисоблайди. Мутафаккир "Мусиқа ҳақида катта китоб" номли кўп жилдли асарида мусиқа назарияси ва тарихи, турли мусиқа асбоблари, куйлар ва уларнинг ички тузилиши, товушлар, ритмлар, оҳанглар ҳақида маълумот

беради. У илми ийқо, илми таълиф фанларига асос солди. Юқоридаги асарида ўтмишдаги мусиқашунос ва тадқиқотчилар мусиқа тараққиётига катта ҳисса қўшганлигини алоҳида қайд қилади. Шунингдек, куйлар уйғунлиги, куй ижро этиш усуллари ҳақида сўз юритади. Абу Наср Форобийнинг айтишича, мусиқий тасаввурлар инсон руҳининг энг нозик жойидан қайнаб чиқиб, оҳанг ҳолида сезги қувватларига таъсир қилади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “X асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобийни замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Аристотели” деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машҳурлари “Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти” ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларинингқисми кўплаб Европа ва Шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чуқур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда”.[1]

Хоразм Маъмун академияси Хоразмшоҳ Маъмунийлар давлати (995-1017) тарихи билан бевосита боғлиқ. Сиёсий, иқтисодий, ҳарбий қудратга эришган Хоразмшоҳлар давлати мамлакатни бирлаштириш, унда тартиб ўрнатиш бўйича тадбирларни амалга оширган. Кун тартибида, биринчи навбатда давлат ички ва ташқи сиёсатини олиб боришда мафкуравий масалаларни ҳал қилиш турган.

Хоразмшоҳ **Али ибн Маъмун** (997-1009) доно ва зукко маслаҳатчиларга муҳтож бўлган. Унинг бахтига тоғаси, **Абу Наср ибн Ироқ** ўз даврининг ўта билимдон олими бўлган. 1004 йилда Ибн Ироқнинг таклифи билан Абу Райҳон Беруний Журжондан Урганчга қайтиб келган. Маъмун саройида илм аҳли учун яхши шароит яратиб берилган. Бу икки шахс Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўплаб олимлар билан шахсий ёзишмалар олиб борган. Уларнинг таклифи билан

[1] Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Асарлар тўплами, 22 жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2014, 285-бет.

Нишопур, Балх, Бухоро ва ҳатто араб Ироқидан кўплаб олимлар Урганчга келишган.

Шу тариқа 1004 йилдан бошлаб Урганчда **“Дор-ул ҳикмат”** (баъзи *бир манбаларда “Мажлиси уламо”)* номини олган илмий муассаса тўла шаклланган. Бу илмий муассасада худди Афинадаги Платон, Бағдоддаги “Байт ул-ҳикмат” академияси фаолиятига ўхшаб илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган; ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғонийларнинг боқий асарлари, илмий ишларидан фойдаланилган.

Хоразм Маъмун академияси асосини қуйидаги олимлар ташкил этган: Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ал-Жаъдий, Абулхайр ибн Хаммор, Абу Саҳл Исо ибн Яҳъё ал-Масихий ал- Журжоний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино, Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Мискавайҳ, Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Найсабурий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий, Абу Али ал-Ҳасан ибн Ҳорис ал-Ҳубубий ал-Хоразмий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Хоразмий ва бошқалар[1].

Хоразм Маъмун академияси олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий, танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтарганлар, уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли қадимги Хоразм бадиий санъати, адабиёти, астрономияси, суғориш маданияти ютуқлари жаҳон тамаддуни хазинасига кирган ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қила бошлаган.

Арузий Самарқандий “Чаҳор мақола”да ёзишича, Абу Наср ибн Ироқ астрономияга оид илмий асарлари туфайли “Батлимуси соний ” *(“Иккинчи Птолемей”)* деган фахрий ном олди. Аблхайр ибн Хаммор мантиқ, фалсафадан ташқари табобатда ҳам жуда машҳур бўлгани учун “Буқроти соний” *(“Иккинчи Гиппократ”)* тахаллусига сазовор бўлган.

[1]Маҳмудов М. Хоразмшоҳ Маъмун академияси. — Тошкент, “Фан”, 2005, 5-бет.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973-1048) **—** улуғ ўзбек мутафаккир олими, уйғониш даврининг буюк даҳоларидан. Ўз замонасининг ҳамма фанларини, биринчи навбатда фалакиёт, физика, риёзиёт, илоҳиёт, маъданшунослик фанларини пухта эгаллаган. Бу фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси билан унинг номи дунё фанининг буюк сиймолари қаторидан жой олди. Абу Райҳон Беруний шоир, адабиётшунос ҳам эди. Она тилидан ташқари араб, суғдий, форс, сурёний, юнон, қадимги яҳудий ва санкскрит тилларини эгаллади.

Абу Райҳон Беруний 995 йили Кат шаҳрида глобус ясаган ва унга географик объектларни жойлаб, уларнинг координатларини аниқлаган. Бу глобус Шарқда тайёрланган биринчи ва шу билан рельефли глобус бўлган. Абу Райҳон Берунийнинг Гургонда ёзган йирик асарларидан бири “Ал-осор боқия ан ал-қурун ал-ҳолия” (“*Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар*”) бўлиб, унда греклар, римликлар, форслар, сўғдлар, хоразмлилар ва бошқаларнинг урф-одатлари, диний эътиқодлари, фанлар соҳасидаги билимлари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

1004 йилда Абу Райҳон Беруний Хоразмга қайтгач Али Аббос Маъмун II саройига яқинлашада. Ўша даврда Урганчда Хоразмшоҳ саройида кўп машҳур олимлар тўпланиб, фаннинг турли соҳаларида илмий изланишлар олиб борадилар. “Маъмун академияси” деб номланган бу анжуманнинг фаолиятида Абу Райҳон Беруний етакчилардан эди. Шу билан бирга у шоҳ Маъмун II нинг вазири, яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашади.

Абу Райҳон Берунийнинг Ибн Сино билан ёзишмалари ҳам унинг Хоразмда турган даврида бўлган. Уларнинг савол-жавобларидан ва Абу Райҳон Берунийнинг Ибн Синога ёзган эътирозларидан бизгача фақат 18 таси етиб келган. Бу ёзишмалар унинг табиат фалсафаси ва физика масалалари билан ҳам қизиққанини кўрсатади. Бу савол-жавобларда икки машҳур олим фазо, иссиқликнинг тарқалиши, жисмларнинг иссиқдан кенгайиши, нурнинг акс этиши ва синиши каби масалаларда илмий муноазара олиб борган.

Билиш назарияси хусусида ҳам ўзига хос фикрлари бор. Унинг фикрича, билишнинг асоси, бизнинг дунё хақидаги билимларимиз манбаи бўлмиш сезги аъзолари орқали олинган билимлардир. Умуман, илмий билимлар ҳақида гапирар экан, бу — ақл-идрок туфайли эришилган ютуқлар, дейди. Абу Райҳон Беруний биринчилардан бўлиб, Аристотелнинг фан соҳасидаги хизматларига юксак баҳо бериш билан бирга танқидий фикрлар ҳам билдирган. У Аристотелнинг "табиий жой", "дунёнинг ягоналиги", "оғирлик ва енгиллик" каби тушунчаларини танқид қилади. Аристотелнинг "оғир" ва "енгил" деган тушунчасидан фарқли равишда Абу Райҳон Беруний Ибн Синога ёзган "Эътироз"ларида ҳамма нарсаларнинг Ер маркази томон тортилиши ҳақидаги фикрни олға суради. Бу тортилиш кучи ҳақидаги назариянинг ишлаб чиқиш йўлида қўйилган муҳим қадам эди. Абу Райҳон Берунийнинг бу назарий хулосалари XVII аср бошида инглиз олими Исаак Ньютоннинг "Оламнинг тортилиш қонуни" кашф этилишга олиб келди.

1017 йилда Хоразм Маҳмуд Ғазнавий давлатига қўшиб олинганидан кейин Абу Райҳон Беруний бошқа сарой олимлари билан биргаликда Ғазна шаҳрига олиб кетилади. Алломанинг Ғазнадаги даври унинг илмий фаолияти учун энг маҳсулдор давр бўлган. Ғурбатда ҳаёт кечирган олим ўзининг барча вақтини илмий тадқиқот ишларига сарф қилди. Абу Райҳон Берунийнинг "Хоразмнинг машҳур кишилари", асари ҳам шу даврда яратилган.

Унинг Геодезияга оид муҳим асари — "Таҳдид ниҳоёт ил-амокин ли тасҳиҳ масофот ил-масокин" *("Турар жойлар орасидаги ҳудудларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш"*)ни 1025 йилда тугаллаган. Бу асарнинг бирдан-бир қўлёзмаси Истамбулда "Геодезия" номи билан таржима қилинган. Муаллиф шу асарида дунё бир-бири билан қўшилган яхлит сув ҳавзасини ташкил қилади деб хулоса чиқарган.

Абу Райҳон Берунийнинг машҳур "Ҳиндистон" асари — "Таҳқиқ мо лил-Ҳинд мин маъқула мақбула фи-л-ақл ав марзула" *("Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби")* 1030 йилда ёзилган. Бу асар Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан юксак баҳоланган.

Ҳиндистонда санскрит тилини пухта ўрганиш унинг ҳинд маданияти, адабиёти ва Ҳиндистоннинг ўша давр олимлари билан яқиндан танишишига ҳамда бу мамлакат ҳақида ўлмас асар яратишига имкон берди. “Ҳиндистон” ҳажми жиҳатдан жуда катта асар. Унда ҳинд адабиёти, фалсафаси, аниқ фанлар, география, элшунослик, қонун ва урф-одатлар, тарихий-диний ривоятлар, ҳинд ёзувининг турлари ҳақидаги маълумотлар бор.

Абу Райҳон Берунийнинг фалаккиёт соҳасидаги хизматлари айниқса, каттадир. У ўз илмий асарларида дунёнинг тузилиши масаласида Птолемей назариясига суянса ҳам, лекин Ернинг ҳаракати ҳақида ўша даврда ҳукмрон назарияга зид келадиган фикрларни баён қилган. “Ҳиндистон” асарида “Ернинг айланиш ҳаракати фалакиёт фани ҳисобларига ҳеч қандай зид келмайди, балки Ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга давом этаверади”, деган фикрни баён этади.

Абу Райҳон Беруний ўз замонасининг улкан математикларидан бири эди. Унинг математика фанига қўшган ҳиссаси муҳим аҳамиятга эга. Абу Райҳон Беруний асарларида геометрия, арифметика, алгебра, сонлар назарияси ва тригонометрия тушунчалари маълум тартиб билан таърифланади. Олимнинг арифметика ва алгебрасининг катта ютуғи шундан иборатки, унда иррационал сонлар арифметика ва алгебранинг тенг ҳуқуқли предмети бўлиб қолди.

Тарихда Америка қитъасини 1492 йилда денгиз сайёҳи Христофор Колумб кашф этганлиги қайд қилинган. Аммо бу борада Абу Райҳон Берунийнинг илмий фарази мавжудлиги ҳам маълум. Олим ўзининг “Ҳиндистон” асарида Ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқлик тўғрисида гапириб”, ...Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани Ғарб ва Шарқ томондан Муҳит океани (*Атлантика ва Тинч океани*) ўраб турибди. Бу Муҳит океани, ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан иккала ёқдан ажратиб туради...”,— деб ёзади. Шундай фикрни “Ал-Қонун ал-Масъудий” асарида ҳам уқтиради. Демак, ғарбий ярим шарда яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб

номланган қитъанинг мавжудлигини Абу Райҳон Беруний европалик олимлардан 450 йил олдин башорат қилган.

Абу Райҳон Берунийнинг “Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир” *(“Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами”)* китоби минерология фанида муҳим кашфиёт ва хулосалар чиқарди. Бу соҳада Абу Райҳон Беруний аждодлар эришган фан ютуқларини тан олди, уларга ўз яратган янги маълумотларни қўшди. У минерологик текширишда қимматбаҳо тошларнинг рангини, ялтироқлигини тасвирлаш, қаттиқлигини аниқлаш, уларнинг магнит ва электр хусусиятларини кузатиш, эритиб синаш каби усуллардан фойдаланган. Унинг “Минерология” асари конларни ўрганиш, шу жумладан, Ўрта Осиё ер ости бойликларини аниқлаш учун қимматбаҳо манба ҳисобланади. Олим минералларнинг хоссаси унда атом заррачаларининг зичлигига боғлиқлиги тўғрисида муҳим хулоса чиқарган.

Олимнинг охирги — “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”нинг қўлёзмаси Туркиядан топилган. Асар “Сайдана” номи билан машҳур, унда Шарқда, жумладан, Туркистонда ўсадиган доривор ўсимликларнинг тавсифи берилган. ”Сайдана”да тарифланган 1116 та дори моддасининг 107 тасини маъданли моддалар, 880 тасини ўсимликлар, 101 тасини ҳайвоний моддалар, 30 га яқинини мураккаб доривор дорилар ташкил қилади. Бу дориларнинг турли тил ва лаҳжалардаги номига Абу Райҳон Беруний алоҳида эътибор беради. Номларнинг сони 450 га яқин бўлиб, бу иши билан ўша даврдаги доришунослик атамаларини тартибга солишга катта ҳисса қўшган.

Унинг махсус табиатшунослик масаларига бағишланган китоблари ҳам ижтимоий фанларнинг кўпгина соҳаларини ўзига қамраб олади. Бу хусусда унинг “Геодезия”, “Минерология” ва бошқа асарларида тарих, адабиёт, тилшунослик каби соҳаларга оид қимматли маълумотлар жамланган. Масалан, “Минерология”да ҳар бир қимматбаҳо тош ёки металлни тавсифлаш жараёнида араб мумтоз шоирларининг ўша тош ёки металл ҳақида ёзган шеърларидан намуналар келтирилган.

Абу Райҳон Беруний ёшларни илмга ўргатиш жараёнида ақлга ва тажрибадан ўтган билимга таяниш лозимлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган ҳолда, болалар билиши ва ўрганиши зарур бўлган фанларни ҳақиқий фанлар (*тил, адабиёт, фалсафа, тарих, этнография, шеърият, психология, математика, физика, жуғрофия, геодезия, фалакиёт, минерология, тиббиёт*)га бўлади. Бу фанларнинг ҳар бирига ўз давригача билимларни умумлаштириб, ўзининг янги хулосалари билан катта ҳисса қўшди. Жумладан, Абу Райҳон Беруний умамун тил, тил илми ҳақида гапириб, тил кишилар ўртасидаги алоқа ва фикр алмашуви воситасигина эмас, балки тил илми барча фанларнинг асосини ўрганиш калити дейди.

Аллома ўз даврининг энг кўзга кўринган илм-фан хомийси эди. У мамлакат равнақини фан, маърифат ривожида кўрган. Илм-фан, маърифат саховат хизматини ўташи мумкин деб ҳисоблаган. У шундай ёзади: “Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим-билимларни тарғиб қилишга қаратилган, чунки, мен билим орттириш лаззатидан баҳраманд бўлдим. Буни мен ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман”[1]. Инсоннинг энг олий фазилати бошқалар ҳақида, айниқса, ёшлар ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Буюк мутафаккир доимо халқларнинг дўстлиги, иноқ, иттифоқ бўлиб яшаши учун курашиб келди, инсоният ва у томонидан яратилган маданиятга қирғин келтирувчи урушларни қоралади. Олим маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта эътибор берган алломадир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Улуғ қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф

[1]С.Отамуродов ва бошқалар Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. — Тошкент: “Мерос”. 2002, 111-бет.

этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан "Беруний асри" деб аталиши бежиз эмас".[1]

Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) **—** жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим. Абу Али ибн Сино ёшлигидан тиб илмига қизиқиб, Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танилди. Ўша кезларда ҳукмдор Нуҳ ибн Мансур бетоб бўлиб, сарой табиблари уни даволашдан ожиз эдилар. Довруғи бутун шаҳарга ёйилган ёш табибни амирни даволаш учун саройга таклиф қиладилар. Унинг муолажасидан бемор тезда соғайиб, оёққа туради. Эвазига Абу Али ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Самонийларнинг кутубхонаси ўша даврда бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан бири эди. Абу Али ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада бўлиб, ўз даврининг энг ўқимишли, билим доираси кенг кишиларидан бирига айланди.

У юнон муаллифларининг, хусусан, Аристотелнинг "Метафизика" асарини берилиб мутолаа қилади. Лекин бу китобда баён қилинганларнинг аксарияти Абу Али ибн Синога тушунарсиз эди. Тасодифан ёш олимнинг қўлига Абу Наср Форобийнинг "Метафизиканинг мақсадлари ҳақида"ги китоби тушиб қолади ва уни ўқиб чиқибгина метафизикани ўзлаштиришга муваффақ бўлади.

Алломанинг илмий ижоди 18 ёшидан бошланади. У Нуҳ ибн Мансурга атаб нафсоний қувватлар ҳақида рисола, "Уржуза" тиббий шеърий асари, ўз қўшниси ва дўсти Абу-л-Ҳусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан, кўп фанларни ўз ичига олган "Ал-Ҳикмат ал-Арузий" (*"Арузий ҳикмати")* асарини таълиф этди. Ундан ташқари, бошқа бир дўсти фақиҳ Абу Бакр ал-Барқийнинг

[1] Каримов И.А. "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Асарлар тўплами, 22 жилд. –Т.: "Ўзбекистон", 2014, 283-бет.

илтимосига кўра, 20 жилдли “Ал-Ҳосил ва-л -маҳсул” *(“Якун ва натижа”)* қомусий асари ҳамда 2 жилдли “Китоб ал-бар ва-л-исм” *“Саҳоват ва жиноят китоби”)*ни ёзди.

Қорахонийлар 999 йил Бухорони забт этиб, сомонийлар давлатини ағдарганидан кейин Абу Али ибн Сино ҳаётида ташвишли, нотинч ва оғир дамлар бошланади. Бундай вазиятда Бухорода ортиқ қолиш мумкин эмас эди. Шу боис Абу Али ибн Сино ўз юртини тарк этиб Хоразмга бош олиб кетади.

Хоразмда Абу Али ибн Сино асосан, математика ва астрономия билан шуғулланди. Бу соҳалардаги билимларининг чуқурлашиб, илмий дунёқарашининг шаклланашида Ибн Ироқ ва Абу Райҳон Беруний билан бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этади. Абу Али ибн Синонинг Аристотель таълимоти хусусида Абу Райҳон Беруний ва ўзининг шогирди Бахманёр билан ёзишмалари тарихда машҳурдир. Абу Али ибн Сино Абу Саҳл Масиҳийнинг тиббий тажрибаси ва билимларидан ҳам катта сабоқ олади.

Хоразмшоҳ вазири Абу-л-Ҳусайн ас-Саҳлий илмларни севувчи киши эди. Абу Али ибн Сино у билан дўстлашади ва унга атаб алкимёга оид “Рисола ал-иксир” *(“Иксир ҳақида рисола”)* номли асар ёзади. Бироқ Хоразмдаги осойишта ҳаёт узоққа чўзилмайди. Абу Али ибн Сино 1011 йилда Хоразмни тарк этиб, Абу Саҳл Масиҳий билан Журжонга кетишади. Абу Али ибн Сино 1012-1014 йилларда Журжонда яшайди, лекин шу қисқа вақт ичида унинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири — Абу Убайд Абдўлвоҳид Жузжоний билан учрашади. У Абу Али ибн Синога ҳам шогирд, ҳам содиқ дўст эди. Жузжоний Абу Али ибн Сино билан олимнинг сўнгги дамигача, 25 йил давомида бирга бўлади. Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолининг ёзилиб қолдириши, кўпгина асарларининг таърифи ва тартибга тушиши ҳамда уларнинг кейинги авлодларга келишида Жузжонийнинг хизмати катта.

Бу ерда у шогирдининг илтимосига кўра, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанларга оид бир нечта рисола ёзди ва энг муҳими **“Тиб қонунлари”**нинг дастлабки қисмларини яратди. 1014 йил Журжондан Райга, кейин Ҳамадонга келади. Ҳамадонда дастлаб сарой табиби, сўнг вазирлик мансабига кўтарилади.

Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, илмий ишларини ҳам давом эттиради ва қатор асарлар яратади. Ўзининг машҳур фалсафий қомуси **“Китоб аш-Шифо”**ни ҳам шу ерда ёзишга киришган. “Тиб қонунлари”нинг қолган қисмини ҳам шу ерда, Ҳамадонда ёзиб битиради.

“Тиб қонунлари” (*асл номи “Китоб ал-Қонун фи-т-тибб)”*ўз давридаги табобатнинг муфассал энциклопедияси бўлиб унда инсон соғлиғи ва касалликларига оид бўлган барча масалалар мантиқий тартибда тўла баён этилган. Олдинлари табобат, асосан, ҳунар ҳисобланар ва у билан шуғулланувчилар назарий масалаларга унчалик аҳамият бермай уни амалда қўллаш билан чекланар эдилар. Абу Али ибн Сино эса асосан шу китобида табобатни илм даражасига кўтарди ва юнон, рим, ҳинд, Яқин ва Ўрта Шарқ табибларининг эришган ютуқларига таяниб унинг ҳам назарий ҳам амалий томонларини чуқур ишлаб чиқди.

“Тиб қонунлари” бешта китобдан иборат:

1-китобда-табобатнинг назарий асослари, ҳамда амалий табобатнинг умумий масалалари, табобат илмининг таърифи унинг вазифалари, хилт ва мижоз ҳақидаги таълимот баён қилинади.Кейин одам танасининг аъзолари, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, кўринишлари, даволашнинг умумий усуллари ҳақида фикр юритилади.

2-китобда- ўша даврда ўсимлик, ҳайвон ва маъданлардан тайёрланадиган 800дан ортиқ дори-дармонларнинг таърифи, уларни қўллаш усулларини баён қилган.

3-китобда -одам танасининг аъзолари ва уларда юз берадиган касалликлар ҳақида маълумот берилади. Умуман олганда, бу китоб хусусий патология ва терапияга бағишланган.

4-китобда -киши аъзоларидан бирортасига хос бўлмаган «умумий» касалликларга бағишланган. Бундай касалликларга турли истмалар, шишлар, тошмалар, яра-чақалар, куйиш, суяк синиши ва чиқиши, асабларнинг жароҳатланиши, бош суяги, кўкрак қафаси, умуртқа ва қўл-оёқларнинг шикастланиши киритилган. Шунингдек, мазкур асарда узоқ чўзиладиган ва ўта

юқумли касалликлар: чечак, қизамиқ, мохов, вабо ва қутуриш ҳақида сўз боради.

5-китоб-фармакопея бўлиб, унда мураккаб таркибли дори-дармонларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари ёритилган.

Абу Али ибн Сино 1023 йили Исфахонга бориб, умрининг 14 йилини шу ерда ўтказади. Бу ерда ҳам у тинимсиз илмий иш билан машғул бўлиб, бир қанча асарлар яратади. Улар орасида тиб, фалсафа, аниқ фанлар, тилшунослик каби фанларга оид китоблар бор. “Китоб аш-Шифо”нинг қисмлари, форс тилидаги “Донишнома” ва 20 жилдли “Инсоф-адолат китоби” шулар жумласидан.

Замондошлари Абу Али ибн Синони “Шайх ар-раис” (*“Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи*”); “Шараф ал-мулк” (“*Ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи*”), “Ҳужжат ал-ҳаққ” (“*Ростликка далил*”), “Ҳаким ал-вазир” (“*Донишманд вазир*”) деб атаганлар. Жаҳон фани тарихида Абу Али ибн Сино қомусий олим сифатида тан олинган, чунки, у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Олим асарларини ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқнинг илмий тили бўлган араб тилида, баъзилари (*шеърий ва айрим фалсафий асарлари*)ни форс тилида ёзган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 274 таси етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб, қолганлари мантиқ, психология, табииёт, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган.

Абу Али ибн Синонинг илмий меросини шартли равишда 4 қисмга, яъни, фалсафий, табиий, адабий ва тиббий соҳаларга бўлиш мумкин. Лекин Абу Али ибн Сино асарларининг миқдорий нисбатига назар солсак, олимнинг қизиқиш ва эътибори кўпроқ фалсафа ва тибга қаратилганини кўрамиз. Гарчи, уни “Авиценна” сифатида Ғарбда машҳур қилган унинг тиббий мероси, хусусан, “Тиб қонунлари” бўлса-да, “Шайх-ар-раис” номи, энг аввал, унинг буюк файласуфлигига ишорадир.

Олимнинг фалсафага оид энг йирик ва муҳим асари “Китоб аш-Шифо”дир. У 4 қисмдан иборат: 1) мантиқ — 9 қисмга бўлинган: “Ал-мадҳал” — мантиққа кириш; “Ал-мақулот”-категориялар; “Ал-Иборат”-интерпретация; “Ал-Қиёс”-Силлогизм; “Ал-бурҳон” Исбот-далил; “Ал-Жадал”-тортишув, диалектика; “Ас-сафсата” софистика; “Ал-хитоба”-риторика; “Аш-шеър”-поэтика (шеър санъати);

2) тиббиёт -(бу ерда минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва инсонлар ҳақида алоҳида-алоҳида бўлимларда гапирилади); 3) риёзиёт - 4 фанга бўлинади; ҳисоб (*арифметика*), ҳандаса (*геометрия*), астрономия ва мусиқа; 4) метафизика ёки илоҳиёт.

Абу Али ибн Синонинг яна бир фалсафий асари “Китоб ан-Нажот” “Китоб аш Шифо”нинг қисқартирилган шакли. Олимнинг фалсафий қарашлари яна “Ал-ишорат ва-т-танбиҳот” *(“Ишоралар ва танбеҳлар”),* “Ҳикмат ал-машриқийн” *(“Шарқчилар фалсафаси”),* “Китоб ал-ишорат фи-л-мантиқ ва л-ҳикмат” *(“Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари”)* форс тилида ёзилган. “Донишнома” *(“Билим китоби”)* ва бошқа турли ҳажмдаги фалсафий рисолаларида ҳамда “Тайр қиссаси”, “Саломон ва Ибсол”, “Ҳайй ибн Яқзон”, “Юсуф ҳақида қисса” каби фалсафий мазмунли бадиий қиссаларда ўз аксини топган.

Абу Али ибн Синонинг дунёқараши Аристотель таълимоти ва Абу Наср Форобий асарлари таъсирида шаклланди. Унинг фикрича, фалсафанинг вазифаси мавжудотни яъни барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, бир-бирига ўтишини зарурият, имконият, воқелик, сабабият оламлари асосида, ҳар томонлама ўрганишдан иборат.

Абу Али ибн Сино минералогия (*маъданшунослик*) соҳасида ҳам салмоқли ишлар қилган. У минералларнинг оригинал таснифини таклиф этади. Унга кўра, барча маъданлар 4 гуруҳга: тошлар, эрийдиган жисмлар (*металлар*), олтин гугуртли ёнувчи бирикмалар ва тузларга бўлинади.

Абу Али ибн Сино ботаника масалалари билан ҳам жуда кўп шуғулланган, чунки, табобатда ишлатиладиган доривор моддаларнинг

аксарияти ўсимликлардан олинади. У “Китоб аш-Шифо”нинг “ан-Наботот” (“*Ўсимликлар*”) қисмида ўсимликларнинг турлари, пайдо бўлиши, озиқланиши, ўсимлик аъзолари ва уларнинг вазифалари, кўпайиши ҳамда ўсиш шароитлари ҳақида ёзади, илмий терминология яратиш соҳасида ҳам иш олиб боради.

Абу Али ибн Сино ёшлигидан астрономияга қизиққан ва бу қизиқиш умрининг охиригача сақланган. У 8 та мустақил рисола ҳамда “Китоб аш-шифо” ва “Донишнома”нинг риёзиёт қисмларида астрономияга алоҳида бобларни бағишлаган. Птолемейнинг “Алмагест”ини қайта ишлаб, шунинг асосида амалий астрономия бўйича қўлланма яратган. Абу Али ибн Сино Журжон шаҳрининг географик узунлигини ўз даври учун бутунлай янги бўлган усул — Ойнинг энг баланд нуқтасини кузатиш орқали аниқлаб берган. Абу Райҳон Беруний “Геодезия” асарида бу усулнинг тўғрилиги ҳақида гапириб, уни фақат Абу Али ибн Сино номи билан боғлайди. Бу усул Европада 500 йилдан кейин (1514) астроном Вернер томонидан янгидан кашф қилинади.

Абу Али ибн Сино мусиқа бобида Абу Наср Форобийнинг илмий йўналишини давом эттирган йирик назариётчидир. Мусиқа ҳақидаги “Жавомеъ илм ул-мусиқий” *(“Мусиқа илмига оид тўплам”)* асари “Китоб аш-Шифо”нинг бир қисми бўлиб, ҳар бири бир неча бобли 6 бўлимдан иборат. “ан-Нажот”, “Донишнома”ларда мусиқа ҳақида кичик бўлимлар мавжуд. “Тиб қонунлари”, “Рисолаи ишқ” ва бошқаларда мусиқанинг айрим масалалари, жумладан, инсон психикасига таъсири ҳақида фикр юритган.

Абу Али ибн Сино ўз давридаги илмлар таснифи масаласига ҳам жиддий эътибор билан қаради ва бу соҳада “Ақсом ал-улум ал-ақлия” *(“Ақлий илмлар таснифи”)* номли асар ёзади. Унда олим ақлий илмларни ҳикмат-фалсафа илмлари деб олиб, уларни назарий ва амалий қисмларга бўлди. Назарий билимлар ҳақиқатни билишга, амалий илмлар яхши ишларни бажаришга қаратилган. Назарий фалсафа 3 га бўлинади: 1) қуйи даражадаги илм, яъни табиатшунослик *(тиб, кимё, астрология ва бошқа);* 2) ўрта даражадаги илм-математика *(геометрия, арифметика, астрономия, мусиқа);* 3)олий даражадаги илм-метафизика (*илоҳиёт*).

Амалий фалсафа ҳам уч қисм (*ахлоқ, иқтисод ва сиёсат*)га бўлиниб, биринчисида шахс, унинг феъл-атвори қандай бўлиши ҳақида; иккинчисида инсонларнинг оилада, хўжалик ишларида бир-бири билан муносабатлари қандай бўлиши ва учинчисида шаҳар ёки ўлка миқёсида кишиларнинг бир-бири билан муносабати қандай бўлиши, давлатни идора қилиш ҳақида гап боради. Бу туркум ҳам майда тармоқларга бўлиниб кетади. Асарда 29 илм тармоғи тилга олинади.

Абу Али ибн Сино ҳақиқий ахлоқий фазилатларга ва идеал жамоага шу мавжуд дунёда эришув мумкин, жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшашлари керак деб таъкидлайди. Жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини айтади. Жамият аъзоларининг ҳаммаси бу қонунга итоат этишлари, қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши лозим. Агар ҳоким подшонинг ўзи адолатсизликка йўл қўйса, халқнинг унга қарши кураши тўғри ва жамият томонидан қўллаб-қувватланиши керак, деб ҳисоблайди. Ўзининг ахлоқ тўғрисидаги фикрларида инсонларнинг кундалик ишларидаги энг зарур ахлоқий муносабатларга, камтарлик, иззат-ҳурмат, жасурлик, тўғрилик, софдиллик каби ахлоқий фазилатларга алоҳида эътибор беради.

Абу Али ибн Сино ўзининг бой ва серқирра илмий мероси билан кейинги давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ривожига катта таъсир кўрсатди.

Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек: “Ислом оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири” деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти, аввало, тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушганлар.

Биз доим ғурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган, “Тиб қонунлари” деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солди. Бежиз эмаски, бу китоб Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми айни шу асар асосида ўқитиб келинган”.[1]

Умар Ҳайём (*Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Ҳайём Нишопурий, 1048-1131*) -математик, астроном, файласуф, ҳаким ва мутафаккир, шоир. Салжуқийлар ҳукмронлиги даврида **Маликшоҳ** (1019-1092) даъвати билан 1074-йилда Исфахонда расадхона қурилишига ва унга раҳбарлик қилган. Юлдузлар жадвали (*зиж*), 1079 йилда янги ислоҳ қилинган тақвим (*календарь*) тузган. Бу тақвим Европада ундан 500 йил кейин жорий қилинган Григорий календаридан ҳам аниқроқ бўлган.

Умар Ҳайём илмда ҳам, ижодда ҳам ўзини шайх ур-раис Абу Али ибн Синонинг садоқатли шогирди ҳисоблаган. Абу Али ибн Сино асарларини арабчадан форсчага таржима қилиб, шархлаб берган, унинг ғояларини давом эттирган ҳамда тарғиб қилган. “Рисолат ул-Кавн ват-таклиф” (“Коинот ва унинг вазифалари ҳақида”), “Рисола фи-л-Вужуд” *(“Борлиқ ҳақида рисола”),* “Рисола фи куллиёти вужуд” *(“Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола”)* каби фалсафий асарларида Абу Али ибн Синонинг вориси ва издоши сифатида фикрлайди.

1077 йилда у юнон олими Уқлидус, Эвклид китобидаги бир неча геометрик шаклларни шарҳлаб ёзган “Рисола фи-л-бароҳийн ала масойил ал-жабр ва-л-муқобала” *(“Алгебра ва муқобала”, Қаршилик назариясиисботлари ҳақида рисола”)*, “Мушкулот ул ҳисоб” *(“Арифметика мушкулотлари”)* асарларида у юнон олимларининг аниқ фанларга оид фикрларини араб тилида

[1] Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Асарлар тўплами, 22 жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2014, 283-284 бетлар.

кенг шарҳлаш билан бирга, уларнинг қарашларини ривожлантирган, математик, физик тенгламалар моделларини топган.

Умар Ҳайём XII аср форс насрининг нодир намунаси ҳисобланган “Наврўзнома” асарида бу байрамнинг келиб чиқиш тарихи, Шарқ халқларининг бу байрам билан боғлиқ анъана ва маросимларини кенг ёритган, кўплаб ҳикоят ва ривоятлар келтирган.

Умар Ҳайёмга унинг рубоийлари жаҳоншумул шуҳрат келтирган. Уларда шоир дунё, одам ҳаёт мазмуни ҳақида фикр юритади. Рубоийларида у материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлишини (*кулол, кўза, тупроқ ҳақида ва бошқалар*) ифодалайди. Умуман, ишқ ва ҳаёт, инсон тафаккурининг қудрати, умрнинг маъноси, инсоний фазилат ва қусурлар, маърифат ва жаҳолат каби мавзулар шоир рубоийларининг асосини ташкил этади.

Тез-тез учраб турадиган май образи эса илоҳий муҳаббат, ҳаёт лаззатларини улуғлаш воситасидир. Фирдавсий маснавийни, Ҳофиз ғазални қанчалик такомилга етказган бўлсалар, Умар Ҳайём ҳам рубоийни шунчалик юксак мавқега кўтарган. Умар Ҳайём рубоийлари дунёнинг деярли барча тилларига таржима қилинган.

Биз бу мавзуда Шарқ уйғониш даврида яшаб ижод қилган энг буюк аллома ва уларнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссалари тўғрисида фикр юритдик. Лекин булардан ташқари ҳам юзлаб олим, шоирлар ижод қилганларки уларни тўла қамраб олиш қийин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Шарқ Уйғониш даври ва унинг омиллари учун илм-фан ва маданиятнинг янада юксалганини кўрамиз. Маданиятда дунёвий илмлар, ислом аҳкомлари, ақидаларнинг ривожланиши, уларнинг жамият ва одамлар манфаатлари нуқтаи назаридан талқин этилиши, инсоний дўстлик, юксак ахлоқийлик, комил инсон шахсининг шаклланиши, қомусий билимдонлик шубҳасиз, башарият маънавияти юксалишининг муҳим мезонидир.

Шарқ уйғониш даври жаҳон мамлакатларининг маданий ва ғоявий ҳаётида катта ижобий роль ўйнади, бу даврда жаҳон маданиятининг энг нодир ва бебаҳо асрлари яратилди. Шарқ уйғониш даври инсоният тараққиётининг беназр давридир. Алломаларимизнинг илмий ва адабий асарлари ўтмиши ва ҳозирда ҳам маънавиятимиз юксалишига хизмат қилиб келмоқда.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1.Шарқ уйғонишининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2.Мусо ал-Хоразмий фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
3.Аҳмад ал-Фарғонийнинг қандай асарларини биласиз?
4. Шарқда “ал-Муаллиму ас-Соний” номи билан машҳур аллома ким?
5.“Авицена” номи билан машҳур бўлган аллома ҳақида сўзлаб беринг.
6. Ислом таълимотининг асосини нима ташкил этади?
7. Имом ал-Бухорийнинг қандай асрларини биласиз?
8. Имом ат-Термизий қандай олим?
9. Абу Мансур Мотуридийнинг қандай асарларини биласиз?
10. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари нима ҳақда?

Инсон учун билим орттиришнинг ўзи кифоя эмас, олинган билимни тараққиёт йўлида сарфлашни ҳам билмоқ лозим.

Йоханн Вольфганг Гёте

7 мавзу. ЕВРОПА УЙҒОНИШ ДАВРИ МАДАНИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар:

Ренессанс, гуманизм, реформация, Мартин Лютер, Калъвинизм, инквизиция, Данте, Боккаччо, Петрарка, Шекспир, Сервантес, Буюк географик кашфиётлар, Колумб, Васко да Гама, Магеллан, меъморлик, тасвирий санъат, баракко, Никколо Донателло, Ленардо да Винчи, Мона Лиза, Микеланжело, Санти Рафаэл, Вечеллио Тициан, табиий билимлар, техник тараққиёт, геоцентристик ғоя, гелиоценрик система, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей.

7.1. Европада Уйғониш даври маданияти ва унинг асосий хусусиятлари

“Ренессанс”[1]сўзининг маъноси Ўрта асрларга хос диний фанатизмдан ва турғунликдан қутилиб, инсон камолотига ҳалақит бераётган иллатларни ошкора танқид қилиб ҳар томонлама камолотга интилиш, антик (*Юнон-Рим)* маданияти ва санъати анъаналарига қайтиш, унинг Уйғониши давридир. Шу билан бирга, Ренессанс бадиий услуб ҳамдир. Икки ярим аср давомида Италияда ва сўнгра бошқа Европа мамлакатларида ўрта асрларда қудратли бўлган Рим черкови ҳукмронлиги заифлашиб, дунёвий фан ва саньатлар ривожланиб, сезиларли ўзгаришлар юз берди. Биринчи навбатда инсон тафаккури ўзгарди: одамлар коинотга, ерга, табиатга, ўзига бошқача нуқтаи назар билан қарай бошлади. Аммо буни тушуниш осон кечмади. Бунда, айниқса Ўрта асрлар тафаккури кишанларидан халос бўлиш лозим эди. Шу боисдан ҳам инсон эндиликда антик маданиятнинг бой меросига мурожаат эта бошлади. Уни қуйидагича кичик даврларга бўлиш мумкин:

[1]**“Ренессанс”** сўзи муомалага XVI-асрда Жоржо Вазири томонидан киртилган бўлиб, русча “Возрождение”, италянча “Чинквиченто”, ўзбекча “Уйғониш” номи билан юритилади.

1.Илк Уйғониш даври : XV аср;

2.Юқори Уғониш: XV аср охири – XVI асрнинг биринчи чораги;

3.Қуйи Уйғониш: XVI асрнинг сўнгги даври.

Уйғониш даври Италияда асосан XIV-XV, бошқа Европа мамлакатларида XV-XVI асрларни қамраб олади.

Уйғониш маданиятининг шаклланиши, биринчи навбатда, ўрта асрлар диний схоластикасининг чуқур инқирозига жавобан юз берди. Шу боисдан, Уйғонишнинг асосий хусусияти дунёвийлик ва рационализмнинг динийликдан устуворлигидир. Диннинг инқирози айни чоғда Ўрта асрлар маданиятининг ғоявий-сиёсий асосининг ҳам инқирозини бошлаб берди.

Шимолий ва Ўрта Италиянинг тоғли ҳудудларида катта ер эгалиги пайдо бўлишига шароит бўлмагани боис, X-XI асрлардаёқ бу ерларда ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши натижасида шаҳарлар пайдо бўлиб, кенгая бошлади. Бу эса жамиятда савдогарлар, ҳунармандлар қатламлари, яъни буржуазия вакиллари мавқеининг ошишига олиб келди. Улар XIII асрдаёқ феодал тарқоқликка, феодалларнинг бошбошдоклигига қарши курашда Флоренция, Болония, Сиена ҳудудларида сиёсий ҳокимиятни қўлга олишга улгурган эдилар. Бу эса капитални илк жамғарилиши, буржуа ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиши-Уйғониш даври иқтисодий ҳаётига хос хусусиятдир.

Шунингдек, айнан Италияда антик Рим маданияти анъаналари, айниқса, лотин тили, антик давр шаҳарлари, бойликлари ва энг кўп сақланиб қолган эди. Ўтмиш маданиятининг улуғворлигини тасдиқловчи тарихий хотиранинг ҳам сақланиб қолганлиги янги маданиятнинг шаклланишида катта аҳамият касб этди.

“Ренессанс” атамаси дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалишга нисбатан қўлланилган, уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар. Ренессанснинг асосий аломатлари: тафаккурда ва илму ижодда догматизмни, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни қадрлаш, унинг истеъдоди, ақлий-ижодий қобилятларни юзага чиқариш; антик

давр (*юнон-рум*) маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш; черков схоластикасидан қутулиб, адабиётда ва санъатда дунёвий гўзаллик, инсон эрки, ҳурфикрлилик учун кураш жараёнларида намоён бўлди.

Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намойиш этадиган улуғвор бадиий асарлар, салобатли бинолар яратилди, дунёвий илм - фанлар ривожланди. Италияда шоирлар Ф.Петрарка, А.Данте, рассом Б.Жотто, адиб ва мутафаккирлар Ж.Боккаччо, Л.Ариосто, Ж.Тассо Ренессанс ғояларининг жарчилари бўлиб майдонга чиқдилар. Кейинчалик Б.Микеланжело, С.Рафаэль, В.Шекспир, М.Сервантес каби гуманист алломалар Европанинг турли мамлакатларида буни давом эттирдилар.

Ўша пайтларда (XIII-XVI асрлар) Европанинг кўпгина қисмида ***испанлар ёзуви*** ҳам, шимолий ***оромий*** ёзуви ҳам Осиёдан олинди; шимолий, ғарбий ва шарқий Европа маданияти юнон-рум-араб уруғидан униб чиққандир (***Г.Гердер***). Платон, Аристотель асарлари ҳам Европага дастлаб арабча таржима ва талқинлар орқали кириб борган. “Шарқликлар Ғарбни Аристотель фалсафаси билан ёритдилар” (*Гегель*).

Аниқ фанлар ва уларни ўрганиш усулларини, деҳқончилик ва чорвачилик илмлари, денгизда сузиш, ҳарбий техникани Европа Шарқдан олиб ривожлантирди. “Математика, кимё, тиббиёт соҳасида мусулмонларнинг хизмати буюк. Бу фанларда мусулмонлар Европанинг муаллимлари бўлиб қолдилар” (***Г.Гердер***). Айнан шу даврдан бошлаб сув парракларининг кучидан домна печларида рудани эритиш, темирга ишлов бериш ва бошқа соҳаларда кўплаб қўлланила бошланди. Механик соатсозлик, мушкетсозлик, денгиз-океан каравеллаларини қуриш авж олди.

7.2. Гуманизм, реформация, янги инсон идеалининг шаклланиши

Гуманизм сўзи Цицерон ғоясидан олинган бўлиб, (*лот.* - *инсоний*) **—** одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий

фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш демакдир. Уйғониш даврида схоластикага ва черковнинг маънавий ҳукмронлигига дунёвий ҳурфикрлилик қарши турган. Ғарбий Европадаги бир неча мамлакатларда гуманизм ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъат, илм-фанда католицизмга ва шахснинг қуллигига қарши қаратилган илғор ҳаракат эди.

Гуманизм тарафдорлари ўз замонасининг тараққийпарвар кучлари бўлган. Улар инсон ҳуқуқи ва олийжаноб фазилатлар, илм-маърифат ва ҳуррият, кишиларнинг ҳар томонлама эркин ривожланиши учун кураш олиб бордилар. Гуманизмнинг атоқли намояндалари Ф.Петрарка, Т.Кампанелла, Микеланжело, Леонардо да Винчи, Сандро Ботичелли (*Италия*), М.Монтень, Ф.Рабле (*Франция*), Т.Мор, Ф.Бэкон (*Англия*), Н.Коперник (*Польша*) ва бошқалар эдилар.

Католицизм инқирози шу даражада жиддий тус олиб, чуқурлашиб бордики, реформация натижасида христиан динида пайдо бўлган янги оқим — немис мутафаккири М.Лютер асос солган протестантизм (лот.-норозилик билдирувчи, Рим черкови епископларини, кардиналларининг Худога воситачилигини рад этувчи) мазҳабини вужудга келтирди.

Реформация ибораси лотинча ўзгариш, ислоҳ қилиш маъносини англатиб, Ғарбий ва Марказий Европада XVI асрда вужудга келди. У асосан, антифеодал характер, мазмун касб этиб, феодал тузумнинг асосий мафкуравий негизи ҳисобланган католик черкови ҳукмронлигига қарши йўналган эди.

Мартин Лютер (1483-1546) Германиядаги Виттенберг университети илоҳиёт профессори, ремормация арбоби, протестантизмнинг асосчиси. Германияда католик черковига қарши ижтимоий ҳаракат кучайган шароитда 95 та тезиси билан индульгенция (лот. шафқат-католик черковида гуноҳларни (хатто қилмоқчи бўлган гуноҳлари ҳам) тўлиқ ёки қисман кечириш, шунингдек, шу ҳақдаги шаҳодатнома)га қарши чиқди. У черковнинг ва руҳонийларнинг инсон билан худо ўртасидаги воситачилик ролини рад этди. Католик черковининг асосий ақидаларини инкор этувчи бу тезислар унинг янги диний таълимотининг моҳиятини ташкил қилади.

М.Лютер ўзининг янги қоидалари билан черков ва руҳонийларнинг жамиятдаги ҳукмрон мавқеини инкор этиб, инсоннинг “халос бўлиши” бу, диний маросимларни адо этишига эмас, балки унинг эътиқодининг самимийлигига боғлиқ деб уқтирган. У диний ҳақиқат бу Инжилнинг ўзи деган. Библияни немис тилига таржима қилди ва унинг асарларида немис адабий тили шаклланди. М.Лютер асарларининг тўла нашри немис тилида (*67 жилдда*), лотин тилида (*38 жилдда*) чоп этилган.

Жан Кальвин (1509-1564) -Францияда Реформация намояндаларидан бири, кальвинизм асосчиси. М.Лютер таъсирида протестантизмга мойил бўлган. “Христиан динидаги кўрсатмалар” асарида (1536) кальвинизм асослари ифода этилган. У “Қадимги аҳд” (“Таврот”)ни христианлик ҳақиқатининг ягона манбаи деб ҳисоблади. Черков ва жамият ҳаётида худога эътиқод қилишни тарғиб этиш Ж.Кальвин фаолиятининг асосини белгилайди. Ж.Кальвин ўта диний муросасизлиги билан ажралиб турган. Унинг таълимоти Франция, Англия, Нидерландия, Германия, Венгрия ва Польша мамлакатларига тарқалди.

Кальвинизм таълимотида фақат Муқаддас китобни тан олиш, илоҳий қисматга ишониш, одамларнинг нажот топишида руҳонийларнинг ёрдами зарурлигини инкор этиш, хоч ва иконага сажда қилишни рад этиш, черков маросимларини соддалаштириш (*ибодат пайтида диний мусиқа чалмаслик, шам ёқмалик, черков деворларида тасвирлар бўлмаслиги*). Шу билан бирга у маслакдошларини мол-мулк орттириш учун тинимсиз меҳнат қилишга чақирди. Кимнинг мол-мулкни бўлса, у “Худонинг севган бандаси”, унинг тўғридан-тўғри жанатга боришини уқтирган. У мулкдорлар синфи мустақил яшаш тарафдори эди.

Реформация мафкурачилари шундай ғояларни илгари сурдиларки, бунга кўра католик черкови ва унинг бутун иерархияси (*бошқарув тизими*) ва умуман, руҳонийлик амалда инкор этилди. Улар диннинг ягона манбаи муқаддас китоб “Библия” деб эълон қилдилар ҳамда католикларнинг расмий талқинини рад этдилар, черковни соддалаштиришни, унинг ер, мулк ва бошқа

нарсаларга бўлган ҳуқуқларини бекор қилишни талаб қилдилар. Реформацияни асосан бюргер-буржуа (*Лютер, Кальвин*), халқ ҳаракатлари йўналиши касб этиб, у феодал эксплуатацияни тугатиш, тенглик ўрнатиш учун католик черковини бекор қилишга йўналган кураш ғояси руҳи билан суғорилган эди.

Томас Мюнцер (1490-1525) - Германия деҳқонлар уруши йўлбошчиси, бош мафкурачисидир. Ҳокимиятни зўрлик билан ағдариб ташлаш, уни халқ ихтиёрига бериш, одил жамиятни ўрнатиш ғояларини диний формада тарғиб қилган. У “ердаги ҳаётни яхшилаш, ёвузликни йўқотиб, жаннатни ерда яратиш” зарурлигини тарғиб қилган ва ҳаётининг охиригача ўз ғояларига содиқ қолади. Ўз навбатида католик черкови феодал жамияти вакилларига таяниб иш кўрди. Католик черковини Германия императори, Испания ва Польша қироллиги қўллаб-қувватлади. Католик черкови Реформацияга қарши оммавий қирғин уюштиришдан ҳам қайтмади. Жумладан, 1572 йил 24 августда Парижда Варфоломей кечаси уюштирилиб, гугенотлардан 2000 киши қатл қилинади.

Реформация байроғи остида 1524-1526 йилларда Германияда деҳқонлар уруши, сўнгроқ Нидерландия ва Англияда буржуа инқилоблари юз берди.Реформация протестантликка асос солди. Бу реформация руҳида диний ўзгаришлар ўтказилишининг бевосита натижаси бўлди. 1555 йилда Рим Папаси билан битим тузилди. Шундан бошлаб Реформациянинг барча тарафдорлари протестантлар, янги черков эса Протестант черкови номи билан атала бошланди. XVI аср ўрталарига келиб Швейцария, Англия, Швеция, Дания, Норвегия католицизмдан чиқди. Сўнгра протестантлик Бельгия, Голландия, Франция, Чехия, Венгрияга ҳам кириб борди.

Инсонпарварлик — инсоннинг қадри, эркинлиги, бахт-саодати, тенг ҳуқуқлиги тўғрисида, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт–шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодалайди. Гуманистик дунёқарашга кўра, дунёда энг қимматли нарса инсондир, бутун мавжудот, борлиқ инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим. Инсон тақдири, халқ манфаатлари, мамлакат кишилари ҳақида ғамхўрлик инсонпарварликнинг асосий масаласидир.

Инсонпарварлик ғоялари узоқ тарихга эга. Улар бахт-саодат ва адолатга эришиш орзулари тарзида қадимдан халқ оғзаки ижодида, адабиётда, диний ва фалсафий таълимотларда ўз аксини топиб келмоқда. Шарқ фалсафаси ва ижтимоий тафаккурида инсонпарварлик ғоялари азалдан кенг тарқалган. Инсонпарварлик ғоялари Европа ўрта асрларда инсоннинг камситилишига, уни худо ва дин номидан ҳақоратлаб инквизиция гулҳанида ёндирган диний фанатизмга қарши, инсон ҳуқуқлари учун муросасиз кураш сифатида намоён бўлди.

Инквизиция (лот. қидирув)- католик черковининг суд-тергов ташкилоти, XII асрда бидъатчиларга қарши курашиш мақсадида тузилган. Рим папасига бўйсунган. Инквизиция заминдорлар-черков мафкураси ва улар зулмига қарши курашчиларни таъқиб қилган. 1231 йилдан Доминиканлар ордени ихтиёрида бўлган. Инквизиция фаолияти шафқатсизлиги билан ажралиб турган. 1452 йилдан Римдаги Олий инквизиция трибунали инквизициянинг олий органи бўлиб қолди, XVI асрда инквизиция контрреформациянинг асосий қуролларидан бирига айланди.

Аутодафе (исп. ва португ. – эътиқод акти) - Испания ва Португалияда инквизиция ҳукмининг тантанали эълон қилиниши, шунингдек, шу ҳукм ижроси (асосан, омма олдида гулханда ёқиш). Дастлабки аутодафе XIII асрга тааллуқли. XV аср охиридан кенг тарқалган. Машҳур инквизатор Торквемида 1483-1498 йилларда 9 мингдан ортиқ қишини тириклайин гулханда ёққан. Сўнгги аутодафе 1826 йили Валенсияда осиш орқали амалга оширилган. Испан тарихчиси Хуан Антонио Лъорентенинг маълумотига кўра, 1481-1808 йилларда Испанияда 31913 киши тириклайин ёқилган, 29145 киши девор ортида қолдирилиб ташлаш, мол-мулк мусодараси жазоларига лойиқ қурилган.

Гуманистик ғоялар ўрта асрларнинг сўнгги, янги даврнинг биринчи шоири, буюк сиймо **Алигъери Данте** (1265-1321)нинг «Илохий комедия», «Зиёфат», «Монархия» асарларида баён этилган. А.Данте христиан ақидаларини ўзгармас ҳақиқат сифатида тан олган ҳолда, Худо ва инсон муносабатларини янгича талқин қилади, уларни бир-бирига зид қўймасдан, ҳар

иккаласини ўзаро бирликда, деб билади. У бу дунёда инсонни роҳат- фароғатга қуйидаги иккита йўл олиб боради, деб ҳисоблайди: фалсафий таълим, яъни инсон тафаккури, унинг қобилиятлари ҳамда муқаддас руҳдан келиб чиқувчи "маънавий таълим".

Шоир гуманизми таркидунёчилик (*аскетизм*)га қарши қаратилган ва инсон кучига тўлиқ ишонч руҳи билан суғорилган. А.Дантенинг фикрича, инсон ўз фаровонлиги учун ўзи курашиши лозим. Бойлик ёки меросга қолган нуфуз ва обрў киши тақдирида ҳал қилувчи омил бўлолмайди, аксинча инсон ўзининг шахсий фазилатлари ва сифатларига таяниб, бахт-саодатга эришади.

А.Данте «Монархия» асарида ўзининг черковга нисбатан сиёсий нуқтаи назарини баён қилади. Унинг фикрича, черков одамлар турмушига аралашмасдан, фақат «нариги дунё» масалалари билан шуғулланиши даркор. Сиёсат эса, инсон тафаккурига, унинг манфаатларига бўйсуниши керак.

Шунингдек, А.Данте «Монархия» («*Салтанат*») асарида Ибн Рушд изидан бориб, руҳонийлар ҳукмронлигини инкор этади, адолатли ҳукмдор бошчилигидаги ягона давлат ғоясиниилгари суради. Мутафаккирнинг бу тарздаги илғор дунёқараши черковни ғазаблантиради. Рамини, Гвидо, Вернани сингари Папа тарафдорлари А.Дантени «Гуноҳга ботган, даҳрий Ибн Рушд» ғояларини тарғиб этишда айблайдилар.

А.Данте қачонлардир бутун инсоният бошини қовуштирадиган адолатли давлат қарор топишига ишонади. Бу эзгу орзусини баён этишда шоир Ибн Рушднинг қуйидаги фикрларига асосланади: Инсон ўз имконий ақли орқали атроф-муҳитни билиб олади. Бироқ бир одам ҳар қанча донишманд бўлмасин, мутлақ билимлар жамулжамини эгаллашга қодир эмас, балки ақлий борлиқнинг муайян бир қисминигина эгаллаши мумкин, холос. Бинобарин, одамлар сони кўпайган сари билиш доиралари ҳам кенгаяди, аммо бир давр одамлари, улар нечоғли улкан гуруҳни ташкил этмасинлар, ҳақиқатни тўла англаб етолмайдилар. Бутун инсоният билими эса мутлақ ҳақиқат томон узлуксиз туташиб боради. Бу-кишилик насли каби, ўлмас ва туганмас имкондир.

Демакки, бирлашган салтанатга инсониятнинг ақл-заковати ҳам жамланиб, тажассум топади; ҳикмат-ҳақиқат дунёни идора этади. Қирғинбарот урушлар барҳам топади, кишилик ҳадик-қўрқув, муҳтожлик чангалидан чиқиб, бахтиёр яшайди, дейди А.Данте.

А.Данте фалсафий руҳдаги “Базм” (1308), “Монархия ҳақида” (1313), “Ер ва сув ҳақида” (1320) рисолаларида гуманистик қарашларни илгари суради, даврнинг муҳим ижтимоий-аҳлоқий муаммоларига жавоб излайди. Жумладан, “Монархия ҳақида” асарида А.Данте бутун жаҳон монархиясини ер юзидаги одамларнинг фаровонлигини таъминлайдиган адолатли давлат шакли сифатида ҳимоя қилади.

“Комедия” асари А.Данте ижодининг чўққисидир (1307-1321), кейинроқ бу достон “Илоҳий комедия” деб ҳам юритилган. А.Данте вафотидан сўнг қўшилган “илоҳий” сўзи шоир ижоди муҳлислари томонидан асарнинг бадиий жиҳатдан юксаклигини ифодалаш учун қўлланилган. Достон 3 қисм *(“Дўзах”, “Аъроф”,“Жаннат”*)дан иборат. Ҳар бир қисмда 33та қўшиқ бор. Достон А.Дантенинг шоир Вергилий етакчилигида у дунёга саёҳати тарзида ёзилган. Бу шакл Шарқ услубидаги “Мерожнома” сюжетини эслатади.

Буюк ижодкорлар ажиб бир шиддат билан ўзларигача яратилган адабий-маданий ютуқларни ўрганиб-ўзлаштирадилар; дурдона асарларида уларни давр руҳи ила синтезлаштириб, янгидан жамулжам этадилар.

Итальян шоири А.Динте ана шундай титанлардандир. Гёте у ҳақда: “Данте бизга буюк бўлиб кўринади, аммо, унинг ортида неча асрларнинг маданияти ётибди,” деб бежиз айтмаган.

Шоир мероси, айниқса, унинг ўлмас асари “Илоҳий комедия”дан ўрта асрчилик анъаналари, баъзан схоластика, эски тушунча ва қарашлар билан бирга инсоний эрк учун кураш, ақлий парвозлар даврини бошлаб берган янги замон нафаси уфуриб туради. Унда биргина Италия ёхуд Ғарбий Европа ҳаётигина эмас, айни пайтда, кўп асрли қадимий Шарқ маданияти, адабий-илмий анъаналари ҳам ўз аксини топгандир. А.Данте бу икки улкан маданий

оқимни бирлаштирди, умумбашарий меросни қабул қилиб, уни янги юксак бадиий чўққига олиб чиқди.

“Илоҳий комедия”нинг “Дўзах” қисми тўртинчи қўшиғида А.Данте ўқувчини инсоният маънавияти камолига беқиёс ҳисса қўшган башарий тафаккурнинг улуғ намояндалари билан юз кўриштиради. Насроний динига мансуб бўлмаганликлари учунгина дўзахга ҳукм қилинган бу азиз зотларга шоир жаҳаннам азобини раво кўрмайди. Бу зотлар Лимбнинг ҳашаматли қасрида, хушманзара боғ ичида-“даврон сарвар”да сокиндирлар. А.Данте ўз даври сиёсати чангалидан ана шундай чекиниш билангина қутулиб чиқади. Гомер, Эсхел, Софокл, Аристотель, Платон, Суқрот, Пифогор, Гераклит, Демокрит каби қадимги дунёнинг бошқа донишмандлари даврасида А.Данте Шарқ алломаларини ҳам учратади.

Кўзимни узоққа югуртдим шунда:
Ҳисобдон Эквлид, Батлимус, Гален,
Гиппократ, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд пайдо-
Янги ғояларни тарғиб этган чин.
(“Дўзах”, IV, 142. А.Орипов тажримаси)

Шарқнинг икки буюк мутафаккири – Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушд шоир салафлари мажлиси – “базм”нинг азиз меҳмонларидирлар. А.Данте Платонни файласуф сифатида улуғлаб, унинг асарларида ҳам юнон мутаффаккири ёнида Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушд номини санайди.Абу Али ибн Сино билан Ибн Рушд номларининг “Базм” ва “Илоҳий комедия” асарида ҳам дунё донишмандлари қаторида тилга олиниши бежиз эмас.

Аввало А.Данте уларни, орада минг йиллик масофа ётса-да, маслак ва дунёқарашда Аристотель ва Платоннинг собитқадам издошлари, деб билади. Бу даврда Абу Али ибн Сино билан Ибн Рушд обруси Европада Аристотелникидан кам эмас, қолаверса, Аристотелнинг ўзини ҳам Ғарбга, чин маънода шарқлик ана шу икки файласуф таништирган эдилар. Шоир Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушдни янги кун ғояларини тарғиб этувчилар” сифатида улуғлар экан, айни сўз билан уларнинг хизматлари таъкидланиб, ўтмиш донишмандларидан фарқлари

ҳам кўрсатилади. Шоир улуғ ҳакамлар Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушдни ўзининг биринчи даражали устозлари қаторига қўшиб, улардан таълим олган, буюк ақл эгалари иштирокидаги тафаккур базми тўридан улар учун жой ажратган.

А.Данте итальян адабий тилининг яратувчиси ҳисобланади.Унинг достони услубда оддий халқ тили олий табақа кишилари тилига хос тантанаворлик, ранг-баранглик ва драматизм билан уйғунлашиб кетган. А.Данте ўз давридаги ижодкорлардан фарқли уларок бутун италъян миллати номидан гапириб, унинг асрий орзу-армонларини ифодалайди.

Жованни Боккаччо (1313-1375) -итальян ёзувчисСборщик-монтажники, Европа Уйғониш даври адабиёти вакили.

Жаҳон адабиёти тарихида шундай асарлар ҳам борки, уларда қатор халқлар бадиий ижод тажрибаси, бир неча даврларга мансуб фикрий тараққиёт ҳосиласи татассумини топганлар. Ҳар гал бу жамлама янги ғоявий курашлар музмуни билан бойитилиб, янгича руҳ ила майдонга олиб чиқилади. Шунинг учун ҳам, чинакамига халқчил бу асарлар умрбоқийдирлар. “Калила ва Димна”, “Минг бир кеча” янглиғ, ана шундай, жаҳоний мазмунли ўлмас маданий обидалар қаторида XIV аср буюк итальян адаби Ж.Боккаччонинг “Декамерон” асари ҳам бор.

Тадқиқотчилар уни италъян насрининг асосчиси, замонаси ҳаётини рўй-рост тасвирлаб, насрда реализмни барқарор этган даҳо ёзувчи сифатида таърифлайдилар. Адибга бу оламшумул шуҳратни унинг “Декамерон” асари келтирган. Ж.Боккаччо инсон эркини ҳимоя қилиб, факрий ва ҳиссий ғафлатга, диний хурофотга ва жаҳолатга қарши ўт очди. Дарҳақиқат, “Декамерон”да феодал тузум хўжалари-зодагонлар ва черков ҳомийларнинг ифлос кирдикорлари аёвсиз фош этилгандир. Бутун Европага ҳукмини ўтказган Рим католик черковини Ж.Боккаччо фиску фасод уяси, мунофиқлик ва риё масканидек тасвирлайди. Асарнинг бош ғояси-табиий, инсоний севгини тараннум этмоқ. Муҳаббат-олийжаноб, мусаффо тўйғу. Уни яширмоқ, хор этмоқ гуноҳи азим. Чинакам севги одамни ҳаётга, табиатга ошна этади,

ўзлигини англашда ёрдамга келади. Ҳар бир инсон табиат неъматларидан ошкора баҳраманд бўлишга ҳақлидир. “Дакамерон” қаҳрамонлари шиори ана шундай. Улар шахсий бахтга эришиш йўлида ҳамдардлик ва ҳамкорликка чақирадилар.

Бежиз эмаски, асар: “Жафокашларга ҳамдард бўлиш чин инсоний фазилатдир, бу фазилат ҳар биримиз учун гарчи фарз ҳисобланса ҳам, биринчи навбатда, уни ҳамдардликка муштоқ ва бирон зот ҳамдардлигидан баҳраманд бўлганлардан талаб этмоғимиз лозим”, - жумласи ила бошланади. Ж.Боккаччо ўзини ҳам айнан ана шундай зот-ҳамдардликка муҳтож, шу билан бирга бундай бурчни адо этишга тайёр киши, деб ҳисоблайди. “Декамерон” муҳтож ва муштоқлар дилига малҳам бўлсин, деб ёзилган.

Ёзувчи, биринчи навбатда, муҳтожлар тоифасига туйғулари бўғилиб, дунё лаззатларидан маҳрум этилган аёллар зотини киритади. Зеро, улар Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ҳуқуқсиз, феодал зулумдан зада эдилар. Ғам-алам бу “шўрпешоналар дилини зулукдек сўраб ётарди”. Ж.Боккаччо аёлнинг энг гўзал хилқат,ҳаётсарчашмаси сифатидаги тасвирини яратади. Аёллар “Декамерон”нинг барча ҳикоятларида ҳам асосий қаҳрамонларидирлар, қизиғи шундаки, Ғарбнинг дастлабки ёзма обидаларидан ҳисобланмиш “Декамерон” Шарқ халқлари орасида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам кенг тарқалган ҳикоят ва афсоналар таъсирида бунёд этилгандир. Тадқиқотчилар тасдиғига кўра, асардаги юзта ҳикоятдан саксон еттита сюжетни Ж.Боккаччо бевосита Шарқ адабиёти ва қадимги румо фолъкларидан олган.

Ж.Боккаччо ижоди Уйғониш даври итальян ҳикоячилигидагина эмас, балки XV-XVI асрлар Европа адабиётида ҳам реализмнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. *(“Декамерон” Қ.Мирмуҳамедов томонидан 1978 йилда ўзбек тилига таржима қилинган*).

Гуманизмва умуман, Ренессанс маданияти асосчиларидан яна бири италиялик шоир **Франческо Петрарка** (1304-1374) эди. У биринчи бўлиб антик давр маданиятига, Гомер ва Вергилийлар ижодига қайтиш тўғрисида

фикр юритади. Унинг “Қўшиқлар китоби”, “Шеърий мактублар” лирик тўпламлари юксак гуманистик ғоялар билан суғорилган.

Ф.Петрарка ўрта аср ақидаларидан мутлақо ҳоли бўлмаган эса-да, Уйғониш даврининг гуманизм ғоялари билан йўғрилган маданиятга тамал тошини қўйган. Ф.Петрарка “Дунёга нафрат тўғрисида” (1342-1343), “Узлатдаги ҳаёт тўғрисида” ва “Роҳиблар фароғати тўғрисида” (1346-1366) рисолалари муаллифи. У шеъриятни ўрта аср маддоҳлари ҳужумидан ҳимоя қилар экан, унинг катта тарбиявий ва эстетик қимматга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Ф.Петрарка христианликни рад этмайди, аммо унинг таълимотида динўзгача, инсонпарвар йўналиш касб этган. Шоир схоластикага (*қуруқ, сафсатабозлик*), унинг инсон муаммосига нисбатан бефарқлигига қарши чиқади. Ф.Петрарка шеърият, нотиқлик, адабиёт, этика, эстетиканингинсон ахлоқий ва руҳий камолотида тутган ўрни, аҳамиятини таъкидлаб, ушбу соҳалар ривожи маданият юксалишини таъминлайди, деб ҳисоблайди.Шоир антик давр маданияти ва маърифатини, меросини замондошларига аниқ ва тушунарли ҳолда етказишга ҳаракат қилади. У аввало, инсоннинг ички, ахлоқий муаммоларига эътиборни қаратади. Бу нарса Уйғониш даври индивидуализмининг ўзига хос муҳим белгиси эди. «Менинг сирим» номли асарида Ф.Петрарка инсоннинг энг чуқур ички зиддиятлари ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беради.

Франсуа Рабле (1494-1553) **—** француз ёзувчиси. Жаҳон адабиётида сатирик, ҳажвий,жанрнинг буюк намояндаси. У ҳуқуқ, топография, археология, тиббиётни ўрганган, шу соҳалар бўйича бир қанча илмий асарлар ёзган. Ф.Рабленинг 5 қисмдан иборат дунёга машҳур “Гаргантюа ва Пантагрюэль” романи Уйғониш даври француз маданиятининг, ўша давр диний ва сиёсий ҳаётининг, фалсафий, педагогик ва илмий тафаккурининг, ижтимоий ҳаёти ва маънавий интилишларининг чинакам бадиий энциклопедияси ҳисобланади. Асарда ёзувчи хаёлий мамлакат ва персонажларни, ўта муболағали воқеаларни тасвирлашда ҳазил, мазах, истеҳзо ва бошқалардан фойдаланган. Ўрта аср

аскетизмига, мунофиқликка қарши қарашларини, ўз даврининг гуманистик идеалларини халқ оғзаки ижоди руҳидаги ва бўрттирма образлар (*Гаргантюа, Пантагрюэль каби девқомат одамлар ва ҳақиқат изловчи Панург*) орқали ифодалаган. Романда тасвирланган воқеалар ҳаётдаги католиклар билан протестантлар ўртасидаги курашнинг адабиётдаги ифодаси эди.

Европа Уйғониш даврининг яна бир ёрқин намояндаси, француз файласуфи **Мишель Монтень** (1533-1592) эди. У ўзининг "Тажрибалар" асарида схолистикани танқид қилиб, инсонни энг буюк қадрият деб эълон қилади. М.Монтень инсон шахсининг мустақиллиги ва эркинлиги ғоясини илгари суради. Унинг таълимоти индивидуализм, риёкорлик руҳидаги қарашларга қарши йўналтирилган. У инсоннинг мустақил, экин тафаккурини бўғувчи лоқайдлик, риёкорлик, тақлид қилиш ҳолларини қатъиян қоралайди. М.Монтеннинг дин эркинлиги ҳақидаги фикри тараққийпарвар аҳамиятга эга. Унингча, бironта дин бошқа динлар устидан устунликка эга эмас.

М.Монтень фикрича, инсон табиатнинг бир қисми, шунинг учун ўз ҳаётида она-табиат нимани ўргатса, шунга амал қилиш керак бўлади. Фалсафа мураббийлик вазифасини бажаради. У одамларни тўғри, табиий равишда ҳаётга йўналтириши керак.

Ф.Монтень ғоялари фалсафанинг келгуси ривожига, хусусан Ф.Бэкон, Р.Декарт, П.Гассенди таълимотига, француз маърифатпарварлари — Ф.Волътер, Ж.Ламетрилар таълимоти шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Европа мусиқасида Уйғониш давр тамойиллари дастлаб XIV асрда ташкил топган илғор йўналиш-Арс нова (*лот.-янги санъат*) итальян ва француз мусиқасида ўз ифодасини топди. Янги санъат вакиллари фақат черков мусиқаси жанрларидан фойдаланиш билан чекланмай, дунёвий вокал-чолғу мусиқа жанрларини профессионаллик даражасига кўтарган, фольклордан файдаланган, турли мусиқа асбобларини кенг кўллаган.

Дастлаб 1309 йилда итальян тадқиқотчиси падуялик Маркетто, XIV аср 20 йилларида француз гуманисти Филипп де Витри томонидан янги санъат

назарий асосланди. Етакчи композиторлари флоренциялик Жованни, Франческо Ландино, буюк намояндаси Гильом де Машо. Мотет, баллада ва мадригал (лот. –она тилида айтиладиган қўшиқ, - Уйғониш даврида дунёвий вокал мусиқасининг жанри. Италияда шеърий асар сифатида пайдо бўлган. XIV-XVI асрларда мадригал,одатда ишқий, ҳазл-мутойиба, афсонавий ва бошқа мавзудаги 2-3 овозли вокал – чолғу, банд – нақорат шаклидаги қўшиқ бўлиб, XVI асрдан кўпроқ лирик характердаги чолғулар журлигисиз ижро этиладиган 4-5 овозли полифоник мусиқа асарига айланган)нинг илк шакллари ҳамда кавча Арс нова учун характерли жанрлардир. Арс Навонинг жаҳон мусиқа санъатининг кейинги ривожига таъсири катта.

Янги санъат вакиллари дунёвий мазмундаги илк профессионал вокал мусиқа шакллари (*баллада,франц. рақсга тушаман, XII-XIII асрларда трубадурлар ижодининг асосий жанри сифатида кенг ривож топди. Мусиқий романтизм услубида баллада сюжет (муайян мавзу)ли мусиқа жанри сифатида камер-вакал (асосан, Австрия ва Германия композиторлари ижлдида-Ф. Шуберт, Р. Шуман, Ф.Лист, И.Брамс, Х.Волъф) ва камер-чолғу (асосан, фортепиано учун: Ф.Шопен, Э.Гринг) асарларида ўз ифодасини топди) мадригал*)ни ижод қилишди, шеърий матнлар мазмунига алоҳида эътибор бериб ифодали, эркин тузилишдаги куйлар ижод қилинди. Уйғониш даври чолғу мусиқасининг дастлабки мустақил шакл ва жанрлари (*ричеркар, прелюдия, фантазия, токката*) юзага келди, айниқса лютня, клавесин ва клавикорд мусиқаси кенг ривож топди. Ижодкорлар ва мусиқа назариётчиларининг антик давр бадиий меросига қизиқиши туфайли янги жанрлар (*масалан, юнон трагедиясини “тиклаш” жараёнида -опера*), кўп овозли мусиқада полифониянинг қатъий услуби, кейинчалик гомофония услуби қарор топди. Диний мусиқа жанрлари (*месса, мотет*) ислоҳ қилинди, ноталар чоп этилиши жорий этилди, жонли мусиқа амалиётини умумлаштирувчи мусиқа назарияси ривож топди.

Айнан шу даврда Европа халқларида янги миллий ва маҳаллий композиторлик мактаблари пайдо бўлди: нидерланд (Й.Окегем, Ж.Депре),

француз (*К.Жанекен*), немис (*Г.Финк*), инглиз (*Данстейбл, У.Бёрд*), испан (*К.де Моралес*), Рим (*Палеотрина*), Венеция (*Ж.Габриели*) ва бошқалар. Уйғониш даврининг пировардида Европа композиторлик ижодиётида Шарқ мавзу ва образларига қизиқиш кучайиб, инглиз Г.Пёрселл ва француз Ж.Рамо умумшарқона экзотикани ифодалашган. Булар анъанаси кейинчалик соҳибқирон Амир Темурни бош қаҳрамон сифатида гавдалантирган А. Италия, ва Д.Скарлаттилар, А.Вивалъди (Германия Г.Гендель, Г.Телемон) муаллифларининг операларида теранлашган.

Уйғониш даврида театр санъати ҳаёт кўзгуси ҳисобланиб, кўпқиррали инсон характери, реал воқелик зиддиятларини акс эттиришда алоҳида аҳамият берди. Бу давр театр намояндалари аниқ драма тажрибаларидан фойдаланиб халқ томоша санъати анъаналарини ривожлантирдилар, кундалик ҳаёт завқ-шавқини идрок қилишга даъват этилган дунёвий саҳна асарларини яратишга ҳаракат қилдилар (*Л.Ариосто, А.Полициано, Н.Макиавелли ва б.).* Испанияда уйғониш давридаги театр ривожи М.Сервантес ва Лопе де Вега, Пъер Кальдерон, Ангияда К.Марла, У.Шекспир ижоди билан боғлиқдир. Уйғониш даври театр санъати назарияси қарор топди, юксак ривожланди, илк театр бинолари қурилди.

Уильям Шекспир (1564-1616) инглиз драматурги бўлиб, Лондондаги “Глобус” театрида 1590-1612 йилларда дастлаб актёр, кейинчалик муаллиф сифатида ишлади. У ўзининг 37 та драматик асарини шу ерда ёзган ва театрда саҳнага қўйган. Унинг асарларида Уйғониш даври намоёндалари ғояларининг таъсири кучли ифода этилган. Ёшлик йилларида мифологик сюжет асосида ёзган “Венера ва Адонис” (1593) ҳамда Рим тарихига оид “Лукреция” (1594) достонлари самимий кутиб олинган. Бу асарлар, айниқса, 1592-1600-йилларда ёзилган “Сонетлар” У.Шекспирнинг Уйғониш даври маданияти билан узвий алоқада майдонга келганини кўрсатади. Жаҳон лирикасининг буюк намуналари қаторидан ўрин олган У.Шекспир сонетлари мавзу жиҳатдан 2 гуруҳга ажралади: дастлабки 126 сонет шоирнинг яқин дўстига бағишланган бўлса, 127-

152 сонетларда лирик қаҳрамоннинг бевафолик қилган маҳбубага нисбатан муҳаббат туйғуси ва изтироблари тасвир этилган.

“Ромео ва Жульетта”, “Ҳамлет”, “Қирол Лир” сингари трагедияларга асос бўлган сюжетлар У.Шекспирга қадар ҳам ёзилган. Лекин бу сюжетлар У.Шекспирга хос улкан драматургик маҳорат туфайли жаҳоншумул фикр ва ғояларни ифодаловчи ўлмас асарларнинг юзага келишида ҳаётий манба вазифасини бажарган.

У.Шекспир ўзигача бўлган Европа халқлари тарихи, адабиёти ва театрини ўрганиш билан бирга XVII асрнинг илғор тафаккур меваларидан ҳам баҳраманд бўлган ва уларни ўзининг энг яхши асарларида катта бадиий куч билан мужассамлаштирган. Ҳар бир тарихий даврда кузатилганидек, У.Шекспир яшаган давр ҳам зиддият ва қарама-қаршиликлардан ҳоли бўлмаган. У.Шекспир бошқа ёзувчилардан фарқли ўлароқ, ўз даври ҳаётидаги бундай зиддиятлар, ижтимоий ҳаёт ва кишилар тақдиридаги мураккабликларни нозик ҳис этган ҳамда шу билан кифояланиб қолмай, жамият ва инсон ҳаётининг қалтис нуқтасида юзага келган драматизмни тасвирлашга алоҳида эътибор берган. У ҳақиқий драматург сифатида персонажларнинг у ёки бу хатти-ҳаракатларини келтириб чиқарган ижтимоий, сиёсий, маънавий ва руҳий сабабларни очиб ташлаб, уларнинг ҳар бирига ўз хулқ-атворидаги кескин ўзгаришларни тўла асослаш ёки изоҳлаш имконини яратган.

У.Шекспир ўз ижодининг иккинчи даврида поэтик драма устаси сифатида намоён бўлди. У шу даврда қарама-қарши қўйиш усулларидан воз кечмаган ҳолда драматизмга катта эътибор бериб, трагик ва комик мотивларни ўзаро уйғунлаштирди. Натижада У.Шекспир ижодида *(“Ромео ва Жульетта”, “Ричард III”, “Ўн иккинчи кеча”*) драматик лиризм авж нуқтасига эришган. У.Шекспир ижодининг учинчи даврида трагедия жанрига мансуб асарлар етакчи ўринни эгаллайди. Драматург Уйғониш даврига хос гуманизм ва инсонпарварлик ғоялари билан воқеликда тобора ривожланиб бораётган худбинлик, мунофиқлик, ёвузлик ўртасидаги зиддиятни кўриб, шу зиддиятларни ўз асарларида конфликт сифатида жалб этади.

У худди шу даврда яратган трагедияларида бадиий маҳорат чўққисига эришди. У.Шекспир ижодининг сўнгги даврига оид романтик драма ва трагик комедиялар унинг дунёқарашида ҳаётий зиддиятларни ижобий ҳал қилиш мумкин, деган умид пайдо бўлганидан гувоҳлик беради.

У.Шекспирнинг бутун ижодини нурлантириб турувчи фазилат юксак ахлоқий-маънавий муаммоларнинг тасвиридир. “Ромео ва Жульетта” лирик, “Юлий Цезарь” сиёсий, “Ҳамлет” интеллектуал трагедия, “Отелло” эса эҳтиролар трагедияси ҳисобланаса-да, улар замирида ўрта асрлар учун ҳам, ҳозирги замон учун ҳам катта аҳамиятга молик бўлган ахлоқий масалалар ётади.

Мигель Сервантес (1547-1616) **—** испан ёзувчиси. 1585 йил Мадридда нашр қилинган “Галатея” романи билан танилган. Испаниянинг энг йирик портларида яшаш ва турли табақадаги кишилар билан мулоқотда бўлиш унинг сўнгги давр ижодига катта таъсир ўтказган. “Дон Кихот” романи нашр этилиши биланоқ М.Сервантес Европа миёсида машҳур бўлиб кетади. “Панднома ҳикоялар” (1613) ва “Парнасга саёҳат” достони ҳам бор. “Персилес ва Сихизмунданинг саргузаштлари” (1617 йил нашр этилган) романи эса М.Сервантес хасталик пайтида ёзиб тугатган сўнгги асаридир.

М.Сервантеснинг адабий меросида ҳажвий ва ишқий шеърлар, ишқий қаҳрамонлик ва ҳаётий-маиший мавзудаги драма ва комедиялар ҳамда кўплаб ҳикоялар мавжуд. Бу асарларга хос энг муҳим ҳолат ва вазиятлар, ният ва ғоялар “Дон Кихот” романида ўзининг ёрқин бадиий тажассумини топган.

Асада тақдир билан муроса қила олмайдиган, ҳар қандай адолатсизликка қарши курашга шай бўлган қаҳрамон образи ўз илдизлари билан XVI асрдаги испан “янги рицарь романлари”, шунингдек, Италиядаги Уйғониш даври достонлари ва чўпонлари ҳақидаги кўплаб ҳикояларга бориб тақалади.

Томмазо Кампанелла (1568-1639) **—** итальян файласуфи, шоир, сиёсий арбоб. Бир неча марта бидьатчиликда айбланган. 1598-1599 йилларда Калабрияда испан босқинчиларига қарши исён уюштиргани учун умрбод

қамоққа ҳукм қилинган. 27 йил қамоқда ётиб фалсафа, сиёсат, фалақиёт, тиббиётга оид ўнлаб асарлар ёзди.

У табиатни *тажриба* йўли билан билиш тарафдори эди. Унинг фикрича, хулқнинг олий мақсади-шахсий ҳаётни эҳтиёт қилмоқ ва таъминламоқдир. Ирода батамом ўзини бошқаришга йўналтирилиши лозим; Инсон ўзини бошқаришга билим орқали эришилади, билим эса тарбия асосига қурилган бўлиши керак.

Томас Мор, Сен-Симон, Роберт Оуэн каби утопик социалистлар изидан бориб, Т.Кампанелла "Қуёш шаҳри" (1602) асарини ёзди. Асар денгизчининг ҳикояси шаклида ёзилган бўлиб, унда олимкоҳинлар табақаси томонидан бошқарилувчи идеал жамоа ҳаёти баён қилинган (*жамоада хусусий мулк бўлмайди, болалар давлат томонидан тарбияланади, ҳамма учун мажбурий меҳнат, 4 соатлик иш кунидан иборат қилиб жорий этилади, фан ва маориф тараққий этади*). Т.Кампанелла лирик шеърлар, сонетлар муаллифи ҳам эди.

7.3. Буюк географик кашфиётлар

Уйғониш давридаги маданият, илм-фан, савдо-сотиқнинг янада юксалишини таъминлаган омиллардан бири -шу даврда амалга оширилган буюк географик кашфиётлар бўлди. Савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ривожланиб бораётган Европа шаҳарлари бозорларига Шарқ моллари бетиним етказилиб турилган ва бу муносабатлар савдо аҳлига катта даромадлар келтирарди. Аммо туркlар Византияни забт этгач, Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқалари қийинлашди, нарх-наво кўтарилди. Натижада Ҳиндистон, араб, Хитой каби мамлакатларга олиб борадиган денгиз йўлларини излаш зарурати туғилди.

Олимларнинг Ер шар шаклида бўлиши ҳақидаги тахминлари XV асрда сайёҳларнинг қизиқишини янада оширди. Италиялик олим, астроном **Паоло Тосканелли** бу ғоядан келиб чиқиб, дунё харитасини тузди. Унда Осиё қитъаси Атлантика океанининг ғарбий қирғоқларида тасвирланган бўлиб, олимнинг фикрича, Европа қирғоқларидан доимо ғарбга сузиб, Ҳиндистонга бориш

мумкин бўларди. Олим Ер экватори узунлигини хато тасаввур қилиб, 12 минг километрга янглишган. Кейинчалик бу хато Америка қитъасини очилишига олиб келди.

Буюк географик кашфиётлар XV-XVII аср ўрталарида европалик сайёҳлар томонидан қилинган йирик географик кашфиётлар учун қабул қилинган шартли термин. Европа мамлакатларида товар ишлаб-чиқаришнинг ўсиши, жавоҳирларнинг етишмаслиги ва олтин ҳамда кумуш, зираворлар, фил суягини (*тропикларда*), қимматбаҳо мўйна, морж тишлари (*шимолий мамлакатларда*) топиш мақсадида янги ерларни қидириш, Европадан Ҳиндистон ва Шарқий Осиёга янги савдо йўлларини топиш учун экспедициялар уюштиришга сабаб бўлди.

Христофор Колумб (1451-1506) - денгизчи сайёҳ. Ернинг шар шаклида эканлиги тўғрисидаги қадимги таълимотга ва XV аср олимларининг нотўғри ҳисобларига асосланиб, Х.Колумб Испания қироли Фердинанд ва қиролича Изабелланинг топшириғи билан Европадан Ҳиндистонга олиб борадиган сув йўлининг лойиҳаси бўйича саёҳатга чиқади.

Х.Колумб 1492-1493 йиллардаги 1 экспедициясида 90 киши билан “Санта-Мария”, “Пинта”, “Нилья” кемаларида Палос портидан сафарга чиқади. Канар оролларидан ғарбга бурилиб, Атлантика океанини кесиб ўтиб, 1492 йил 12 октябрда (*бу сана Американинг расмий кашф этилган вақти деб ҳисобланади*) Багама архипелагидаги Сан-Сальвадор оролига тушади. Куба ва Гаити оролларини кашф этади. Гаитида Навидад портини қурдириб, денгизчиларнинг бир қисми билан Испанияга қайтади.

1493-1496 йиллардаги 2 экспедициясида Х.Колумб адмирал унвони ва янги кашф этилган ерларнинг вице-қироли лавозимида 1500 кишилик экипаж билан 17 кемада сафарга чиқади. Доминика, Гваделупа, Кичик Антил, Пуэрто-Рико ва Ямайка оролларини, Кубанинг жанубий қирғоқлари бўйлаб сузиб, бир неча орол ва ярим оролларни кашф қилди.

1498-1500 йиллардаги 3 экспедициясида Х.Колумб 6 та кема билан Атлантика океанини 10^0 шимолий кенгликда кесиб ўтиб, Тринидад оролини

кашф этди. Жануб томондан Пария қўлтиғига ва Ориноко дарёси дельтаси атрофидаги соҳил ва Пария ярим оролигача кириб бориб, Жанубий Американи кашф этишни бошлаб берди. Жанубий Американинг шимолий-шарқий соҳилларини текшириб, ундан Кариб денгизи орқали Гаити оролига ўтди.

1502-1504 йиллардаги 4 экспедициясида Х.Колумб 4 та кема билан Мартиника оролига келди. Ундан Гондурас қўлтиғига сузиб, Гондурас, Никарагуа, Коста Рика ва Панама соҳилларини кашф қилди. Х.Колумбнинг кашфиётлари янги ерларни мустамлакага айлантириш, ўша ерларнинг туб аҳолисини ***ҳиндулар*** деб атаб, уларни қул қилишни мақсад қилган эди.

Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон" асарида Ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқлик тўғрисида гапириб, ...Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани Ғарб ва Шарқ томондан муҳит (*Атлантика ва Тинч океани*) ўраб турибди. Бу Муҳит океани, Ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан иккала ёқдан (*ғарбдан ва шарқдан*) ажратиб туради..." деб ёзган. Олим шундай фикрини "Ал-Қонун ал-Масъудий" асарида ҳам уқтиради. Демак, ғарбий ярим шарда яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб номланган қитъанинг мавжудлигини Абу Райҳон Беруний европалик олимлардан 450 йилча олдин тахмин қилиб, ўз асарларида бир неча бор ёзган. Шимолий Шарқий Америкага Х.Колумбдан олдин **норманд**лар борганлиги аниқланган. Аммо Х.Колумб кашфиётларидан кейингина Америка қитъаси география фанига маълум бўлди.

Янги қитъа кашф қилинганини Х.Колумб умрининг охирига қадар билмаган. Ўзикашф қилган жойларни Ҳиндистон, уерларнинг аҳолисини эса «ҳиндулар» деб атайди. Шу сабабдан Американинг кўплаб тилларда сўзлашувчи турли ҳалқлари ва қабилаларини адабиётларда «ҳиндулар» деб аташ расм бўлиб кетган.

Испания ва Португалия флотларида хизмат қилган **Америго Веспуччи** 1499 ва 1501-1502 йилларда Жанубий Америкага уюштирилган экспедицияда қатнашган. Х.Колумб кашф қилган ерларнинг биринчи бўлиб "янги қитъа" эканлиги ҳақидаги фикрларини илгари сурган ва уни Янги Дунё деб атаган.

Кейинроқ немис космографи М.Вальдземюллер (1505) Х.Колумб кашф этган материкни Веспуччи шарафига Америка деб аташни таклиф этган.Худди шу олимнинг таклифи билан Христофор Колумбнинг номи Колумбия давлатига, Америка Қўшма Штатлари округларидан бирига, кўплаб шаҳарлар, университетларга, шунингдек, тоғ, дарё ва ҳатто фазони тадқиқ этиш лойиҳаларига ҳам кўйилган.

Испанияликлар томонидан Американинг кашф қилиниши ва уни ғарбий Ҳиндистон деб аталиши овозаси португалияликларни ҳам ҳаракатга солиб қўяди. Португалия қироли Ҳиндистонга бориладиган денгиз йўлини топиш учун денгизчи **Васко-да-Гама** (1469-1524) бошчилигида (1497-1499 йиллар) экспедиция жўнатади. Экспедиция энг яхши кемалар, асбоблар ва хариталар, тажрибали денгизчилар билан таъминланади. Васко-да-Гама экспедицияси даврида португалларга Африканинг ғарбий қирғоқлари бўйлаб борувчи денгиз йўли аллақачон маълум бўлиб, Ҳинд океанига олиб чиқувчи йўл **Бартоломеу Диас** томонидан 1487-1488 йилларда топилган эди.

1497 йил Васко-да-Гама бошчилигида экспедиция 3 та кемада Лиссабондан чиқиб Яхши Умид бурни орқали ўтиб, 1498 йилда Сомалининг Малинда бандаргоҳига лангар ташлади. У ердан денгиз йўлини мукаммал биладиган лоцман Аҳмад ибн Мажидни олиб унинг ёрдамида 1498 йил май ойида 10 ойлик саёҳатдан сўнг, Ҳиндистон ғарбидаги Коликут шаҳрига етиб борди. Шундай қилиб, Васко-да-Гама экспедицияси Африканинг жанубий-шарқий соҳилини (*Малиндагача)* кашф қилади ва Ҳинд океанини кесиб ўтади.

Васко-да-Гама 1488 йил сентябрь охирида зираворлар ортилган кемада Коликутдан ватанига йўл олади ва 1499 йил сентябрда Лиссабонга етиб келади. Экспедицияда қатнашган 168 кишидан фақат 55 таси тирик қайтади, қолганлари йўлда ҳалок бўлади. Келтирилган зираворлардан экспедицияни уюштиришга сарфланган маблағга нисбатан 60 марта ортиқ фойда олинади.

Фернан Магеллан (1470-1521) **—** португалиялик денгизчи сайёҳ. Ф.Магеллан экспедицияси биринчи Ер куррасини айланиб сузишни амалга оширди. У, 1501-1512 йилларда португаллар экспедициясида қатнашиб икки

марта (1509-1511) Малаккагача борган. Ф.Магеллан Лиссабонга қайтгач, 1517-йилда Испанияга ўтиб, Малакка ороларига ғарбий йўл билан сузиб бориш тўғрисидаги ўзи ишлаб чиққан лойиҳани Испания қиролига тақдим қилди.

1519-1521 йилларда 5 кемадан иборат Испания экспедицияси (265 одам)га бошлиқ этиб тайинланган Ф.Магеллан Санлукар-де Баррамеда бандаргоҳидан (*Испания*) “Тринидад”, “Сан Антонио”, “Коасепсион”, “Виктория” ва “Сантяго” кемалари билан 60 кунлик тинимсиз ёмғирлардан сўнг, 1519 йилнинг 13 декабрида Рио де жа Жанейро кўрфазига киради. Ф.Магеллан 1520 йил март ойида Сан-Хулиан бухтасида 3 кемада кўтарилган исённи бостиради ва ўша ерда қишлаб, 1520 йил августда 4 та кемада сузишда давом эттиради.

Кемалар Оловли Ер ороли билан материк оралиғидаги бўғоз (*кейинчалик Ф.Магеллан номига қўйилган*) орқали ўтиб, номаълум океанга чиқади. Ф.Магелланнинг ҳамроҳлари кейинчалик уни Тинч океани деб атаган. (*Экспедиция вақтида океан сокин бўлгани учун Тинч океани деб ном берилган. Аслида эса жуда чуқур ва нотинч океан*). Ф.Магеллан кемалари тўхтовсиз, қарийб 17 минг километр масофани сузиб ўтиб, аввал Марианна ороларига, сўнгра Филиппин ороларига етиб боришди. Ф.Магелланнинг Малой ороларидан олиб чиқиб кетилган хизматкори Энрике маҳаллий аҳоли билан гаплашиб, бир-бирларини тушунишган. Демак, Энрики ўз уйидан Шарқ томондан Европагача бориб, Ғарб томондан кириб келган.

Ф.Магеллан Мактан оролида 1521йил 27 апрелда маҳаллий халқ билан тўқнашувда ўлдирилди. Ф.Магелланнинг ҳамроҳлари Тинч океани орқали ғарбга сузиб, Африканинг жануби орқали фақат 12 киши битта “Виктория” кемасида (*Х.С.Эл-Кано қўмондонлигида*) 1522 йил Испанияга қайтиб, дунёни айланиб сузишни якунладилар. Бу экспедиция Ернинг шарсимонлигини амалда узил-кесил исботлади, ягона дунё океани мавжудлигини, Ер юзасининг кўп қисми сув билан қопланганлигини кўрсатди.

Буюк географик кашфиётлар жаҳон савдо йўлларини бутунлай ўзгартириб юборди. Ер юзи халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар

ўрнатишга имконият яратилди. Янги қитъаларнинг кашф этилиши, денгиз йўллари очилишининг иккинчи томони ҳам борки, ушбу ҳақиқатдан ҳам кўз юмиб бўлмайди: кашф этилган қитъалардаги маҳсулотларни арзон нархларда харид қилиш билан чекланмаган европаликлар аста-секин уларни тортиб олишга, сўнгра маҳаллий халқлар ҳуқуқларини чеклашга, ҳатто (*маълум вақт ўтгач*) улардан қул сифатида фойдаланишга бориб етдилар. Шу тариқа, жаҳонда ирқий камситишга асосланган мустамлакачилик тизими вужудга келди. Америкадаги ацтеклар, майялар, инклар цивилизацияси инқирозга юз тутди. Миссионерлик кучайиб, христиан дини дунё динларидан бирига айланди.

XV аср охирида бошланган буюк географик кашфиётлар, саноат тараққиёти, фан ва техника соҳасидаги оламшумул ихтиролар, давлатлар ва халқлар орасида беқиёс даражада кенгайган иқтисодий ва сиёсий, маданий, маърифий алоқаларнинг жадаллашувига олиб келди. Бу байналмилал алоқалар миллий онг ва ўз-ўзини англаш, миллий озодлик ҳамда мустақиллик ғоялари шаклланиши ва тарқалишига; илм-фан ва техника, маданият ва маърифат соҳаларидаги ютуқларнинг ёйилишига кенг йўл очиб берди.

Байналмилалчилик (*арабча-"байналмилал",миллатлараро*)- жаҳондаги турли миллат ва ирқларга мансуб кишиларнинг халқаро бирдамлиги; уларнинг бир-бирларини тушунишлари ва ўзаро ишончининг, маданиятлар, қадриятлар, билим ва технологиялар ўзаро алмашиб боришини таъминлашга хизмат қилувчи, толерантликка яқин илғор ғоя. Инсоният тарихи турли миллатлар ва элатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустаҳкамланиб бориши жараёнларидир, мазкур муносабатларсиз эса ижтимоий тараққиёт амалга ошмайди.

7.4. Меъморлик ва тасвирий санъат ривожи

Уйғониш даври меъморлиги қадимги анъаналарни ўзлаштириб, уни янги мазмун билан бойитди, янги меъморий қурулмалар вужудга келди. Кўп қаватли уйлар, муҳташам қасрлар, янги қиёфадаги жамоат бинолари қад кўтарди.

Шаҳарнинг ижтимоий-маъмурий маркази тарзи ва тузилиши билан боғлиқ бўлган янги типи пайдо бўлди.

Бинонинг ташқи ва ички томонларини безиш, кенгликни ташкил этиш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Бу ўзгаришлар Италиянинг Флоренция, Пиза, Сиена, Генуя, Милан, айниқса, Венеция шаҳарларида жуда сезиларли бўлди. Улкан бинолар, ғоят катта гумбазли ва бир неча устунли сарой ва ибодатхоналар қурилди. Флоренциялик меъморлар антик меъморлар анъаналари ва ордер тизимидан унумли фойдаланди. Бу анъаналарни ўрта асрлар Италия меъморлик техникаси ютуқлари, маҳаллий қурилиш хом ашёлари ва конструкциялари билан уйғунлашиб, Ренессанс меъморлиги услубини яратдилар. Девор сатҳи текислигининг яхлитлигига эътибор кучайди, меъморлик мужассомотининг чизиқли ритми ва мутаносиблигига, хоналарнинг кенглигига, унинг яхлит ва кўркамлигига аҳамият берила бошланди: турар жой ва ибодатхоналар қурилиши ҳам янгиланди.

Шаҳар ижтимоий-маъмурий марказининг тарҳи ва тузилиши билан боғлиқ бўлган янги типи пайдо бўлди. Флоренцияда шаклланган юксак Уйғониш даврининг мумтоз услуби Римда, кейинроқ Венецияда монументал ёдгорликлар яратилишига сабаб бўлди. Монументал санъат-нафис санъат тури, меъморий (*айрим ҳолларда табиий*) муҳит билан уйғунликда ғоявий образ тугаллигига эга бўладиган асардир. Монументал санъатга ҳайкал ва монументлар, биноларнинг ҳайкалтарошлик, рангтасвир, мозайка безаклари, витражлар киради. Меъморлик билан уйғунлашган монументал санъат ансаблининг асосий мазмуни ёки шаклига айланади.

Бинолар тарзи ва интеръеридаги мавзули тасвирлар, майдонлардаги ҳайкаллар даврнинг энг муҳим фалсафий ва ижтимоий ғояларини ўзида акс эттиради, буюк арбоблар ва муҳим воқеаларни абадийлаштиради. Кўтаринкилик, умумхалқ аҳамиятига эга ғояларни тасвирлашга интилиши асарга улуғворлик ва муҳим шакл бахш этади. Айрим монументал санъат асарлари меъморликда унинг бадиий ифодалилигини оширади, деворий тўсиқлар, тарзлар ва бошқаларнинг эстетик таъсирчанлигини кучайтиради.

Монументал санъат асарлари буюк ғоявий мазмуни ва аҳамияти билан ажралиб туради, ҳамда қатъий умумлашган шаклга эга бўлиб, узоқ муддатга чидамли хом ашёлардан яратилади; омма орасида муҳим ижтимоий ғояларни тарғиб қилади ва тарқатади. Йирик меъморий ансамбллар вужудга келди, “идеал” шаҳарларнинг лойиҳалари яратилди.

Италия меъморлигида пайдо бўлган янги анъаналар Уйғониш даврининг буюк меъморлари ишларида ўз аксини топди. Жумладан, Филиппо Брунеллески катта гумбазли бино қуриш муаммосини ҳал қилди (*диаметри 42 метр бўлган 8 қиррали, гумбазли Санта-Мария дель Фъоре собори*), Л.Альберти ўзи яратган янги меъморий композицияларини илмий-назарий жиҳатдан баён қилди. “Меъморлик тўғрисида 10 китоб” асари билан назариётчи олим сифатида намоён бўлди. Юксак Уйғониш даврининг асосий тамойиллари Римда шаклланди ва ривожланди, даврнинг инсонпарварлик ғоялари улуғвор ва ҳашаматли меъморий композицияларда ўз ифодасини топди.

Д.Браманте, С.Рафаэль, Б.Микеланжело ва бошқалар мураккаб меъморий мажмуаларда юксак маҳорат, бой илм ва назарий фикр, ўткир тафаккурни намоён қилдилар, бадиий ечимининг гўзаллиги, нисбат ва шакллар ўйинининг бойлиги, композиция ечимининг ранг-баранглиги инсонга завқ бағишлайдиган меъморий маконни яратдилар.

Сўнгги Уйғониш даврида йирик меъморий иншоотлар ўрнини хусусий буюртмалар кенгроқ эгаллади. Вилла, палаццо қурилиши соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилинди. Боғ-парк меъморлик услуби, боғ тузиш санъати шаклланди Паст-баландликка эга бўлган майдонда боғ яратиш муҳим аҳамият касб этди: паст-баландликлар бир-бири билан мураккаб зиналар орқали боғланди, тепалик ва қияликлар турли безак қурилмалар *(ғор, сув каскадлари, фаввора, ҳайкаллар*) ҳамда манзарали ўсимликлар билан безатилди.

Асосий йўл, қолган йўлка ва зиналар дарвозага йўналтирилган бўлиб, композициянинг тугал бўлишини таъминлаган. Меъморий назарий масалаларга эътибор ортди. Бунёд этилаётган биноларни илмий аослашга интилиш кучайиб,

бир неча илмий асарлар яратилди. XVI аср ўрталаридан Италияда махсус ўқув юртлари, академиялар тузилди ва уларда меъморликка оид таълим берилиши муҳим воқеа бўлди. Бу эса Европа меъморлигининг кейинги тараққиётига таъсир кўрсатди, меъморий классицизм тамойилларининг шаклланишига хизмат қилди.

Уйғониш даври меъморлиги Италиядан ташқарида XV асрда ривожланди. Готика анъаналарини ижодий англаган усталар айрим ҳодисаларни амалий йўл билан ўзлаштириб бордилар, Нидерландия ва Германияда Уйғониш даври меъморлиги сўнгги готиканинг тараққий этган даврига тўғри келади (Антверпендаги ратуша, 1561-1565, меъмори К.Флорис; Германия, Гейдельбергдаги сарой, 1556-1559). XVI аср ўрталарида Францияда антик даврга ҳамда Италия Уйғониш даври меъморлигига асосланган ўзига хос меъморий услуб шаклланди (Шамфбор қасри, 1519-1540, меъмори Т.ва Д.Сурдо, П.Нево ва б.). Испания, Чехия, Польша, Венгрия Уйғониш даври меъморлиги ўзига хос миллий хусусиятларига эга бўлган (*Прагадаги Бельведер ёзги саройи, 1535-1563, меъмори Ж.Спацио ва б.).*

Барокко (*итал. — ажиб, ғалати маъноси)*да бўлиб, XVI аср охири XVIII аср ўрталарида Европа санъатидаги асосий услублардан бири. Европада миллат ва миллий давлатлар жадал шаклланаётган даврда Уйғониш даври бадиий маданияти ва субъектив ҳис-туйғуларни ифодаловчи **манъеризм** ўрнига вужудга келди. Аристократия ва черков билан боғлиқ бўлган барокко санъати уларнинг шон-шуҳратини оширишга ҳамда тарғиб этишга қаратилган эди.

Барокко санъатига антифеодал чиқишлар, миллий озодлик ҳаракатлари ўз таъсирини кўрсатиб, унга демократик исёнкорлик руҳини киритди. Дабдабага мойил бўлган барокко дунёнинг яхлитлиги, чексизлиги, мураккаб ва ранг-баранглиги, доимий ўзгарувчанлиги ҳақидаги янги тасаввурларни, инсонни ўраб турган муҳит ва бошқаларга бўлган қизиқишларни акс эттиради; унга кескинлик, образларнинг ҳаракатчанлиги, ҳис-туйғулар курашининг шафқатсизлиги, тантана ва улуғворликка интилиш, мавжуд борлиқ билан ҳаёлий орзуни уйғунлаштириш, санъатлар уйғунлигига интилишлар хос.

Барокко услубида қурилган меъморий мажмуалар фазовий ечими, майда меъморий безакларга мўллиги ва ягона ғояга бўйсуниши билан ажралиб туради. Меъморлар шаҳар кўча ва майдонларига, у ердаги мавжуд қурилишларга улуғворлик бериш учун турли оптиа ва бошқа табиат қонунларидан фойдаланадилар. Тасвирий санъатда диний, мифологик ва мажозий мавзулардаги безак мужассамотлар, тантанавор дабдабали портретлар кенг ўрин эгаллайди.

Барокко Италияда шаклланиб, ривожланди. Меъмор ва ҳайкалтарош Л.Бернини, меъмор Ф.Борромини, Г.Гварини, рангтасвирчи демократик реализм йўлбошчиси Караважо, академизм йўлбошчилари ака-ука Каррочилар, деворий рангтасвир усталари Б.Тьеполо ва бошқалар шу санъат ривожига катта ҳисса қўшди. Испания, Португалия, Германия ва бошқа мамлакатларда маҳаллий ҳаёт ва анъаналар таъсирида ўзига хос йўналишлар пайдо бўлди. Францияда классицизм билан уйғунликда ўзига хом жимжимадорлик касб этди.

Бернини Жованни Лоренцо (1598-1680) **—** италиялик меъмор ва ҳайкалтарош, барокко услубининг йирик вакили. Ж.Бернини яратган меъморий обидалар ўзининг кенг фазовий маконни эгаллаши, дабдабали ва сербезаклиги, истиқбол имкониятларидан эркин ва дадил фойдалангани ҳамда санъатлар уйғунлигидан яхлитлиги билан ажралиб туради (*Римдаги Сант Андрса аль Кваринале черкови (1653-58); Авлиё Пётр майдони мажмуаси (1657-63*). Булар Римнинг меъморий қиёфасини шакллантирди. Ж.Бернини ўз ижодида меъморлик ва ҳайкалтарошликнинг ўзаро уйғунлигига интилди, шу мақсадда турли хомашё, ранг, нур имкониятларидан унумли фойдалана олди (*АвлиёПётр собори ички безаклари ва ундаги Авлиё Пётр минбари (1657-1666*), ҳайкалтарошликда мармарга ишлов бериб, силлиқлаб яратилган асар таъсирчанлигини оширишга муяссар бўлди, натурага жуда ўхшашини таъминлаб, одам терисига хос майинлик ва ялтироқлик, матоларнинг ўзига хос сифатини ниҳоятда усталик билан кўрсата олди. Ж.Бернини ижодида барокко дабдабали портретда ўзига хос турда шаклланди, у ҳаққонийлиги, ўткир руҳий ҳолати ва безакларнинг бойлиги билан ажралиб туради. (*“Людовик XIV”,*

мармар, 1665). Ж.Бернини ижоди XVII-XVIII асрлар Европа санъатига катта таъсир кўрсатди.

Уйғониш даврининг буюк ғоялари, айниқса, тасвирий санъатда ёрқин ифодаланди: ҳаётга муҳаббат, инсонга, унинг иродасига ва ақлига катта ишонч билдирилди. Антик давр меросини ижодий ўзлаштирган итальян рассомлари замонасининг илм-фан ютуқларига таяниб, инсон ва уни ўраб турган муҳитни ҳаққоний акс эттиришга уриндилар. Улар санъатни перспектива, пропорция, нурсоя, ритм, рангшунослик, ҳажм, ракурс ҳамда одам танаси тузилиши ҳақидаги аниқ билимлар билан бойитдилар, иконадан картинага ўтилди, ҳайкалтарошлик мустақил жанрга айланди, фреска санъати ривожланди. Янги даврнинг илк хусусиятлари XIII–XIV асрлар рассомлар ижодида кузатилади.

Томмазо ди Жованни Мазаччо (1401-1428) – итальян рассоми ҳам шу мактаб вакили. Ж.Мазаччо ижодида готика анъаналарини қатъий енгиб, диний лавҳаларда инсон шахси ҳақидаги инсонпарварлик тушунчаларини акс эттирган. Илк асарлари (*"Мадонна авлиё Анна билан", 1424; Пизадаги Санта-Мария дель Кармине черкови учун полинтих, 1426*) даёқ ҳаракатчан нурсоя, умумлашма шаклнинг маҳобатлилига интилиши, шаклнинг уч ўлчамлилигини ўта ҳис қилиши билан диққатга сазовор (*Флоренциядаги Санта-Мария дель Кармине черковидаги капелла безаклари, 1425-1428*). Ж.Мазаччо илк бор деворий рассомликда композицияга алоҳида улуғворлик ва мутаносиблик бахш этувчи янги тузилма яратди. (*"Троица", 1425-1427, Флоренциядаги Санта-Мария Новелла черкови ва б.).*

Донато ди Никколо Донателло (1386-1466) **—** италиялик ҳайкалтарош. Н.Донателло ижодида Уйғониш даврига хос бўлган воқеликни тасвирлашда янги, реалистик тасвир воситаларини излаш, инсонга ва унинг рухий оламига эътибор ўз аксини топган. Флоренция собори ён пештоқлари учун ишланган авлиёлар ҳайкаллари (1406-1408)да готикага хос хусусиятлар сақланган. Авлиё Георгий ҳайкали (мармар, 1416)да инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари кўтаринки руҳда акс эттирилган. Н.Донателло бўртма тасвир (*релъеф*)да перспектива имкониятларидан фойдаланиб ўзига хос нафис рельеф санъатини

кашф этган. (*Падуядаги Сант-Антонио черкови меҳробига ишланган рельеф, 1446-1450*), антиқ давр шаклларини Уйғониш даврига мослаштириб ҳайкалтарошлик намуналарини (“Давид”,бронза, 1430), Уйғониш даврининг биринчи дунёвий ҳайкалини (*“Гаттамелате”, бронза, мармар, 1447-1453 ва б.)* яратган.

Юксак Уйғониш даври Италия санъатида нисбатан қисқа даврни ўз ичига олади, лекин мазмунан жуда улуғ бўлиб, Италия санъатининг “олтин асри” ҳисобланади. Бу давр Леонардо да Винчининг психологик таъсирчан асарларида, уйғунликда ишланган С.Рафаэль полотноларида, кураш руҳи билан йўғирилган Б.Микеланжело рангтасвир ва ҳайкалтарошлик асарларида, Б.Жоржоне, В.Тицианларнинг колоритга бой ҳаётбахш картиналарида намоён бўлди.

Леонардо да Винчи (1452-1519) **—** италиялик рассом, ҳайкалтарош ва олим. Уйғониш даврининг йирик намояндаси. Ўз даврининг инсонпарварлик ғояларига жавоб берадиган мукаммал инсон қиёфасини яратди; илк асарларидаёқ майин нурсоя воситасида шаклнинг оқувчан ҳажмини кўрсатди. Асарларида диний мазмунни хилма-хил инсоний ҳиссиётлар кўзгусига айлантиради. Ҳисобсиз кузатишлари натижалари турли усулларда бажарилган чизгиларда муҳрланган.

Айниқса, юз ифодасини беришда математик ҳисоб-китобдан фойдаланиб, катта маҳоратга эришди. Баъзан ташқи кўриниш (*юздаги зўрға илғаб олинадиган табассум*) билан одамлар чеҳарасини жонлантириб, уларнинг ички дунёси (*нозик кўнгил ҳолати*)ни ифодалайди: “Мадонна Бенуа” (1478), “Қоядаги мадонна” (1483-1494), “Махфий кеча” деворий расми (1495-1497), “Монна Лиза” *(“Жоконда” номи билан машҳур, 1503)*; дунё ҳалокати ифодаланган “Тошқин” расмлар туркуми (1514-1516)да табиатнинг даҳшатли офатлари олдида инсоннинг ожизлиги, табиий жараёнларнинг такрорланишини ақлий тасаввур билан уйғунлаштиради.

Меъмор сифатида Леонардо да Винчи “идеал” шаҳар ва гумбазли ибодатхоналарнинг турли хил лойиҳаларини ишлаб чиқди. Олим ва муҳандис

сифатида ўз даври фанининг барча соҳаларини бойитди, айниқса, эътиборни механикага қаратди. Яратишга бўлган эҳтирос уни ўз давридан илгарилаб кетишга олиб келди: ер кавлайдиган машина, учиш аппаратлари, сув ости кемаси, босма, тўқувчилик ва бошқа дастгоҳлар лойиҳалари шулар жумласидан.

Леонардо да Винчи дунёқарашини ўрганишда унинг ён дафтари ва қўлёзмалари (**тахминан 7 минг варақ**), шогирдларидан Ф.Мельци томонидан унинг ёзмалари асосида тузилган "Рангтасвир ҳақида рисола"си Европа назарияси ва амалиётига кучли таъсир кўрсатган муҳим манбадир.

Микеланжело Буонарроти (1475-1564) **—** итальян ҳайкалтароши, рассоми, меъмори ва шоири. Уйғониш давринининг буюк арбобларидан. Б.Микеланжелонинг дастлабки асарларидан унинг ижодига хос асосий хусусиятлар **—** маҳобатлилик, образлар шаклининг қудрати ва драматизми, инсон гўзаллигига эҳтиром кўзга ташланади: "Зинапоя олдида турган Мадонна" ва "Кентаврлар" рельефлари (*иккаласи ҳам мармар, 1490-1492*), "Исога мотам" ҳайкаллар гуруҳи (1498-1501, *Римдаги Авлиё Пётр ибодатхонаси*)да анъанавий готика тасвирига янги инсонпарварлик мазмунини сингдирган. Б.Микеланжело республика фуқароларининг жасоратини ифодаловчи "Давид" ҳайкали (1501-1504), "Мадонна" (1503), "Муқаддас оила", "Мадонна Дони", 1503-1505 картиналари кенг шуҳрат топган.

Б.Микеланжело 1505 йилдан Рим Папасининг илтимосига кўра, қабр ёдгорлиги яратиш устида ишлади, шулар жумласидан: буюк жўшқинлик ва иродага эга бўлган титан "Моисей" (*1515-1516, Римдаги черковда*) ёдгорликнинг марказий қисмига айланган; "Исёнкор қул" ва "Ўлаётган қул" (1513-1516, Лувр) асарларида куч-қудратга тўлиқ кишанларни узаётган ва занжирдаги ўлимига рози бўлган икки навқирон қарама-қарши қўйилади. Б.Микеланжело яратган асарларидаги образлар ёркинлиги билан қимматлидир.

У Римдаги Сикстқапелласида "Даҳшатли суд" фрескасини ижод қилди. Умрининг охиригача ўзининг қабрига ўрнатиладиган ёдгорлик **—** "Исога

мотам” ҳайкаллар гуруҳи устида ишлади (1555-1564), унинг лойиҳасини шогирдлари ниҳоясига етказган.

Унинг ҳайкалтарош сифатида буюк ишларидан бири Флоренция шаҳри марказида ўрнатилган мармартошдан ясалган Довуд ҳайкали бўлиб, унинг бўйи 5.5 метр эди.

Б.Микеланжело умрининг охирги йилларида шеърият ва меъморлик билан шуғулланди. 1546 йилдан Римдаги Авлиё Пётр Собори, Капитолий майдони ансамбли меъморлиги устида ишлади, ўлимидан сўнг унинг лойиҳаси асосида қуриб битказилган. “Шеърлар” китоби вафотидан сўнг дастлаб 1623 йилда нашр қилинган. Б.Микеланжело ғоялари инсонпарварлик, халқчиллик, реализмнинг кейинги ривожига хизмат қилди. Б.Микеланжело ижоди маньеризм тараққиётини таъминловчи омил бўлди, улардан фарқли ўлароқ, Б.Микеланжело асарларида инсонга муҳаббат ва унинг улуғворлиги ҳамда гўзаллигига ишончни сақлаб қола олди ва ифода этди.

Рафаэль Санти (1483-1520) **—** итальян рассоми ва меъмори. Унинг санъатида Уйғониш даврига хос бўлган гўзаллик ва мукаммал дунё ҳақидаги илғор қарашлар, ҳаётбахш идеаллар уйғунликда ўта аниқлик билан мужассамлашган. Илк асарларидаёқ манзара билан уйғунлашган нафис шакллар С.Рафаэлнинг юксак иқтидоридан дарак беради (*“Рицарь уйқуси”, Миллий галерея, Лондон; “Мадонна Конестабиле”, Эрмитаж, (1500-1502), “Марияниng никоҳи” асари (1504, Брера*) фазовий ечими жиҳатдан устози Перужино асарларига яқин. 1504-1508 йилларда Флоренцияда яшаб, буюк санъаткорлар (*Леонардо да Винчи, Ф.Бартоломмео ва бошқалар*) ижоди, анатомия ва перспективани ўрганади, драматик воқеаларга бой асарлар ижод қилди *(“Тобутга қўйиш” 1507, Боргозе галереяси, Рим*) ва бошқа кўплаб яратилган мадонналари унга катта шуҳрат келтирди: *“Мадонна Грандука” (Питти, Флоренция), “Боғбон мадонна” (Лувр, Париж) ва бошқалар.*

1508 йилдан Римда яшаб, ижод қилади, антик ёдгорликлар билан танишди, археологик қаишмаларда иштирок этди. Ватикан саройида деворий расмлар туркумини яратади: уларда озодлик ғоялари ва инсоний бахт, инсонни ҳар

томонлама жисмоний ўсиши ва руҳий имкониятларини тараннум этади, сарой залларига ишланган фрескалари рассомлик санъатида монументал рангтасвирнинг катта ютуғи, тасвирий санъатнинг меъморлик билан уйғунлигининг энг яхши намунаси бўлди. Жумладан, Делла Сенъятура залида инсон фаолиятининг 4 соҳаси — дин (“*Мунозара*”), фалсафа *(“Афина мактаби”*), шеърият (“*Парнас*”), ҳуқуқ (“*Ақл, Мезон ва Куч*”)ни тасвирлайди ҳамда плафонда шу композицияларга мос “Таворат” ва “Инжил” ривоятлари мазмунига оид мажозий шаклли композициялар яратиб, улкан истеъдод эгаси сифатида шуҳрат қозонади.

Римда С.Рафаэль етук портретчи сифатида намоён бўлди. “Папа Юлий II” (1510), “Кардинал портрети” (1512), “Б.Кастилоне” (1515-1516), “Лев X кардиналлар билан” (1518) ва бошқалар; “Мадонна Альба” (1510-1511), “Мадонна ди Фолиньо (1511-1512) каби мадонналар тасвирида улуғ туйғу-оналик туйғусини бера олди, айниқса, “Сикст Мадоннаси” (1515-1519) энг мукаммал асар сифатида хавотирлик ва ўта нафосат туйғусини уйғунлаштирган.

С.Рафаэлнинг меъморликдаги фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди; меъмор Барманте бошлаган Римдаги Авлиё Пётр собори қурилишига унинг вафотидан сўнг С.Рафаэль раҳбарлик қилди, қурилишни ўзининг янги базиликали лойиҳаси асосида давом эттирди. Ватикандаги бир неча бинолар С.Рафаэль раҳбарлигида қурилган, унинг лойиҳаси ва расмлари асосида кўп бинолар, айниқса, йирик саройлар барпо этилган; ҳар бир саройга ўзига хос қиёфа ва безаклар беришга интилган (*Римда С.Рафаэль лойиҳаси асосида айлана тархли Сант-Элижо дельи Орефичи черкови (1509 йилдан*), *Санта-Мария дель Пополо черковининг нафис Кижи капелласи (1512-1520) ва палаццолар қурилган*), у қурган бинолар салобатлилиги ва интерьерларининг нозиклиги билан ажралиб туради. Узоқ вақтлар давомида бетакрор санъат намунаси мавқеини сақлаган С.Рафаэль ижодига кейинги давр ижодкорлари идеал санъат намунаси сифатида такрор ва такрор мурожаат этдилар.

Вечеллио Тициан (1480-1576) — италиялик рассом. Ижодида инсонпарварлик ғоялари акс этган бўлиб, унинг ҳаётбахш санъати серқирра, даврнинг драматик воқеларини теран очиб бериши билан ажралиб туради. Илк асарларида Б.Жоржоненинг таъсири сезилади *(“Исо ва гуноҳкор аёл”, “Исо ва Магдалина” (1510*).

1510 йиллардан С.Рафаэль ва Б.Микеланжелолар ижодини ўрганганидан сўнг ўзининг мустақил услубини ишлаб чиқди: сокин ва шодон образлари ҳаётбахш туйғуларнинг ёрқинлиги, ички нурланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга (“Дунёвий муҳаббат ва илоҳий муҳаббат”(1515-16), “Флора” (1515), “Венеранинг байрами” (1518), “Тобутга қўйиш”(1520), диққатини кўпроқ монументал, кўтаринки руҳ ва динамика билан ишланган композицияларга қаратган *(“Марияниng осмонга кўтарилиши” 1515-1518, Санта-Мария Глориоза деи Фрари черковида ва бошқалар*).

Якка ва гуруҳ портретларида замондошларини, улардаги хислатлар (*ўзига ишонч, ғурур, шубҳа, иккиюзламачилик, ёлғон*)ни ўта синчковлик билан тасвирлайди, тасвирланаётганларнинг муносабатлари моҳиятини, ҳолатдаги драматизмни аёвсиз фош қилади, ҳар бир образ учун ўзига хос қиёфа, кийим, ҳолат, композиция, замин танлайди: “Ипполито Медичи” (1532-33), “Ла белла”, (1536), “Папа Павел III Алессандро ва Оттавио Фарнезе билан бирга” (1545-46), “Карл V” (1348) кабилар бунга мисол бўла олади.

XVI аср ўрталаридан В.Тициан ижоди маҳорат чўққисига кўтарилди, у мифологик ва диний мавзулар талқинида ҳам чуқур теранликка эришди: “Европанинг ўғирланиши” (1559), “Тавба қилаётган Мария Магдалина” (1560), “Авлиё Себастьян”, “Исога мотам” (1573-76) каби кўплаб дадил рангтасвир усули билан ажралиб турувчи расмлардаги шакл ва манзаралар енгил, аниқ, майин нурсоя кескинлигида бажарилган. В.Тицианнинг асарларидаги эркин ишлаш усули жаҳон рангтасвирининг кейинги тараққиётига кучли таъсир кўрсатди.

Уйғониш даври Италиядан ташқарида Ғарбий ва Марказий Европада XV асрдан бошлаб нотекис ривожланди, индивидуал инсон образи ва унинг

муҳитига бўлган катта қизиқиш диққатга сазовор. XV-аср нидерланд рассомлари Я.Ван Эйк ва Х.Ван дер Гус, кейинчалик Рембрандт Хармен ван Рейн ва бошқа рассомлар оддий одамларни тасвирлашга катта эътибор бердилар. XVII аср иккинчи ярми рассомлари (*П.Брейгель Катта*) ижодида демократик анъаналар ёрқин намоён бўлади. Германияда кескин сиёсий ва ғоявий курашлар давомида ўткир ижтимоий-фалсафий хусусиятга эга бўлган графика ва рангтасвир кенг тарқалди (*А.Дюрер, Х.Хольбейн Кичкина ва б*ошқалар). Францияда ўта уйғунлашган дунёвий мазмундаги санъатлар ривожланди, психологик портретлар ва монументал безак ҳайкалтарошлиги кенг тарқалди (*рассом Ф.Клуэ. Ш.Фуке, ҳайкалтарош Ж.Гужон, Ж.Пилон ва бошқалар).*

Уйғониш даври Европа мамлакатларининг маданий ва ғоявий ҳаётида катта ижобий роль ўйнади, бу даврда жаҳон маданиятининг энг нодир ва бебаҳо асарлари яратилди, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам уйғониш даври инсоният тараққиётининг беназир давридир. Уйғониш даврининг кўп ғояларини XVIII аср маърифатпарварлик вакиллари маънавий мерос қилиб олдилар.

Уйғониш даври алломалари яратган асарлар ўзининг бетакрорлиги, гуманистик ғоялари билан инсонларни хайратга солмоқда ва маънавий озуқа бермоқда.

7.5. Табиий билимлар ва фан-техник тараққиёт

XVI-XVII асрларда табиатшунослик фанларининг тез юксалиши бошланди. Ишлаб чиқариш, жумладан, техниканинг ўсиши илмий тараққиётга кенг йўл очди. Табиат-ҳодисаларидан амалий фойдаланиш йўлари изланди ва топилди.Физика фанининг механика ва оптика соҳаларитез суръатлар билан ривожланди.Бунинг сабаби, аввало саноатнинг баъзи соҳаларида оддий механизмлардан

фойдаланила бошлаганлиги, қурилиш техникасининг такомиллашуви, чуқур шахталарнинг пайдо бўлиши, артиллериянинг йилдан-йилга кенгроқ қўлланилиши каби янгиликлардир. XVI-XVII асрларда ҳунармандчилик

техникасининг ривожланиши натижасида кўплаб асбоб-ускуналар: жумладан, микроскоп ва телескоп, термометр, симобли барометр, гидрометрлар ихтиро қилинди.

Фандаги бурилиш энг аввало, астрономия соҳасида рўй берди. XVI асрга қадар Ғарбий Европада, шунингдек, Шарқ мамлакатларида ҳам антик даврда яратилган геоцентристик ғояҳукмрон эди (*Беруний каби алломалар қарашлари бундан мустасно*). Унга кўра, коинот марказида доира шаклида ҳаракатсиз Ер туради. Ернинг атрофида маълум масофада Ой, Қуёш ва бошқа сайёралар, юлдузли осмон айланиб туради. Бу ғоянинг асоси Аристотель, Гиппарх ва Птолемей даврларида ишлаб чиқилган эди. Н.Коперник кашфиёти астрономия фанида катта ўзгариш ясади. Бу кашфиёт христиан черковининг обрў ва таъсирига путур етказди.

Николай Коперник (1473-1543) **—** поляк астрономи, гелиоцентрик система асосчиси. Н.Коперник ўз замонасининг етук астрономларидан бири бўлган. У 1543 йилда "Осмон сфераларининг айланиши ҳақида" асарини нашр эттирган. Бу асарда Птолемейнинг фан ва динда ҳукмрон бўлиб келган геоцентрик системасини рад қилувчи гелиоцентрик системани баён этган. Унинг таъкидлашича, Ер оламнинг ўзгармас маркази эмас, негаки, у ўз ўқи атрофида айланиб туради. Иккинчидан, Ер оламнинг марказида турган Қуёш атрофида айланиб тургани боис кун ва тун алмашинади.

Шунингдек, осмондаги биз кўриб турган юлдузларнинг ҳолати ўзгармасдек туюлади (*аслида биз уларни турли нуқталардан кузатаётгандек бўламиз, холос*). Ер Қуёш атрофида айланиб тургани учун бошқа юзлдузларга нисбатан ўз ўрнини ўзгартиргандек (*яъни ҳаракатлангандек*), сайёралар эса доирасимон ҳаракатланаётгандек кўринади. Биз сайёралар ҳаракатини оламнинг марказида турган Қуёшдан эмас, унинг атрофида айланиб турган Ердан кузатаётганимиз учун ҳам Ер ҳаракат қилмаётгандек туюлади. Ер атрофида эса фақат унинг йўлдоши Ой айланади, деб хулоса қилади мутафаккир.

Н.Коперник ўз мулоҳазаларини фалсафий таълимот деб атади. Афтидан, бунга мутафаккирнинг қадимги Юнон пифагорчилари ғоялари билан танишгани сабаб бўлса керак. Н.Коперник асослаб берган гелиоцентризм таълимоти ўрта асрлар дунёқарашида кенг илдиз отган геоцентризмга барҳам берди.

Н.Коперник таълимотининг итальян файласуфи Жордано Бруно томонидан ривожлантирилиши унинг христиан дунёқарашига нақадар зид эканини намоён этади. Натижада 1616 йилда мутафаккирнинг шоҳ асари таъқиқланган китоблар қаторига киритилади ва икки асрдан кўпроқ вақт (*1822 йилга қадар)* эътибордан қолиб кетди. Шунга қарамай, Н.Коперник ғоялари олам ҳақидаги янги қарашларнинг шаклланишида назарий методологик асос вазифасини ўтади.

Жордано Бруно (1548-1600) -италъян файласуфи, космологи ва шоири. Пантеизм (*Фалсафий таълимот бўлиб, унга кўра худо табиатдан ташқарида турмайди, балки у билан биргадир*) намоёндаси. Ж.Бруно христиан илоҳиёти асослари билан бирга Н.Коперник назариясини ўрганди. У ёшлигидан турли назарияларга танқидий кўз билан қараб, ҳар бир масала бўйича ўзининг мустақил фикрларини қарама-қарши қўяди.

Баъзан унинг бундай мустақил ғоялари черков ва христианлик ақидаларига зид келади. Ҳурфикрлилиги учун инквизиция томонидан қаттиқ таъқиб қилинади. Ж.Бруно таъқибдан қочиб Швейцария, Франция, Англия, Германияда яшайди. Тулуза, Париж, Оксфорд университетларда астрономия, фалсафа ва мнемоника, яъни хотирани ривожлантириш санъатидан маърузалар ўқийди. Схоластик фалсафага, католик черковига қарши асарлар ёзади.

Олим ўз таълимотини “Нола фалсафаси” деб атайди. 1592 йилда роҳиблар уни алдаб, Венецияга таклиф қиладилар ва инквизиция қўлига топширадилар. Ж.Бруно даҳрийликда айбланиб, 8 йил давомида турмада аёвсиз қийноқлар, хўрликлардан азоб чекади. Католик черкови суди бир сўзли файласуфни иродасини синдириш ва ўз қарашларидан воз кечишга мажбурлаш учун барча қийноқларни ишга соладилар. Лекин Ж.Бруно ўз эътиқодига содиқ қолади.

Жасур донишмандни ўтда куйдириб, қатл этишга ҳукм қиладилар. 1600 йилнинг 17 февралида Италиянинг буюк фарзанди Ж.Брунони гулханда ёндирадилар. “Ўтда ёнмоқлик инкор этмоқлик эмас”. Бу сўзлар аланга исканжасида қолган Ж.Брунонинг сўнгги нидоси эди.

У гелиоцентрик ғояни янада ривожлантирди. Қуёш системасидан ташқарида тирик мавжудодлар яшайдиган оламлар борлиги ҳақида замонаси учун дадил фикрлар баён этди. Ҳамма нарса ҳаракатда, узлуксиз ривожланишда, ерy осмонда табиат қонунлари мавжуд деб билди. Ж.Бруно фан учун курашди. Асосий асарлари: “Ғоялар сояси ҳақида” (1582), “Сабаб, ибтидо ва яккаю-ягона ҳақида", “Чексизлик, коинот ва оламлар ҳақида”, “Қулдаги зиёфат” (1584), “Пегас сирлари” (1585).

Ж.Брунода одамлар онгига сингдирилган ва асрлар мобайнида халқ маънавиятининг асоси бўлиб келаётган диний анъаналар ва маънавий қарашларга ўз асарлари билан катта таъсир кўрсатгани сабабли кишилар тафаккурида католиклар ўрнатган диний,сиёсий, маданий, ҳуқуқий ва иқтисодий тартибларга нисбатан норозилик юзага кела бошлаган эди.

Мантиқан олиб қараганда, жамиятда диний маънавият ҳамда қонунларнинг дунёвий маънавият ва қонунлар билан алмашиниши орқали юзага келган Европа Ренессанси даври Ж.Бруно каби олимларнинг асарлари ва уларнинг халқ орасида кенг тарқалиши билан боғланади. Ж.Брунонинг фикрига кўра, фалсафанинг асосий вазифаси табиат устидан турган худони ёки нариги дунёнинг сирларини эмас, балки табиатнинг ўзини ўрганишдан иборат бўлмоғи зарур. Ж.Бруно фалсафасидаги энг асосий ғоя-илоҳийлик ва табиийлик, моддийлик ва идеаллик, тана ва руҳият, ақлийлик ва ҳиссийлик, коинот ва ердаги ҳаётнинг диалектик алоқадорлиги муаммоларини аниқлаб беришдан иборат.

Галилео Галилей (1564-1642) — итальян физиги, астрономи ва механиги, табиатшунослик фани асосчиларидан бири. Г.Галилей математика ва механика билан астойдил шуғулланган. Кейинчалик инерция қонунини кашф этган, кучларни қўшиш қоидасини ифодалаб берган, кўчирма ҳаракат тезлиги

доимий бўлган чоғдаги нисбийлик тамойилини топган механик ҳаракатнинг асосий хусусиятларни кашф этган.

Жисмнинг қия текисликдаги ҳаракати, маълум бурчак остида отилган жисмнинг ҳаракати, эркин тушиш ҳақидаги қонунларни дастлаб Г.Галилей кашф этган.

Г.Галилей олам тузилишини тушунтиришда Н.Коперник йўлидан борди. Ўзи ясаган телескоп ёрдамида Ой сиртининг нотекислигини, Венера фазасининг ўзгаришини, Қуёш доғларини, Юпитернинг 4 та йўлдошини кашф қилди ва Қуёшнинг ўз ўқи атрофида айланишини исботлади. Г.Галилейнинг бу ишлари “Юлдуз хабарчиси” (1610-11) асарида баён қилинган. У, “Олам тузилишининг икки асосий системаси хақида диалог” (1632) асарида гелиоцентрик системанинг тўғрилигига асосли далиллар келтирган. Абу Райҳон Беруний каби Г.Галилей ҳам Аристотелнинг “енгиллик кучи” тушунчасига қарши чиқиб, фақат оғирлик кучини тан олган. У табиий ҳодисаларни тажриба ва математик фикрлаш асосида тушунтиришга ҳаракат қилган.

Г.Галилейнинг истеъдоди фан соҳалари билан чекланиб қолмайди: у мусиқачи, рассом, санъат шинавандаси, адабиётшунос ҳам бўлган. Унинг илмий рисолалари равон ва оддий тилда ёзилганлиги учун уларни ҳам бадиий адабиёт жумласига қўшиш мумкин. Н.Коперникнинг гелиоцентризмини қатъий ёқлагани учун Г.Галилей 1633 йилда католик черков томонидан инквизиция судига берилган. Натижада олим Н.Коперник таълимотидан воз кечишга мажбур бўлган ва 1633 йил 22 июнда черковда тиз чўкиб, тавба қилган. Унга Ер ҳаракати тўғрисида гапириш ва асарларини нашр қилиш таъқиқлаб қўйилган.

Г.Галилей умрининг охиригача “инквизиция асири” ҳисобланган. Асрлар ўтиб, ҳақиқат қарор топди: 1992 йилда Рим папаси Иоанн Павел II инквизиция суди қарорини нотўғри деб топди ва Г.Галилейни оқлади.

Хулоса қилиб айтганда ўтмиш маданиятининг улуғворлигини тасдиқловчи тарихий хотиранинг ҳам сақланиб қолганлиги янги маданиятнинг шаклланишида катта аҳамият касб этиб, тафаккурда ва илму ижодда

догматизмни, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни қадрлаш, унинг истеъдоди, ақлий-ижодий қобилиятини юзага чиқариш, черков схоластикасидан қутулиб, адабиётда ва санъатда дунёвий гўзаллик, инсон эрки, ҳурфикрлилик учун кураш жараёнларида намоён бўлди.

XVI-XVII асрларда илмий билимларнинг ривожланиши Европада кейинчалик физика, химия, механика ва бошқа соҳаларда кўплаб кашфиётлар қилинишига йўл очиб, пировард натижада ишлаб чиқарувчи кучларнинг тез ривожланишига олиб келди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. “Ренессанс” сўзининг маъноси нима?
2. Европа уйғонишини қандай омиллар юзага келтирди?
3. Уйғониш даврининг шаклланишида антик цивилизациянинг таъсири қандай?
4. “Гуманизм” деганда нималарни тушунасиз?
5. Гумманист ёзувчиларнинг асарларида қандай ғоялар ётади?
6. Реформаторлик ҳаракати қандай ўзгаришларга олиб келди?
7. Қандай буюк географик кашфиётлар қилинди?
8. Леонардо да Винчи ҳақида нималарни биласиз?
9. Микеленжело Буанаротти ким?
10. Рафаэл Санти ҳақида нималарни биласиз?

Агар ер юзида ҳамма нарса
аъло бўлганида, аъло
нарсанинг ўзи бўлмасди.
Дени Дидро

8 мавзу. XVIII - XIX АСРЛАРДА ЕВРОПА МАДАНИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар:

Маърифатпарварлик ғоялари, энциклопедия, саноат юксалиши, илмий ютуқлар, металлар технологияси, темир йўл транспорти, ички ёнув двигатели, бутун олам тортилиш қонуни, Алъфред Нобел, Нобель мукофотлари. Меъморлик, тасвирий санъат, классицизм, баракко услуби, Эйфель минораси, Эрмитаж, Лувр, Британия музейи, адабиёт, сентиментализм, Вена классик мактаби.

8.1. XVIII асрдаги маърифатпарварлик ғоялари. Демократик жамиятнинг илк устқурмалари шаклланиши

Уйғониш даври маданияти яратган асосий қадриятлар кейинги асрлар Европа маданияти асосини белгилади. XVIII асрдаги маърифатпарварлик ғояларининг тарқалиши ва саноат инқилобининг бошланиши пировардида маданиятнинг юксак техникавий ютуқларига олиб келди.

Ғарбда маърифат деганда ижтимоий тафаккурнинг XVII-XVIII асрларга келиб капитал устувор бўлган муносабатлар даври билан боғлиқ маданий-мафкуравий ва фалсафий ҳаракатлар тушунилган. Бунда саноатлашув йўлига кираётган ҳар қандай давлатнинг маданий ривожланишида маърифат қонуний босқич саналади. Маърифатнинг муайян мамлакатда пайдо бўлиши, унинг миллий хусусиятларидан қатъи назар, бир қанча умумий хусусиятлар билан ажралиб туради.

Бу хусусиятлар сирасига жамиятнинг кенг қатламларини маданият ва билимга ошно этиш зарурияти билан боғлиқ бўлган демократизмни; инсон ақлининг чексиз имкониятларига бўлган ишончни англатадиган рационализмни; тарихий оптимизмни; фан ва жамият тараққиётига, тарихий ривожланишнинг ягона мақсадларига бўлган ишончни киритиш мумкин. Ана шу маънода маърифатчилик ҳаракати илк бор Францияда вужудга келган.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчисига ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонавий, етук, онгли, юртим деб яшовчи, маънавиятли, фидойи инсонлар табиатан маърифатпарвар бўладилар. Муҳим ғояларни кўтариб чиқадилар ва уларни амалга ошириш учун изчил курашадилар.

Маърифатпарварлик - ижтимоий-сиёсий оқим бўлиб, бу оқимнинг вакиллари эзгулик, адолат ғояларини, илмий билимларни тарқатиш йўли билан мавжуд жамиятнинг камчиликларини бартараф қилишга, уни инсонпарварлик томонга ўзгартиришга интиладилар.

XVIII асрда католик черкови абсолютизмни ва барча феодал тартибларни ҳимоя қилар, халқ орасида бу тартиблар худо томонидан ўрнатилган, деган кўр-кўрона ишончни мустаҳкамлашга интилар эди. Бироқ илғор ёзувчилар, олимлар илм-фан ва маорифни диний хурофатга қарама-қарши қўяр, ўсиб келаётган буржуазия билан халқ манфаатларини ҳимоя қилардилар.

Уларнинг фикрича, фақат маърифатли халқ адолатли жамиятга хос — “Озодлик, Тенглик, Қардошлик”ни ўрнатишга қодир. Ғарбда XVIII асрга келиб маърифатпарварлик ҳаракати Францияда бошланиб, улар бўлғуси буюк Француз буржуа инқилобининг назариётчиларига айландилар. Шу сабабли олимлар XVIII асрни Ақл-заковати ёки Маърифат аси деб атайдилар.

Ғарбда XVIII асрда **Жон Мильтон** (1608-1674) — Англия инқилоби ғояларини қўллаб-қувватлайди. У “Ареопагатика” (1644) рисоласида матбуот эркинлигини ёқлаб чиқади. У 1649-52 йилларда буржуа инқилоби етакчиси Оливер Кромвелнинг котиби сифатида халқаро давлат ёзишмаларини олиб борган. Ж.Мильтон “Санамқуш” (1649), “Инглиз халқини ҳимоя қилиш” (1650,1654) ва бошқа асарларида халқнинг мустабид ҳукмдорларни йўқ қилиш ҳуқуқи борлигини таъкидлайди. Стюартлар сулоласи қайта тиклангандан кейин машаққатли ҳаётга гирифтор бўлган шоир ўзининг машҳур асарлари — “Йўқотилган жаннат” (1667), “Топилган жаннат” (1671) достонларини ижод қилади. Достонлар мазмуни “Инжил”дан олинган бўлса–да, уларда диний

мазмун орқали даврнинг долзарб масалалари -халқ оммасининг монархия ва зулмнинг барча шаклларига қарши нарозилиги акс эттирилган.

Маърифатпарварлик ғоясининг фалсафий асоси, **ҳис-туйғу** (*сенсуализм*) ва икки **асллик** (*дуализм*) қарашларидан иборат бўлиб, биринчиси маърифатпарварлик ҳаракатининг бошланиш даврида, иккинчиси кейинги йиллардаги ривожланиш жараёнларида кўпроқ аҳамият касб этган.

Ғарб маърифатчилигининг Ф.Вольтер, Э.Кондильяк, Ж.Ламетри, А.Гольбах, Д.Дидро, К.Гельвеций, Ж.Руссо ва бошқа вакиллари диний ақидапарастликни танқид қилиш билан чекланмай, диний фанатизмга қарши кураш олиб бордилар.

Жюльен Офре де Ламетри (1709-1751) -француз файласуфи, врач. Францияда ва Голландияда ўзининг материалистик-атеистик қарашлари учун таъқиб қилинган. У, "Инсон — машина" (1748) асарида инсон организми соат механизмига ўхшаш ўз-ўзидан ҳаракатланадиган машина деб ёзди. Инсонни бундай тушунишни этика масалаларига ҳам татбиқ этди ва шундан келиб чиқиб, умуман барча динларни нокерак деб исботламоқчи бўлди. "Одам — ўсимлик" асарида у, материализмни фақат физиологик нуқтаи назардан тушунишини намоён қилди.

Этъен Бонно де Кондильяк (1715-1780) -француз файласуфи, маърифатпарвар. Э.Кондильяк хотирадан бошлаб то тафаккур ва ироданинг пайдо бўлиши, ҳиссий идрокни ўзгартиришгача бўлган барча руҳий жараёнларни тушунишга уриниб, буларни билишнинг ягона манбаи деб билди. Э.Кондилъяк ассоциатив психологиянинг асосчиларидан бири. Бундай психология олимлари бутун маънавий ҳаётни, шу жумладан чуқур фирклаш жараёнларини ва унинг оқибатида келиб чиқувчи эркин харакатларни ассоциация ёрдамида тушунтириб беришга уриндилар. Асарлари: "Сезгилар тўғрисида трактат" (1754), "Инсон билимларининг келиб чиқишини тадқиқ этиш тажрибаси" ва бошқа.

Поль Анри Гольбах (1723-1789) -француз файласуфи. Д.Дидро ва К.Гельвеций сафдоши, "Энциклопедия"ни яратишда қатнашган. Француз

материализми ва атеизмининг асосий асари ҳисобланган “Табиат тизими ёки Табиий ва руҳий олам қонунлари тўғрисида” китобини ёзган, унда сенсуализм, детерминизм ва атеизм изчиллик билан қисқа баён қилинади, материя абадий ва яратилмаган деб уқтирилади, у аста-секин ривожланиш ва ўзгариш жараёнида реал дунёдаги турли-туман нарсаларнинг ҳаммасини келтириб чиқаради. У, Декартга қарама-қарши ўлароқ, кишиларда “туғма ғоя”лар йўқ деб ҳисоблайди. Материяда инерция, тортиш ва бир-биридан қочиш рўй берганидек, онгда жаҳолат, ишқий майл, нафрат намоён бўлиб боради.

Клод Адриан Гельвеций (1715-1771) -француз файласуфи, психологи. К.Гельвеций фикрича, олам моддий, вақт ва фазо чексиз, доимий ҳаракатда; тафаккур ва сезги материянинг хоссасидир. Инсоннинг онги ва эҳтиросини ижтимоий ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблади. К.Гельвеций билиш назариясида агностицизмга қарши, материалистик сенсуализм тарафдори. У хотирани билишнинг иккинчи қуроли, тафаккур сезгиларимиз йиғиндиси, деб таъкидлади.

У, ижтимоий ҳаёт юридик қонунларга боғлиқ деб, тенгликни кишиларнинг қонун олдидаги тенглиги маъносида талқин этди. У барча одамларни умумий тенлаштиришни инкор этган. К.Гельвеций инсонларнинг интеллектуал ва ахлоқий қиёфасини шакллантиришда муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатган. У этикада диний ва спиритуалистик (руҳ воқеликнинг бирламчи асоси, материядан мустақил мавжуд бўлган алоҳида номоддий субстанция деб ҳисоблавчи фалсафий қараш. Худонинг мавжудлигига ва жоннинг абадийлигига ишонувчи барча диний эътиқодлар ўзининг моҳиятига кўра спиритуализмга киради) қарашларни танқид қилиб, ахлоқий тасаввурларнинг тажрибавий келиб чиқиши, уларнинг индивид манфаатлари билан шартланганлигини исботлади. К.Гельвеций XVIII аср охиридаги француз буржуа инқилобини ғоявий тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Асарлари: “Ақл тўғрисида” (1758), “Инсон тўғрисида, унинг ақлий қобилиятлари ҳамда тарбияси ҳақида” (*1772, вафотидан кейин*).

Мари Франсуа Аруэ Вольтер (1694-1778) –француз ёзувчиси, файласуф, тарихчи. Ф.Вольтер ўз эстетик қарашлари ва драматик асарларида классицизм анъанаси йўлидан борган, черков мутаассиблигига қарши курашган *(“Заира”, “Алъзаира”).* Француз ижтимоий ва давлат тузумини ўзгартириш ғоясини илгари сурган. У ҳокимиятни озодлик, тенглик ва биродарлик қонунларига қатъий амал қилувчи одил подшоҳ бошқаришини орзу қилган. Унингча, конституцияли монархия энг оқилона давлат тузумидир.

Ф.Вольтер фалсафада моддий дунё мавжудлигини, жамият тараққиётини тан олса-да, “уни ҳаракатга келтирувчи куч” -Худо, деб билган (*“Фалсафий мактублар” (1733), “Метафизика тўғрисидаги рисола” (1734), “Ньютон фалсафасининг асослари” 1738 ва бошқалар).*

Ф.Вольтер лирикаси Эпикур фалсафаси руҳида (*“Лиссабон ҳалокати ҳақида достон” 1756).* Достонларида тескаричи гурухлар, абсолютизм тизими танқид қилинган. “*Генриада” (1728), “Орлеан қизи*” (1735). Фалсафий қиссалари (“*Задиг” (1748), “Кандид” (1759), “Соддадил*” (1767)да ҳамма нарса яхши дея даъво қилувчи мутлақ ишончни ҳам, ҳамма нарса ёмон дегувчи мутлақ тушкунликни ҳам рад этади, қирол саройи, суд маъмурияти ва ҳарбий амалдорларни фош қилади.

Достонларида Шарқ мавзуидан кенг фойдаланган. Ф.Вольтер Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даври тарихини яхши билган. Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний”, Д.Ербелонинг “Шарқ кутубхонаси” қомуси, Клавихонинг “1403-1406 йилларда Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” каби асарлар билан танишган. Тарихий мавзудаги “Миллатларнинг ҳолатлари ва одатлари ҳақида” китобида ер юзидаги қатор давлатлар, монарх ҳукмдорлар ҳақида маълумот беради. Асарнинг 3 жилди Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлигига бағишланган. Бунда Амир Темурнинг ўз давлатини кенгайтириш йўлида олиб борган юришлари, турк султони Боязид билан қилган жанги, Ўрта Осиёда юритган сиёсати, Самарқанднинг пойтахт бўлгани хусусида ҳикоя қилади.

Ф.Вольтер Мирзо Улуғбек ҳақида, унинг подшолиги, Самарқандда илму маърифатни тараққий эттириб, фан ривожига катта ҳисса қўшганини ҳурмат билан таъкидлайди. “Улуғбекнинг буюклиги, унинг қилган ишлари билан белгиланади. У Самарқандда биринчи фанлар академиясини яратди, ер куррасини ўрганди, коинот ва юлдузларни кашф этиб, машҳур жадвал тузди…”,- деб ёзади. Ф.Вольтер ижоди француз инқилобини (1783-94) ғоявий тайёрлади, умуман, жаҳон ижтимоий–фалсафий тафаккурида муҳим ўрин тутади.

Дени Дидро (1713-1784) -француз файласуфи, ёзувчи, маърифатпарвар. Фалсафий ва бадиий асарлар ёзди. “Кўрлар ҳақида кўзи очиқларга ўгитнома” (1749),“Табиатни тушунтиришга оид фикрлар” (1754), “Материя ва ҳаракатнинг фалсафий тамойиллари” (1770) асарларида маърифатли монархия тарафдори бўлиб, абсолютизмни, христиан дини ва черковини аёвсиз танқид қилади, сенсуализмга таянган ҳолда материалистик ғояларни ҳимоя қилди. Д.Дидро барча мавжудотга материянинг турли шакллари сифатида қаради. Унинг фикрича, материя сифат жиҳатдан турлича, унда ўз-ўзидан ҳаракат, ривожланиш мавжуд.

Д.Дидро бадиий адабиётда реализм учун курашди (*“Фаталист Жак ва унинг хўжайини” романи (1773), “Роҳиба” қиссаси* (1760), унинг бу кураши тасвирий санъат ҳақидаги “*Салонлар*” (1759-1781) ва театр тўғрисидаги (“*Актёр тўғрисида парадокс*”(1773-1778) танқидий асарларида ҳам ифодаланган. Д.Дидро халқ таълими тўғрисидаги асарларида педагогиканинг жуда кўп муаммоларини баён қилади. У халқ таълимининг давлат тизими лойиҳасини тузган, ёппасига бепул бошланғич таълим қоидаларини, таълим ҳамма табақа учун бир хил бўлишини ҳимоя қилган. Ночорларнинг болаларига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши зарур, деб ҳисоблаган. Физика — математика ва табиий фанлар муҳимлигини уқтирган. Яхши дарсликлар тузиш, бу ишга йирик олимларни жалб қилиш ҳақида ёзган. Ўрта мактабларда йилига 4 марта очиқ имтиҳонлар ўтказиш, ўқитувчиликка танлов эълон қилиш мақсадга мувофиқ деб билган.

Дени Дидро 1751-1780 йилларда 35 жилдлик “Энциклопедия”нинг асосчиси ва муҳаррири бўлган.

Жан Жак Руссо (1712-1778)-француз файласуф-маърифатпарвари, ёзувчи, композитор. Франция сентиментализмининг (*фр.* - *ҳиссиёт*) XVIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган бадиий услуб бўлиб, ижтимоий тенгсизлик, адолатсизликка қарши кураш тарзида намоён бўлди) йирик вакили. Парижда Д.Дидро раҳбарлигида тайёрланган энциклопедия учун мусиқага оид мақолалар ёзган.

“Фанлар ва санъатлар ҳақида мулоҳазалар” (1750) асарида тенгсизлик ва зулмга асосланган ўз давридаги тамаддунни танқид қилиб, унинг ўрнига “табиий ҳолатни” қўйган. Унинг ғоялари кейинчалик “Одамлар орасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари ҳақида мулоҳаза” (1755) асарида ўз ифодасини топди. “Ижтимоий шартнома тўғрисида” (1762) рисоласида идеал жамият манзарасини тасвирлаган. Ж.Руссо инглиз тажовузкорлиги, экспансиячилигини қоралаб, халқ ҳокимиятини ҳимоя қилган. Педагогика масалаларига бағишланган “Эмиль, ёҳуд тарбия ҳақида” (1762) асарида схоластик таълим ва тарбия усулларини танқид қилган, мактабнинг энг биринчи вазифаси ҳақиқий инсон ва фуқарони тарбиялашдир деб уқтиради.Болаларда мустақил фикрлаш тарафдори бўлган.

Энциклопедия (*юн.- билимлар доираси*), қомус-муайян тизимга солинган кенг қамровли билимлар тўплами. “Энциклопедия ёки фан, санъат ва касб-ҳунарларнинг изоҳли луғати” юзага келиши Франция тарихида йирик ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. Бу энциклопедияни тайёрлашда машҳур файласуф Д.Дидро етакчилик қилдива уни нашр этишда Ш.Л.Монтескъё, Ф.А.Вольтер, Ж.Ж.Руссо, Ж.Д.Аламбер ҳам қатнашган. Улар ўззамонининг илмий билимлари ва илғор ғояларини баён этиш ва уларга тартиб бериш борасида тинимсиз изланишларда бўлдилар.

Энциклопедиядан математика, астрономия, физика, химия, география ва турли ишлаб чиқариш соҳалари ва технологияларига оид қизиқарли мақолалар ўрин олган эди. Унда саноат буюмлари ясаш, қишлоқ хўжалигини юритишнинг

илғор усуллари батафсил тасвирланган эди. Бу эса мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш томон кенг имкониятлар очиб берди.

Энциклопедия муаллифлари бутун инсоният фаолиятига дин эмас, балки акл-идрок, маърифат ва илм-фан асос эканини чуқур асослаб бердилар. Шу билан бирга энциклопедистлар хусусий мулкчилик, соҳибкорликни ҳимоя қилдилар, қишлоқ хўжалиги, саноат ва савдо-сотиқ йўлига зид ҳамма тўғаноқларнинг олиб ташланишини талаб қилдилар. Улар миллат, яъни бутун француз жамияти турли табақалардан эмас, балки қонун олдида тенг ҳуқуқлар ва тенг мажбуриятларга эга фуқаролардан иборат бўлиши керак, деб таъкидладилар. Хуллас, мазкур энциклопедия француз маърифатпарварларининг илғор илмий ва ижтимоий-сиёсий тафаккурининг энг ёрқин ёдгорлиги бўлиб қолди.

Маърифатпарварларнинг рационалистик йўналиши ишлаб чиқаришни ташкил қилиши, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, ҳуқуқ институтлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, санъат тараққиётида кўплаб тамойилларини белгилаб берди. Маърифатпарварлар Буюк Француз инқилобининг идеологлари ҳисобланиб, Уйғониш даври гуманистлари бошлаб берган маданий қадриятларни улуғлаш жараёнини ниҳоясига етказдилар. XVIII асрда илмий билим жамият онгини бутунлай янги сифат даражасига кўтарди. Фан инсоннинг маънавий ҳаётига чуқур кириб бориб, унинг маданиятига мазмун бағишлади. Кишиларнинг табақавий, миллий-ирқий ёки бошқа фарқларидан қатъий назар, барча учун бир хил моҳият касб этди.

Хусусан, уларнинг ғоялари XVIII аср маърифатпарварларининг жамият ҳаётига оид демократик тамойилларни ишлаб чиқишларида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди. Маърифатпарварлар жамиятдаги тартибларни ижобий томонга ўзгартиришни, жумладан:

•абсолют монархиянинг бедодлигини чеклаш;

•католик черкови, яъни диннинг жамият сиёсий ва маданий ҳаётига таъсирини заифлаштириш ва керак бўлса, бутунлай йўқотиш;

•ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг ривожланишига тўсиқ бўлиб

келаётган феодал тартибларни бекор қилиш;

•инсонларнинг барча табақалари тенг ҳуқуқли бўлишини (*сайлаш, сайланиш ва шу кабиларда*);

•демократик тамойилларга кўра халқнинг мамлакатни бошқаришда иштирок этиши ва шу кабиларни амалга оширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйгандилар.

Шунингдек, XVIII аср маърифатпарварлари халқ оммасининг ялпи сайлов ҳуқуқи, парламент бошқаруви ва республика тузуми учун, демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар учун фаол ҳаракат қилдилар.

Шундай қилиб, XVIII аср маърифатпарварлик асри бўлиб, Европа маданияти қуйидаги хусусиятларга эга бўлди:

• маданиятнинг ривожланишида диннинг етакчилик ўрнини илмий фанлар, мафориф эгаллай бошлади.

• европа маънавий ҳаётида Франция етакчи ўринга чиқди

• ШарльФурье (1772-1837), Сен-Симон (1760-1825), Роберт Оуэн (1771-1825)ларнинг ижоди туфайли XVIII-аср **Утопия**нинг олтин асри бўлиб кирди.

• маданиятнинг ривожланишида бадиий адабиёт етакчи ўринга чиқди.

• турли фанлар ва техника соҳаларида кашфиётлар қилинди. Европада саноат инқилоблари содир бўлди.

• боғлар, парклар шу даврдан бошлаб шаҳар қиёфасига кириб, одамларнинг дам олиш масканларига айланди.

• Францияда Мариво, Бомарше, Шеридан, Филдинг, Гольдони каби драматургиянинг буюк артистлари ижоди туфайли театр ва мусиқа санъати кучайиб, сарой маданиятидан оммавий маданиятга айланди.

•Парламент, Генерал штатлар, Конгресс каби демократик давлатларнинг бошқарув органлари вужудга келди.

Бу ўзгаришлар Европа ва жаҳон тараққиётининг кейинги даврига ўз таъсирини ўтказди.

8.2. Саноат юксалиши ва илмий-техникавий ютуқлар

XVIII-XIX асрлар саноат, фан-техника соҳасида муҳим янгиликлар даври бўлди. Жумладан, бу даврда илмий билимлар жамият тафаккурининг бутунлай янги сифат даражасига кўтарилди.

Саноат юксалиши — қўл меҳнатига асосланган мануфактура саноатидан машиналашган йирик индустрия (*фабрика, завод*)га ўтиш жараёнини ифодаловчи иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ишлаб чиқариш машиналарининг ихтиро қилиниши ва қўлланилиши билан бошланди, машиналарни ишлаб чиқариш, яъни машина саноати (*оғир саноат*) пайдо бўлиши билан якунланди. Саноатда бурилиш фақат техникавий эмас, балки ижтимоий-иқтисодий бурилиш ҳамдир, чунки, у капиталистик муносабатларнинг тўла шаклланишига олиб келди.

Кўплаб мамлакатларда XIX аср ўрталарида **индустрлаштириш** ёки саноат юксалиши ниҳоясига етди. Манфаатдорликнинг маданиятдаги белгиловчи ўрни фан ва техника тараққиётига янги туртки берди. Буғ ва электрлаштириш, телефон ва телеграф даври, астрономия, геология, биология, кимё соҳаларида ажойиб кашфиётларга бой бўлган бу давр, шубҳасиз, инсоният маданиятини янги босқичга кўтарди. П.Сорокин ибораси билан айтганда, фақат биргина XIX-асрдаги кашфиёт ва янгиликларнинг ўзи олдинги асрлардаги кашфиётларнинг ҳаммасини жамлагандан ҳам кўпроқ бўлди. Хусусан, бу асрдаги **24852** тадан зиёд кашфиёт макон, замон ва материя устидан техника ҳукмронлигининг чексиз ўсганлигидан далолатдир.

Табиат, инсон, маданият каби тушунчалар талқини сезиларли ўзгарди. Табиат материал ва энергиянинг битмас-туганмас манбаи, универсал омборхонага айланиб қолди. XIX аср инсонга коинот сардори, барча нарсаларнинг тождори ёрлиғини берди.

XVIII асрнингохирларига келиб, Англияда ип-йигирувмашиналаридан, механик тўқув дастгоҳларидан кенг фойдаланилабошланди. Шунингдек, буғ машиналари ўрнатилган фабрикалар қурила бошланди. Тўқув дастгоҳининг такомиллашуви саноат юксалишига асос бўлган муҳим ихтиролардан бири

бўлди. 1733 йилда инглиз ихтирочиси Жон Кейннинг*“ўзиучар”* моки ихтиро қилгани меҳнат унумдорлигини икки баробар оширди, 1765 йилда **Жеймс** Харгривснинг "Жэнни" деб аталган чархни кашф қилиши йигирув меҳнати унумдорлигининг 18-20 баробар ошишига сабаб бўлди. 1784 йилда **Эдмунд Картрайт** томонидан механик тўқув дастгоҳининг ихтиро қилиниши меҳнат унумдорлигини 40 баробарга ошириш имконини берди. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати яхшиланди ва танархи арзонлашди.

Иш механизми, яъни машинанинг инсон қўл меҳнатига ўрин қолдирмай, хом ашёни бевосита ўзи ишлашга ўтиши саноат юксалишининг бошланиши бўлди. Ип-газлама ишлаб чиқаришнинг тез кенгайиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. XVIII асрнинг охирларида пахта тозалаш машинаси ихтиро қилинди.

Жаккард машинаси(1808) **—** тўқув станогининг ҳомуза (*зев*) очиш механизми йирик гулли ва катта раппортли газламалар (*масалан, газламалар, адёл, чойшаб, дераза пардалари*) тўқишда қўлланила бошланди. Француз механиги Ж.Жаккард кашф этган машина асосан икки қисм: кўтариш механизми ва гул (*нақш*) тушириш механизмларидан иборат эди.

Сўнгра читга гул босиш жараёни механизациялаштирилди. Бунда читни цилиндрик валлар орасидан ўтказиш йўли билан бўяш усули топилди ва бундай дастгоҳлар ўрнатилган фабрикалар кўплаб пайдо бўлди. Натижада мануфактурадан фабрика ишлаб чиқаришига ўтилганлиги саноат юксалишининг асосий мазмуни бўлди.

Металлар (*юн.-қазийман, ердан қазиб оламан*)-оддий шароитда юқори электр ўтказувчанлиги, иссиқ ўтказувчанлиги, электр магнит тўлқинларини яхши қайтириши, пластиклиги каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлган оддий моддалар. Металлар қаттиқ ҳолатда кристалл тузилишда бўлади. Буғ ҳолатида эса бир атомлидир. Металларнинг оксидлари сув билан бирикканида кўпинча гидроксидлар (*асослар*)га айланади. Металлар электрон тузилиши туфайлигина юқорида айтиб ўтилган ўзига хос хусусиятларга эга.

Металлар технологияси -металларни олиш, улардан турли деталь ва буюмлар тайёрлаш усулларини ўрганадиган фан: бундай усуллар мажмуи.

Металлар технологияси тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Тош қуроллар ясашдан металл қуроллар ясашга ўтилиши инсоният тарихида муҳим аҳамият касб этди. Ибтидоий одам дастлаб табиий мисни эритиш, қуйиш ва уни болғалаб ҳар хил шакл бериш, мисни совуқлайин ишлаш усулларини билган. Инсон аста-секин таркибида бошқа металлар бўлган рудаларни кулолчилик ўчоқларида эритиб, металлар олишнинг янги-янги усулларини билиб олди. VI асрга келиб металл эритиш ўчоғи (*горн*), XVI асрда Домна печи, XIX асрда Мартен печи пайдо бўлди.

Пьер Мартен (1824-1915) **—** француз металлурги, алангали печда пўлат эритиш асосчиси. Регенераторли алангали печда қуйма пўлат олиш усулини 1864 йилда таклиф этган. Бу печь кейинчалик Мартен печи номини олди. Мартен таклиф қилган қуйиш жараёни металлургияда XIX аср 70 йилларидан бошлаб ҳозиргача кенг қўлланилади. Мартен печи-чўян, темир-терсак ва темир рудасини қайта эритиб, пўлат олинадиган алангали регенераторли печ ҳисобланади.

Ундан олдинроқ, 1856 йилда **Генри Бессемер** (1813-1898) -инглиз ихтирочиси суюқ чўяндан пўлат олиш усули (*бессемер жараёни*)ни кашф қилганди. Бессемер жараёни, чўянни бессемерлаш -ёқилғи ишлатмай суюқ чўяндан пўлат олиш усули. Кислота асосидаги ўтга чидамли ғиштдан терилган конвертерда амалга оширилади. Конвертерни горизонтал вазиятга келтириб, унга суюқ чўян қуйилади, сўнгра остидаги тешикдан ҳаво ҳайдалиб, босими аста-секин орттира борилади. Суюқ чўян қатламидан ҳаво ўтиб, чўяндаги қўшимчалар (*кремний, марганец, углерод*) оксидланади ва анча иссиқлик ажралади, натижада металлдаги қўшимчалар камаяди ва температура кўтарилади. Конвертердаги металл температурасини ва кимёвий таркибини ўзгартириб, реакцияларни бошқариб туриш мумкин.

Саноат юксалиши жараёнида турли асбоблар ва машиналар яратиш, рельсли йўллар, пароходлар ва шу сингариларни қуриш учун асосий материаллар сифатида темир ва пўлатдан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Жеймс Уатт(1736-1819) инглиз ихтирочиси, универсал буғ машинаси яратувчиси. Икки ёқлама ишлайдиган буғ машинасини 1774-1784 йилларда ихтиро қилган. Бунда марказдан қочма ростлагични, цилиндр штокидан балансирга параллелограмм ёрдамида ҳаракат узатишни қўллаган. Буғ машинаси — бирламчи поршенли двигатель; бунда сиқилган сув буғининг потенциал энергияси механик ишга айланади.

Узлуксиз ишлайдиган буғ машинасини 1763 йилда рус инженери **И.Ползунов** ишлаб чиққан ва у XIX аср охиригача саноат ҳамда транспортда ягона двигатель бўлган. Буғ машинасини ривожлантириш иши фабрика ва заводлар, электрстанциялар, паровоз, кема ва локомбиллар, қишлоқ хўжалик ва маҳаллий саноат эҳтиёжлари учун стационар буғ машина яратишга олиб келди. XIX аср тарихга темир ва буғ асри бўлиб кирди. Ўша вақтларда буғ машинасидан қатнов учун фойдаланиш тўғрисида фикрлар пайдо бўлди. Шундай қилиб, дастлаб тош йўллардан юрадиган паровозлар қурилди, аммо улар яроқсиз бўлиб чиқди.

Жорж Стефенсон (1781-1848) инглиз конструктори ва ихтирочиси. Паровозлар қурилиши билан шуғулланган. У, 1814 йилда ёрдамчилари Р.Тревитик ва Ж.Стила билан биринчи паровоз “Блюхер”ни яратди. 1829 йилда мукаммалроқ “Ракета” паровози ясалди. **Темир йўл траспорти —** юк ва йўловчиларни локоматив ва мотор-вагонлар воситасида темир йўл бўйлаб ташиладиган транспорт тури. Унинг пайдо бўлиши йирик саноат тараққиёти, айниқса, тоғ-кон ва металлургия саноати тараққиёти билан боғлиқ. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида капитализмнинг ривожланиши юк айланмаси тузилмасини тубдан ўзгартирди, темир рудаси, кўмир, қурилиш материалларини оммавий ташишга эҳтиёж ўсди. Ж.Стефенсон 1825 йил жаҳонда биринчи умумий фойдаланишдаги **Стоктон-Дарлингтон** темир йўл қурилишига бошчилик қилган.

1830 йилларда Австрия, Германия, Бельгия, Франция, Россияда ҳам темир йўллар қурилиши бошланиб, 332 километртемир йўлнинг катта қисми Англияга тўғри келган. 1870 йилга келиб 200 минг километр темир йўл қурилган эди.

Буғ машинасини кемага ўрнатиб ва эшкакли чархлар билан таъминлаб, ундан сувда қатнаш учун фойдаланиш мумкин эди. Доира бўйлаб жойлаштирилган ва бурилиш механизми (*эксцентрик*) билан тортқилар ёрдамида шарнирли бириктирилган тўғри тўртбурчак парракдан иборат. Бундай эшкак кеманинг ўрта ёки қуйруқ қисмига кўндалангига ўрнатилади, уни буғ двигатели ҳаракатга келтиради.

1807 йилда механик **Роберт Фултон** Америкада эшкакли чархлари бўлган биринчи пароходни қуриб, Гудзон дарёсида синаб кўрди. XIX асрнинг 20 йилларига келиб буғ машиналари билан ҳаракатга келтириладиган ғилдиракли дарё пароходларидан кенг фойдаланила бошланди. XIX асрнинг 30 йилларида ғилдиракли пароходлар океан орқали Ҳиндистон ва Америкага қатнай бошлаган. Кейинчалик ғилдираклар ўрнини винтлар эгаллади. XIX асрнинг 50-60 йилларида Ғарб мамлакатларида елканли денгиз флоти ўз ўрнини пароходларга бўшатиб берди. Паровозлар ва пароходларнинг пайдо бўлиши, шубҳасиз савдо-сотиқнинг тараққий этишига сабаб бўлди.

Алоқа воситалари ҳам такомиллашиб борди. Қадим замонлардан маълум бўлган оптик тонограф ўрнига эндиликда электр симли телеграф тарқалди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб қуруқликдаги телеграф линияларидан ташқари сув ости кабеллари ҳам ётқизила бошланди. Англиядан Америкага Атлантика океани туби орқали дастлабки телеграф кабели XIX асрнинг 60 йиллари охирида ўтказилган эди.

Янги техникаларнинг кашф этилиши ёқилғига бўлган талабнинг ошиб боришига сабаб бўлди. Натижада XIX асрнинг ўрталарида нефтдан керосин ишлаб чиқаришда фойдаланила бошланди. XIX асрнинг 60 йиллар охирларида дастлабки ички ёнув двигателлари ихтиро қилинди, аммо улардан амалда фойдаланиш XIX асрнинг 70 йилларига тўғри келди.

Рудольф Дизель (1858-1913)-немис ихтирочиси. Ёнилғининг сиқилган ҳавога пуркалишидан алангаланадиган ички ёнув двигатели (*дизель*)ни яратган. Р.Дизель ўз двигатели учун 1892 йилда патент олган. Уни такомиллаштирилгандан кейин (1897) двигатель арзон ёқилғи (*нефть*

маҳсулоти) билан пухта ишлайдиган ва транспортда кенг қўлланиладиган бўлиб қолди.

Мануфактуралар ва фабрикаларнинг ривожланиши билан меҳнат қуролларини доимо такомиллаштириш эҳтиёжи ортиб борди. Тез ҳаракатланадиган машиналарнинг қурилиши, кўприклар, темир йўлларнинг барпоэтилиши мураккаб ва аниқ ҳисоб-китобларни талаб қиларди. Буни эса янги математик тенгламаларни ҳал этмасдан амалга ошириб бўлмасди. Турли материалларнинг пухталиги ва бошқа хоссаларини ўрганиш, вақтни, предметларнинг ҳажмини, масофани аниқроқ ўлчаш талаб этиларди. Техникани ривожлантириш учун илм-фан ривожига талаб ошиб борди.

Исаак Ньютон (1643-1727) **—** инглиз олими, ҳозирги замон табиатшунослиги асосчиларидан бири. И.Ньютон механика ва астрономиянинг назарий асосларини яратди, бутун олам тортишиш қонунини очди, дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиқди, кўзгули телескопни кашф қилди. У оптикага оид муҳим эксперимантал ишлар муаллифи. “Ёруғлик ва рангларнинг янги назарияси” асарида ёруғликнинг корпускуляр тузилиши ҳақидаги гипотезани илгари сурган.

И.Ньютоннинг энг муҳим асари **—** “Натурал философиянинг математик негизлари” ҳисобланади. У бу асарда ўзидан илгари ўтган олимлар ҳамда ўзи эришган илмий натижаларни умумлаштирган ва классик физиканинг асоси бўлган Ер ва Осмон механикаси системасини яратган ва Осмон жисмларининг ҳаракат назариясини ишлаб чиққан; классик механиканинг асосий тушунчалари **—** масса зичлигига эквивалент бўлган материя миқдорига; импульсига эквивалент бўлган ҳаракат миқдорига ва кучнинг ҳар хил турига таъриф берган; ўзининг 3 машҳур “Аксиома ёки ҳаракат қонунлари”; инерция қонуни, таъсир ва акс таъсир қонунини кашф этган.

И.Ньютон барча сайёра ва кометаларнинг Қуёшга, йўлдошларнинг эса сайёраларга улар орасидаги масофа квадратига тескари бўлган куч билан тортишини асослаб берган. У бутун олам тортишиш қонунидан **Каплер** қонунлари келиб чиқишини исботлаган. У дифференциал ва интеграл ҳисоб

асосларини ишлаб чиққан, дифференциал ва интеграл ҳисобнинг ўзаро таъсир характерига эга эканлигини кашф қилган, чексиз қаторлар соҳасида янгилик яратган. И.Ньютон ва ундан мустақил равишда **Г.Лейбниц** томонидан яратилган дифференциал ҳисоб ва интеграл ҳисоб математика тараққиётида янги босқич бўлди.

Николай Иванович Лобачевский (1792-1856) **—** рус математиги, ноевклид геометрияни яратган. Н.Лобачевский Евклид геометриясидаги паралеллик аксиомаси ўрнига бошқа аксиома киритиб, зиддиятдан ҳоли мукаммал геометрияяратди. Н.Лобачевский геометрияси- Евклид геометриясининг аксиомалар системасидан фақат параллелик аксиомаси билан фарқ қиладиган, аксиомалар системасига асосланган геометрик назария. Н.Лобачевский геометриясида Евклиднинг параллелик аксиомаси ўрнига қуйидаги аксиома қабул қилинди: агар тўғри чизиқ ва ундан ташқарида нуқта берилган бўлса, уларни ўзи ичига олган текисликда шу нуқтадан ўтувчи, лекин берилган тўғри чизиқ билан кесишмайдиган камида иккита тўғри чизиқ ўтказиш мумкин.

Замондошлари тан олмаганлигига қарамай, Н.Лобачевскийнинг ишларига хайриҳоҳ К.Гаусс тавсияси билан Гёттинген(Германиянинг Гёттинген шаҳридаги университет) илмий жамиятининг мухбир аъзолигига сайланган. Н.Лобачевский алгебра (*тенгламаларни таркибий ечиш усули*), математик анализ (*функциянинг мукаммал таърифи, қаторларнинг яқинлашиш аломати*), эҳтимоллар назарияси, механика ва бошқа соҳаларга муҳим ҳисса қўшди. Н.Лобачевский геометриясининг яратилиши математика тараққиётида катта воқеа бўлди, табиат ҳақидаги тасаввурларимизни бойитди.

Альфред Нобель (1833-1896) **—** швециялик инженер, кимёгар, ихтирочи ва саноатчи, Лондон Қироллик жамияти ва Швеция ФАнинг аъзоси.Динамит ва бошқа портловчи моддалар ихтирочиси, ўз номидаги мукофотни таъсис этиб, хаёрия жамғармаси ташкил қилган. Бу мукофат вафотидан кейин унинг номини дунёга машҳур қилди. Инсон сифатида унинг хислатлари мислсиз зиддиятли ва ақлга тўғри келмайдиган –парадоксли эди. Унга замондош, дунёни ағдар-

тўнкар қилиб юборадиган ишбилармонларга нисбатан Алъфред Нобелни “спартанлик” дейиш мумкин эди. Чунки у чекмаган, спиртли ичимлик ичмаган, қимор ўйинлари билан шуғулланмаган.

Ўша вақтларда миналар учун ишлатиладиган портловчи модда, қайси мақсадда ишлатилишидан қатъи назар, қора порох бўлган. Қаттиқ ҳолатдаги нитроглицерин жуда кучли портловчи модда эканлиги ҳам маълум эди, лекин у тез буғланиб кетиш хусусияти билан ўта хавфли эди. Ўша пайтда унинг детонациясини қандай бошқаришни ҳеч ким билмаган. Бир неча бор қисқа-қисқа тажрибалар ўтказгандан кейин 1863 йили детонатор топди. Бу детонаторда нитроглицеринни портлатиш учун порохдан фойдаланади. Мана шу ихтиро унинг обрўсига ва бойиб кетишига тамал тоши бўлди.

Алъфред Нобел ихтирони самаралироқ қилиш учун деталлар тизилишини бир неча марта ўзгартиди, ниҳоят, 1865 йили ёғоч пенални металл капсула билан алмаштириб, ичига портловчи симоб қуйди. Портловчи металл капсула қўлланиши умуман портлаш технологиясига дастлабки аланга бериш усулини киритди. Усул бу соҳада мустаҳкам ўрнашиб қолди. Шундан кейин нитроглицериндан ҳам, бошқа портловчи моддалардан ҳам фойдаланиш имконияти яратилди.

Жамоатчиликда нитроглицерин ишлаб чиқаришга ва ундан портловчи қурол ясашга ёмон муносабат пайдо бўлди, шунга қарамай, Алъфред Нобел 1864 йилда Швеция давлат темир йўллари идорасини ўзи ишлаб чиққан портловчи моддадан туннел қурилишида фойдаланишига кўндирди. Бу моддани ишлаб чиқариш учун швециялик тижоратчиларнинг молиявий мададига эришиб, “Нитроглицерин-ЛТД” компаниясини тузди, завод қурди. Янги портоловчи модда жуда катта лойиҳаларда: Съерра Невада тоғидан темир йўл ўтказиш, Сен-Готард темир йўлига қарашли Алъи туннелини очиш, Ист-Ривердаги сувости қояларини йўқотиш, Темир Дарвоза яқинида Дунай дарёси ўзанини тозалаш, Грецияда Коринаф каналини қуриш, Бокунинг нефт конларидаги қозишда ишлатилди.

Нобель мукофотлари-ҳар йили буюк ишлар учун бериладиган халқаро мукофот. А.Нобельнинг васиятига кўра, ундан кейин қолган маблағ асосида Нобель жамғармаси ташкил этилди; шу жамғармага ҳар йили келиб тушадиган даромад 5 қисмга тенг бўлиниб, ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъий назар, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадиий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берилади (*1968-йилда Швеция давлат банки ўзининг 300йиллиги муносабати билан иқтисод фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча Нобель мукофотини таъсис этган*).

Альфред Нобельнинг васиятига кўра, Нобель мукофотини бериш вазифаси Стокгольмдаги қироллик ФАга (ф*изика, кимё фанлари бўйича*), Стокгольмдаги Қироллик тиббиёт–жарроҳлик институтига (*физиология ёки тиббиёт бўйича*) ва Стокгольмдаги Швеция академиясига (*бадиий асарлар бўйича*) топширилган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган фаолият учун Нобель мукофотини Норвегия парламентининг Нобель комитети аъзолари беради.

Тинчлик мукофотидан бошқа ҳамма мукофотлар фақат индивидуал тарзда берилади. Вафот этганларга Нобель мукофоти берилмайди. Нобель мукофотини топшириш тантанаси Стокгольм ва Ослода Альфред Нобель вафот этган кун (10 декабр)да ўтказилади.

Испан файласуфи Х.Ортега Гассетнинг ёзишича: “Биз ҳақиқатдан ҳам XIX асрда инсоният тақдирида рўй берган радикал ўзгаришлар олдида турибмиз. Замонавий инсон учун ҳам моддий, ҳам ижтимоий жиҳатдан мутлақо янги манзара яратилди. Бу янги дунёнинг қиёфасини учта муҳим жиҳат белгилайди. Бу демократия, эксприментал фан ва индустриализациядир. Иккинчи ва учинчи жиҳатлари “техника” номи билан умумлаштириш мумкин”.

Цивилизациянинг ўсиши дастлаб макон ва замонга хос кечди: инсоннинг маънавий дунёси ўтмишнинг янги худуди ва янги “қатлами”ни ўзлаштира бошлади. Билишнинг майдони чуқурлашди ва кенгайди. Бироқ шу билан бирга замон ва маконни енгувчи янги усуллар ҳам пайдо бўлди: инсон янги техника воситасида улкан фазовий вақтни қисқа муддатда босиб ўтиб, ер юзининг

хохлаган жойида бўлиш имконияти қўлга киритди. Дунё янги қиёфа касб этди. XIX асрда техноцентрик дунёқараши кенг тарқалиб, кишилар ўз ҳаётини илмий асосда кўришга урина бошлади. Инжернерлик фаолияти тамойиллари табиатга ва ҳаётга кенг ёйилди.

Инсоннинг турмуш жараёнидаги бунёдкорлик, тирикчилик ташвишлари ўрнини бундан буён ихтирочилик, техника ижодкорлиги, эҳтиёжларни қондирувчи техника воситалари яратиш эгаллади. Табиат, инсон, маданият каби тушунчалар талқини сезиларли ўзгарди. Табиат материал ва энергиянинг битмас- тугалмас манбаи, универсал омборхонага айланиб қолди. Ҳатто, табиат сирларини ўта чуқур англаш ҳам унга яқинлашиш дегани эмас, балки, аксинча қандайдир бегоналикни, фақат техник ёндашувни билдиради. Инсоннинг ўз табиатини сирларини англашга уриниши шунчалик қарама-қарши натижаларга олиб келади. XIX аср инсонга "коинот сардори", "барча нарсалар ҳукмдори" ёрлиғини берди. Инсон кўпроқ "механик агрегат", "физик-кимиёвий унсурлар мажмуи", "маймунга турдош махлуқ", "турли меҳнат қуроллари тайёрлавчи Хомо фабер" каби сифатлар билан атала бошланди.

Шундай қилиб, фан, илмий техника соҳасидаги кашфиётлар натижасида Европада ва Шимолий Америкада саноат юксалишлари содир бўлди. Зиёлилар табақасининг сони ва мавқеи ортди.

8.3. Меъморлик ва тасвирий санъатда классицизм, барокко услублари

Маълумки, меъморлик жамият ҳаётида, айниқса давлат миқёсига молик ҳашаматли бинолар қурилишида катта аҳамиятга эга. Капитализм даврида фан ва техникада қўлга киритилган ютуқлар катта биноларни, баҳайбат кўприкларни ва бошқа иншоотларни тезроқ қуриш имконини берди. Меъморликда айниқса, классицизм, барокко услублари кенг қўлланилди.

XVII-XVIII асрнинг биринчи ярми меъморлигида дворянларнинг классик ва барокко услуби ҳукмронлик қилган эди. Классицизм эркинлик, ихчамлик, ақллиликни талаб этган. Бу услубда симметрия, чизиқлар баробарлиги асосий

ўринни эгаллайди. Масалан, Париж жануби-ғарбида, ундан 23 км. узоқликда жойлашган Версал қасри ва унинг саройларини Ҳиндистоннинг Тожмаҳалига қиёсан солиштириш мумкин. 1682-1789 йилларда Франция Қироллигининг қароргоҳи бўлган шаҳардаги айрим саройлар яхлит меъморий ансамбль ҳолига келтирилган. Улуғвор сарой улкан парк билан узвий боғланган.

Саройнинг олд томони салобатли, ичи ҳашаматли, паркда ҳайкаллар, фонтанлар бор. Гарчанд ҳар иккала ҳашаматли бино Шарқ ва Ғарбнинг ўзига хос цивилизациясига мансуб бўлса-да, улар бобурийлар ва бурбонлар сулолалари даврининг ноёб санъат ва меъморлик асарларидир. Версал саройларининг мутаносиб устунлари, пешайвонлари ўз тўғри чизиқлари билан қадимги Рим классик услубидаги биноларни эслатади ва меъморликда дворянлар классицизмига мисол бўла олади. Бу услуб Францияда анча вақтгача сақланиб қолди. Ундан Англияда ҳам кенг фойдаланилди (*маслаан, Лондондаги авлиё Павел ибодатхонаси*).

XVII-XVIII асрнингбиринчи ярмида Европанинг бир қатор мамлакатларида, айниқса Голландия, Германия ва Польшада бошқача услуб таркиб топди. У ерларда жуда кўп гумбазлари ва карнизлари, ортиқча ҳашамлари, токча ва буюмлари, ҳайкаллари, безаклари билан ажралиб турувчи дабдабали меъморлик намуналари-саройлар ва черковлар қурилди. Бу архитектура услуби барокко номи билан машҳурдир.

Барокко (*итал. - ажиб, ғалати*). Европада миллат ва миллий давлатлар жадал шаклланаётган Уйғониш даври бадиий маданияти ва субъектив ҳис-туйғуларини ифодаловчи манъеризм ўрнига вужудга келди. Аристократия ва черков билан боғлиқ бўлган Барокко санъати уларнинг шон-шуҳратини оширишга ва ҳамда тарғиб қилишга қаратилган эди. Барокко санъатига антифеодал чиқишлар, миллий озодлик ҳаракатлари ўз таъсирини кўрсатиб, унга демократик исёнкорлик руҳини киритди.

Дабдабага мойил бўлган барокко дунёнинг яхлитлиги, чексизлиги, мураккаб ва ранг-баранглиги, доимий ўзгарувчанлиги ҳақидаги янги тасаввурларни, инсонни ўраб турган муҳит ва бошқаларга бўлган

қизиқишларни акс эттиради, унга кескинлик, образларнинг ҳаракатчанлиги, ҳис-туйғулар курашининг шафқатсизлиги, тантана ва улуғворликка интилиш, мавжуд борлиқ билан ҳаёлий орзуни уйғунлаштириш, санъатлар уйғунлигига хос.Барокко услубида қурилган меъморий мажмуалар фазовий ечими, майда меъморий безакларга мўллиги ва ягона ғояга бўйсуниши билан ажралиб туради. Тасвирий санъатда диний, мифологик ва мажозий мавзулардаги безак мужассамотлар, тантанавор дабдабали портретлар кенг ўрин эгаллайди.

Барокко Италияда шаклланиб, ривожланди. Меъмор ва ҳайкалтарош Л.Бернини, меъмор Ф.Барромини, Г.Гварини, рангтасвирчи, демократик реализм йўлбошчиси Караважо, академизм йўлбошчиси ака-ука Каррочилар шу санъат ривожига катта ҳисса қўшди.

XVIII аср иккинчи ярмида Францияда абсолютизмнинг инқирози муносабати билан маърифатпарварлик классицизми йўналиши вужудга келди. Классицизм руҳидаги черковлар (*Сант-Женевьев, ҳозирда Париждаги Пантеон*), саройлар (*Версалдаги Кичик Трианон*), театрлар (*Бордодаги катта театр*) ва бошқа жамоат иншоотлари қурилди.

Россияда XVIII аср биринчи ярмида архитектура, меъморлик Петр I ислоҳотлари ва дворян монархиясининг мустаҳкамланиб бориши билан ривожланди. Санкт-Петербург, Москва шаҳарлари, шаҳардан ташқарида яратилган подшо ва зодагонларнинг уй ва саройларида шу давр руҳи ўз ифодасини топди: Петр I саройи (*Петергоф*), Царское Село (*Пушкино ш.*), Петербургдаги қатор сарой, монастир ва ибодатхоналар (*Қишки сарой, Смольний монастири*) шулар жумласидандир. Ушбу услубнинг ривожланишида меъморлардан В.Растрелли, Д.Ухтомский, И.С.Чевакинский ва бошқаларнинг ҳиссаси катта.

Петродворец — Россия Федерацияси Санкт-Петербург вилоятидаги шаҳар. Сарой-боғ-музей қўриқхонаси. Петродворецдаги дастлабки қурилишлар Пётр 1 буйруғига биноан, 1709 йилда бошланган. Подшо бу ерда ёзги қароргоҳ яратишни мақсад қилган. Унда дунёга машҳур сарой–боғ ансамблини вужудга

келтиришда хориждан чақирилган кўплаб меъмор ва боғбон, рассом, наққош, ҳайкалтарош ва бошқа мутахассислар қатнашган.

Ансамблнинг маркази — Катта Сарой В.Растрелли томонидан барокко услубида қурилган. Саройнинг жанубий томонида 5 фавворали Юқори боғ (*15 гектар*), шимолий томонида Пастки боғ (*102,5 гектар*) жойлашган. Пастки боғда улкан фавворалар мажмуоти бор. Сарой қаршисига катта шаршара қурилган бўлиб, у кўплаб фавворалар, тилларанг жез ҳайкаллар, барелъефлар, вазалар билан безатилган. Катта шаршара “Самсон чўмичи” деб аталган ҳовузга оқиб тушади. Ҳовуз ўртасида “Шер оғзини йиртаётган Самсон” номли монументал ҳайкаллар гуруҳи жойлашган. “Чўмич” атрофига италъян фавворалари (“*Косалар*”) ва колонналар ўрнатилган.

Катта шаршара атрофидан турли томонга қаратиб тўғри ва узун ҳиёбонлар қурилган. Шимол томонга кетган 2 та ҳиёбон канални айланиб, “Чўмич”дан денгиз томонга, шимоли-ғарбга кетган хиёбонлар “Момоҳаво” фавворасига ва Эрмитаж павильонига олиб боради.

Қишки сарой -Санкт–Петербургдаги меъморий ёдгорлик (*1754-1762 йиллар, меъмори В.В.Растрелли*, барокко услубида қурилган. Бино тўртбурчак шаклида ички ҳовлили; фасадлари Нева дарёси, Адмиралтейство ҳамда Сарой майдонига қараган. Маҳобатли бино ҳашамдор ва бир ўқ йўналишида жойлашган; ўлчамлари (*1000 дан ортиқ хона*) ва турлича кўринишдаги фасадлари, ўткир чиқиб турган қисмлар, зинапоясимон бурчаклар, ўзгарувчан маромдаги устунлар унга қудратли шакл, салобатлилик ва кўркамлик бахш этган; ўймакорлик, ганчкорлик билан ишланиб, зарҳалланганлиги бинонинг тантановорлигини оширган.

Царское Село. 1708 йилда Пётр I ўзининг рафиқаси, бўлажак императрица Екатерина 1 га тақдим қилган ва ўша йили асос солинган. Сарой қурилиши 1717-23 йилларда бошланган, 1752-1757 йилларда барокко услубида қайта қурилган (*меъмори В.В.Растрелли*). Александр саройи билан биргаликда Екатерина ва Александр парклари (*1792-1800, меъмори Ж.Кваренги*), кўпсонли хиёбонлар ва ҳашамдор иншоотлар қурилган.

Исаакий ибодатхонаси -Санкт-Петербургдаги меъморий ёдгорлик. Сўнгги рус классицизмининг йирик намунаси. Рус меъмори (*асли француз*), А.Монферран лойиҳаси асосида 1818-1858-йилларда қурилган. Умумий тарҳи - 5х67,6 метр, гумбаз диаметри -21.83 метр, 4 томонидан ҳашаматли 8 қўнғироқхона билан ўралган. Пештоқ бурчакларига ҳайкаллар, токчаларига бўртма нақшлар ишланган.

XIX аср ўрталарида Англияда Виктория услуби номини олган меъморлик вужудга келди. Бу услуб классицизмдан чекиниш ва ундан илгариги даврларнинг турли услубларининг қўшилиб кетиши натижаси эди. Унда ганчкорлик ҳашамдорлик кенг ўрин эгаллаган ҳамда ҳайкаллар тасвирида эгри-бугри тархлар пайдо бўлган. Англия ва бошқа мамлакатларда ўрта асрлар готикаси услубига тақлид қилиш кучайиб кетди. Бу услуб асосида Лондоннинг меъморий қиёфасини белгилаб турувчи Парламент янги биноси қурилган.

Францияда XIX аср иккинчи ярмида қурилишлар эклектизм (*юн. танловчи. Ўзининг кенг кўлами, моҳияти эътибори билан яхлит бир "модерн" услубини шаклланишига муҳим таъсир кўрсатди*) руҳида олиб борилди. Ёпиқ бозор, универсал магазин, пассаж, вокзал, кутубхона (*Париждаги Сент-Женевьев кутубхонаси ва Миллий кутубхона, "Гранд-Опера" театри, Сакре-Кёр базиликаси*) қурилди.

"Гранд-Опера" (*франц.-катта опера*), Мусиқа ва рақс миллий академияси — Париждаги давлат опера ва балет театри. Европа мусиқали театр маданиятининг йирик марказларидан. Бино 1875 йилда қурилган. Томоша зали 2130 ўринли, ички безаклари ниҳоятда ҳашаматли ва кўркам.

Эйфель Александр Гюстав (1832-1923) — француз қурувчи–муҳандиси. Металл констукциялардан фойдаланиб, кўприклар, виадук ва бошқа иншоотларни лойиҳалаштирган ва ўзи бошчилигида қурилган. Португалиядаги Дору дарёсига қурилган кўприк, Бардо, Тараби, Будапешт вокзалидаги кўприклар, Панама канали қурилишида фаол иштирок этган. Унинг лойиҳаси бўйича асосан металлдан қурилган Эйфель минораси уни жаҳонга машҳур қилди.

Эйфель минораси – XIX аср техникаси ютуғи рамзи сифатида Буюк француз инқилобининг 100 йиллигига атаб, жаҳон кўргазмаси учун 1889-йилда қурилган. 1931 йилгача дунёнинг энг баланд ва оғир иншооти ҳисобланган. Баландлиги 312,6 метр, оғирлиги 9 минг тонна, шундан 7,3 минг тоннаси металл конструкциялар. Миноранинг қуйи қисми квадрат пирамида шаклида, учида павильон ва маёқ бор, тепасида диаметри 1,7 метрли майдонча қурилган. Радио эшиттириш ва телекўрсатувларнинг муҳим маркази ҳисобланади. Эйфель минорасини қуришда металл конструкцияларни монтаж қилишнинг ўша давр учун энг илғор ҳисобланган усуллари қўлланилган. Эйфель минораси Париж аҳолиси ва сайёҳлар учун энг қизиқарли кўнгилочар маскан ҳисобланади.

Тасвирий санъатда дунёвий мавзулар, давлат арбобларининг тантанавор, кўтаринки руҳдаги дабдабали портретларида ўз ифодасини топди. К.Растреллининг ҳайкалтарошликдаги илк асарлари, И.Никитин, Б.Антропов рангтасвирлари шулар жумласидандир.

XVII-XVIII асрларда жамият тараққиёти тасвирий санъатда ҳам ўз аксини топди. Унда диний йўналишлар озроқ бўлиб, дабдабали, расмий ва жозибали сарой санъатига кенг ўрин берилган. Унда қадимги Рим тарихи ва мифологиясидан олинган мавзулар, қироллар ва саркардаларнинг портретлари, жанг манзаралари асосий ўрин тутади. Францияда буржуазиянинг дворянларга қарши жиддий сиёсий кураши тасвирий санъатда ҳам ўз аксини топди. Шубҳасиз, бу даврда Франция тасвирий санъати етакчи ўрин эгаллаган бўлиб, қадимги Греция ва Рим даврининг республика учун олиб борган кураш қаҳрамонликлари бу давр рассомлари асарларида янгича тус олди.

Маърифатпарварлик даври, буюк француз инқилоби воқеалари, маърифатпарварлар портретлари, тарихий воқеалар рассомлар танлаган етакчи мавзуларни ташкил қилар эди. Уларнинг асарларида дворянлар, христиан дини пешволари билан бир қаторда халқ ичидан чиққан ўрта табақага мансуб кишиларнинг ҳаёти, фаолияти ва образлари кўпроқ ўрин эгаллай бошлади. Расмлар ўсиб, ривожланиб келаётган ўрта табақа вакиллари қарашларига мос

келадиган сюжетлар асосида чизилиб, бу илғор табақанинг эскилик ва абсолютизмга қарши курашини аниқ бўёқлар асосида тасвирлаш эди.

Бундан ташқари, рассомлар учинчи тоифадаги реал одамларнинг образлари акс эттирилган расмларни ҳам ярата бошладилар. Тасвирий санъатда бу йўналишнинг атоқли вакили француз рассоми, инқилобий классицизмнинг етакчи намояндаси **Жак Луи Давид**(1748-1825)бўлди. У "Горациялар қасамёди" (1784) расмини яратди. Расм ўз фарзандларига республика душманларига қарши жангга бориш олдидан оқ фотиҳа бераётган ота қиёфасини акс эттиради. Шу жумладан, унинг "Маратнинг ўлими" (1793), "Кўкат сотувчи" асарлари ҳам машҳурдир. Расмда халқ орасидан чиққан аёл тасвирланади. Бу расмлар санъатда реализм сари ташланган муҳим қадам бўлди.

Делакруа Фердинанд Виктор Эжен (1798-1863) **—** француз рассоми, прогрессив романтизмнинг йирик намояндаси. У ўз ижодида янги усулларни қўллаб, тўйинган колоритга, дадил бўёқ суртмаси, ёрқин нурсояли рангтасвир асарларини ижод қилди. Асарларида эрксеварлик ғоялари билан йўғрилган фаол ҳаракат ва жўшқин руҳни акс эттирди *("Баррикадада Озодлик" 1830*). ЭженДелакруанингбой ижодий фантазияси, эҳтироси Шарқ мавзуидаги тарихий ва классик ҳамда замонавий адабий асарларга ишланган картиналарида аниқ намоён бўлди *("Жазоирлик аёллар" (1833-34), "Мароккодаги яҳудийча тўй" 1839*).

Реализм томон бурилиш, миллий озодлик кураши қахрамонлигини тасвирлаш, черков ҳурофотини фош қилиш, XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярмида яшаган буюк испан рассоми **Франсиско Хосе де Гойя** (1746-1828) ижоди учун характерлидир.

Ф.Гойянинг эрксевар санъати ўзининг дадиллиги, жўшин эҳтироси, ижтимоий йўналиши билан ажралиб туради. 1780 йиллар бошидан портретчи сифатида шухрат қозонди, асарларининг ҳашаматлилик ўрнини аста-секин сирлилик, дилкашлик, енгил киноя эгаллайди. У қирол буюртмасига биноан унинг оиласининг гуруҳий портретини чизади. Уларнинг кийимлари,

безаклари сарой санъатига хос тарзда тасвирланган бўлса-да, Ф.Гойя қирол қиёфасини ундаги ҳунук белгилари билан, қироличанинг ёқимсиз, такаббур ва жоҳил башарасини дадил ва реалистик тарзда акс эттирди. (*“Маркиза Солан портрети”1792, “Герцогина Альба портрети”1895, “Қирол Карл IV оиласи” 1800).*

Ф.Гойя Испаниянинг оддий кишиларига бағишланган ўз расмларида халқнинг жисмоний ва маънавий гўзаллигини зўр маҳорат билан чизган. У испан аёлларини мағрур, хушчақчақ, назокатли қилиб яратди, “1808 йил 2 дан 3 майга ўтар кечаси қўзғолончиларни отиб ўлдириш”, “Мадриддаги 1808 йил 2 май қўзғолони” 1814 ва бошқа расмлар халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари руҳи билан суғорилган. Ф.Гойя ижоди умумевропа бадиий маданиятига кучли таъсир кўрсатган.

Франсуа Огюст Роден (1840-1917) **—** француз ҳайкалтароши; ҳайкалтарошликда импрессионизм асосчиларидан. Микеланжело, Донателло ижодини ўрганган ҳамда готика ҳайкалтарошлигидан илҳомланган Ф.Роден ижодига хос бўлган дадиллик, мураккаб ҳаракатларни ифодалашдаги жонлилик илк асарларидаёқ намоён бўлди (*“Бронва асри”, гипс, 1877; “Кале фуқаролари” ҳайкаллар гуруҳи, бронза, 1895*). 1880-йилдан умрининг охиригача Дантенинг “Илоҳий комедия”си, антик афсоналар, библия ривоятлари ва бошқалар таъсирида “Дўзах дарвозаси” горельеф композицияси устида ишлади; мустақил асарлар яратди (*“Мутафаккир”, бронза 1888*). Ф.Роденнинг реалистик портретлари (*“Ж.Далу”, “А.Моцарт” ва бошқалар*), монументал ҳайкаллари *(“В.Гюго”, “О.Бальзак”*), инсон гўзаллиги, севги мавзуидаги шоҳ асарлари *(“Бўса”, 1886, “Мангу баҳор”1897)* машҳур. Роден ижодига хос бўлган нур ва соя кескинлиги, шакллар тасвирийлиги (баъзан оқувчанлиги) уни импрессионизм асосчисига айлантирди. Асарлари, расм ва офортлари, асосан, Париждаги Ф.Роден музейида сақланади. Ф.Роден ижоди XX асрда турли оқимларда ижод қилган ҳайкалтарошларнинг дадил ижодий изланишларига туртки берган.

Эрмитаж (франц.–хилватгоҳ) **—** Санкт–Петербургдаги бадиий ва маданий-тарихий давлат музейи, жаҳондаги энг катта музейлардан. Эрмитажга 1764 йилда Екатерина II томонидан асос солинган. Қишки сарой картиналар каталогида 2080 та асар бўлган, шунингдек, гравюра, расмлар тўпламлари, қадимги давр ёдгорликлари, Ғарбий Европа амалий безак санъати, глиптика, танга ва медаллар, китоблар (*Вольтер кутубхонаси*) тўплана бошлаган. XIX асрдан археологик қазилмаларда очилган буюмлар, тасодифий топилмалар (*жумладан, машҳур скиф тўплами*) Эрмитажни бойитиб борган.

Эрмитаж рус маданиятининг ривожланишига муҳим таъсир кўрсатган. Эрмитаж 8 бўлимдан иборат: Ибтидоий маданият бўлими, Антик дунё бўлими,Шарқ халқлари маданияти (*Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидан топилган археологик ёдгорликлар: Хоразмшоҳлар саройи ҳайкаллари, ёдгорликлар, Айритом ёдгорликлари ва бошқалар сақланади*), рус маданияти тарихи, нумизматика, Ғарбий Европа санъати (*Леонардо да Винчи, Рафаэль, Тициан, Жоржоне, Веласкес, Рубенс, Ван Дейк, , Рембрандт ва бошқа мусаввирларнинг асарлари, картиналар галереяси; Микеланжело, А.Гудон, О.Роден ҳайкалтарошлик асарлари, расмлар, графика асарлари, амалий санъат ёдгорликлари тўпламлари*), экскурсия ва маърузалар уюштирадиган илмий-маърифий, таъмирлаш (*реставрация бўлимлари*). Музей экспозицияси 350 дан ортиқ хонада намойиш этилади, йилига 3,5 млн. томошабин ташриф буюради.

Лувр — жаҳондаги энг йирик музейлардан. Париждаги машҳур меъморий ёдгорлик собиқ қироллик қароргоҳида жойлашган. 1791 йилда Инқилобий Конвент декрети билан Миллий бадиий музей деб эълон қилинган. Лувр фондини собиқ қироллик, шунингдек, монастир, черков ва аслзода оилаларнинг мусодара қилинган тўпламлари ташкил қилади. У Наполеон юришларида қўлга киритилган, турли мамлакатлардан сотиб олинган, ҳадя қилинган санъат асарлари билан бойиб борди.

Музей 6 бўлимдан иборат. Тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик (ўрта *асрлар, Уйғониш даври, кейинги давр),* Юнон ва Рим ёдгорликлари, Қадимги Шарқ ёдгорликлари, булар орасида Шарқ ёдгорликлари дунё бўйича

муҳим аҳамиятга эга; француз санъати (айниқса, картиналар галереяси) жуда мукаммал. Луврда жаҳонга машҳур (*Микеланжело, Леонардо да Винчи, Рафаэль, Тициан, Рембрандт, Рубенс ва бошқаларнинг*) нодир санъат асарлари тўпланган.

Британия музейи — жаҳондаги энг йирик музейлардан бўлиб, унга 1753 йилда асос солинган. Музей биноси инглиз сўнгги классицизми услубида қурилган. Британия музейида ибтидоий санъат (*асосан, Британия ороллари санъати*), қадимги Миср ва Месопотамия (*Розетта тоши, Ур шаҳар обидалари*), Юнонистон ва қадимги Рим санъати обидалари (*Парфенон ҳайкаллари, Галикарнас мақбараси, ваза ва нақшли тошлар йиғмаси*), Европа, Осиё, Африканинг Ўрта асрлар санъати ёдгорликлари (*араб, Эрон, Узоқ Шарқ кулоллик буюмлари, Бенин бронзаси*), шунингдек, расм, гравюра, кулоллик буюмлари, танга, медаллар тўпланган.

Музейнинг этнография бўлимидан Африка, Америка, Океания ва бошқа халқлар маданий ёдгорликлари кенг ўрин олган. Абулқосим Фирдавсийнинг Муҳаммад Жуқий томонидан кўчирилган “Шоҳнома”си (*1440, 31 миниатюра билан безатилган*), “Бобурнома” нинг қўлёзмаси (*XVI асрнинг иккинчи ярмида кўчирилган*), “Амударё хазинаси” (*1877, Амударё соҳилидан топилган*) ва бошқалар шу музейда сақланади, Британия музейи кутубхонасида 7 миллиондан ортиқ китоб, 105 минг қўлёзма, 100 минг харита (*қўлёзма ҳужжат*) ва ёрлиқлар бор.

8.4. Адабиёт ва санъат ривожи

Феодализм ва абсолют монархия шароитида бадиий адабиётда дворянлар ва сарой зодагонлари диди ва қарашлари ҳукм сурар эди. Шу боис кўпгина илғор ёзувчилар ўз асарларида абсолют монархия зўравонлигини дадиллик билан фош қилдилар, жамиятни крепостнойлик ва расмий дин занжиридан қутқариш йўлида курашдилар. Улар маърифатпарварлар изидан бориб халқни хусусий мулкка ва одамлар хақ-ҳуқуқлари тенглигига, савдо ва саноат эркинлигига асосланувчи жамиятни яратишга даъват этдилар.

Даниель Дефо (1660-1731) — инглиз ёзувчиси, публицист, реалистик наср асосчиларидан бири. Кўпгина асарларида тадбиркорлик, ақл-идрок, эътиқод ва сўз эркинлигини ёқлаб, демократик ғояларни илгари сурган *(“Хокисор одамнинг тавсияномаси”).* Д.Дефо мақтанчоқ аслзодаларни фош этади (“*Аслзода инглиз”).* 1702 йилда пинҳоний ном билан “Диссентерлардан қасос олишнинг энг осон йўли” номли памфлетини эълон қилгани учун қамалади.

Д.Дефонинг “Робинзон Крузонинг ҳаёти, ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари” романи унга оламшумул шуҳрат келтиради. Асарнинг асосий мазмуни қуйидагича: романда бир саёҳатчи матрос кема ҳалокатидан кейин Жанубий Америка соҳилидаги кимсасиз оролга тушиб қолиб, у ерда 26 йил яшайди. Асар турли саргузаштларга бой бўлиб, унда инсон тақдири ўз қўлида эканлиги, қатъий иродаси ва меҳнати ҳаёт учун курашда асосий восита эканлигини кўрсатилади. “Капитан Синглтон”, “Полковник Жак тарихи”, “Молл Флендерс”, “Роксана” саргузашт романлари ҳам қизиқарли тафсилотларга бой. Жаҳон адабиётида “Робинзон Крузо” романига тақлидан жуда кўп асарлар ёзилган. Шулардан бири “Оилавий Робинзонлар”

Гёте Йоханн Вольфганг (1749-1832) — немис ёзувчиси ва мутафаккири. Янги давр Германия адабиётининг асосчиси. Й.Гёте адабий фаолиятининг илк даврига мансуб “Ёш Вертернинг изтироблари” романи ўша давр олмон адабиётида катта воқеа бўлди. Асарда илғор немис ёш авлодининг ижтимоий фожиаси ўз аксини топган “Ифигения Тавридада”, “Эгмонт”, “Торквато Тассо” каби драмалар, “Шеърият ва ҳақиқат” автобиографик китоби, “Вильхельм Майстернинг ўқиш йиллари”, “Вильхельм Майстернинг дарбадарлик йиллари” романларида инсон билан жамият ўртасидаги муносабат масаласи акс этган.

Й.Гёте Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, адабиётини чуқур ўрганди Фирдавсий, Фаридиддин Аттор, Румий, Низомий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Жомий каби шоирлар ижоди билан танишди. Бу пайтда Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий ижодларидан намуналар немис тилига таржима қилинмаган эди. Гёте “Мағрибу машриқ девони”ни Шарқ шеъриятидан

илҳомланиб ёзган. Й.Гётенинг “Фауст” фожиаси жаҳон адабиётидаги шоҳ асарлардан ҳисобланади. Бу асарийЙ.Гётенинг бутун ижодий фаолияти давомидаги изланишларининг самараси бўлди. Й.Гёте институтининг филиаллари жаҳоннинг 78 мамлакатида, шу жумладан, Тошкентда ҳам 1998 йилдан фаолият кўрсатмоқда.

Оноре де Бальзак (1799-1850) — француз реалист ёзувчиси. Унинг ижодий мероси жанр жиҳатидан улкан ва хилма-хил, романлар, повестлар, драмалардан иборат. О.Бальзакнинг кўпгина романлари ва повестлари умумий ғоя асосида бирлаштирилган ва “Инсон комедияси” деб номланган кўп жилдли эпопеяни ташкил этади. Унда О.Бальзак ўз замонасидаги француз жамиятининг ҳаққоний ёркин манзарасини яратди. “Инсон комедияси”ни муаллиф 3 қисмга бўлган: “Хулқлар ҳақидаги этюдлар”, “Фалсафий этюдлар”, “Аналитик этюдлар”. Ўйлаган 143 та асаридан 97 таси ёзилган, энг катта қисми “Хулқлар ҳақидаги этюдлар”дир. Унга 72 та роман кирган бўлиб, булар орасида — “Гобсек” (1830), “Евгения Гранде” (1833), “Горио ота” (1839), “Ушалмаган орзулар” (1837-1843) каби асарлар бор.

О.Бальзак ижодида француз реализми ўзининг юксак поғанасига кўтарилди. “Инсон комедияси” эпопеяси XIX асрнинг биринчи ярмидаги француз жамиятининг реалистик манзараларини кенг қамровда акс эттирганлиги, воқеаларга, далилларга бойлиги, турли тоифадаги кишилар драмаси яратилганлиги, ёркин образлари ва персонажлари билан катта таассурот қолдиради. Эпопея асарлари бир-бири билан боғланган, қахрамонлар тақдири туташ. Судхўр Гобсек, коммерсант Гранде, банкир Нусинген, зиёли Растинъяк каби қаҳрамонлар асардан асарга ўта боради. О.Бальзакнинг “Инсон комедияси” эпопеяси замондошларининг юксак ҳурматига сазовор бўлган.

Анри Рене Альбер Ги Мопассан (1850-1893) — француз ёзувчиси. А.Мопассан ижоди учун турмушни объектив тасвирлаш, тилининг содда ва таъсирчанлиги, “ҳаётни ўзиданда ишончли тасвирлаш”, қаҳрамонлар қиёфасини уларнинг характер ва ҳис-туйғулари орқали яратишга интилиши

характерли. А.Мопассан маънавий қашшоқ, мунофиқ кишилар образини яратган *(“Жавоҳирот”, “Оила бағрида”, “Васиятнома”, “Иблис”*).

Унинг “Дайди”, “Шкаф”, “Гадой” каби новеллаларида турмуш қаърига улоқтирилган нотавонлар ҳаёти тасвирланган. Муҳаббатни мол-дунёдан иборат деб билувчи, шу боис ҳар қадамда ўзини сотишга тайёр аёллар образи “Иветта”, “Ҳаққоний тарих” ва бошқа асарларида маҳорат билан чизилган. А.Мопассан соф муҳаббат “Ойёғдуси”, “Бахт”ни қўллайди ва маънавий юксак оддий кишиларни қадрлайди.(“Симон ота”, “Мартен қизалоғи”)ватанпарвар ва жасоратли инсонларни тараннум этади *(“Дўндиқ”, “Милон амаки”*). Унинг “Ҳаёт”, “Азизим”, “Монт-Ориоль”, “Пьер ва Жан” каби романларида умумбашарий мавзулар, мансабпарастлар қисмати, бойлик орттиришга хуруж қилиш юксак маҳорат билан тасвирлаб берилган.

Сентиментализм (*франц.* - *ҳис-туй*ғу) –XVIII аср иккинчи ярми –XIX аср бошида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатидаги оқим. Сентиментализмда ҳиссиёт яхшилик ва ёмонликни белгиловчи, инсоннинг қадр-қимматини аниқловчи асосий меъёр сифатида талқин қилинади. Дастлаб сентиментал кайфиятлар Ж.Томсон (“*Йил фасллари*”), Э.Юнг (“*Тунги йўллар*”), Т.Грей (“*Қишлоқ қабристонида ёзилган марсия”)* кабилар шеъриятида ва О.Голдсмит, Л.Стерн насрида кўзга ташланади.

Сентиментализмнинг Франциядаги йирик вакиллари — А.Прево, Ж.Ж.Руссо ва бошқалардир.Сентиментализм ақл-идрокдан кўра ҳис-туйғуни устун қўйиш асосида инсон шахсини тасдиқлашнинг янги шакли эди. Сентиментализм руҳидаги асарларда инсон ҳис-туйғулари ҳар томонлама бадиий тарғиб қилиниб, психологик таҳлилга кенг ўрин берилади. Айниқса, ҳис-туйғуларнинг табиийлиги улуғланади.

Сентиментализм йўналишидаги асарларда ҳис-туйғунинг устувор қўйилиши инсоннинг нафақат ўз олами, балки табиатга бўлган муносабатини ҳам ўзгартиради. Сентиментализмда табиат инсон кечинмаларига ҳамоҳанг тарзда, унинг ички дунёсини чуқурроқ очишга ёрдам берувчи восита сифатида намоён бўлади. Л.Стерннинг тугалланмаган “Сентиментал саёҳат” асаридан

таъсирланган Д.Юм инсоннинг ўзига қайтиши, ўзини англаши тўғрисида иррационал назариялар яратди.

Жорж Ноэл Гордон Байрон (1788-1824) -инглиз шоири, “Чайлд Ҳаролд зиёрати” достонини (1812, 1817-1818) яратди. Шарқ достонлари туркумидаги “Кофир”, “Абидослик келин” (1813), “Қароқчи”, “Лара” (1814), “Коринф қамали”, “Паризод” (1816) каби достонлари Низомий Ганжавийнинг “Лайли ва Мажнун”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” асарлари таъсирида ёзилган. Ж.Байроннинг “Тассо шикояти”, (1817), “Мазепа” (1818) поэмалари, “Манфред” (1817), “Хотин” (1821) драмаларида адолатсизликка қарши курашга чақиради, унинг ижодида инсон ва дунё муаммолари етакчи мавзу бўлган.

Николай Васильевич Гоголь (1809-1852)- рус адабиётида танқидий реализмга асос солган. Давлат маҳкамаларида хизмат қилади. Маҳкамалардаги қоғозбозлик, сансоларлик каби иллатлар Н.Гоголь учун бой мавзу бўлди. А.С.Пушкин билан учрашуви ижодида бурилиш ясади. “Диканъка қишлоғи оқшомлари” тўпламига кирган ҳикоя ва қиссалари *(“Сорочино ярмаркаси”, “Даҳшатли қасос,*) Н.Гогольга шуҳрат келтирди. Бунда Малороссиядаги турмуш тарзи, одамлар онги, ахлоқи, халқнинг юморга бой афсоналари, урф-одатлари акс эттирилган.

Н.Гоголь Санкт-Петербург университети умумтарих кафедрасида профессор бўлиб ишлади, бу унга тарих билан чуқурроқ танишиш имконини берди. “Миргород” (*“Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш жанжаллар ҳикояти”, “Вий” ва бошқа қиссалар*) тўплами ҳамда “Арабескалар” (*“Нева шоҳ кўчаси”, “Портрет”, “Тентак мактублари” қиссалари*) тўпламида шаҳар ҳаёти манзаралари кулгу қўзғатадиган усулда тасвирланади. “Тарас Бульба” қиссаси украин халқининг чет эл босқинчиларига қарши курашига бағишланган.

Н.Гогольнинг “Ревизор” комедиясида Россиядаги мансабпарастлик, хазинани талон-тарож қилиш, порахўрлик каби иллатлар ҳажв остига олинган. Н.Гоголь ижодининг чўққиси бўлган “Ўлик жонлар” достон — романида Россиядаги ўша давр ҳаётига умумий тавсиф берилган.

Европанинг шоир ва ёзувчилари каби, Россиянинг барча муаммолари А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов лирикаси ва насрий асарларида, Н.А.Некрасовнинг шеър ва поэмаларида, И.Криловнинг масалларида, И.С.Тургеневнинг ихчам прозаси, Ф.М.Достоевский ва Л.Толстойнинг чуқур фалсафий, фожиали повесть ва романларида ўз аксини топди.

Шу ўринда мусиқа ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз бўлади. Қадим замонлардан бери мусиқа жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келади. У меҳнат, халқ қўшиқлари ва рақслари давомида вужудга келган. Мусиқа инсоннинг ҳис-туйғулари ва кайфиятини, қувончи ва ижодий завқини, хурсандчилик ва ғамгинлигини ифодалай олади. Санъатнинг бошқа турлари каби у фанлар ўртасидаҳам муносабатлар воситаси бўлиб хизмат қилади.

Вена классик мактаби — XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошида Венада мусиқа санъатида қарор топган ижодий йўналиш. Асосчилари **—** Й.Гайдн ва В.Моцарт. Л.Бетховен ижоди Вена классик мактабининг юксак даврини ташкил қилади. Маърифатпарварлик ва Буюк Франция инқилоби ғоялари таъсирида шаклланган бу йўналишнинг муҳим ижодий белгилари келажакка ишонч, воқеликни тараққиёт жараёнида кўрсатиш, инсонпарварлик ва халқчиллик бўлган. Вена классик мактаби композиторлари профессионал ва халқ мусиқаси ривожи тажрибасини умумлаштирдилар, универсал мусиқа тилини ишлаб чиқдилар. Уларнинг ижодида симфония, соната, концерт, квартет каби жанрлар ўзининг мумтоз шаклини топди, янги хилдаги опера ҳамда симфоник оркестрлари вужудга келди ва опера жанри ислоҳ қилинди. Вена классик мактаби мусиқа тарихида энг муҳим даврлардан бири ҳисобланади; мусиқа санъатининг кейинги ривожига баракали таъсир кўрсатиб, турли миллий композиторлик мактаблари юзага келишига муҳим таъсир ўтказиб келмоқда.

Қадим замонларда мусиқа авлоддан-авлодга хотира орқали ўтарди. Ўрта асрларда эса нота хати вужудга келиб, кўпгина мусиқа асарлари ёзиб олинди. Мусиқа соҳасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган буюк санъаткорлар сирасига Австрия композитори Франц Йозеф Гайдн (1732-1809), Австрия

бастакори, Вена классик мактаби асосчиларидан Вольфганг Моцарт (1756-1791), улуғ немис бастакорлари Людвиг Бетховен (1770-1827), Иоганнес Брамс (1833-1897), Иоганн Себастьян Бах (1685-1750), машҳур итальян бастакорлари Никколо Паганини (1782-1840), Жоаккине Россини (1792-1868), Жузеппе Верди (1813-1901), буюк рус бастакорлари Михаил Ив.Глинка (1804-1857), Пётр Чайковский (1840-1893), Николай Андр.Римский–Корсаков (1844-1908) ларнинг номларини тилга олиб ўтиш жоиздир.

Франц Йозеф Гайдн — 24 та опера, 100 дан ортиқ симфония, турли чолғулар учун 35 концерт, диний кантата, фортепиано сонаталари, турли таркибдаги камер ансамбллар ва бошқа асарларининг муаллифи. “Дунёнинг яратилиши” ва “Йил фасллари” ораториялари Ф.Гайдн ижодининг чўққисидир.

Вольфганг Амадей Моцарт ёшлигиданоқ ноёб мусиқий истеъдод ва хотира эгаси, виртуоз созанда, пианиночи, скрипкачи, моҳир дирижёр ва композитор сифатида танилган: 5 ёшидан илк мусиқа асарларини ижод этган, 6 ёшдан бутун Европа бўйлаб гастролда бўлган. 1770 йилдан Болонья Филармония академияси аъзоси.

Маърифатчилик даври ғоялари таъсири остида камол топган В.Моцартнинг ижоди XVIII асрнинг бадиий чўққиларидан бири. В.Моцарт услубида классицизмг хос рационализм мезонлари билан бирга сентиментализм хусусиятлари ўзаро туташган. Кенг қамровли мусиқий-бадиий образлар дунёсида жўшқинлик ва чуқур эҳтирос, ирода ва матонат, айни пайтда нафислик ва майинлик хуссиятлари кенг ўрин олган. Унинг шодлик, хушчақчақ туйғуларга бой ҳаётбахш ижодида фожиа мавулари, дард-алам кайфиятлари ҳам чуқур ифода топган.

В.Моцарт деярли барча мусиқа жанрларига мурожаат этиб, 600 га яқин асар яратган, мусиқа тарихида гўзаллик ва мукаммал гармония тимсоли сифатида ўз номини қолдирган. В.Моцарт операнинг янги турларини яратган. “Фигаронинг уйланиши” опера-комедияси, “Дон Жуан” опера-драмаси, “Сеҳрли флейта” миллий опера-эртаги ва бошқалар (*жами 17 та*) жаҳон мусиқали театри хазинасининг дурдоналарига айланган. Булардан “Заида”,

“Харамдан олиб қочиш”, “Қоҳира ғози” каби операларида Шарқ мавзуларига мурожаат қилган. В.Моцарт ижодида симфония (50 га яқин), чолғу концерт (40 га яқин), торли квартет (23 та), фортепиано сонатаси (21 та) ривож топди.

Людвиг ван Бетховен— композитор, пианиночи ва дирижёр. Венада яратган фортепиано концертлари, 8 “Патетик” фортепиано сонатаси, квартетлари, 1 симфонияси, “Прометейнинг бунёдлари” балетидаёқ Л.Бетховенга хос, Буюк Француз инқилоби ғоялари таъсири остида шаклланган ижодий услуб кўзга ташланади. 27 ёшидан қулоғи оғирлашиб, кейинчалик бутунлай кинтунция бўлиб қолса-да, ҳис-туйғу билан бирталай асарлар яратди, дирижёрлик қилди.

Л.Бетховен ижоди айниқса 1801-12 йилларда камол топди. Қахрамонлик ва демократизм руҳи билан сингдирилган 3(“Қаҳрамоннома”), 5 симфониялари, “Фиделио” операси, И.Гётенинг “Эгмонт” фожиасига ёзган мусиқаси, “Аппасионата” фортепиано сонатаси, скрипка ва фортепиано учун “Крейцеров” сонатаси ва бошқа асарлари машҳур. Чуқур фожиавийлик ва адолат тантанасига ишонч руҳи билан суғорилган 9 симфонияси Л.Бетховен ижодининг чўққисидир.

Мусиқий қаҳрамонлик услубини яратган Л.Бетховен симфоник мусиқа тафаккури кўламини ниҳоятда кенгайтириб, камер-чолғу ва вокал мусиқаси, концерт жанрларининг ғоявий мазмунини теранлаштирган, мавжуд мусиқа шакллари жанрларини ислоҳ этган.

Иоганнес Брамс — немис композитори, пианиночи ва дирижёр, мусиқий романтизмнинг ёрқин вакили. И.Брамс турли таркибдаги ижрочиларга мўлжалланган жами 400 га яқин вокал (*қўшиқ, романс, дуэт, хор ва бошқа)* асарлар яратди. Булар орасида Ҳофиз Шерозий шеърларига ёзилган “Тўққизта қўшиқ ва садолар” ҳамда “Бешта қўшиқ” (*овоз ва фортепиано учун*) И.Брамснинг энг ёрқин ориентал (*умумшарқий*) асарларидир. Шунингдек, машҳур “Венгерча рақслар” (*жами 21 та*), қайта ишланган венгер, лўли ва бошқа халқлар қўшиқларида ҳам шарқона услуб хусусиятлари сезилади.

И.Брамснинг “Немисча реквием”и, 4 та симфонияси, фортепиано ва оркестр (2та), скрипка ва оркестр, скрипка, виолончель ва оркестр учун концертлари, фортепиано учун 3 та сонатаси, интермеццолари ва бошқа асарлари Европа романтик мусиқаси дурдоналари қаторидан ўрин олган.

Иоганн Себастъян Бах -буюк немис композитори, машҳур орган ижрочиси, барокко даври ҳамда полифония услубининг йирик намояндаси. И.Бах ижодида олдинги давр мусиқа жанр йўналишлари умумлаштирилиб, ўз бадиий якунини топган. И.Бах мусиқасида полифония йўналишлари билан гомофония тизимлари ўзаро қоришиб, ягона услуб вужудга келган.

И.Бах меросига мингдан зиёд асарлар киради, улар асосан орган мусиқаси, клавир, скрипка ва бошқа чолғулар учун асарлар ҳамда вокал, вокал-драматик жанрлари ва бошқалардир. И.Бах ижодида орган муҳим ўрин тутади. У органнинг янги имкониятларини очиб берди. Орган прелюдияси, фантазия, токката каби жанрларни фуга билан бирлаштирди.Унинг орган учун ёзилган “Прелюдия ва фуга”, “Фантазия”, “Токката ва фуга”, “Пасскалья” ва бошқа асарлари жаҳон мусиқа хазинасидан ўрин олган.

И.Бах биринчи бўлиб клавир учун концерт асарларини ёзиб, янги услуб кашф этди (*сюиталар, “Хроматик фантазия ва фуга”, “Итальянча концерт” ва бошқалар)*. Клавир мусиқаси соҳасида янги “тенг товушқаторли” тизимнинг афзалликларини “Яхши темперациялашган клавир” тўплами мисолида намойиш қилди. Вокал, вокал-драматик мусиқа жанрларида И.Бахнинг 300 га яқин диний кантата, хорал ва ораториялари (“*Иоанн бўйича эҳтиролар”, “Матфей бўйича эҳтиролар”, “Магнификат” ва бошқалар)* алоҳида ўрин тутади. Буларнинг мавзулари “Инжил” китобидан олинган бўлиб, мазмунида инсонийлик, ҳаётдан завқланиш, юксак гўзалликка интилиш, шоду хуррамлик билан дард-алам ҳиссиётлари ўз аксини топган.

Яна бир истеъдодли итальян скрипкачиси ва бастакори **Никколо Паганини** ижоди ҳам оламшумул аҳамиятга моликдир. У ҳақли равишда мусиқали романтизм асосчиларидан биридир. У якка овоз ва соз учун ёзилган 24 та саҳна асарини ёддан саҳнада ижро этган, 32 та скрипка ва оркестр учун 1

ва 2 концертлари (*жами 5 та*), шунингдек, сонаталари (айниқса, скрипка ва гитара учун), якка гитара (жами 200 га яқин) ва бошқа созларга мўлжалланган пьесалари, камер ансамбллари, опера, балет ва халқ куйларига яратилган вариациялари куйларининг равонлиги ва оҳангдорлиги, гармоник ривожи ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Унинг номи Милан, Вена, Париж ва бошқа шаҳарлар томшабинлари тилидан кўп вақтлар тушмаган. “Наполеон” қаҳрамонлик сонатаси ижрочиси. Уни француз қироллик Академияси якдиллик билан ўз аъзоси этиб сайлаган. 1954 йилдан Генуяда ҳар йили Н.Паганини номидаги халқаро скрипкачилар танлови ўтказилади.

Жоаккино Антонио Россинининг композиторлик фаолияти XIX аср итальян мумтоз операсини бошлаб берди. У 39 та опера, диний мавзудаги асарлар, симфония, камер-чолғу пъесалар, романслар ва бошқа асарлар яратган. Ижодий услуби ранг-баранг, ўзига хос куйлар бойлиги, мусиқий образлар ёрқинлиги билан ажралиб туради. Буфф операнинг юксак намунаси — “Севилья сартароши”да Россинининг мусиқавий комедияга хос истеъдоди тўла намоён бўлди. “Танкред”, “Отелло”, “Ўғри ҳакка”, “Вильгельм Телль” операларида ўз халқининг қахрамонлик, ватанпарварлик, романтик интилишлари ёрқин ифодасини топган. Италия операси анъаналарига риоя қилиб, Шарқ мавзуларига экзотик, баъзан ориентал услубларда ёндашган ва “Итальян қизи Жазоирда”, “Турк Италияда” каби ҳажвий, “Моисей Мисрда”, “Магомед — II”, сингари жиддий (*сериа*) опералар ҳам яратган.

Михаил Иванович Глинка — композитор, рус мумтоз мусиқасининг бошловчиси. М.Глинка ижодида халқ мусиқаси бойликлари билан композиторлик услуби ютуқлари уйғунлашган. Шакли мукаммал, куйлари аниқ ва нафис, гармонияси ҳамда оркестр бўёқлари ширадор ва ёрқин бўлган М.Глинка асарлари ҳаётбахш, қувонч руҳи билан суғорилган.

М.Глинканинг ватанпарварлик мавзуидаги “Иван Сусанин” (*аслида “Подшо учун жон фидо”)* ҳамда “Руслан ва Людмила” асарлари рус операсида 2 оқим — халқ мусиқали драмаси ва эртак достон операсини бошлаб берди.

Шунингдек, “Вальс-фантазия”, “Камаринская” каби симфоник асарлари билан рус симфонизмига асос солди.

Пётр Ильич Чайковский — рус композитори, йирик симфониячи, мусиқий драматург. П.Чайковский чуқур миллий, халқчил ва демократик услубдаги опера, балет, симфоник ва камер асарларининг юксак намуналарини яратган. Унинг ижоди рус романси, халқ қўшиқлари ва романтизм даври оҳангларига асосланган ўзига хос мусиқа услуби билан ажралиб туради. Чайковский мусиқаси ниҳоятда таъсирчанлиги, ажойиб оҳангдорлиги, ёрқин ифодавий воситалари, жўшқин, ҳаяжонли куйларга бойлиги билан аҳамиятлидир.

Ижодида ўта нозик руҳий жараёнлар билан бирга кўлами кенг-муҳаббат ва тақдир, ҳаёт ва ўлим, табиат каби мавзулар ўзининг юксак бадиий ифодасини топган. П.Чайковский турли жанрларда бой ижодий мерос қолдириб, 10 опера, 3 балет, 6 симфония, симфоник фантазия, увертюра ва сюиталар, 3 фортепиано ва 1 скрипка концертлари, диний мавзудаги хор асарлари, шунингдек, фортепиано, скрипка учун пъесалар ҳамда вокал мусиқанинг етук намуналарини яратган. Айниқса, 4-6 симфониялари, “Франческа да Римини” ва “Ромео ва Жульетта” симфоник увертюра — фантазиялар, “Евгений Онегин”, “Иоланта” опералари, “Оққуш кўли”, “Уйқудаги гўзал” балетлари жаҳон симфонияси чўққилари ҳисобланади.

XVIII-XIX асрларда фан ва техника тараққиёти натижасида маданият оммавийлашиб борди. Бу даврда театр омманинг энг севимли кўнгилочар ва маънавий хордиқ чиқарадиган масканларидан бирига айланди. Бундан ташқари газета, китоб нашрлари, адабиёт (*айниқса романчилик*), мусиқа, тасвирий санъати ривожланиб оммалашди. XIX асрнинг иккинчи ярмида овозсиз кинофильмлар пайдо бўлди. Ҳозирга қадар машҳурлигини сақлаб қолган комик кино актёр Чарли Чаплин каби актёрлар плеядаси етишиб чиқди.

Хулоса қилиб айтганда, маърифатпарварларнинг рационалистик йўналиши ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, ҳуқуқ институтлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, санъат

тараққиётида кўплаб тамойилларни белгилаб берди. Уйғониш даври гуманистлари бошлаб берган маданий қадриятларни улуғлаш жараёни ниҳоясига етказдилар. Фан инсоннинг маънавий ҳаётига кириб бориб, унинг маданиятига мазмун бағишлади. Илмий техника соҳасидаги кашфиётлар натижасида саноат юксалиши содир бўлди. Жамият ҳаётида, давлат миқёсига молик ҳашаматли қурилишида фан ва техника қўлга киритган ютуқлар, айниқса, классизм, барокко услублари кенг қўлланилди.

XVIII-XIX асрларда фан-техника тараққиёти натижасида маданият оммавийлашиб борди. Театр, газета, журнал, адабиёт, мусиқа, тасвирий санъатнинг ривожланиши Европанинг маънавий қиёфасини ўзгартирди ва жаҳон маданияти тарихида ўз ўрнига эга бўлди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Француз маърифатпарварлари илгари сурган улуғвор ғоялар қандай мақсадларга йўналган эди?
2. Ф.Волътернинг қайси асарларида Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даври акс эттирилган?
3. Д.Дидро қайси асарларида христиан дини ва черковини аёвсиз танқид қилган?
4. Европада саноат юксалиш қандай юз берди?
5. Исаак Нъютон қандай қонунларга асос солди?
6. Европа меъморлик услублари ҳақида тушунча беринг?
7. Эйфель минораси ҳақида нималарни биласиз?
8. Эрмитаж, Лувр ва Британия музейлари ҳақида маълумот беринг?
9. XVIII аср ингилиз адабиётининг машҳур намояндалари сирасига кимлар номини киритса бўлади?
10. Европада тасвирий санъатдаги ижодкорлар фаолиятини қандай баҳолайсиз?
11. XVIII-XIX асрларда яшаб ўтган Европанинг буюк бастакорлари ҳақида фикрларингиз?

Асл нотиқлик барча керакли нарсаларни
меъёри билан айта олиш санъатидир.
Франсуа де Ларошфуко

9 мавзу. XX АСР ЖАҲОН МАДАНИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар

Илм-фан, муҳим кашфиётлар, илмий мактаблар, техниканинг хусусиятлари, фуқаро авиацияси, телевидение, адабиёт, театр, кино, нобель мукофати, Станиславский системаси, жаҳон кино юлдузлари, модернизм, оммавий маданият, фовизм, кубизм, экспрессионизм, постимересснонизм, меъморлик.

9.1. XX асрда фан ва техника соҳасидаги кашфиётлар

XX асрда юз берган жаҳон урушлари маданиятга вайронлик келтирди. Фашистик Германия ва унинг иттифоқчилари Ер юзидаги бир қанча минтақалар, мамлакатлар, элатлар ва миллатларнинг миллионлаб бунёдкор кучларини уруш майдонларига, жаҳаннам гирдобига ташлади. Ажойиб қасрлар, маданият обидалари вайрон қилинди.

XX асрнинг иккинчи ярми уруш келтирган вайронликларни тугатиш, маданий ҳаётни қайта тиклаш йиллари бўлди. Аммо уруш асоратлари узоқ йиллар давом этди.

XX асрда 1 жаҳон уруши, Октябрь тўнтариши, 2 жаҳон уруши, миллий озодлик ҳаракатлари, совуқ уруш сиёсати каби йирик сиёсий воқеалар бўлдики, улар туфайли минглаб асарлар яратилди.

Бу асрда оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение, компьютер, видео, аудио технологияларининг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида маданиятнинг оммалашуви, бир-бирига таъсири кучайди.

Фан-техниканинг ижтимоий соҳадаги, маиший, дам олиш ва ҳарбий соҳадаги аҳамияти кучайди. Натижада химиявий, атом, водород бомбалари, турли хилдаги ракеталар яратилди. Инсон космосни забт этди.

Маданиятнинг адабиёт, тасвирий санъат йўналишларида кўплаб янги услублар пайдо бўлиб, унинг ранг-баранглиги кучайди.

Экологик маданиятнинг ижтимоий соҳадаги долзарблиги ортиб, муаммоли масалага айланди.

Ижтимоий тараққиётнинг аввал эришган даражаси, чунончи, XIX аср давомида юз берган саноат инқилоби, илм - фан соҳасидаги муҳим кашфиётлар, уларнинг самаралари алоҳида ўрин тутганлиги аниқдир. Айтайлик, буғ ва ёнилғи билан ҳаракатланадиган машиналар, электр нурлари, радио ва радиоалоқаларнинг ихтиро қилиниши ва бошқа кашфиётлар — булар XX аср илму-фани, техника ва технологиясини ривожлантиришга янги уфқлар очиб берди. Бу соҳанинг муаммолари турли мамлакатларда фаолият юритган, илмий мактаблар яратган, муҳим илмий кашфиётлар қилган даҳо алломалар, фан фидойиларининг ижодий ҳамкорлиги, саъй-ҳаракатлари туфайли ўз ечимини топганлиги шубҳасиз.

XX асрда техника сурати ҳаддан ташқари ўсди. Кейинги юз йилда ер юзида саноат ишлаб чиқариш 50 мартадан ошди, бу ўсишни 4,5 қисми 1950 йилдан кейинги даврга тўғри келади. Ҳақли равишда XX аср инсоният тарихига илмий-техника инқилоби асри бўлиб кирди. Инсонларнинг ҳозирги вақтдаги таъсир кучини табиатнинг энг бешафқат кучлари билан тенг қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам, ҳусусан XX асрда техника муаммоси ва унинг маданитдаги ўрнига олимлар алоҳида эътибор қаратдилар.

Техника сўзининг ўзи маҳорат, санъатни англатиб, ишлаб чиқаришга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган фаолиятини амалга ошириши учун кишилар яратган воситалар йиғиндисини билдиради. Инсонлар жамияти пайдо бўлиши билан амалда техника пайдо бўлди, дастлаб кишининг меҳнат қуроли сифатида, кейин ҳар хил мақсадларда ишлатиладиган техниканинг бошқа турлари вужудга келди. Техниканинг хусусиятлари қуйидагилар:

1. Техника сунъий равишда, кишилар томонидан табиатни ўзгартириши

натижасида яратилади, олдини онгда идеал яратиладиган лойиҳа, андозалар моддийликда мужассамланади;

2. Техниканинг оммавий хусусияти, аввало, кишиларнинг амалий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади;

3. Техниканинг муҳим параметрларидан бири рационаллик ҳисобланади, маълум жамиятда у ёки бу техника қурилмасини маълум қадар тезроқ ишлаб чиқаришига мўлжалланади. Техника маданиятнинг муҳим ҳодисаси сифатида жамият ва табиат ўртасидаги муносабатни таъминлайди. У ижтимоий моданият жараёнининг ажралмас таркибий қисмидир. Техника тараққиёти инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилишга унинг имкониятларини кенгайтиради, маданий ва ижтимоий ўзгаришларни муқаррар амалга оширди.

Маданиятда техниканинг ўрни хусусида турлича қарашлар мавжуд. Технодетерминнистик концепция техниканинг ҳар доим инсонга ижобий таъсир кўрсатишини ишончли асослайди. Илмий тараққиёт ва техника ютуқлари инсонга кўплаб сирларини очиб, уни улкан миқдорда моддий бойлик билан таъминлайди. Илмий техника тараққиёти билан боғлиқ барча муаммо ва қарама-қаршиликлар, яъни техник воситаларнинг биосферани ҳалокатга яқинлаштирувчи таъсири ахборот алоқа даври деб аталувчи инсоният тараққиётининг кейинги босқичида ижобий бартараф қилишини таъкидлайди. Техникани оптимистик баҳолашда технократик назария катта аҳамиятга эга. Технократия жамиятдаги шундай кучки, у жамиятнинг технология тараққиёти истиқболи хусусидаги илмий башоратида нуфузли илмий хулосаларга таянади.

Европада XVIII аср охирлариданоқ техниканинг ҳалокатли таъсири ҳақида хабарлар тарқала бошлади. Турли фалсафа мактабининг вакиллари техника цивилизацияси, унинг қаттиқ “темир суръатлар”, бешафқат ва ахлоқсизлигини таъкидлаб, ҳаёт, табиат, инсонга ҳурматсизлигини танқид қила бошладилар. Улар жамиятда техникага сиғиниш, уни илоҳийлаштириш ҳолати содир бўлаётганига, техника замонавий цивилизациянинг офати бўлажагига ўз эътиборини қаратдилар. Техниканинг назоратсиз тараққий этиши экологик муаммоларни туғдиради, ҳарбий саноат комплексларининг кенг ривожланишига сабаб бўлади, оқибатда инсонни техниканинг қўлига айлантириб қўяди, деган қарашлар кенг тарқалди.

Шу боис XX асрнинг машҳур файласуфларидан А.Швейцер технакратик маданиятдан воз кечиш зарурлиги ҳақидаги фикрга келди. XX асрдаги дунёвий ҳалокатни, урушларни бошдан кечириш оқибатида у шундай ғояни илгари сурдики, технократизм ва технократик фан руҳан зўравонликка, тафаккурнинг эмоционал жиҳатдан қашшоқлашувига, маданият идеалининг ҳалокатига олиб келади. А.Швейцер янги умуминсоний маданият учун асос сифатида ҳаёт олдида ҳурмат-эҳтиром тамойиллини илгари сурди. Бу руҳ экологияси ва уни сақлаш тамойили бўлиб, маданий қатламда ўзаро ҳурмат технократик моделдан умуминсоний қадриятга ўтишни англатган эди.

Инсон онгли мавжудод бўлиб, у ҳаётнинг ҳар қандай хохиш-иродасига худди ўзига бўлгани сингари ҳурмат билан муносабатда бўлиши кераклигини ҳис қилади. У ўз ҳаёти тажрибасида бошқача ҳаётни билиб олади. Умрни сақлаш ҳаётни осонлаштириш, ҳаётнинг энг юқори қадриятигача ривожлантиришга қодир бўлган ҳаётни таклиф қилиш-буларни инсон эзгулик сифатида қабул қилади. Ҳаётга зарба беришга сабабчи бўлиш, зарар келтириш, ривожлантириш мумкин бўлган ҳаётни барбод қилиш - бу ёвузликдир.

Ҳаёт олдида ҳурмат-эҳтиром ахлоқи ўз ичига севги, жасорат, бошқа мавжудодларга раҳм-шафқат кўрсатиш, уларнинг шодлиги ва интилишларини тавсифлаши мумкин бўлган ҳамма нарсани қамраб олади. Инсоният учун хос бўлган бу фазилатлар шубҳасиз, жамиятнинг ҳамма қатламида ҳамма даврлар учун хос бўлиши кераклигини айтадилар. Шунинг учун ҳам назарётчиларнинг бир қисми техникага тушкунлик назари билан қараб, анъанавий жамиятга қайтишни ягона йўл деб, ҳисоблайди. Бошқалар эса, техниканинг агрессивлиги ва муросасизлигини таъкидлаб, инсон бундай шароитда фақат битта усул билан қарши туриши мумкин, яъни кучи етганича техномаданиятнинг парчаланишига ёрдам бериши керак, деб ҳисоблайдилар.

Бироқ барча муаммо техникага эмас, балки инсоннинг ўзига боғлиқ. Техника ахлоқий жиҳатдан мустақил олам эмас, унинг ўрни, аҳамияти ва кучи жамиятнинг қадрият тизимига боғлиқ бўлади. “Техника-инсон” зиддиятларнинг бартараф қилиниши янги типдаги инсоннинг шаклланишига боғлиқ бўлиб, бу маданиятдаги биосферик тамойилларини ҳисобга олувчи, табиат ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилувчи маданиятнинг бош муаммоларини оқилона ҳал қилишни таъминловчи сифатга эга бўлган янги инсондир.

Маданиятдаги биосферик концепция тарафдорлари инсоният маданияти босқичларини ишлаб чиққанлар. Уларда таъкидланишича, инсониятнинг илк босқичларида маданиятнинг турли хил биогеник кўринишлари мавжуд бўлган, кейинчалик “табиат устидан ҳукмронлик қилиш” шиорига таянган ҳолда техноген маданият яратилди. Замонавий одамлар ердаги экология қонунларига асосланиб, неогеник маданиятга ўтадилар. Шунинг учун ҳам, экологик маданият ҳозирги замон цивилизациясининг аҳамиятига молик белгиларидан бирига айланиб бормоқда.

XX аср илм-фани ва техника ютуқлари, унинг салоҳиятли, тиним билмас фидойилари аввалги асрларнинг мана шу тажрибасига таяниб, янги асрнинг юксак талаблари, ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бу борада мислсиз янгиликларни яратиб бердилар. Айниқса, физика, математика, кимё, биология, тиббиёт, геология, генетика, кибернетика, техника, электроника, информатика,

космогония, микробиология ва бошқа соҳаларда қилинган кашфиётлар, қонуниятлар -булар инсон ақл-заковати, билими, иқтидори ва қобилиятининг теранлиги, чегара билмаслигидан далолат беради.

XX аср илм-фани тўғрисида гап борганда, аввало жаҳон фани юксалиши, илмий-техника инқилобининг юзага келиб, чуқурлашиб боришига жиддий ҳисса қўшган Пъер Кюри, Жолио Кюри (*Франция*), Мария Склодовская Кюри (*Польша*), А.Эйнштейн (*Германия - АҚШ*), Нильс Бор (*Дания*), Эрнст Резерфорд (*Англия*), И.Павлов, П.Вавилов, И.Курчатов, С.Королёв, Н.В.Келдиш (*Россия*) каби жаҳоншумул олимлар номини тилга олиб ўтиш жоиз бўлади. Булар жумласига XX аср фани ривожига бениҳоя катта ҳисса қўшган В.Вернадский (*геокимё, биогеокимё ва биосфера асосчиларидан бири*), Н.Басов (*А.М.Прохоров билан биргаликда*)-квант электроника асосчилари), Н.Семёнов (*кимёвий физика асосчиси*), А.Сахаров, Л.Феоктистов (*атомчи олимлари*), В.Леонтьев (*иқтисодчи олим*) каби Нобель совриндорларини айтиб ўтиш лозим.

Уларнинг жасоратга бой ижодий меҳнатлари, изланишлари натижасида бутун ер шари қиёфасини ўзгартириш, бойитиш, одамлар турмуш тарзини яхшилашга хизмат қиладиган кўплаб дунёвий кашфиётлар юзага келди. Эндиликда уларнинг самараларини кишилик ҳаётининг турли-туман соҳаларида кўриш, юксак қулай хизматидан баҳраманд бўлиш мумкин бўлиб қолди.

Бу даврда кўплаб илмий мактаблар вужудга келди. Улар орасида франциялик Кюрилар мактаби алоҳида ажралиб туради.

Мария Склодовская-Кюри (1867-1934) – француз ва поляк физиги ва кимёгари. Радиоактивлик ҳақидаги таълимот асосчиларидан бири. 1895 йилда **Пъер Кюрига** турмушга чиққан ва Индустриал физика ва кимё мактабидаги унинг лабораториясида ишлаган. 1897 йилдан П.Кюри билан биргаликда А.А.Беккерель очган (1896) уран тузларининг нурланиши устида тадқиқотлар олиб борган ва бу ҳодисага “радиоактивлик” деб ном берган. П.Кюри билан биргаликда полоний ва радийни топган (1898). У радийнинг метал намунасини олган (*1910-француз кимёгари А.Дебъери билан ҳамкорликда*) ва унинг

хоссасини ўрганган. Радиоактивликнинг ўлчаш усулларини ишлаб чиққан. Склодовская Кюри 2 марта Нобель мукофотини олган.

Жолио — Ирен Кюри (1897-1956) – француз физиги ва радиокимёгари. П.Кюри ва М.СклодовскаяКюриларнинг қизи. У 1926 йилда **Фредерик Жолио — Кюрига** турмушга чиққан ва шундан бошлаб умрининг охиригача биргаликда илмий-тадқиқотлар олиб борганлар. Илмий ишлари радиоактивлик, ядро физикаси ва ядро кимёсига оид. 1934 йилда Ф.Жолио–Кюри билан ҳамкорликда сунъий радиоактивлик ходисасини очган. Югаслав физиги **П.Савич** билан ҳамкорликда 1939 йилда нейтронлар билан уранни нурлаш туфайли ҳосил бўлган ядровий реакция маҳсули — лантан ҳосил бўлишини аниқлаган (*аввал трансуран элемент деб тушунилган*). Бу иши ядронинг бўлиниш реакциясини кашф қилишда муҳим бўлган. Кимёвий элементларнинг сунъий радиоактив изотопларини, позитрон радиоактивликни кашф қилган. 1935 йилда Нобель мукофоти лауреати бўлган.

Жолио - Кюри Фредерек(1900-1958) — француз физиги. Илмий ишлари ядро физикаси, ядро кимёси, ядро техникасига оид. И.Жолио-Кюри билан биргаликда биринчи бўлиб гамма — квантдан ҳосил бўлган электрон — позитрон жуфтлари изининг фотосуратини олдилар (1933) ва шу йилнинг ўзида француз физиги Ж.Тибо билан ҳамкорликда биринчи марта электрон-позитрон жуфтлари аннигиляциясини кузатдилар.

Жолио-Кюри Г.Алгбан ва Л.Коварскихлар билан ҳамкорликда биринчи бўлиб ядро портлашда занжир реакция бўлишини исботлаган (1939), нейтрон массасининг протон массасига нисбатан бир қанча катталигини кўрсатган (1939). Коллеж де Франс ядро физика ва кимё лабораториясида биринчи француз циклотронини ишга туширган. 1948 йилда Жолио - Кюри раҳбарлигида Францияда биринчи атом реактори ишга туширилди. 1940 йилдан Жолио - Кюри Тинчлик тарафдорлари халқаро конгресси доимий қўмитасининг, 1951 йилдан эса халқаро Тинчлик кенгашининг раиси. Нобел мукофоти (1935) билан тақдирланган.

Альберт Эйнштейн (1879-1955) — назариётчи физик олим, нисбийлик назарияси асосчиси, майдон квант назарияси ва статистик физика асосчиларидан бири. А.Эйнштейн масса ва энергиянинг ўзаро боғлиқлиги қонунини кашф қилган (1905). Майдон квант назариясининг яратилишида А.Эйнштейннинг ҳиссаси жуда катта. Ёруғлик нурланишини ёруғлик квантлари ёки фотонлар оқимидан иборат, деб ҳисоблаб, ёруғлик нурланишининг дискретлиги, квант структурага эга эканлиги ҳақидаги тасаввурни фанга киритган, Броун ҳаракатининг молекуляр–статистик назариясини ривожлантирган (1905), фотонни назарий жиҳатдан кашф қилган.

Квант назарияси асосида температура пасайиши билан қаттиқ жисм иссиқлик сиғимининг камайишини (1907), мувозанатли нурланиш энергиясини флуктуациясини биринчи марта кўриб чиққан (1909); фотоэффектни, флюоресценция учун Стокс қоидасини, фитоионланиш ва бошқаларни тушунтириб берган (1912), фотокимёнинг асосий қонуни (*Эйнштейн қонуни*)ни очган (1912), нурланиш учун корпускуляртўлқин дуализмини, индукцияланган (*мажбурий*) нурланиш ҳодисасини олдиндан айтиб берган (1916). А.Эйнштейн жисмлар магнитланганда механик моменти ўзгариши ҳодисасини башорат қилган ва тажрибада кўрсатган.

1919 йили Эйнштейн “Нисбийлик назарияси” тўғрисида маъруза ўқиган. У дунё тўғрисидаги билимларимизни нисбий эканлигини тушунтириб берган. Бутун спинли зарраларнинг квант статистикаси (*Бозе–Эйнштейн статистикаси*)ни яратган (1924-25), 1933 йилдан космология ва майдоннинг ягона назарияси билан шуғулланган. А.Эйнштейннинг илмий ишлари ҳозирги замон физикасининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. У 1921 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Эрнст Резерфорд (1871-1937) — инглиз физиги, радиоактивлик ва атомнинг тузилиши тўғрисидаги таълимот асосчиларидан бири. Э.Резерфорд 1903 йилда Ф.Садди билан биргаликда радиоактив емирилиши назариясини яратди ва бир элемент атомининг бошқа элемент атомига айланишини исботлаб берди. 1911 йилда атомнинг Қуёш системасига ўхшаш планетар моделини

яратди ва унга асосланиб, 1913 йилда Н.Бор атом тузилишининг ***квант назариясини ва спектрлар назарияларини*** яратди. 1919 йилда азотни кислородга айлантирган биринчи сунъий ядро реакциясини амалга оширди, бу билан ҳозирги замон ядро физикасига асос солди.

Шу вақтдан бошлаб Э.Резерфорд атом ядроларини тезкор зарралар таъсирида сунъий йўл билан ўзгартириш масалалари билан шуғуллана бошлади. 1921 йилда у нейтрал зарралар — нейтронларнинг мавжудлиги тўғрисидаги фикрни ўртага ташлади. 1932 йилда Э.Резерфорднинг шогирди Ш.Чедвик нейтронни кашф қилди.

Э.Резерфорд 1908 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган. У жаҳоннинг жуда кўплаб физиклари учун илмий мактаб саналган **кавендеш** лабораториясига асос солди. Бу лаборатория жаҳон физикларини ўзига жалб қилган йирик илмий марказдир. Ундан кўплаб машҳур физик олимлар етишиб чиққан.

Игорь Васильевич Курчатов (1902-1960) — рус физик олими. Атом фани ва техникасининг ташкилотчиларидан бири. Илмий ишини диэлектриклар табиатини ўрганишдан бошлаган. Сагнет тузининг электр хоссаларини ўрганиб, сегнетоэлектриклар назариясига асос солди. 1933 йилдан атом ядроси физикаси масалалари билан шуғулланиб, сунъий-радиоактив изотоплар ядро изометрияси ҳодисасини, рус олимлари **К.А.Петржак, Г.Н.Флёров** билан биргаликда уран-235 нинг ўз-ўзидан бўлинишини кашф қилди (1940). И.Курчатов раҳбарлигида Москвада циклотрон (1944), Европада биринчи атом реактори (1946), биринчи совет атом бомбаси (1949) ва дунёда биринчи термоядро бомбаси (1953), дунёда биринчи атом электр станцияси (1954) яратилди ва бошқариладиган термоядро синтези муаммоларига оид тадқиқотлар қилишга киришиа бошланди.

Андрей Дмитриевич Сахаров (1921-1989) — рус назариётчи физиги, жамоат арбоби. Илмий ишлари магнит гидродинамикаси, плазма физикаси, бошқариладиган термоядро синтези, элементарзарралар, астрофизика, гравитацияга оид. А.Сахаров физик Е.Тамм билан ҳамкорликда бошқариладиган термоядро реакциясини юзага келтириш учун магнит

майдонида қизиган плазмани қўллаш ғоясини таклиф этган. У собиқ СССРда водород бомбасини яратганлардан бири. 50 йилларда ядро қуролларини синашни тўхтатиш кераклиги тўғрисида фаол иштирок этди. 60 йилларнинг охири 70 йилларнинг бошида халқаро инсон ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳаракатининг етакчиларидан бири (*1950-80 йилларнинг ўрталарида диссидентлик*[1] *ҳаракатининг лидерларидан бири бўлиб, уй қамоғида бўлган*).

Диссидентлар инсон, фуқаролар ҳуқуқи ҳамда эркинликларига риоя қилиниши учун, ўзгача фикрловчиларни таъқиб этилишига қарши турли шаклларда чиқишлар қилишди, совет қўшинларининг Чехословакияга (1968) ва Афғонистонга (1979) киритилишига қарши норозилик билдиришди. Диссидентлар маъмурлар томонидан қатағонларга дучор қилинди, кўплари жосуслик, давлатга хиёнат қилиш каби сохта айблар билан жазога тортилди, мажбурлаб руҳий касалликлар шифохоналарига ётказилди, мамлакатдан сургун қилинди ёки муҳожир бўлиб кетишга мажбур бўлди.

А.Сахаров “Тараққиёт, тинч-тотув яшаш ва интеллектуал эркинлик тўғрисида мулоҳазалар” (1968) асарида бир-бирига қарама-қарши турган социалистик ва капиталистик системада ядро уруши, очлик, экологик ва демографик ҳалокат, жамият маънавиятининг инқирози, иркчилик, миллатчилик, диктаторлик режими каби инсониятга, тинчликка таҳдидлар устида фикр юритди. Жамиятни демократлаштириш ва қуролсизлантириш, икки системани яқинлаштиришга олиб борадиган интеллектуал эркинлик, социал ва илмий-техника тараққиётини барқарор этиш масалаларини кўтаради. Мана шу асар Ғарбда эълон қилинганидан сўнг, А.Сахаровни ҳамма махфий ишлардан четлаштирилди. У 1975 йилда тинчлик бўйича Нобель мукофоти лауреати бўлди.

Машҳур физиолог олим **Иван Петрович Павлов** (1849-1936) **—** одамнинг асаб фаолияти тўғрисидаги таълимотга асос солди. Илмий изланишлари қон айланиши, овқат ҳазм қилиш ва олий асаб тизими физиологиясига оид соғлом организм фаолиятини ўрганишга имкон берувчи

[1]**Диссидент —** мавжуд тузумга қарши фикрда бўлган шахс.

сурункали экспериментни амалиётга татбиқ этган. Руҳий фаолият асосини бош мия, пўстида рўй берадиган моддий физиологик жараёнлар ташкил этишини шартли рефлекслар усули ёрдамида исботлаган.

И.Павловнинг олий асаб фаолияти физиологияси (*сигнал системаси, асаб системаси типлари, функциялар лекализацияси, катта ярим шарлар иши системаси бўлиши ва бошқа*)га оид тадқиқотлари физиология, тиббиёт, психология ва педагогиканинг ривожланишида катта роль ўйнади. И.Павлов **шартли рефлекс**ни кашф қилди ва ўрганди. Унинг одам учун хос бўлган олий асаб фаолияти, иккинчи сигнал системаси тўғрисидаги тадқиқотлари амалий аҳамиятга эга. У 1904 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Николай Иванович Вавилов (1887-1943) **—** биолог, генетик, географ, жамоат арбоби. Н.Вавилов **селекция**нинг хозирги замон биология асослари, маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари, уларнинг географик тарқалиши тўғрисидаги таълимотларни яратди, ўсимликларнинг юқумли касалликларга иммунитети тўғрисидаги таълимотни асослади. Бир-бирига яқин турлар, туркумлар ва ҳатто оилаларда ирсий ўзгарувчанликнинг гомогогик қаторлар қонунини ифодалаб берди.

Н.Вавилов Европа, Осиё, Африка, Шимолий, Марказий ва Жанубий Америкадаги 60 га яқин мамлакатлар ўсимлик ресурсларини ўрганди, кўпгина илмий экспедицияларга раҳбарлик қилди ва Ўрта Осиё ўсимлик оламини батафсил тадқиқ этди. 1924 йилда Ўзбекистонда Н.Вавилов ташаббуси билан собиқ Иттифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё тажриба станцияси (*ҳозирда Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий текшириш институти*) очилган. Т.Д.Лисенконинг ғайри-илмий таълимотига қарши курашда **генетика**ни мардонавор ҳимоя қилган. Н.Вавилов илмий асарлари (*350 дан ортиқ*) жаҳон биология фани хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Фуқаро авиацияси соҳасида **Леонардо да Винчи, М.В.Ломоносов** ғоялари ва чизмалари асосида 1881 йилда А.Ф.Можайскийнинг авиамодели яратилган эди. **Н.Жуковский** самолёт қанотларига таъсир қилувчи кучлар ҳисобини берди, бир қанча қанот шаклларини яратди ва уларни синовдан

ўтказиш усулларини кўрсатди. **С.Чаплигин** катта тезликлар аэродинамикасига асос солди. Авиация техникасининг ривожланиши билан бир қаторда дунё олимлари аэродинамика ва самолётлар мустаҳкамлиги соҳасида назарий изланишлар ва тажрибалар ўтказдилар, самолёт ва ҳаво венти назарияси, самолётларнинг тезлиги ва учиш баландлиги устида ишладилар.

Константин Эдуардович Циолковский (1857-1933) - авиация, аэродинамика ва ракеталар динамикаси соҳасидаги рус олими ва ихтирочиси. 1897 йилда Россияда биринчи аэродинамик труба қурган. Кейинчалик дунёда биринчи бўлиб ракета назариясига ва суюқ ёнилғили ракета двигатели назариясига асос солган. Илмий ишлари 3 муаммога; метал аэростат (*дирижабль*)ни илмий асослаш (1885-92), аэропланнинг суйрилиги (*1894 йилда эълон қилинган*), сайёраларараро ракеталар (*1896 йилдан*)га бағишланган.

Учишда реактив ҳаракатдан фойдаланиш ғояси биринчи марта К.Циолковский томонидан 1883 йилда баён этилган. К.Циолковский 1903 йилда “Реактив асбоблар билан фазони тадқиқ этиш” асарида биринчи бўлиб ракета ҳаракати фазода ва тортишиш майдонида ўзгарувчан массали жисм ҳаракатига ўхшашлигини, сайёраларараро алоқада ракеталардан фойдаланиш мумкинлигини асослаб берди. 1929-йилда олим “Космик ракета поездлари” асарида босқичли ракета ҳаракати назариясини яратди. Ерга сунъий йўлдош бўладиган ракета масаласи билан биринчи бўлиб шуғулланди. Ердан ташқарида станциялар қуриш фикрини илгари сурди.

Сергей Владимирович Ильюшин (1894-1977) **—** рус авиаконструктори, академик, муҳандислик–техника хизмати генерал полковниги. 1931 йилда авиация конструкторлик бюросини тузиб, унга бошчилик қилган. Дастлаб икки моторли ЦКБ-26 (*ЦКБ-30, ЦКБ-30-ф*) жанговор самолётларда турли юклар билан юқорига кўтарилиш бўйича дунё рекордини ўрнатган. 1938-39 йилларда Москва–Владивосток, Москва–Миску (*АҚШ*) ороли бўйлаб қўнмай учган. С.Ильюшин бошчилигида конструкторлик бюросида бомбардимончи Ил-4, штурмчи Ил-2 (1939), Ил-8, Ил-10 (1943), реактив бомбардимончи Ил-28 (1948) ва штурмчи Ил-40 (1953) ҳамда Ил-12 (1946), Ил-14 (1951), Ил-18 (1557), Ил-62

(1962), Ил-86 йўловчилар самолётларини яратилган. С.Ильюшин йўловчи ва ҳарбий самолётлар яратиш билан бирга самолётсозликда ўз мактабига ҳам асос солган.

Сергей Павлович Королёв (1906-1966) **—** ракета-космик системалари бўйича рус олими, конструктор, академик. Космик фазони ўзлаштириш тарихидаги дастлабки ютуқлар С.Королёв номи билан боғлиқ. С.Королёв раҳбарлигида 1933 йилда суюқ ёқилғили биринчи ракета "ГИРД-09" учирилган. С.Королёв сериялаб ишлаб чиқариладиган ҳарбий самолётларга суюқ ёнилғили ракета тезлаткичлари ўрнатиш масаласи билан шуғулланган.

С.Королёвнинг кейинги илмий фаолияти қудратли ракета системалари яратишга қаратилган, унинг раҳбарлигида баллистик ва геофизик ракеталар, элтувчи ракеталар, бортида космонавтлари бўлган "Восток" ва "Восход" космик кемалари, Ер ва Ой сунъий йўлдошлари яратилган. Ой, Венера ва Марсга учирилган автоматик станциялар, "Электрон", "Молния-1", "Космос", "Зонд" сериясидаги сунъий йўлдошлар ҳам С.Королёв раҳбарлигида ишлаб чиқилган.

Андрей Николаевич Туполев (1888-1972) **—** рус авиаконструктори. Унинг раҳбарлигида 100 дан ортиқ типдаги ҳарбий ва фуқаролар самолётлари, шу жумладан, АНТ-25, ТУ-104 самолётлари (биринчи реактив фуқаро самолёти), ТУ-114, ТУ-144 (*товушдан тез учар фуқаролар самолёти*) яратилган.

1955 йил А.Туполев раҳбарлигида Ту-104 реактив самолёти қурилди. Бу самолёт соатига 800 километр тезлик билан 8000-10000 метр баландликда 3000 километр масофани қўнмай учиб ўта олган. 1958 йилда АҚШда биринчи "Боинг -707-120" реактив самолёти қурилди. 120 йўловчига мўлжалланган бу самолётнинг учиш тезлиги 845 км/соат, учиш баландлиги 11 километр, учиш узоқлиги 6000 километр эди.

Реактив самолётларнинг тежамсизлиги туфайли турбовинтли двигател ўрнатилган самолётлар ишлаб чиқаришга ўтилди. 1952 йилда инглиз конструкторлари ана шундай конструкцияли "Бристол-175" (*Британия*")

самолётини яратдилар. 1959 йилда “Электра” (*АҚШ*) самолёти, сўнгра С.В.Ильюшиннинг 186-ўринли ИЛ-62 йўловчи самолёти, 350 ўринли ИЛ-86 аэробуси ихтиро қилинди.

1966 йилда Франция, Германия, Англия, Нидерландия ва Испаниядаги авиация фирмалари биргаликда Европада янги “Эйрбас Индастри” концернини тузди. Шу йили АҚШдаги “Локхид”, “Боинг”, “Дуглас” фирмалари кенг фюзеляжли самолётлар — аэробуслар яратишга киришди. Шундан сўнг, АҚШдаги фирмалар L-1011 “Тристер”, “Боинг-747” ва ДС-10 аэробусларини, Эйрбас Индастри концерни эса А-300 самолётларини кўплаб ишлаб чиқара бошлади. 500 йўловчига мўлжалланган “Боинг-747” самолётининг учиш тезлиги 935 км/соат, учиш узоқлиги 10000 километрдан ортиқ. Кейинги йилларда бу самолётларнинг бир неча замонавийлаштирилган моделлари ишлаб чиқарилди. А-300 самолётлари 280-345 йўловчига мўлжалланган икки двигателли, учиш тезлиги 917 км/соат, учиш узоқлиги 2600-3900 километр. Кейинчалик “Боинг-747” аэробус билан рақобатлашадиган А-310, А-330, А-340 ишлаб чиқарилди.

Кўп мамлакатларда 1960 йил охирларидан бошлаб товушдан тез учар самолётлар яратиш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Россияда ТУ-144, Англия ва Франция ҳамкорлигида “Конкорд” самолётлари яратилди. Булар соатига 2500-3000 километр тезлик билан бир неча минг километр масофага қўнмай уча олади. Ҳарбий самолётлар 30 километр баландликда 10000 километр масофага қўнмай учади.

Телевидение-фан, техника ва маданиятнинг кўринадиган ахборотлар (*ҳаракатланувчи тасвирлар*)ни радиоэлектрон воситалар ёрдамида муайян масофага узатиш билан боғлиқ соҳаси; ахборотларни тарқатиш воситаларидан инсоният ўзи яшаб турган жойдан узоқдаги нарсаларни ва воқеаларни кўриш истаги билан ҳамиша банд бўлиб келган. Бу истак кўп халқларнинг афсона ва эртакларида ўз аксини топган. Масалан, Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида бу истакни бадиий шаклда акс эттирган (*Чин подшоҳининг ўғлиФарҳод арман қизи Ширинниng жамолини кўзгуда кўриб, ошиқ бўлиб*

қолади). Халқларнинг бу истаги, асосан, электроника “сеҳрли кўзгу” (*“ойнаи жаҳон”)*га айланган XX асрда рўёбга чиқди.

Телевидение тасвир элементларини кетма-кет узатиш (*XIX аср охирида португал олими А. ди-Пайва ва ундан мустақил равишда рус олими П.И.Бахметов томонидан илгари сурилган*) тамойилига асосланган. XX-асрнинг 30 йилларига қадар тасвирларни анализ ва синтез қилишда оптик-механик қурилмалардан фойдаланилган (*уларни ишлаб чиқишни немис муҳандиси Н.Г.Нипков 1884 йил бошлаб берган*).

30 йиллар ўрталаридан бошлаб дастлабки электрон телевидение тизими пайдо бўлди. Инсон кўзи узатилган телевизон тасвирларни қабул қилувчи охирги бўғин ҳисобланган учун телевизион тизимлар кўзнинг кўриш жараёнларини ҳисобга олиб кўрилган, яъни телевидение кўз хусусиятларига асосланган. Бунда колбачалар ва таёқчалар ўрнида фотоэлементлар ишлатилган. Агар объектив орқали бирор объектнинг тасвири фотоэлементлардан ташкил топган панелга туширилса, тасвирнинг алоҳида элементларидан келаётган ёруғлик интенсивлигига монанд электр сигналлари олинади.

Телевидение тараққиётида ички фотоэффектни очган (1873) **У.Смит** (АҚШ)нинг, ташқи фотоэффектнинг асосий қонуниятларини белгилаб берган. (1888) **А.Г.Столетов**нинг, радиоалоқани ихтиро қилган (1895). **А.С.Попов**нинг, “катод телескоп” тизимини ишлаб чиққан (1907) ва шу тизим бўйича лаборатория шароитида биринчи марта электрон телевизион узатишни амалга оширган (1911) **Б.Л.Розингнинг** хизматлари катта.

1927 йилдан АҚШ ва Англияда телевизион аппаратлар яратилди. 1928 йилда ўзбекистонлик ихтирочилар Б.П.Грабовский ва И.Ф.Белянскийлар электрон-нур ёрдамида ҳаракатдаги тасвирни бир жойдан иккинчи жойга узатадиган ва қабул қиладиган “радиотелефот”ни яратдилар. Телеведение электрон тизимлари амалда 1920-40 йилларда ишлаб чиқилган асбоблардан фойдаланишга асосланган.

XX аср илм-фани, техникасининг яна бир муҳим ютуғи шундаки, сўнгги ўн йиллар давомида Осиёда, хусусан, Хитой, Япония, Хиндистон сингари давлатларнинг илмий салоҳияти тез юксалмоқда. Масалан, Япониянинг электроника, радиотехника, информатика, робот техникаси, тиббиёт, сейсмология, кибернетика ва бошқа соҳалардаги ютуқлари **“Япония мўжизаси”**нинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтганда жаҳон фани ва техникаси ҳамон изланишда, олға томон ҳаракатда. Ернинг устки ва остки қатламларини, дарёлар, кўллар, денгизлар ва океанлар қаърини, Арктика, Антрактида музликларини, осмон жисмлари, коинот сирларини тадқиқ қилиш ва очиш, улардан амалий хулосалар чиқариш ҳозирги замон фанининг диққат марказида турибди. Илм-фан соҳасидаги мислсиз кашфиётлар ва ихтиролар давомида XX-аср ўрталарига келиб жаҳонда чинакам фан-техника инқилоби юз берди. Бунинг натижасида фан-техника ютуқлари инсоният ҳаётининг деярли барча жабҳаларига изчил кириб борди.

9.2. Адабиёт, театр, кино ва оммавий маданият

Адабиёт ҳамма замонларда бўлгани каби янги тарихий шароитларда ҳам мураккаб давр вазифаларини, муаммолари билан боғлиқ ҳолда инсонлар ҳаёти, қисматини, уларнинг ички руҳий кечинмалари, орзу-армонлари ва интилишларини ёркин бадиий бўёқларда акс эттириш, равшан қиёфалар тимсолини яратишда давом этди. Катта ижтимоий жараёнлар, умуминсоний муаммоларни кўтариш, маънавий қадриятларни инсонлар тақдирида тўлақонли ёритишга интилиш, жамиятдаги ёвуз кучларни фош этиб, уларга нафрат уйғотиш, илғор, тараққийпарвар сўз санъаткорлари ижодининг асосий бош мазмунига айланиб борди. Буни ўз ёркин ижоди билан миллионлар меҳрини қозонган, адабий жараёнларнинг олдинги сафида борган асрнинг кўплаб таниқли адиблари мисолида кўриш мумкин.

Жумладан, XX аср ижодкорлари А.Барбюс, Р.Роллан, Л.Арагон (*Франция*), М.Шолохов, А.Солженицин, С.Есенин (*Россия*), Б.Шоу (*Англия*), Т.Драйзер, Ж.Лондон, Э.Хемингуэй (*АҚШ*), Г.Манн, Т.Манн (*Германия*),

П.Неруда (*Чили*), Ж.Амаду (*Бразилия*), Р.Тагор (*Ҳиндистон*), А.Маравиа (*Италия*), Ч.Айтматов (*Қирғизистон*),Р.Ҳамзатов (*Доғистон*) ва бошқалар ижоди инсонпарварлик руҳи билан суғорилгандир.

Анри Барбюс (1873-1935) **—** француз ёзувчиси, жамоат арбоби. Илк "Йиғловчи аёллар" (1895) шеърий тўплами, "Ёлборувчилар" (1903), "Дўзах" (1908) романларида ижтимоий тенгсизлик, халқнинг ночор ҳаёти акс эттирилган. Буларда модернизм (*франц.- энг янги, замонавий. XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг 50-60 йилларида Европа, АҚШ адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ва йўналишларнинг умумий номи*) таъсири сезилади. Биринчи жаҳон уруши унинг ижодида бурилиш ясади.

Модернистик кайфиятдан қочиб, реалистик ижод йўлига ўтди. "Ўт" (1916), "Ёришув" (1919) романларида ўзи иштирок этган биринчи жаҳон уруши вақтидаги омманинг кайфияти ифодаланган. "Халқлар" (1925) романи, "Куч" (1925), "Жаллодлар" (1926), "Ҳодисалар", "Ҳаққоний қиссалар", (1928) ва бошқа повест, ҳикоя ва очерклар тўпламида даврнинг муҳим ижтимоий воқеалари акс эттирилган.

А.Барбюс умрининг охирларида инқилоб дунёни зулм занжиридан озод қила олмаганлигини, аксинча, янги зулм пайдо қилишини тушуниб етди. А.Барбюс халқаро милитаризмга қарши маданият арбоблари жамияти "Кларте" ташкилотчиси (1919).

Ромен Роллан (1866-1944) – француз ёзувчиси, мусиқашунос, жамоат арбоби. Тарихий мавзудаги "Эътиқод фожиаси" номи билан умумлашган 3 пьесасида ўз ватандошларини эътиқод, мардлик ва ишончга даъват қилган. Р.Ролланнинг У.Шекспир руҳида ёзган икки тарихий пьесаси (30-йиллардан сўнг ёзилган) учинчиси **—** "Робеспьер" билан якун топган. "Жан-Кристоф" (1-10 жилдлар, 1904-12) роман-эпопеясида Л.Бетховен типидаги даҳо мусиқачининг тарихи XX аср бошларидаги Европа маданияти инқирозининг реалистик картинаси фонида кўрсатилган.

Р.Ролланнинг кейинги ижтимоий-сиёсий қарашлари "Мафтункор қалб" роман-эпопеяси (1922-33)да акс этган. Л.Бетховен (1903), Микеланжело (1907),

Л.Н.Толстой (1911), М.Ганди (1923) каби буюк кишиларнинг бадиий биографиясини ёзган. 1915 йилда Нобель мукофоти совриндори бўлган.

Машҳур америка ёзувчиси **Эрнест Хемингуэй** (1899-1961) нинг “Алвидо қурол” (1929) романида урушнинг бемисл мантиқсизликлари, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркига тажовуз, айни пайтда, инсоний мардлик, қадр-қиммат ва муҳаббатнинг ҳар қандай кучлардан устунлиги ёрқин ифодаланган.

1930 йилларнинг биринчи ярмида Э.Хемуингуэй ижодида тушкунликни кузатиш мумкин. Шу даврда ёзувчи ҳаёт йўлини қайта мулоҳаза қилиб кўришга, ўз ижодининг муайян йўналишларини аниқлашга интилди. Натижада “Пешиндан кейинги ўлим” (1932), “Африканинг яшил тепаликлари” (1935), “Ғолибга байроқ берилмайди”(1933) ҳикоялари дунё юзини кўрди. “Ҳўкизнинг шоҳи”, “Френсис Макомбернинг бахти”, “Килиманжаро қорлари” (1936) ҳикоялари, “Тўқчилик ва йўқчилик” (1937) романида Э.Хемингуэйнинг ижодий юксалиши кўзга ташланди. Унинг асарларида таҳлилий, қиёсий мулоҳаза ва мушоҳадалар асосий ўрин эгаллайди. У ҳар қандай урушни қоралайди, шу туфайли инсоният азоб чекаётганига эътибор қаратади. Инсон ҳуқуқлари йўлида, озодлик курашида ёлғиз майдонга тушишнинг ҳаракати қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишини оддий кишилар образи орқали ифодалайди.

Э.Хемингуэй 1931-39 йиллари Испания халқининг миллий озодлик курашида ҳарбий мухбир сифатида қатнашади. Шу йилларда унинг бир неча очерк ва репортажлари, “Мотам қўнғироғи” (1940) романи чоп этилади. Бу асарлардаги қаҳрамонлар халқ озодлиги йўлида фашизмга қарши курашадилар, инсоният тақдири учун ўзларининг масъул эканликларини қалбан ҳис этадилар, кишилар билан бирга изтиробга тушадилар, хавф-хатардан қутилиш чораларини излайдилар. Э.Хемингуэй инсоннинг руҳий холатини тадқиқ этиш билан жамиятдаги мавжуд вазиятни очиб беришга қодир ижод қилди.

Бадиий жиҳатдан анча юксак бўлган “Дарёнинг нарёғида, дарахтлар соясида” (1950) романи, “Чол ва денгиз” (1952) қиссаси Э.Хемингуэйга катта шухрат келтирди. Э.Хемингуэй XX асрда ўзига хос диалогик холислик

услубида ёзди. Кейинчалик Америка қитъасидан етишиб чиққан ёзувчилар бу услубга тез-тез мурожаат қиладиган бўлишди. У 1954 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Яна бир америка реалист ёзувчиси **Теодор Драйзер** (1871-1945) **—** қаламига мансуб “Бахти қаро Керри” (1900) ва “Женни Герхардт” (1911) романларида оддий қизлар тақдиридаги ижтимоий-ахлоқий масалалар тасвирланган. “Истак трилогияси” (*“Молиячи”, 1912; “Титан”, 1914; “Матонат”, (1947*) юлғичликнинг фойдасизлигини тушуниб етган молиячи ҳақида. “Даҳо” (1915) ва “Америка фожиаси” (1925) романларида пулнинг санъат устидан фожиали ҳукмронлиги ва қандай йўл билан бўлмасин, ижтимоий ютуққа эришишга интилган “ўрта ҳол” йигитнинг маънавий ҳалокати ҳикоя қилинади.

“Таянч” (1946) романи, “Йигирма эркак” (1919), “Катта шаҳар ранглари” (1923) “Занжирлар” (1927), “Аёллар галереяси” (1929) новеллалари бошқа публицистик тўпламлари нашр этилган. Т.Драйзер Амстердамда ўтказилган тинчлик ва маданиятни сақлаш бўйича конгресс ташкилотчиларидан бири (1932). Т.Драйзер ўз ижодида реализм билан натурализм тамойилларини бирлаштирган.

Жек Лондон (1876-1911) **—** Америка ёзувчиси. Унинг кўпгина ҳикоя тўпламлари, қатор қисса ва романлари шимолдаги олтин изловчилар ҳаёти мавзуида ёзилган (“Бўри боласи”, 1900; “Изғирин болалари” 1902); “Қор қизи”, 1902, “Ҳаёт учқуни”, 1907, “Шимолий Одиссея”, 1910, “Инсонга ишонч”, 1914, “Қадим денгизчилардек”, 1917, “Олтин давра”, 1905 ва бошқа саргузаш асарлар муаллифи.

“Олис ўлкада” (1899), “Аёл мардлиги” (1900), “Гулхан ёқиш” (1910), “Қиш ҳақида қисса” (1904) асарларида табиат билан уйғунлашиб кетган меҳнатсевар ҳиндуларнинг ўзига хос ҳаётини тасвирлагди. “Ёввойи куч” (1905), “Оқ сўйлоқтиш” (1906) асарлари ҳайвонот олами ҳақида. “Денгиз бўриси” (1904), “Мартин Иден” (1909), “Уч қалб” романлари машҳур.

Жек Лондоннинг ижодида Г.Спенсер, Ф.Ницше фалсафий таълимотларининг таъсири сезилади. “Мартин Иден” роман–биографиясида бош қаҳрамоннинг паймонаси тўлган чоғда ҳам “яшашга иштиёқи”ни акс эттирган. Унинг индивидуализм таъсирида ёзилган мазкур романида ғарбча “баркамол инсон” яъни “супермен” назарияси ҳам илгари сурилган.

Робиндранат Тагор (1861-1941) **—** ҳинд ёзувчиси, жамоат арбоби. “Табиат интиқоми” (1883) пьесаси, “Тонгги қўшиқлар” (1883), “Суратлар ва қўшиқлар” (1884) шеърий тўпламларида пок муҳаббат улуғланган. “Бибҳа соҳили” (1883) ва “Донишманд рожа” (1886) тарихий романларида зулм ва адолатсизлик қораланган. Унинг “Читра” (1896), “Лаҳза” (1900) шеърий тўпламлари, “Ража ва Раний” (1889), “Қурбонлик” (1890), “Малини” (1895) фалсафий драмалари ва “Ҳисоблар” (1891), “Жазо” (1893), “Нур ва соялар” (1894) каби ҳикояларида ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши кураши тасвирланган.

“Гора” романи (1907-10), “Қасос” (1903) драмаси ва “Почта” (1912), “Консерватизм қалъаси” (1912) пьесаларида Ҳиндистондаги барча миллат вакилларини, улар қайси табақа ва диний мазҳабдан бўлишидан қатъий назар, озодлик учун курашда ягона иттифоққа бирлашишга даъват этади. “Гитанжали” (*“Бахшида қўшиқлар”, 1910*) шеърий тўплами учун унга 1913 йилда Нобель мукофоти берилган.

Жоржи Амаду (1912) **—** бразилия ёзувчиси. “Карнавал мамлакати” (1931) номли илк романида шаҳар зиёлилари ва мулкдорлари ҳаётидаги салбий ҳодисаларни ҳажв қилса, “Какао” (1931), “Тер” (1933) романларида батраклар ва ишчилар ҳаёти ҳикоя қилинади. “Жубиаба” (1935) романида ирқчиликка қарши чиқди.

Бразилия халқининг эрк ва адолат учун курашини ёритувчи “Луис Карлос Престес ҳаёти”, (1942), “Чексиз далалар” (1943), “Олтин мевалар даласи” (1944) романлари Бразилия деҳқонлари ҳаётига бағишланган. “Қизил куртаклар” (1946) романида реализм кучли. “Кекса денгизчилар” (1961) номли икки қиссасида Бразилия халқининг ўзига хос хусусияти кўрсатилган. Ж.Амаду

Лотин Америкаси адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг асарлари дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган, йирик гуманист ёзувчи сифатида ном қозонган.

Чингиз Тўрақулович Айтматов (1928) — қирғиз ёзувчиси, давлат ва жамоат арбоби, дипломат. “Жамила” (1958), “Сарвқомат дилбарим” (1961), “Бўтакўз”, “Биринчи муаллим” (1962), “Момо ер”, “Самон йўли” (1963), “Алвидо, эй Гулсари” (1966) каби қиссаларида муҳаббат мавзуи катта эҳтирос билан тараннум этилган. Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” (1970) қиссасида инсоний гўзаллик, эзгулик ва ҳаёт зиддиятлари, экологик муаммолар теран тадқиқ этилади.

“Асрга татигулик кун” (1980), ”Қиёмат” (1986), “Кассандра тамғаси” (1990) романларида замонамизнинг умуминсоний тамойиллари, она сайёрамизнинг тақдири, кучли фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий муаммолар кўтарилган. Ўтмишини унутган, ҳиссиз, ҳамма нарсага лоқайд, итоат-у, буйруқни бажаришдан бошқа нарсани билмайдиган, туйғу, нозик ҳиссиётлари сўнган манқурт образи тасвири Ч.Айтматов ижодининг муҳим қирраларидан бири бўлди.

Расул Ҳамзатович Ҳамзатов (1923-2003)-авар шоири. “Илхомбахш муҳаббат, оловли нафрат” (1943), “Бизнинг тоғлар”(1947), “Менинг юртим” (1948), “Тоғлик ўлкаси”, “Туғилган йилим” (1950), “Катта оға шаънига” (1952), “Доғистон баҳори” (1955), “Қалбим менинг тоғларда” (1959), “Юксак юлдузлар” (1962), “Юлдуз юлдуз билан сўзлашар” (1964), “Йиллар ортидан йиллар” (1968), “Муҳаббатнома” (1974) ва бошқа шеърий китоблар муаллифи.

Р.Ҳамзатов ижоди Шарқ ва Ғарб шеърияти анъаналари ўзаро туташган нуқтада пайдо бўлган бетакрор ҳодисадир. Унинг Шарқ таровати билан йўғрилган ва тоғли ўлка кишиларининг ўзига хос руҳий оламини акс эттирган шеърлари 50 йилларда миллийлиги, самимийлиги, лирик ҳис ва туйғуларнинг бокиралиги билан китобхонлар ва танқидчилар эътиборини қозонган. Р.Ҳамзатов шеърларининг лирик қаҳрамони кишилардаги яхши фазилатларни қадрлай олувчи, ўзи ҳам бошқалардан меҳр-муҳаббатини аямайдиган, катта

ҳаётий тажрибага эга бўлган, руҳий олами бой ва гўзал инсондир. Р.Ҳамзатов шеърларида ана шу лирик қаҳрамон қалбининг таманнолари ёрқин ифода этилган.

Р.Ҳамзатов ўз табиатига кўра, лирик шоир. Унинг "Отам билан суҳбат" (1953), "Тоғ қизи" (1958), "Оналарни асранг" (1978) каби баркамол достонлари ҳам машҳур. Унинг ҳаёт ва адабиёт, она ватан ва замондошлар ҳақидаги "Менинг Доғистоним" (*1-2 китоблар, 1967-71*) лирик қиссаси 60 йилларнинг иккинчи ярмида қардош халқлар адабиётида сохта ватанпарварлик ғоялари ўрнига миллий ғоя ва миллий ғурур туйғусининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Сергей Александрович Есенин (1895-1925) **—** рус лирик шоири. Илк шеърий тўплами "Радуница" (1916) даёқ қалб ҳолатларини нозик туйғуларда беришни, табиат билан боғлиқ руҳий кечинмаларни ифодалашнинг устаси, қишлоқ ҳаёти, халқ тили ва қалбининг билимдони эканлигини намойиш этган. 1919-22 йилларда С.Есенин **имажинист** (*ижоднинг мақсадини асарнинг мазмунига мос келиши шарт бўлмаган образларни ўйлаб топишда деб тушунувчи*)лар гуруҳида бўлган. "Москва майхоналари" (1924) ва бошқа туркум шеърларида "Қора одам" достонида шаҳар ҳаётининг ярамас томонлари, қишлоқни хонавайрон қилаётган "тараққиёт" ҳаққоний акс эттирилган. С.Есенин "Анна Снегина" (1925) достони ҳамда "Шўро Руси", "Замин дарғаси" (1925) тўпламларида "коммуна оёққа турғизаётган Рус"ни англашга ҳаракат қилса ҳам, ўзини "ўтмишга айланаётган Рус"нинг шоири деб билди.

"Форс тароналари" шеърлар туркуми (1924-25) Хофиз, Саъдий, Ҳайём каби Шарқ ижодкорларига чексиз ҳурмат-эҳтиром маҳсули сифатида дунёга келган. "Жар" (1916) қиссаси, "Темир Миргород" очеркида С.Есенин насрий имкониятларини намойиш этди. С.Есенин 1921 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлган.

Александр Исаевич Солженицин (1918-1995) **—** рус ёзувчиси, драматург ва шоир. 1945 йилда аксилшўровий ташвиқотда айбланиб ҳибсга

олинган, 8 йил қамоқда бўлгач, кейин Сибирга сургун қилинган. Москва, Марфино, Қозоғистоннинг сиёсий маҳбуслар қамоқхоналарида сақланган.

“Иван Денисовичнинг бир куни” қиссаси қамоқда ўтирган кишининг бир куни ҳақида ҳикоя қилади. Асар совет адабиётида катта воқеа бўлган. Аммо кўп ўтмай А.Солженицин яна таъқибга олинган, асарлари қатағон қилинган. Шунга қарамай, 1968 йил А.Солженициннинг чет элда “Биринчи айланада”, “Саратон касалликлари бўлими” романлари босилган. Ушбу романлардан сўнг А.Солженицинни таъқиб қилиш яна ҳам кучайган. Чет элда босилган иккала роман автобиографик характерга эга бўлиб, биринчиси Марфинодаги қамоқхона, иккинчиси - ўзи саратондан даволанган Тошкент касалхонасида кечган воқеаларга бағишланган.

Таржимаи ҳоли асосидаги “Бузоқча болут билан сузишади” (1975-91) асарида 1960-70 йиллар бошида собиқ СССРда унинг асарлари нашр этилиши билан боғлиқ можаролар тасвирланган. 1973-йил давлат ҳавфсизлик комитети томонидан “ГУЛАГ архипелаги” асарининг қўлёзмалари мусодара қилинган. Ёзувчи асарни қайта тиклаб, Парижда чоп эттирган (1973). Шундан кейин А.Солженицин қамоққа олинган, давлатга ҳиёнатда айбланиб, мамлакатдан чиқариб юборилган. А.Солженицин 1976-1994 йилларда АҚШда яшаган. 1994 йилда ватанига қайтган. 1970 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган.

XX аср санъати, унинг турли-туман жанрлари, йўналишлари тўғрисида тўхталар эканмиз, шу даврга келиб бадиий тафаккур ва санъатнинг ривожи учун беҳад кенг имкониятлар очилганлигини кўрамиз. Аввало, коммуникация воситаларининг бойиши, радио ва телевидениенинг ҳаётга кириб келиши, кинонинг кашф этилиши ҳамда киноиндустриянинг муттасил тараққий этиши, фотографиянинг ихтиро этилиши, овоз созловчи ва овоз кучайтириш воситаларининг яратилиб, мукаммалашиб бориши — булар пировард оқибатда санъат ва унинг кўп сонли жанрлари ривожига чинакам янги нафас бағишлади, уларнинг кўрсатув, эшиттирув ва узатув воситаларини янада кучайтириб юборди.

Мазкур ўзгаришлар силсиласида театр санъати ҳам ривожлана борди. Рус театрининг фахри бўлган К.Станиславский, В.Немирович–Данченко, Любовь Орлова, Нона Гондурева, Людмила Зикина, Галина Уланова, Мая Плисецкая, София Ротару, Миланнинг “Ла-Скала” театри юлдузлари — Мария Колос, Монсеррат Каболье, София Лорен ва бошқаларнинг ижрочилик маҳорати ҳақли равишда театр санъатининг буюк ютуқлари бўлиб қолди.

Лондонда “Олд Вик” театри, Стратфордда У.Шекспир ёдгорлик театри (*1961йилдан қироллик театри*), “Мустақил театр” фаолият кўрсатган. Ижрочиликда табиийлик, саҳнавий ансамбль учун, У.Шекспир ижодини тиклаш учун кураш бошланди. Буюк Британия театрида саҳна реализми “корт” театри фаолиятида қарор топди. Унда Б.Шоу ва Г.Ибсеннинг реалистик пьесалари қўйилди. XX асрнинг 30-40 йилларида театр репертуари Б.Пристли асарлари билан бойиди. Ж.Осборннинг “Нафратлансанг, орқага қайрилиб қара” пьесаси (1956), “Жаҳлдор йигитлар” драматургиясини бошлаб берди.

1963 йилда Лондонда Миллий театр очилди. Артистлар П.Скофилд, Л.Оливье, В.Ли, Д.А.Хилгут, Р.Ричардсон, режиссерлар П.Брук, П.Холл, Ж.Литлвуд Буюк Британия театрининг атоқли намояндалари ҳисобланди. Францияда 1926 йил тўрт буюк режиссёр: Г.Бати, Ш.Дюллен, Л.Жува ва Ж.Питолар иттифоқи “Картел” тузилди. Улар кўпроқ классикага — Мольер, Шекспир, Чехов, Шоу, Пиранделло, Клодел, Дюамел, Ромен, Жироду, Ануя, Салакру асарларига мурожаат этишди. Илғор жамоатчилик Франциянинг қадимий театрларидан бўлган “Комеди франсез”ни қўллаб-қувватлади. Унда йирик актёр ва режиссёрлардан Ж.Л.Барро, М.Рено, П.Дюкс, Ж.Русийон ва бошқалар етишиб чиққан. 1954 йил ташкил этилган “Халқлар театри”да халқаро театр фестиваллари ўтказилади.

Театр ва мусиқа санъати равнақига жиддий ҳисса қўшган машҳур бастакорлар; Константин Станиславский (1863-1938), Сергей Рахманинов (1873-1943), Сергей Прокофьев (1891-1953), Дмитрий Шостакович (1906-1975), Арам Хачатурян (1903-1978), Георгий Свиридов (1915-1998) ва бошқалар ижоди алоҳида ўрин тутади.

Д.Шостакович композиторлик ижодиётининг деярли барча жанрларини қамраб, симфоник мусиқа, вокал мусиқа, мусиқали театр, камер мусиқа соҳаларида жаҳоншумул аҳамиятга молик асарлар яратган. Хусусан, 15-симфонияси (1925-71), “Бурун” (1930) ва “Катерина Измайлова” (1934, 2-тахрири 1956) опералари, 15 квартети (1938-74), скрипка (1968), алът (1975), виолончель (1934) сонаталари, чолғу концертлари (1933-67), 24 прелюдия ва фугаси (1951) кабилар.

Муаллиф Пушкин, Блок, Бёрнс, Шекспир, Микеланжело ва бошқаларнинг шеърларига яратган қўшиқ ва романслари, 30 га яқин кинофильм (*Максим ҳақида трилогияси, 1935-39; “Ёш гвардия”, 1948; “Сўна”, 1955; ва, айниқса, “”Ҳамлет” 1964; “Қирол Лир”, (1971*) ларга ёзилган мусиқалари билан мазкур жанрларнинг ХХ асрдаги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган. Теран драматизм, фожиавийлик билан суғорилган, айни пайтда нозик лирика, ўткир юмор ва киноя бой Д.Шостакович асарларида чуқур, ҳаётан муҳим ғоявий концепциялар, инсон кечинмаларининг мураккаб олами, унинг орзу-умидлари, ёруғлик ва камолотга интилишлари, ўзининг бадиий етук ифодасини топган.

Константин Сергеевич Станиславский театр назариётчиси. Рус театрининг йирик ислоҳотчиси. 1898 йил (В.Немирович–Данченко билан) Москва бадиий академик театрига асос солган. Театр ижодий фаолиятини бошлаб бериши билан саҳна реализми ривожланиш босқичини ҳам бошлаб, жаҳон театрига катта таъсир этди. А.Чехов,М.Горький пьесаларини саҳаналаштириб, К.Станиславский ва В.Немирович–Данченко режиссёрлик ва актёрлик санъатининг янги йўналишларини очди. К.Станиславвкий талқинида “Доктор Штокман” (*Г.Ибсен*) да Доктор Штокман, “Тубанликда” (*М.Горький*) Сатин, “Ваня тоға” (*А.Чехов*) да Астров, “Уч опа-сингил” (*А.Чехов*) да Вершинин, “Ақиллилик балоси” (А.*Грибоедов*) да Фамусов, “Ҳар тўкисда бир айб” (*А.Островский*)да Крутицкий каби роллари классик драматургия имкониятларини очишга ижтимоий теран ёндашиш намунаси бўлди.

1918 йилдан Катта театрнинг опера студиясини (*кейинчалик Станиславский номидаги опера театрини*) бошқарган. “Евгений Онегин” (*П.Чайковский*), “Шоҳ қаллиғи” (*Н.Римский Корсаков*) каби операларини саҳналаштирган.

Станиславский системаси рус ва жаҳон театр илғор анъаналари ҳамда Москва бадиий академик театри амалий фаолияти асосида, ижодкорнинг педагогик тажрибаси маҳсули сифатида юзага келган. Станиславский системасида биринчи марта ижодий жараённи онгли ўзлаштириш муаммоси ҳал қилинди, актёрнинг образга узвий кириш йўли текширилди. Театр санъатида реалистик йўналишнинг назарий асоси бўлиб, бу йўналиш “кечинма санъати” деб аталади.

Станиславский системаси саҳнада ҳиссиётни ташқи томондан кўрсатиб, актёр ижрочилигини касб-ҳунарга, қолипга айлантирувчи, актёр ижодига илҳомнинг ўзи етарли деб қаровчи санъатга қарши қаратилган. Саҳна ҳатти-ҳаракати хусусидаги таълимоти Станиславский системасининг асосини ташкил қилади. Станиславский диққатини асосий масала — театрда актёрнинг табиий, ижодий кайфияти ва саҳнавий образ яратиш масаласига қаратилиб, ўз системасини икки қисмга: актёрнинг ўз устида ҳамда роль устида ички ва ташқи томондан ишлашга ажратади. Станиславский системаси актёр олдига қатор вазифа қўяди. Ана шу вазифалар орасида энг муҳими актёрнинг пьеса мазмунини тўлиқ тушуниши, тавсия этилган муҳитда ўзини унга мос ва уйғун ҳис эта билишидир.

Мазкур тамойилни амалга ошириш мақсадида К.Станиславский “жисмоний ҳаракат методи”, “қалб кўзи билан кўра билиш”, “ҳаракат таҳлили” ва “олий мақсад” қоидаларини ишлаб чиқди. Актёр ўз олдига “олий мақсад”, яъни аниқ ғоявий–ижодий ният қўйсагина, унинг ижоди бадиий етук ва таъсирли бўлади.

Кино санъати — киноматографиянинг техник воситалар асосида шаклланган бадиий ижод тури; эркин санъатнинг муҳим таркибий қисми; реал борлиқни айнан ёки бадиий — ҳужжатли образлар, мультипликация воситалари

ёрдамида суратга олиш; кинофильмларни омма орасида кенг тарқатиш учун хизмат қиладиган телевидение, видеокасета ва видеодискларни ҳам ўз ичига олади. Кино санъати киноматограф билан бир вақтда пайдо бўлди. Киноматограф эса фан ва техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда юзага келди ва аста-секин замонавий иқтисод, санъат ва маданиятнинг энг зарур соҳасига айланди.

Кино аппарати 1895 йил 28 декабрда Парижда ака-ука Льюмерлар томонидан ихтиро қилинган.Кино санъатида адабиёт, театр, тасвирий санъат ва мусиқа тажрибалари, унинг эстетик жиҳатлари уйғунлаштирилиб, сингдирилган ҳолда воқелик ўзига хос ифода воситасида фотографик тасвир орқали кўрсатилади. Кино санъатининг оммани ижтимоий-сиёсий ва маданий жиҳатдан тарбиялашда, кишилар онги, фикр ва қарашлари, эстетик дид ва хис-туйғулари, умуман, маънавий дунёсининг шаклланишида ғоявий-бадиий таъсири кучлидир.

Жаҳон кино юлдузларидан Раж Капур, Фотима Рашид (*Наргиз*), Дхармендра (*Ҳиндистон*); Любовь Орлова, Юрий Никулин, (*Россия*); Италиялик Андреоно Челентано, Софи Лорен; *Франциялик* Ален Делон, Жан Пол Белмондо, Пъер Ришар, *америкалик* Жайс Никольс, Арнольд Шварцнигер, Элизабет Тейлор, Грегори Пекка бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Кино санъати бўйича дастлабки асарлар (*хроникал сюжетли "Поезднинг келиши", "Болани эмизиш", "Шалаббо бўлган сув сепувчи" фильмлари*) 1895-йилда Париждаги Капуцинлар кўчасида намойиш этилган. Франция киносининг илк давридаги ривожи киноютуқларни суратга олиш ихтирочиси Ж.Мельес номи билан боғлиқ.

1930 йиллардан француз кино саноати овозли фильмлар чиқара бошлади. Франция кинематографиясининг ижтимоий йўналиши — Миллий фронт ҳаракати билан боғлиқ "Октябр" ва "Эркин кино" уюшмалари ташкил топди. Бу давр учун "Марсельеза". (*1938, режиссёр Р.Ренуар*), "Буюк сароб" (*1937, режисёр Р.Ренуар*), "Охирги миллиардер" сиёсий сатираси (*1934, режиссёр*

Д.Клер), “Аҳил компания” (*1936, режиссёр Ж.Дювивс*) каби фильмлар характерлидир.

Иккинчи жаҳон уруши ва нацистлар оккупацияси даврида француз кинематографлари кураш ва жасоратга чорловчи “Кечки меҳмонлар”, “Осмон сизларга тегишли” каби фильмларни яратдилар. “Райка болалари” фильми (1945) миллий маданиятнинг энг яхши гуманистик анъаналарини ўзида акс эттирган, фашизмга қарши руҳдаги фильм бўлди. Режиссёр Р.Клеманнинг “Рельслар устидаги жанг”фильми озод этилган Франциянинг биринчи картиналаридан ҳисобланади. Шу даврларда яратилган машҳур фильмлар: “Парма ибодатхонаси” (*1948, режиссёр Кристиан-Жак*), “Қизил ва қора” (*1954, режиссёр К.Отан-Лара*), “Тереза Ракен” (*1953, режиссёр М.Карне*), “Ўлимга маҳкум қилинган қочди” (*1956, режиссёр Р.Брессон*).

1946 йилдан Франциянинг Канн шаҳрида халқаро кинофестиваллар ўтказилади. 1976 йилда Американинг “Оскар” мукофотига ўхшаш “Сезар” миллий кино мукофоти таъсис этилган. 1970-90-йилларда режиссёрлар Ш.Такелл *(“Жиянлар”, 1975*), Д.Вин (*“Мартин Геррнинг қайтиши”, 1984*), Д.Кюри (*“Орамизда”, 1985*), К.Берри (*“Жан де Флоретт”, 1987*), Ж.Риветт (*“Мафтункор ёнғоқ дарахти” 1991*), Д.Варньер (*“Ҳинди-Хитой”, 1992*) ҳис-ҳаяжонли ҳамда анъанавий мавзуларда фильмлар яратишди.

1908 йилдан фильмларни суратга олишни бошлаган **Голливуд** (*Лос-Анжелес яқинида*) АҚШ кинематографияси маркази бўлиб қолди. Истеъдодли режиссёр Д.У.Гриффит яратган “Бобил”, “Миллатнинг туғилиши” (1915), “Чидаб бўлмаслик” (1916), “Синдирилган новдалар” (1919) каби тарихий фильмлар мустақил санъат йўналишнинг қалдирғочлари бўлди. Л.Гиш, Р.Бартелмес, М.Пикфорд, К.Марш ва бошқа кино санъати номоёндалари киноматография тарихида ўчмас из қолдирди.

20 йилларда “Шимолдан келган Нанук” (1922), “Жанубий денгизларнинг Моанаси” (1926), “Очкўзлик” (1924), “Улуғ намойиш” (1925) каби фильмлар яратилди. Овозсиз кино санъатида Ч.Чаплин, Г.Ллойд, Б.Китон, Р.Арбэкль, Ч.Конклин каби буюк артистлар– қизиқчилари етишиб чиқди.

“Ризқу-рўзимиз” (*режиссёр К.Видор, 1934*), “Мен сургундан қочганман” (*режиссёр Ле Рой, 1932*), “Ғазаб” (*режиссёр Ф.Ланг, 1935*), “Жин кўча” (1937) 30 йилларнинг энг яхши фильмларидандир. 50 йилларда Голливуд кўп серияли фильмлар чиқара бошлади: “Бен-Хур”, “Спартак”, “Клеопатра” “Нью-Йорк мактаби” деб аталган илғор мактаб киноматографчилари “Бауэрида” (1956), “Қайт, Африка” (1959), “Ўқрайган кўз”, “Соялар”, “Алоқачи” каби фильмларни яратдилар.

60 йиллардаги АҚШ кинофильмларининг энг яхшилари қаторига “Бонни ва Клайд” (*А.Пенн, 1966*), “Фавқулодда ҳодиса” (*С.Люмет, 1967*), “Жанубнинг диққинафас тунида” (*М.Николс, 1967*), “Битирувчи” саргузашт фильмлар киради. АҚШ киноактёрларидан Б.Ланкастер, С.Треси, М.Брандо, Ж.Фонда, Д.Хофман кино санъатининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

20 йиллардан кино ишлаб чиқариш **“Метро-Голдвин-Майер”, “Колумбия”, “Парамаунт”**каби асосий кинокомпаниялар ихтиёрида бўлди. АҚШда кино санъати ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари, жумладан, Кино санъати академияси (*1927 йилда асос солинган*) бор. У ҳар йили мамлакат ва чет элларда яратилган энг яхши фильмларга **“Оскар”** мукофотини беради.

Россияда “Ҳаётга йўлланма” номли биринчи овозли бадиий фильм (*режиссёр Н.Экк*) 1931 йил яратилди. Режиссёр С.М.Эйзенштейннинг “Александр Невский” ва “Иван Грозний” каби тарихий фильмлари ўзининг реаллиги, инсоний қисматларни ҳаққоний акс эттирганлиги билан жаҳон киноси олтин фондидан муносиб ўрин олган.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллар киноматографиясининг кўпчилик асарлари ватанпарварлик, фан-техника инқилоби, жумладан, космосни забт этиш мавзуларига бағишланди (*“У ватанни ҳимоя қилади”, режиссёр Ф.Эрмлер, “Турналар учмоқда”, режиссёр М.Калатозов, “Инсон тақдири”, режиссёр С.Бондарчук, “Оловнинг бўйсундирилиши”, режиссёр Д.Л.Храбровицкий*).

Мумтоз адабиёт асарларини эркинлаштириш доим катта муваффақият олиб келган. Жумладан, Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” (*1970, режиссёр*

Л.А.Кулижанов), М.Горькийнинг “Егор Буличев ва бошқалар” (*1973, режиссёр Ю.Соловьев),* М.Булгаковнинг “Қочиш” *(1971, режиссёр А.Алов, В.Наумов),* А.Чеховнинг “Дашт” (*1977, режиссёр С.Бондарчук*), А.Толстойнинг “Пётрнинг ёшлиги” (*1981, режиссёр С.Герасимов*) асарлари суратга олинди. Режиссёр В.Меньшовнинг “Москва кўз ёшларга ишонмайди” ва А.Миттанинг “Экипаж” фильмлари Россия кинематографиясида ижтимоий ва маънавий йўналишга эътибор кучайганидан дарак беради.

Италияда 1909-10 йилларда “Катилина”, “Макбет”, “Анита Гарибальди”, “Дон Карлос”, “Отелло”, “Беатриче ва Ченче” каби фильмлар экранларга чиқарилди. Италия киноси 1913 йилда юксак поғонага кўтарилди, унинг 497 фильми хорижий кино бозорини тўлдириб юборди. Бу даврда М.Казерини, Э.Банчивенга, Д.Ле Лигуоро, Э.Гуацциони, Л.Мажи, Б. Негрони, Д.Пастрне каби режиссёрлар ижод қилдилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Италия кино санъатида ҳақиқий воқеликни акс эттирадиган прогрессив йўналишидаги фильмлар яратила бошлади. Л.Висконти, Ж.Сантис, П.Жерми, Ч.Дзаветтини Италия халқининг фашизмга қарши курашини, оддий инсоннинг ҳаётини кинотасмаларда реал акс эттирдилар *(“Рим соат II”, “Зайтунлар остида тинчлик йўқ”, “Чочара”).*

1970-90 йиллардаги энг яхши фильмлардан “Пешайвон” (*режиссёр Э.Ско*ла), “Гўл кишининг фожиаси” (*режиссёр Б.Бертолуччи*), “Аёллар шаҳри” (*режиссёр Ф.Феллини*), “Уч оға-ини” (*режиссёр Ф.Рози*) ни кўрсатиш мумкин.

Англияда А.Корданинг 1932 йилда ташкил этган “Лондон фильмс” фирмаси маҳаллий ва чет эл кино арбоблари иштирокида бирмунча юқори савияли фильмлар яратди (*“Пигмалион”, режиссёр А.Асквит, “39 қадам”, режиссёр А.Хичкок*). Иккинчи жаҳон уруши йилларида яратилган фильмларда (*“Мағрур водий”, режиссёр П.Тенниссон, “Пастор Холл”, режиссёр Р.Боулитнинг, “Ёнғинлар бошланди”, режиссёр Х.Женнингс*) илғор тамойиллар кучайди.

Урушдан сўнг инглиз классиклари асарларини экранлаштириш авж олди. (“Хамлет” (1947), “Ричард III” (*режиссёр Л.Оливье*), “Оливер Твист” (*режиссёр*

Д.Лин). 1960-70 йилларга оид “Ўзига хос ишқ” (*режиссёр Ж.Шлезингер*), “Ёлғончи Билли”, “Спортчилар ҳаёти” (*режиссёр Л.Андерсон*), “Қандай садоқатли кун эди” (1972), “Байрам асносида” (1975) каби фильмларда халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттириш, мураккаб, зиддиятли характерлар яратишга интилиш сезилди. В.Ли, Гиннес, Д.Богард, Р.Харрис, А.Финни, П.Финч, Р.Ташингем инглиз киносининг машҳур артистлари қаторидан ўрин олдилар.

Туркияда кино санъати 1960 йиллардан кейин жуда ривожланиб борди. Режиссёрлар ижтимоий муаммоларни инсоннинг ўз қадр-қиммати, шаъни учун кураши мавзуини ёритдилар. Метин Эрксаннинг қишлоқ ҳаёти муаммоларини ёритган “Сувсиз ёз” (1964) фильми Берлин халқаро кинофестивалида бош совринга сазовор бўлди. 1970 йилларда етишган Йилмаз Гюней, Сурайё Дуру, Заки Тўктан, Шариф Гёрен каби режиссёрлар даврнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий муаммоларини акс эттирган кинофильмлар яратдилар.

И.Гюнейнинг “Ота” (1972), “Бетоқатлик” (1975) фильмлари эътибор қозонди. Туркон Ширай каби таниқли артистлар режиссёр И.Гюнйенинг “Пода” фильми (1978) Локарнодаги, режиссёр О.Қовурнинг “Юсуф ва Кенан” фильми (1980) Миландаги, режиссёрлар Ш.Гёрен ва Й.Гюнейнинг “Йўл” фильми (1981) Канндаги кинофестивалларда бош совринга эга бўлдилар.

Ҳиндистонда 1930 йилларда миллий-озодлик ҳаракатлари авж олган бир даврда илғор ижтимоий ғоялар билан суғорилган “Девдас” (*1935, режиссёр П.Баруат*), “Кутмаган эдилар” (1936), “Қўшнилар” (*1939, иккаласининг ҳам режиссёри В.Шантарам*) каби фильмлар яратилди. Халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттиргандан (“Ер фарзандлари”, (*1946, режиссёр Хўжа Аҳмад Аббос*), “Мазлумлар”, (*1949, режиссёр Н.Гҳош*), замоннинг муҳим ижтимоий масалаларига бағишланган “Дайди” (*1951, режиссёр Р.Капур*), “Икки бигҳа ер” (*1953, режиссёр Б.Рой*), “Йўлдош” (*1953, режиссёр Хўжа Аҳмад Аббос*) яратилди. Режиссёр С.Райнинг “Йўлдаги қўшиқ” (1955), “Енгилмаганлар” (1957), “Апулнинг дунёси” (1959)дан иборат кинотрилогияси жаҳон кино санъатида муҳим воқеа бўлди.

1970 йилларда режиссёр Я.Чопранинг “Шўла”, “Қаердадир, қачондир”, продюссер Р.Капурнинг “Бобби”, режиссёр Р.Реддининг “Дафн маросими” фильмлари экранга чиққан бўлса, 1980 йилларда режиссёр М.Кумарнинг “Инқилоб”, режиссёр А.Гопалакришнанинг “Юзма-юз”, режиссёр Г.Аравиндонинг “Оридад” фильмлари шухрат қозонди. 1990 йилларда режиссёр А.Чопранинг “Девонадир”, продюссер М.Кумарнинг “Бетоб”, “Ярадор” каби ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган фильмлар яратилди. Кино актёрлардан Б.Сахни, Д.Ананд, Д.Кумар, М.Кумари, Раж, Риши ва Каримша Капурлар, Д.Наргис, А.Баччан, Амирхон, Шохруххон, Салмонхон, Р.Мукержи, М.Дикшитлар машҳур.

1954 йилдан Бомбайда ҳар йили **Бутун Ҳиндистон кинофестивали** ўтказилади. Ҳинд кино санъати вакиллари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси малакатларининг Тошкентдаги кинофестивалларида фаол қатнашиб, кўплаб мукофотларни қўлга киритганлар. Ҳиндистонда йилига 1000 дан ортиқ фильм яратилади ва у жаҳонда яратилаётган фильмларининг 14%ни ташкил этади.

Умуман, ўтган асрнинг 20 йилларига келиб одамзоднинг афсонавий кино оламига рўбарў келиши, ундан баҳра олиб, ўз маънавий-руҳий ҳаётини бойитиб бориши том маънода катта тарихий воқеа бўлган. Кино ўзининг устувор мавқеини ҳамон сақлаган ҳолда одамларга олам-олам шавқу-завқ бериб келмоқда.

Оммавий ахборот воситалари - матбуот, кино, радио, телевидение, компъютер замонавий ижтимоий маданият жараёнида салмоқли ўринни эгаллай бошлади. Ахборот узатишдаги каналларнинг кўплиги, тезлиги ва узоқ ишлаш билан улкан ҳажмдаги маълумотларга эга бўлмоқда. XX аср ўрталарида тадқиқотларида оммавий коммуникация биринчи марта маданиятнинг ва кишиларнинг ижтимоий муносабатидаги мутлақо янги типи сифатида таърифланади. Бу восита инсонларнинг ахборот олишдаги рақобат курашида қудратли кучга айланди.

Оммавий ахборот воситалари электрон техника ва йўлдош алоқаларидан фойдаланиб, кишиларни ижтимоий ҳодисалар ва маданий бойликларни бир

вақтда идрок қилишга ундайди, ҳаммабоп ва омма ёқтирадиган янги дунёвий электрон маданияти шаклланди. Ҳақиқатдан ҳам замонавий маданият холисона таҳлил қилинса, маънавий маданият кўпроқ оммавийлик касб этиб бораётгани маълум бўлади. Миллати, ёши, жойи ижтимоий хусусиятларга боғлиқ бўлмаган оммавий истеъмолчиларга эга бўлади. Бу маданият намуналарини яратиш жараёнининг ўзи оммавий хусусият касб этиб, индустриянинг махсус кўринишини ўзида намоён қилади, яъни унда юз минглаб кишилар банд бўлиб, уларнинг "матбуот қироли", шоу томошабинлари, кино, телевидение, эстрада юлдузлари бўлади. Оммавий маданият кишиларни ҳаётни бефарқ кузатувчи томошаминга айлантиради, ўзлари ҳам мавжуд ҳаётни гуё сароб каби тасаввур қиладилар.

Оммавий маданият умумий истеъмолчилар эҳтиёжи билан боғлиқ. Бунинг асосида истеъмол учун талаб, товар сифатида харидоргир бўлиш эҳтиёжи ётади. Оқибатда ҳозирги замон маданиятидаги маънавий қадриятлар тор доирадаги эҳтиёжларни қондириш воситасига айланади. Маданиятнинг чуқур маъно-моҳияти, хотира чексизлиги "кундалик", "ҳаммабоп" хизматлар билан ижод аввалдан маълум, мавжуд намуна асосидаги "асарлар" яратиш ва ишлаб чиқариш билан алмашинади. Шахс ўзининг ижодий қобилияти, миллий руҳидан айрилиб, тайёр "маданий маҳсулотлар" истеъмолчисига айланиб қолади.

Бугунги глобаллашув жараёни иқтисодий-техник тараққиёт, бошқариш тизими, сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар, турмуш тарзигагина дахлдор ҳодиса эмас. Бу замонавий технология ускуналарига асосланган куч, гуруҳлар манфаати назаридан хилма-хил воситалар ёрдамида бошқа халқ ва мамлакатларга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатиш, мафкуравий устуворликка эришиш имконияти ҳамдир. Иқтисодий, молиявий "ёрдам", "демократия" ниқоби остида маъанвий-руҳий экспансия ("ҳужум") уюштириш, миллатларнинг мустақиллиги ва ўзлигига таҳдид кўрсатишга уринишлар бўлмоқда. Бу ҳол америкалик олим Френсис Фукияманинг "Ғарб тарихининг завол топиши" китобида, америкалик сиёсатчи Патрик Дж. Бьюкененнинг "Ғарб ҳалокати" асарида ҳам таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни эълон қилгач, жаҳон ҳамжамиятига жадаллик билан интеграциялаша бошлади. Натижада ҳамкорлик алоқалари кучайиб, барча соҳада, шу жумладан маданият ва маънавият соҳасида ҳам ҳаракат эркинлиги юзага келди. Бу эса ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаларида ўзига хос муаммолар пайдо бўлишига олиб келди. Зеро,

Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек: “Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “Оммавий маданият” ёприлиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидулизм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.”[1]

Ўзига хос бўлган бу “оммавий маданият”ни унинг генезиси ҳамда ҳозирги жамиятдаги ролини илмий тадқиқ этиш яна шунинг учун ҳам долзарбки, ёш давлатларда XX аср сўнгги ўн йиллигида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда жамият ҳаётининг кўп томонлари тижоратлашуви, айниқса, бадиий ва кундалик маданиятда тутуруқсиз, беъмани ахлоққа зид жиҳатлар боғоят кучайиб боришини рағбатлантиради. Кўпинча анъанавий маданиятларга хос ахлоқий меъёрларга беписандлик билан муносабатда бўладиган ҳамда қадрини туширадиган оммавий маданият маҳсулоти тарқалиши учун шароит айнан олди-сотди жараёнида яратилади.

Агар тадқиқотчилар халқ маданияти ва элитар маданият доирасида ушбу ҳодисалар тушунчаси ва мазмуни бўйича умумий фикрга келишга эришсалар, оммавий маданиятга келганда, қайд этиш лозимки, анъанавий маданият борасида бўлганидек, бу ерда ҳозирга қадар ҳам универсал таъриф мавжуд эмас. Бундай вазиятнинг оқилона изоҳи бор. Гап шундаки, “оммавий маданият” илмий-фалсафий категория сифатида учта тушунчани: биринчидан, маҳсулотнинг махсус хусусияти бўлган “маданият”ни; иккинчидан, маҳсулотнинг тарқалиш даражаси бўлган “оммавийлик”ни; учинчидан, маънавий қадрият бўлган “маданият”ни ўз ичига олади.

Ҳозирги пайтда мафкуравий уруш олиб бориш учун нишонлар кўп, лекин уларни икки асосий ғоянинг кураши билан боғлаш мумкин. Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзарасида икки қарама-қарши кучнинг кураши кўзга ташланади. Улардан биринчиси халқларнинг тараққиётга бўлган интилишини таъминловчи илғор мафкурадир; иккинчиси эса тараққиёт йўлидан олға бораётган халқларга тўсқинлик қилишга интилаётган зиёнкор ва вайронкор мафкурадир. Бугунги

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент.: Маънавият, 2008, 117 бет.

кунда илғор мафкуралар халқларнинг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналарга, умуминсоний қадриятлар ҳамда демократик принципларга, қудратли ахборот технологияларига таянади. Тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, гуманизм, ядросиз дунё, миллий ва диний тотувлик, минтақавий можароларни бартараф этиш ғоялари устувор ҳисобланади. Бироқ мафкуравий воситалар билан ўзаро таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар, шу жумладан аграессив миллатчилик ва шовинизм, неофашизм, ирқчилик, диний мутаассиблик ва экстремизм ҳам мавжуд.

Шу муносабат билан, дунё масалаларини муҳокама қилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан "Тафаккур" журнали Бош мухаррири саволларига берган жавобда илк бор истифода этилган "мафкура полигонлари" деган тушунча тилга олинади. "Полигон" атамаси грекча сўз бўлиб, кўп қиррали деган маънони англатади. Одатда, биз полигон деганда қурол-яроғ ва техника синовдан ўтказиладиган, қўшинлар тайёргарлик кўрадиган, ҳарбий машқлар ва машғулотлар ўтказиладиган махсус майдонларни назарда тутамиз. Тарих тажрибасидан маълумки, бегона худудларни босиб олиш ёки ўз худудини ҳимоя қилиш мақсадида жанговар қурол-аслаҳа турлари узлуксиз такомиллаштирилиб борилган. Уларнинг бири ҳақиқий ёки тахминий душманнинг жонли кучини ва моддий воситаларини қиришга йўналтирилган. Ҳозир эса бутун инсоният ва ҳар бир халқ дунёқараши мафкуравий полигонга айланиб қолди. Чунки қалби ва онги забт этилган халқни душман осонликча енгади.

Мафкура полигони қуйидаги тадбирларни амалга оширувчи ғоявий марказдир:

1) молиявий ҳамда замонавий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда кишилар қалби ва онгини забт этишга қаратилган ғоялар ҳамда мафкураларнинг кучайиши;

2) маънавий қуролнинг хилма-хил турларини кўриш; мумкин.

3) ахборот оқимидан ғаразли ниятда фойдаланиш.

Юқорида келтирилган илмий-назарий жиҳатларни инобатга олган ҳолда, биринчидан, техноген маданият асрлар мобайнида инсониятнинг яшаш тарзи, оламни англаш мезони бўлиб келган **қадимий маданият** асосида шаклланган, вужудга келган янги давр-одамлар ҳаёти, техника асосида қурилган давр маданиятидир. Иккинчидан, техноген маданият фан амалиёти, техниканинг янгидан-янги шакллари, уларни ишлата билиш уқуви ва маҳорати-умуман маданият такомилининг натижаси бўлишига қарамай, у маданиятнинг таркиби, тақдирига фаол таъсир кўрсатиш воситасидир (нашр қилиш техникаси, радио,

телефон, телеграф, телевидение, компьютерлаштириш, электрон ахборот, кимёвий элементларни сунъий яратиш, инсон руҳиятига таъсир ва бошқа).

Техник кашфиётларга асосланган XX аср маданияти одамларнинг турмуши ва фикр тарзи, қадриятларга, муносабатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бу маданият ирқий, миллий, касбий тафоутни, давлат сарҳадларини билмайди. Учинчидан, замонавий техник қурилмаларга асосланган бугунги жаҳон маданиятнининг муҳим белгиси оммавийликдир. Миллий мазмун ва қиёфадан йироқ, шакли ранг-баранг, ҳажми енгил мусиқа сингари санъат асарлари, беандиша клип ва рекламалар-савияси саёз мижозларга мўлжалланган бўлиб, улар оммавий маданият намуналаридир. Оммавий маданиятни чеклашга интилишнинг ўзи чекланган ҳолат. Бундай муҳитда маънавияти "бутун" одамгина ўзлиги, миллий руҳиятини асраб қолади.

9.3. Тасвирий санъат ва меъморлик соҳаларида эришилган ютуқлар

XX аср бошларидан эътиборан санъат ижодкорлари орасида турли хил янги йўналишлар пайдо бўлган. Булар ўз ижодида ўзига хос мазмун, қарашлар ва ғояларни ифодалай бошлади. Шу тариқа **«модернизм»,** яъни «янги санъат», «бадиий авангард» номлари билан аталган бадиий йўналишлар юзага кела бошлади. Модернизм дастлаб Францияда ташкил топган ***символизм, акмеизм, импрессионизм*** (*масалан, 1963 йилда Парижда очилган, «Хўрланганлар салони»*) вакиллари ижодига нисбатан қўлланилган. Бадиий ижоднинг мумтоз анъаналаридан воз кечиш, таассурот ва тасаввурларини устун қўйиши, бадиий шаклларни янгилаш жараёнига алоҳида аҳамият бериш улар ижодига хос бўлган хусусиятлардир.

Модернизм вакиллари реализмга қарши курашдилар, классицизм (*академизм*) га хос бўлган ижодий тамойилларни инкор этишга интилдилар. Модернизм нафақат тезкор давр санъати, балки илм (*З.Фрейднинг психоализ назарияси, Ф.Де Соссюрнинг структурал лингвинистикаси, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, Н.Винернинг кибернетикаси*) ва фалсафа (*Ф.Ницше, А.Бергсон, М.Хайдеггер ва бошқа ғоялар*) билан ҳам боғлиқ бўлган.

XX аср бошида ривож топган авангардизм йўналишларида XIX аср модернизм принциплари ўз ривожини топди. Модернизмнинг янги босқич хусусиятлари тасвирий санъатда анъанавий тасвирлаш усулларидан бутунлай воз кечиш, реал образлар шаклини ўзгартириш ёки умуман йўқотиш каби кўринишларда намоён бўлган. Модернизмнинг энг йирик назариётчиси Ортега-и-Гассет санъатнинг халқчиллигига қарши чиқиб; "Модернистик санъат" халққа бегонадир, бунинг устига у халққа зид экани, ҳақиқий санъат санъаткорлар учун, омма учун эмас...". Бунда ифодалашнинг янги шакллари, усулларини излаш авангард усталари ижодининг онгли мақсади бўлиб қолди. Улар аслида эркин ижод тарафдори эдилар. Дарвоқе, XIX аср охири ва XX аср бошларида янги бадиий услуб-архитектура, дизайн, амалий санъат билан боғлиқ ҳолда модерн (*энг янги, замонавий*) оқими вужудга келди.

Авангарднинг дастлабки оқими фовизм номини олди (*фовизм французча - ёввойи маъносида*). Парижда 1905 йилда очилган кузги салон кўргазмасида намойиш этилган асарлар муаллифлари (*рассомлар А.Матисс, А.Дерен, А.Марке, Ж.Брак ва б.)*га замонавий танқидчилар томонидан киноя тарзида берилган ном. Фовизм асарлари бевосита натурани, борлиқни кузатиш асосида яратилган.

XIX аср анъанавий санъати ўзининг рангдорлиги, ҳаётий воқеаларни эркин талқин этиш ва шакл бузилишларига йўл қўйиши билан ажралиб туради. Рассомлар асарларида примитив санъат, ўрта аср ва Шарқ санъати услубларидан ҳам фойдаланиб, янги эстетик туйғуларни беришга ҳаракат қилади. Шундай бадиий усуллар воситаси билан расмлар яратиш орқали уларда реал нарсалар, объектларни тасвирлаш эмас, балки ўзининг ўта ғайритабиийлиги, ёркинлиги, ҳашамдорлиги билан алоҳида ҳис-ҳаяжонли кайфият ҳосил қилишдан иборат. Бу оқим намоёндаларидан бири — Анри Матисснинг таъкидлашича: "Санъатнинг мақсади - картинада реалликни тўғри ёритишга эътиборни қаратишдан кўра кўпроқ ёркин бўёқларни қўшиш орқали кўпроқ одамларга қувонч бахш этишдир".

Кубизм (*куб сўзидан*)-Европа тасвирий санъати (*кўпроқ рангтасвир*)даги модернистик оқим. XX аср биринчи чорагида юзага келган. Дастлаб Францияда пайдо бўлган (1908-10). Кубизм санъатнинг реалистик анъаналаридан воз кечиб, ҳажмли шаклларни лойиҳалаш вазифасини биринчи ўринга қўяди. Намояндалари П.Пикассо, Ж.Брак, Х.Грис, Ш.Гри ва бошқалар. Нарсалар дунёси ҳандасий ҳажм (*куб, шар, цилиндр, конус*)ларнинг оддий мажмуа кўринишларида тасвирланади. Текис юзада зич жойлашган қиррали ҳажмлар, рельефга ўхшаб кетадиган шакл ҳосил қилади, бунда ранглар айрим қирраларини ажратиб, шаклни майдалаб кўрсатади.

П.Пикассонинг драматик бутунликкача кўтарилган асарларида кубизмнинг ҳиссий образли хусусиятлари кўзга ташланади.

Экспрессионизм (*лот. - ифодлаш, изҳор қилиш*)-1900-1920 йилларда адабиёт ва санъатда юзага келган йўналиш, даврнинг ўткир инқирозларининг акс садоси сифатида юзага келган. Экспрессионизм асарларидаги ижтимоий танқидий руҳи билан параллел мавжуд бўлган ёки кейин юзага келган авангард санъатидан фарқ қилади. Унинг асарларида замонавий цивилизациянинг инқирози табиат ва инсониятга ёпирилиб келаётган ҳалокат кўриниши тарзида намоён бўлди экспрессионизмда, асосан, ижодкорнинг субъектив тасаввурлари, ҳис-туйғулари ифоланади, улардаги эҳтиростлилик ва жиддийлик асарларга жўшқинлик бахш этади. Экспрессионизм тараққиёти қарама-қаршиликларга эга бўлди, бир томондан, модернитик анъаналарнинг ривожланишига таъсир кўрсатса, бошқа томондан, ижтимоий танқидий йўналишнинг қарор топишини таъминлади.

Тасвирий санъатда экспрессионизм йўналишлари (*турли даражада символизмга яқин бўлган*) голланд рассоми **Ван Гог**, норвегиялик **Э.Мунк,** бельгиялик **Ж.Энсор** ижодидан таъсирландилар. Экспрессионизм тамойиллари кўпроқ Германия ва Австриялик рассомлар ижодида ўзини тўлиқ намоён қилди. “Кўприк” уюшмаси аъзолари (*Э.Кирхнер, М.Пехштейн, Э.Хеккель*) экспрессионизм руҳида асарлар яратдилар, “Мовий суворий” жамияти аъзолари (*В.Кандинский, Ф.Марк*)нинг асарлари образ қурилишига кўра бирмунча етук

бўлган, рассом Кокошка, М.Бекман, ҳайкалтарош В.Лембруклар эркин ижод қилдилар ҳамда тасвирий ифодалилик масалаларига эътиборни кўпроқ қаратдилар. Инқилобий мафкура таъсирида бир қатор рассомлар ижодида экспрессионизм уруш ва инсон ҳуқуқларини паймол этилишига қарши бўёқларга эга бўлди.

Постимпрессионизм – XX аср бошларида француз рассомлик санъатидаги асосий йўналишлар (*неоимпрессионизм, кубизм, фовизм ва б.*)нинг шартли умумлашма номи. Ўз ижодини импрессионизм (*XIX-асрнинг ўрталарида санъат ва адабиётда пайдо бўлган идеалистик оқим*) услубида бошлаган рассомлар унинг инқирозидан сўнг аста-секин ундан узоқлаша бошлади. Постимпрессионизм намояндалари даврга ҳамоҳанг бадиий тасвир воситалари устида изланди, импрессионизмнинг оний таассуротлари ўрнига чуқур ҳис-туйғуга бой жўшқин шаклларни яратишга интилиш кучайди (*П.Сезанн, Ван Гог, П.Гоген, А.де Тулуз – Лотрек ва б.)*.Бу изланиш ва амалий фаолиятлар XX аср тасвирий санъатнинг ғоявий пластик ривожланиши тамойилларини белгилаб берган муҳим тарихий босқич вазифасини ўтади.

Бразилиянинг **Рио-де-Жанейро** шаҳрида баландлиги 700 метр бўлган Корковада тепалигида жойлашган Исо Масиҳ ҳайкалининг баландлиги 38 метр, шу жумладан, асосининг баландлиги 8 метр. Исо масиҳ ҳайкалининг икки томонга ёйилган қўлларининг умуий узунлиги 30 метрни ташкил этади. Обидани бунёд этишда 1145 тоннадан ортиқ қурилиш материаллари ва металл ишлатилган. Исо Масиҳ ҳайкали Бразилия давлат мустақиллигининг 100 йиллигибағишланиб, муҳандис **Эйтор да Силва Кошта** томонидан 1931 йилда ниҳоясига етказилган.

Модерн-XIX аср охири-XX аср бошларида Европа ва Америка санъатида мавжуд бўлган бадиий услуб. Модерн эклектизмдан қутилишига ва “янги услуб” (*ягона синтетик санъат*) яратишга ҳаракат қилишлар натижасида юзага келган; индустриал жамият жадал ривожланаётган, ижтимоий қарама-қаршиликлар ўткирлашиб бораётган шароитда шаклланган. Модерн тарафдорлари классик санъат шаклларидан халис бўлишга интилдилар.

Жумладан, меъморликда қатъий режали ордер тизими унсурларидан воз кечилди. Айнан шу меъморликда модерннинг ўзига хос томонлари ўзининг яққол ифодасини топди, меъморлар янги давр ютуқлари, янги қурилиш ва безак материаллари (*темир-бетон, металл, ойна*)дан фойдаланиш, хом ашёлар технологияси, техника қурилиш конструкциялари воситаларидан ижодиц фойдаланиб, биноларни эркин режалаштириш, симметрия қонуниятларидан чекиниб ҳисобига янги ўзига хос услуб ва композицияларни яратишга эришдилар, улар яратган бино композицияси ва унсурлари ягона нақш ритми ва асар ғоясининг образли-рамзий мазмунига бўйсунади.

Модерн тарафдорлари барча санъат турларининг ягона мажмуи (яъни санъатлар синтези)ни яратиш орқали гўзаллик муҳитини яратишга ҳаракат қилади. Модерн услубида қурилган биноларнинг конструктив тузилиши ва безак ечимини ажратиш қийин, бинонинг ички фазовий ечими бинонинг ташқи кўринишини белгилаган. Бинонинг ташқи кўриниши эса шакллар бойлиги ва эгилувчиан чизиқлар мўллиги билан ажралиб турган (*бельгиялик Анри Ван де Велде, испаниялик А.Гауди, россиялик Ф.О.Шехтель ва бошқаларнинг асарлари*). Дастгоҳ ва амалий безак санъати ўзаро бир-бирига қўшилиб уйғунлашиши ҳам модернга хос: рассомлик асари намоён тарзида, ҳайкалтарошлик эса рельеф-бўртма тасвир шаклида ўз мустақиллигини йўқотиб хона (*бино*) мажмуига қўшилиб кетади.

Умуман олганда, Франция тасвирий санъатида гуманизм ғоялари сақланиб қолган. П.Пикассо ва Ф.Леже асарларида уруш ва фашизмга қарши кучли ғалаён, халқларнинг тинчлик учун кураши мавзулари кўп акс этган. 1945 йилдан кейин **неореализм** оқими пайдо бўлди, карикатура санъати ривожланди, қониқмаслик ва тушкунлик кайфияти аскетик рассомчиликда акс этди.

Гуманистик санъат асарлари ҳайкалтарошликда ҳам етакчи ролни эгаллайди. А.Бурделнинг қаҳрамонона драматик образларида, А.Майолнинг гармоник ҳайкалларида, Ж.Бернарнинг ўткир психологик портретларида бу нарса ўз аксини топган. Умуман, Франция XX асрда ҳам жаҳон бадиий

санъатининг энг йирик марказларидан бири ҳисобланган. Инглиз, голланд ва француз мустамлакачилари АҚШга Европа анъаналарини келтирдилар. Дастлабки бинолар барокко услубида қурилган.

XVIII-XIX асрларда АҚШ меъморлигида **классицизм** услубида давлат ва жамоат бинолари (*Вашингтондаги Оқ уй, Нью-Йоркдаги Эски ратуша — шаҳар идораси*), ибодатхона қурилган бўлса, кейинроқ дабдабалилик кучайди. Вашингтондаги Капитолий (*Конгресс биноси*) қурилди.

Фуқаролар урушидан сўнг АҚШ меъморлиги юксалиш йўлига ўтди. АҚШнинг бир қанча истеъдодли меъморлари Т.Ричардсон, Ж.О.Рёблинь, У.О.Реблинглар қурилиш техникаси ривожига катта ҳисса қўшдилар (*Бруклин кўприги*). XX аср АҚШ меъморлиги, асосан, техника ва иқтисод суръатига боғлиқ ҳолда ривожланди. XX асрнинг 20-30 йилларида АҚШнинг бир қанча шаҳарларида (*Нью-Йорк, Лос-Анжелес, Чикаго*) ниҳоятда баланд бинолар қурилди кўп қаватли бинолардан **Эмпайр стейт билдинг** (*102 қават, 1930-31 йиллар*).

Американинг энг истеъдодли меъморлари Л.Салливен ва Ф.Л.Райт янги техника имкониятларини эстетик тушунишга интилдилар. Л.Салливен кўп одам сиғадиган катта бинолар учун пўлат тўсинли конструкцияни ишлаб чиқди. Ф.Л.Райт эса кичик бино лойиҳалари устида ишлади, айни вақтда бир неча баланд ҳамда баъзи маъмурий бинолар лойиҳаси ҳам 30-йиллар ўрталарида чизилди.

АҚШга Европадан машҳур меъморлар, В.Гропиус, М.Брейнер, Л.Мис ван дер Роэ, Э.Мендельсон, Р.Нейтра, Э.Сааринен ва бошқалар келдилар. Улар ҳозирги замон АҚШ меъморлигига асос солдилар. 2 жаҳон уруши йилларида АҚШда йиғма қурилиш ривожланди. Урушдан сўнг “Пўлат ва алюминий” меъморлиги рағбатлантирилди, меъморий шаклларнинг “универсал услуби” тараққий этди. 50 йилларнинг охирида янги классицизмнинг янгича нусхаси пайдо бўлди (*Э.Д.Стоун, М.Ямасаки каби меъморлар*).

60-80 йиллар иншоотлари ҳажмининг катталиги, геометрик миқёснинг салмоқлилиги, меъморий йўналишларнинг бетартиблиги билан ажралиб

туради. Буларга БМТ штабквартираси биноси (1947-52). Йирик кўприклар: Жорж Вашингтон ва Веррацано — Корроус. Муҳим ёдгорликлари: Озодлик ҳайкали, Вашингтон арки. Нью-Йоркдаги Халқаро савдо марказининг 412 метр баландликдаги 110 қаватли минораси(2001 йил 11 сентябрда террорчилар томонидан портлатилган). 1971-73,таниқли меъморлардан М.Ямасаки, Э.Рот; Чикагодаги "Сирс ва Робак" савдо концернининг 442 метр баландликдаги минораси, 1972-75, "Сом" фирмаси меъморлари; Миннеаполисдаги банк биноси, 1969-73, меъмор Г.Биркертс; Сан-Францискодаги "Хайат Риженси" меҳмонхонаси, 1973, "Жон Портмен" фирмаси ҳамда Лос-Анжелесдаги "Бонавантюр", 1978, меъмор Ж.Портмен -бинолари ўзининг улканлиги билан ажралиб туради.

Францияда XX аср бошларида модерн услубида иншоотлар яратилди. Париж метросининг бекатлари, Париждаги "Кастель Беранжа" мехмонхонасикиради. 1920-30 йилларда замонавий меъморликнинг асосий қирраларини шакллантиришга киришилди. Меъмор Ле Корбюзье шаклларнинг функционал ва конструктивлигини, бетон, ойна ва пўлатнинг кенг қўлланилишини замонавий меъморликнинг 5 асосий принципига айлантиришга ҳаракат қилди. Бу даврнинг машҳур меъморлари Р.Камело, Ж.де–Майи, Б.Зерфюсс ва муҳандис Н.Эсквиллан ажойиб иншоотлар яратдилар. Бунга мисол қилиб, Париждаги саноат ва техника миллий маркази зали, ЮНЕСКО биноси ва Радио уйини кўрсатиш мумкин.

1980 йиллардан Франция меъморлигида хорижий меъморларнинг ғояларига кенг йўл очиб берилди. Лувр музейи америкалик меъмор Марио Пей томонидан тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Шишадан ясалган пирамида Луврнинг рамзига айланди. Кейинги йилларда яратилган меъморий иншоотлардан Париж шаҳридаги Сен-Лазер вокзали перронидаги Арман композицияси (1985), П.Пикассо шарафига қурилган Сезар композицияси (1985), Сен-Жермен оролидаги Жан Дюбюффе ҳайкаллари билан безалган минора (1988), "Атеней" театридаги рассом Жан-Пьер Шамба томонидан чизилган (1989) асарлар диққатга сазовор.

Кейинги ярим аср давомида дунёнинг ҳар томонида ҳам шаҳарсозлик санъати мисли кўрилмаган миқёсда ўсиб кетди, ажойиб, гўзал, замонавий шаҳарлар тарихан қисқа муддатда бунёд топмоқда. Ҳозир замон меъморлигида илгари тарих билмаган бадиий хусусиятлар сезилмоқда, яъни меъморий санъатда чегара билмас байналмилал руҳ ва шаклу-шамойил аниқ сезилиб қолди. Шунинг учун ҳам меъморликда миллийлик муаммоси яна диққат эътиборни тортмоқда. Бинобарин, меъморлик, шаҳарсозлик, боғсозлик санъатлари соҳасида илмий-тадқиқот ишлари ҳам бутун дунё меъморий меросини ўрганишга қаратилган, илғор меъморлик тажрибалар ижодкор меъморлар, рассомлар ва талабалар савиясини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, XX асрда оммавий ахборот воситаларининг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида маданиятнинг оммалашуви кучайди. Фан-техниканинг аҳамияти ортиб, бунинг натижасида инсоният деярли барча жабҳаларига изчил кириб борди. XX аср маданияти цивилизациясида ўзининг кўпқирралиги, зиддиятлилиги ва кўлами жиҳатидан алоҳида ўрин эгаллайди. Бу аср маданияти XXI аср маданияти равнақи учун муҳим пойдевор бўлиб тарихга кирди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. XX аср илм-фанининг тез ривожланишига қандай омиллар таъсир қилди?
2. Алъберт Эйнштейн фанда қандай ютуқларга эришди?
3. Кюрилар фанда қандай кашфиётлар қилдилар?
4. XX аср буюк адибларидан кимларни биласиз?
5. Жаҳоннинг машҳур театр артистларидан кимларни биласиз?
6. XX асрнинг таниқли бастакорлари ҳақида сўзлаб беринг.
7. Жаҳон кино юлдузларидан кимларни биласиз?
8. XX аср меъморлиги намуналаридан қайсиларини биласиз?
9. Модерн, модернизм нима?
10. Сюрреализм оқимининг ўзига хос жиҳатлари нимада?
11. Экспрессионизм қандай оқим?

Биродар бу дунё ҳеч кимга қолмас,
Қолур яхши номинг жаҳонда, шу бас.
Абулқосим Фирдавсий

УЧИНЧИ БЎЛИМ. ВАТАН ТАРИХИ МАДАНИЯТИ

10 мавзу. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТИ

Таянч сўз ва иборалар

Архаик ёки ибтидоий маданият, ривожланиш босқичлари, антропологик, этнографик, Селунғур ғори, Тешиктош ғори, Зараутсой расмлари, мифологик билимлар, шаҳарсозлик маданияти, дастлабки давлатлар, “Авесто”, эллинизм, буюк ипак йўли, Амударё хазинаси, Тупроққалъа, Кушонлар салтанати, буддизм, олимп маъбудлари, Фаёзтепа, сўғд ёзуви, Далварзинтепа хазинаси, Афросиёб деворий расмлари.

10.1. Ватанимиз ҳудудидаги маданий жараёнлар

Архаик ёки ибтидоий маданият - инсоният маданиятининг дастлабки ибтидоси ва энг узоқ давом этган даврдир. Бу давр инсоният тарихи умумий кўламининг 95 фоизини ташкил қилган ҳолда замонавий маданиятга беқиёс таъсир кўрсатиб келмоқда. Ўша вақтда вужудга келган архаик маданиятнинг айрим кўринишлари бўлмиш фикрлаш тарзи, феъл-атвор, инстинкт, ҳиссиётлар ҳозирга қадар йўқолган эмас. Инсоният ҳаётининг бошланғич даври кейинги барча ўзгаришларга замин яратгани сабабли, бу даврни ўрганиш инсоният эволюцияси асосларини, унинг маданияти негизини тушуниш ва шарҳлашга ёрдам беради.

Маданиятнинг тарихий ривожланиш босқичлари:

1. Энг қадимги давр маданияти- мил. ав. VII асргача, одамзод ўзини табиатнинг бир қисми эканлигини ҳис қилди ва илк қуроллар ясади.

2. Қадимги (*антик*) давр маданияти - мил. ав. VII асрдан мил. V асргача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ибтидоий босқичдаги маданият ривожининг қиёфасини қайта тиклаш ўта қийин вазифа. Шахсий гувоҳнома, таржимаи ҳол, қиёфадан маҳрум, сукунатдаги ўтмиш ҳодисаси «узоқ», (*Ф. Бродель*) «мудроқ», (*Э. Леруа-Ладюри*)

тарих учун идеал намуна касб этиб, кейинчалик табиий-илмий мантиқ асосида ижтимоий-иқтисодий тушунчалар ва дастлабки (*ибтидоий жамоа*) ижтимоий тузумлар ҳақида билимларга замин тайёрлади.

Олимлар тўплаган маълумотлар асосида энг қадимги инсоният тарихини 2 босқичга ажратиш мумкин:

I. Антропологик ва археологик топилмалар-ибтидоий одамнинг жисмоний ва маданий ривожланишини, овчилик жамоасининг турмуш тарзи ҳақида билимлар беради. Бу маълумотлар ўзига хос белгилари билан эмперик (*тажриба*) таҳлилни пайдо қилди ва ибтидоий босқични умум қабул қилган таснифига асос солди.

2. Этнографик маълумотлар (*халқ таснифи*)-замонавий халқлар ва ҳозирги вақтда ҳам овчилик ва теримчилик билан кун кўрувчиларнинг ҳаёти сақланиб қолган архаик маданият кўринишини этник, ижтимоий ва руҳий ўхшашликлар бўйича қайта тиклашга ёрдам беради.

Ҳозирги Ўрта Осиё ерларининг табиати кишилик тарихининг илк босқичларидаёқ ибтидоий одамзод тўдаларининг яшаши учун қулай бўлган. Жанубий Тожикистоннинг Кўлдара ва Жанубий Қозоғистоннинг Аристанди водийларида, Фарғона водийсининг Сўх сойи соҳилидаги Селунгур ғорида ва Оҳангарон водийсининг Қизилолмасой бўйида (*Кўлбулоқ макони*) топилиб ўрганилган илк тош даври ёдгорликларига қараганда, қадимги Турон ерларида бундан қарийб 700 минг -1,5 млн. йил муқаддам ибтидоий одамлар яшаган.

Кўлбулоқ макони - қадимги тош (*полеолит)* даврига тегишли кўп маданий қатламли ёдгорлик. Кўлбулоқ макони Қизилолмасойнинг Жарсой ўзани соҳилидан (1962) топилган. Кўлбулоқ маконини археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари 1963-83 йиллари археолог М.Қосимов томонидан олиб борилган. Кўлбулоқда ҳаёт мил. ав. 700-600 минг йил олдин бошланиб, мил. ав. 40 минг йил (*сўнгги палеолит*) гача давом этган. Ундан Ашель даврига оид 22 та, Мустье даврига оид 24 та қатлам ўрганилган. Кўлбулоқ топилмалари (*тош қуроллар ва нуклеус, ҳайвон ва парранда суяклари, ўсимлик қолдиқлари ва ҳакозо*) ибтидоий одам тўдаларининг машаққатли ҳаёти, тошқуроллар ясаш

техникаси, бу ерларнинг табиати (*ҳайвонот ва ўсимлик дунёси*) ҳамда ибтидоий овчи ва теримчиларнинг турмушида содир бўлган тадрижий силжишларни аниқлаш имконини берди.

Селунгур ғори — Фарғона водийсининг Сўх туманидаги қадимги манзилгоҳ. Бу улкан ғорнинг чуқурлиги 120 метр, кенглиги 34 метр, баландлиги 25 метр. Археологик қазиш ишлари 1958 йилдан буён олиб бориляпти. Ғорда 20-40 сантиметр қалинликдаги бешта маданий қатлам аниқланди. Бу шундан далолат берадики, ибтидоий одамлар мазкур ғорда 5 марта яшаганлар ва вақти-вақти билан ўз манзилларини узоқ муддатга тарк этишган. Бу ердан тош қуроллар, ҳайвон суяклари қолдиқлари ва архантроп типидаги одам қолдиқларининг бой коллекцияси топилди.

Ушбу коллекцияда қўл чўқмори, йирик тош қирғичлар ва пичоқлар, кўп миқдорда ўйиб-кертиб ишланган тишсимон қуроллар мавжуд. Маданий қатламлардан 32 турдаги йиртқич, туёқли, майда сут эмизувчи ва кемирувчи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топилиб, тадқиқ этилган. Селунгур ғоридан топилган материаллар комплекс ўрганилиб, пастки қатламларнинг санаси 1,5 млн. йил деб белгиланган.

Селунгурдаги топилмалар ва уларни ўрганиш ер юзида одамзоднинг пайдо бўлиш муаммоси ечимига қўшилган улкан ҳисса бўлди. Ушбу топилма туфайли Марказий Осиё ибтидоий одамзод илк бор пайдо бўлган жойлар қаторига киради.

Тешиктош ғори — мустъе маданиятига мансуб неандарталларнинг макони. Ғорнинг шипи тешик, номи ҳам шундан. Баландлиги 7 метр, эни 20 метр, узунлиги 21 метр. Унинг умумий майдони 300 кв. метр бўлиб, шундан 100 кв. метр жойи неандерталлар яшаганлигидан гувоҳлик берувчи археологик материалларга эга. Ғорни биринчи марта 1938-39 йилларда А.Окладников ўрганган. Тешиктош ғори 5 та маданий қатламдан иборат бўлиб, бу манзилгоҳ бир неча маротаба тарк этилганидан далолат беради. Ғорнинг ҳар бир қатламида биттадан ва баъзиларида иккитадан гулхан қолдиқлари сақланиб қолган. Гулханлар атрофида кўплаб тоғ эчкиси, буғу, сиртлон, айиқ, қуён ва ҳар

хил қушларнинг суяк қолдиқлари, 3000 га яқин тош буюм, тош учириндисидан тайёрланган 24 та қурол, қирқувчи ва тарашловчи сифатида ишлатилган 65 та қирғич, пайконлар, тош пичоқлар топилган.

Тешиктош топилмаларининг энг қимматлиси 25 см чуқурликдан топилган одам суяк қолдиқлари 8-9 ёшдаги боланики бўлган. Бола дафн қилинган жой атрофида тоғ эчкисининг бир неча жуфт шохлари ерга тиқилган. Марҳумни қабрга турли буюмлар билан кўмиш, дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўла бошланганлигидан далолат беради. Тешиктош одами калла суягининг ҳажми катта, унинг қопқоғи питеконтроп ёки синантропникига нисбатан баландроқ. Бироқ ҳозирги болаларникидан пастроқ.

М.Герасимов калла суяги асосида Тешиктош одамининг юз тузилишини тиклаган. 1973 йил антрополог В.Алексеев Тешиктош одамини тўла ўрганиб, склет қиз болага тегишли бўлиб, у инсон эволюциясининг неандертал фаразига мансуб эканлиги ва Европа ёки Олд Осиё гуруҳига киришини билдиради.

Ўзбекистондаги қоятош тасвирларининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Беронсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой каби юздан зиёди топилган. Бу қоятош тасвирларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами турларини кузатиш мумкин. Булар ибтидоий шер ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайронлардир.

Ўзбекистондаги қоятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жиҳатидан хилма-хил. Унда одамлар, ов, йиртқич ҳайвонлар тўқнашуви манзаралари тасвирланган. Бу тасвирлар орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат қуролларини билиб олиш мумкин. Шунингдек, қоятош расмлар қадимги аждодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Негаки, ибтидоий одамлар бир-бирларига фикрларини, муносабатларини, истакларини чизиқлар, оддий шакллар, содда тасвирлар орқали етказишга интилганлар. Масалан, улар ов қуролларини тасвирлаш орқали овга бормоқчи эканликларини ифодаласалар, ёввойи буқа ва бошқа турли ҳайвонлар тасвирлари орқали, ўша ҳайвонларни овламоқчи эканликларини билдирганлар.

Зараутсой расмлари — Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги қоятош расмлари. Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий қисмида, Кўҳитанг тоғининг шарқий ён бағридаги Зараутсой дарасидаги унгир ва қамар тошларига ишланган ибтидоий санъатнинг нодир намуналари 200 дан ортиқ расмлар мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб. Расмлар чизма тарзда контур ва соя услубида қизил ангоб (*охра*) билан чизилган.

Зараутсой расмларида одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар (*буқа, ит, тулки, чўчқа, бурама шоҳли эчки, жайрон, тоғ эчкиси*), турли буюмлар *(ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар*) ниқобланган одамлар ва бошқа ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб ишланган. Зараутсой расмлари ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги сифатида ёдгорликларни муҳофаза қилиш “Қизил китоби”га киритилган.

Қадимги рассомлар фаолиятида ҳам кузатувчанлик, шакл ва чизиқлар орқали бўлаётган воқеаларнинг характерини, мазмунини ёритиб бера олиш қобилиятлари кўзга ташланади. Қоятош, даралар ва ғорлардаги расмлар мазмунан бой бўлиши билан бирга хилма-хилдир. Уларда турли манзаралар ўз аксини топган. Умуман, бу тасвирлар орқали одамларнинг муштарак туйғулари юзага чиққанлигини кўрамиз. Бу расмларда ҳар бир белги, қоралама ёки шакл ўзига хос фикрни, ҳатто сеҳру жодуларни ифодалаб бериши билан қизиқарлидир. Шулардан кўринадики, аждодларимиз ҳаётида, турмуш тарзида тасвирий фаолият алоҳида ўрин тутган.

Маълумки, инсон ўз меҳнати туфайли ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққач, яшаш учун кураш жараёнида қанчалик онгли меҳнат қилса, у шунча муваффақиятларга эришган. Кураш ва меҳнатда эришилган муваффақиятлар урф-одат, удум, маросим, анъана ва байрам-хурсандчиликни вужудга келтирган. Маданиятшунослар фикрича, байрам ва маросимлар энг қадимги даврдаёқ мавжуд бўлган ва ибтидоий одамлар ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Д. Генкиннинг фикрича, «Маросим ва байрамларнинг чуқур илдизи инсониятнинг «гўдаклик» даврига бориб тақалади». М.Бахтин таъкидлашича,

«Байрам инсоният маданиятининг бошланғич шаклидир». Бу жараён ибтидоий одамлар овчилик билан кун кечирган даврларда яққол содир бўла бошлаган.

Мифологик билимнинг иккита асосий ижтимоий вазифаси бор: **Биринчидан**, ушбу умумийликнинг асосий вазифаларини, уларнинг одатий мавжудлигини кишилар онгига сингдириш ва мустаҳкамлаш, хусусан, шаклланган қоидаларни тасдиқлаш, қонунийлаштириш ва ҳатто жамоани тиклаш ва барқарорликни таъминлаш учун уларни анъанага айлантириш;

Иккинчидан, жамоани қўрқувдан халос қилиш мақсадида ва руҳий жиҳатдан ҳаловатини кафолатлаш атроф-муҳит билан, бутун ташқи олам билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва таъминлаш каби вазифаларни бажарган.

Миф оламни самовий ва заминдош табиий хадисларни табиатнинг қудратли,стихияли кучларини ибтидоий, фалсафий тушунчалар ва тасаввурлар асосида изоҳлайди, хаёлий поэтик оламга олиб киради. Миф оламни жамоа бўлиб анъанавий ҳис қилишдир, негаки, шу алфозда у ҳар доим илк диний тасаввурлар мажмуининг негизи ҳисобланган.

Миф — оламни англашнинг дастлабки шаклидир. Умум тасаввурлар мифнинг шаклланишига ҳам, ҳиссий тажриба-кузатишлар учун ҳам, ноаниқ-мавҳум мулоҳазаларга ҳам асос бўлолмайди. Гуруҳлар тушунчаси энг аввало бутун борлиқни ўзига қўшиб, ҳиссий қайғуришга таянади.

Ахборотлар ҳажмининг беҳад ўсаётганлиги, уни узатишнинг янги каналларини яратишни талаб қилди. Мифларнинг пайдо бўлиши мавҳум тушунчалар вужудга келганлиги, инсоннинг нутқи ривожланаётганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бунга мисол тасвирий санъатнинг ривожланишидир: расмлар бир қадар аниқлашиб, соддалик ва шартлилик кучайиб боради. Тасвир кўпроқ рамзийлик белги - хусусиятини касб этиб, бунинг ёрдамида ахборот бериш мумкин бўлади. Топилган петрографлар (*тошбитиклар*) инсонлар жамоасининг ҳаёт ҳодисалари ҳақида етарли, муфассал ҳикояларни ўзида сақлаб келган. Бундай тасвирларга мисол қилиб Сурхондарёнинг Зараутсой дарасидаги қоятош расмларини кўрсатиш мумкин.

Марказий Осиё минтақасида неолит даври анча олдин бошланган. Бунга мил. ав. VI минг йилликда Копетдоғ этагида вужудга келган Жайтун маданияти гувоҳлик беради. **Жайтун маданияти —** Ўрта Осиёнинг неолит даврига оид энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти марказларидан бири (*мил.ав.VI-V минг йиллик*) Ашхободдан 30 километр шимолда жойлашган қадимги ўтроқ деҳқонлар қишлоғи харобалари номидан олинган. 1952 йилдан В.Массон бошчилигида Туркманистон археологикэкспедицияси 10 дан ортиқ ёдгорликларни текширилган. Бу уруғдошлик манзилгоҳларининг ҳар бири 0,5-2 гектар майдонни эгаллаган. Сомонли гуваладан қурилган бир хонали уйлар (25-45м^2) саҳни оқ ганчли лой билан сувалган, айримлари қизил ва қора рангга бўялган. Ҳар бир хонада ўчоқ, ғалла ўраси, супа бўлган. Айрим хоналар ўртасида катта оташкалар бўлиб, умумий саждагоҳ вазифасини ўтаган. Манзилгоҳларда омбор, сопол идишлар пиширадиган майдончалар бўлган. 3 маданий қатламдан иборат Жайтун манзилгоҳи ўрганилган. Унинг майдони 0,5 гектар, юқори қатлами 35-40 хонадан, ўрта қатлами 29 хонадан иборат. Аҳоли асосан деҳқончилик, чорвачилик, овчилик билан шуғулланган.

Калтаминор маданияти -Ўзбекистонда неолит даврига оид биринчи топилган археологик ёдгорлик (*мил. ав. VI-III минг йиллик*). Калтаминор маданияти Амударёнинг қадимги Оқчадарё дельтаси, Қизилқум, Юқори Узбой, Моҳондарё, Оролнинг шимолий шарқий бўйларида, Қозоғистон ва Касбий денгизининг шарқий ҳудудларигача тарқалган. Тош қуролларни ясаш техникаси ва унинг тилларида ўхшашлик, фарқлар эса сопол идишларда, яъни унинг безакларида - безак бумларда, тақинчоқларда кўринади. Асосий қуролларнинг ўхшашлиги ва фарқларни сақлаб қолган қуроллар - шу воҳаларда бир-бирига яқин турмуш тарзига эга бўлган уруғлар бўлганлигини кўрсатади.

Шу ҳудудда яшаган неолит даври одамлари овчилик, термачилик, балиқчилик ва бошқалар билан тирикчилик ўтказишган. Меҳнат қуролларининг ишлаш техникаси неолит даврида энг чўққига чиққан давр ҳисобланади. Қирғичлар, кесувчи, тешувчи қуроллар, ўқ-ёйлар, камон ўқлари ва шунга ўхшаш қуролларни ясаш энг такомиллашган давр ҳисобланади.

Неолит даврига ўтиш моҳиятига кўра архаик маданиятнинг охири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг янги тури-деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш билан инсон табиатда мустақил фаолият кўрсатиш қобилиятини намоён қилди, бу инсоннинг ижтимоий ва маънавий ғалабаси эди. Агар архаик маданиятда жамоат фикри етакчилик қилиб, уруғ аъзоси, уруғ манфаатлари доирасида фаолият кўрсатган бўлса, энди индивидуал онг ва қизиқиш кучая бошлади. Неолит даврининг охири ва жез асрида архаик маданият барҳам топди.

Мил. ав. IV-III минг йилликларда мисдан меҳнат қуроллари ясаш даври бошланган. Бу даврда мисдан ясалган меҳнат қуроллари мўрт ва юмшоқ бўлганлигидан мустаҳкамроқ қотишма олиш учун изланиш давом этган ва маълум даврдан сўнг қалайни мисга қориштириб жез (*бронза*) кашф этилди. Натижада меҳнат қуролларининг тури кўпайди, жездан янада кескирроқ тиғли қурол-яроғлар, рўзғор ва косметика буюмлари, маъбудалар, нақшдор муҳрлар ясай бошланди. Овчилик ва термачилик ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотди. От, эшак, туя, ҳўкиздан транспорт воситаси сифатида фойдаланилди. Ҳайвонларга қўшиладиган аравалар вужудга келди.

Худди шу даврда икки турдаги мустақил маданият шаклланиб, аниқ ажралади: ўтроқ деҳқончилик воҳаларидаги маданият; кўчманчи даштликлар маданияти. Ўтроқ деҳқончилик маданияти дастлаб Сурхондарё воҳасидаги Сополлитепа, Жарқўтон, Фарғона водийсидаги Чуст маданиятлари, иккинчиси - Замонбобо, Тозабоғёб, Амиробод маданиятлари вужудга келди.

Сополлитепа маданияти — деҳқончилик билан шуғулланувчи жез даври қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этно-маданий ривожланиш ҳолати археологик манбаларда акс этган моддий маданият мажмуаси (мил. *ав. II минг йиллик*). Келиб чиқиши жиҳатдан қадимги Шарқ цивилизацияси билан боғлиқ бу маданият ёдгорликлари Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти, ва Тожикистон ҳудудларида топилган. Сополлитепа ва Жарқўтонда ўтказилган кенг қамровли изланишлар моддий ва маънавий маданият дунёси ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Сополлитепа маданияти даврида хом ғиштлардан қурилган маҳобатли архитектура, суғорма деҳқончилик, кўп тармоқли ҳунармандчилик, айниқса, унинг кулолчилик, металлургия, заргарлик, тўқимачилик ва терига ишлов бериш соҳалари яхши ривожланган. Диний эътиқод заминида оловга сиғиниш муҳим роль ўйнаган. Топилмалар тарихий таҳлилига кўра, Сополлитепа маданиятида Зардўшт илоҳига қадар оловга топиниш ва хаумо ичимлигини илоҳийлаштириш кучли бўлган.

Унинг далили сифатида Жарқўтон ибодатхонасининг очилиши ва ўрганилишини кўрсатиш мумкин. Жарқўтон оташкасининг тарҳи тўғри тўртбурчак (*44х64 метр*) бўлиб, девор (*қалинлиги 4,5 метр*) билан ўралган. Унда доира шаклидаги 6 та саждагоҳ, 5 та муқаддас қудуқ, табаррук ашёлар сақланадиган махсус хона ва бошқа хўжалик хоналари бўлган. Ибодатхона марказида катта супа бўлиб, унинг марказида чор минор қолдиқлари ва катта саждагоҳ топилган. Коҳинлар яшайдиган супали хоналар, муқаддас олов ва кул сақланадиган оташгоҳлар, муқаддас ичимлик (*саома-хаома*) тайёрланадиган хоналар очилган. Жарқўтон оташкасидан сирланган безакли сопол идишлар, лойдан ишланган одам ҳайкалчалари, афсонавий қуш Геруда -Ҳумо тасвирланган идиш, сопол қувурлар ва бошқалар топилган.

Ашёвий далиллар таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида мил. ав. II минг йилликнинг биринчи ярмида қадимги Шарқ цивилизациясига хос тарихий шароитда Сополлитепа базасида юксак ривожланган қадимги илк шаҳар маданияти таркиб топди.

2. Агар Сополлитепа ўзининг қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос барча аломатлари билан протошаҳар, яъни Авестода тилга олинган вара иншоотини эслатса, Жарқўтон ёдгорлиги Ўзбекистон ҳудудида илк бор шаклланган том маънодаги қадимги шаҳар эди.

3. Муайян ёдгорликни қадимги шаҳар деб аталиши учун қўйиладиган илмий талаблардан келиб чиқилганда, Жарқўтон маданияти бу талабларга

жавоб бериши мумкин бўлган ноёб ёдгорликдир. Қадимги шаҳарларга хос бўлган **биринчи** аломат-шаҳар майдонида арки аъло ва шаҳристон таркиб топган бўлиши лозим бўлса, Жарқўтонда бу содир бўлган, яъни 100 гектарлик майдоннинг 3 гектари арки аъло ва қолган қисми Шаҳристонни ташкил этади.

Иккинчи аломат -ўтроқ деҳқончилик маданияти аҳолиси зич жойлашган маскан мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиши. Учинчи аломат -шаҳар арки қисмида маҳобатли бинонинг, яъни умумшаҳар жамоалари бошлиги қароргоҳининг таркиб топиши Жарқўтонда ўз аксини топган. Тўртинчи аломат - шаҳар майдонида барча учун баробар хизмат қилувчи бош саждагоҳ -диний эътиқод маркази шаклланган бўлиши. Бешинчи аломат -қадимги шаҳарда хунармандчиликнинг юксак даражада таркиб топган бўлиши. Шаҳар ҳунармандчилик маҳсулотлари ички бозор ҳамда ташқи бозор учун ҳам кенг кўламда ишлаб чиқарилган. Шаҳар ҳаёти нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими асосида қурилган. Шаҳар ҳукмдорининг маҳобатли кошонасининг арки аълода шаклланиши бунга далолатдир.

Чуст маданияти -Фарғона водийсидаги қўхна деҳқончилик маданияти (*мил. ав. II минг йиллик охирги чораги – 1 минг йиллик бошлари*). Деҳқонлар сув бўйидаги унумдор ерларни ўзлаштирилишига қараб алоҳида воҳа ёки гуруҳ тарзида жойлашганлар. Чуст маданияти ёдгорликлари, асосан, Фарғона водийсининг шимолий-шарқий туманларида учрайди, уларнинг сони ҳозирда 80 дан ортиқ. Чуст маданиятининг айрим ёдгорликларида (*Далварзин, Чуст*) мудофаа иншоотлари ўрганилган. Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги Далварзин водийсидаги илк шаҳар ва ўзига хос марказ бўлгани (*мил. ав. XII-VII асрлар*) археологик жиҳатдан исбот этилган.

Ҳозирги кунда Чуст маданиятида 3 хил турдаги яшаш жойлари ўрганилган: 1) чайлага ўхшаш енгил уйлар, 2) ертўлалар, 3) ғишт-пахсадан қилинган уйлар. Чуст маданияти соҳиблари, асосан, илк суғорма деҳқончилик (*арпа, буғдой, тариқ*), чорвачилик, металл (*жез*)га ишлов бериш, кулолчилик, тўқимачилик билан шуғулланганлар, овчилик, балиқ овлаш ҳам хўжаликда

муҳим роль ўйнаган. Бунга археологик ёдгорликларни қазиш пайтида топилган жез пичоқлар, бигизлар, металлга ишлов беришда ишлатилган тош қолиплар, тўқимачиликда қўлланилган суякдан ясалган тароқсимон асбоблар ҳамда минглаб сопол идишлар гувоҳлик бермоқда. Уй-рўзғор буюумлари ичида, айниқса, нақшиндор сопол идишлар ажралиб туради. Нақшлар, асосан, геометрик шаклда қора, жигарранг бўёқ билан идиш сиртига берилган.

Замонбобо маданияти — жез даври уруғ жамоаси маданияти (*мил. ав. II минг йилликнинг биринчи ярми*). Қабилалар ярим ертўла, енгил чайлаларда яшаган. Ертўла ўтов шаклида, устунлари чуқурчаларга ўрнатилган, усти қамиш билан ёпилган ва сомонли лой билан сувалган. Ўчоқ ва дон сақланадиган ўралар девор яқинида бўлган. Қабрларда мурдалар якка, жуфт, айрим, ҳолда учтадан (*эркак, аёл, бола*) ёнбошланиб кўмилган. Қазилмаларда сопол синиқлари, чақмоқтошдан ишланган қуроллар-япроқсимон пайконлар, пичоқсимон тош парчалари, сурма тошлар, жез ойна, пичоқ, куракчалар, лазурит, ақиқ, феруза, сердолик, жилвир тошдан ишланган мунчоқлар, олтин маржон топилган.

Сопол идиш (*таги текис ва думалоқ хум, хумча, тўғри бурчакли сувдон, товоқча*)лар нақшсиз бўлиб, асосан қўлда, айримлари чархда ясалган. Уларнинг барчаси юпқа, жарангдор, баъзилари қизил ангоб билан бўялган. Чақмоқтошдан ишланган қадама ўроқлар, ёрғучоқ бўлаклари, ҳовонча дасталар ва кўмирга айланган буғдой, арпа донлари, сигир, қўй, эчки суякларининг топилиши, Замонбобо маданияти даврида қабилалар ибтидоий деҳқончилик ва ўтроқ чарвочилик билан шуғулланганлигидан далолат беради. Ҳосилдорлик маъбудасининг кичик сопол ҳайкалчасига мўл-кўлчилик рамзи сифатида эътиқод қилинган бўлса керак.

Бу даврда ота ҳуқуқи-патриазхат қарор топиши билан характерлидир.Эндиликда қариндошчилик отага қараб олиб бориладиган бўлди. Болалар ҳам ота мулки ҳисобланган. Вжудга келган мол-мулкларни қўриқлаш эҳтиёжи учун ҳарбий қабила иттифоқи юзага келган. Эндиликда ибтидоий уруғчилик жамоаси негизига зил кета бошлади. Жуфт оила негизида

ишлаб чиқариш жамоаларининг пайдо бўлишида биринчи ва асосий омил-жамоа ихтиёрида ортиқча мулкнинг ҳосил бўлиши ва жамоалараро маҳсулот айрибошланишнинг вужудга келиши муҳим ўрин эгаллайди. Ота ҳукмронлиги даврида жамоадаги ортиқча даромад-хусусий мулк ва уни айрибошлаш жараёни билан боғлиқ ва муштарак тарзда биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоти келиб чиқди. Маълумки, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан иқтисодий ва синфий табақаланиш кучайиб борди.

Ўрта Осиёда илк темир даври мил.ав. 1 минг йилликнинг биринчи ярмига тўғри келган бўлиб, бу даврда ибтидоий жамоа тузуми ўзининг охирги босқичини бошидан кечираётган эди. Темир инқилоби туфайли чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиқди. Ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралди. Бозорнинг вужудга келиши товар айрибошлашни кучайтириб юборди. Маданий ҳаётда туб бурилишлар палласи бошланди.

Амиробод маданияти — қадимги Хоразмнинг сўнгги жез даври маданияти (*мил. ав. IX-VIII асрлар*). Бу маданиятни яратган халқлар уруғ жамоаларига бирлашиб, обикор деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Қишда ёғоч ва қамишдан қурилиб, усти лой билан сувалган кулба ҳамда ярим ертўлаларда, ёзда енгил бостирмаларда яшаганлар. Ўша давр қолидқларига кўра, Амударё дельтаси Ақчадарё ирмоқларидан эни 10-15метр, узунлиги 1-2 километр келадиган каналлар қазиган.

Амиробод маданиятининг ноёб ёдгорликлари сиртига турли шакллар чизилган сопол идишлар, шунингдек, маржон ва чиғаноқ шодалари, жездан ясалган тақинчоқлар, бигизлар, ўроқ, ўқ учлари ва уларнинг қолиплари топилган. Жез ашёларининг кўплаб топилиши ўша даврда металл қўйиш техникасининг ривожланганлигини, халқ хўжалигидан тош қуролларнинг меҳнат қуроллари сифатида сиқиб чиқарилганлигини кўрсатади.

Архаик маданиятидан ўрнига қадимги цивилизация даврига ўтиш бошланди: мураккаб-ижтимоий тизимга эга бўлган дастлабки давлатлар, диний ва қонунчилик шаклларининг ривожланиши, шаҳар ва ёзувлар. Бироқ архаик маданият изсиз йўқолмади. Унинг айрим қирралари жаҳон халқлари

мифларида, фольклорида, инсон руҳиятининг чуқур «архетиплари»да сақланган. К.Юнгнинг назариясига кўра архетиплар —“онгсиз жамоа”нинг руҳий тизимидир. Улар замондан ташқарида намоён бўлиб, шунга мувофиқ тарзда қиёфалар, яшаган ва яшовчи кишиларнинг туйғуси ва фикри шаклланади, рамзий тасвирларда, мифларда акс этган жамоага хос бўлган тарихий тажрибада оламни англашнинг ибтидоий шакллари сақланган.

Кишилар кўпинча ўзлари пайқамаган ҳолда у ёки бу анъаналари билан, улардаги архетипик рамзлардан ажралган ҳолда яшайдилар. Барча замонавий маданиятлар асосидаги бу чуқур негизни сезиш ва ўрганиш ҳозирда содир бўлаётган жараёнларни яхши таҳлил қилишимизга, маълум маънода келажакка назар ташлашимизга ёрдам беради.

10.2. Марказий Осиёда худудидаги қадимги давлатлар маданияти

Марказий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутади. Унинг ўрта асрлардаги маданиятига бутун дунё аллақачон муносиб баҳо берган бўлса-да, Бақтрия, Марғиёна, Суғд, Парфия, Фарғона, Хоразм, Чоч халқларининг қадимги маданияти қадимшунос тадқиқотчиларни ҳозиргача ҳайратга солмоқда. Марказий Осиё маданияти Ғарб ва Шарқнинг буюк маданият элементларини бир бутунликда уйғунлаштириб, ифодалаган ҳолда ўзига хос индивидуаллик касб этадики, бу хусусият кейинги тараққиёт учун ҳам негиз бўлиб қолади.

Энг қадимги даврлардан деҳқончилик, чорвачилик ва тоғ овчи қабилалари ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш Марказий Осиё халқлари иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиб, кейинги даврларда ҳам у узоқ сақланиб қолди. Турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятидаги фарқланиш билан бирга минтақа халқларининг этник ва тиллардаги яқинлик жудаям уйғунлашиб кетганлиги қадимги Юнон ва Хитой манбаларида ҳам қайд қилинган. Марказий Осиё халқларининг кучли иқтисодий алоқалари, ҳудудий бирлик, яқинлик уларнинг бир-биридан айрича яшашига йўл қўймади.

Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослигининг бир жиҳати минтақанинг ўта қулай жуғрофий ўрнашганлиги билан боғлиқ. Минтақа Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитой каби учта буюк Шарқ цивилизацияси билан бевосита чегарадош бўлиб, Ғарб цивилизациясига хос бешинчи-Греция ва Рим билан алоқада ривожланган. Бундай алоқаларнинг муқаррарлиги туфайли Марказий Осиё маданияти Шарқ ва Ғарб ўртасида воситачилик вазифасини бажаришига сабаб бўлди, яъни иқтисодий соҳаларда энг аввало халқаро савдода ва маданий соҳаларда ҳам Марказий Осиё Ғарб ва Шарқ ўртасида боғловчи кўприк вазифасини бажарди.

Хусусан, Марказий Осиё ҳудуди орқали буддизм Хитой, Япония, Жанубий Шарқий Осиёга ёйилди, Ҳиндистон ва Хитойга эллинистик маданият кўринишлари ўтди, Шарқдан Ғарбга ва Ғарбдан Шарқга маданий бойликлар (*билим, диний ғоя, кашфиёт, бадиий асарлар*) алмашиб туришида Марказий Осиё муҳим воситачи бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё маданиятининг буюк воситачилиги бошқа маданий қадриятларни янгилаш, ўзлаштириш маҳорати ва қайта ишлаш каби жиҳатларисиз бўлмас эди. Бу маданият қадимданоқ янги ҳодисаларни ўзлаштириш ва мослаштириш қобилиятигаэга бўлди. Минтақа орқали катта босқинчилик юришлари, халқларнинг кўчишлари юз берган бўлиб, бу Марказий Осиё халқларининг тарихи давомида бир неча бор маданиятнинг вайрон бўлишига ва тикланишига таъсир қилди.

Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик вилоятларида, асосан, зироатчилик, ҳунармандчилик ва савдогарчилик билан шуғулланувчи суғдийлар, бахтарликлар ва хоразмликлар яшаганлар. Улар атрофида даштлик ва тоғ олди ҳудудларида чорвадор қабилаларнинг яйлов-манзилгоҳлари жойлашган эди. “Авесто”да Ўрта Осиёнинг чорвадор аҳолиси — “тур”лар, улар яшайдиган юрт эса Турон номлари билан тилга олинади. Қадимги Турон чорвадорларининг энг жасур ва жанговори саклар ва массагетлар эди.

Эрон манбаларида саклар 3 хил тоифага бўлиб таърифланади: улардан 1 гуруҳи Сака-тиай-тарадарайя, яъни дарёнинг нариги томонида яшовчи саклар

деб аталади. Улар Яксарт (*Сирдарё*)нинг қуйи оқими ва Ўкуз (Амударё) бўйларида яшаган, чорвачилик, балиқчилик билан шуғулланишган. 2 гуруҳи Сака-тиграхауда, яъни чўққи қалпоқли саклар номи билан машҳур бўлган. Улар буюк Турон дашти (*Қипчоқ дашти*) ва Чоч (*Тошкент*) вилояти ҳудудларида истиқомат қилганлар. Сакларнинг 3 гуруҳи Сака-хаума-варка, яъни маросимий муқаддас ичимлик-“хаума” истеъмол қилувчи саклар деб юритилган. Улар Помир, Фарғона водийсида деҳқончилик, тоғ олди ҳудудларида чорва боқиб кун кечирганлар.

Чорвадор қабилалар ораисда энг жанговари ва миришкори массагетлар эди. Улар Хоразм денгизи (*Орол*) атрофида яшар эдилар, ҳайвон терисини ошлаб, ундан кийим-бош, пойабзал ва чодирлар тикиб, ғалла ва қуруқ меваларга айрибошлаганлар. Геродотнинг ёзишича, массагетлар скифлар сингари кийинишган. “Массагетлар ғалла экишмайди,-деб ёзади Геродот — чорвачилик ва балиқ овлаш билан кун кечирадилар. Улар ибодат қиладиган ягона тангри -Қуёшдир”. Шубҳасиз, Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларидаги ўтроқ аҳоли билан атрофдаги чорвадор сак ва массагет қабилалари ўртасида яқиндан иқисодий ва маданий алоқалар бўлган.

Мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи-ярми — 1 минг йилликнинг биринчи-ярмида қадимги Турон ва Шарқий Эрон ҳудудларида ибтидоий жамоа муносабатлари ўзгариб, жамиятда табақаланиш юзага келди. Қабилалараро низолар, босқинлар, жангу жадаллар кучайиб, жамоалар ўртасида ғоявий тортишувлар авж олди. Мана шундай ўта оғир ижтимоий ва сиёсий вазиятда маънавий ҳаётнинг эътиқодий рамзи сифатида зардуштийлик вужудга келди.

Зардуштийлик таълимотида олов, ер, сув ва ҳаво муқаддас бўлиб, уларни ифлослантириш катта гуноҳ ҳисобланади. Зардуштийлик таълимоти асосида эзгулик, бахт-саодат, адолат ва ҳақгўйлик, поклик орқали келажакда порлоқ ҳаётга эришиш ғояси ётади. Бу йўлда **Аҳурамазда**га сажда қилиш, унинг йўл-йўриқлари асосида ҳаёт кечириш тавсия этилади. Эзгулик, яхшилик ғояси туфайли зардуштийлик асрлар оша деҳқончилик воҳалари-ю, ўтроқ вилоятларга ёйилиб, одамлар ҳаётининг маънавий асосига айлана борди.

Хотираларда тўпланиб, оғзаки айтилиб юрган бу эътиқодий қарашларни тартибга солиб, китоб саҳифаларига кўчириб ёзиш Заратуштра вафотидан кейин бошланган. Бу муқаддас китоб “Қатъий қонунлар” маъносини англатувчи “Авесто” номи билан юритилган. Авестода ибтидоий даврларга бориб тақаладиган афсоналар ва оламнинг мукаммал яратилиши ҳақидаги тасаввур билан бир қаторда оламда икки қарама-қарши кучлар: ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик ўртасида содир бўладиган муттасил кураш ҳақида сўз юритилади. Бу зиддиятларнинг оқибати инсон ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ экани уқтирилади.

Инсон шарофатли ва масъул мавжудод сифатида илоҳий ва оқилона яратилган дунёнинг эзгу асосларини ривожлантириши лозим. Инсоният абадий бахту саодатга эришиш учун эзгу фикр юритиши, эзгу сўзларни сўзлаши, эзгу ишлар билан банд бўлмоғи лозим. Шу 3 қоидага ҳаётида оғишмай амал қилган одам қабоҳат, ёвузлик йўлига оғиб кетмайди. Бу эса энг оддий ҳаётий мақсад — ҳақ йўлидаги ягона мақсад бўлмоғи керак. Жамиятда бу қоидаларга амал қилишни маънавий камолот йўли деб тушунилган.

Марказий Осиё цивилизацияси ва маданиятининг мустақил ривожланиши **Эрон ахмонийлари** томонидан биринчи йирик босқинчилик туфайли тўхтаб қолди. Суғд, Бақтрия, Хоразм мил. ав. VI-IV асрларда Аҳмонийлар давлати таркибига кирган. Бу империя таркибига кириши, ягона бошқарув, қонунчилик, пул ва почта тизимининг ўрнатилиши, оромий ёзувининг умум давлат миқиёсда қўлланилиши Марказий Осиё халқларининг маданиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Аҳмонийлар даврида халқаро савдонинг ривожланиши учун қулай шароитнинг вужудга келиши Марказий Осиё шаҳарларининг тараққиётига муайян имконият яратди.

Аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида Греция ва унга тобеъ Кичик Осиёдаги мамлакатларга сайёҳлар ва олимлар бориши мумкин бўлди. Худди шу даврда Шарқ мамлакатларига Геродот, Демокрит ва бошқалар саёҳат қилган. Аҳмонийлар империясидаги йирик шаҳарлар- Суза, Персепол, Мемфис,

Ниппур, Бобилда турли жойлардан, хусусан, Хоразм, Бақтрия, Суғддан чиққан кишилар, сакларнинг бир қисми яшаган.

Ўз навбатида мил. ав. V асрда Окс дарёсининг ўнг соҳилида милетлик юнонларнинг манзилгоҳи ташкил топади. Шу тариқа Аҳмонийлар империяси таркибида Марказий Осиё халқлари форслар, мидияликлар, бобилликлар, мисрликлар, юнонлар, ҳиндлар билан яқин муносабатда бўлиш маданиятнинг ҳам ўзаро таъсирига имкон яралди.

Аҳмонийлар империяси маданияти ҳам кўпгина мамлакат халқлари яратган илмий билимлар, диний эътиқодлар, санъат ютуқларининг синтези ҳисобланади. Бу маданиятга Марказий Осиё халқлари ҳам ўзининг ҳиссасини қўшган. Зардўштийлик Аҳмонийларнинг давлат дини сифатида қабул қилиниши билан бирга Ғарбга ҳам кенг ёйила бошлади. Аҳмонийлар санъатининг Персеполдаги улкан ёдгорлиги қурилишига Марказий Осиё минтақасидан кўплаб хом ашё келтирилган. Саройлар қурилишига Бақтриядан олтин, Суғддан ложувард ва қимматли тошлар, Хоразмдан феруза олиб борилган.

Александр Македонский Шарқ юришига отланар экан, сарой аҳлларини, устозлари, дўстларини, ҳаттотлар, олимлар, тарихчилар, шифокорлар, шоирлар, рапсодлар, актёрлар сингари маданият арбобларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетган. Кейинча Грецияда эллинлар ҳисобига уларнинг сони янада ортган. Саркарда қаерда бўлмасин, Гомер ва бошқа юнон адибларининг асарларини ўтириши ва зиёфатларда ўитар, Софакл, Еврипид трагедияларини ўйнатиб томоша қилар эди. Александр Македонский янги дўстлари -Шарқ халқларини юнон маданиятидан баҳраманд қилишга уринар эди. Ҳатто Марказий Осиёда эканида ерли аристократларнинг фарзанларидан 30 минг йигитни танлаб олиб, уларга юнон тилини ўргатиб, грек маданияти илмидан таълим беришни буюради.

Александр Македонскийнинг мақсади забт этишгина эмас, Ғарб ва Шарқ, грек-македон маданияти билан Миср, Бобил, Эрон ва умуман Шарқ халқлари маданияти, “халқлар”, урф-одатлар, қонунларнинг қоришмасидан яхлит бир

халқ, маданият, синтезлашган дин яратиш”, Греция ва македонияга забт этилган халқларни қўшиб янгича яхлит давлат тузуми барпо этиш, унда ҳамма халқларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, давлат идорасига ҳамма халқлар вакилларини жалб этиш, умуман ҳеч кимнинг хаёлига келмаган яхши ниятлар эди. Шу мақсадда шоҳ жойларда шаҳарлар барпо этди, Плутархнинг маълумотига кўра Александр варвар халқлар учун етмишдан ортиқ шаҳарлар қуриб, бутун, “Осиё бўйлаб эллин муассасаларни таъсис этди”.

Александр Македонскийнинг Шарққа қаратилган сиёсати ҳам грек, ҳам македон маданияти, жамоатчилик тушунчаси учун мутлоқ янгилик, асрлар давомида ҳукмрон бўлиб келаётган анъаналар, греклардан бошқа халқлар қолоқ халқлар, “варварлар” деган тушунчага зарба беради. Гомерда “варвар” сўзи фақат тушуниб бўлмайдиган тилда сўзлашувчи тушунчасида қўлланган. Фақат мил. ав. V аср охирларига келиб грекларга бошқа халқларни қарама-қарши қўйиш, камситиш кенг тус олади. Бу ўзгариш, биринчи навбатда, ижтимоий сабабларга эга эди.

Агар шу давргача қуллар асосан ҳарбий асирлардан ташкил этилган бўлса, эндиликда Грециянинг қул бозорларида шарқ халқлари вакилларини қул сифатида сотиш авжга чиқади. Инсонни қул этиб, ўта ҳақоратлаш, уни ҳайвонга тенглаштириш, меҳнатини ўта эксплуатация этиши, қулни ҳатто “одам” деб атамай, “тана” деб аташни ғоявий жиҳатдан асослаш, оқлашга эҳтиёж туғилади. Натижада қуллар грек миллатига эмас, балки бошқа халқларга мунсуб бўлгани учун “варвар” сўзи қўлга ҳам тааллуқли этиб ишлата бошланади. Бундай ғайриинсоний назарияни асослаганлар Суқрот, айниқса Аристотель бўлади, “грек” бўлмаганлар “варвар” деган тушунча шу даврга келиб чиқди.

Аристотель очиқдан-очиқ антик қулдорлик тузумининг назарётчиси сифатида чиқди. Унинг фикрича, Шарқ мамлакатларини забт этиш Грециянинг фаровонлигига хизмат қилиши, янги бозорлар, савдо йўллари, арзон қуллар келиши керак. Олим фалсафий қарашларида ўз фикрини назарий жиҳатасослашга ўринган. У тўғридан-тўғри “эллинларга нисбатан варварларда,

европаликларга нисбатан осиёликларда туғилишданоқ қуллик табати яққол намоён бўлади”. (“Политика”) ёки қул ва варвар табиатан битта деган фикрни илгари суради. Аристотель Македонскийга ёзган хатида гоекларга раҳбар сифатида муносабатда бўл, варварларга ҳоким бўл, эллинларни ўз яқинларинг ва дўстларинг сифатида ҳисоблаб ғамхўрлик қил, варварларга уй ҳайвонлари ва ўсимликларга қарагандек бўл, дейди.

Шарқ халқларига бундай қараш, мил.ав. IV асрда қулдорлик жамияти ҳали гуллаб турган даврда бу ғайриинсоний фикрларни рад этиши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Шарқ ва Ғарбни яқинлаштириш ёки яхлит бир давлатга бирлаштириш, эллинлар билан “варвар”га бир хил муносабатда бўлиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бундай шароитда тарбияланган, қулдорлик тузуми назарётчиси Аристотелдан таълим олган Александр Македонскийда даставвал Шарқ ва Ғарб бирлигини барпо этиш фикри бўлмаган. Аммо Шарқнинг эллинларга маълум бўлмаган, мутлоқ янгилик бўлган хусусиятлари, грек полисларидан ўзгача бўлган шаҳарлари, урф-одатлари, айниқса, эроншоҳларнинг ҳашаматли саройлари, беҳисоб бойликлари, турмуш тарзи Александр Македонский ва унинг шерикларини ҳайратга солди.

Айниқса, Шарқ халқларининг оқилиги, маданиятининг қадимийлиги, маданий анъаналарнинг яхши сақланганлиги, Шарқнинг монументал меъморлиги ва ўзига хос санъати шоҳда зўр таассурот қолдиради. Шарқ Александр Македонский нигоҳида мутлоқ ўзгача бўлиб гавдаланади. Шарқ донишмандлиги, маданияти, одамлари характерини англаб етиш осон эмаслигини тушунади. Шарқ ва Ғарб бирлиги ғояси Македония шоҳида кўп йиллик юришлар, кўп учрашувлар натижасида шаклланади.

Александр Македонский, албатта, ҳамма одамлар ҳуқуқи тенг эканлиги ҳақидаги тушунчани тасаввур ҳам қилмас, унинг мақсади грекларда ҳукмрон тусга кириб қолган Шарқ халқлари “варварлар”, “варвар” ва “қул” тушунчалари айнан бир хил, деган нотуғри фикрни йўқотиш эди. Шарқ халқлари билан яқиндан тўқнашган Александр Македонский, грек македонлардаги тушунча мутлақо нотўғри эканини яхши англайди, унинг учун халқлар бир хил, биридан иккинчисининг устунлиги фақат империяга ким қанча фойда келтириши масаласида бўлиши мумкин, холос

Эллинистик маданиятнинг шаклланишида Шарқ катта роль ўйнади. Яқин ва Марказий Шарқда ривож этган илм-фан, айниқса астрономия, математика, табобат ва ўзига хос қишлоқ хўжалиги борлиги, греклар таниш бўлмаган экин экиш, ҳосил олиш усуллари, улар билмаган озуқа, мева, полиз етиштиришни кўрдилар. Айниқса бир-бири билан алоқаси кам бўлган мустақил шаҳар-

давлатлар-полислар тузуми шароитида яшашга ўрганган келгиндилар Шарқда ягона давлат, йўлга қўйилган савдо алоқалари, шаҳарлараро яхши йўллар ва қишлоқлар билан бирдамлик, умумий дин, ибрат олишга арзигулик кўп нарсалар борлигини кўрадилар. Ҳақиқатдан Шарқ халқлари давлат тузуми, иқтисоди ва маданиятининг эллинизмга таъсири оз бўлмади. Умумий тил эса умумий маданият яратишнинг омили бўлди.

Александр Македонский ва унинг ворислари жорий этишга интилган иқтисодий ва сиёсий бирлик эллинизм даврида узоқ давом этмади, аммо турли халқлар маданияти қоришмаси бўлган эллинистик маданият Европа ва Шарқ халқлари тарихида ўчмас из қолдирди ва кейинги даврлар маданиятининг шаклланишида катта роль ўйнади. Бу даврда ҳамма шаҳарларда кутубхоналар ташкил этилди, уларда илмий ишлар олиб борилди. Худди шу даврда филологик изланишлар, матншунослик фан сифатида шаклланди. Шарқ мамлакатларида грекларникига тақлидан мактаблар, гимназия, грек адабиёти, театрлар, грек байрамлари кенг тарқалди, грек адабиёти жанрлари Шарқ адабиётига кириб келди.

Грек адабиётининг ўзида ҳам катта ўзгаришлар рўй беради, янги ғоявий йўналиши, янги мавзу, янги жанрларни келтириб чиқарди. Ўткир сатирик мазмунга эга бўлган сиёсий комедия ўрнига бадиият жиҳатдан шаклланган, шахсий ҳаётда юз бериши мумкин бўлган мураккаб воқеалар, маиший ҳаёт тарзи тасвирланган янги комедия деб аталган жанр келиб чиқади. Ғоявий ва сиёсий кураш қуроли бўлган сиёсий нотиқлик полислар йўқолиши билан ўз моҳиятини йўқотади, ўрнини Шарқ адабиётида кенг таралган амалдор ва шоҳларга қаратилиб айтилувчи мадҳия эгаллайди. Грек классик адабиётига хос бўлган ижтимоий муаммолар ўрнига энди шахсий инсоний мотивлар талқин этилган асарлар юзага келади. Янги муаммони ёритувчиянги жанрлар-эпиграмма, элегия, ишқий лирика ва роман жанрлари пайдо бўлди. Бу асарлар кенг китобхон оммаси учун эмас, балки тушуниб, қадрига етадиган маданиятли доира учунгина мўлжалланган.

Эллинизм даврида қадимий Олимп маъбудлари дини аввалги мавқеини анча йўқотади. Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар талабига полис дини жавоб беролмай қолди. Лекин эллинизм яхлит диний тузум яратмади, фақат Олимп дини Шарқ халқлари эътиқодлари билан қоришишини таъминлайди, холос. Шарқ халқлари “варвар” деб менсимовчи греклар эндиликда ўзларидан эскироқ маданиятга эга бўлган Шарқ халқларига мурожаат қиладилар ва ўзларида келиб чиққан мафкуравий масалаларга тайёр жавобни улардан топдилар. Дин масаласида ҳам Шарқ халқларига, жумладан, яҳудий, зардўштийлик, айниқса, Митра таълимотига, Миср динларига мурожаат этадилар. Бу динлар таъсирида христиан дини, монотезим шаклланди.

Эллинизм даврида, айниқса, зардуштийлик таълимоти катта роль, ўйнаган, даставвал аҳдга содиқлик, кейинчалик ҳақиқат учун курашаётганлар томонидан жанг қилувчи уруш худоси, буюк судъя ва ниҳоят, Қуёшга йўлбошчилик қилувчи Митра эллинистик мамлакатларда кенг тарқалади. Митраизм бошқа динлар ва фалсафий таълимотларга, Марказий Осиё ва Шимолийдан то Атлантик океан соҳилларида яшаган халқлар динларига ҳам таъсир ўтказади. Митра кушонлар империяси ва Эронда энг катта ҳурмат-иззат этувчи маъбуд ҳисобланган. Рим империясида ҳам бу таълимот кенг тарқалиб, антик даврнинг охирги асрларида христианликнинг энг кучли рақиби ҳисобланган.

Бактрияда эллинистик услубда яратилган санъат буюмлари, расмларни пулларда тасвирлаш маҳорати юксак бўлган. Бу ҳақда Санкт-Петербурглик олима К.В.Тевер: “Портретларни пулларда ажойиб, ўта реалистик тасвирлай олиш жиҳатидан грек-бактрия санъати Греция ва Суриянинг пулида тасвирлай билиш санъатидан ўзиб кетган... Рассомлар ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини индивидуал равишда реалистик бера олганлар”, дейди. Бу фикрни замонавий олимлар ҳам (Б.И.Маршак, И.Т.Кругликова) қувватлайдилар. Бактрия пуллари грек анъаналарини давом эттириб, бир томонда подшоҳ портрети, иккинчи томондан шаҳарга ҳомийлик қилувчи худо ва мифологик сюжет тасвирланган. Уларни юксак санъат намунаси дейиш мумкин.

Марказий Осиёда ривожланган эллинистик санъат асарларини мавзу жиҳатдан уч гуруҳга ажратиш мумкин: диний, эпик ва фолъклор билан боғлиқ бўлган асарлар. Айниқса, мил.ав. IV-II асрларда Бактрияда ривожланган эллинистик санъат диний эътиқод билан боғлиқ эди. Марказий Осиёда эллинизм даврида Олимп худолари билан ерли маъбудлар тимсолари ва вазифалари бирлаштирилади. Ахура-Мазда-Зевс, Митра-Зевс, анполон, Ника-Тохе-Хванинда, Анахита-Афина Посейдон-Вахшу ва бошқа. Қизиғи шундаки, кўп ўринларда грек худолари ерли кийимда, қиёфада тасвирланган, масалан, Матранинг бошидан нур сочиб турган қиёфа Зевс, Гелиос, Гераклга кўчирилган, ёки аксинча ерли маъбуда Хванинда Грецияда ғалаба маъбудаси Ника рамзлари-гулдаста ва уч тишли асбоб билан тасвирланади.

Марказий Осиё минтақаси **Буюк ипак йўли** бўйлаб ўтган халқаро савдонинг маркази сифатида ўта муҳим ўрин тутади. Диодотдан Галиоклгача бўлган Юнон–Бақтрия подшолари даврида юксак бадиий савияда олтин, кумуш ва мисдан тайёрланган турли қийматдаги тангалар (драхма, оболь, тетрадрахма) зарб этилди. Товар-пул муносабатларининг ўсишида Юнон–Бақтрия

шоҳларининг ўз пулларини зарб қилиши халқаро савдонинг ривожига ижобий таъсир қилиш билан бирга, юксак бадиий даражаси билан ҳам ажралиб туради.

Юнон-Бақтрия даврида Ойхонум (*Шимолий Афғонистон*), Саксанохур ва Тахти Сангин (*Тожикистон*), Далварзинтепа, Ёрқўрғон, Афросиёб, Талибарзи (*Ўзбекистон*) каби шаҳарлар қурилди. Юнон–Бақтрия шаҳарларида юнон ҳарбий манзилгоҳлари аҳолисининг турмуш тарзи ва маданиятини акс эттирувчи эллинистик услублар очилиб, ўрганилди. Иншоотлар тош, хом ва пишиқ ғиштдан тикланган. Устунлар коринф усулида ишланган. Сарой ва ибодат мажмуалари, гимназия, театр бинолари очилиб, текширилганда, устунлар антик базалтлар, акант япроқлари, пальметаллар, чети нақшланган черепица-антификслар сингари унсурлардан фойдаланган ҳолда қурилгани маълум бўлди.

Маҳаллий зодагонларнинг эллинистикдиди монументал ва ихчам ҳайкалтарошликни ривожланишига туртки берди. Теракт ҳайкалчалар ва турли муҳрлардаги образларнинг миқёси кенг. Унда ҳосилдорлик худоси Анахита, юнонларнинг бош ва маҳаллий худолари, фантастик ва реал ҳайвонларнинг тимсоллари ифодаланган. Ҳайкалтарошлик санъати намуналари кам сақланиб қолганлигига қарамай, зарб этилган Юнон–Бақтрия тангаларининг орқа томонига машҳур юнон худоларининг расми туширилганлиги бу ерда юнон ҳайкалтарошлиги илми таъсири кучли бўлганлигини билдиради. Тахти Сангинда Окс дарёсининг маъбуди Марснинг бронза ҳайкалчаси қўйилган меҳроб топилди. Антик дунёдан Марказий Осиёга кириб келган ҳайкалтарошлик санъати Кушонлар салтанати даврида янада равнақ топди.

Юнон–Бақтрия подшолигида театр санъати ва мусиқа ривожланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бақтрия саройларида юнонистонлик актёрлар, мусиқачи ва раққосларнинг гуруҳлари сақланган. Айниқса, юнон халқ театрининг «маскарс», «мим» сингари турлари кенг ёйилган. Уларни классик трагедия ва комедиялардан фарқи белгиланган матн бўлмаган ёки матнсиз чиқилган, лекин у юнон тилини билмаган маҳаллий аҳолига тушунарли бўлган. Актёрлар шароит, томошабинларнинг руҳиятига кўра матнларни

ўзгартирганлар-мусоҳаба, ҳазил-мутойиба, ҳажв, ҳикоя, қўшиқ усулларида ижро этганлар. Рақс, мусиқа, кўзбўямачилик ва акробатик машқлар театр ижрочилигининг муҳим элементлари бўлган. Ҳукмдорлар ҳомийлик кўрсатган маҳаллий актёрлар ҳам шаклланган; Миллий театрнинг-“Масхарабоз” намунасида ҳамон эллинистик белгилар сақланиб қолган.

Юнон–Бақтрия маданияти синкретизми (*қоришиқлиги*) турли тилларнинг ёнма-ён фаолият кўрсатиши, ҳар хил тилдаги ёзувлар ва динларнинг ўзаро сингишиб кетишида ҳам кўринади. Мил. ав. III-II асрларда оромий, Юнон–Бақтрия ёзувлари кенг ишлатилган. Юнон алфавити асосида унга битта ҳарф қўшиб (жаъми 25 та ҳарф), Бақтрия ёзуви вужудга келган. Зардўштийлик ҳукмрон дин сифатида сақланса-да,аҳолида юнон маъмудлари тимсолларигасиғиниш аломатлари пайдо бўлган.

Маҳаллий аҳоли назарида Олимп худоларининг образлари билан зардўштийлик худоларининг тимсоллари-Зевс ва Ахурамазда, Апполон, Меҳр-Қуёш ва Митра, Афродита ва Анахита (Ноҳид юлдузи) тимсоллари уйғунлашиб кетди. Ерли аҳоли ўртасида Афина, Геракл, Ника, Дионис тимсолларига сиғиниш қанчалик тарқалса, Юнонистонда Митра, Окса (*Окшо-Амударё*), Буюк онага сиғиниш шунча ҳам кенг тарқалди. Буни Ойхоним, Тахти Сангиан манзилгоҳларидан топилган тасвир мазмунида, юнонча ва маҳаллий анъаналар ифодаланган санъат ёдгорликларида ҳам кўриш мумкин.

Юнон–Бақтрия маданияти одатда, Шарқ эллинистик маданияти деб таъкидланади. Агар эллинистик маданиятга Юнон ва Шарқ маданияти уйғунлиги хос деб характерланса, Марказий Осиё маданиятида маҳаллий ўзига хослик, шарқона бетакрорлик устувордир. Айни шу негизда юнон маданияти қадриятларини ўзига сингдирган маданият асосида кейинги даврлар маданияти янада ривожланди.

Амударё хазинаси -мил.ав. IV-II асрларга оид заргарлик буюмлари мажмуаси. 1877 йил Вахш ва Панж дарёларининг Амударёга қуйилиш ерида, **Тахтиқубод** кечуви яқинида топилган, 179 олтин ва 7 кумуш буюм ҳамда ўша даврларда зарб қилинган 1500 та кумуш ва чақа тангалардан иборат. Олтин зеб-

зийнатлар, билагузук, узук, зирак, маржон, бўйин тумор, тўқа, муҳрлар ҳамда одам, кийик, ғоз, балиқ ва бошқа жониворларнинг қуйма олтин ҳайкалчалари, шунингдек, олтиндан ясалган от аравача, жомчалар бор. Буюмларни турли давр усталари ишлаган бўлиб, ахоманийлар, махаллий Юнон–Бақтрия ва соқлар маданиятига мансуб. (Ҳозир Амударё хазинаси Санкт-Петербургда, эрмитажнинг ўрта Осиё маданияти бўлимида сақланади).

Олтин ва кумуш тангаларга македониялик Искандар, салавнийлар ҳамда Юнон-Батрия давлати ҳукумдорлари Диодот ва Евтидемлар номлари зарб қилинган. Улар Афғонистон ва Ҳиндистон орқали Лондондаги Британия музейига олиб кетилган. Буюмлардаги нақшлар ва қуйма ҳайкалчалар скифларнинг «подшо мақбаралари»дан топилган олтин ва кумуш буюмлардаги жангчи ва ҳайвон тасвирларига ўхшаб кетади. Бу Геродотнинг «саклар Қора денгиз бўйларида яшовчи скифлар билан яқин» деган маълумотини тасдиқлайди. Амударё хазинаси Кичик Осиё, Эрон ва Туронни қамраб олган улкан ҳудудда мил. ав. V-III асрларда яшаган ҳалқларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган нодир ёдгорликдир.

Бунда Хоразм маданиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу минтақа суғориладиган деҳқончилик, шаҳар маданияти шаклланган энг қадимги манзилгоҳлардан бири бўлиб, бу ерда Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги (*мил. ав. VII-VI асрларда)* давлат пайдо бўлган. Хоразм (*мил. ав. IV асрларда*) Александр Македонский босқинига қадар Аҳмонийлар истилосидан озод бўлган давлатдир. Хоразмликлар Ҳиндистон, Хитой, Яқин Шарқ ва Европа Шарқи билан қизғин савдо алоқаларини олиб борганлар ва ўзларининг ҳунармандчилик буюмлари билан донг таратганлар. Тарихий солномаларда хоразмликларни тадбиркорлиги, ишбилармонлиги қайд этилиб, уларни «илм соҳиблари» деб атаганлар.

Тупроққалъа – Хоразмшоҳларнинг қадимги шаҳар харобаси бўлиб, тарҳи тўғри бурчакли (*500x350 метр*), гумбазсимон йўлакли ва буржли мудофаа девор билан ўралган. Деворнинг мустаҳкам жанубий дарвозасидан оташкага

томон марказий кўча ўтган. Тупроққалъанинг маданий қатламидан милодий бошларидан VI асргача бўлган даврга оид ашёвий манбалар чиққан. Қалъанинг шимолий-шарқий қисмида махсус кўтарма супа (*баландлиги 14 метр, майдони 80х80 метр*) устига ҳом ғиштдан сарой қурилган. Унга ёндош қилиб баландлиги 25 метрли 3 та минораси бўлган арк биноси (*майдони 40х40 метр*) бунёд этилган.

Тупроққалъа деворий расмлари ва ҳайкаллари — Ўрта Осиё ҳудудида сақланган санъат обидаларидан. Хоразмшоҳлар саройи мажмуаси деворларига ишланган расмлар ва ҳайкаллар милодий I-III асрларга мансуб. Археологлар “Шоҳлар хонаси” (*ҳайкаллар гуруҳида аждодлар илоҳийлаштирилган бўлса керак*), “Ғалаба хонаси” (*горельефларда шоҳ шон-шавкати ифодаланган*), “Аскарлар хонаси” (ш*оҳлар улкан, жангчилар кичик ҳажмда акс эттирилган*) ва бошқа рамзий аталган сарой хоналари ҳайкаллари, бўртма тасвирлар ҳамда ранг тасвир билан безатилган: рангтасвир ҳайкалтарошлик ҳамда монументал безакларда кенг қўлланилган.

Тасвирлар Ўрта Осиёда кенг тарқалган усулда, қуруқ ганч сувоққа минерал бўёқларга елим қўшиб ишланган: тасвир оқ заминни бутунлай қоплаб ишланиб, қора бўёқда тасвирнинг шакли аниқ қилиб чизиб чиқилган сўнг шакллар ичи керакли рангда (қора, кўк, зангори, қизил, бинафша, пушти) бўялган. Тупроққалъа деворий расмлари ва ҳайкаллари асосан, қуйидагича композиция тузилишга эга: кенглиги 0.3 -0.7 м бўлган безак ҳошиядан иборат пастки қисм (*масалан, мовий сув тўлқини узра сузаётган қизил балиқлар*), асосан, табиий катталикда ишланган турли жонзотлар, одамлар тасвирлари, ов манзараларидан иборат асосий қисм ҳамда девор безагини якунловчи ганч безакли фриз кўринишдаги юқори қисм. Асосий қисмда тасвирланган ов саҳналари, одамлар тасвирлари диққатга сазовор, мавзули лавҳалар ўсимликсимон нақшлар билан уйғунлаштирилган. Яхши сақланган айрим тасвирлар Хоразм рангтасвири (*масалан, арфа чалаётган аёл тасвири*) нинг ишланиши кушонлардагидек санъати билан боғлаш имконини беради. Барча

тасвирлар ўта эркинлик ва ҳаққонийлик билан яратилган бўлиб, қадимги Хоразмнинг юксак тасвирий санъатидан дарак беради.

Канал, қалъа, кўп қаватли саройлар қуриш нафақат амалий малакани, балки мураккаб ҳисоб-китоб ва ўлчовларни ҳам талаб қилар эди (*мовий йўл кўрсаткичларидан фойдаланишни билмай, дашт-саҳролардан ўтиб бўлмасди*). Хоразмликлар I-асрдан VIII асргача ўзлари фойдаланган махсус тақвим тизимини яратдилар. Бу тақвим Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида муфассал тавсифланган. Унинг маълумотларини археологлар томонидан топилган, III асрга оид асл нусха ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Абу Райҳон Берунийнинг маълумотига кўра, хоразмликлар мустақил астрономик кузатишлар олиб борганлар, осмоннинг юлдузлар харитасини яхши билганлар.

Қўйқирилган қалъада обсерваториянинг қадимийлиги (*мил. ав. III-II асрлар*) шубҳасиздир. Доира шаклидаги, дастлабки диаметри 42 метрли бу бино кейинчалик 8 та мустаҳкам минорага эга бўлган деворлар билан ўралиб, диаметри 80 метрни ташкил этган. Икки қаватли марказий бино деворининг қалинлиги 7 метр бўлган. Олимларнинг тадқиқотларига кўра Қўйқирилган қалъа астрономик кузатиш, изланишлар олиб бориладиган илм қароргоҳи бўлган. Бинони ноёб қурилиш тизими, хоналарни мақсадга мувофиқ жойланишига кўра уни Англиядаги ноёб ёдгорликка қиёслаб «Хоразм Стоунхенжи» деб аташ мумкин. (расмга қаранг)

Хоразм маданиятининг ўзига хос ривожланиши кейинги даврларда ҳам давом этди. 2000 йиллар муқаддам Марказий Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Покистон ва Шарқий Эрон ва ягона давлат ҳудудини ташкил этган қудратли Кушонлар империяси ўша даврнинг бошқа уч буюк давлати — Рим, Парфия ва Ханлар Хитойи билан бир қаторда турди. Кушонлар империяси даври шарқ ва жаҳон маданияти ривожида янги даврни ташкил этди. Кушонлар маданиятида қадимги Шарқ типидаги минтақавий цивилизация билан эллинизм маданияти анъаналари, Ҳиндистон маънавий ҳаётининг нозик қирралари билан Осиё

кенгликларидаги даштликлар олиб келган ўзига хос услублар ижод уйғунлашиб кетган эди.

Кушонлар салтанатининг дастлабки манзили марказини **Тохаристон** ташкил этди. Иқтисодиётнинг асоси деҳқончилик бўлиб, мураккаб ирригация ва йирик суғориш иншоотлари барпо этилди. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг жадал ривожланиши шаҳарларни гуркираб ривожланишига, ғиштлардан барпо этилган қалъа ва саройлар қурилишига олиб келди. Бу пайтда Ғарб мамлакатлари, хусусан, Рим империясининг шарқий вилоятлари билан савдо алоқалари биринчи ўринга чиқди.

Кушон подшоларининг тангалари Киев яқинида, Эфиопия, Скандинавия ва Рим империяси шаҳарларидан топилган. Улар савдо йўллари ва Ҳиндистоннинг ғарбидаги денгиз орқали олиб борилган. Бу йўллардан хилма-хил буюмлар, жумладан Римга қандолат, қимматбаҳо тошлар, фил суяги, гуруч, зебузийнат ва жиҳозлар элтилган. Хитойдан шойи ва тери буюмлар, Римдан тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, ойна, қимматбаҳо металлар, турли винолар шу йўл орқали олиб ўтилган. Римнинг кўп миқдордаги олтин ва кумуш тангалари алоқага киритилган. Ўша даврдаёқ савдонинг ушбу йирик халқаро артерияси «Буюк ипак йўли» деб ном олди. Кушон ва Рим империяларининг алоқалари тўғрисида яна бир далил бу Римда Троян устунида Кушон элчилари рельеф усулида тисвирланган монументал асарининг мавжудлиги.

Маданий юксалишнинг Кушонлар даври (*милодий I-IV асрлар*) диний тизимларнинг ёнма-ён яшаши билан характерланади. Бунга маълум маънода Кушон подшолари, айниқса Канишка ва Хувишка томонидан диний ақидаларга нисбатан толерантлик-бағрикенглик,толерантлик-бағрикенглик, сабр-қаноат ва ишонч-мурувват билан ёндошилганлиги имконият яратди. Канишка зарб этдирган тангаларда ҳинду, зардўшт, эллин маъбудларининг номи ва тасвирлари туширилган. Адолатгўй Митра ва ҳосилдорлик маъбуди Ордохши қудратли Вретрагна (Баҳром) билан ҳиндларнинг Шива, Буддасини, Гелиос, Селена, Сераписларини кўриш мумкин. Буддизм давлат дини мақомига эга бўлишига

қарамай, Кушонлар империяси ҳудудида зардўштийлик, жайнизм, шиваизм, манихейлик-монийлик, Олимп маъбудларига сиғиниш кенг тарқалган эди.

Буддизмнинг тарқалиши маҳаллий дин ва санъатларнинг тугатилишини англатмайди. Билакс, буддавийликни Бақтриядаги ихлосманд тарғиботчилар Будда матнларини шунчаки ўзлаштириб, уни санскритдан қилинган таржимаси билан кифояланмай, уларни ўзларича талқин этдилар, унга қайта ишлов бердилар. Марказий Осиё буддавийликни Хитой, Япония, Кореяга тарқалиш манзилгоҳини ташкил этди. Кушонлар даврида ёзувнинг турли тизимлари амал қилинди.

Оромий ёзуви асосида Кушон-Бақтрия алфавити, Сўғд ва Хоразм ёзуви ривожланди: Сурхоқ қоталда (*Афғонистон*) юнон алфавитидаги Кушон ёзуви топилган. Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепадан ҳиндларнинг Браҳма, Кхоратшха ёзувларидаги битиклар топилди. Кампиртепадан эса (*Сурхондарё*) Марказий Осиёдаги энг қадимий, ноёб қўлёзма (мил. ав. II асрнинг биринчи ярми) — папирусдаги битик топилди.

Фаёзтепа -I-III асрларга оид будда монастр-бодатхона мажмуаси. Ибоатхона таркибининг асосий қисмларидан бири-ступа бўлиб, у бошқа ибодатхоналардан фарқли ўлароқ, ибодатхона ҳовлисининг марказида эмас, балки унинг ташқарисида, муқаддас саждагоҳ билан бир параллел чизиқда жойлашган. Ибодатхонанинг муқаддас саждагоҳида Будда ҳайкали жойлашган. Саждагоҳ деворлари ранг-баранг деворий суратлар билан безатилган. Деворлар ости бўйлаб ўз вақтида будда ҳайкаллари (*баландлиги 4 метр)* қўйилган. Кўпчилик ҳайкаллар қизил ранг билан бўялган, сўнг устидан олтин суви юргизилган.

Саждагоҳ жанубий деворида қизил кийимда Будда тасвири сақланган. Унинг икки томонидан елкаларига елкапуш ташлаган узун кийимдаги икки одам расми тушурилган. Улардан бири Буддага қараб сажда қилмоқда. Ушбу хонада ганчқори ҳайкал бўлаклари кўплаб учрайди. Ҳатто хонанинг шарқий девори остда ҳайкаллар учун пишиқ ғиштдан махсус тагкурси қурилган, унинг усти эса мергелий тош парчалари билан силлиқ қилиб қопланган.

Ҳайкалларнинг кўпчилиги эса сомон қўшилган лойдан ясалиб, уларнинг сиртига ганч қоплама берилган. Ҳайкалларнинг боши махсус қолипда қуйилган. Қўл ва оёқлари алоҳида ясалиб, сўнг улар ҳайкал танасига ёпиштирилган.

Фаёзтепа ҳайкаллари орасида ганчдан ишланган Будданинг бош қисми диққатни ўзига тотади. Унинг тутамланган қоп-қора сочлари, фусункор чеҳраси унга гўзаллик бағишлайди. Буддани бундай ишланиши Кушонлар даври ёдгорлигида биринчи бор учраши эди. Ушбу муқаддас саждагоҳ эшиги қаршисида яхлит мергалей тошидан ясалган ноёб санъат асари-триада топилган. Триада, марказида ипак мантияга ўралган Будда арка ва муқаддас бадха дарахати шоҳлари остида ўтирибди, икки ёнида тик турган роҳиблар эса унга илтижо қилиб турган ҳолатда тасвирланган. Саждагоҳдан иккита Канишка ва битта Васудева тангалари топилган.

Асримизнинг бошида Буюк Хитой девори миноралариниг биридан топилган **“кўҳна сўғд ёзуви”** алоҳида қизиқиш уйғотади. Ёзув 312-313 йилларда битилган бўлиб, унда Хитойдаги сўғд савдогарларининг фаолияти ҳақида маълумотлар берилган.

Кушонлар санъати қўшни мамлакатлар ва халқлар санъатларига таъсир кўрсатувчи намуналарни яратди. I-IV асрлардаги бадиий маданиятнинг асосий хусусияти Осиёда оламни англашга эллинистик таъсирни тафаккур тарозисидан ўтказишдир. **Холчаён** (*мил. ав. IV милодий I асрлари*) **—** Юнон–Бақтрия ва Кушон санъатининг ёдгорликларидан бири бўлиб, ундан топилган асарларда кўпроқ ҳукмдор Герай Санат улуғланган. Қабулхона деворларининг юқори қисмидан ўрин олган лойдан ишланган ҳайкаллар мажмуида ҳукмдор ва аъёнлар тасвирланган. Ҳайкаллар ифодали бўлиб, унда тасвирланаётган образларнинг индивидуал белгилари кўзга ташланиб туради. Унда тантанавор руҳдаги қабул маросими ва жанг лавҳалари акс эттирилган. Марказда подшо хонадони ва унинг илоҳий ҳомийлари - Афина, Геракл, Ника образлари гавдаланган.

Кушонлар салтанатининг биринчи пойтахти **Далварзинтепа**да топилган машҳур «шаҳзоданинг боши» ҳамда Тупроққалъа ҳайкалларида эллинистик анъаналарнинг кучли таъсири сезилади. Подшолар залида эса эркак ва аёлларнинг монументал фигуралари қўйилган, подшо найза тутган жангчилари даврасида, зиёфат ва буғу овлари кўринишида тасвирланган.

Диний мазмундаги санъат асарлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Далварзинтепадаги икки ибодатхонадан топилган тасвирий санъат намуналарида қадим ибодат тимсоли —буюк Она худо образи ифодаланган. Кўҳна Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепадаги эҳромларни Буддага дахлдор ёдгорликлар безаб турибди. Ушбу асарларда шимолий-ғарбий Ҳиндистонга хос «гандхара услуби» устуворлик қилса-да, унда маҳаллий санъат усталарининг юнон санъати анъаналари таъсирида ижод қилганлиги сезилиб туради. Бақтрия-Будда услубидаги буюк ижод намунаси **Айритом** шаҳридаги II асрга оид Будда мажмуи безаклари бўлиб, унда турли этник типдаги образлар галереяси берилган.

Кушон санъати империядан кейин ҳам ана шу замонларда турли эллардаги, жумладан, Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Хитойлик санъат усталари ва ижодкорларини руҳлантириб келди. Кушонлар санъати анъаналари ифодаси Ҳиндистондаги Гупта давлатига хос ҳайкаллар, Суғддаги бўртма тасвир ва безаклар (*Панжикент, Варахша, Афросиёб*), Шарқий Туркистон топилмаларида бир-биридан фарқланади.

Далварзинтепа хазинаси Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси томонидан топилган (1972). Далварзинтепа хазинаси — икки балдоқли сопол кўзача (*ярим метр чуқурликда, оғирлиги 36 килограмм*)даги ҳар хил олтин буюмлардан иборат. Олтин буюмлар сони 115та, улар ёмбилар, билагузуклар, олтин шодалар ва бошқа тақинчоқлардир. Хазина подшо амалдорлари, бойларга ҳар хил тақинчоқлар тайёрлаб берадиган заргарга тегишли бўлса ажаб эмас. Чунки, баъзи тақинчоқлар жуда оғир, ҳатто битта билагузук 872 грамм соф олтиндан иборат. Айниқса, нозик дид билан ишланган турли шаклдаги билагузук ва зираклар, қизғич рангли қимматбаҳо тошга ўйиб ишланган, эркак

тасвири тушурилган бўйин тақинчоғи, тилла ипчалардан тўқилган ва 5 қатор тизилган шода диққатга сазовордир.

Олтин шода тақиладиган қисмининг иккала томонига 10 тадан ортиқ феруза ва ёқут тошлар қадалган. Хазинадаги тўғри бурчак шаклида тайёрланган ёмбилар катта илмий аҳамиятга эга. Уларнинг жами 21 та, аммо 10 тасида қадимги **кхарошти** ёзуви битилган Далварзинтепа хазинаси палеографик жиҳатдан 1 асрга тўғри келади. Хазинанинг энг қимматли томони унинг антик давр санъати қаторида тутган ўрнидир.

Гарчи Далварзинтепа хазинасидаги тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетса-да, аммо уларнинг Шимолий Бақтрия, яъни ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида яшаган кўли гул усталар томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Далварзинтепа хазина топилмаси аждодларимизнинг қўшни халқлар ва мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотиқ ва маданий алоқада бўлганлигидан дарак беради.

Афросиёб деворий расмлариСамарқандда археологик қазилмалар натижасида топилган маҳобатли рангтасвирнинг ноёб намуналари. Археологлар 30 га яқин сарой хонасини очишга муваффақ бўлганлар, бу хоналарнинг кўплари деворий расмлар, нақшлар билан безатилган. Хоналардан бирида эркак ва аёл арк олдида ўтирган ҳолда тасвирланган. Катта хона деворларига ишланган расмлар деталларга бойлиги, сақланиб қолган сўғд ёзувлари билан аҳамиятли. Хона деворларига ишланган расмларда тўй маросими, Сўғд ҳукмдорининг хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиши, бу элчиларнинг йўлдаги саргузаштлари, йиртқич ҳайвонлар билан олишув,ов манзаралари, афсонавий маҳлуқлар тасвирланган.

Сақланиб қолган расмлар таҳлили ўрта аср маҳобатли тасвирий санъатнинг ғоявий бадиий йўналиши, рассомларнинг иш усуллари ва воситалари ҳақида, тафсилотларга бой маиший саҳналар, этник кўринишлар ўша давр ҳақида фикр юритиш имконини беради. Рассом деворни уч қисмга бўлиб, икки четки қисмидан энсиз нақш ҳошияси ажратиб олинган, асосий қисмига мавзули тасвир ишланган, воқеларни юқоридан кузатилаётгандай акс

эттирган. Афросиёб деворий расмлари ягона бир мазмунга бўйсундирилган: марказда Сўғд ҳукмдори Вархумон туради, анъаналарга кўра рассом уни бошқаларга нисбатан йирик кўринишда (*бутун девор баландлигида, 5-6 метр*) тасвирлаб, ҳукмдорнинг буюклигини эътироф этади, унга абадиийлик, қахрамонлик бахш этади. Афросиёб деворий расмлари Ўрта Осиёда араблар истилосига қадар маҳобатли рангтасвирнинг ривожланганлигини, Самарқанд унинг маркази бўлганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, қадимги Марказий Осиё маданияти тараққиёти мобайнида ўзига хос анъана ва ютуқларни сақлабгина қолмасдан, улкан минтақада умумий қадриятларни вужудга келиши, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан маданий алоқа муносабатларини ривожлантиришга имконият яратиб, маданий юксалишни янги сифат босқичига кўтарди. Қадимги Марказий Осиё маданиятининг ривож нуқтаси бўлган Кушонлар маданияти ҳудудий ва мазмун жиҳатидан алоҳида олинган маданият эмас эди. У ўзида Марказий Осиё, Антик дунё ва Ҳинд маданиятлари синтези бўлиб, Шарқ ва Жаҳон халқлари маданиятини янада равнақ топишига асос бўлди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ибтидоий босқичдаги маданият ривожининг қиёфасини қайта тиклаш мумкинми?
2. Этнографик маълумотларга таъриф беринг?
3. Селунғур ғорининг аҳамиятини биласизми?
4. Тешиктош ғори топилмалари ҳақида тухталиб ўтинг?
5. Зараутсой расмлари қайси даврга мансуб?
6. Мифологик билимларнинг ижтимоий вазифаларини тушунтириб беринг?
7. Марказий Осиёда қайси даврларда дастлабки давлатлар вужудга келди?
8. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ҳақида сўзлаб беринг?
9. Александр Македонскийнинг Шарққа қаратган сиёсатида қандай мақсадлар бор эди?
10. Буюк ипак йўлининг маданиятлар ривожидаги аҳамият ҳақида нималарни биласиз?
11. Буддизмнинг тарқалиши маҳаллий дин ва санъатнинг тугутилишини англатадими?

Амир Темурни улуғлаш - тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.
Ислом Каримов

11 мавзу. Амир темур ва темурийлар даври маданиятининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни

Таянч сўз ва иборалар

Амир Темур, Шарқ уйғониш даврининг иккинчи босқичи, “Темур тузуклари”, Зафарнома, Клавихо, ибн Арабшоҳ, Мирзо Улуғбек, Зижи Кўрагоний, меъморлик, Оқсарой, Шоҳи Зинда, Зангиота, Аҳмад Яссавий мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Бибихоним жоме масжиди, Улуғбек расадхонаси, Боғи Дилкушо, адабиёт ривожи, Лутфий, Жомий, Алишер Навоий, Захриддин Бобур.

11.1. Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан равнақи

Амир Темур ва темурийлар даври Шарқ уйғониш даврининг иккинчи босқичи бўлиб тарихга кирди. Ўша даврда Марказий Осиёда моддий ва маънавий маданиятнинг гуркираб ўсиши учун шарт-шароит яратилди. Бу Турон халқларининг фахри, ғурури,соҳибқирон Амир Темур номи ва фаолияти билан боғлиқ.

Ҳофиз Абрунинг ёзишича Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. Амалий жиҳатдан фойда келтирадиган ҳар қандй билимни қадрлаган. Одатда у тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик уламолари, шунингдек, илоҳиёт ва диний соҳадаги машҳур уламолар билан суҳбатлар ўтказарди. Амир Темур ва темурийлар даврида, Сайид Амир Кулол, Муҳаммад Порсо, Зайниддин Тойободий, Баҳоуддин Нақшбанд каби азиз-авлиёлар, уламолардан Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Саъидиддин Тафтазоний, Сайид Шариф Журжоний, Али Яздий, Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий, Ғиёсиддин Али, Ғиёсиддин Наққош, Жамшид Коший, Жалолиддин Давоний,

Сайид Қосим Анвар, Камол Хўжандий, Хофиз Шерозий, Мир Муҳаммад, Ғиёсиддин Муҳаммад, Мирҳонд, Хондамир, Абдурахмон Жомий ва бошқалар ижод қилдилар.

Амур Темур ва темурийлар даврини ёритишга оид асарлардан муҳим аҳамиятга эгалари қуйидагилар: “Темур тузуклари”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Муъинуддин Натанзийнинг “Мунтахиб ут-таворихи Муъиний”*(“Сайланма тарихи”)*; Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” (*1403-1406 йиллар*), Шарафиддун Али Яздийнинг “Зафарнома”; Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ут-таворих”; Ибн Арабшоҳнинг “Ажоиб ул-мақдур фи ахбори Темур” (*“Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари”*); Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” *(“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”);* Мир Муҳаммад Мирхонднинг “Равзат ус-сафо фи сийратул-анбиё вал мулук вал-хулафо” (*“Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи”)* Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”асарлари ижод қилинган.

Улуғ аждодларимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса–да, куч-қудрат зурлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканлигини ниҳоятда чуқур англаган. Соҳибқироннинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имкониятсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ажаблантиради. Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда “Темур тузуклари” бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.

“Темур тузуклари”— Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятидан маълумот берувчи асар бўлиб, у икки қисмдан иборат. **Биринчи қисмда** Амир Темурнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг

Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиш, сиёсий тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлат тузиши, 27 мамлакатни қўлга киритиб, улкан салтанатни тузганлиги ҳақида ихчам ва равон тилда баён қилинган.

Иккинчи қисмда жаҳонгирнинг фарзандларига айтган ўзига хос васият, панд-насиҳатлари ва ўгитларидан иборат. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу-тахт эгаларининг ўрни, вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини танлаш, армиянинг тузилишини ва жанг олиб бориш қоидалари, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатни бошқариш санъати, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг давлат олдида кўрсатган хизматларини тақдирлаш каби масалалар бўйича фикр юритилган. Мисол учун: "Пирим менга ёзмишларким: "Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни 1) кенгаш[1]: 2) бошқалар билан машварату маслаҳат айла; 3) ҳушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар; 4) эҳтиёткор бўл. Чунки, кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари–ю, айтган гаплари хато бўлган жоҳил кимсага қиёслаш мумкин: унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ила надомат келтиргай. Шундай экан салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмайсан"[2].

Масалан, "амр қилдимки, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга кишилардан бўлишлари лозим. **Биринчидан**, асиллик ва тоза насллик, **иккинчидан**, ақл, фаросатлилик, **учинчидан,** сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик, **тўртинчидан**, сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик"[3]. Амир Темур катта империясини 7 та вазир орқали бошқарганлиги таҳсинга сазовор.

Соҳибқироннинг солиқ сиёсати ҳозиргача аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, "Яна амир этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирор боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса,

[1] "Темур тузуклари"да **"кенгаш"** сўзи икки маънода келган: 1. Мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш.
[2]Темур тузуклари.- Тошкент: Ўзбекистон, 2013, 13-14 бетлар.
[3]Ўша жойда, 106-107 бетлар.

биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (*эса олиқ-солиқ*) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар”[1].

“Темур тузуклари”ни қайта нашр этилиши муносабати билан Президентимиз Ислом Каримов “Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси” деб номланган муқаддимасида таъкидлаганидек: “Ишончим комилки, ёшларимиз бу китобни меҳр қўйиб, тушуниб, чуқур англаб ўқиса, уларнинг қалбида миллий ғурур туйғуси юксалади, ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқурроқ ҳис этиб, ҳаётнинг ҳар қандай синов ва қийинчиликларини енгишга қодир инсонлар бўлиб вояга етади”[2].

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётлигида, бевосита унинг топшириғи асосида **Низомиддин Шомий** томонидан ёзилган. **“Зафарнома” —** Амир Темур давлати тарихига бағишланган асар. “Зафарнома”ни ёзишда Амир Темурнинг мунший ва котиблари ҳам назм, ҳам насрда, форсий ва туркий тилларда ёзган маълумотлар, муаллифнинг 1400-1404 йиллар давомида Соҳибқирон юришларида бўлиб, ўзи кўрган-билганлари, Ҳиндистон юриши воқеалари қисмининг баёни учун Ғиёсиддин Алининг “Рузномаи ғазавоти Ҳиндистон” (*“Ҳиндистонга юриш кундалиги”)* асари асосий манба бўлиб хизмат қилган.

“Зафарнома” тарихий асар сифатида XIV-XV аср бошида Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги давридаги Ўрта Осиё, Олтин Ўрда хонлиги, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатлар тарихига оид воқеаларни ўз ичига олган. Асар муқаддимасида Амир Темур тарих саҳнасига чиққан 1360 йилга қадар Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Чингизий ҳукмдорлар ҳақида қисқа маълумот берилган. Сўнгра Амир Темурнинг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг бошида қилган зафарли юришларининг батафсил баёни келтирилган.

[1] Темур тузуклари.- Тошкент: Ўзбекистон, 2013, 143 бет.
[2] Ўша жой. 9-бет.

Шунингдек, **Руи Гонсалес де Клавихо** Кастилия қироли Генрих III нинг Амир Темур ҳузурига юборган 2 элчилиги раҳбари томонидан ёзилган кундалигида (1403-1406) ҳам босиб ўтилган манзилларнинг батафсил баёни ва этнографик маълумотлардан ташқари, Амир Темур салтанатининг мукаммал сиёсий-иқтисодий тафсилотлари келтирилган. Клавихонинг сафар хотиралари биринчи марта 1582 йил Аргонте де Молина шаҳрида “Буюк Темур тарихи” номи билан нашр этилган. Асарда Амир Темурнинг Самарқанддаги Боғи Дилкушода ўтказган қабул маросими, ушбу боғ тавсифи, шунингдек, Амир Темурнинг ободончилик соҳасида олиб борган сиёсати батафсил баён этилган. У Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари тарихи бўйича қимматли манба ҳисобланади.

“Зафарнома” (Фатҳномаи Темурий, Тарихи Жаҳонкушойи Темурий) **—** Амир Темур давлати тарихига бағишлаб ёзилган асардир. Шарафуддин Али Яздий (1454) томонидан Иброҳим Султон фармонига кўра, 1419-1925 йилларда Шерозда форс тилида ёзилган. “Зафарнома” аслида “Фотиҳнома”, ёки “Фотиҳномаи Темурий” ёки “Тарихи Жаҳонкушойи Темурий” деб номланган бўлса-да, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сига мазмунан яқинлиги туфайли кейинчалик “Зафарнома” номи билан шуҳрат топган. Асар икки қисмга: Амир Темурдан олдинги давр тарихидан умумий тарзда сўзловчи “Муқаддима” ва Амир Темур даври тарихини ёритувчи асосий қисм “Зафарнома”га бўлинади.

“Зафарнома”нинг сўз бошисида айтилишича, Амир Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён қилинган ҳикояларнинг ҳамма шеърий ва насрий нусхалари тўплангач, маълумотлар билан танишиш учун учта гуруҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрган шоҳидлар эса бир гуруҳни ташкил қилган. Гуруҳ аъзоларидан бўлиб ўтган воқеаларнинг жонли гувоҳи сифатида фойдаланилган.

Иброҳим Султоннинг қатъий буйруғига биноан китобни ёзиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасидага масофа ўлчовлари ҳақидаги барча

маълумотлар жуда синчиклаб текширилган. Шарафуддин Али Яздийдан эса асарни жонли тил билан, тушунарли қилиб ёзиш талаб этилган ва шунингдек, у ҳужжатларга қатъий риоя қилиши, Иброҳим Султоннинг бевосита шахсий назорати остида тузилган дастлабки хомаки режадан асло четга чиқмаслиги ҳамда ҳеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги шарт қилиб қўйилган. Шарафуддин Али Яздийнинг асари бугунги кунда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи энг мукаммал, қимматбаҳо тарихий манбалардан бири ҳисобланади.

Ҳофизи Абру (1361-1430) **—** тарихчи ва географ. Амир Темур ва Шоҳрух Мирзо саройларида тарихнавис бўлган. Тарихий ва географик асарлар (*“Зайли Зафарномаи Шомий”, “Зайли Жомиъ ут-тарих”,”Тарихи Ҳофизи Абрў”, “Мажмуа ат-таворихи Султония”, “Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий*) муаллифи. “Зайли Зафарномаи Шомий” асари Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сига илова бўлиб, асардаги тарихий воқеалар баёнини 1405 йилгача давом эттирган.

“Тарихи Ҳофизи Абрў” номи билан машҳур тарихий-географик асарида дунёнинг доира шаклидаги харитаси ва бошқа хариталар берилган. Бу хаританинг муҳим томонларидан бири меридиан градуслари тўғри аниқланганидир, уни географлар Ҳофизи Абрўнинг шоҳ асари деб ҳисоблайдилар.

Бу асарда Ер юзасидаги сувлар, тоғ-тошлар, мамлакатлар ва улардаги шаҳар-қишлоқлар, шунингдек, Форс, Кирмон, Хуросоннинг батафсил географияси ва тарихи, Мовароуннаҳр географияси биён этилган. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб, Термиз каби шаҳарлар ҳамда Жайхун, Сайхун, Мурғоб ва бошқа дарёлар, мамлакатлар, вилоятларнинг кенглик ва узунликлари кўрсатиб ўтилган ва масофалар ҳамда майдонларни изоҳловчи (*фарсанг, ойлик йўл, кунлик йўл*) анчагина маълумотлар бор.

1423-1427 йилларда ёзилган “Мажмуа” (“*Тўплам*”) асари Шоҳрух Мирзо салтанати тарихини 1417 йилги воқеалар билан тугатади. Унинг 4 жилдидаги “Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий”да тарихий воқеалар 1417 йилга қадар

етказилган. Ҳофизи Абрўнинг асарларида ижтимоий-иқтисодий маълумотлар, бизгача етиб келмаган асарларидан парчалар ва муаллифнинг ўз даврига оид хабарлари кенг ўрин олган.

Ибн Арабшоҳ (1388-1450)-араб тарихчиси. Амир Темур Шом (*Сурия*)ни эгаллач (1401), Ибн Арабшоҳни қариндош-уруғлари билан Самарқандга келтирган. Бу ерда у машҳур олимлардан таълим олган, форс, мўғул ва турк тилларини ўрганган ҳамда адабиёт ва илоҳиёт билан шуғулланган.

Ибн Арабшоҳ ўнлаб асарлар муаллифи. Биз учун жуда ноёб ҳисобланган "Ажоиб ул-мақдур фи ахбори Темур" ("*Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари"*) Ибн Арабшоҳнинг энг машҳур асаридир. Бу асар "Амир Темур тарихи" номи билан Убайдулла Уватов томонидан ўзбек тилида таржима қилинган.

Ибн Арабшоҳ Амир Темурга нисбатан душманлик руҳидаги асарлар ёзган муаллифлар жумласига киради. Бу ҳол унинг асарида тўлиқ акс этган. Шунга қарамай, Ибн Арабшоҳ асарида Амир Темур давлати ва унга чегарадош мамлакатлар сиёсий, хўжалик ва маданий турмушини қўшимча равишда ойдинлаштириб берувчи кўпдан-кўп диққатга сазовор маълумотларни келтирган.

Ибн Арабшоҳ Амир Темур шахсини муносиб баҳолаган: "Етмиш ёшли Темурнинг фикрлари ҳали ҳам қатъий, жисмоний жиҳатдан кучли ва бақувватдир... У истеҳзо ва сохталикни ёқтирмайди, бахтсиз ҳодиса рўй берганда ғамга ботмайди, доим сергак ва мардона туради, унинг олдида ҳамма итоатгўй бўлиб қолади ва ҳурмат бажо келтиради. У мард ва жасур одамларни ёқтиради... У масаланинг моҳиятини дарҳол пайқаб оладиган моҳир баҳсчи эди. У фаросати билан ҳақгўй-ёлғончини дарров фарқлар эди, самимий маслаҳатчиларни соҳта насиҳатгўйлардан фарқлар эди".

Абдураззоқ Самарқандий (1413-1482) - машҳур сайёҳ, элчи ва тарихчи. Тафсир, ҳадис, тарих, тил ва адабиёт фанларини пухта эгаллаган. Шоҳрух Мирзо саройида дипломатик ёзишмаларни олиб боришда қатнашган, элчилар бошлиғи сифатида 1442-44 йилларда Ҳиндистонга бориб келади. 1446-47

йилларда Шохрух Мирзо уни дипломатик топшириқ билан Гилонга жўнатади. Абдураззоқ Самарқандий Мовароуннаҳр ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV-XV асрларидаги тарихига оид бой маълумотларни ўзида жам қилган "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" *("Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши жойи"*) номли тарихий асари билан машҳур.

Мир Муҳаммад Мирхонд (1433-1498) - тарихчи олим. Алишер Навоийнинг маслаҳати билан 7 жилдли "Равзат ус-сафо фи сийрат-уланбиё ал-мулук вал-хулофо" ("*Пайғамбарлар, подшолар ва ҳалифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жанат боғи*") асарининг 6 жилдини ёзиб тугатади. Асарнинг 6 жилди Амир Темурдан Абу Саид вафотигача бўлган давр тарихи, 7 жилд. Султон Ҳусайн ва унинг авлоди тарихи. Бу жилднинг давомини набираси **Хондамир** (*бобоси вафотидан кейин*) ёзиб тугатган. Дастлабки 6 жилд матни Алишер Навоий таҳриридан ўтади.

Ғиёсиддин Муҳаммад Хондамир (1473-1534)-тарихчи. Она томондан Мирхонднинг набираси ва шогирди. Отаси темурийлардан Султон Маҳмуд Мирзонинг вазири. 10 ёшгача Алишер Навоийнинг кутухонасида кутубхоначи, 1498 йилдан мудир. 1503 йилдан бошлаб Балхда Бадиуззамон Мирзо саройида хизмат қилган. 1528 йил Хондамир Ҳиндистонга, бобурийлар пойтахти Аграга, яъни Бобур Мирзо ҳузурига борган.

Хондамир 13 та асар ёзган, бизгача 8 таси етиб келган, "Маъосир ул-мулук" (*"Ҳамаср подшоҳларнинг тарихи", 1498-1499*); Алишер Навоийга бағишланган: "Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-ахёр" *("Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси" 1498-1500*) ва "Макорим ул ахлоқ" *("Олийжаноб хулқлар", 1501)*; "Дастур ул-вузаро" ("*Вазирлар учун қўлланма*", 1500-1501); "Номаи номий" ("*Атоқли номлар*") ёки "Иншои Ғиёсиддин", (1522-1523), Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" асарига Хондамир томонидан қўшилган илова 7 жилд ва "География қўшимча" (1522-1523), "Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар" ("*Инсон зоти хабарлари ва дўстининг таржимаи ҳоли", 1520-1524*), "Ҳумоюннома" шулар жумласидандир.

Хондамирнинг 3жилдли “Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар” асарининг 1 ва 2 жилди Туркистондаги хонлар, Чингизхон ва унинг авлодларининг тарихи ҳақида, 3 жилдида эса, XV асрнинг 90 йилларида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги темурийлар ўртасидаги ўзаро курашлар, Шайбонийхон босқини ҳақида бир мунча маълумотлар бор. Хондамир Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тарихига оид муҳим асарлар ёзган ва бу билан жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшган.

Астрономия ва математика соҳасида эришилган буюк муваффақиятлар темурийлар давлатига катта шуҳрат келтирди. Бу шуҳрат, биринчи навбатда Мирзо Улуғбек номи билан боғликдир. Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрда илм-фанни ташкил этиш борасидаги фаолияти билан мусулмон олами кўплаб олимларининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилди.

Мирзо Улуғбек (*Мухаммад Тарағай,1394-1449*) **—** буюк ўзбек астрономи ва математиги,давлат арбоби. Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг энг юқори поғонасига олиб чиқди. Унинг қилган энг буюк иши - Самарқанд илмий мактабини, ўша давр академиясини барпо этганлиги бўлди. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олимлар фаолият олиб борган. Улар орасида энг йириклари Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший эди. Мирзо Улуғбекнинг илмий мактаби ўз фаолиятида Ўрта Осиёлик машҳур олимлар Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абул Аббос Жавҳарий, Ибн Турк ал-Хутталий, Холид Марваррудий, Аҳмад Марвозий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Берунийлар бошлаб берган илмий анъанага асосланган.

“Зижи Кўрагоний”, “Зижи жадиди Кўрагоний” *(“Кўрагоний янги астрономик жадвали”*) илмий асари икки бўлимдан (*батафсил ёзилган муқаддима ва вазиятлари эллиптик системада берилган 1018 та юлдузнинг жадвалидан*) иборат. Муқаддима тўрт қисмга ажратилган. **Биринчи қисм** - хронологияда Шарқ халқларининг йил ҳисоблаш усуллари баён қилинган. Араб, юнон, эрон, хитой ва уйғурларда йил ҳисоблаш тартиблари, буларнинг

биридан иккинчисига ўтиш йўллари ва у халқларнинг ўзига хос миллий байрамларини ҳисоблаш усуллари ифодаланган.

Иккинчи қисм амалий астрономия масалаларига бағишланган. Бунда эклиптика ва экватор орасидаги бурчакни аниқлаш, осмон жисмларининг координатларини топишусуллари, меридиан чизиғини ўтказиш, қибла азимутини аниқлаш, география координаталарни топиш, йил давомийлигини аниқлаш ва осмон сферасида дифференциал ўлчашлар ўтказиш масалалари ёритилган. **Учинчи қисмда** сайёраларнинг кўринма ҳаракатлари геоцентрик система асосида шарҳланган. **Тўртинчи қисмда** гороскоп ҳақида маълумотлар келтирилади.

“Зижи Кўрагоний”да келтирилган юлдузлар жадвали Самарқандда олиб борилган кузатишлар асосида тузилган. Жадвал юлдузлар сони ва кузатишларнинг оригиналлиги жиҳатдан астрономия тарихида Гиппарх–Птолемей жадвалидан кейин иккинчи ўринда туради. Оптик асбоблар ихтиро қилингунига қадар тузилган зижлар орасида “Зижи Кўрагоний” энг мукаммал ҳисобланади. Ундан вақтни аниқлаш ва географик координатларни ўлчашда, шунингдек, турли астрономик масалаларни ҳал қилишда XVII асрга қадар Шарқ ва Ғарбда фойдаланиб келинган.

Мирзо Улуғбек “Зижи Кўрагоний” асарида VIII-XI асрларда бошланган фалакиёт илмига оид анъаналарни давом эттириб, юқори даражага кўтариш билан бирга, математикага доир “ Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола”, фалакиётшуносликка оид “Рисолаи Улуғбек” ва мусиқага доир “Мусиқа илми ҳақида рисола”, шунингдек, “Тарихи арбаъа улус” (“*Тўрт улус* тарихи”) асарларининг ҳам муаллифидир.

Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний”ида тилга олинган яна бир машҳур олим **Жамшид ибн Маъсуд ибн Махмуд ал-Коший** (1430) -математик ва астроном. Самарқандда Қозизода Румий билан бирга Мирзо Улуғбек расадхонаси ва мадрасаси қурилишига раҳбарлик қилган.

Жамшид Коший Мирзо Улуғбек қўл остида ишлаган Ҳусайн Биржоний, Али Қушчи ва бошқаларнинг камолотга етишишига катта ҳисса қўшган. У

астрономияга оид “Зижи Ҳоқоний дар такмили зижи Элхоний” (*“Элхоний астрономик жадвалини такомиллаштиришда Ҳоқоний астрономик жадвалининг аҳамияти”),* “Суллам ус-само” *(“Осмон нарвони”),* “Нузҳат ул-ҳадойиқ” *(“Боғлар сайри”)* ва математикага оид “Рисола ал-муҳитийя” *(“Айлана ҳақида рисола”),* “Рисола ул-атвор вал-жайб” *(“Ватарлар ва синус ҳақида рисола”)* асарларини ёзган.

Алоуддин Али Қушчи (1403-1474) -фалакиётшунос ва риёзиётчи олим, мутафаккир, Мирзо Улуғбек илмий мактабининг атоқли намоёндаларидан бири, унинг яқин шогирди. Али Қушчи Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Кошийлардан илм сирларини ўрганади. Мадрасани битиргач, шу ерда фалакиёт ва риёзиётдан машғулотлар олиб боради. Мирзо Улуғбек расадхонаси қурилиш ишларида ҳам фаол қатнашади. Шу даврда “Ҳисоб рисоласи” ва “Астрономия рисоласи” асарларини ёзади ва илм аҳли орасида катта обрў қозонади.

1428 йилда Мирзо Улуғбек расадхонаси ишга туширилгач, бу ерда устози раҳбарлигида кузатув ишларини олиб боради. Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Кўрагоний” асарининг ёзилишида Али Қушчининг ҳам ҳиссаси катта. 1438 йилда Мирзо Улуғбек Али Қушчини Хитой салтанатига элчи қилиб юборади. У Хитойдан қайтгач, “Математика ва астрономик жўғрофия” асарини ёзади.

Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг, унинг Самарқанддаги машҳур кутубхонаси хавф остида қолади. Кутубхонани Али Қушчи сақлаб қолган деган тахминлар бор. Таъқиблардан қочиб, Али Қушчи Турк султони Муҳаммад II ҳузурига боради. Али Қушчининг донғини эшитган султон уни сарой олимларига раҳбар қилиб тайинлайди. Али Қушчи Туркияда олимлар, файласуфлар, шоирларни ўз атрофига тўплаб, илмий ишларни тараққий эттиришга интилади, ўзи эса риёзиёт, фалакиёт, фалсафа, мантиқ, адабиёт, мусиқа ва бошқа фан соҳаларидан рисолалар ёзади. Али Қушчидан 20 дан ортиқ илмий асарлар мерос бўлиб қолган. У кўп олимлар асарларига шарҳлар ёзган. Али Қушчининг “Улуғбек Зижига шарҳ” асари астрономия тарихида катта аҳамиятга эга. У “Зиж” ни геометрик теоремалар ёрдамида шарҳлайди.

Али Қушчи асарларининг кўпчилиги Туркиядаги Аё-София мадрасаси кутубхонасида сақланиб қолган.

Мирзо Улуғбек мактаби намоёндалари, хусусан, Али Қушчининг дунёқараши илм-фан тарихида ўзига хос ўрин тутади. Али Қушчи дунё моддий нарсалардан иборат, моддий нарсалар эса оддий ва мураккаб ҳолда бўлиб, уларда ички зиддиятлар мавжуд, деб ҳисоблаган. У фасллар алмашинувига Ернинг Қуёшга яқинлашуви сабаблигини айтади.

Али Қушчи XVI-XVII асрларда Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида риёзиёт фани ривожига сезиларли таъсир кўрсатган. “Ҳисоб рисоласи” асаридан Ўрта Осиё мадрасаларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланилган. Бу асарда ҳиндлар арифметикаси (*ўнлик саноқ тизими*), фалакиётшунослар арифметикаси (*олтмишлик саноқ тизими*) ва геометрия (*хандаса*) ҳақида янги фикрлар айтилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Самарқанд илмий мактаби олимларининг, айниқса Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид Коший ва Али Қушчиларнинг асарлари ўз даври учун янгилик бўлиб, замонасидан анча илгарилаб кетганди. Улар XV аср Уйғониш даври руҳи ва даражасида яратилган асарлардир.

11.2. Амир Темур ва темурийлар даврида меъморлик, боғ тузиш санъати

Амир Темур ва темурийлар давридан бизнинг кунгача сақланиб қолган муҳташам санъат обидалари ўз даврида Соҳибқирон “Тузуклар”ида ҳомийлигида мамлакатда меъморлик ва шаҳарсозлик ғоят ривожланганлигидан далолат беради. Бу даврда меъморлик айниқса равнақ топди. Соҳибқироннинг бунёдкорлик ҳақидаги гапларига қулоқ беринг: “Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устида роботлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим”.

Соҳибқироннинг меъморий бунёдкорлиги соҳасидаги беқиёс ишларини Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Туркистон шаҳарларида ҳозирча сақланиб қолган ноёб ва нодир обидалар мисолида кўриш мумкин. Темурийлар

давридаги бундай улкан бунёдкорлик жараёни натижасида кенг кўламда меъморлик мўжизалари яратилгани фикримиз далилидир.

Ўша даврларда ҳам шаҳар маҳаллалардан иборат бўлиб, бир қанчаси гузарларга бирлашган. Шаҳарда меъморий мажмуалар шаклланиши темурийлар даврининг энг катта ютуғи бўлди. Меъморлик тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди. Бу жараён муҳандис, меъмор ва наққошлар зиммасига янги вазифаларни юклади. Амир Темур даврида гумбазлар тузилишида қирралар оралиғи кенгайди. Икки қаватли гумбазлар қурилишида ичкаридан ёйсимон қовурғаларга таянган ташқи гумбазни кўтариб турувчи пойгумбазнинг баландлиги ошди. Мирзо Улуғбек даврида гумбаз ости тузилмаларининг янги хиллари ишлаб чиқилди.

Аниқ фанлардаги ютуқлар меъморлик ёдгорликларида ҳам яққол намоён бўлди. Уларнинг олд томони ва ички қиёфаси режаларини тузишда меъморий шаклларнинг умумий уйғунлигини белгиловчи ҳандасавий тузилмаларнинг аниқ ўзаро мутаносиблиги бўлган безак ва сайқал ишлари ҳам бино қурилиши жараёнида баравар амалга оширилган.

Темурийлар давригача ва ундан кейин ҳам Мовароуннаҳр ҳамда Хуросон меъморлигида безак ва нақш бу қадар юксалмаган эди. Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даври меъморчилигида безакда кўп ранглилик ва нақшлар хилма-хиллиги кузатилади. Хаттотлик санъатини мукаммал эгаллаган усталар бинонинг махсус жойларига эпиграфик битикларни олти хил усулда ёзган.

Кошин қопламларида тасвирий мавзулар ҳам учрайди. Оқсарой пештоқларидаги шер билан қуёшнинг жуфт тасвири рамзий маънога эга. Бу даврдаги бино ичининг безаги ҳам хилма-хил бўлган. Девор ва шифт, ҳатто гумбаз ҳам нақш билан зийнатланган. Амир Темур даврида қурилган биноларда кўк ва зархал ранглар устун бўлиб, дабдабали нақшлар ишланган. Мирзо Улуғбек даврида эса, Хитой чиннисига ўхшаш оқ заминдаги кўк нақшлар кўп учрайди.

Амир Темур ва темурийлар давлатининг қудрати айниқса, меъморчиликда намоён бўлди. Оқсарой пештоқига битилган: “Агар бизнинг

қувват ва қудратимизни билмоқчи бўлсанг, қурган иморатларимизга боқ”, деган ёзув Амир Темур салтанатининг сиёсий мақсадини ҳам англатар эди. Чунки, барпо этилаётган иншоотларнинг улуғворлиги сиёсий вазифалардан бири эди. Бу даврда Мовароуннаҳр шаҳарлари қурилишида мудофаа деворлари, шоҳ кўчаларни тартибга солиш, меъморий мажмуаларни қуриш авж олган.

Илк ўрта асрлардаги шаҳарнинг асосий қисми бўлган “Шаҳристон”дан бирмунча фарқ қилувчи хисор қурилишини Самарқанд ва Шаҳрисабзда кузатиш мумкин. Амир Темур даврида Кеш (*Шаҳрисабз*) шаҳар қурилиши якунланади. Хисорнинг жануби-ғарбида ҳукумат биноси Оқсарой ва атрофида работлар қурилиб, боғ-роғлар барпо этилди.

Амир Темур ватанини **— Шаҳрисабз** (*Яшил шаҳар*) деб аталиши бежиз эмас. Шаҳар ҳақиқатдан ям-яшил, серсув, баҳаво жанатмакон ерда жойлашган. Илгари унинг номи **Кеш** бўлган. Исломият даврида илмлар маркази сифатида “Қуббатул-илм ва-л-адаб”, яъни “Илм ва адаб гумбази” деган шарафли мақом билан машҳур бўлган. Қалъа деворлари, буржу дарвозалари Амир Темурнинг амри билан ва шахсан унинг раҳбарлигида қурилган. Деворнинг узунлиги тахминан 5 километр бўлиб,тархи 770х1730 метр масофадаги тўғри тўртбурчак қалъа эди: ҳар тарифида қўш минора, пештоқли дарвозахона орқали ичкарига кириш мумкин бўлган.

Салтанат пойтахти **Самарқанд**ни безашга Амир Темур алоҳида эътибор берди. Унинг фармони билан Ҳисор, қалъа, улуғвор иншоотлар ва тиллакор саройлар бунёд этилган. Самарқанд Афросиёбдан жанубда, мўғуллар давридаги ички ва ташқи шаҳар ўрнида қурила бошланди ҳамда бу майдон қалъа девори ва хандақ билан ўралиб, Ҳисор деб аталди. Ҳисор 500 гектар бўлиб, олтита дарвозадан кирилган. Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Гозуристон (*Коризгоҳ*), Бухоро ва Шайхзода (*Чорраҳа*) дарвозалари шаҳарнинг олти тарафидан келадиган йўлларини белгилаб турарди.

Амир Темур бунёд эттирган улкан иморат **Кўксарой** номи билан машҳур. Шаҳарнинг кунботар томонидаги қалъа, Арки Олий қиёфаси анча ўзгарди. Соҳибқирон бу ерда атрофи мустаҳкам ўралган қалъа бунёд эттирди, маҳобатли

дарвозахоналар қурдирди, қалъа ичига махсус обмури орқали сув келтирди. Бу ерда қад кўтарган “тўрт ошёнлик” Кўксарой ҳар жиҳатдан ажралиб турарди. Сарой теварагини латиф Бўстон сарой боғи қуршаб турган.

Қусам ибн Аббос меъморий мажмуи— Шоҳи Зинда (*“Тирик шоҳ”***)** номи билан машҳур зиёратгоҳдир. Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг яқин қариндоши шу манзилда шаҳид бўлган ва дафн этилган. Амир Темур замонида бу меъморий мажмуа анча кенгайтириб таъмирланди. Зеро Амир Темур салтанат тутишдаги дастлабки шиори ҳақида: “Давлат ва салтанатимга боғланган, лекин биринчи тузугим-Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим”[1],-деган эди.

Шоҳи Зинда қабристони учинчи чортоқининг кун чиқарида ҳайратангиз нафис ва бадиий дид билан безатилган ўймакор эшик бор. Унда устоз Юсуф Шерозий номи ва 807 хижрий (1404) йил қайд этилган. Эшик ортидаги нимқоронғи миёнхонадан изораси ва меҳроби кошинкор безатилган масжидга ўтилади. Масжиднинг иккинчи эшигидан гумбазли чорси зиёратхонага ўтилади. Унинг жанубига Қусам ибн Аббоснинг мўъжазгина гўрхонаси туташган. Ўртада сиркор ва нақшинкор безатилган ажойиб сағана. Бу ўша давр сиркор безакларининг энг кўркам намунасидир. Сағананинг учинчи поғонасида Қуръони каримнинг “Аллоҳ йўлида ўлдирилганларни ўлик деб ҳисобламанг! Йўқ, улар тирикдирлар!” ояти битилган. Бу оят қабристонга берилган “Шоҳи Зинда”-“Тирикшоҳ” номига боғланиб кетади.

Зангиота мақбараси.Зангиота -Аҳмад Яссавий муридларидан биринг кунясидир. Унинг номи Ойхўжа Тошхўжа ўғли. Бу авлиё Ҳаким ота номи билан машҳур маърифатпарвар шоир Сулаймон Бақирғонийнинг шогирди бўлган. Мақбара икки чорси хонадан иборат: олдида-зиёратхона, унинг ортида гўрхона. Иккала хона ҳам ҳар хил катталикдаги гумбазлар билан боғланган. Зиёратхона устидаги баланд гумбаз эса ўн олти қиррали пастроқ асосга ўрнатилган.

[1]Темур тузуклари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2013, 53-бет.

Мақбара олд томонидаги пештоқ ва икки ёнидаги хоналар билан кўркамлашган: кошинкор безаклар мақбарага маҳобит бағишлаган. Ичкаридаги оқ мармардан ўймакорлик ва нақшлар билан безатилган қабртош диққатга сазовор. Унда Занги ота номига аталган марсия сатрлари хушхат билан ёзилган. Пештоқли қўшгумбаз мақбара ташқи кўриниши, бадиий кошинқор безаклари билан Амир Темур даври меъморлигининг ажайиб намунаси бўлиб қолган.

Аҳмад Яссавий мажмуаси *(Туркистон шаҳрида)* ҳам Амир Темур томонидан улкан маҳобатли мақбара сифатида бунёд этилган, бино лойиҳасини ишлаб чиқишда унинг шахсан ўзи иштирок этган. Қурилишга девоннинг хайрия ишлари бошлиғи Мавлоно Убайдулла Садр бош этиб тайинланган. Бино олдидаги улкан пештоқни Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II тиклашга ҳаракат қилган. Аҳмад Яссавий мажмуаси кўлами жиҳатдан ўша даврларда бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Шаҳрисабздаги Оқсарой ва Дор ус-Сиёдат мажмуига тенглашади.

Аҳмад Яссавий мажмуаси жанубдан шимолга чўзилган тўртбурчак тарҳли (46,5 х 65,5 метр), пештоқ-гумбазли: мужассамот марказида жамоатхона ва унинг атрофида гўрхона, масжид, катта ва кичик оқсарой, китобхона, ҳалимхона, қудуқхона ва 2 қаватли ҳужралар (жами 35 дан ортиқ хоналар) жойлашган; мажмуанинг жанубий-ғарб томонидаги ер ости чиллахонаси Аҳмад Яссавий даврида пайдо бўлган.

Мажмуа ташқи деворларининг қалинлиги 1,8-2 метр, жамоатхона деворининг қалинлиги 3 метр. Маҳобатли бино жамоатхона билан боғланган 2 қав*атли 8 йўлак (даҳлиз)лар билан симметрик тарзда 8 қисмга бўлинган (йўлаклардан 2 тасининг боши берк*); гўрхонага жамоатхона билан боғланмаган алоҳида йўлак орқали кирилади, кириш эшиги тепасидаги тош лавҳага мажмуа Амир Темур буйруғига биноан бунёд этилгани қайд этилган.

Мажмуанинг бош тарзидаги улкан пештоқ (*кенглиги 50 метр, равоғиники 18,2метр*)нинг икки ёнига гулдасталар, орқа бурчакларига устунгўшалар ишланган, пештоқ орқали жамоатхонага кирилади, жамоатхона (*баландлиги 37,5 метр*) катта гумбаз (*диаметри 18,2 метр*) билан ёпилган, хона ўртасига

қирқ қулоқли назир-ниёз қозони ўрнатилган (*уста Абдулазиз ибн Шарафиддин иши*) бу ерда ҳафтада икки марта камбағал бечоралар ва мусофирларга ҳалим тортилган.

Жамоатхона тўридаги гўрхона (7,15 х 7,15 метр) да яшил яшма тошидан ишланган сағана бўлиб, унда ўйма нақшлар ва китобалар сақланган. Гўрхона ва масжид қўшқаватли гумбаз билан ёпилган: гўрхонанинг ташқи гумбази (*диаметри 10 метр, баландлиги 21 метр*) 52 та қовурғали бўлиб, сиркори кошинлар билан китобалар битилган баланд пойгумбаз ўрнатилган, масжид гумбазининг пойгумбазида 16 та панжарали дарчалари бор, шифтидаги 6 қиррали юлдуз шакли хонага жозибадорлик бахш этган, айниқса меҳроб (*3,5 х 3,5 метр*) ҳашамдор безатилган. Жамоатхона, гўрхона, масжиднинг ички деворларига равоқлар ишланиб, хоналар ичи кенгайтирилган, гумбаз ва равоқлар муқарнаслар билан тўлдирилган. Бино кўламини унинг ташқи базакларидаги кошинкори ҳандасий нақш ва китобалар ҳам таъкидлайди.

Оқсарой — Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик бўлиб, уни 1380-1404 йилларда Амир Темур қурдирган. Бир замонлар муҳташам, ҳашаматли бўлган бу саройнинг бизгача емирилиб, хароба ҳолга келган улкан пештоғи, икки чеккасидаги минораси, сарой пойдеворининг бир қисмигина сақланган. Оқсаройнинг ҳозирги кўриниши ҳам салобатли ва гўзалдир.

Бу салобатлилик ва гўзалликка ғиштларнинг яхлит бўлиб кўринишини таъминлаш — олд ва шимолий девор юзасини сиркор парчинлар билан бир текисда ишлаш туфайли эришилган. Пештоқ равоғининг эни 22,5 метр, баландлиги 40 метр, умумий баландлиги 50 метрдан ошади. Пештоқ минорасининг ичидаги айланма зина орқали юқорига чиқилган.

Ёзма манбаларга кўра Оқсарой турар-жой ва жамоат биноси сифатида қурилиб, хоналар ховли атрофида жойлашган. Захириддин Муҳаммад Бобур маълумотларига кўра, ҳовли ўртасида ҳовуз, тўрида гумбазли катта хона — девонхона, ёнларида маслаҳатчилар учун кичик хона, ҳашаматли равоқли бостирмалар, ички томонда ҳарам ва амирнинг хонаси жойлашган. Девонхона

пештоқида Шер ва Қуёшнинг жуфт тасвири ва АмирТемур давлатининг 3 ҳалқа шаклидаги нишони бўлган.

Гумбаз ичи ва ёнларига, бурчаклардаги миноралларга кошин-ғиштлардан қалқон шаклидаги гириҳ нақшлар ишланган. Бу нақшлар силлиқланган ғишт ва феруза рангли сиркор парчиндан ёзилган куфий хатлар замини йўғон кўк белбоққа ўхшаш мужассамотни ташкил этган. Оқсарой деворларидаги ранглар жилоси тарихий, фалсафий ва диний мавзудаги, куфий, сулс ёзувлари, кошинкори безаклар, ислимий, гириҳ нақшларнинг ўзаро уйғунлиги бинога ажойиб ва сеҳрли мазмун бағишлаган. Рангларнинг ой ёруғида жилоланиб оқариб кўринишидан бино Оқсарой деб номланган.

Испания элчиси Руи Гансалес де Клавихо синчиковлик билан ёзиб қолдирган таассуротлар меъморлик тарихи учун ягона гувоҳ — ҳужжат бўлиб қолмоқда. Элчи сарой ичкарисидаги зебу зийнатли безаклар ҳақида ҳайрат билан ёзади: «Бу эшик орқали чорсу кўринишли хонага кирамиз: деворлари олтин ва ложувард кошинлар билан безатилган, шифти бутунлай зархалланган. Бу ердан элчилар юқори қаватга олиб чиқилади. Хонақоҳнинг ҳамма тарафи зарҳал бўлгани учун, уларнинг бири ҳақида муфассал сўзлаб бериш кифоя».

Саройнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — том тепасига ишланган ҳовуздир. Ҳовузга сув Тахтиқорача довонидан кўрғошин қувурлар орқали оқиб келиб, ундан шаршара ҳосил қилиб, пастга туширилган.

Пештоқнинг маҳобатига маҳлиё бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидан бу буюкроқдир», — деган эди. Чиндан ҳам, Марказий Осиё меъморлигида бундай буюк бино бўлмаган. Оқсарой Марказий Осиё меъморлигида халқ меъморлари ижодининг энг юксак чўққиси сифатида сўнмас истеъдод ва меъморлигида изланишлар намунаси бўлиб қолади.

Амир Темур мақбараси (*халқ орасида Гўри амир***)—** Соҳибқироннинг буйруғи билан суюкли набираси Муҳаммад Султонга атаб 1403–1404 йилларда қурилган. Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Мақбарага темурийлар сулоласига мансуб кишилар (*Амир Темур, унинг пири Мир Саййид Барака,*

ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ ва Шоҳрух, набиралари Муҳаммад Султон, Мирзо Улуғбек) дафн этилган.

Мақбарага жанубдан Мирзо Улуғбек қурдирган долон орқали кирилади. Мақбаранинг чортоқ тарҳли зиёратхонаси баланд тоқи-равоқли, тепаси ёзув ҳошиялари ва ички гумбаз билан қопланган. Ташқи гумбази 64 қобирғали, баланд пойгумбаз (*диаметри-15 метр, баландлиги 12,5 метр*) га ўрнатилган.

Амир Темур сағанасига қўйилган кўк нефрит қабртошни Мирзо Улуғбек Мўғулистонга қилган юришида олиб келган. Тошдаги лавҳада Амир Темурни улуғлайдиган сўзлар, унинг шажараси ҳамда марсиялар ўймакори ёзувларда битилган. Ҳамма сағаналар Мирзо Улуғбек томонидан ярим ўйма мармар панжара билан ўралган. Зиёратхонанинг шарқий қисмидаги равоқдан зина орқали остки қаватдаги даҳмага, гўрхонага тушилади. Гўрхона саккиз қиррали. Ундаги сағаналар юқори қаватда қандай жойлашган бўлса, бу ерда ҳам шу тартибда жойлашган. Зиёратхонадаги қабртошларнинг ҳар бири юксак санъат асаридир.

Зиёратхона серҳашам безакларга бой. Бўртма безак кундаллар заминига ложувард ранг гуллар ишланган. Изораси яшил тошдан гириҳ шаклида терилган. Олтин ва кумуш қандиллардаги шамлар ёнганда зиёратгоҳ ичкариси улуғвор ва афсонавий тус олган. Ташқариси сиркор ғиштчалар билан безатилган. Гумбаз ва унинг пойидаги безаклар, турли арабий ёзувлар алоҳида кўзга ташланади. Меъморий мажмуа Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 1991-1996 йилларда таъмирланди.

Бибихоним жоме масжиди — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (1399-1404). Масжид ҳовлисининг саҳни 63,8 х 76,0 метр бўлиб, тўрт томонидан равоқ ва пештоқлар билан ўралган. Унинг умумий саҳни 167 х 109 метр, бурчакларида баланд миноралар бўлган. Масжиднинг бир-бири билан боғланган 6 та меъморий бўлаклари сақланиб қолган. Булар ҳовлининг тўрида меҳробли ва баланд пештоқли бино, икки ёнида унинг кичик нусхаси, пойида масжиднинг иккига бўлинган пештоқи ва шимолий-ғарб томонда минорадир. Илгари бу бўлаклар 3 қатор оқ мармар устунли, енгил равоқли бостирма

айвонлар билан бирлашган ва улар тепасида гумбазчалар (400 та) бўлган. Устунлар 480 та (оралиғи 3,5 метр) бўлиб, таг курсили, танаси ўйма нақш, тепаси калла мукарнаслар билан безалган.

Ҳовли ўртасида мармар тошдан ясалган улкан **лавҳ** (*Қуръон ўқиладиган махсус курси*) бўлиб, у дастлаб асосий бино ичида турган. Атрофига нафис ҳошиялар чизилган, муқарнаслар, ўсимликсимон нақшлар ва ёзувлар билан безатилган лавҳ Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек фармонига биноан XV-аср ўрталарида ясалган. Унга «Султони азим, олий ҳимматли хоқон, дин-диёнат ҳомийси, Ҳанафия мазҳабининг посбони, аслзода Султон ибни султон, амири мўъминин Улуғбек Кўрагон» деб битилган.

Масжидга кираверишдаги пештоқнинг баландлиги 45 метр бўлиб, юқори қисми 1897 йили зилзила пайтида қулаган (*қолган қисмининг баландлиги 33 метр, кенглиги 46 метр*). Пештоқ маҳобатли бўлиб, ўртасида кенглиги 18,8 метрли равоқ бор. Ён томонларидаги миноралар пештоқдан баланд. Қўш табақали дарвоза етти хил металл қотишмаси — «ҳафти жуш»дан ясалган (*кейинчалик йўқолиб кетган*).

Масжиднинг асосий (*меҳробли*) биноси Амир Темур замонасининг меъморий услублари ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Шарафуддин Али Яздийнинг «Агар осмон гумбази бўлмаганда масжид гумбази оламда ягона бўлур эди» деган муболағаси бежиз эмас. Асосий бинонинг олд томонида пештоқ, марказида равоқ ва бурчакларида иккита кўп қиррали минора бор.

Масжиднинг ички қисмини пардозлашда нақкошлик безаклари қаторида зарҳал бўртма нақшлардан кенг фойдаланилган. Масжиддаги кўп қиррали юлдузлар, 3 қаватли хатлар ўйилган, лавҳалар жажжи муқарнаслар билан безалган, ҳошиялар оқ тошдан йўнилган. Тарихнавис Ибн Арабшоҳнинг шаҳодат беришича, Жоме масжиди маҳобатидан ҳайратга келган замондошлари «Обидаларимиз авлодларга бизнинг кимлигимиздан дарак беради», деб ғурур билан айтган экан.

1868 йил майда подшо Россияси қўшинлари Самарқандни қамал қилганда Бибихоним жоме масжиди тўп ўқидан вайрон бўлган. Вайрона ҳолда бўлса ҳам

масжиднинг меъморий шакллари серҳашамлиги, безакларнинг нафислиги билан киши диққатини жалб қилиб келган. Ундаги ранг-баранг нақшлар ўша давр халқ усталарининг нозик диди ва юксак маҳоратидан дарак беради.

Улуғбек расадхонаси — Самарқанддаги XV аср меъморчилигининг нодир намуналаридан бири, кўҳна астраномик кузатув муассасасидир. Мирзо Улуғбек фармони билан 1428-1429 йилларда Кўҳак (*Чўпонота*) тепалигида улкан цилиндр шаклида бунёд этилган: айрим қўлёзмалар («*Бобурнома*») га кўра, баландлиги 30,4 метрдан иборат 3 қаватли қилиб қурилган. Унда ўндан ортиқ турли астрономик қурилма ва асбоблар бўлган. Улардан энг асосийси радиуси 40,2 метрли қўшалоқ ёйдан иборат квадрат (*ёки секстантга яқин)* қурилма ҳисобланади. Квадратнинг жанубий қисми ер остида, қолган қисми шимол томонда ер сатҳидан 30 метрча баландда жойлашган. Асбоб айланасида бир градус ёй 701,85 мм ва бир минут ёй 11,53 мм га тўғри келади.

XV асрда мадраса меъморчилиги ўзининг узил-кесил шаклланган қиёфасига эга бўлди. Мадраса қурилиши ягона тизим бўйича режалаштирилса ҳам, асосий шакллари, уларнинг ўзаро нисбатлари ва безакларига кўра ҳар бирининг алоҳида услубини кўриш мумкин. Темурийларнинг икки санъат дурдонаси **—** Самарқанддаги Мирзо Улуғбек ва Хиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасалари ягона тизим режаси бўйича қурилганлигига қарамай, бир-биридан фарқ қилади.

Улуғбек мадрасаси—Самарқандда барпо этилган меъморий ёдгорлик (1420-1424). Регистон ансамблининг ғарбида жойлашган. Икки қаватли, тўғри тўртбурчак тарҳли (*56х81 метр*). Бош тарзи майдонга қараган, маҳобатли пештоқ мужассамотида кенг тоқили равоқ (*баландлиги 16,5 метр*), унинг икки ёнида гулдасталар (*баландлиги 32 метр*) бор.

Равоқ тепасидаги юлдузли осмон акс этган қанос безаклари ўзига хосдир. Гулдаста тепаси муқарнас, шарафалар билан якунланган. Пештоқ равоғининг четиустунлариморпеч илонсимон шаклида, токчасидаги намоёнлар ўзига хос услубда пардозланган. Пештоғи, гулдастаси ва ташқи деворларида гириҳ нақшининг тўрли бетакрор намуналари акс этган. Ганчкори панжаралар орқали

хонага ёруғлик тушиб туради. Мовий ва кўк кошин ҳамда сопол ғиштлар воситасида геометрик нақшлар билан безатилган девор сатҳи ёзувлар билан ўзаро уйғунлашиб, кўзга яққол ташланиб туради.

Пештоқ орқали чорсу ҳовли (*30х30 метр*)га ўтилади. Ҳовли атрофи 2 қаватли ҳужралар (*48 та*) билан ўралган. Мадрасанинг 4 томонини дарсхона ва айвон эгаллаган. Масжид (*22х8 метр*) жанубий-шарқий томонга чўзилган. Ташқи тўртбурчагида 4 та баланд минора бор. Мирзо Улуғбек мадрасаси меъморий шакли, тузилиши жиҳатдан Ўрта Осиё меъморлигида шу турдаги бинолар орасида энг мукаммал юксак санъат намунаси ҳисобланади.

Мовароуннаҳр қадимдан боғ-роғлар мамлакати деб таърифланиб келинган. Унда боғ тузиш анъаналари юксак ривожланган ва уларнинг ажойиб намуналари бўлган. Амир Темур даврида боғ тузиш санъати ўзгача шукуҳ касб этди. Шахсан Соҳибқирон бу соҳага алоҳида эътибор бериб, кўплаб боғлар яратгани маълум.

Амир Темур боғлари тузилишига кўра икки турга бўлинган: **биринчи турга:** чорбоғлар-геометрик (*тўртбурчак, тўғри тўртбурчак*) шаклда бўлиб, ҳар томони тахминан бир километр масофага чўзилган. Саҳнидан ўтган ариқлар уларни тенг тўрт қисмга ажратиб турган. Атрофидаги баланд пахса деворларнинг ҳар бурчагида минора бўлган. Марказда сарой жойлашган. **Иккинчи турга:** тузилиши геометрик шаклда бўлмаган, табиий дарахтзор ва чакалакзорлар бағрида барпо этилган боғлар киради. Бундай боғлар ҳукмдор шикор (ов) қилиши учун мўлжалланган бўлиб, асосий қисми табиий, қўл теккизилмаган ҳолда сақланган. Бу турдаги боғларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлган.

Боғи Дилкушо (*Кўнгил очувчи боғ*)**.** Бу манзил шаҳар атрофидаги энг катта ва кўркам боғдир. Ҳар тарафи 900 метр узунликдаги баланд пахса девор билан ўралган, олтин ҳамда зангори кошинлар билан зеб берилган жуда кенг ва баланд 4та дарвозадан боққа кирилади.

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да Боғи Дилкушо ҳақида ниҳоятда қимматли маълумотлар келтирган. Кўшкнинг тоқу равоқлари нақшинкорий ва

сиркор ғиштлар билан пардоз топди. Боғнинг тўрт бурчагида катта маҳорат ва дид билан серҳашам шийпонлар қурилди. Боғ саҳни чорқирра ва бошқа турли хил шаклдаги чаманзор ва гулзорларга бўлинди.

Амир Темур хиёбон йўллари четига мевали дарахтлар, баъзиларига эса гул ўтказишни хоҳларди. Боғ унинг майлига муносиб бўлгани учун ҳам Соҳибқирон уни Боғи Дилкушо деб атади.

Боғнинг ўртасида уч пештоқли юксак кўшк тикладилар ва уни инсон нигоҳини лол қолдирувчи турфа нақшлар билан безадилар, мустаҳкам ва чидамли қурилган, безаклари турли-туман, ташқи изораси шоҳона маҳобат бағишлар эди. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар қаватида фаввора отилиб турган. Сарой деворларига Амир Темур олиб борган урушлардан лавҳалар чизиб қўйилган.Амир Темур Испания элчиси Руи Гензалес де Клавихони ана шу боғда қабул қилган.

Боғи Шимол. Амир Темур Самарқанднинг кунботарида Мироншоҳнинг қизи **—** Олий иффат соҳиби Бека Султон” номига атаб қурдирган. Самарқанднинг ғарбидаги сарой тўртбурчак шаклда бўлиб, ҳар томони 1500 қадамни ташкил қилган.

Марказий хона тархи одатдагидек чорси-чортоқ бўлиб, ўртада яна тўртта устун бўлган. Устунлар Табриздан келтирилган мармардан ясалган. Демак, меҳмонхона “чор устун” услубида таркиб топган, устунлар ўзаро равоқлар орқали бирлаштирилган, ҳосил бўлган тўққиз гумбазча бино тузилишига ўзига хос жозиба бахш этган.

Мустаҳкам рукунларни бағоят маҳкам ва пухта қилиб кўтарган. Ҳар бир рукнига мармар тошдан ишланган биттадан устун ўрнатган. Деворлари сатҳини ложувард ва олтин билан шундай ажойиб ва ҳайратомуз даражада гўзал этиб нақшланган. уларнинг тароватидан Моний расмлари ва Чин нигорхонасини уяту хижолат ғубори қопланган.

Қасрнинг саҳнига Кўҳи Нур (*Ғазғон, Нурота яқинида*)дан келтирилган мармар тошлардан чиройли қилиб ётқизилган. Ташқи деворнинг ичкари тарафидаги изорасини кошин билан безаган. Бинокорлар жидду жаҳд билан

беқиёс ғайрат кўрсатиб, кундуз ва кечаси узлуксиз ишлаганлар. Қаср бир ярим ой муддатда бунёд этилган ва шу муддат давомида Амир Темур боғ ичига ўрнатилган улкан **саропарда** (*шоҳона чодир*)да истиқомат қилиб, Шимол кўшкининг қурилишини шахсан кузатиб турган.

Боғи Жаҳоннамо (*Жаҳон кўзгуси*) Шаҳрисабздан чиққан Испания элчилари Амир Темурга қарашли “катта уйда тушлик қилишади. Бу уй анҳор бўйидаги текис ерда, улкан боғ ўртасида қад ростлаб турган. Боғ Самарқанддан 24 чақирим жанубда жойлашган ҳозирга Қоратепа қишлоғи яқинида бўлган. Абу Тоҳар Хўжа Самарқандийнинг “Самария” китобида ёзилишича Амир Темурнинг еттинчи боғи Жаҳоннамо тоғ этагига яқин ерда, Самарқанднинг жанубида бино қилинган. “Зафарнома”да ёзилишича, бу боғнинг ҳудуди бениҳоят катта бўлиб, йўқолиб қолган от 6 ойдан кейин топилган.

Самарқанд атрофида булардан ташқари яна бир қанча боғлар бўлган. Чунончи, боғи Давлат обод, боғи Майдон, боғи Чиноор, боғи Булду, боғи Зоғон, боғи Нақши Жаҳон, боғи Амирзода Шоҳрух, боғи Дилафрўз, боғи Нав, боғи Беҳишт, боғи Баланд, Гулбоғ, Лолазор ва бошқа шулар жумласидандир. Амир Темурнинг боғ қуриш анъанасини темурийлардан Шаҳруҳ Мирзо, Улуғбек Мирзо ва Бобур Мирзо ва бошқалар ҳам давом эттиришган.

Самарқанд теварагида Амир Темур бунёд эттирган бир-биридан гўзал, мукаммал, жозибадор боғ-роғлар, уларнинг қўшк саройлари кўпинча аҳоли истироҳати учун очиқ бўлган. Шунинг учун бўлса керак, бу боғлар таърифи бадиий асарлардаги афсонавий боғлар тавсифига қиёс бўлган.

Хуллас, Амир Темур даври Марказий Осиё меъморлигида катта ўрин эгаллади, у янги услубий-бадиий йўналишларга ҳаёт бахш этди. Маҳаллий усталар ўзга юртлардан келган усталар билан ҳамкорликда юксак бунёдкорлик намуналарини намойиш этдилар.

Турли мақсадларга мўлжалланган кенг кўламдаги иморат ва иншоотлар, юксак дид билан бунёд этилган меъморий мажмуа-ансамбларнинг пайдо бўлиши, кошинкор ва нақшин безакларда ранг-баранг сирлар, бўёқларнинг қўлланилиши, зеб-зийнатларнинг ўрнида ишлатилиши, ўймакорликнинг кенг

қўлланилиши, ўзаро мутаносиблик мазкур давр меъморлигининг умумий сийрату қиёфасини белгилайди.

11.3. Мовароуннаҳр ва Хуросонда адабиётшунослик соҳасида эришилган ютуқлар

Амир Темур ва темурийлар даврида халқ оғзаки ижоди ривож топди. Адабиёт бадиий услуб жиҳатдан такомиллашди, адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий асарлар яратилди. Ўзбек таржима адабиёти вужудга келди. Бу даврда етук ижодкорлар Шайх Озорай, Али Яздий, Мавлоно Гадоий, Мавлоно Саккокий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мавлоно Атоий, Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Ҳайдар, Камолиддин Бехзод, ва бошқалар яшаб, ижод қилди. Айниқса, ўзбек ёзма адабиётининг дунёвий кўламини Алишер Навоийнинг ижоди камолот босқичига кўтарди.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг мавқеи орта борди. Хуросондаги туркийзабон халқлар ва уларнинг зиёлилари Самарқанд, Бухоро, Туркистон ва бошқа шаҳарлардаги олимлар, шоирлар ва санъаткорлар билан ўзаро жуда яқин муносабатда бўла бошладилар. Шунингдек, Амир Темур ва авлодлари адабиёт ва санъатга, илм-фанга яқин кишилар эди. Темурийлардан 22 та ижодкор-шоир чиққан бўлиб, улар ўзлари шеър ёзиш билан бирга қалам аҳлига ҳомийлик ҳам қилганлар. Халил Султон ва Хусайн Бойқаро кабилар ўз шеърларидан девон тузганлар.

Мовароуннаҳрда Улуғбек Мирзо даврида кўплаб форсий ва туркий ижодкорлар тўпланди. Адабий муҳитни бевосита Улуғбек Мирзонинг ўзи бошқарар, шоирларнинг сардори *(“Малик ул-калом”)* сифатида Мавлоно Камол Бадахший тайинланган эди. Мавлоно Саккокий ўз қасидаларининг бирида Улуғбек Мирзонинг шеър ёзишини ва унинг шеър ҳақидаги тушунчаси юқори бўлганлигини таъкидлайди. XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг энг ривожланган даври бўлиб, бу юксалиш султон Ҳусайн ибн Мансур ва ўзбек адабиётининг порлоқ қуёши Алишер Навоий номлари билан боғлиқ..

Мавлоно Гадоий (1402-XV аср охири) – шоир. Ғазал жанри, аруз илми ва шеърият қоидаларини яхши билган. Асосан чиғатой ва қисман форс тилида ғазал, қитъа, туюк, мустазод, касидалар яратган. Шеъриятда Чарх жафоси", "Рўзғор жаври"дан фиғон, "ғурбат меҳнати" ва "роҳиблар тазйикидан" шикоят оҳанглари сезилади. Мавлоно Гадоий шеърлари арузнинг халқ қўшиқларига яқин рамал, ҳазаж баҳрларида ёзилган: тили халқона содда, вазни енгил, шўх ва ўйноқи. Мавлоно Гадоийнинг XV аср иккинчи ярми XVI аср бошларида кўчирилган "Девони Гадо" асарига 2974 мисрадан иборат 230 ғазал, 1 мустазод, 1 қасида, 5 қитъа, туюқ кирган.

Давлатшоҳ Самарқандий (1436-1495) - ўзбек шоири, адабиётшунос ва давлат арбоби. Унга шухрат келтирган йирик асари - "Тазкират уш-шуаро", (*"Шоирлар тазкирати")*дир. Тазкират Алишер Навоийга бағишланган бўлиб, жуда кўп илмий-тарихий манбалар асосида яратилган. Асар муқаддима, етти боб (*табақа*) ва хотимадан ташкил топган. Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари ҳамда 10 нафар мумтоз араб шоирлари ҳақида маълумотлар ёзилган, асосий бобларда эса X-XV асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаб, ижод этган 150 дан ортик шоир ва олимлар фаолияти тадқиқ этилиб, уларнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумот ва асарларидан намуналар келтирилган.

Тазкиратнинг хотима қисмида Давлатшоҳ Самарқандий билан замондош бўлган Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хожа Афзалиддин Муҳаммад, Амир Аҳмад Сухайлий, Хожа Шаҳобиддин Абдулла Марварид ҳамда Хожа Осафийлар ҳақида маълумот берилган. Тазкират X-XV асрлардаги адабий жараён, унинг намояндалари ҳаёти, ижодини ҳамда маданий, илмий ва тарихий шароитни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Мавлоно Саккокий (XV аср)— Самарқандда Халил Султон ва Улуғбек Мирзо ҳукмронлиги даврида яшаб, ижод этган шоир. Унинг ижодига Алишер Навоий юксак баҳо берган: "Туркий алфозининг бўлағосиндин Мовлоно Саккокий ҳам Лутфийларким, биринг ширин баётининг иштиҳори Туркистонда бағоят ва биринг латиф ғазалиётининг интишори Ироқ ва

Хуросонда бениҳоятдудур” *(“Хутбаи давовин”).* Мавлано Саккокий халқнинг бой оғзаки ижодини, салафлари, асарларини пухта ўрганган ва ижодий озиқланган. Туркий тилда асарлар яратиш, унинг бой ички имкониятларидан фойдаланиши борасида кўп иш қилган.

Мавлоно Саккокий ўзбек адабиётида қасида жанрига асос солган шоирлардан. Хожа Муҳаммад Порсо, Халил Султон, Улуғбек Мирзо ва Арслон Хожа Тархонларга бағишлаб қасидалар ёзган. Қасидаларидан бирида Улуғбек Мирзони халқнинг меҳрибон ҳукмдори, маърифатпарвар ва буюк олим сифатида улуғлайди. Шундай маърифатпарвар подшоҳ билан замондош бўлганидан фахрланади.

Мавлоно Саккокийнинг адабий фаолияти замондошлари Мавлоно Лутфий, Мавлоно Гадоий, Мавлоно Атоий каби Алишер Навоий ижодига ҳам катта таъсир кўрсатган; ўзбек дунёвий лирикасини ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан бойитган.

Мавлоно Атоий (XV аср)-шоир, Аҳмад Яссавий авлодидан. Туркий ва форсий тилларида ижод қилган. Алишер Навоий *(“Мажолис ун-нафоис”)* Мавлоно Атоий ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиб: “Мавлоно Атоий Балхда бўлур эрди, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит (*очиқ чеҳрали*) киши эрди. Ўз замонида шеъри атроқ (*туркий тилда сўзловчилар*) орасида кўп шуҳрат тутти. Бу матлаъ анингдурким:

Ул санамким сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур.

Мавлоно Атоий ғазалнавис, лирик шоирдир. Унинг ғазалларида муҳаббат мавзуи билан бир қаторда май ҳам куйланади. Майда ҳаёт завқи, унинг барча гўзалликлари ва лаззатлари васф этилади. Май Мавлоно Атоийда Умар Ҳайём рубоийлари ва Ҳофиз ғазалларидаги каби ҳаёт тимсолидир.

Мавлоно Лутфий (1366-1465) -ўзбек шоири, ориф ва мутафаккир. Ўз замонининг “Малик ул-калом”и. Мавлоно Лутфийнинг ҳаёт йўли, ижодий тақдири ҳам жуда ибратли: умрининг асосий қисми ўқиш, ўрганиш ва бадиий ижод меҳнати билан ўтган. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”

тазкирасида маълумот берилишича, Мавлоно Лутфий умрининг охирларида “офтоб” радифли бир шеър ёзган, ўша замоннинг кўп шоирлари унга татаббуъ қилганлар, аммо улардан ҳеч бири Мавлоно Лутфийнинг “панжасига панжа”ура олмаганлар. Алишер Навоийнинг ёзишича, Мавлоно Лутфий 90 ёшдан ўтганда, Абдураҳмон Жомий отиға радифи “сухан” сажъ қасидае айтиб эрдики, замон хушгўйлари барча хўбликқа мусаллам” тутмишлар *(“Насойим ул-муҳаббат”).*

Мавлоно Лутфийнинг узоқ яшаб, қарилик чоғида ёш Алишернинг айрим байтларини эшитиб, келажаги буюклигини айтиб, дуо қилган эди.Шоир қаламига мансуб шеърларнинг умумий миқдори 2774 байт ёки 5548 мисрадан ортиқ. Уларнинг катта қисми ғазал жанрида ёзилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мавлоно Лутфий ғазалнавис сифатида Шарқ адабиётида барқарорлашган адабий эстетик анъаналар билан халқ оғзаки ижодиёти тажриба тамойили ва усулларини ниҳоятда моҳирлик билан мувофиқлаштирган. Шу боисдан ҳам унинг ғазалларида миллий ҳис-туйғулар нурланиб, инсоний дард, армон, қайғу ва шодлик тасвири такрорсиз бир таъсирчанлик касб этган.

Мавлоно Лутфий наинки ғазалларида, рубоий, туюқ, қитъа, фардга ўхшаш бошқа жанрлардаги шеърларида ҳам нафосат ҳисси шаклланган, дид ва савияси биланд кишиларнинг зукко ва ҳаётсевар халқ вакилларининг фикру туйғуларини тараннум этган. Шоирнинг:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма, — каби мисраларини ўқиганда, уларнинг олти аср муқаддам ёзилганига баъзан ишониш ҳам қийин бўлади. Чунки, улар содда, оғзаки нутққа яқин ва китобий безакдорликдан йироқ ва самимий. Мавлоно Лутфий -туркий шеъриятда мактаб яратган санъаткор. Бу ижод мактабидан Алишер Навоий ва Бобур Мирзолар сабоқ олишган.

Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий (1414-1492) **—** форс-тожик шоири. Асарлари фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига ҳамда назм ва насрнинг ҳар хил жанрларига оид. Абдураҳмон

Жомийнинг ижодий фаолияти кўп қиррали бўлса ҳам у Шарқ халқлари маданияти тарихида кўпроқ гениал шоир ва мутафаккир олим сифатида танилган. Бу жиҳатдан унинг эпик ва лирик мероси ғоят диққатга сазовардир.

Сўнгги аср адабиётшунослари ҳақли равишда уни форс-тожик адабиётининг илк тараққиёт даврдаги (X-XV асрлар) буюк мутафаккир-ижодкор деб атайдилар. Абдураҳмон Жомий асарларининг бир қисми диний ва фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларда шоир ислом дини ва Шарқ фалсафасининг бир қатор масалаларини ўз қарашича талқин этади, тасаввуфнинг XV асрдаги йирик арбоби сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади.

Бунга унинг "Нақди фусус" *("Маънолар танқиди"),* "Шавоҳиди нубувва" *("Пайғамбарликка далиллар"),* "Шарҳи қасидайи "Тоия" *("Радифда "то" ҳарфидан фойдаланиб ёзилган қасида шарҳи"),* "Нақди нусус" *("Матн танқиди"),* "Шарҳи қасидаии" "Хамрия" *("Хамрия" қасидаси шарҳи"),* "Нақшбандия таълимоти ҳақида рисола", "Зикр шартлари ҳақида рисола", "Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола" каби бир қанча асарларини шу гуруҳга қўшиш мумкин.

Абдураҳмон Жомий фалсафасининг асосини тасаввуфий ғоялар ташкил этади. Худо гўзал маъшуқага ўхшаган бўлиб, мингларча ойнада турли қиёфада ва кўринишда намоён бўлади. У юнон файласуфи Плотоннинг жилоланиш ("*эманация*") фалсафасини давом эттиради ва янада ривожлантиради. Унинг фикрича, дунёдаги ҳамма нарсалар келиб чиқиши ва моҳияти эътибори билан илоҳийдир.

Абдураҳмон Жомий "Нафаҳот ул-унс" асарини ёзиш билан **тасаввуф** тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Унда 616 азиз-авлиё ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 нафари аёллардир. Абдураҳмон Жомий фақат машҳур сўфийлар ҳақида маълумот бериш билан чекланмай, қатор шоир ва адибларнинг ҳаёти ва ижодига ҳам тўхталади.

Абдураҳмон Жомийнинг "Лужжат ул-асрор" (*"Сирлар денгизи", 1475*), "Ашиат ул-ламаот" (*"Нур ёғдулари", 1476*) диний фалсафий қасидаси Абу Али

ибн Синога бағишланган. Достонларида халқ оммасининг энг яхши орзу-умидлари куйланган. 7достондан иборат “Ҳафт авранг” (“Етти тахт” 1480-1487)таркибидаги “Силсилат уз-заҳаб” *(“Олтин занжир, 1472),* “Туҳфат ул-аҳрор” *(“Ҳурлар туҳфаси”, 1481-1482),* “Сибҳат ул аброр” *(“Яхшилар тасбеҳи”, 1482-1483)* достонларида юксак хулқ-атвор мезонларини тарғиб қилган, кишиларни маърифатга, юртпарварликка, тўғрилик, инсоф ва иймонга чақирган. “Юсуф ва Зулайҳо” (1483), “Лайли ва Мажнун” (1484), “Саломон ва Абсол” (1479-1480) достонлари ишқий мавзуда, “Хирадномаи Искандарий” достони (1485) Низомийнинг “Искандарнома”сига тақлидан ёзилган.

Абдураҳмон Жомий темурийлар даври дунёқараши, мафкураси бўлмиш нақшбандийчиликка ихлос қўйган, уни қабул қилган, ўзи шу йўлдан борган ва унинг ғояларини тарғиб этган. Нақшбандийчилик адолатли, ўз меҳнати асосида бунёд этилган ҳалол луқмани маъқуллаган, дабдабали ҳаётни рад этган, ғирром йўллар билан мол-мулк тўплашни қоралаган. Бу таълимот инсонпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, маънавий поклик, камтарлик, самиймийлик каби чин инсоний фазилатларни улуғлаган. Унинг “Дил ба ёру, даст ба кор” – “Кунгил Оллоҳдаю, қўл меҳнатда” шиори Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий каби мутаффаккирларни ўзига жалб этган. Шу сабабли бу иккиулуғ сиймо, сўз санъаькорлари нақшбандийчилик йўлини қабул қилганлар ва ўз ижодларида унинг ғояларини тараннум этганлар. Абдураҳмон Жомий “Хирадномаи Искандарий”, (“Искандар ақлномаси”) асарида эл-улус дарди билан яшовчи, унинг арзу-додига қулоқ тутувчи ҳукмдор сиймосини яратди. Ҳукмдор адолатли ва одил бўлиши лозим деб, одиллик ва адолатни нурга ўхшатади.

Агар чиқса адолатнинг қуёши,

Таралгай ҳар томон нури зиёси.

Агар зулм этса золим, бу стамдан,

Жаҳон бўлгай қаро, йўқ интиҳоси –деб хитоб қилади.

Абдураҳмон Жомий эл-улусга, инсонга яхшилик қилиш, улуғлайди, деб шоҳларни, ҳукмдорларни шунга чақиради:

Эй тожу муҳрга кўнгил боғлаган,

Қачонгача тожу муҳр қолади?

Мулки бойлик бари кетади бир кун

На замон, на замин, на наҳр қолади.

Қўлингдан келганча яхшилик қилғин,

Жаҳонда сенга шул меҳр қолади.., -деб ёзган Абдураҳмон Жомий нечоғлик ҳақ эканини англаб етмоғимиз зарур.

Адабиётшунос ва тилшунос олим сифатида ҳам Абдураҳмон Жомий хизмати улкандир. У ўзининг “Баҳористон” тазкирасида форс-тожик адабиётининг бир қанча намояндалари ва Алишер Навоий ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унинг “Рисолаи аруз” асари аруз ҳақидаги энг мукаммал қўлланмалардан биридир.

Алишер Навоий (1441-1501) — буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби. Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни дастлаб муҳрдорлик мансабига, 1472 йилда эса бош вазир этиб тайинлайди ва унга “Амири кабир” унвонини беради. Алишер Навоий янги лавозимда бутун кучини мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга қаратади. Вақф ишларини тартибга келтиради. Шаҳарларда савдо-сотиқни, ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракати билан қишлоқларда деҳқончилик маданияти ўсиб боради.

Бу давр Ҳиротда адабий ҳаёт жўш урган. Алишер Навоий атрофида Шайхим Суҳийлий, Хожа Осафий, Биноий каби ўнлаб шоирлар, Ҳасан Ноий, Хожа Абдулло Марворид, Қулмуҳаммад Удий, Шоҳқули Ғижжакий каби ўнлаб созандалар, Мирҳонд, Хондамир каби тарихчилар, Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Хожа Ҳофиз Муҳаммад, Султонали Коиний, Муҳаммад Хандон, Мавлоно Ҳижроний каби машхур котиблар, Беҳзод каби мусаввирлар қизғин ижодий меҳнат билан банд эдилар. Ҳиротда, умуман Хуросон мулкида маънавий ҳаётнинг баққувват устунларидан Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоий ўртасидаги ижодий ҳамкорлик устоз-шогирдлик кўп масалаларда ҳамфикрликка олиб келади,

Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги дастлабки йирик асарларидан “Ҳилолия” қасидаси Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган бўлса, форсий тилидаги биринчи йирик асари “Туҳфат ул-афкор” (1476) қасидаси Абдураҳмон Жомийга боғишланган эди. 1470 йилларнинг охирларида Алишер Навоий ўзининг ўзбек тилида ёзган шеърларидан иборат илк девони“Бадоеъ ул-бидоя” (“*Бадиийлик ибтидоси*”)ни тузди. Кейинги даврда ёзилган ўзбекча шеърлари асосида 1480-йилларнинг охирида “Наводир ун-ниҳоя” (“*Беҳад нодирликлар*”) девонини тузди.

Алишер Навоий мансуб адабий ҳаётда шеърий жанрлардан ғазал, қасида, айниқса муаммо ёзишга қизиқиш кучли эди. Алишер Навоий форсий девонига 373 муаммо киритган. Шундай адабий майллар туфайли 1485 йил муаммо ёзиш қоидалари ҳақида махсус “Муфрадот” асарини яратди. Алишер Навоийда ўзбек тилида “Хамса” ―беш достон яратиш мақсадини 1483-1485 йилларда амалга оширди. Асар ўзбек адабиёти шуҳратини оламга ёйиб, жаҳон адабиёти дурдоналаридан бирига айланди.

1485 йил ўзининг машҳур “Назм ул-жавоҳир” асарини ёзди, бунда биринчи халифалардан Ҳазрати Алининг 266 та ҳикматли гапи рубойи тарона (*тўрт мисраси ҳам кифояланган*) шаклида баён этилган. Ўша давр китобхонлари, шу жумладан, тарихчи Хондамир бу асарни ғоят юксак баҳолайди.

Алишер Навоий кўпроқ ижодий ва илмий ишлар билан шуғулланиш, бу борадаги режаларини амалга ошириш хаёли билан яшарди. Ҳаёт эса унинг режаларига ўз тузатишларини киритар эди. 1488 йилда устози Саййид Ҳасан Ардашер, 1492 йил Абдураҳмон Жомий, 1493 йил олим ва шоир Паҳлавон Муҳаммад бирин-кетин ҳаётдан кўз юмдилар. Алишер Навоий ўзи учун қадрдон бўлган бу инсонлар хотирасини абадийлаштириш, уларга ўз ҳурматини изҳор этиш учун “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” *(“Беш ҳайрат”)*, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” номли рисолаларини ёзди.

Астрободда ёза бошлаган “Тарихи мулуки Ажам” *(“Ажам подшоҳлари тарихи”)* асарини тугаллади (1489). 1490 йил у ўзига замондош шоирлар

ҳақида Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарлари шаклида “Мажолис ун-нафоис *(“Нафислар мажмуаси”)* тазкирасини тузишга киришиб, 1492 йилда тугаллади. Шу вақтнинг ўзида Алишер Навоий ўзбек тилида шеърият назарияси, аниқроғи, аруз вазни қоидалари ҳақида “Мезон ул-авзон” (“*Вазнлар ўлчови*”) илмий қўлланмасини яратди.

1494 йилда туркий тилдаги мактубларни тўплаб “Муншаот” (“*Мактублар*”) мажмуасини тузди. 1495 йил Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асаридан фойдаланиб “Насойим ул-муҳаббат” (“*Муҳаббат шабадалари*”) номи билан қайта ишлаб, туркий машойихлар ҳақидаги янги маълумотлар билан бойитди. Шу боисдан “Насойим ул-муҳаббат”га Алишер Навоийнинг мустақил асари сифатида қараш мумкин.

Алишер Навоий 1491-1492 йиллардан бошлаб туркий тилда ёзилган ҳамма шеърларидан янги, йиғма девон тузишга киришди ва бу иш 1498-1499 йилларда ниҳоясига етди. Девоннинг умумий номи “Ҳазойин ул-маоний” *(“Маънолар хазинаси”)* бўлиб, 4 қисмдан иборат бўлганлиги учун “Чор девон” деб ҳам аталган. Девон шоирнинг бутун ҳаёти давомида ёзилган шеърларини қамраб олган, уларда Алишер Навоийнинг барча даврлардаги кайфияти, дунёқараши, орзу-умидлари ифодаланган.

Тахминан шу йилларда Алишер Навоий форсий шеърлардан ташкил топган “Девони Фоний” *(“Фоний девони”)*ни, форсий тилдаги икки қасидалар тўпламини тузиб, форсий шеърият тараққиётига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Хуросонда форсийзабон халқлар кўпчиликни ташкил этганлиги инобатга олинса, Алишер Навоийнинг бу тилда ҳам самарали ижод қилгани, мамлакат маънавий эҳтиёжини яхши ҳис этганлигини билдиради.

Алишер Навоийнинг шеърий даҳоси XV аср охирларига келиб яна жўш урди. У икки йил мобайнида иккита йирик асар “Лисон ут-тайр” *(“Қушлар тили”)* достонини ва “Муҳокамат ул-луғатайн” *(“Икки тил муҳокамаси”)* номли илмий асарини яратди.

Алишер Навоийнинг сўнгги буюк асарларидан яна бири насрий панднома йўсинда ёзилган “Маҳбуб ул-қулуб” *(“Қалблар севгани”)*дир. У Шарқ адабиёти тарихида Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чор мақола” каби асарлари қаторида туради. Бу асарида Алишер Навоий ўзининг ҳаёт йўлини, бошидан кечирган турмуш машаққатларини ёрқин тасвирлаб берган.

Анъана бўйича, Хуросон ва Мовароуннаҳрда асосан форс тили шеър тили, умуман, адабиёт тили бўлиб келди. Абулқосим Фирдавсий “Шоҳномаси”, Низомий Ганжавий “Панжу ганжи”и сингари улкан обидалар, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”идек пандномалар, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”идек мўъжизакор ибратли достонлар, Ҳофиз Шерозий ғазалларидек жонбахш асарлар шу тилда яратилган эди. Бу тил оҳангдор, ишланган, тимсолларга ифода ва тасвир воситаларига бой эди.

Туркий тилда шеър ёзадиган киши эса бу тилда ҳали катта салмоқли адабиёт яратилмагани учун узоқ изланмоғи, ҳар бир сўз ва ибора, ифода устида бош қотирмоғи керак эди. Бу ишни қийинлаштирар эди. Бунинг устига, туркий зиёлиларимизнинг катта қисмида ўз она тилидан узоқлашиш, ҳатто унга нописанд қараш майиллари кучли эди. Миллий ғурур тамом ўла бошлаган эди. Бу тилнинг имкониятларини илмий ва амалий кўрсатмоқ, миллатнинг ғурури ва шаънини ўзининг муносиб ўрнига қўймоқ шарафи ва масъулияти Алишер Навоий зиммасига тушди.

Буюк шоир “Муҳокамат ул-луғатайн” *(“Икки тил муҳокамаси”)* номли махсус асар ёзиб, турк ва форс тилларини қиёслаб кўрсатди. Рад этиб бўлмайдиган илмий далиллар билан турк тилининг битмас-туганмас имкониятларини кўрсатиб берди. У туркий тилнинг сўз бойлигини, нафислигини, маънодорлигини, оҳангдорлигини кўпдан-кўп мисоллар билан намойиш қилди. Салкам юз минг мисрани ташкил этган ранг-баранг шеърий ижоди, биринчи навбатда, “Хазойин ул-маоний” *(“Маънолар хазинаси”)* деб аталган тўрт девони ва “Хамса”си билан буни амалда исбот этди. Юксак санъат

намунаси сифатида асрлар синовидан ўтиб келган бу асарлар XV аср туркий халқлар маънавиятининг ўзига хос қомуси эди. Алишер Навоий ёзади:

Турк назмида чу мен тортиб алам,

Айладим ул мамлакатни якқалам.

(Мен туркий шеър байроғини баланд кўтариб, туркий дунёни якдил ва яктил қилдим).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) - ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби. Бобур Мирзонинг ўз гувоҳлигига кўра, шоир сифатида ижодий фаолияти Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошланган; "Ул фурсатларда бирар-иккирар байт айтур эдим", деб ёзади у. Бобур Мирзо Самарқанддалигининг илк ойларида Алишер Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланади.

Бобур Мирзо атрофида ижодкорлар тўплана бошлаши ҳам шу йилларга тўғри келади. Жумладан, Биноий, Абулбарака ва Бобур Мирзо ўртасидаги рубоий мунозараси Самарқанддаги қизғин адабий ҳаётдан дарак беради. Умуман, давлат арбоби ва кўп вақти жангу жадалларда ўтган саркарда сифатида ижтимоий фаолиятининг энг қизғин даврида ҳам, шахсий ҳаёти ва давлати ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитда қолган чоғларда ҳам Бобур Мирзо ижодий ишга вақт топа билган, илм, санъат ва ижод аҳлини ўз атрофига тўплаб, ҳомийлик қилган, уларни рағбатлантирган.

Ўтмиш адабиёти ва тарихи, мусиқа ва санъатидан яхши хабардор бўлган, диний таълимотга чин ихлос қўйган, ҳар доим олиму фозиллар даврасида бўлган Бобур Мирзо табиатан ижодкор эди. Йигитлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шуғулланди, ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам ижоддан тўхтамади, натижада, ҳар жиҳатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Бобур Мирзонинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур

ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини дил-дилдан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш уқубатлари, замона носозликларидан нола бадиий тахлил этилади.

Бобур ижодида ишқ-мухаббат, севги-садоқат, висол ва ҳижрон мавзуи ҳам салмоқли ўрин тутади. Унинг ғазал ва рубоийларида, туюқ ва маснавийларида маъшуқанинг мафтункор гўзаллиги, беқиёс ҳусну латофати, шарқона одобу аҳлоқи, нозу карашмаси енгил ва ўйноқи, мусиқий ва равон мисраларда, катта маҳорат билан тараннум этилади.

Ҳозирда унинг 119 ғазали, бир масну шеър, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган. Бобур Мирзо Шарқ шеъриятининг асосий масалаларидан бири аруз вазни, унинг назарияси ва амалиётига оид илмий рисола яратган. Бобур Мирзони номини жаҳонга машҳур қилган шоҳ асари “Бобурнома”дир.

Амир Темур ва темурийлар даври адабиёти ўзбек адабиёти ривожида ўзига хос алоҳида бир босқични ташкил этади. Ундаги инсонпарварлик ва халқчиллик, адолатпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари ҳамон ўз тароватини йўқотгани йўқ. Бу адабий мерос Ўзбекистонда асрлар давомида ўзининг бой мазмуни, ғоявий-мафкуравий теранлиги ва илоҳийлиги билан комил инсонни тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёда темурийлар даврида маданият юксак ривожланди ва камол топди. XIV аср иккинчи ярми ва XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий тараққиётнинг тамал тоши буюк соҳибқирон Амир Темур томонидан қўйилди.

Ҳозирги замон фани Амир Темур ва темурийлар даврини ҳақиқий Ренессанс-уйғониш даври деб эътироф этмоқда. Зеро, бу даврда ўтмиш даврлар тажрибаларини ижобий ўзлаштиришга ва янгича ёндашувига, олимлар, меъмор ва ҳунармандлар, миниатюрачи рассомлар, шоирлар олдида турган масалаларни ҳал этишда жиддий янгиликлар киритишга асосланган энг яхши анъаналар тикланди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида сўзланг?
2. “Темур тузуклари” ҳақида тухталиб ўтинг?
3. Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарини ўқиганмисиз?
4. Ибн Арабшоҳнинг қайси асари биз учун аҳамиятли?
5. Аҳмад Яссавий мажмуаси ҳақида гапиринг?
6. Оқсарой мажмуаси қайси йиларда барпо этилган?
7. Бибихоним жоме масжиди ҳақида тўлиқ маълумот беринг?
8. Амир Темур қурдирган боғларни санаб беринг?
9. Мирзо Улуғбекнинг қандай асарларини биласиз?
10. Улуғбек академияси намояндаларидан кимларни биласиз?
11. Темурийлар даврида ижод қилган шоирларнинг асарларидан намуналар келтиринг?

Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,
Қўлингдан келгунча тера олсанг бас.
Абу Абдулло Рудакий

12 мавзу. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ХОНЛИКЛАР ДАВРИДАГИ МАДАНИЙ ҲАЁТИ

Таянч сўз ва иборалар

Шайбонийлар, Бухоро хонлиги, таълим тизими, Мир Араб мадрасаси, “Шайбонийнома”, меъморлик, Аштархонийлар, адабий ҳаёт, Тиллакори мадрасаси, мусиқа, Бухоро амрлиги, Хива хонлиги, адабий муҳит, Мунис Огоҳий, Маҳтумқули Фироғий, тарихнавислик, ичан қалъа, дишан қалъа, Паҳлавон Маҳмуд, Муҳаммад Раҳим, Исломхўжа мадрасаси ва минораси, Қўқон хонлиги, таълим тизими, Амир Умархон, Нодира, Увайсий, Худаёрхон ўрдаси.

12.1. Бухоро хонлиги (*амирлиги*) да маданий ҳаёт

Туркистоннинг темурийлар даври маданияти ўзининг классик хусусиятлари билан бутун дунёга маълум ва машҳур бўлди. Энди уларнинг узвий давоми бўлган Мовароуннаҳрдаги хонликлар даври маданияти ҳақида сўз боради. Маълумки, Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонни эгаллаб, ўзларининг марказлашган давлатига асос солдилар.

Бухоро хонлиги XVI-XX аср бошларида Ўрта Осиёда мавжуд бўлган йирик давлат бўлиб, унда учта сулола- Шайбонийлар (*XVI*), Аштархонийлар (*XVII–XVII аср ўрталари*) ва Манғитлар (*XVIII асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари*) ҳукмронлик қилишган. Бу даврда маданият соҳаси бошқарув тизими ва ҳокимиятни ожизлиги орқасида замон талабига монанд ривожланмади. Тўғри, кўплаб масжид ва мадрасалар қурилди, лекин уларда, асосан араб ва форс тиллари, диний фанлар ўқитилди.

Шунинг учун ҳам IX-XII асрларда, Амир Темур ва темурийлар даврида давлат қурилиши, фундаментал фанлар соҳаларида дунёда етакчи бўлган Ўрта Осиё уч хонлик даврида Европадан орқада қолиб кетди. Шунга қарамай XVI-XIX асрларда маданиятнинг адабиёт, тарих, архитектура қурилиш санъати халқ

ҳунармандчилиги билан биргаликда ривожланди. Албатта ўзбек халқи маданияти бу давр туркий халқлар маданияти таркибида эди.

XVI-XIX асрларда туркий халқлар оғзаки ва ёзма меъросининг ўзига хос намуналари яратилди. “Гўрўғли”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Маликаи Донишманд”, Маликаи Дилором” каби достонларни бунга мисол келтириш мумкин.

Шайбонийлар даврида илм-фан маълум даражада ривожланди. Чунончи, сулола вакилларидан Шайбонийхон, Кўчкунчихон ва Убайдуллахонлар ўз даврининг ниҳоятда ўқимишли кишилари бўлган. Убайдуллахон “Убайдий” тахаллуси билан ўзбек, форс, араб тилларида ижод қилган ва унинг уч девони бир китобда жамланган. Убайдийнинг ўзбек тилидаги девони 306 ғазал, 435 рубоий, 25 қитъа, 13 туюқдан иборат. Бу даврда адабиётнинг турли жанрларида, тарихнавислик, хаттотлик санъати, эпиграфия, меъморлик ва маданиятнинг бошқа бир қатор соҳаларига тааллуқли асарлар яратилди.

Таълим тизими. Бутун ўрта асрлар даврида бўлганидек, бу даврда ҳам бошланғич таълим мактабларда диний ва дунёвий билимлар ўқитиладиган, жамиятга ўқимишли, билимли кишиларни тайёрлаб берадиган мадрасалар асосий маданият даргоҳлари бўлган. XVI асрда Самарқандда Шайбонийхон мадрасаси, Бухорода Абдуллахон, мадрасаси, Тошкентда Бароқхон ва Кўкалдош мадрасалари қурилиб, ишга туширилди. Самарқанд-Регистонда Мирзо Улуғбек ва Шердор мадрасаси олдида Тиллакори мадрасаси қад кўтарди.

Мадрасаларга бошланғич мактабларни тугатганлар қабул қилинган. Талабалар ёши 10 ёшдан 40 ёшгача бўлиб, ўқиш 21йилгача давом этган. Улар мадраса ётоқхоналарида яшаш ҳуқуқига эга бўлган. Кундузги бўлим ва дарсларга эркин қатновчи талабалар тоифаларга ажратилган. Мадрасада таълим уч босқичда: бошланғич (*адно*), ўрта (*авсат*) ва юқори (*аъло*) гуруҳларда олиб борилган бўлиб, адно босқичи “Ақоид” китобини ўқишга ўтгунча давом этган, авсат босқичи “Ақоид” китобини ўқишдан бошланиб, “Шарҳи Мулла”

китобини ўргангунча бўлган ва ундан кейинги мураккаб қўлланмаларни ўрганувчилар аъло босқичи талабалари ҳисобланган.

Мадрасада ўқиш талабалар иқтидорига қараб, ҳар-бир босқичда 7 йилгача давом этган. Ўрта Осиёдаги мадрасаларда араб ва форс тилида ёзилган китоблар ўқитилган, улар талабаларга мударрис томонидан туркий тилда шарҳлаб берилган.

Мадраса ўқув курси, одатда ***"Аввали илм"*** деб номланган форс тилидаги ўқув қўлланмасини ўзлаштириш билан бошланган. Кейин ўрта асрларнинг илмий тили ҳисобланган араб тили грамматикаси ўқитилган. Араб тили грамматикасидан сўнг ўқув курси икки бўлимга: умумтаълим курси-адаб фанлари, мушкилот ва фиқҳ курси-масала бўлимларига ажратилган. Мадрасаларда фиқҳ курсининг фароиз-мерос ҳуқуқи қисми билан бирга математика фани ҳам мажбурий ўқув курсига киритилган. Талабалар ўз хоҳиш-истаклари ва қобилиятларига қараб мушкилот ёки масала бўлимларидан бирини, агар истасалар ҳар икки бўлимни ўқиб, тамомлашлари мумкин бўлган. Мадрасаларда тўлиқ курсни ўқиб тамомлаш учун талабалардан фалсафа ва ҳуқуқ фанларига оид тахминан ***137 дарслик-қўлланмаларни*** ўзлаштириш талаб этилган.

Бу дарсликларнинг аксариятини Ўрта Осиёлик алломаларнинг асарлари, жумладан, имом Бухорий ва имом Термизийларнинг ҳадис тўпламлари, Абу Мансур Мотуридий Самарқандийнинг "Китоб ат-Тавҳид", Бурхониддин Марғинонийнинг "Ал-Ҳидоя фи шарҳ ал-бидоя", Нажмиддин Али ибн Умар Қазвинийнинг "ар-Рисола аш-шамсия фи-л қавоид ал-мантиқия", Абдураҳмон Жомийнинг "ал-Фавоид аз-зиёия", Муҳаммад ибн Аҳмад Маҳбубийнинг "Виқоят ар-ривоя фи масоил", Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубийнинг "Ан-Нуқоя" *("Мухтасар ал-виқоя")* каби асарлари ташкил этган.

Мадрасаларда талабаларнинг қизиқишлари ва мударрисларнинг мавжудлигига қараб, фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт, кимё, жуғрофия, тарих, адабиёт, аруз илми, меъморлик асослари, хаттотлик, мусиқа, ахлоқ, нотиқлик каби фанлар ҳам ўқитилган. XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё

мадрасалари ўқув дастурлари бир мунча ислоҳ қилинди. XX аср бошларида Бухоро амирлигида 336, Хива хонлигида 132, Туркистон генерал-губернаторлигида 348 та ўрта ва олий типдаги мадрасалар бўлган.

Бухоро ислом дини марказларидан бири бўлиб, шаҳардаги Мир Араб мадрасасининг мавқеи катта бўлган. Абдуллахон II саройида йирик кутубхона мавжуд бўлган. Бу ерда моҳир ҳаттотлар ва миниатюрачи рассомлар ишлаб, қўлёзма, адабиёт, тарих ва бошқа фанлар соҳасида яратилган асарларни кўчириш, безаш билан шуғулланганлар. XVI асрнинг 2 ярмида Бухорода қарийб 350 та шоир, олим, хаттот каби маданият вакиллари ижод қилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Тарихга доир ёзилган муҳим асарлар қаторига Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома”, Абдулла ибн Муҳаммаднинг “Зубдат ул-осор”, Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳоннинг, “Меҳмонномайи Бухори”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланома” асарларини Нисорий ва Мутрибий тазкираларини кўрсатиш мумкин.

Шайбонийлар даврида ижтимоий-фалсафий тафаккур ва адабий ҳаётда юксалиш, адабиётда турли жанрларининг ривожланиши давом этди. Мирзажон Шерозий, Юсуф Қорабоғий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Иноятулло Бухорий, Камолиддин Биноий, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон, Муҳаммад Ҳайдар, Ҳофиз Таниш Бухорий каби ўз даврининг етук файласуф тарихчиларини санаб ўтиш мумкин. Улар фалсафа, тарих, тилшунослик бўйича кўплаб асарлар муаллифлари бўлишлари билан бирга фалсафий характердаги асарларга шархлар ҳам ёзишган. Қуйида уларнинг баъзилари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Муҳаммад Шариф Бухорий (1609-1697) -файласуф ва тарихчи. Фалсафа, тасаввуф, тарих, фиқх, тилшунослик, шеърият, астрономия соҳасида 20 дан ортиқ асарлар ёзган. “Ар-рисола ад-даврия” *(“Даврийлик ҳақида рисола”)* асари макон ва замон масалаларига бағишланган, Адудиддин ал-Иджийнинг “Адудийиа ақидалари шарҳига хошия” ва Саъдуддин

Тафтазонийнинг “Мавлавий Шариф тазҳиб шарҳига ҳошия” асарларига шарҳлар ёзган.

Файласуфнинг “Девони Шариф” ёки “Ғазалиёти Шариф” номи билан танилган девони ҳам мавжуд бўлиб, турли котиблар томонидан кўчириб келинган. Унинг араб тилшунослигига оид “Хошияи Мавлавийи Шариф бар фавойиди Зиёиййа” *(“Мавлавийи Шарифнинг Зиёий фойдаларига изоҳи”)* асари “Ал-Кофия”га шарҳ сифатида ёзилган. Бундан ташқари, у “Жомеъ ул-масойил” *(“Масалалар мажмуи”),* “Збдат ул-афкор”, “Ақоид асослари ҳақида рисола”, “Мавлавий Шариф рисоласи”, “Назм ул-мухтасар” ва бошқа асарлар муаллифи ҳисобланади.

Муҳаммад Солиҳ (1455-1535)ижоди алоҳида аҳамиятга эга. “Амир ул-умаро”, “Малик уш-шуаро” унвонларига сазовор бўлган. Шеърлари ишқий, биографик, сиёсий мавзуда. Ўзбек адабиёти тарихида илк реалистик достон — “***Шайбонийнома”***ни ёзган. Достон 8880 мисра, 76 бобдан иборат. XV аср охири XVI аср бошларидаги воқеалар акс этган бу асар тарихий, этнографик, географик, лингвистик жиҳатлари билан ҳамда, бадиийлигига кўра муҳим аҳамиятга эга. Дастонда Шайбонийхон лаганбардорларча мадҳ этилиб, Заҳриддин Бобур танқид ва ҳажв қилинган.

Мавлоно Султон Муҳаммад Мутрибий (*1558–XVII асрнинг 30 йиллари*)нинг Самарқандда тузган ***“Тазкират уш-шуаро”*** ва Ҳиндистонда ёзган ***“Нусхаи зебоий Жаҳонгир”*** номли адабий ва тарихий асарлари ҳамда ***“Хотироти Мутрибий”*** мемуари сақланган. У ”Тазкират уш-шуаро”да XVI аср иккинчи ярми-XVII аср бошларида Ўрта Осиё ва Озарбайжонда яшаб ижод этган 320 нафардан ортиқ шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берган. Шоирларнинг номлари абжад тизими асосида жойлаштирилган. Мутрибий тазкирада келтирилган асарларнинг вазн турлари, бадий воситалари ҳақида ҳам фикр билдирган.

Асар ўша давр маданий муҳитини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. “Нусхаи зебоий Жаҳонгир” тазкирасини Мутрибий Ҳиндистонда бўлганида ёзиб, Жаҳонгир шоҳга туҳфа этган. Мазкур асар охирига шоҳнинг таклифи

билан Жаҳонгирнинг ўзи тузган тазкира илова қилинган. Унда 292 шоир ҳақида маълумот келтирилган. Мутрибий Самарқандга қайтгач “Хотироти Мутрибий” асарини ёзган. Унда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги адабий-маданий, сиёсий алоқалар акс этган.

Зайниддин Восифий (1485-1566) -адиб. Восифий араб тили, адабиёт, фиқҳ ва бошқа билимларни пухта эгаллаган. Ижодини Хиротда, Алишер Навоий адабий мактабида бошлаган. Насрнинг кўпгина турларида *(мактуб, ариза, ҳикоя каби)*, бадеа, сажъ услубида яхши ижод қилган. Ранг-баранг ташбеҳлар ишлатиши, айниқса муаммо санъатидаги маҳоратига Алишер Навоий юқори баҳо берган.

Восифийнинг бир қанча шеърий ва насрий асарларини ўз ичига олган “Бадоеъ ул-вақоеъ” *(“Нодир воқеалар”)* китобида Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва Эрондаги 1532-йилгача бўлган даврдаги илмий, адабий, тарихий ва маданий ҳаёт акс эттирилган. Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, шунингдек. Қосим Али Қонуний, Устод Ҳасан Удий, Ҳофиз Басир, Устод Шайхий Нойи каби мусиқашунослар, айрим давлат арбоблари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Ҳасанхожа Пошшохожа ўғли Нисорий (1516-1597) **—** шоир, тазкиранавис. “Малик уш-шуаро” унвонига мушарраф бўлган. Нисорий туркий ва форсий тилларида ижод қилиб “Баҳориёт қасидаси” ҳамда “Музаккири аҳбоб” тазкирасини ёзган.

“Музаккири аҳбоб” Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” ва Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарларидан кейинги учинчи тазкира деб ҳисобланади ва бу асар мақола, 4 боб ва хотимадан иборат. Мақола қисми темурийлар ва шайбонийлар ҳамда бобурийлардан етишиб чиққан шоирларга бағишланган. 4 боби Мовароуннаҳр, Хуросон, Шарқий Туркистон, Туркия, Озарбайжон ва Ҳиндистонда яшаган шоирлар ижоди ҳақида. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Ҳусайн Воиз Кошифий, Хожа Аҳрор каби устоз салафлар тўғрисида, Арслонбоб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бақирғоний, Занги Ота, Шайх Худайдод каби тасаввуф

намояндалари ҳаёти, карамотлари ҳақида, шунингдек, тарихий воқеалар, илм-фан ривожи, санъат соҳасидаги ихтиролар, Шарқнинг турли шаҳарларидаги меъморлик мўжизалари, табиатдаги ажойиб ҳодисалар тўғрисида ҳикоя қилиниб, Шайбоний Абдуллахон II га бағишланган.

Асар адабиёт назарияси, хусусан, шеърият масалалари, XVI аср Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон каби ўлкалар адабиёти, маданияти, тарихи ва ижтимоий тафаккури ҳақида маълумотлар олишда муҳим манба бўла олади.

Фазлуллоҳ ибн Рузбехон (1457-1521)нинг "Меҳмонномайи Бухоро" номли йирик тарихий асарида Туркистоннинг XV аср иккинчи ярми – XVI аср бошларига оид тарихи баён қилинган бўлиб, у муқаддима, 59 боб ва хотимадан иборат. Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари, ўзбек ва қозоқ хонларининг тарихи, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ ва қозоқ улусининг жуғрофий ҳолати, ўзбек ва қозоқларнинг келиб чиқиши, этник таркиби, урф-одати ва анъаналари асарда ўз аксини топган.

Ҳофиз Таниш Бухорий (1540-1589) -тарихчи олим ва шоир. Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг "Абдулланома" ("***Шарафномаи шоҳий***") асари билан танилган. Асар Шайбонийлардан Абдуллахон иккига бағишланган бўлиб, 1584-1588 йилларда Бухорода форс тилида ёзилган.

Асар муқаддимасида Абдуллахон иккинчи ҳокимият тепасига келгунга қадар Мовароуннаҳрда юз берган сиёсий воқеалар: Чингизхоннинг истилоси, Дашти Қипчоқда Абдулхайрхон давлатининг пайдо бўлиши, Шайбонийхоннинг Хуросонга юришлари, Шайбонийлар билан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий тўқнашувлари ҳамда Абдуллахон II нинг насли ва насаби тўғрисида ҳикоя қилинади.

Асарнинг асосий қисмида Шайбонийхондан сўнг Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият, унинг бир қанча давлатларга бўлиниб кетиши, Абдуллахон II нинг марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга қаратилган ҳаракатлари, унинг Дашти Қипчоқ ва Хуросонга юришлари, XVI асрнинг 80-90 йилларида Бухоро, Хоразм ва Бадахшондаги

сиёсий вазият ҳамда Хоразм билан Бадахшоннинг Бухоро хонлигига қўшиб олиниши каби тарихий воқеалар баён этилади.

Асарда XVI асрда Мовароуннаҳр билан Туркия, Ҳиндистон ва Эрон ўртасидаги муносабатларга ҳамда Россия билан савдо алоқаларига оид маълумотлар бор. Унда Бухоро хонлиги қўшинларининг тузилиши, ҳарбий тактикаси, қурол-яроғлари ҳамда Мовароуннаҳрда, шу жумладан Бухорода қурилган меъморлик обидалари ва сув иншоотлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу асар Мовароуннаҳр халқларининг XVI асрдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда биринчи даражали манбалардан ҳисобланади.

Шайбонийлар даврида мусаввирлик, хаттотлик ва мусиқа санъатида, фиқҳ, тиббиёт, мантиқ, риёзиёт (*математика*), хандаса (*геометрия*) ва илми нужум (*астрономия*), фан ва маданиятнинг бошқа соҳаларида ривожланиш кўзга ташланган.

Меъморлик. Шайбоний ҳукмдорлар меъморий иншоотлар барпо этишга ўз куч-қудратларининг ифодаси сифатида қарадилар. Бу давр иншоотлари ичида Самарқанд яқинида Шайбонийхон томонидан Зарафшон дарёси устига қурилган кўприк - сув айирғич, шаҳардаги Шайбонийхон мадрасаси ва масжиди, Абдураҳим Садр мадрасаси, Тошкентда Навруз Аҳмадхон қурдирган Бароқхон мадрасаси (*Шайхантаҳурда*), Мир Араб мадрасаси, Масжиди Калон ва бошқа иморатлар барпо этилди.

Абдуллахон II даврида Бухоро яқинида Жўйбор хожаларидан Абу Бакр Саъд мозори атрофига мадраса, масжид, хонақоҳ ва чорбоғ, Бухородаги Абдуллахон мадрасаси, ҳаммом, Гавкашон, Фатхулла қушбеги, Миракан, Хожа Муҳаммад Порсо, янги Чорсу, Абдуллахон тими, Кармана яқинида Зарафшон дарёси устига кўприк ва бошқалар қурилди. Бундай иншоотлар ва карвонсаройлар Самарқанд, Тошкент, Балх ва бошқа шаҳарларда ҳам қурилган. Масалан, Абдуллахон II нинг нуфузли амири Қулбобо Кўкалдош шарафига Тошкентда қурилган Кўкалдош мадрасаси қурилган. Абдуллахон банди Нурота туманидаги Бекларсой дарасида ҳозиргача сақланган.

Абдуллахон бандининг тўғони сланец тошлардан қурилиб, тош палахсалари сувга чидамли махсус ганч қоришмаси — қир билан бириктирилган. Тўғоннинг узунлиги, асосида 73 метр, юқорисида 85 метр, баландлиги 14,5 метр. Бунда сув босими ҳамда унинг ағдарувчи кучи ҳисобга олинган ҳолда тўғон асосининг қалинлиги 15,3 метр, устки қисми 4,5 метр қилиниб зинапоя шаклида қурилган. Тўғон олдида ҳосил бўлган сув омборининг узунлиги 1,5 километр, эни 75-125 метр. Тахминан 1,2 миллион куб метр сув тўпланган.

Сурхондарёда халқ орасида Искандар кўприги номи билан машҳур бўлган **Ғишткўприк** Абдуллахон II томонидан қурдирилган. Ҳозирги пайтда Ўрта Осиёдаги XVI асрга мансуб меъморий обидаларнинг асосийси бу ҳукмдор даврида қурилган бўлиб, манбаларнинг гувоҳлик беришича, уларнинг сони 1000 дан ортиб кетади.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳам ижодий силжишлар юз берди. Сўнги темурий ҳукмдорлар даврида кичик-кичик мустақил бошқариладиган вилоятларга бўлиниб кетган Мовароуннаҳрни яна ягона давлатга бирлаштирилиб, илм-фанда, маданиятда темурийлар даври анъаналари давом эттирилди ва янада бойитилди. Шаҳарсозлик, меъморлик, ҳунармандчиликда катта ютуқлар қўлга киритилди, ташқи ва ички савдо юксак ривожланди. Буларнинг барчаси Шайбонийлар ҳукмронлиги ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга даврлардан бири эканлигини кўрсатади.

Аштархонийлар даврида хонликлар ўртасидаги ички мутассил урушлар моддий ва маданий ҳаёт ривожига салбий таъсир кўрсатди. Дунёвий фанлар ўрнини ислом ақидапарастлиги эгаллай бошлади. Лекин шунга қарамай адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда бир қанча истеъдодли олимлар етишиб чиқди. Адабий тарихий асарлар — “Ҳайвонотнома” (*Сайидо Насафий*), “Баҳр ул-асрор” (*Маҳмуд ибн Вали*), “Убайдулланома” (*Муҳаммад Амин Бухорий*), “Тарихи Абдулфайзхон” (*Абдураҳмон Толеъ*), “Муҳит ут-таворих”

(*Муҳаммадамин ибн Муҳаммадзамон Бухорий*), “Субхонқулихон тўғрисида ҳажвия” (*Турди Фароғий*) ва бошқалар яратилди.

Маҳмуд ибн Вали (*1595-XVII аср иккинчи ярми*)нинг энциклопедик тавсифдаги асосий асари “Баҳр ул-асрор фи маноқиб ал-аҳйар” (*“Олийжаноб инсонлар жасорати хусусида сирлар денгизи”)* бўлиб, муаллиф уни ёзишда араб географлари (*Ибн ал-Фақиҳ, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Абу Дулаф, Ёқут Хамавий, Дамашқий*), форс олимлари (*Закариё Қазвиний, Ҳамдуллоҳ Қазвиний*)нинг асарларидан фойдаланган. Асарда денгиз, океан, дарё, қир, тоғ, булоқ, машҳур портлар (*бандаргоҳ*), шаҳарлар, мамлакатлар ва улар ҳудудидаги табиий муҳит, ҳайвонот олами, ажойиботлар ҳақида баён қилинади.

Маҳмуд ибн Вали бундан ташқари “Равоих-и тойиба” *(“Ёқимли ҳидлар”),* “Муҳаббатнома”, “Нажми сақиб” *(“Ёрқин юлдуз”),* “Рисолаи баҳория” *(“Баҳор ҳақида рисола”)*, “Ахлоқи ҳусайний” *(“Ахлоқ ҳуснлари”)* асарларининг муаллифи. У 50 минг байтдан иборат катта девон тузган.

Мир Муҳаммад Амин Бухорий (*1645 –XVIII асрнинг биринчи чораги*) **—** бухоролик тарихчи олим. Бухоро хонлигининг XVI аср биринчи чораги тарихига оид “Убайдулланома” асарини ёзган. Асар муқаддима, 80 боб ва хотимадан иборат бўлиб, унда Убайдуллахон ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт ҳикоя қилинади. Бухоро хонлигининг давлат тузуми, ер эгалиги, мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотлар, Балх, Термиз, Ҳисори Шодмон, Шаҳрисабз каби маҳаллий вилоятлар ҳокимлари ўзбошимчалигига қарши Убайдуллахоннинг олиб борган кураши ва қатъий марказлаштириш сиёсати, пировардида, унинг ўлдирилиши асарда ўз аксини топган.

Адабий ҳаёт. Аштархоний ҳукмдорлар ўз мавқеини мустаҳкамлашда сўз усталари нуфузидан фойдаланишга интилиб, уларга хомийлик қилганлар. Адабиёт айниқса, Субхонқулихон даврида анча ривожланган. Хоннинг ўзи ҳам “Нишоний” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Бу даврда ижод қилган шоирлар ичида Турди Фароғий (XVII аср) фаолиятини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Турди Фароғий адабий мероси 18 шеърдан иборат бўлиб, улардан 12 таси ғазал, 5 таси мухаммас ва биттаси фард жанрига оид, 434 мисра ҳажмидаги

бу мероснинг 165 мисраси Субхонқулихон ҳақидаги машҳур ҳажвияни ташкил этган (*“Субхонқулихон тўғрисида ҳажвия”*).

У ҳам ўз ижодини бошқа шоирлар каби анъанавий ишқ мавзусидан бошлаган. Яъни:

Туркона хиром айлади ул шўхи дилоро,

Дил мулкини бир гўшаи чашм айлади яғмо,—

матлаи билан бошланган ишқий ғазали лириканинг яхши намуналаридан ҳисобланади. Турди Фароғийнинг лирик ғазаллари бошқа шоирларникидан ўзининг ниҳоятда ихчамлиги, яъни 3-4-5 байтдан иборатлиги билан ажралиб туради. Унинг тасаввуфий шеърлари ҳам ғоят гўзал ва фалсафий теран мазмунга бой *(“...Ибрат ила боқ, кўзунг туфроққа тўлмасдан бурун”).*

Турди Фароғий ғазаллари аксарияти ҳали ҳеч ким қаламга олмаган, ўткир ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий мавзуларга бағишланган. Айниқса, шоирнинг “Тор кўнгиллик беклар” шеърида:

Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,

Тўқсон икки бовли ўзбек юртидир, тенглик қилинг.

Бирини қипчоғу хитой, бирини юз найман деманг,

Қирқу юз, минг сон бўлиб, бир жон ойинлик қилинг.

Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнга кириб,

Бир ўнгирлик, бир тиризлик, бир яқо, енглик қилинг,— матлаи билан бошланадиган ғазалида юртни бошқараётган бекларга мурожаат қилиб, уларни кенг феълли, ўзаро иттифоқ бўлишга, бир-бирини уруғчилик белгиларига қараб камситмасликка чақириши унинг ўз давридаги юксак фикрли, ватанпарвар ва ҳақиқий инсонпарвар киши бўлганлигидан далолат беради.

Субхонқулихон тўғрисидаги ҳажвий мухаммаси Турди Фароғийнинг шоҳ асари ҳисобланади, Асарда Субхонқулихон давлат тепасига келгач, мамлакатда аҳвол ёмон томонга ўзгарганлиги, осойишталик ўрнини тартибсизлик, адли карам ўрнини ўзаро нифоқ эгаллагани ўз аксини топган. Шоҳнинг айби шундаки, у тахтга ўтириши биланоқ тажрибали, ишбилармон мулозимларни

қувиб, уларнинг ўрнига ўз атрофига давлатни бошқариш ишидан бутунлай хабарсиз, фикр-мулохазалари саёз, ахлоқий тубан кишиларни йиғади. Турди Фароғий бу асарида Субхонқулихон қиёфасида жоҳил шоҳ тимсолини яратади. Ушбу ҳажвий асари билан ўзбек ҳажвиётини Алишер Навоийдан кейин янги бир босқичга кўтарган.

Турди Фароғий ижоди ҳаётий фактларга, теран мулоҳазаларга бойлиги ва услубининг релистик характери билан ўзбек адабиёти ривожига самарали таъсир қилиб. Махмур, Гулханий каби сатирик шоирлар ижодининг шаклланишида муҳим босқич бўлган.

Сайидо Насафий (1637-1710) **—** шоир. Дастлаб асарларида аштархоний ҳукмдорларни мадҳ этган, уларга мадҳиялар ёзган. Лекин ижтимоий тенгсизлик, адолатсизликлар моҳиятини тушунгач, мадҳиябозликдан узоқлашган. Асарларида жабру зулмга қарши норозилик асосий ўринини эгаллаган. “Шаҳр ошуб” манзумасида 212 хил касб-ҳунар эгаси ҳақида фикр билдирган, ҳунар аҳлини улуғлаган. “Баҳориёт” *(“Ҳайвонотнома”)* мажозий-мунозара асарида, айрим ғазалларида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муҳити танқид қилинган. Асарлари нафис, содда тилда ёзилгани учун тез оммалашган.

Меъморлик. Аштархонийлар даврида йирик меъморий мажмуалар қурилди. Бухорода Лабиҳавуз, Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақоҳи, Абдулазизхон мадрасаси, Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир томонидан Шердор, Тиллакори мадрасалари қурдирилган.

Мирзо Улуғбек мадрасаси рўпарасида жойлашган **Шердор** мадрасаси тарҳи тўртбурчак, икки қаватли. Бош тарзининг иккинчи қанотида қовурғали гумбаз ва миноралар жойлашган, пештоқ равоғи ичкарисидаги кошинкори безак орасида қора заминли кошинга оқ ҳарфлар билан меъмор Абдужаббор номи ёзилган. Қанотларидаги қизғиш зарҳал тусли шер оқ оҳуни қувмоқда. Қуёш бодомқовоқ, қийиқ кўзли қилиб тасвирланиб, юзи зарҳал тусли ёғду билан ҳошияланган. Бу кошинкор тасвир меъморнинг катта санъаткор эканидан далолат беради. Мадраса номи шу тасвирдан келиб чиққан. Бинонинг серҳашамлиги шу пештоғида. Пештоқнинг икки томонида гумбазли дарсхона

ва масжид жойлашган. Ҳовли атрофидаги икки қаватли ҳужралар (*54 та*)нинг олди равоқли айвон.

Тиллакори мадрасаси дастлаб “Ялангтўшбий кичик мадрасаси” деб ном олган. Кейинчалик мадраса безагида бошқа бир обида қурилишига етадиган миқдорда олтин сарфлангани учун “тиллакори” (*тилладан ишлов берилган*) деб юритила бошланган. Тиллакори мадрасасидан шаҳар жоме масжиди ва мадраса сифатида фойдаланилган. У (63х22 метр) катта ва серҳашамлиги билан бошқа мадрасалардан ажралиб туради. Мадрасага (70х70 метр) ғарбий пештоқ орқали кирилади. Пештоқ чуқур равоқли, икки қанотининг олди равоқли, икки қаватли хужралар, бурчакларини тенг ҳажмдаги гулдаста-мозаикалар эгаллаган. Масжид хонақоҳи (10,8х10,8 метр)нинг пойгумбази баланд, узоқдан кўзга ташланади.

Бухоро миниатюра мактаби. Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида Хирот миниатюра мактаби вакиллари таъсирида ривожланган ва маҳаллий бадиий анъаналар таъсирида мустақил услубни акс эттирган. Умумлаштириш, шаклнинг ихчамлиги, кийим ва безакларнинг аниқ ҳамда йирик ишланиши, бўшлиқнинг бир текис тузилиши, меъморий тасвир ва заминнинг соддалаштирилиши каби хусусиятларга эга бўлган.

Умумий ранглар ёркин, тиниқ (*тўқ сариқ ва қора ранглар устунлиги сезилади*), расмлар учун яратувчанлик, тантанаворлик руҳи хос бўлган. Расмларда қабул саҳналари, табиат оғушидаги учрашувлар, маиший манзаралар, сарой ҳаётидан олинган лавҳалар ва бошқа мавзулар кенг ўрин олган. XVI аср охиридан тасвирий санъатда шаҳар ҳаётидан олинган лавҳалар, ҳунармандчиликка тааллуқли мавзуларининг сони ҳам кўпайди.

Бухоро миниатюра мактабининг йирик вакллари Маҳмуд Музаҳҳиб, Шайхзода, Абдулла Мусаввир (XVI аср); Муҳаммад Шариф, Муҳаммад Муқим, Аваз Муҳаммадв, Муҳаммадамин, Мулла Беҳзод, Хўжа Гадоий (XVII аср). XVI аср охири ва XVII аср бошларида Мовароуннаҳрнинг қўшни мамлакатлар билан алоқаларининг кучайиши туфайли Бухоро миниатюра мактаби вакиллари

асарларида Ҳиндистон ва Эрон тасвирий санъатининг таъсири ўз ифодасини топа бошлаган.

Бу мактаб вакиллари томонидан Саъдийнинг “Бўстон” (1575-76), Абдураҳмон Жомийнинг “Туҳфат ул-Аҳрор” (*XVI асрнинг 70 йиллари*), Деҳлавийнинг “Тарихи Хизирхон ва Дувалроний” (1579), Низомийнинг “Хамса” (1648) асарларига ажойиб миниатюралар ишланган. Ҳозир буларнинг ҳаммаси Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидан кутубхонада. Бугунги кунларда жаҳон музейлари тўпламларида Ўрта Осиё мусаввирлари томонидан безатилган 60 дан ортиқ нодир қўлёзмалар сақланади.

Мусиқа маданиятининг ривожи. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида мусиқий ҳаёт асосан, пойтахт ва йирик шаҳарларда жонланди. Моҳир мусиқачилар худди аввалги даврлардаги каби ҳукмдорлар саройида тўпланган. Ўтмиш анъаналарига садоқат, ворисийлик, моҳирона ижрочилик санъати туфайли Бухоро ва Самарқанд Ўрта Шарқнинг мусиқа марказларига айланди.

XVI аср бошида Хуросоннинг кўплаб шаҳарларидан Мовароуннаҳрга, хусусан Бухорога Хусайн Удий, Ғулом Шоди ва бошқа атоқли қўшиқчилар, созандалар, мусиқа назариётчилари келиб, ижод қилди. Бу маълум даражада маҳаллий мусиқа-ижрочилик ва мусиқий-назарий фаолиятнинг жонланишига олиб келди. Бу даврнинг мусиқий ҳаётида Нажмиддин Кавкабий, Жаъфар Қонуний, Али Дўст Нойи, Ҳофиз Маҳмуд, Ҳофиз Мираклар машҳур бўлишган. Хусусан, Нажмиддин Кавкабий мусиқашунос, шоир, бастакор бўлиб, мусиқа илми ва амалиётининг турли масалаларига доир илмий асарлар ёзган. “Рисолаи мусиқий” асарида илми мусиқий, ўн икки мақом тизимига оид назарий тушунчалар бериб, турли зарб-усулларнинг номини келтириб таърифлаган, қуйнинг амалиётидаги хиллари ҳақида маълумот берган. Кавкабий мақомларни кеча-кундузнинг қайси соатларида ижро этилиши ва ҳар хил руҳий ҳаловатдаги кишиларга таъсири масалаларини баён этган.

Айниқса, Дарвиш Али Чанғийнинг “Рисолаи мусиқий” асарида XV аср охири-XVII аср бошларида Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган ижрочилар, бастакорлар ҳақида батафсил маълумот тўпланган. XVI-XVII асрларда

санъатнинг мақом жанри тараққий этди ва XVIII асрнинг ўрталарида **Бухоро Шашмақоми** тўлиқ шаклланди.

Шундай қилиб, XVI-XVIII аср биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ривожланиши бир мунча сусайган бўлса-да, Мовароуннаҳр аҳолисининг маданий даражаси нисбатан юқорилигича қолган.

Бухоро амирлиги. Манғитлар ҳукмронлиги даврида маданий ҳаёт паст даражада бўлиб, ҳукмрон табақалар халқни жаҳолатда сақлашга ҳаракат қилар, бадиий ижодда мадҳиябозлик ва таркидунёчилик мавзуси ҳукмрон эди.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида "Туҳфаи Хоний" (*Муҳаммад Вафо Карманагий*), "Тож ут-таворих" (*Муҳаммад Шариф*), "Фатҳномаи Султоний" *(Муҳаммад Миролим Бухорий*), "Манғит хонлари тарихи" (*Мирзо Абдулазим Сомий*), "Наводир ул-вақоеъ", "Таржимаи аҳволи амирони Бухоро" (*Аҳмад Дониш*) каби тарихий-бадиий асарлар яратилди. "Тўтинома", "Чор дарвеш", "Юсуф ва Зулайҳо", "Тоҳир ва Зуҳра", "Юсуф ва Аҳмад", "Гўрўғли" туркумидаги достонлар халқ орасида кенг тарқалди.

Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1839-1908) **—** тарихчи олим, хаттот, "Даҳмаи Шоҳон" ("*Шоҳлар қабристони*") маснавийси, "Миръот ул-хаёл" ("*Хаёл кўзгуси*"), "Тарихи салотини манғития" ("*Манғит ҳукмдорлари тарихи*") асарлари муаллифи. "Туҳфаи шоҳий" ва "Тарихи салотини манғития" тарихий асарлари битта давр - манғитлар сулоласи тарихига бағишланса ҳам, бир-биридан кескин фарқ қилади. Биринчи асар расмий сиёсат талаблари даражасида ёзилган бўлса, иккинчи асарда Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний Бухоро амирлигининг манғитлар ҳукмронлик қилган даврини танқидий нуқтаи назардан баҳолайди.

У ўзи гувоҳ бўлган ва эшитган ҳодисаларга таяниб, амирлик идора услубидаги иллатлар, Россия билан Бухоро қўшинлари ўртасидаги жанглар, амир қўшини бошлиқларининг лаёқатсизлиги ва масъулиятсизлиги оқибатида мамлакатнинг катта қисми босқинчилар томонидан босиб олинганлиги ва валиаҳд Абдумалик (*катта Тўра*)нинг баъзи муваффақиятли жангларини тасвирлайди.

Аҳмад Дониш Маҳдум ибн Носир (1826-1897) -ёзувчи, рассом, хаттот, олим, маърифатпарвар. XIX асрда Бухоро тараққийпарвар муҳитининг юзага келишида муҳим ўрин тутган. Адабиёт, тарих, фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия илмини мустақил ўрганган. Хаттотлик, рассомлик ва наққошликни яхши билган, мунажжимлиги билан Насруллохон назарига тушган. 1857, 1869, 1873 йилларда Бухоро амири элчиларининг мирзаси бўлиб, Россия (Петербург)га борган. Сафар таассуротлари асосида "Наводир ул-вақоеъ" ("*Нодир воқеалар*") ва "Таржими аҳволи амирони Бухоро" ("*Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари*") каби асарлар ёзган. Уларда амирлик тузумини ислоҳ қилиш масаласини кўтарган.

Аҳмад Дониш амир Музаффар таклифи билан "Манозил ул-кавокиб" ("*Сайёраларнинг манзиллари*") номли астрономия (илми нужум)га оид китоб ёзган, 1870-73 йилларда ислоҳот ҳақида "Рисолаи дар назми тамаддун ва таовун" ("*Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола*") асарини ёзган.

Аҳмад Дониш "Нодир воқеалар" асарида фан, техника янгиликлари, табиат ҳодисалари, география, инсоннинг узоқ умр кўриши, коинотнинг келиб чиқиши, Ой ва Қуёш тутилиши, зилзила ҳақида фикр юритган, Европа илм-фанини ўрганишга даъват этган. "Рисолаи тарихий" номи билан машҳур бўлган "Тарихи салтанати хонадони манғития" асарида манғитлар сулоласининг 100 йиллик ҳукмронлигини таҳлил ва тадқиқ қилган.

Адабий ҳаёт. Манғитлар саройда мунши (*амир котиби*) лавозимида хизмат қилган **Мирзо Содиқ Жондорий** (XVIII аср 50 йиллари **—** 1819) адабий ҳаётнинг кўзга кўринган намояндаларидан биридир. Унинг икки девони ва бир муншаот (*хатлар, номалар*) тўплами мавжуд: биринчи девони 300 дан ортиқ ғазал, 14 мухаммас, 59 рубоий, 20 қитъа, 2 қасида, 34 муаммо ва 20 фардни ўз ичига олган бўлса, иккинчиси "Даҳмаи шоҳон" ("*Шоҳлар қабристони*"), "Рафъи тумани оҳугиру Ҳайробод" ("*Оҳугир Хайробод туманларига саёҳат*"), "Қазову қадар" ("*Қисмат*"), "Ошиқ шудани дарвеш ва духтаре" ("*Дарвешнинг бир қизга ошиқ бўлгани*") номли достон маснавийлари ҳамда 33 та таърих-қитъадан иборат.

Мужрим-Обид Миракхўжа ўғли (*XVIII асрнинг иккинчи ярми*) **—** зуллисонайн шоир. Ўз даврида Бухоро адабий муҳитининг забардаст вакили. У туркий ижодида Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб, форсий шеърларида Бедилга издошлик қилган. Унинг туркий девонида 459, форсий девонидан 206 ғазал бор. Девонларида, шунингдек, мухаммаслари, қитъалари, рубоийлари, "Ҳасби ҳол" маснавийси мавжуд. Мужрим Обид анъанавий услубда гўзал ишқий ғазаллар яратган.

Шеърлари оҳорли ва гўзал ташбеҳу тимсоллар, теран фалсафий умумлашмалар, кескин ижтимоий фикрларга бой. Қитъа ва рубоийларида шоирнинг ахлоқий қарашлари, панд-насиҳатлари акс этган. Умуман, дунёнинг номукаммалиги, жамият қусурлари, одамлар феълидаги иллатларни танқид қилиш шоир шеърларининг асосини ташкил этади.

Муҳаммад Шариф Шавқий (1785-1861) **—** шоир. ўзбек, тожик ва араб тилларида ижод қилган. Унинг бир девон ва турли баёзлардаги лирик шеърларининг умумий ҳажми 3000 мисра атрофида. Булар ичида ғазал салмоқли ўрин тутади. Шавқий шеъриятида, шунингдек, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, маснавий, рубоий, фард, қитъа, марсия, мувашшаҳ, чистон жанрига мансуб шеърлар ҳам учрайди,

Шавқийнинг шеърларида инсондаги гўзал маънавий фазилатлар мадҳ этилган. У Бедил, Навоий, Фузулий каби шоирларнинг адабий анъаналарини давом эттириб, ўзининг комил инсон борасидаги фикрларини фалсафий мушоҳадалар, тасаввуфий қарашлар, диний эҳтиросларпардасига ўраб берган.

Шавқийнинг мусулмончилик қонун-қоидаларининг қисқа мажмуи **—** "Мухтасар ул-Викоя" маснавийси 23 минг мисрадан иборат бўлиб, бу рисола 26 боб **—** фаслга бўлинади. Ҳуқуқ мезонлари, ахлоқий-таълимий қарашлар ҳар бир фаслда баён шаклида бериб борилган. Шунингдек, араб грамматикасига оид "Рисолаи Кофия ё Миръот ун-наҳв" асарини ёзган.

Меъморлик. XVIII аср иккинчи ярми, XX аср бошларида Бухоро амирлиги меъморлигида кўплаб масжид ва мадрасалар барпо этилди. Бухоро шаҳрида барпо этилган бинолар ичида Шайх Жалол дарвозаси ва хонақоҳи

(*XVIII асрнинг ярми*), Домулла Турсунжон мадрасаси (1796-1797), Ҳалифа Худойдод ансамбли, Чор минор (1807), Амир мадрасаси (XIX аср бошлари), Ситораи Моҳи Хоса (*қурилиши 1912 тугатилган*) кабиларни кўрсатиш мумкин. Бухоро меъморлик мактабида кўплаб истеъдодли усталар етишиб чиқди. Улардан энг машҳурлари Облоқул ва Иброҳим Ҳафизовлар, Мўминжон Солихов, Уста Ширин Муродовлар эди. Бухоро меъморлик мактаби анъанаси алоҳида аҳамият касб этган ноёб ва гўзал меъморий обидалардан бири муҳташам сарой — Ситораи Моҳи Хосадир *("Юлдузлар ва Ой маскани", "Ойга монанд юлдузлар").*

Ситораи Моҳи Хоса меъморий мажмуасидаги чиройли ва ҳашаматли бинолар ва боғлар асосан, амир **Абдулаҳадхон***(1885-1910)* ҳукмронлиги даврида қурила бошланган. Уч қисмга бўлинган мурабба тарҳли хонани ташкил этувчи Абдулаҳадхон хонаси бир-бирига қарама-қарши жойлаштирилган ва бир хилда безатилган 2 зал ўртасидаги баланд супа орқали бирлаштирилган. Эски сарой шарқидаги амир Саййид Олимхоннинг бош қароргоҳи — янги саройга равоқли муҳташам дарвоза ўрнатилган. Дарвоза устидаги равоқ Ўрта Осиё биноларига хос бўлмаган шаклда ишланган, ён қисмлари сирланган, тўқ қизил, кўк, гунафша ва ҳаво ранг кошин билан қопланган.

Амир Саййид Олимхон ҳукмронлиги йилларида*(1910-1920)* янги сарой қурилиши ишларида маҳаллий усталардан ташқари Россия усталари ҳам қатнашиб, саройнинг ички томонларини Европача безашда иштирок этганлар. Зарурий жиҳозлар, паркетлар Россиядан, кошинкор печлар Олмониядан, чироқлар Австриядан, рангли шишалар Франциядан, қандиллар Польшадан, дераза ва эшикларнинг ошиқ-мошиқлари, қулфлари Англиядан келтирилган эди.

Хуллас, сиёсий тарқоқликнинг салбий оқибатларига қарамай XVI-XIX-асрларда Бухоро хонлиги (*амирлиги*) маданияти Ўрта Осиё халқлари маданиятида ўзига хос ўринга эга бўлди.

12.2. Хива хонлигида маданий ҳаёт

Хива хонлигига 1511-1512 йилларда асос солинган ва унинг маданияти кўпгина ўзига хосликларга эга. Бу адабиёт, тарихнавислик, меъморлик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида яққол кўзга ташланади. Бутун мусулмон дунёсида бўлганидек, Хива хонлигида ҳам асосий илм даргоҳлари мадрасалар эди. Қуйи таълим, яъни мактабда хат-савод чиқарганлар. илмталаб хонлик пойтахти Хивадаги, айримлари Бухоро мадрасаларида таълим олганлар. XIX асрда Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва юздан ортиқ мадраса мавжуд бўлган. Хива шаҳрининг ўзида 22 та мадраса бўлиб, улар ичида Муҳаммад Раҳимхон, Шерғозихон, Раҳмонбердибой, Оллоқулихон, Хожа Маҳрам, Фозилбек, Давлат Қоракўз, Бек Ниёз Девонбеги мадрасалари катта мавқега эга эди.

Хива хонлиги маданиятининг энг ривожланган даври XIX асрга тўғри келади. Бу даврда адабиёт, тарихнавислик ва хаттотлик, мусиқа санъати, меъморлик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Хоразм маданияти ўзининг гўзаллиги, нафислиги ва бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Ижтимоий-маданий ҳаёт. Ўзаро урушлар, иқтисодий танглик ва бошқа ижтимоий-сиёсий воқеалар Мунис, Баёний, Огоҳий асарларида ёритилган. Хоразм воҳаси адабий муҳитининг ривожланиши бир текисда бормади. Бу ерда маданий ҳаётнинг энг ривожланган даври XVIII аср охири, XIX аср ҳисобланади.

Мунис Хоразмий (1778-1829) **—** шоир, тарихнавис, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар. Мунис Хоразмийнинг “Фирдавс ул-иқбол” (“*Бахтлар боғи*”) асари узоқ даврни қамраб олган бўлиб, Марказий Осиё, айниқса Хива хонлиги тарихини ўрганишда қимматли манбадир. Асарда Хоразмнинг қадимги даври билан бир қаторда, Хива хонлигининг 1825 йилгача бўлган сиёсий тарихи баён этилган, тож-тахт, бойлик учун олиб борилган курашлар ва шунингдек, Хива хонлигининг қўшни така, ёвмут, туркман ва қорақалпоқ халқлари билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилган.

Мунис Хоразмийнинг асосий адабий мероси **—** 1815-20 йилларда тузилган “Мунис ул-ушшоқ” (“*Ошиқлар дўсти*”) девони ғазал, муҳаммас, қасида, рубоий, қитъа ва бошқа жанрлардан иборат бўлиб, 20000 дан зиёд

мисрани ўз ичига олади. Мунис Хоразмий Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, “Холоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарларини китобот қилган. Айниқса, “Мезон ул-авзон”ни олдинги айрим хаттотлар йўл қўйган хатоларини тузатиб, саводли кўчирган. Бу унинг аруз илмининг хос билимдони эканлигидан ҳам далолат беради. Мунис Хоразмий Мирхонднинг “Равзат-ус-сафо” асарини форсийдан ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек маданияти хазинасини бойитди Мунис Хоразмий 1806 йилда “Хива хонлари тарихи” асарини ёзишга киришади, аммо асар тугалланмай қолган.

Бу даврда яшаб, ижод қилган шоирлар ичида Мунис Хоразмийнинг жияни **— Муҳаммадризо Эрнаиёбек ўғли Огаҳий** (1809-1874)нинг маданий мероси катта ўрин тутади. Шоир, тарихчи, таржимон сифатида араб, форс, турк тилларини пухта эгаллаган. Муҳаммадризо Огаҳий “Риёз уд-давла” (“Салтанат боғлари”), “Зубдат ут-таворих” (“*Тарихлар қаймоғи*”), “Жомеъ ул-воқеоти султоний” (“*Султонлик воқеаларини жамловчи*”), “Гулшани давлат” (“*Давлат гулшани*”), “Шоҳиди иқбол” (“*Иқбол гувоҳи*”)каби тарихий асарларида Оллоқулихон, Раҳимқулихон, Муҳаммад Аминхон, Сайид Муҳаммадхон, Муҳаммад Раҳим II ҳукмронлиги даврида Хоразмда яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқларининг тарихи, маданий ва ижтимоий ҳаёти, Хиванинг бошқа хонликлар билан муносабати ва бошқа тарихий воқеалар акс этган.

Муҳаммадризо Огаҳийнинг шеъриятида ишқиймон -эътиқод ватан, заковат, тимсоли каби инсон руҳининг ўй-кечинмалари, фаолияти ётади ва халқпарварлик, маърифатпарварлик, инсонпарварлик каби яхши фазилатлар улуғланади. Жумладан, унинг рубоийларида бундай ҳикматлар бор:

*** * ***

Жаҳонни мен этгум ўзгача бир хис,
Ҳаёт тиним билмас токи бормиз биз.
Яшашдан не мақсад ва не муддао,
Агар қолдирмасанг ўзингдан бир из.

*** * ***

Кўзимга кўринди, бу олам гўзал,

Таърифин тўқидим, ёзиб куй, ғазал.

Не учун, не сабаб бу олам сирли,

Келади жумбоқ бўб азалдан-азал.

Муҳаммадризо Огоҳий халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур бўлиб, умрининг охирги йилларида тузган куллиёти — "Таъвиз ул-ошиқин" ("*Ошиқлар тумори*") бизгача тўлиқ етиб келган. Девон анъанавий тартибда тузилган, 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мурабба, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламма, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри тавил, 1 муножот, 1 ошиқ ва маъшуқ савол — жавоби, 20 таърих, 19 қасида — жами 18000 мисрадан иборат. Девонга "Ашъори форсий" номи билан Муҳаммадризо Огаҳийнинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девондаги асарлари мазмун-мундарижаси марказида ишқ мавзуи туради.

Муҳаммадризо Огаҳий девонида замон ва замондошлари тасвири ҳам катта ўрин эгаллаган. Шоир ўзи яшаб, ижод этган мураккаб даврни маҳорат билан бадиий умумлаштирганда, замон ва унинг аҳлига муносабат билдирганда, баҳо берганда, инсонпарварлик, халқпарварлик нуқати назаридан ёндашган. Шоир арузнинг жуда кўп баҳрларидан фойдаланган. Унинг ғазаллари "Шошмақом"нинг ҳамма куйларига тушади, Хоразм халқ оҳангларига мос келади.

Маҳтумқули Фироғий (1733-1791) — туркман шоири ва мутафаккири. Бухоронинг Кўкалдош, Хиванинг Шерғозийхон мадрасаларида таҳсил олган. Низомий, Фирдавсий, Фузулий, Навоий каби машҳур шоирлар ижодидан баҳраманд бўлган. Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Самарқанд, Туркистон каби бир қанча шаҳарларга саёҳат қилган.

Маҳтумқули бир қанча лирик шеърлар, лирик — эпик достонлар, ғазал ва мухаммаслар ёзган. Бизгача унинг лирик, фалсафий, панд-насиҳат мавзуидаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърлари етиб келган. Маҳтумқули шеърларида туркистон халқларининг ҳаёти, урф-одатлари, ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалари, шоирнинг ички кечинмалари теран ифода этилган

(“Бўлмаса”, “Келгай”, “Билан”, “Найлайин”, “Етмас”, “Бўлар”, “Келди замона” ва б.). Асарларида туркий уруғларини бирлашишга чақирган. Улар ўртасидаги низо-жанжалларни тугатишга уринган *(“Така, ёвмут, кўкланг, ёзир, алили — Бир давлатга қуллик қилсак бешимиз....”).*

Маҳтумқулининг ишқ-муҳаббат мавзуидаги шеърлари ҳам оҳангдорлиги, чуқур фалсафий моҳияти билан ажралиб туради. Шоирнинг ҳаёт ва ўлим, инсон ва борлиқ, гўзал инсоний фазилатлар ва одоб-ахлоққа оид шеърларида ислом дини ҳамда тасаввуфий қарашлар таъсири яққол сезилади *(“Маҳтумқули, шукр эт сен Худога, ўлим баробардир шоҳу гадога...”).*

Унинг кўп шеърларига Қуръони Карим оятлари, Ҳадиси шарифнинг мазмун-моҳияти сингдирилган. Шоир шеърларида пайғамбарлар, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Сўфий Оллоҳёр каби улуғ зотларнинг ҳикматлар жуда кўп тилга олинади. Шунингдек, Аллоҳга муножот, Расулуллоҳ (*с.а.в.)*га мурожаат оҳанглари Маҳтумқули шеърларининг асосий мазмунини ташкил этади (“*Риёдан, ё Раб”, “Сочди Муҳаммад”, “Ё Расул” ва б.*).

Маҳтумқули услубида халқ оғзаки ижодига яқинлик бор. У туркман халқининг мақол ва маталларини, халқ тилига хос айрим унсурларни адабиётга олиб киришда катта хизмат қилган. Шоирнинг пурмаъно мисралари туркман миллатининг ҳикматли сўзлари, афоризмлар қаторидан ўрин олган. Маҳтумқули шеърияти барча туркий миллатлар, жумладан, ўзбекларнинг ҳам маънавий мулкига айланган. Шеърлари бир неча марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Кўплаб шеърлари ҳофизлар томонидан куйга солиб айтилади.

Тарихнавислик. Хоразм ўзининг анъанавий тарихнавислик мактабига эга ўлкалардан биридир. Хива хонлиги тарихига бағишланган асарларда бу қадимий анъаналар бир қадар сақланганлигини кўрамиз. Бундай тарихий асарлардан **Абулғозий Баҳодирхон** (1603-1663) **—** Хива хони, тарихчи ва табибнинг “***Шажарайи тарокима***” ва “***Шажарайи турк***” асарлари Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиё тарихига оид қимматли манбалардан ҳисобланади. У бу асарлари билан Хоразм тарихнавислик мактабига асос

солган шахсдир. Тарихнависликдаги бу анъаналар кейинчалик Мунис, Огаҳий ва Баёнийлар томонидан давом эттирилган. Хоразм адабий муҳитининг характерли томони шундаки, бу воҳада яратилган тарихий-бадиий асарлар ўзбек тилида битилган.

Муҳаммад Юсуфбек Бобожонбек ўғли Баёний (1858-1923) **—** шоир, тарихчи, мусиқашунос, хаттот ва таржимон. Сулс, куфий, райхоний, шикаста хатларини яхши билган, танбур чертиш ва ғижжак чалишда моҳир бўлган. Баёнийнинг бир девони, Хоразм тарихига оид икки асари ва таржималари сақланган. У мумтоз шеъриятнинг ҳамма жанрларида ижод қилиб, Навоий, Мунис, Огаҳий анъаналарини давом эттирган. "***Девони Баёний***" шеърлар тўпламини тузган, унга кирган шеърларида дунёвий севгини улуғлаган, табиат гўзалликларини содда ва равон ифодалаган, мазлумлар, илм-фан аҳлининг аччиқ тақдирига ачинган.

Баёний "***Шажараи Хоразмшоҳий***" тарихий **—** мемуар асари билан Мунис ва Огаҳий бошлаган ишларни давом эттирган. Бунда Ёфасдан Қўнғирот уруғигача, Абулғозий Баҳодирхондан Асфандиёрхонгача ўтган хонлар ҳукмронлиги даври тарихи ёритилган. "***Хоразм тарихи***" асари "Шажараи Хоразмшоҳий"даги воқеаларни тўлдирган. Асарнинг аввалги боблари маъно жиҳатдан "Шажараи Хоразмшоҳий"га ўхшаб кетади. Лекин ёзилиш услуби билан ундан фарқ қилади. Асарда, асосан Асфандиёрхон ҳукмронлиги даври ва ундан кейин рўй берган воқеалар тасвирланган. Баёнийнинг ҳар икки тарихий асарида ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид жуда кўп қимматли материаллар бор. Жумладан, Хива хонлигининг Бухоро ва Қўқон хонлиги ва бошқа мамлакатлар билан савдо ва дипломатик муносабатлари, меҳнаткашлардан олинган солиқлар, Хоразмда яшаган олим ва шоирлар, шаҳарлар ҳаёти, деҳқончилик ишлари тўғрисида бой маълумотлар ёзилган.

Меъморлик. Хонликдаги меъморлик аввало, шаҳарлар ривожи билан боғлиқ равишда тараққий этиб борди. Пойтахт хонликдаги энг йирик шаҳар бўлиб, у уч қисмдан: хон қароргоҳи, сарой (***Ичан қалъа, Дишан қалъа***), бевосита шаҳар атрофи **—** работдан иборат эди. Ҳазорасп, Урганч, Тошҳовуз,

Вазир, Шоҳаббос, Гурлан, Хонқа, Хўжайли, Қўнғирот каби ўрта катталикдаги (*улар ҳам мудофа девори билан ўралган*) шаҳарлар бор эди. Хоразм Ўрта Осиёда ўзига хос услубга, ўз меъморлик мактабига эга бўлган воҳадир. Буни Хивада ва хонликнинг бошқа шаҳарларида XVI-XIX асрларда қурилган кўплаб иншоотларда кўрамиз. Бу давр Хива хонининг ёзги қароргоҳи меъморликдан катта маълумотлар беради. Бу даврда бунёд этилган иморатлар бизнинг давримизгача сақланиб қолган бўлиб, ҳозирги пайтда бу шаҳар ватанимизнинг "очиқ осмон" остидаги музей шаҳар"ларидан биридир.

Хива XVI асрнинг иккинчи ярмидан Хоразмнинг пойтахтига айлангач, ҳар томонлама ривожланди. Меъморий қиёфаси ҳам ўзгара борди. Шаҳардан ўзаро кўндаланг кесишган 2 та катта кўча ва 4 дарвоза (*Ота дарвоза, Полвон дарвоза, Боғча дарвоза, Тош дарвоза*) орқали Дишан қалъа (*робод*)га чиқилади. Ичан қалъа девори узунлиги 2200 метр, баландлиги 6-8 метр, таг заминининг қалинлиги 5-6 метр. Қалъа тўғри тўртбурчак шаклда қурилган бўлиб, узунлиги 650 метр, энг 400 метр, жами 26 гектар майдонга эга.

Дишан қалъа *(ташқи қалъа)* **—** Хиванинг рабод қисми. 1842 йилда Хоразм хони Оллоқулихон Хивани ташқи ҳужумдан сақлаш учун девор *(узунлиги 6250 метр, баландлиги 7-8 метр, қалинлиги 5-6 метр)* билан ўраган. Қурилишга кўп аҳоли жалб қилиниб, 1 ойда битказилган. Дишан қалъада 10та дарвоза бўлган. Ўтмишда Дишан қалъада шаҳарнинг тим ва расталари жойлашган. Нуруллабой саройи, Сайидбой мадрасаси ва масжиди, Сайид Моҳи руижаҳон, Тўрт Шаббоз, Абдолбабо мажмуалари каби кўпгина обидалар сақланиб қолган.

Хивадаги меъморий обидалар ичида 1616 йилда барпо этилган Араб Муҳаммад мадрасаси, 1713-26 йилларда қурилган Шерғозихон мадрасаси ва бошқалари Хива меъморлик мактабининг биринчи даврига хосдир.

Хива меъморлигининг энг ривожланган даври XIX асрга тўғри келади. Бу давр иншоотлари ичида Элтузархон томонидан XIX аср бошларида қурилган кўринишхона биносини, Оллоқулихон даврида қурилган Тошҳовлини (1832), Саидбий масжидини, мадрасасини, карвонсарой ва бозорни, Муҳаммад

Раҳимхон I даврида барпо этилган Полвон дарвозани (1806), Муҳаммад Аминхон мадрасасини (1853-55) ва унинг ёнида қурилиши тугалланмай қолган Калтаминорни ва кўплаб иншоотларни айтиб ўтиш мумкин.

Оллоқулихон карвонсаройи ва тими тўғри тўртбурчак тархли (69,0 х 58,0 метр), бурчакларига гулдаста – миноралар ишланган. Карвонсаройга шимолий ва жанубдаги пештоқ орқали кирилади. Унинг кенг ҳовлиси (46,3 х 42,4 метр) ва ҳовли атрофидаги 2 қаватли ҳужралар (4.6 х 2.9 метр) бир хил ҳажмда 105 тани ташкил қилади. Бурчакларидаги 8 та ҳужралар (5 х 5 метр) гумбази баланд қилиб ишланган, улар эшик тепасида тобадон панжаралари орқали ёритилади. Томи балхи гумбазли. Ҳовлига кириладиган йўлак икки томонидан пештоқ билан чегараланган. Пештоқ қанотлари ичида 2 қаватга олиб чиқиладиган айланма зиналар бор. Пастдаги хоналарда юк сақланган, юқоридагиларидан меҳмонхона сифатида фойдаланилган.

Тим тарҳи - 74 х 26.5 метр, 2 та катта гумбаз, 2 қаторли 12 та майда гумбазлар карвонсарой олдидаги катта гумбазли хонага келиб тақалган, худди шундай гумбазли хона тимнинг ғарбида ҳам бор. Тим ичкариси гумбазлардаги туйнуклар орқали ёритилган. Тимда савдо расталари жойлашган. Гумбазларни қуришда усталар бинога мос (*тўртбурчак, чорси, олти қиррали шаклларда*) қурилма асосини топа олганлар.

Оллоқулихон мадрасаси (1834-35) қурилиши Ичан калъанинг яхши ансамбль бўлиб шаклланиши тарихи билан боғлиқ. Ўрта Осиё меъморлигида кенг тарқалган қўшмадраса услубида, Оллоқулихон тими Хўжамбердибий мадрасаси Полвон дарвоза билан ўзаро боғланган. Оллоқулихон мадрасаси тўғри тўртбурчак тарҳли (*62.45 х 47.0 метр*), пештоғи ғарбга қараган. Бош тарзини миёнсарой, масжид ва дарсхона ҳамда 2 қаватли ҳужралар эгаллаган. Ҳужралар (99 та)нинг ҳар бирида биттадан эшик, тобадонига панжаралар ўрнатилган.

Калтаминор- Хивадаги меъморий ёдгорлик. Ўрта Осиёда энг катта ва баланд қилиб қуриш мўлжалланган (*тахминан 70-80 метр*). 1852 йилда қурила бошланиб, 1855 йилда хоннинг бевақт вафоти туфайли чала қолган. Ҳозир

Калтаминорнинг баландлиги 26 метр, асосининг диаметри -14,2 метр. Безагида оқ, яшил, феруза рангли кошинлар қўлланилган (*феруза рангли кошин кўп ишлатилганидан Кўк минор деб ҳам аталади*).

Паҳлавон Маҳмуд мажмуасининг умумий ҳажми 50 х 30 метр бўлиб, 1810-35 йилларда тоқу равоқли серҳашам мақбара (17,5 х 25,5 метр), зиёратхона (9 х 9 метр) ва хонақоҳ (4 х 4 метр) қад кўтарган. Кейинчалик Хива хонлари (Абдулғозихон, 1643-63; Шоҳниёзхон, 1695-1702; Муҳаммад Раҳимхон 1, 1806-25; Оллоқулихон, 1825-43) шу ерга дафн этилган.

Хонақоҳ пештоғидаги ғиштлар орасида сиркор бандлар боғланган, икки чеккасидаги гулдаста морпеч шаклида. Гумбазнинг нақшин безаклари, асосан, мовий ранг сирли сополлардан терилган. Бино ичкариси нафис безатилган. Унинг изорасидан тортиб гумбазли қуббасигача оқ ва мовий нақшли. Безаклар орсидаги китобага Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари битилган. Хонақоҳнинг ғарбий эшиги орқали зиёратхонага ўтилади. Унда Паҳлавон Маҳмуднинг сиркор сағанаси жойлашган.

Муҳаммад Раҳимхон II мадрасаси *(1872)* – Кўхна аркнинг шарқий дарвозаси қаршисида жойлашган. Мадраса масжид, айвон, дарсхона, кутубхона ва ҳужралардан иборат. Мадрасанинг олд томони 2 қаватли, қолган томонлари бир қаватли. Бурчакларига гулдасталар ишланган. Хива меъморлигига хос услубда пештоқли кошинкори нақшлар билан безатилган. Сирли ғиштлар “қўш” ва “батнак” услубида терилган. Пештоқнинг икки қанотида 2 қаватли олди чуқур равоқли 5 та ҳужрага ганчкори панжаралар ўрнатилган. Бош тарзидаги миёнсарой 9 та гумбазли хонадан иборат. Масжид ва дарсхона ҳужралар билан ўзаро боғланган. Ҳовли мурабба тарҳли, уч томони 76 та ҳужра билан ўралган.

Исломхўжа мадрасаси ва минораси Ичан қалъа марказида жойлашган. Хива хони Асфандиёрхоннинг бош вазири ва қайнотаси Исломхўжа қурдирган (1908-10) мадраса (42,8 х 32,5) нинг бош тарзи икки қаватли ҳовли (23-20), атрофи бир қаватли кичик хужралар (*жами 42 та*) билан ўралган. Бош тарзининг ҳовлига қараган иккинчи қаватида айвон бор. Мадрасанинг жанубий-

шарқидаги масжид гумбазли, меҳроби кошин ва ганчкори нақш билан безатилган. Олд томонида Хивадаги энг баланд минора (*44,6 метр*) қад кўтарган. Асосининг диаметри 9,5 метр. Юқорига томон ингичкалашиб боради. Кўк, яшил рангли нақшлар билан белбоғлар ишланган. Қафасасига панжаралар ўрнатилиб, юқориси шарафа ва қубба билан якунланган.

Хулоса қилиб айганда, Хива хонлиги XVI-XIX асрлардаги ўзбек давлатчилиги тарихини, маданиятини, айниқса унинг адабиёти ва меъморлик санъати, ижтимоий ҳаётидаги ўзига хослигини ўрганишда муҳим ўрин тутадиган давлат сифатида катта аҳамиятга эга.

12.3. Қўқон хонлигидаги маданий ҳаёт

XVIII-XIX аср биринчи ярмида хонликнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида ривожланиш маълум даражада содир бўлди. Қўқон шаҳри Марказий Осиёнинг ривожланган марказларидан бирига айланиб борди. Умархон, Мадалихон (Муҳаммадалихон) даврида маданий ҳаётнинг, айниқса, адабиёт соҳаси жуда ривожланди ва “Қўқон адабий муҳити” номи билан тарихга кирди.

XIX асрда ўлкадаги уч хонликда содир бўлаётган ўта нохуш сиёсий ва фикрий танглик илм-фан, айниса, табиий фанлардан химия, астрономия, олий математика кабиларнинг ривожига диний мутаассиблик (*хурофот*) тўсқинлик қилди. Бунинг натижасида хонликдаги сиёсий танглик жаҳонда содир бўлаётган илмий-техник, маданий жараёнлардан орқада қолиб, узоқ давом этаётган турғунликни бошидан кечираётган эди.

Қўқон хонлигида халқ ҳунармандчилигини ўзига хос анъанавий услубларига эга бўлган турлари: тўқимачилик, кулолчилик, меъморлик, мисгарлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, наққошлик, заргарлик санъати, айниқса, тўқимачилик, газмолга гул босиш, каштачилик, сифатли қоғоз ишлаб чиқариш соҳаларида нафақат Марказий Осиёда, бошқа, кўплаб Шарқ мамлакатларида маълум-машҳур бўлган.

Қўл меҳнатига асосланган бўлса–да, пойтахт Қўқон заргарлик ва абри баҳор қоғоз маҳсулотлари билан, Шаҳрихон ва Чуст тикувчилик, темирдан тайёрланган ишлаб чиқариш маҳсулотлари, Андижон ва Марғилон нафис ипак газлама, Тошкент тикувчилик, темир, мис, заргарлик маҳсулотлари билан машҳур бўлган. Хусусан, Қўқон ўз темирчилари, мисгарлари, Чуст дўппидўзлари, Риштон кулолчилик маҳсулотлари, Шаҳрихон пичоқлари, Қўқон, Марғилон ва Наманган шаҳарларида ип ва ипак матолар (*атлас, шойи, беқасам, адрас, чит, бўз ва б.*) билан шуҳрат топган бўлиб, хонликдаги юқори сифатли ҳунармандчилик буюмларига ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган. Шу боис ҳунармандчиликни қадим анъаналарга эга соҳа сифатида XVIII–XIX асрларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Йирик шаҳарларда ихтисосланган бозорлар, кўплаб карвонсаройлар бўлиб, уларнинг сони савдо-сотиқ ривожини кўрсатиб турувчи муҳим белгидир. Ички савдо муносабатларида маҳаллий маҳсулотлар асосий ўрин тутарди. Аҳоли ўзининг эҳтиёжларини асосан, ўз хонлигидаги маҳсулотлар билан қондирган.

Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида Бухоро, Хива, Қошғар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва айниқса, Россия билан бўлган ташқи савдо катта ўрин эгаллаган, Россия билан олиб борилган савдо муносабатлари Қўқон хонлиги қишлоқ хўжалиги айрим тармоқларининг ривожланишига олиб келди ва рус маданиятининг баъзи жиҳатлари аҳоли турмуш тарзига кира бошлади.

Қўқон хонлигининг XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида кечган маданий ҳаётда ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар ва силжишлар юз бериб борган. Хонликдаги илм-фан тараққиёти, маданият ривожи ўз даражасига кўра Ўрта Осиёдаги қўшни давлатларга яқин турарди. Асосий маданият ўчоқлари хонликдаги йирик шаҳарларда жойлашган. Асосан масжитлар қошидаги бошланғич мактаблар хонликнинг ҳар бир йирик аҳоли турар жойларида мавжуд бўлиб, уларда араб тилида хат-савод чиқарилар эди.

Бошланғич мактабларда, асосий эътибор диний таълим беришга қаратилган. Қуръон, шариат, фикҳ (*мусулмон қонунчилиги*) асосларини ўқитилиши мадрасаларнинг асосий вазифаси ҳисобланиб, аниқ фанлар тараққиётида бир қадар турғунлик кўзга ташланади. Дунёвий фанлардан адабиёт, тарих, нутқ, мантиқ, алжабр ва геометрия каби фанлар ўқитилган. Қўқонда XIX асрда 40 та мадраса, 120 та мактаб, Марғилонда 10 та мадраса, 80 бошланғич мактаб фаолият кўрсатган.

Бу даврда адабиётнинг ўрни айниқса, юқори эди. Ўзбек адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган Қўқон адабий муҳитининг шаклланиши хонликда маданият тараққиётини белгиловчи муҳим мезон бўлди. XVIII-XIX аср ўрталарида Қўқонда яшаб, ижод қилган Махмур, Гулханий, Фазлий Намангоний, Мунтазир, Ҳозиқ, Низомий Ҳўқандий, Увайсий, Нодира, Ғозий, Амирий (*Қўқон хони Умархон*), Муҳаммад Шариф, Хазиний, Ҳувайдо каби шоирлар халқ ичида машҳур эдилар.

Амир Умархон (1721-1822) **—** Қўқон хони, зуллисонайн шоир. XIX-асрнинг биринчи ярмида Қўқонда ўзига хос илмий - маданий муҳит вужудга келган, унинг бошида турган маърифатпарвар ҳукмдор. Умархон илм, маданият, санъат, адабиёт, турли касб-ҳунарларнинг ривожига катта эътибор берган, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаган. Ўзи ҳам **Амирий** тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг атрофида 70 дан ортиқ шоир йиғилган.

1821 йилда Фазлий Намангоний Умархон амрига биноан, 63 шоирнинг шеърини ўз ичига олган“Мажмуаи шоирон” тўпламини тузган. Уни улуғлаб, қасидалар ёзиш, ғазалларига татаббуълар боғлаш бу шоирлар ижодида етакчи ўрин тутган.

Умархон Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедилни ўзига устоз санаб, уларнинг ижод сирларини ўрганган, уларга эргашиб ижод қилган, Ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Арузнинг туркий адабиётида машҳур, халқ ижодида ҳам кенг тарқалган енгил ва ўйноқи вазнларида ёзилган бу шеърларнинг барчаси ишқу муҳаббат мавзуида. Уларда анъанавий мотивлар ва тасаввуфий руҳ устун. Ўзбек ва форс тилидаги шеърларни тўплаб, девон тартиб берган.

Девон ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ жанрларидаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олган.

Мулла Шермуҳаммад ўғли Маҳмур (*XVIII аср охири-1844*) -ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири. Маҳмур асарларининг деярли ҳаммаси ўз мазмун ва руҳига кўра, ҳажвий ва танқидий йўналишдадир. Мумтоз шеъриятнинг ғазал, маснавий, мухаммас ва қасида турларида яратилган бу асарлар миллий адабиётда ижтимоий ҳажвиётнинг Махмур ижодида янада юксак поғонага кўтарилганини кўрсатади. Шоир ўз давридаги тузумнинг кўпдан-кўп иллатларни кескин танқид остига олган, ўша замондаги адолатсизлик, зўравонлик ва ҳуқуқсизликни фош этган. Бу танқид, кўпинча, "Жафокор фалак", "Бераҳм чарх" қилмишидан ўтли шикоят, аччиқ тақдирдан, бефайз ҳаётдан нола-фиғон тарзида юзага келган.

Қишлоқ аҳлининг оч-ялонғоч ҳаёти, ўлкани қуршаган вайронагарчилик, харобазорларга айланган қишлоқларнинг аянчли манзараси **"Ҳапалак", "Таърифи вилояти Қурама"** ҳажвий шеърларида жонли ва таъсирчан чизилган. Унда шоир жуда катта ижтимоий мавзуни ўзига хос рамзий образларда, халқона қочириқ ва аччиқ киноялар, имо-ишоралар воситасида эсда қолар даражада бадиий маҳорат билан ифодалай олган.

Махмур ижодий фаолияти ўзбек мумтоз адабиётида танқидий йўналишнинг, айниқса, ҳажвиётнинг тараққиётида навбатдаги юқори босқич бўлди. Махмурнинг ҳажвий шеърлар девонида 3417 мисра жамланган. Махмур адабий мероси кейинги даврлар қалам аҳли, хусусан, ҳажвийчилар ижоди жиддий таъсир кўрсатган, Муқимий ва Нодимларнинг Ҳапалак қишлоғи ҳақидаги ҳажвияга тахмис боғлаганликлари, Махмур юмористик таҳлил этган қирчанғи от мавзусида XIX аср охирлари ва XX аср бошларида кўплаб ҳажвий намуналарнинг пайдо бўлиши хулоса учун ишончли далилдир.

Ҳувайдо *(Хўжаназар Ғойибназар ўғли)* - (*XVIII аср бошлари - 1780*) шоир, тасаввуф шеъриятининг йирик вакили. Ҳувайдо мумтоз шаъриятнинг деярли барча жанрларида ижод қилган. Шеърлари халқ орасида жуда машҳур бўлган. Ҳувайдо ахлоқий дидактик йўналишдаги мазмунан теран, услубий гўзал

асарлари билан адабий мактаб ярата олган шоирдир. Ҳувайдонинг ижоди ва дунёқарашининг шаклланишида Яссавий, Навоий, Сўфи Оллоёр, Машрабларнинг тасаввуфий, фалсафий фикрлари ва асарларининг таъсири катта бўлган. Ҳувайдо мажозий ва ҳақиқий ишқ ҳақидаги орифона, дунёвий шеърларидан ташқари золимлик ва мазлумлик, камолот ва ахлоқий тубанлик ҳақидаги шеърларида ҳам мазкур шоирлар анъанасини давом эттирган ва янги фикрлар билан бойитган.

Ҳувайдонинг шеърлари вафотидан сўнг набиралари томонидан “Девони Ҳувайдо” девон ҳолига келтирилган. Унга шоирнинг 351 ғазал, 28 рубоий, 41 тўртлик, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 мустазод, 3 маснавий ҳамда ахлоқий-дидактик мазмундаги “Роҳати дил” манзумаси кирган.

Фазлий Намангоний (*XVIII аср иккинчи ярми –XIX аср биринчи ярми*) **—** шоир, адабиётшунос. Умархон ҳукмронлиги йиллари Қўқонга келди. Шеърий истеъдоди туфайли хоннинг марҳаматига сазовор бўлиб, тез орада сарой шоирларининг бошлиғи **—** “Малик уш-шуаро” номини олган. Умархоннинг ҳаёти, фаолияти, ҳарбий юришлари, ҳукмронлиги давридаги воқеаларни “Умарнома” достонида тасвирлаган. Хон топшириғига кўра, Фазлий “Мажмуаи шоирон” (“*Шоирлар мажмуаси”, 1821*) тазкирасини тузган. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида илк марта шеърий йўл билан яратилган мазкур тазкирада XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг 100 дан ортиқ вакиллари ҳақидаги қимматли маълумотлар ва асарларидан намуналар мавжуд. Шу жумладан, унда Фазлийнинг қасида ва ғазаллари, шоира Маҳзуна билан мушоираси ҳам бор.

Гулханий *(Муҳаммад Шариф, XVIII асрнинг охири XIX асрнинг 20-йиллари)* -ўзбек мумтоз шоири, масалнавис. Ҳаёти ва ижоди ҳақида “Мажмуаи шоирон” (*Фазлий Намангоний*), “Туҳфат ул-аҳбоб” (*Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ*), “Сабот ул-башар ва тарихи муҳожирон” (*Дилшод Отин*) каби асарларда айрим маълумотлар учрайди.

Бизгача бир неча ғазали, ҳажвиялари ҳамда “Зарбулмасал” (“Яполоққуш” *ҳикояси*) насрий асари етиб келган. Ғазалларида лирик қаҳрамоннинг руҳий

кечинмалари, баҳор, реал ҳаётий манзаралар ўз ифодасини топган. “Бармоғим”, “Эй тўти”, “Лола кўксидек бағрим...”. “Бдеҳ” (*бергил, бер менга*) радифли ғазалида шоир навкарлик давридаги ҳаётни тасвирлаган. Бу ғазалга чуқурроқ назар ташланса, муаллиф катта ижтимоий масала - ўз даврининг ҳарбий тартиби, расм-русумлари ҳақида фикр юритганлигини кўриш мумкин. Ғазалда лирик қаҳрамоннинг образи умумлашма образ даражасига кўтарилган.

Қўқон хонлигининг XIX аср биринчи ярмидаги адабий ҳаёти ривожида марғилонлик Жаҳон Отин (*Увайсий)*, Нодирабегим номи билан шухрат қозонган Моҳларойим, Ўратепалик Дилшоди Барно, Маҳзуна, Баҳри Ойим, Зебунисо, Зийнат, Кароматой, Саидабану, Тўтиқиз, Фозилабону, Ҳофизи Отин каби ижодкор аёлларнинг алоҳида ўрни бор.

Нодира (*асли исми - Моҳларойим, 1792-1842*) - шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби. “Комила” ва “Макнуна” тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. У мамлакатда бунёдкорлик ишларига катта эътибор бериб, бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига бошчилик қилган. Нодирабегимнинг адабий мероси ўз ғоявий-бадиий аҳамияти нуқтаи-назаридан мумтоз шеъриятнинг гўзал намуналаридир.

Нодира шеъриятининг асосини лирика ташкил этади. Шоира муҳаббат, садоқат ва вафо куйчисидир. У гўзаллик ва садоқатни, Шарқ хотин-қизларининг дард-аламлари, оҳу фиғонларини куйлади. Шоира ўзини ишқ ойнаси деб айтар экан, бу ойнада инсоннинг ҳаётга умид билан қараши, эзгу истаклари ва орзуси акс этган. У муҳаббат Аллоҳ томонидан инсонлар қалбига солинган мангу ёғду эканлигини куйлади.

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.
Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт...
Куйиб эй Нодира, олам элига,
Муҳаббат шевасини ошкор эт.

Нодира муҳаббат тасвирининг фидокор устасидир. Унингча одам муҳаббат ихтиёр этгандагина комил инсон қиёфасига кириши мумкин.

Шоиранинг ихлос-эътиқодига “гул сайри” ҳам “фикри баҳор” ҳам жаҳоннинг жаъми ҳузур-ҳаловотлари ҳам “васли ёр” воситасида муяссар бўлади.

Нодира олимлар, шоирлар, айниқса, шоираларни ўз ҳимоясига олган. Шоира ўз девонинг “ҳамнишин олима афифалар, фозила ҳамсуҳбат шарифаларнинг маслаҳатлари ва ташаббусларига кўра жамланган”ни ўзбекча девонига ёзган сўзбошисида қайд этиб ўтади.

Моҳларойим мумтоз шеъриятнинг мавжуд ҳамма жанрларида қалам тебратди. Унинг ўзбекча ва форсий ғазаллари арузнинг турли вазнларида 5, 7, 9, 13, ҳатто 18 байтли ҳажмда яратилган. Нодира мумтоз адабиёт анъаналарини қунт ва ихлос билан давом эттирган. Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Нодира ўз ғазалларида кўпроқ “муқаррар” (*сўзнинг такрорланиб келиши*) ва “қўш муқаррар” усулларидан фойдаланган.

Увайсий (*Жаҳон Отин, 1779-1845*) -шоира, маърифатпарвар. Увайсий мумтоз ўзбек шаъриятининг барча жанрларида ижод қилган. Навоий, Фузулий ва бошқаларнинг асарларига мухаммаслар боғлаган. Шоиранинг адабий меросида 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мурабба, чистон, 3 достон, тугалланмаган бир манзума бор. Ижодининг ғоявий мавзу доираси теран ва кўп қиррали.

Шоира адабиётда тараққийпарвар намояндаларнинг қарашлари асосида майдонга келган инсон тақдири, шахс эрки ва маърифатпарварлик ғояларида латиф ва дилкаш асарлар яратган, асарларида инсонни эъзозлаш, одамларни табиат ва ҳаёт ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишга ундаган, дўстлик, вафо ва садоқат ҳақидаги улуғвор ниятларни Қуръон оятлари, ҳадислар ва тасаввуфий талқинлар билан асослаган ҳолда ижодий баркамолликка эришган. Унинг шеърларида тариқатнинг талаб ва қоидаларига тааллуқли бўлган талқинлар кўп учрайди.

Увайсий ўз асарларида юксак одамийликни, шу одамийликни қалб тўрида авайловчи вафодор ёрини улуғлайди, уни қуёш билан қиёс қилади. Қуёш ҳар тонг уфқдан бош кўтариб, ўзининг оташни кўри билан оламга, одамларга ўз меҳр ва шафқатини сочади. Шоира ёр ва офтоб ташбеҳларидан қаршилантириш

санъати орқали энг гўзал туйғулар силсиласини яратди. Унинг лирик қаҳрамони мушоҳадакор донишманд, вафоли ошиқ.

Унинг анор ҳақидаги машҳур чистони ўзининг мазмуни ва юксак бадиийлиги билан шоира ижодининг ёрқин бир саҳифаси сифатида кўзга ташланади:

Бу на гумбаздир, эшиги туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон?
Туйнугин очиб, аларнинг ҳолида олсам хабар,
Юзларида парда тортуглик турурлар, багри қон.

Увайсий ҳаётлик давридаёқ нафис лирикаси билан машҳур бўлган ва замондошларининг эътиборини қозонган. Увайсий асарлари ўзининг латиф мазмуни ва дилкаш бадиийлиги билан халқ оммаси орасида кенг ёйилган, ҳофизлар, хонандалар томонидан мақом ва халқ оҳанглари йўлида куйланиб келинади.

Қўқон адабий муҳитининг самарали таъсири ўлароқ бу юртдан кейинчалик Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа етук бадиий сўз санъаткорлари етишиб чиқдилар ва ўз халқининг эрки, ҳурлиги ва озодлиги учун хизмат қилдилар.

Амир Умархон Туркистон ва унинг атрофларини эгаллаб, Оқмасжид, Авлиёота *(Тароз (Жамбул), Пишпак (Бишкек)* қалъаларини қурдирган. 1842 йилда Мадалихон буйруғи билан Қўқон шаҳри атрофи янги мудофаа девори билан ўраб олинган. Унинг 12 дарвозаси бўлган.

Қўқон хонлигидаги меъморий ёдгорликлардан Норбўтабий мадрасаси (1799), Жоме масжиди (*XVIII аср охири – XIX аср боши*), Мадрасаи Камол қози (1820), Дахмаи шоҳон (1825), Мадалихон мадрасаси (1829), Мадрасаи Ҳоким ойим (1869), Тошкентда Абулқосим шайх мадрасаси (XIX аср), шунингдек, Андижон, Наманган шаҳарларидаги шу давр меъморий ёдгорликларини кўрсатиш мумкин.

Худоёрхон ўрдаси меъмор ва муҳандис Мир Убайдулла лойиҳаси ва раҳбарлигида бунёд этилган. Худоёрхон ўрдаси тўғри тўртбурчак тарҳли

(*68х143мет*р) бўлиб, сунъий тепаликка баланд ғиштин пойдеворли қилиб қурилган: хон қароргоҳи, ўрда аҳли яшайдиган ҳамда турли мақсадларда фойдаланиладиган 100 га яқин катта-кичик хоналар, ички-ташқи ҳовлилардан иборат. Биринчи ҳовлида айвон, кўринишхона, хазинахона, алоҳида саҳинли масжид, марказда хон қароргоҳи (*шоҳнишин*), саломхона ва бошқа бинолар жойлашган.

Худоёрхон ўрдасининг асосий шарқий томонини ташкил этувчи пештоқ-гумбазли дарвозахона ҳамда унинг икки қанотида жойлашган хоналаргина сақланган. Бош тарзи бир қаватли қилиб бунёд этилган. Пештоқ ўрда деворидан бирмунча бўрттириб олдинга чиқариб қурилган, баланд ва ҳашаматли, пештоқнинг икки ёни ва тарзларининг икки бурчакларида гумбазли мезаналар билан якулланган гулдасталар бор. Пештоққа узунлиги 40 метр бўлган қия йўлка (*паднус*) орқали ўтилади.

Худоёрхон ўрдаси бош тарзи равоқлари, пештоқ ва гулдасталаридаги ҳандасий нақшлар, кошинлар, сиркори парчинлардан маҳорат билан яратилган. Пештоқ орқали тўртбурчак тарҳли дарвозахонага ўтилади, дарвозахона гумбазли ўзаро кесишган равоқли асос устига қўйилган, гумбаз усти, ўз навбатида, қуббали мезана билан якунланган, ундаги панжарали дарчалар орқали ичкарига ёруғлик тушади. Ўрданинг бош тарзи, хоналар кошинлар, ўйма ганчкори нақшлар билан безатилган, шифтлари ҳовузакли бўлиб, уларга гуллар солинган, хоналарнинг тепа қисми шарафалар билан ҳошияланган.

Хонликдаги XIX асрга доир сиёсий воқеалар, халқнинг турмуш тарзи, маънавий ҳаёти тўғрисида кўплаб адабий асарлар ёзилган. Булар ичида Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” ва Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романлари муҳим ўрин тутади.

Қўқон хонлиги XVIII-XIX асрларда минтақадаги йирик давлатлардан бири сифатида иқтисодий, маданий ҳаётда кўпгина ўзига хосликларга эга бўлиб, ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутади.

Хулоса ўрнида шуни қайд мумкинки, ҳаёти нотекис ривожланган, айрим ўн йилликларда эришилган ютуқлар, кўпинча ўзаро низолар туфайли

навбатдаги таназзул даври билан алмашган. Бироқ ана шундай оғир дамларда ҳам ўзбек халқининг ижодкорлик фаолияти тўхтамаганидан фақат фахрланишимиз мумкин. Халқ усталари томонидан бунёд этилган маҳобатли меъморий обидалар бутун дунёга машҳур бўлган. Ҳар қандай оғир шароитларда ҳам халқимизнинг ижодий тафаккури ривожланишида давом этган. Улар орасидан кўплаб иқтидорли олимлар, мутафаккирлар, меъморлар, санъат ва маданият намояндолари етишиб чиққанлиги бизни ғурурлантиради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Мадрасада таълим тизими неча босқичдан иборат бўлган?
2. “Абдулланома” асари ҳақида нималарни биласиз?
3. Муҳаммад Солиҳ қандай унвонга сазовор бўлган?
4. Зайниддин Восифийнинг қайси санъатига Алишер Навоий юқори баҳо берган?
5. “Кўкалдош” мадрасаси ҳақида сўзлаб беринг?
6. Бухоро Шашмақоми қайси асрда тўлиқ шаклланган?
7. “Ситораи Моҳи Хоса” ҳақида нималарни биласиз?
8. Огаҳий ижодидан наъмуналар келтиринг?
9. Абдулғозий Баҳодирхоннинг қандай асарининг биласиз?
10. Ичан қалъа ҳақида маълумот беринг?
11. “Қўқон адабий муҳити” ҳақида нималарни биласиз?

Зулм анинг кўнглиға марғуб,
Ва фисқ анинг хотирига маҳбуб.
Алишер Навоий

13 мавзу. МУСТАМЛАКА ВА МУСТАБИД ТУЗУМ ШАРОИТИДА МАДАНИЯТ

Таянч сўз ва иборалар

Туркистоннинг босиб олиниши, руслаштириш сиёсати, таълим тизими, рус-тузем мактаблари, илм-фан, жадидчилик ҳаракати, низоми жадид, дин, дунё, ўзлик, миллат, озодлик, Туркистон мухторияти, ҳукмрон мафкура, таълим тизими, илм-фанда мактаб яратган олимларимиз, адабиёт, санъат, меъморлик, кино, мусиқа, тасвирий санъат.

13.1. Россия империясининг Туркистонда олиб борган маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати

Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин минтақадаги барча мактаблар Россия империяси назоратига олинди ва аста-секинлик билан уларнинг фаолияти империя мустамлакачилик сиёсатига бўйсундирила бошланди. Маҳаллий таълим тизимига рус таълим тизими унсурлари кириб келди. 1866 йил Тошкентда дастлабки бошланғич рус мактаби очилди. Ушбу таълим муассасаларининг ҳар бири Россия империясининг Туркистондаги вакилларининг кўрсатмаси билан очилган ва улар томонидан рағбатлантирилган. Бу мактабларнинг очилишига энг аввало, маҳаллий савдогар ва бойлар ташаббус кўрсатган.

1876 йилда Тошкентда Туркистон ўлкасининг маориф фаолиятига раҳбарлик қилиш учун ўқув юртлари бош бошқармаси ташкил этилди. Энди мактабхона, мадраса, қироатхона ва уй дарсхоналари билан бир қаторда янги типдаги мактаблар: ҳунар билим юртлари, рус мактаблари, рус-тузем мактаблари, рус тили курслари фаолият кўрсата бошлади. Хусусан, биринчи рус-тузем мактаби 1884 йил 19 декабрда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳасида, Саид Азимбой ҳовлисида очилган. Бу мактабда, асосан, савдогар оилаларнинг болаларидан 41 нафари ўқиган. Туркистонда рус-тузем

мактабларининг сони жадаллик билан ўсиб борган. 1887 йилда Туркистонда 22 та рус-тузем мактаби бўлиб, уларда 461 ўқувчи ўқиган бўлса, 1917 йил бошларида Туркистон худудида 170 рус-тузем мактаби фаолият кўрсатган.

Рус-тузем мактабларида таълим муддати 4 йил бўлган. Рус-тузем мактаблари русча ва маҳаллий синфларга бўлинган. Рус тили, ўқиш, ёзиш, ҳисоб, геометрия, тарих, бошланғич ўзбек тили, араб тили ва ислом дини асослари ўқитилган. Саидрасул Саидазизовнинг "Устоди аввал" (1902), Алиаскар Калининнинг "Муаллими Соний" (1903), С.М.Граменицкийнинг 3 қисмдан иборат ўқиш китоблари рус-тузем мактаблари ўқувчиларининг асосий дарслиги ҳисобланган. Айрим рус-тузем мактаблари қошида катталар учун (*рус грамматикасини ўрганиш мақсадида*) кечки мактаблар, интернатлар ташкил этилган. Рус-тузем мактаблари маҳаллий аҳолининг бир қисмига ўша давр учун илғор бўлган маданият ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконини яратган.

Ўзбек тилини билган, маҳаллий халқларнинг руҳиятини пухта ўрганган, руслаштириш сиёсатининг "маданий" услуби тарафдорларидан бўлган собиқ зобит, Туркистон маорифи раҳбарларидан бири В.П.Наливкин маслакдошлари ўртасида: "ўлкада рус таъсирини мустаҳкамлаш учун икки томонлама иш олиб бориш керак. Аҳолининг икки асосий гуруҳи ўзаро бир-бирларига яқинлашсин. Рус тилини маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқатиш билан бирга руслар, айниқса, хизматдаги амалдорларга маҳаллий оғзаки нутқни ўргатиш керак деган ғояни илгари сурган".

Ўлка шаҳарларида очилган билим юртлари ҳам руслаштиришнинг муҳим ўчоғи бўлиб хизмат қилди. Улар рус-тузем мактабларидан интернатлари билан ажралиб турган. Интернатда ўзбек, қирғиз, қозоқ болаларининг рус тенгдошлари билан бирга яшаб, рус тилини ўзлаштиришлари мустамлакачилар учун айни муддао эди.

Олий лавозимдаги мустамлака маъмурлари руслаштириш сиёсатида Туркистон ёшларига эътиборни кучайтиргани бежиз эмас, албатта. Улар маҳаллий халқни идора қилиш келажигини ёшлар орасидан тарбияланадиган

содиқ бўлажак хизматчиларида кўрди ва шу мақсадда уларнинг империя марказий шаҳарларига саёҳатларини уюштирдилар.

Рус амалдорларига рус тилини яхши билган ва халқ кўзини очиб, ғафлат уйқусидан уйғотадиган зиёлилар керак эмас эди. Мустамлака маъмурияти Туркистон зиёлилари катта мансабга эришса, ўз халқи учун хизмат қилишлари ва мустамлака тартибларига қарши чиқишлари мумкинлигидан хавфсирашган.

Бу ўринда Тошкентдаги эркаклар гимназиясида 1899 йил февралда шаҳар жамоатчилиги билан бўлган бир йиғиндаги воқеа қизиқарлидир. Туркистон генерал-губернатори ёрдамчиси, генерал-лейтенант Н.И.Иванов шаҳар оқсоқоллари, мингбоши, қози ва бошқа мансабдорлар, мударрислар учун тарихда биринчи марта ташкил этилган илмий-оммабоп маъруза кечасида мадрасаларда рус тилини алоҳида фан сифатида жорий этишни таклиф қилади.

Рус тили Туркистон халқлари учун Европа ва жаҳон маданиятини яқиндан билишга восита бўлишини яхши тушунган зиёлилардан таниқли уламо, журналист Муҳиддинхўжа қози генерал Ивановнинг фикрини қувватлайди, лекин унинг Осиё маданиятини ерга уриши ва мадрасаларнинг аҳамиятини камситганига қарши чиқиб, Европанинг Осиё маданиятидан ўрганса арзийдиган ижобий томонлари ҳам борлигини уқтириб ўтди.

Истилочилар Туркистонда мустаҳкам ўрнашиб олиб, маҳаллий хон ва амир ваколатларини чеклабгина қолмай, уларни қўғирчоққа айлантириб, рус ва Ғарб сармоядорларининг ишлаши ва яшаши учун шароит яратади, турли компаниялар, акциядорлар жамиятлари манфаатини кўзлайди. Айни чоғда маҳаллий аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари назарга олинмай, диний эътиқодлари, урф-одатлари билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимаслик кучайди. Ҳаётий, илмий савияси юқори бўлган қозилар тажрибасиз кишилар билан алмаштирилди, ижтимоий-сиёсий адолатсизлик авж олди. Мактаблар ва мадрасалар фаолиятини чеклаш, маҳаллий жой номларини русча атамалар билан алмаштириш, маҳкама жараёнида қозилар бўйнига хоч тақтиришгача борилдики, ерли аҳолини бу хилда таҳқирлаш ҳоллари мустамлакачиларнинг бедодлигини яққол кўрсатарди.

Фан. Россия мустамлакачилиги шароитида илм-фан соҳасида эски услубларга ёпишиб олиш ҳоллари давом этади. Анъанавий равишда дунёвий билимларни ўрганиш, уларни янада ривожлантириш устидан давлат ғамхўрлиги деярли бўлмади. Илм-фан ва маданиятни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида уларнинг бошқа мамлакатлар билан ўзаро алоқалари, ижтимоий ҳамкорлик эътибордан четда қолди.

Хуллас, халқимизнинг минг йиллар давомида таркиб топган, шаклланган ва ривожланган, айни пайтда ўзининг анъаналарига эга бўлган қадимий ва бой маданиятнинг ривожланишига жиддий тўсиқлар қўйилди. Миллий руҳимизга, миллий онгимизга ёт бўлган ўзга халқ маданиятини миллий эҳтиёжсиз ўзлаштириб бўлмаслиги назар-писанд қилинмади.

Туркистон маданий бойликлари, рус мустамлакачиларидан ташқари, чет эллик сиёсатчилар томонидан ҳам беаёв таланган. 1895 йилда ўлкада бўлган швед меъмори Мартин бу ҳолатга жаҳон фан-маданияти нуқтаи назаридан чек қўйишни сўраб, Россия империяси ҳукумати бошлиғи, граф С.Ю.Виттега мурожаат қилгани бежиз эмас. Швед меъмори Самарқанддаги меъморий ёдгорликларнинг биргина Туркистон, Осиё учунгина эмас, балки умумжаҳон маданияти учун ҳам улкан аҳамиятини таъкидлаб, граф Виттедан улуғвор обидаларни вайронагарчиликдан сақлаб қолиш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўришни илтимос қилган эди[1].

Туркистон ўлкасидаги нодир қўлёзмалар, камёб китоблар, кўҳна археологик буюмлар, олтин-кумуш тангаларни йиғиш ва шу мақсадда бойлик орттириш билан шуғулланаётган рус амалдорларининг айримлари Туркистон табиий бойликларидан ташқари, ўзининг тарихий ўтмиши билан ҳам эътиборга лойиқлигини тушунган. Худди шулар ўлкадаги илмий жамиятлар фаолиятида бевосита қатнашган. Москва ва Санкт-Петрбурглик шарқшунослар эса ўлкани астойдил ўрганиш фан учун катта аҳамият касб этишини тушуниб, бу ерда илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

[1]ЎзР. МДА, 394-жамғарма, 1-рўйхат, 143-иш, 19-варақ.

1876 йилда Тошкентда оммавий музейнинг очилиши ҳам ана шу олимларнинг саъй-ҳаракати билан ташкил топган эди. Бу муассасалар аслида рус мустамлакачиларининг Туркистон маънавий бойликларини илмий асосда ўрганиш, уларни империя манфаатлари йўлида ўзлаштириш мақсадида тузилган эди. Уларда Туркистон халқининг моддий ва маънавий бойликлари тўпланиб, қиймати аниқланар ва энг ноёб, жаҳон аҳамиятига моликлари марказга - Санкт-Петербург ва Москвага олиб кетиларди.

Бу даврда Ўрта Осиё тарихи, этнографияси, иқтисоди, ботаникаси, археологияси ва маданиятига оид ноёб библиографик асар-“Туркистон тўплами” ҳамда “Туркистон альбоми” тузилди. “Туркистон альбоми” фотосуратлар ва рангли расмлардан иборат. Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман топшириғига биноан, этнограф, шарқшунос олим А.Л.Кун (1840-1888) томонидан 1871-72 йилларда тайёрланган. “Туркистон альбоми” 447 картонли варақ бўлиб, 1262 фотосуратлар ва бўялган расмлардан тузилган. Этнография, ҳунармандчилик, археологик ва тарих бўлимларидан иборат.

“Туркистон альбоми”да XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ҳунармандчилик; хўжалик турлари, урф-одат ва турли маросимларни ўтказиш, ўзбекларнинг антропологик типлари, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, шаҳарлар, водийларнинг манзаралари акс эттирилган. Аксарият тасвирларда маҳаллий халқни ваҳший ва ўта қолоқ қилиб кўрсатиш мақсади яққол сезилади. “Туркистон альбоми” 7 нусхада тайёрланган. Бир нусхаси Ўзбекистон миллий кутубхонасининг ноёб китоблар бўлимида сақланади.

“Туркестанский сборник”, “Ўрта Осиё ва хусусан Туркистон ўлкасига оид асар ва мақолаларнинг Туркистон тўплами”- ўлка тарихи, этнографияси, иқтисоди, ботаникаси, археологияси, геологияси, халқнинг турмуши ва маданиятига оид ноёб библиографик асар. Ўрта Осиё ҳақидаги алоҳида китоблар, газета ва журнал қирқимларидан тузилган бўлиб, жамъи 594 жилддан иборат.

Туркистон ўлкасида генерал-губернаторликнинг расмий органи — **“Туркестанские ведомости”** ва унинг ўзбекча иловаси “Туркистон

вилоятининг газети” 1870-1917 йилларда мунтазам чиқиб турди. Газетада ўлка тарихи, маданияти ва халқнинг турмушига оид жуда кўп мақолалар эълон қилиндики, улар бугунги кунгача тарихчилар учун бебаҳо манба вазифасини ўтамоқда. Бу газеталар чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати тарғиботчиси бўлганини сира унутмаган ҳолда, уларнинг тарихий хизматларини, яъни ўша истибдод зулми тарихини ёритишдаги хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

В.П.Наливкин (1852-1918) - ерли аҳолининг тили, турмуши ва урф-одатларини яқиндан билган. Ўзбек, тожик, араб тилларини яхши ўрганган. В.Наливкин Туркистон ўлкасида очилган биринчи рус-тузем мактабининг дастлабки ўқитувчиларидан бири бўлган. Тошкент ўқитувчилар семинариясида маҳаллий тиллардан дарс берган (*1890 йилгача*). У Туркистон ўлкасининг тарихи, этнографияси, ислом маданиятига доир кўплаб асарлар ёзган, ўзбек (“*сарт*”), форс тиллари бўйича қўлланмалар яратган, “сартча” (*ўзбек*)-русча, русча-“сартча” (*ўзбекча*), русча- форсча луғатлар тузган.

Н.А. Северцов (1827-1885) - Ўрта Осиёга бир неча марта саёҳат қилиб (1857-1879), Тяньшан ва Помир тоғлари ҳамда Қизилқум чўлини тадқиқ қилган; уларнинг фаунаси, географияси ва геологиясини ўрганган; Помир орогафияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид бой материал йиққан; Россия ва Туркистон қушларининг тарқалиши ва ҳаётига оид тадқиқотлар олиб борган; қушлар коллекциясини тўплаган. Палеарктикани зоогеографик районлаштириш принципларини ишлаб чиққан.

П. П. Семёнов-Тянъшанский (1827-1914) - 1856-57 йилларда Тянъшан (*Тангритоғ*) тоғларини ўрганиб, унинг орографик ва вертикал зоналлик схемасини тузган, катта баландликдаги қор чегарасида катта музлик борлигини аниқлаган ва буни иқлимнинг қуруқлигига боғлиқ эканлигини тўғри тушунтирган. (*Тянъшанни илмий ўрганганидан 50 йил ўтгач, унинг фамилиясига “Тяньшанский” деб қўшиб айтиладиган бўлди*).

Туркистон тарихи кўплаб рус олимлари номини жаҳонга танитди. Шулардан бири, **В.Л.Вяткин** (1869-1932) - археолог. Самарқанддаги ўлкашунослик музейи ташкилотчиси (1896) ва директори. В.Л.Вяткин Мирзо

Улуғбек расадхонаси ўрнини аниқланган. 1908-1909 йилларда Обираҳмат ариғи яқиндаги Пойи Расад тепалигида қазув ишларини олиб борди. Унга Шайбонийхон мадрасасининг мударриси Абу Саид маҳсум яқиндан ёрдамлашди. Бу ўзбек олими профессор Н.И.Васеловскийнинг таъбири билан айтганда, “Мусулмон адабиётининг зўр билимдони” эди. “Расадхонанинг ўрнини топиб, очмоққа манинг қўлимга тушган бир вақфнома сабаб бўлдики, мазкур вақфнома бундан 250 йил аввал ёзилган”. В.Л.Вяткин 1905-31 йилларда Афросиёбда қазиш ишларини олиб бориб, тадқиқотлари ҳақида “Афросиёб-кўхна Самарқанд ўрни” асарини ёзган. Самарқанд меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва муҳофаза қилишга катта эътибор берган.

Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўғли (1842-1924) Осиё ва Европа мамлакатларида таълим олган, ўз даврининг илғор кишиси ва маърифатпарвари бўлиб Туркистон ўлкаси маданияти ривожига катта ҳисса қўшган олим сифатида ҳам ўзидан ном қолдирган.

Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти музейида катта ноёб бир глобус сақланади. Мукаммал ишланган бу глобусни 1895 йил Хўжандлик маърифатчи Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўғли мусаввир ва олимлар билан ҳамжиҳатликда ясаган. Глобуснинг баландлиги, уни кўтариб турган таглиги билан бирга,117 см, шар айланаси 160 см. масштаби 1:2 500 000. Глобус градус турларига бўлинган. Меридиан ва параллеллар қора ранг, тропик чизиқлари ва қутб доиралари қизил ранг билан чизилган. Нолинчи меридиан Гринвичдан эмас, Африканинг ғарбидаги Яшил бурун ороллaридан ўтказилган. Бу Абу Райҳон Беруний глобусидаги бошланғич меридианга тўғри келади.

Глобусга белбоғ тарзида 12 бурж доираси ўрнатилган. Ҳар бир бурж доираси ичида буржни англатувчи расмлар -шер, қўй, қисқачбақа, чаён, балиқ, ҳўкиз ва бошқа ҳайвонлар тасвирланган. Бу Туркистон ўлкаси маҳаллий олимлари яратган ва илмий жиҳатдан ўз даври учун энг мукаммал глобусдир.Туркистон олимлари синовидан ўтган бу глобус Петербургда ҳам намойиш этилган. Император Николай II ва унинг сарой амалдорлари ҳам

глобусни кенг халқ оммасига намойиш этишга сазавор деган хулосага келишган.

XIX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистон ўлкаси маданий ҳаётида **рангтасвир санъати** етакчи ўрин эгаллади, бироқ бу санъат эгалари, асосан руслар эди. Бу соҳа ижодкорларининг қолдирган асарлари ўз даврининг муҳим ҳужжати сифатида қимматлидир. Бу санъат турларида турли миллат вакиллари ва эътиқод соҳибларининг профессионал маҳорати турлича бўлган санъаткорлар иштирок этган. Бундай рассомлар орасида Василий Васильевич Верешчагин (1842-1904), Сергей Святославский (1857-1931), Сергей Юдин (1858-1933) ва бошқа ижодкорлар ўз асарларининг бир қисмини Ўрта Осиё ҳаёти, табиати манзаралари, одамларнинг турмуш тарзини тасвирлашга бағишладилар.

Бу рассомлар орасида рус қуроли, рус шуҳратини кўкларга кўтарган, ашаддий шовинист В.Верешчагин алоҳида ажралиб туради. У 1867 йили юртимизга ҳарбийлар билан бирга кириб келди, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилишда қатнашиб, рус қўшинлари ғалабасини кўкларга кўтариб мақтади. Махсус кундалик тутиб, бўлаётган воқеаларни қоғозга туширди. У ўз кундаликларида “бир туземецни минорадан улоқтириб юборганман”, “биз ўтган шаҳар-қишлоқларда тутун бурқсиб қолар эди”, “ўлим талвасасида жон бераётган дордаги мурданинг расмини ишлаганман” деб мақтанади.

В.Верешчагин Туркистонга келганида рус тасвирий санъатида танила бошлаган рассомлардан эди. Тўплаган расмлари асосида кейинчалик ўзининг машҳур “Туркистон” асарлар туркумини тузди. Унинг асарлар туркумини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. ***Биринчи гуруҳга*** рассомнинг этнографик портрет ва композицияларини киритиш мумкин. Рассомнинг бу туркумдаги асарларида ўлканинг ажойиб меъморлик обидалари, халқ амалий безак санъати тасвир этилган. Шунингдек, бу гуруҳга кирган расмларда турли миллат вакилларининг этник қиёфаларини юксак маҳорат билан ишлаган муаллиф уларнинг руҳий ҳолатларини ҳам очиб беришга ҳаракат қилган.

Туркумнинг иккинчи гуруҳига кирувчи асарлар маиший мавзуга бағишланган бўлиб, подшо Россиясининг Туркистондаги босқинчилик сиёсатини ёқлаган, бу эса туркий халқларни камситувчи қонли уруш манзаралари тасвирланган асарларида ўз ифодасини топган. “Бангилар” (1868), “Тўсатдан ҳужум” (1871), “Тантана”, “Қул боланинг савдоси” (1872), “Темур дарвозаси” (1872-73), “Зиндон” (1873).

Туркумнинг учинчи ва тўртинчи гуруҳи уруш мавзусига бағишланган. Бу асарларда рассом урушнинг нақадар шафқатсиз эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, рассом бу мавзуга улуғ рус шовинизми, энг аввало, рус салтанати мафкураси нуқтаи назаридан ёндашади. Рус жангчиларининг Ўрта Осиёни босиб олишда кўрсатган жасоратларини бўрттириб тасвирлайди. Кимсасиз саҳрода қора қарғаларга ем бўлиб ётган рус жангчисини ачиниш билан кўрсатади. Унинг Туркистон ҳимоячиларини акс эттирган асарлари эса нафрат туйғулари билан тўлиб-тошиб, унда юрт ҳимоячилари гўё ваҳший босқинчилардек тасвирланади.

13.2. Жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, унинг маданий-маърифий моҳияти

Европада XVIII-XIX асрларда техника тараққиётига кенг йўл берилиб, XX аср маданияти ва турмуш тарзи учун мустаҳкам пойдевор яратилган эди. Осиё, жумладан, Туркистон илм-фан амалиёти ва техника тараққиётидан орқада қолиб кетганди. Ўзбек хонликлари (*Бухоро, Хива, Қўқон*) ўртасида мунтазам давом этиб келган низолар,қизғин урушлар охир оқибатда уларни заифлаштириб, Россиянинг бу хонликларни босиб олиб, жаҳолат ва иқтисодий-маданий таназзулини янада чуқурлаштириб юборди.

Жадидчилик ҳаракати қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетиши, ислом ва шариатнинг оёқ ости қилиниши ва бундай оғир ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақида ўз замонасининг илғор зиёлиларининг маърифатчилик ҳаракати эди. Жаҳолат уйқусидан уйғониш

тарихий заруратга айланган эди. Бошқача қилиб айтганда, жадидчилик ҳаракати ижтимоий ривожлантиришнинг, тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб сифатида майдонга келган улкан ижтимоий-сиёсий ҳаракат эди. Ўлкада миллатнинг дард-аламларини, бутун аянчли, мудҳиш, фожиали оғир қисматини ўз қалби ва вужудидан ўтказиб, ўзининг бутун борлиғини, ақл-заковатини, онгини, ҳаётини эрк, озодлик, тараққиёт учун сафарбар этган зиёлиларнинг бутун бир янги авлоди шакллана бошлаган.

Миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари — ҳунарманд, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб мустамлакачиларга қарши курашни халқни асрий қолоқликдан уйғотиш — сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Жадидчилик ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун тайёрлади.

Жадидчилар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил кўриш орзусида фидойиларча курашдилар. Жадидчиларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида қуйидаги йўналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппаларини тузиш; газета ва журналлар чоп этиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат қуриш мақсади бўлиб, жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада ҳур

фикрли ва тараққиётпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан жадидчилик ҳаракати шаклланди.

“Жадид” атамаси Туркияда илк марта Султон Салим III ҳукмронлиги (1739-1802) даврида пайдо бўлди. Австрияга элчи қилиб юборилган Абубакр Ратиб афанди шоҳга ёзган билдиришномаларида у ерда кўрган идора тизимини “**Низоми жадид”** деб тушунтиради. 1789 йилги Француз инқилобидан кейин қурилган янги тизимни эса “Франция низоми жадиди” дейила бошланди. Шу йиллари “Низоми жадид” тор маънода аскарий тизимни европалаштиришни, кенг маънода илм-фан, маориф, саноат ва қишлоқ хўжалигини замонавийлаштиришни кўзда тутади.

Жадидчилик:

1. Жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди. Уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди.

2. Мустақиллик учун кураш олиб борди. Унинг ғайрат ва ташаббуси билан дунё юзини кўрган “Туркистон мухторияти” бу йўлдаги амалий ҳаракатларнинг дастлабки натижаси эди.

3. Маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб чиқарди.

Жадидчиларнинг пойдевори, тамал тоши-***“усули жадид”*** мактаби эди. Бу табиий, ҳамонки мақсад жамиятни янгиламоқ экан, уни янги авлодгина қилиши мумкин эди. Янги авлодни эса, етиштирмоқ лозим. Эски анъанавий усулда бу ишни амалга ошириш қийин. Чунки, замон ўзгарган. У тезкорликни талаб қилади. Иккинчидан, бугунги ўқувчи тарих, жуғрофия, иқтисод, физика, кимё, математика каби замонавий фанларни билиши керак. Илмий фанлар, фан-техника ютуқлари сўнгги уч-тўрт аср дунё тақдирини бошқа ўзанга солиб юборди ва Европани олдинга олиб чиқди. Энди Европа илм-фанини эгалламасдан дунё билан баробар яшаб бўлмайди.

Бу илм-фанни ўзлаштирмоқ учун Европа тилларини билмоқ керак. Айни пайтда ўзликни ҳам сақламоқ лозим. Дин-диёнат ҳам зарур. Хуллас, яшамоқ

учун уччала жиҳатни ҳам ушламоқ керак бўлади. Ушлаганда ҳам ҳеч бирини суистеъмол қилмаслик керак. Акс ҳолда мувозанат бузилади. Мувозанат бузилиши эса, ёмон оқибатларга олиб келади. Масалан, ёлғизгина дин ушланса, дунё қўлдан кетади. Фақат ўзлик, миллат десак, яна дунёдан ажралиб қоламиз. Бировнинг биз билан иши бўлмайди. Европалашсак, ўзлик йўқолади. Бу ҳам фожиа.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг фаол ташкилотчи - иштирокчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шукурий, Саидаҳмад Сиддиқий- Ажзий (*Самарқанд*), Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков (*Тошкент*), Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Абдулвоҳид Бурхонов, Садриддин Айний, Абудулқодир Мухиддинов (*Бухоро*), Обиджон Маҳмудов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода (*Фарғона*), Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимов (*Хоразм*) турарди.

Жадидчилар Россия мустамлака сиёсати стратегиясига жиддий заифлаштирувчи ўзгаришлар қилишга мажбур этувчи ватанпарвар сиёсий куч сифатида тарих саҳнасига чиқдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX аср бошларидаёқ миллий-озодлик байроғини баланд кўтариб, эрксевар кучлар бирлигини таъминлаш борасида салмоқли фаолият кўрсатган.

XX асрдаги Туркистон миллий адабиётида Россия зулми, истилоси ва унга қарши кураш жуда ажойиб ва ўзига хос тарзда ифодаланди. Биринчи жаҳон уруши йилларидаги жадид адабиётида туркчилик ва унинг ғояси асосий мавзу ва мафкура бўлиб қолди.

Садриддин Айнийнинг жаҳолатга қарши, маърифатга даъват қилинган шеърлари маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалди:

Мактабсизлик қилди бизни қип-яланғоч,
Мактабсизлик бизни этди талон-торож,
Мактабсизлик Турон элин ўлдиради оч,
Кўзингни оч, бу хўрликдан мактабга қоч.

Билим қочди қўлимиздан беш юз йилдир,
Унутмагил Улуғбеклар бизнинг элдир,
Турон эли, ўзбек тили бизнинг тилдир,
Турон ўғли, эканингни тезроқ билдир!

Маърифатчи жадидчилар моддий қийинчиликлар, ғоявий-сиёсий тазйиқларга қарамай миллатнинг маънавий юксалиши учун имкониятлар яратишга ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб, масъулиятли бурилиш даврларида миллатнинг онгини юксалтириш, миллий ифтихор туйғусини кучайтириш биринчи даражали вазифалардан эканлигини англаб етганликлари учун ҳам бу борадаги барча ишларни ўз зиммаларига олдилар.

13.3. Таълим, илм-фан ҳукмрон мафкура измида

XX аср совет даври маданиятига назар ташлар эканмиз, бунда советларнинг социализм ва коммунизм қуришга қаратилган кенг қамровли фаолиятида маданият масалалари ҳам муҳим ўрин тутганлиги шубҳасиз. Негаки, янги коммунистик жамият яратишдек “улуғвор мақсад”га эришишда бу соҳанинг барча ўткир, долзарб вазифаларини ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этарди. Шу боисдан ҳам социалистик таълим тизимини яратиш, илм-фанни ўстириш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, кўп сонли зиёли, билимдон кадрларни тарбиялаб, вояга етказиш совет мутасаддилари олдида турган муҳим вазифалар сирасига кирарди.

Улар комфирқа таълимоти ва кўрсатмаларидан келиб чиқиб, бу вазифаларни амалга оширишга киришар эканлар, ижтимоий ҳаётнинг барча жараёнларида коммунистик ғоялар таъсири ва босимини бутун чоралар билан кучайтиришга асосий эътиборни қаратдилар. Бу эса охир-оқибатда советлар юритган маданий сиёсатнинг бориши, мазмун, мундарижасига, ижодкор зиёлилар, миллий кадрларнинг ҳаёти ва қисматига ўзининг салбий таъсири, хунук асоратларини ўтказмай қолмади. Бунинг ёрқин ифодаси ҳукмрон марказга тобе бўлиб қолган Ўзбекистон ва унинг жабрдийда халқи тимсолида тўла намоён бўлди.

Истиқлолчилар кураши, барча ихтилофдаги сиёсий партиялар тугатилиши натижасида большевиклар партияси мутлақ яккаҳоким партияга айланди. У жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида ўз мафкуравий таъсирини ўтказиб борди. Айниқса, бу кишилар онгини ўзгартиришда муҳим омил бўлган таълимда, илмда ва маданиятда жиддий тус олди. Дастлабки йилларда маданият ва уни бошқариш жабҳаларида демократик тамойиллар бирмунча мавжуд бўлиб, ҳокимият маҳаллий урф-одатлар ва хусусиятларни ҳисобга олишга мажбур бўлган эди.

Кейинчалик эса, маъмурий-буйруқбозлик усуллари кенг қулоч отиб мустаҳкамланиб бориши билан ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиш, большевикча “маданий инқилоб” йўли ва усуллари устуворлик қила бошлади. Халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга бўлган интилиши ҳукмрон кучлар томонидан узоқни кўзламай ва яхши ўйламай олиб борган сиёсатлари натижасида сиёсий манфаатлар йўлига бурилди. Янги зиёли кадрларни шакллантириш,эски мавжуд миллий зиёлиларни йўқ қилиш, ана шу мақсадларни кўзлаб амалга оширилди.

Шундай шароитларда маданиятнинг ривожи жамиятнинг маънавий ўсишига ҳалал берувчи ва ҳатто баъзи ҳолларда уни тўхтатиб қолувчи механизмга айланар эди. Умумий бошланғич таълимни жорий этиш, саводсизликни тугатиш каби ислоҳотлар ҳам ижобий, ҳам салбий тарзда кечди. Масалан, янги совет мактаблари муаллимларга муҳтож бўлса–да, эски мактаблар ва жадид усулидаги мактаблар муаллимларидан фойдаланмади, аксинча, уларга “душман” сифатида қаралди.

30 йилларда совет мактаблари дарсликларга муҳтож бўлиб турган бир пайтда, жадид муаллимлари ёзган ва мусулмон болаларининг турмуши ва психологиясига мослаштирилган дарсликлардан фойдаланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади. Мактабларда эса кўп ҳолларда махсус тайёргарликдан ўтмаган, маълумоти паст, малакасиз кишилар муаллимлик қилдилар. Умуман, 1932

йилда республика педагогика ўқув юртларида ишлаётган ўқитувчиларнинг 72%ини бошланғич маълумотга эга бўлганлар ташкил қилган эди[1].

Советларнинг “маданий инқилоб” тадбири жамиятнинг барча жабҳаларини, айниқса фан ва маданиятни ўта мафкуралаштириб, унинг ҳар бир соҳасини қамраб олди. Большевиклар тарбиянинг дастлабки ва таъсирчан ўчоғи бўлган халқ таълимини биринчи кунданоқ мафкура измига солиш учун бутун имкониятларини ишга солди. Мактабларда сиёсий тарбияни йўлга қўйишга ва уни такомиллаштириб боришга эътибор берди.

Маълумки, большевиклар мафкураси негизида асосан синфий кураш ғояси устуворлик қилган. Ўзгача фикрлашга бўлган ҳар қандай уриниш “синфий душман қаршилиги”, деб баҳоланди. Гўё, “синфий душман” ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, таълимда, фанда, адабиёт ва санъатда, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлиб, уни қидириб топиш, барчани шубҳа остига олиш одат тусига кириб борди.

Таълим соҳасини “синфий душмандан” тозалаш мақсадида ҳатто махсус қарорлар ҳам қабул қилинди. Масалан, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1933 йил 27 мартда ўқитувчи кадрлар сафини тозалаш ҳақида қарор қабул қилади ва унинг дастлабки натижалари шу йилнинг 25 апрелида бўлиб ўтган Ўрта Осиё бўйича партиянинг маданий соҳага бағишланган кенгашида муҳокама қилинди. Бу “тозалаш” натижасида биргина Қорақолпоғистон бўйича мавжуд 700 ўқитувчидан фақат 120 таси мактабларда ишлашга лойиқ деб топилди[2].

Расмий ҳокимият сохта пролетар байналмилаллигини амалда кучайтириш мақсадида мактабларда рус тили ва адабиётини кенгроқ ўқитишга урғу берди. Натижада 60 йилларда Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва адабиёти, чет тиллари, мусиқа ва қўшиқчилик дарслари ҳажми кескин қисқарди ва улар ўқув режасида белгиланганидан ҳафтасига 16,5 соатга камайиб кетди. Улардан бўшаган соатларда эса рус тили ва адабиёти предмети ўқитилди. Масалан, ўқитувчилар “XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида ўзбек адабий -

[1]Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент.: Шарқ, 2000, 368-бет.

[2]Ўша жойда 387-бет.

бадиий муҳити ”, “Миллий маданий жараёнлар” тўғрисидаги мавзуларда дарс ўтиши лозим бўлган соатларда рус маданиятининг “прогрессив” аҳамиятини кўрсатиб беришга мажбур бўлдилар. Ниҳоятда бой ва кўхна ўзбек халқи тарихини ўрганишга 52 соат ажратилган ҳолда бошланғич мактабларда рус тили ва адабиёти предметлари учун 1600 соат ажратилди[1].

Яна энг муҳими шундаки, бу даврда барча миллий республикалар ва миллатлар маданиятини ўзида мужассамлаштирган ягона “совет маданияти” яратилганлигининг эътироф этилиши СССРга бирлаштирилган барча халқлар маънавиятининг бундан кейинги йўналишини белгилаб берди. Ушбу даврда маданиятга хос, унинг ривожланиши учун муҳим омил бўлган эркинлик, демократия батамом йўқ қилинди. Маданият, айниқса, миллий маданиятнинг “ривожи” махсус қолипга солинди. Сиёсий ўлчовларга, коммунистик мезонга жавоб бермаган ҳар қандай асар йўққа чиқарилди, унинг муаллифи эса жамиятга яроқсиз шахс сифатида “четга суриб” қўйилди.

Урушдан кейинги йилларни ўзбек маданияти учун тўлиқ тушкунлик даври дейиш ҳам хато бўлади. Бу даврда мафкуравий тазйиқларга қарамай, халқимизда истеъдодли одамлар кўпчилиги сабабли, маданият маълум даражада ривожланди. Бу йилларда яратилган ижобий ишлар, омма орасида олиб борилган маъданий-маърифий тадбирлар ўта сиёсийлашган ва мустабид тузум учун хизмат қилган бўлса ҳам, у барибир ўзбек халқининг шу даврдаги миллий маданияти бўлиб қолди, халқнинг маданий-маърифий савиясини оширишга хизмат қилди. Хусусан, бу маориф, олий таълим муассасаларига тегишлидир.

Ўзбекистоннинг бу йиллардаги илм-фан ютуқлари ва муаммоларига тўхталадиган бўлсак, таъкидлаш жоизки, ҳукмрон тузум сиёсати ва мафкураси тазйиқи ва қийин-қистовига қарамай, ўзбек фани, илмий тафаккури ўзига йўл топиб, ривожланиш, тараққий этишда давом этди. Улуғ аждодларимиздан мерос бўлиб келган илмга интилувчанлик туйғуси минг-минглаб ёрқин

[1]Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб, Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000, 571-572-бетлар.

истеъдодларнинг бу соҳага юз буриб, фан сўқмоқларидан илгарилаб бориб, унинг турли йўналишларида самарали фаолият юритиши, ўз салоҳиятини намоён этишда яққол кўринди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилгунга қадар 42 та олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, улардан фақат 3 таси (*Тошкент, Самарқанд, Қорақалпоқ*) университет, 14 таси педагогика ёки тиллар–педагогика, 9 таси муҳандислик-техника, 3 таси қишлоқ хўжалиги, 7 таси тиббиёт-фармацевтика, 3 таси маданият, санъат, мусиқа, 1 тадан халқ хўжалиги, кооператив, жисмоний тарбия институтлари эди.

Бироқ булар миқдор кўрсаткичлардаги айрим силжишлар эди. Лекин масаланинг асосий жиҳати — олий таълим муассасаларини битириб чиқаётган мутахассисларнинг сифати ва савияси масаласида кўпроқ муаммолар мавжуд эди. “Социализмнинг афзалликларини кўз-кўз” қилиш мақсадида асосий эътибор олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг сон кўрсаткичларига қаратилди. Бу эса мутахассисларнинг жаҳон талабларидан жиддий ортда қолишига, халқ хўжалиги учун кераксиз мутахассисларнинг тайёрланишига, маблағларнинг беҳуда сарфланишига, мутахассислардан ишлаб чиқаришда самарасиз фойдаланишга олиб келди.

Шу билан бирга, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқув-тарбиявий ишларни мафкуравий андозаларга солиш кучайди; мутахассислик бўйича асосий фанларни ўқитишни такомиллаштириш ўрнига барча олий ўқув юртларида коммунистик мафкурани шакллантирувчи КПСС тарихи, марксизм-ленинизм фалсафаси, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, жамиятшунослик фанларини ўқитишни янада яхшилаш тўғрисида тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

1943 йилда асосида Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил қилинди. 40 йилларнинг 2 ярмида республика олимларининг фаолияти хўжалик, маданият, тиббиёт ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилди. Ўзбекистонда травматология ва ортопедия, энергетика, математика, механика ва иншоатларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, чорвачилик, Ўрта Осиё геология ва

минерал хом ашё, гематология ва қон қуйиш, нефть ва газ конлари геология ва разведкаси, ўлка тиббиёт, онкология ва радиология, Ўрта Осиё ўсимликларни муҳофаза қилиш, Суд экспертизаси, Ўрта Осиё иқтисод ва қишлоқ хўжаликни ташкил қилиш институтлари очилди.

Шу ўринда фанда ўз мактабини яратган, илм-фан равнақига салмоқли ҳисса қўшган Т.Қори-Ниёзий, Ҳ.Абдуллаев, О.Содиқов, Ҳ.Усмонов, Т.Саримсоқов, С.Сирожиддинов, И.Ҳамроев, О.Акромхўжаев, Т.Зоҳидов, В.Қобилов, Ё.Тўрақулов, Қ.Исломбеков, М.Ўразбоев, М.Муҳаммаджонов, И.Мўминов, Я.Ғуломов, С.Камолов, Ҳ.Сулайманов, З.Умидова, Р.Набиев, М.Шарифхўжаев, Э.Юсупов каби етук алломаларимизнинг табаррук номларини тилга олиб ўтиш жойиз бўлади.

Ҳабиб Абдуллаев (1912-1962)- геолог олим, давлат ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА Президенти. 130 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи Ҳ.Абдуллаевнинг геологияга оид назарий фикрлари амалиётда тасдиқланди. У биринчи бўлиб Ўрта Осиёни алоҳида металлогеник махсус провинция сифатида ажратди.

Ҳ.Абдуллаевнинг “Ўрта Осиёнинг металлогенитик очерки” (1949), “Рудаланишнинг гранитоид интрузиялар билан генетик боғлиқлиги” (1954-57), “Дайкалар ва рудаланиш” (1957), “Руда-петрографик провинциялари ва уларни таснифлаш масалалари” (1961) каби асарлари жаҳонга машҳур бўлди.

Ҳ.Абдуллаев регионал кенгашлар, Халқаро геология конгрессининг, бир неча сессияларининг фаол ташкилотчиси, қатнашчиси. Франция ва Буюк Британия қироллик Минерология жамиятларининг аъзоси. Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги кўпгина илмий ва илмий-техника жамиятларига, қўмиталарига бошчилик қилган. Асарлари Ўзбекистонда фан, илмий-техника, иқтисодиёт ва маданият равнақига бағишланган.

Тошмуҳаммад Саримсоқов (1915-1995)-математик олим, жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА Президенти. Илмий ишлари эҳтимоллар назарияси, геофизика метеорогиясига бағишланган. Топология ва функционал анализ

бўйича Тошкент илмий мактаби асосчиси. Ярим майдонлар назарияси ва унинг эҳтимоллар назариясига татбиқини ишлаб чиққан.

Саъди Сирожиддинов (1920-1988)- математик олим, жамоат арбоби. С.Сирожиддинов эҳтимоллар назарияси соҳасидаги ютуқларни математик статистикага қўллади. 1960 йилларда С.Сирожиддинов ва унинг шогирдлари ўзаро боғлиқ бўлмаган ва Марков занжирини ташкил қилувчи тасодифий миқдорлар ҳамда тасодифий векторлар йиғиндиси учун илмий теоремаларига доир муҳим масалаларни ҳал қилдилар; шу масалалар билан боғлиқ текис баҳолашларга оид тадқиқотлари катта татбиқий аҳамиятга эга.

С.Сирожиддинов статистиканинг турли соҳалари, стационар жараёнлар назарияси ва бошқа соҳаларда ҳам кенг кўламда тадқиқот олиб борган. Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий меросини ўрганишда, Ўрта Осиё, айниқса, Ўзбекистон учун юқори малакали математик мутахассислар тайёрлашда унинг хизматлари катта. С.Сирожиддинов Бернулли номидаги халқаро математик статистика ва эҳтимоллар назарияси жамияти (*Голландия*)нинг ҳақиқий аъзоси бўлган (1966).

Иброҳим Мўминов (1908-1974)- файласуф олим, жамоат арбоби. И.Мўминовнинг илмий фаолиятига шўролар мустабид тузуми ўз таъсирини кўрсатган бўлса–да, бироқ, унинг тадқиқотлари марказида Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий ҳамда илмий-табиий фикрлари, муаммолари турганлиги натижасида, аллома фалсафанинг ўта сиёсийлашувини, уни ҳукмрон мафкура хизматига тамомила бўйсундириш хуружларини четлаб ўтиш имкониятига эга бўлди. У А.Навоийдан тортиб, Аҳмад Донишгача бўлган йирик мутафаккирлар ижодини таҳлил қилди. Айниқса, Бедил ижодини чуқур ўрганиб, унинг меросини тушунишни анча енгиллаштирди.

И.Мўминовнинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” асари (1968), умуман Амир Темур шахсини илмий ўрганиш ташаббуси билан чиқиши олимнинг илмий жасорат ва юксак ватанпараварлик фазилатининг ёрқин ифодаси бўлди. И.Мўминов Ғарб фалсафасини, рус

мутафаккирлари ижодини ҳам ўрганди. Гегель диалектикасининг рационал мағзини кўрсатиб берди.

И.Мўминов Ўзбекистонда илм-фаннинг йирик ташкилотчиси, ижтимоий фанларни ривожлантиришга- янги тадқиқот муассасаларини ташкил этиш, илмий кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди, унинг раҳбарлигида турли фан соҳалари бўйича йирик асарлар нашр этилди. И.Мўминов Ўзбекистонда фалсафа мактабига асос солди.

Бироқ кези келганда айтиш лозимки, собиқ тузум мутасаддилари миллий ҳудудларда илму фаннинг равнақ топишига, унинг захматкаш фидойилари меҳнатининг қадрланиши, эътироф топишига муттассил тўсқинлик қилиб келдилар. Бунинг натижаси олимларимизнинг кўп йиллик машаққатли илмий изланишлари маҳсули бўлган қанчадан-қанча ноёб кашфиётлар, ихтиролар ҳаёт юзини кўрмай, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмай қолаверди.

Бунинг устига илм-фанда катта кашфиётлар қилган, ўз мактабини яратган республиканинг машҳур алломалари ҳам совет фанининг бош маркази- СССР Фанлар Академияси назар-эътиборидан четда қолаверди. Советлар ҳукмронлигининг 74 йиллик даврида СССР ФА таркибига О.Содиқов, Ҳ.Абдуллаев, С.Юнусов, Э.Юсупов сингари бармоқ билан санарли ўзбек олимларигина аъзо бўлиб сайланганлиги факти ҳам бунга мисол бўла олади.

13.4. Адабиёт ва санъат совет тузуми шароитида

Шўроларнинг бадиий адабиётга муносабати XX аср 20 йилларида йўқсил (*пролеткульт*) адабиётининг барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракат натижасида шундай насрий асарлар майдонга келдики, уларда бойлар фақат золимлар, камбағаллар эса янги жамиятни барпо этувчи илғор кучлар сифатида талқин этила бошланди ва халқнинг бу ҳар иккала қатлами ўртасидаги зиддият шу давр адабиётининг асосий конфликти сифатида тасвирланди.

Совет ёзувчиларининг вазифаси социалистик реализмни ўзларига ягона ижодий услуб деб қаралиши, бу услубга кўра совет воқелигини “инқилобий тараққиётда”, яъни пардозлаб кўрсатиш ва аксинча, “феодал ўтмиш”да рўй

берган воқеа-ҳодисаларни қора бўёқлар билан тасвирлаш зарур эди. Аммо шундай даврларда ҳам адабиётимиз ифтихорлари сифатида танилган А.Фитрат, А.Чўлпон, А.Қодирийларнинг номларини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиздир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий совет мафкураси ҳукмронлик қилган даврда “Ўзбек совет адабиёти”нинг, театрининг асосчиси сифатида кўкка кўтарилган. Унинг номи билан боғланиб келинган ўлка сайёр драма труппаси аслида Скобелов (*Фарғона*) сайёр труппаси деб аталиб, унга Ғофур Мусахонов раҳбар бўлган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шу труппада драматург, режиссёр ва суфлёр бўлиб хизмат қилган.

Агар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий “Заҳарли ҳаёт” драмасида шу даврдаги томошабин дидини инобатга олиб, ҳатто фожиали ҳолатлар таъсирида ҳам мелодрама ва сентиментализмдан кенг фойдаланган бўлса, “Туҳматчилар жазоси”, айниқса, “Бой ила хизматчи” сингари пъесаларида реализм томон яқинлашган. Аммо Ҳамза Ҳакимзлда Ниёзий кўп ўтмай тарғибот ва ташвиқот йўналишдаги “Пастки шўролар сайлови муносабати ила ёзилғон чўпчарлар”, “Пастки шўролар тузмасида сайловға киролмаган бир эшон ўпкасига жавобан”, “Бурунги сайловлар” (1926) сингари пьеса ва инсценировкаларни ёзишга катта эътибор берган. Ҳатто совет давлатининг жаҳон инқилоби тўғрисидаги соҳта ғоясига ишониб, “Жаҳон сармоясининг энг охирги кунлари” (1927) пьесасини ёзган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шу даврда жадидчилик ғоялари ва жадид адабиёти мезонларидан узоқлашгани сайин аввал эришган бадиият марраларини ҳам бой бера бошлаган. Бироқ 1926 йил у ўзбек драматургиясида муайян из қолдирган 2 асар: “Майсаранинг иши” комедияси ва “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллачилар иши” драмасини ёзган.

Синфийлик ва партиявийлик адабий асарнинг қимматини белгиловчи асосий мезон ҳисобланган даврларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Бой ила хизматчи” пьесаси бутунлай қайта ёзиб чиқилган. Социалистик реализм методи талаблари асосида “қайта тикланган” бу асар узоқ йиллар давомида Ҳамза

Ҳакимзода Ниёзий драматургиясининг юксак намунаси сифатида тақдим этилиб келинган.

Туркистон мухториятининг тугатилиши ва Фарғона водийсининг қонга ботирилиши натижасида “босмачилар” тимсолида совет давлатига қаршилик кўрсатиш ҳаракати бошланганидек, Абдурауф Фитрат ва Абдуҳамид Чўлпон ҳам мухолиф адабий оқимнинг раҳбарлари сифатида ижод қилдилар. Абдурауф Фитрат “Миррих юлдузига”, “Шоир”,“Шарқ”, Абдулҳамид Чўлпон эса “Ёруғ юлдузга”, “Кураш”, “Халқ”, “Бузилган ўлкага”, “Амалнинг ўлими” сингари шеърлари билан совет давлатининг Туркистонда олиб борган хунрезликларини қаттиқ қоралади.

Абдулла Қодирий шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида қизғин журналистик фаолияти билан баробар ўзбек адабиётидаги биринчи роман — **“Ўткан кунлар”**ни ёзди. “Ўткан кунлар” ёзилган давр ўзбек халқи учун миллатнинг эрки, озодлиги, мустақиллиги, жаҳондаги ўрни масаласи ҳаёт-мамот аҳамиятига молик эди.

Абдулла Қодирий мамлакатимиз тараққийпарвар зиёлилари сафида туриб она юртнинг, миллатнинг тақдири устида астойдил қайғурди. Аввалига у большевикларнинг ёлғон ваъдаларига ишонди, аммо адиб бу ваъдалар қоғозда қолиб кетаётганини, нозиклаштирилган мустамлакачилик сиёсати моҳият-эътибори билан ўзгармай қолаётганлиги, мунофиқона тус олаётганлигини, эл орасида бузғунчилик, фитна, синфий-мафкуравий адоват авж олдирилиб, биродаркушлик уруши бошланиб кетганини, шўрлик халқ бу қонли сиёсатнинг қурбони бўлаётганини ўз кўзи билан кўрди. Айниқса, Қўқон мухториятининг тор-мор этилиши кўпгина ҳур фикрли зиёлилар қатори Абдулла Қодирийнинг қалбини ларзага солди.

Адиб “Ўткан кунлар” романи орқали халқнинг миллий онгини уйғотиб, “тарихимизнинг энг кир, қора кунлари” - юртни мустамлака балосига гирифтор этган кейинги “хон замонлари”- XIX аср ўртасидаги мудҳиш тарихий жараёнлар ҳақида сўз очиб, бу аянчли ҳақиқатдан халққа сабоқ бермоқчи бўлди.

Абдулла Қодирийни иккинчи йирик романи **“Меҳробдан чаён”** XIX аср ҳодисалари - “хон замонлари” давридаги ўзбошимчаликларни кўрсатишга қаратилган бўлса-да, унда роман ёзилган давр руҳи кучли. Асарни “Меҳробдан чаён” деб аташ, зиёли уламоларни қаҳрамон қилиб танлашдан мақсад муқаддас даргоҳ-саждагоҳдан чиққан, ўша даргоҳга номуносиб, мунофиқ, қаллоб, тубан кимсаларга, ҳасадгўй, эътиқодсиз кишиларга ишорадир. Романда Анвар билан Раънонинг севги саргузашти, қалб назокати шоирона тараннум этилган. Мактабдор Солиҳ маҳдумнинг юмористик образи адабиётшуносликда ёзувчининг жиддий ютуғи, кашфиёти сифатида эътироф қилинган.

Абдулла Қодирийнинг ижтимоий ва ижодий фаолияти даври кескин курашлар, таъқибу таҳдидлар ичида ўтди. Ростгўй адиб шўро даври ҳақидаги бадиий асарларида, публистикасида шўро воқелигига хос зиддиятларни, сиёсатдаги хато ва камчиликларни холис туриб кўрсатишга жазм этди.

Большевиклар ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмади. Кейинчалик эса, маъмурий-буйруқбозлик усуллари кенг қулоч отиб бориши билан ялпи кўрсаткичлар кетидан қувиш, большевикча “маданий инқилоб” йўли устиворлик қила бошлади. Ўзгача фикрлашга бўлган ҳар қандай уриниш “синфий душман қаршилиги” деб баҳоланди.

20 йиллар охирида партия мафкура майдонига яна бир ғояни-маданий меросни инкор этиш ғоясини ташлади, бу “маданий инқилоб”нинг асосий мақсадларидан бири эди. Большевиклар мафкураси томонидан сиёсийлашган маданият барча халқларнинг миллий маданий ҳаёти учун зарарли бўлди.

РКП(б) МҚнинг 1925 йил 18 июндаги “Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида”ги қарори ўзбек адабиётининг кейинги тақдирига салбий таъсир кўрсатди. Бу қарорга кўра, пролетар манфаатига хизмат қилмайдиган адабиёт намуналари буржуа мафкурасининг кўринишлари деб эълон қилинди ва уларга қарши кескин кураш бошланди. Пролетар адабиётига қарши қўйилган ва соф миллийлик замнидан ҳоли бўлмаганлиги учун ёт ҳисобланган адабиётнинг А.Қодирий, А.Фитрат, У.Носир, А.Чўлпон каби вакиллари шу

даврдан эътиборан шубҳали “йўловчилар” деб эълон қилинди ва уларнинг ижодига турли йўллар билан тўсқинлик қилина бошланди.

Бироқ бу жараён узоқ давом этмади. Тез орада советлар мамлакатида авж олиб кетган сталинча қатағонлик бошланиши юртнинг кўплаб истеъдод соҳиблари ҳаёти ва қисматига ўз асоратли таъсирини ўтказмай қолмади. Бунинг натижасида илмий салоҳияти, ижоди барқ урган не-не ватанпарвар зиёлиларимиз ҳукмрон тузум босимига учраб, асоссиз туҳмату бўхтонлар билан айбланиб, ёмон отлиқ қилиндилар, қатағонга дучор этилдилар.

30 йилларнинг ўрталарига келиб, ўзбек адабиёти “Ўзбекистон”, “Наъматак”, “Машраб” (*Ойбек*), “Тагдўзи”, “Боғ”, “Чаман” (*Ғофур Ғулом*), “Ўзбекистон”, “Ўрик гуллаганда”, “Офелиянинг ўлими” (*Ҳ.Олимжон*), “Баҳор ҳақида”, “Куз қўшиқлари”, “Тонгги бўса”, (*Уйғун*), “Баҳорда ёмғир”, “Юлдузларга бўлдим ҳамсоя”, “Мисранинг туғилиши” (*Шайхзода*), “Шодиёна”, “Яли-яли”, “Боғ кўча” (*Миртемир*), “Юрак”, “Монолог”, “Рим ва Нил” (*У.Носир*) сингари шеърлар, шунингдек, “Бахтигул ва Соғиндиқ”, “Навоий” (*Ойбек*), “”Зайнаб ва Омон” (*Ҳ.Олимжон*), “Украина еллари” (*Уйғун*), “Чироқ”, “Мерос” (*Шайхзода*), “Аждар”, “Дилкушо” (*Миртемир*), “Нахшон” (*У.Носир*) сингари достонлар билан бойиди.

Бу асарларнинг бир қисми даврнинг долзарб мавзуларида ёзилган бўлишига қарамай, ўзбек шеърияти равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ўзбек шеъриятининг энг яхши намуналари бадиий тафаккурнинг чуқурлиги, шеърий маҳоратнинг юксалиш билан китобхонлар эътибори ва эътирофини қозонди. Бармоқ вазнида яратилган бу асарлар туфайли ўзбек мумтоз шеъриятининг асосий вазн тизими **— аруз** ва унда ёзилган мумтоз шеърият шу даврда феодализм сарқити деб қаралади.

Жадид ёзувчилари бошлаб берган замонавий ўзбек адабий тили ва услубини кашф этиш жараёни шу даврда, биринчи навбатда, А.Қодирий ва А.Чўлпон, шунингдек Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон ва бошқа ёзувчиларнинг ижодий меҳнатлари билан маълум даражада ўз якунини топди. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи ўзбек насрида олиб борилган ижодий изланишларнинг

синтези сифатида юзага келди. Айниқса, “Навоий” романи бу даврнинг ўлмас асари бўлиб, адиб бу асари билан ўзбек адабиётида тарихий — биографик роман жанрини бошлаб берди.

Партия ўз эътиборини Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Яшин, Абдулла Қаҳҳор каби шоир ва ёзувчиларнинг коммунистик руҳда шаклланишига қаратди. Шу мақсадда рус мумтоз ва замонавий адабиётининг советларга мос асарларини миллий тилларга таржима этиш ва улардан ўрганиш ишлари рағбатлантирилди. Шоир ва ёзувчилар ўз асарларида Ленин ва Сталин образларини яратишларига алоҳида эътибор қаратилди, коммунист образи ўзбек адабиётининг асосий образига айлантирилди, ўзбек кишиси онгининг шаклланиши, албатта, рус “оға”сининг иштироки ва таъсирида рўй бериши лозимлиги адабиёт олдига қўйилган асосий талабларидан бири эди.

Совет тузуми, бир томондан, ўзбек халқини рус ва жаҳон адабиёти ютуқларидан, Шекспир, Сервантес, Рабле, Гёте, Гейне, Балзак, Дюма, Пушкин, Лерментов асарларидан баҳраманд қилган бўлса, иккинчи томондан, унда эрксеварлик, миллатпарварлик ва миллий тараққиёт ғояларининг куйланишига жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди.

Абдулла Қаҳҳорнинг 30 йиллар ижодида унинг “Сароб” романи муҳим ўрин эгаллайди. Ёзувчининг ушбу романи бош қаҳрамон Саидийнинг фаолиятини кўрсатишга қаратилган, яна унда 20 йилларнинг иккинчи ярмидаги ўзбек халқи ҳаётининг маиший, этнографик, иқтисодий ва маънавий манзаралари яққол акс этиб туради. “Сароб” кенг мавзули роман бўлгани учун ёзувчи ўзининг бадиий ниятини очиқ ҳолда кўрсатмай, уни шу давр ҳаётининг бошқа манзаралари кўринишини реаллаштиришга уринган. Воқеалар тасвирида ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини сақлаб қолган.

Абдулла Қаҳҳор ижодий ҳаёти давомида 40 дан зиёд асар эълон қилган. Бу китоблар орасида 30 га яқини ҳикоялар бўлиб, улар ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг бадиий уфқларини кенгайтиргани билан аҳамиятлидир.

Абдулла Қаҳҳор ёзувчи сифатида ўзбек тилини нозик ҳис этувчи ва унинг бой имкониятларидан маҳорат билан фойдаланувчи ижодкор эди. У ўзининг

насрий асарларида ҳам, комедияларида ҳам тилдан фойдаланиш ва она тилининг чексиз имкониятларини намойиш этишнинг ажойиб намуналарини намоён қилди ва ўз ижоди билан ўзбек адабий тилининг камол топишига улкан ҳисса қўшди.

Миркарим Осимнинг дастлабки йирик асари - “Астробод” тарихий қиссаси Алишер Навоий ҳаётига бағишланган. Шундан кейин у А.Навоий ҳақида туркум қисса ва ҳикоялар ёзган. Миркарим Осим Ўрта Осиё халқлари тарихининг энг қадимги давридан 1917-йилга қадар кечган вақт ичида ўтган муҳим тарихий воқеаларни ва шу даврда яшаган ўзбек халқи улуғ сиймолари ҳаётини акс эттирувчи ўнлаб қисса ва ҳикоялар муаллифи. “Тўмарис”, “Широқ”, “Искандар ва Спитамен”, “Темур Малик”, “Махмуд Таробий”, “Ўтрор” каби ҳикоя ва қиссаларида аждодларимизниг хорижий истилочиларга қарши мустақиллик учун олиб борган кураши тасвирланган.

Миркарим Осим ўз асарларида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Бобораҳим Машраб каби ўзбек халқи улуғ фарзандларининг ёрқин образларини тасвирлади. Унинг “Зулмат ичра нур”, “Аждодлар қиссаси”, “Жайҳун устида булутлар”, “Алжабрнинг туғилиши”, “Абу Али ибн Сино қиссаси”, “Синган сетор” сингари асарлари ўзбек тарихий қиссачилигининг юксак намуналаридир.

Саид Аҳмад ўз ҳикояларида Ойбекнинг психологик тасвир маҳорати, Ғафур Ғуломнинг юмори, Абдулла Қаҳҳор баёнидаги лаконизмдан ўрганишга интилган ва улар ижоди Саид Аҳмаднинг ёзувчи бўлиб етишишида “дарслик” вазифасини ўтаган. Ижодининг катта қисми ҳажвий — юмористик ҳикоялар, қиссалар, комедиялардан иборат. Романларида ҳам юмористик йўналиш муҳим ўрин тутади. Унинг юмористик маҳорати “Келинлар қўзғолони” (1976), “Куёв” (1986) комедияларида ёрқин намоён бўлган. “Келинлар қўзғолони”даги халқона юмор билан йўғрилган Фармон биби миллат менталитетини, ўзлигини, кучли ва ожиз жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бетакрор образ даражасига кўтарилган.

“Уфқ” (1964-74), “Жимжитлик” романлари (1988) адиб ижодида алоҳида ўрин тутади. “Уфқ” романи XX-аср миллат ҳаётининг ўн йиллик даври, 2-жаҳон уруши ва урушдан кейинги йиллар воқеларини ўз ичига олади. Трилогияда ўша йиллари халқ бошига тушган мусибатлар, одамлар кўксидаги армонлар, шу мусибатларни енгишга қодир мислсиз матонат ва шижоатлар ёзувчи истеъдодига хос эҳтирос, зўр илхом билан акс эттирилган. “Жимжитлик” романида эса сиртдан тинч, сокин кўринган шўро даврининг ички драмалари, тузум инқирози бутун кескинлиги, шиддати билан кўрсатилан. Асардаги деярли барча етакчи персонажлар фожеий қисмат эгаларидир. Роман ўзининг асов, “бебош” ифода тарзи билан жозибалидир.

Шукрулло Юсупов бадиий ижод сирлари ва устоз ёзувчиларнинг ижоди тажрибалари тўғрисида баҳс юритувчи “Жавоҳирлар сандиғи” (1983) эссеси, қатағон даври даҳшатлари ҳақидаги “Кафансиз кўмилганлар” (1989) автобиографик қиссаси, “Қасосли дунё” (1994) публицистик мақолалар тўплами, Убайдулла Хўжаев тўғрисидаги “Тирик руҳлар” (1999) роман-хроникаси муаллифи.

Бадиий ижод биринчи навбатда инсон қалбининг ҳурлигини, пок ва олийжаноб интилишларини, она-Ватаннинг босқинчилар эркига қарши ўлароқ озод ва обод бўлишини тараннум этувчи ҳодиса бўлгани учун бу ғоялар билан яшаган ёзувчилар мустабид тузумга душман бўлиб кўринди.

Ҳар ўн-ўн беш йил ичида миллий зиёлиларни “яганалаб” туриш, улар фаолияти, ижодини элак-элак қилиш, қийин-қистовга олиш амалиёти совет мафкурачилари, мутасаддилари учун одатий тусга айлаиб борди. Мустабид тузум ўзининг биринчи зарбасини республиканинг бир гуруҳ ёзувчилари ва шоирларига қаратди, чунки, уларнинг дунёқараши ҳамда адабий ижоди коммунистик партиянинг мафкуравий андозасига мос келмас эди. Бадном қилиш учун асосий баҳона шу бўлдики, гўё улар ўз асарларида миллатчилик ғояларини “олиб кирган” эканлар.

Ёзувчилар ва шоирлардан кимда-ким ўз ижодида халқининг тарихи саҳифаларига мурожаат қилган бўлса борми, уни дарҳол феодал ўтмишини

“идеаллаштириш”да айблашар, унга “миллатчи” ёрлиғи ёпиштирилар ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларга дучор қилинарди. Коммунистик мафкура миллий ўзликни англашни онгли равишда “миллатчилик” билан аралаштириб, ҳаёсизларча, далил-исботсиз ҳаракат қилиб, уларга қарши курашнинг “қизил империяда” мавжуд бўлган ҳар қандай шакллари ва усулларидан кенг фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ижодкор зиёлилари орасида пайдо бўлган ҳурфикрлиликнинг барча кўринишларини йўқ қилишга интилди.

1949 йил 25 июнда Ўз КП (б) МҚ бюросида Ўзбекистон ёзувчилари иши муҳокамаси республиканинг бир қатор таниқли бадиий зиёлилари бадном қилинишига сабаб бўлди. МҚ бюроси муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган қарорда ўзбек ёзувчиларидан айримларининг ижодида “миллатчилик ва миллий маҳдудлик, феодал ўтмишини кенг суратда идеаллаштириш ва эски феодал маданияти олдида қулларча сажда қилиш элементлари мавжуддир” деб таъкидланади.

Қарорда ёзувчи Абдулла Қаҳҳор қаттиқ танқид остига олинди, у ўзининг “Қўшчинор чироқлари” романида гўё “ўзбек кампири тили билан унинг келини рус бўлгани учун ғийбат қилиб, камситади”. Ёзувчи Миркарим Осим “сиёсий жиҳатдан ишончсиз..., миллатчилик фикрларидан халос бўлмаган” сифатида таърифланди. МҚ бюроси Ойбек, Миртемир, Туйғун, М.Бобоев, Ў.Рашидов, Ҳамид Ғулом, А.Қаюмов, М.Шайхзода асарларидаги “жиддий хатолар ва бузилишлар”ни кўрсатиб ўтди.

Мустабид тузум эркин фикрлайдиган ўзбек ёзувчилари ва шоирларини бадном қилиб, уларни қоралаш билангина чекланиб қолмади. Республика давлат хавфсизлиги органлари 1951 йилда “Ёзувчилар уюшмасида ва айрим матбуот органларида “уя қурган” 12 кишидан иборат “советларга қарши миллатчилар гуруҳини” “фош” этди. Давлат хавфсизлик органлари тўқиб чиқарган “иш”га кўра Саид Аҳмад, Шукрулло Юсупов, Тўхтасин Жалолов, Миркарим Осим, Маркалон Исмоилий Шуҳрат, М.Шайхзода, адабиётшунос Ҳамид Сулаймон ва гуруҳнинг бошқа аъзолари“советларга қарши миллатчилик фаолияти”да айбланиб, 25 йилга ҳукм қилинди.

Примқул Қодиров ёшлар ҳаёти ҳақидаги “Уч илдиз” (1958, роман), мустабид тузум шароитида ички эркини йўқотган, мутеълик дардига гирифтор бўлган қаҳрамонлар ҳаёти акс этган “Қадрим” (1961) ва “Эрк” (1968) қиссаларини ёзди. Замонавий мавзуларга бағишланган асарларида иккинчи жаҳон уруши йилларида кечган машаққатли ҳаёти фактлари ҳамда шу давр ҳақидаги таассурот ва мушоҳадаларидан самарали фойдаланган “Қора кўзлар” (1966) ва “Олмос камар” (1976) романларида П.Қодиров маънавий-ахлоқий масалалар билан бирга воқеликда, хусусан, қишлоқ ҳаётида мавжуд бўлган жиддий муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратди.

Шўро мафкураси 70 йилларда тарихий мавзунинг ёритилишига қаттиқ қаршилик кўрсатганига қарамай, Абдулла Қодирий, Ойбек, Шайхзода, Миркарим Осим анъаналарини давом эттирган Примқул Қодиров “Юлдузли тунлар” (1979) романини ёзди. Ёзувчи бу асарида ўзбек халқи тарихининг муҳим саҳифаларидан бири-буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосига мурожаат этиб, унинг мураккаб ва машшақатли ҳаёт йўлини тарихан ҳаққоний гавдлантириб берди. Кейинчалик ушбу асарнинг давоми — “Авлодлар довони” (1989) романини нашр этди.

60 йилларнинг бошланиши билан адабий ҳаётга янги ва тоза шабадалар кириб келди. 30-50 йилларда қамоққа олинган, отиб ташланган юзлаб бегуноҳ қатағон қурбонлари, шу жумладан, қатор ўзбек ёзувчилари (**А.Қодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон, У.Носир ва б.**) оқланди. Ёзувчилар учун ягона ижодий метод деб белгиланган социалистик реализмнинг ижод эркинлигини бўғувчи, ҳаёт ҳарактини ифодалашга тўсқинлик қилувчи метод эканлиги очиқ эътироф этилди. Ёзувчиларга социалистик реализм доирасида бир оз эркин ҳаракат қилиш имконияти берилди.

Адабий тараққиёт тарихининг бошқа босқичларига нисбатан шу даврда ўзбек ёзувчиларининг бир неча авлоди баравар ижод қилди. 50 йиллар охири — 60 йилларнинг бошларида ижоди бошланган Ёнғин Мирзо, Султон Акбарий, Ҳусниддин Шарипов, Эркин Воҳидов, Сайёр, Борот Бойқобилов билан бирга Абдулла Орипов, Машраб Бобоев, Муҳаммад Али, Рауф Парпи, Ҳалима

Худайбердиева, Ойдин Хожиева, Омон Матжон, Маъруф Жалил, Чўлпон Эргаш, Хуршид Даврон сингари ёш шоирлар авлоди ўзбек шеъриятига янги ҳаёт шабадаларини олиб кирди.

Айниқса Абдулла Орипов билан Эркин Вохидовнинг 60-70 йилларда ёзган лирик шеър ва достонлари шу давр ўзбек шеъриятида бадиий тафаккурнинг янгиланишига хизмат қилди. Эркин Воҳидовнинг "Тонг мадҳияси" (1961), "Ақл ва юрак" (1962), "Ёшлик девони" (1969), "Тирик сайёралар" (1978), Абдулла Ориповнинг "Митти юлдуз" (1965), "Онажон" (1969), "Руҳим" (1971), "Юртим шамоли" (1974) сингари тўпламларига кирган шеърларидаги лирик қахрамон руҳий оламнинг самимий ифодаси, бадиий сўзнинг камалак ранглари ва мусиқий тавланмалари бу шоирларнинг ўз ижодларида Шарқ ва Ғарб мумтоз шеъриятининг энг яхши анъаналарини узвий алоқада давом эттираётганини кўрсатди.

Эркин Воҳидов шеъриятида инсон шуниси билан қимматлики, у ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларидан, қарама-қаршиликларидан, ҳаёт диалектика-сидан асло кўз юммайди, балки шу тинимсиз ҳаракатдаги диалектика ичида ҳаёт оқимига, атроф-муҳитга ўзини қуршаган борлиққа дадил, матонат билан фаол таъсир кўрсатишга интилади. Шоирнинг шеъриятида даврнинг безовта изловчан руҳи ўзига хос такрорланмас образларда акс этади. Изтиробли ўйлар, ўткир публицистик руҳ, кескин киноялы оҳанг билан тўлиқ етук асарларида даврнинг адолатсиз тузумидан норозилик, ижтимоий турғунлик, эгасизлик, қулчилик, машъум якка ҳукмронлик ва маккорона кўринишдаги истибдод найрангларига қарши исёнкор ва туғёнли сўзини айтади.

Миллатнинг уйғониши, ўзини таниши, маърифатли оламда бошқа илғор халқлар қаторидан ўз тарихий ўрнини топиши учун қайғуради. Озодлик, зиёлилик ва ҳақиқат Э.Воҳидов ижодининг етакчи ғояларидир. Бу жиҳатдан у М.Беҳбудий, А.Чўлпон, А.Авлоний, А.Қодирий сингари маърифатпарвар-ларнинг 60 йиллардаги ижодий давомчиси сифатида майдонга чиқди.

Э.Воҳидовнинг "Орзу чашмаси", "Нидо" (1964), "Қуёш маскани" (1970), "Бахмал" (1974), "Руҳлар исёни" (1978-79), "Тошкент садоси" (1983) каби

асарлари ўзбек достончилигининг етук намуналаридандир. “Руҳлар исёни”да оташин Бенгал шоири Нарзул Ислом сиймоси орқали ватан озодлиги ва миллий истиқлол ғоялари тараннум этилган. “Ўзбегим” қасидаси (1968) коммунистик мустабид даврида халқимизнинг миллий уйғонишига баракали таъсир кўрсатди.

Абдулла Ориповнинг дастлабки шеърларидаги романтик кайфият аста-секин ўз ўрнини фалсафий мушоҳадаларга бўшатиб, шоирнинг халқ ҳаётида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга муносабати фаол тус олди. Шу маънода “Тилла балиқча”, “Қўриқхона”, “Генетика”, “Оломонга” каби шеърлар А.Ориповнинг йирик шеърият уфқларини ҳаёт муаммолари тасвири ҳисобига кенгайтириб бораётганидан дарак берди.

Худди шу нарса А.Ориповни достон жанрига мурожаат этиши ва лироэпик тасвир имкониятларидан самарали фойдаланишига сабаб бўлди. А.Ориповнинг “Жанатга йўл” (1978), Абу Али ибн Сино ҳақидаги “Ҳаким ва ажал” (1980), “Ранжком” (1988) каби достонларида маънавият масалаларига алоҳида эътибор берилиб, кишиларнинг руҳий оламидаги айрим қусурлар билан илмий-техник тараққиёт ва тафаккурнинг парвози ўртасидаги зиддиятларни очиб ташлади.

Умуман, сиёсий таъқиб ва таҳдид яна партиянинг санъат ва адабиётга бўлган сиёсатининг асосий белгиларидан бири сифатида қайта тикланди. “Мен энди кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим…” деган сатрлари билан гўё партиянинг улуғвор ролидан кўз юмгани учун А.Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеъри сиёсий хатодан иборат деб топилди. Унинг ўша давр “руҳига” тўғри келмаган “Жанатга йўл” драматик достони сирли равишда қўлёзма ҳолида “йўқолди”. Кейин қайтариб берилди.

Театр. 1918 йилда “Турон” труппасига “давлат театри” мақоми берилди. Бадиий раҳбар ва режиссёр этиб Маннон Уйғур тайинланди. 1918-21 йиллар Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий, Бадриддин Аъламовлар бошчилигидаги Аброр Ҳидоятов, Абдураҳмон Акбаров, Фатхулла Умаров, Карим Ёқубов, Шокир Нажмиддинов, Музаффар Мухаммедов, Маъсума Қориева, Ятим Бобожонов,

Олим Хўжаев, Асад Исматов, Қудрат Хўжаев, Аббос Бакиров, Обид Жалилов, Сайфи Олимов, Босит Қориев сингари театр келажагига йўл очган актёрлар ижод қилаётган театр репертуарини таъминлаган Абдурауф Фитрат, Ғози Юнус, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа драматургларнинг хизматлари катта.

“Фанний уй” (*М.Уйғур*), “Заҳарли ҳаёт”, “Бой ила хизматчи”, “Туҳматчилар жазоси”, “Иффат қурбонлари” (*Ҳамза*), “Ёмон ўғил”, “Эрк болалари” (*Ғ.Зафарий*), “Захокки марон” (*Ғ.Юнус),* “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилочилари” (*А.Фитрат*), “Ёркиной”, “Халил фаранг” (*А.Чўлпон*) ва бошқалар театр репертуарларидан ўрин олди.

Ўзбек миллий академик театри 1920 йил саҳналаштирилган “Ҳалима” (*Ғ.Зафарий*) номли мусиқали драмаси спектакли саҳна ижрочилигида профессионализм ва томошавийликни таъминлади. 1921-25 йиллар давомида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” (*Хуршид*), “Қароқчилар”, “Макр ва муҳаббат” (*Ф.Шиллер*) каби драма, мусиқали драма, трогедия жанрларига оид асарлар саҳналаштирилди. Бу спектакллардаги образлар талқини, режиссурадаги синчковлик амаллари театр жамоасини реализм ва профессионализм йўлига сафарбар этди.

1924 йил Москвада очилган ўзбек драма студиясига М.Уйғур ва А.Чўлпон бошчилигида А.Ҳидоятов, М.Муҳаммедов, О.Жалилов, Т.Султонова, Л.Назруллаев сингари 24 киши билим ва маҳоратини оширишга юборилади. Мазкур тадбир жаҳоннинг етук театрлари тажрибасини амалда яқиндан ўрганиб, ўз ижро маҳоратини тоблашда муҳим босқич бўлди. Уларга Ҳалима Носирова, Карим Ёқубов, шунингдек, ёшлардан Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Наби Рахимов, Карим Зокировлар қўшилди.

Театрга 1929 йил Ҳамза номи, 1933 йил “Академик драма театри” мақоми берилди. 1935 йил М.Уйғур саҳналаштирган У.Шекспирнинг “Ҳамлет”, “Отелло” трагедиялари, 1939 йил Я.Бобожонов саҳналаштирган “Бой ила хизматчи” спектакллари режиссура ва ижрода бадиият намунаси сифатида қайд этилган. Жаҳон ва миллий мумтоз асарларига мурожаат этиш билан театр ўз

мавқеини янада мустаҳкамлади. *(“Меҳмонхона бекаси”, “Ревизор”, “Макр ва муҳаббат”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Бой ила хизматчи” ва б.).*

Театрда иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда саҳналаштирилган “Жалолиддин Мангуберди”, “Алишер Навоий”, “Ҳаёт қўшиғи”, “Оила номуси”, “Айбсиз айбдорлар”, “Қароқчилар”, “Қутлуғ қон”, “Ганг дарёсининг қизи”, “Жазоир — менинг ватаним”, “Юлий Цезарь” сингари йирик спектаклларда театрнинг кекса, ўрта, шунингдек, ёш авлодга мансуб ижрочилари самарали натижаларга эришдилар.

1960-1990 йиллар театр жамоасида авлод алмашинуви жадаллашди. Тўйчи Орипов, Турғун Азизов, Пўлат Саидқосимов, Обид Юнусов, Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Дилором Иброҳимова, Ойдин Норбоева, Гулчеҳра Жалилова, Ёқуб Аҳмедов, Теша Мўминов каби актёрлар театрнинг фаол ижодкорларига айландилар. Театрнинг репертуаридан замон ва замондошлар қиёфаси, ижтимоий ҳаёт иллатларидан баҳс юритувчи драма ва комедиялар-“Кўрмай босдим тиконни” (*И.Султон*), “Парвона” (*Уйғун*), “Тобутдан товуш”, “Аяжонларим” (*А.Қаҳҳор*), “Олтин девор” (*Э.Воҳидов*), “Қиёмат қарз”, (*Ў.Умарбеков*), “Ўғрини қароқчи урди” (*Шукрулло*), “Келинлар қўзғолони”, “Куёв” (*С.Аҳмад*) ва бошқалар саҳналаштирилди.

Тарихий драма жанрида М.Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек”, Уйғуннинг “Зебунисо”, “Абу Райҳон Беруний”, “Абу Али ибн Сино”, Т.Тўланинг “Нодирабегим”, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” спектакллари қўйилди. Бу спектакллардаги актёрлар ижроси жамоа учун намуна мактаби бўлди. “Шоҳ Эдип”, “Қирол Лир”, “Мария Стюарт”, “Ғариблар”, “Ўлимдан кучли”, “Тирик мурда”, “Асрга татигулик кун”, “Ой тутилган тунда” каби мумтоз асарлар намуналари театр тарихида алоҳида ўрин тутади.

Санъатдаги “ижтимоий буюртма” амалиёти, айниқса, ўзбек театри тараққиётида турғунлик ҳолатини вужудга келтирди. Бу Ўзбекистон КП МҚнинг 1983 йилда қабул қилган “Театр санъатининг аҳволи ва уни янада такомиллаштириш ҳамда республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда уни ролини ошириш тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида аниқ

ифодаланди. Қарорга биноан театр санъати ходимлари, драматурглар, режиссёрлар зиммасига энг аввало инқилобий, совет турмуш тарзини улуғловчи асарлар сонини кўпайтиришга устувор аҳамият бериш вазифаси юкланди. Миллий-тарихий мавзуларга эътибор бериш эса “буржуа мафкурасига сажда қилиш” деб баҳоланди.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри- опера ва балет санъати соҳасидаги асосий кашона ҳисобланади. Унинг ташкил топиши Муҳиддин Қориёқубовнинг ўзбек давлат концерт-этнографик ансамбли билан боғлиқ. Мазкур ансамбль 1929 йилда М.Қориёқубов ва Тамарахоним саъй-ҳаракати билан Ўзбек давлат мусиқали театрига айлантирилган. “Ҳалима”, “Фарҳод ва Ширин” спектакллари халқ чолғулари жўрлигида ижро этилган. 30 йилларда “Ичкарида”, “Лайли ва Мажнун” спектаклларида халқ чолғу асбобларига симфоник оркестр созлари қўшилиб, ўзбек операсининг яратилишига замин тайёрланди.

1939 йил 11 июнда биринчи ўзбек операси “Бўрон” (*С.Василенко ва М.Ашрафийлар мусиқаси, К.Яшин либреттоси*) намойиш қилинди. 1939 йил 20 июнда театр Ўзбек давлат опера ва балет театрига айлантирилди. Театр жамоаси “Бўрон”да эришган ютуғини Р.Глиэр ва Т.Содиқовларнинг “Лайли ва Мажнун” операси билан мустаҳкамлади. Опера билан бир қаторда ўзбек балети ҳам етишиб борди.

1959 йилда театрга “Академик”, 1966 йилда “Катта театр” унвонлари берилди. 1950 ва ундан кейинги йилларда саҳналаштирилган асарларнинг аксарияти томошабинларга эстетик завқ бағишлай оладиган миллий услуб ва ифодавий воситалар, оҳанг ва шахслар билан бойитилди. Халқ мусиқаси интонацияларидан ижодий фойдаланилди. “Дилором”, “Шоир қалби” (*М.Ашрафий*), “Майсаранинг иши” (*С.Юдаков*), “Ҳамза” (*С.Бобоев*), “Сўғд элининг қоплони” (*И.Акбаров*) каби опералар, “Орзу” (*И.Акбаров*), “ “Севги тумори” (*М.Ашрафий*), “Икки дил достони” (*О.Меликов*), “Етти гўзал” (*Қ.Қораев*) сингари балетлар, шунингдек, мумтоз композиторлардан Л.Делиб, М.Мусоргский, А.Бородин, Н.Римский-Корсаков, П.Чайковский, Ж.Верди,

А.Адан, Ш.Гуно, В.Моцарт, Ж.Пуччини ва бошқаларнинг асарлари билан театр мавқеи кўтарилди. Ижрочилик санъати ҳам шу йиллар юксалди, оркестр маҳорати, хор, кордобалет маданияти ўсди, опера режиссёрлари, балетмейстер, хормейстр ва дирижёрлар санъатида катта ютуқларга эришилди.

Алишер Навоий театри биноси 1947 йилда қуриб битказилган (*меъмор А.Шчусев лойиҳаси асосида*). Бино безагида Т.Арслонқулов, Қ.Жалилов, Уста Ширин Муродов, Жалил ва Болта Жўраевлар Абдулла Болтаев ва бошқалар қатнашганлар. Томоша зали 760 ўринли.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри — 1939-йил 30 ноябрда комик актёр М.Мироқилов ташаббуси билан республика комедия ва сатира театри сифатида ташкил этилиб, фаолиятини “Бурунги қозилар ёки Майсарининг иши” (*Ҳамза*) спектакли (*реж. М.Мироқилов*) билан бошлаган. Ижодий гуруҳ 45 кишидан иборат бўлиб, Миршоҳид Мироқилов — бадиий раҳбар, Ф.Умаров, Б.Хўжаев режиссёрлар; М.Кузнецова, С.Хўжаев, А.Бакиров, М.Ёқубова, М.Холмухамедов, А.Болтаев, О.Фаёзова, А.Юсупов, У.Абдуллаев, М.Ғофуров, М.Миртолипов, З.Шерматова сингари актёрлар ташкил этди. “Ўжар хоним” (*Лопе де Вега*), “Ошиқлар” (*Б.Халил*), “Қозихона” (*Ғ.Ғофуров*) каби асарлар театрнинг дастлабки спектакллари бўлди.

Театрнинг ижодий таркиби Л.Саримсоқова, Р.Ҳамроев, С.Хўжаев, Ҳ.Умаров, М.Исроилов, Ў.Қорабоев, М.Орифбоев, кейинчалик С.Пўлатов, Б.Ихтиёров, Ҳ.Шарипов, М.Ихтиёрова, Н.Пўлатова, Ф.Аҳмедов, Т.Назарова, М.Миртолипов, В.Райкова каби актёр ва режиссёрлар билан мустаҳкамланди. Натижада “Алпомиш” (*С.Абдулла; Т.Жалилов*), “Фарҳод ва Ширин” (*К.Яшин; Ю.Ражабий, Г.Мушель*), “Муқимий” (*С.Абдулла; Т.Жалилов, Г.Мушель*), “Сурмахон” (*Б.Раҳмонов; Т.Жалилов, П.Степанов*), “Равшан ва Зулхумор” (*К.Яшин; Т.Жалилов, Г.Мушель*) каби спектакллар билан театр ўз мавқеини кўтарди. Театрнинг биноси 1944 йилда қурилган.

Ўзбекистон санъати урушдан кейинги йилларда ўзининг мураккаб ва зиддиятли даврини босиб ўтди. Айниқса, бу театр санъатида яққол намоён бўлди. Социалистик реализм услубининг тобора мустаҳкам ўрнашиб бориши

театр саҳнасининг миллий-анъанавий асосларида ривожланишига имкон бермади. Тўғри, бу йилларда “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Алпомиш”, “Равшан ва Зулхумор”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Навоий Астрободда”, “Муқимий” каби миллий-тарихий асарлар саҳна юзини кўрди. Лекин булар “партиявийлик”, “синфийлик”ка мослаштирилган, “эзувчи ва эзилувчи синфларни” яққол кўрсатган ҳолда намойиш этилди.

1950 йилларда драмаларни саҳналаштиришда нафақат бастакорлар, балки композиторлар ҳам фаол қатнаша бошладилар. “Олтин кўл” (*Уйғун, М.Левиев),* “Ватан ишқи” (*Ш.Саъдулла, З.Фатхуллин, С.Бобоев*), “Тошболта ошиқ” (*Ҳ.Ғулом; М.Левиев*), “Момо ер” (*Ч.Айтматов, И.Акбаров*), “Нодира” (*Ҳ.Раззоқов, К.Жабборов, С.Ҳайитбоев*) ва бошқалар шулар жумласидан. Ички кечинмаларни етказиш билан бирга хонандалик ва драматик маҳорат уйғунлиги Х.Аҳмедов, М.Ғафуров, Ф.Раҳматова, Э.Жалиловалар ижросида, ифода воситаларининг ҳис-туйғуга тўлалиги, бир образдан иккинчи образга тез ўта бошлаш санъати Л.Саримсоқовада, бетакрор колорит, ўзига хос халқ юмори билан йўғрилган ижро С.Хўжаевда, киноя, яхлитлик, ижро маданияти Ҳ.Умаровда алоҳида ажралиб турди.

1970-80 йилларга келиб театрнинг маваффақиятли спектакллари асосан таржима асарларидан иборат бўлди. “Қонли тўй” (*Гарсия Лорка, И.Акбаров*), “Режа” (Р.Тогор, М.Бафоев), “Прометей” (*Ю.Марцинкявичус, М.Бобоев*), “Малиновкада тўй” (*Л.Юхвид, Б.Александров*), “Ўн иккинчи кеча” (*У.Шекспир*), “Хонума хонум” (*А.Цагарели, Г.Канчели*) каби мусиқали драмалар шулар жумласидандир.

Бироқ театр санъати, умуман олганда, жуда чуқур буҳронли ҳолатда эди. Бунинг сабаби театр ва томошабин, репертуар муаммоларида эди. Мазкур санъат турининг табиий ривожланишига, айниқса унга коммунистик мафкуранинг тазйиқлари, унинг ижтимоий буюртмаси катта тўсиқ бўлган эди. Натижада республка театрлари ўз томошабинларини йўқота бошлади. Масалан, 1985 йилда Ўзбекистондаги 30 та театрга 4 милион 802 минг томошабин ташриф буюрган бўлса, бу рақам 1989 йилга келиб 4милион 387 мингга тушиб

қолди. Бу шароитда театр жамоалари ўз томошабинларини “қидириб” қишлоқларга беришга ва асосан концерт дастурлари билан маблағ ишлашга мажбур бўлдилар[1].

Театр санъатида инқирозниюзага келтирган сабаблардан яна бири маданиятда миллийлик ва байналмилаллик нисбатининг бузилиши эди. Масалан, 80 йиллар ўрталарида Ўзбекистон театрлари репертуарларига киритилган 600 та пъесадан атиги 55 тасигина маҳаллий драматург адибларнинг асарлари эди. Муқимий номли ўзбек давлат мусиқали драма театрида анъанавий қўйиб келинган “Тоҳир ва Зуҳра”, “Фарход ва Ширин”, “Нурхон”, “Лайли ва Мажнун”, “Тошболта ошиқ” каби саҳна асарлари ўрнига “Полтавалик Наталка”, “Боядеро”, “Чўри”, “Мовий Дунай”, “Хотинимнинг эри”, “Ёлғончи даркор” каби қатор таржима асарларнинг пайдо бўлишини шу маънода тушуниш лозим[2].

Кино санъати. Ўзбекистонда илк бор 1897 йил чет эл фильмлари намойиш этилган. Биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов хиваликлар ҳаётини суратга олиш билан ўзбек киносини бошлаб берган. 191725 йиллар кино ўзбек халқи ҳаётига кириб келган давр бўлди. «Мусулмон қизи» бадиий фильми суратга олинди ва барча ролларни рус актёрлари ижро этди.

30-йилларда Н.Ғаниевнинг “Юксалиш”, “Йигит” (*бош ролларни Р.Ҳамроев, Р.Пирмухамедов ўйнаган*), Н.Кладонинг “Рамазон” (*бош ролни Э.Ҳамроев ижро этган*), Й.Азимовнинг “Қилич”, С.Хўжаевнинг чоризмга қарши курашга бағишланган “Тонг олдидан” каби фильмлар ишланган. Сулаймон Хўжаев бу фильми учун миллатчиликда айбланиб ҳибсга олинган ва 1937-йилда отиб ташланган.

Биринчи ўзбек овозли фильми “Қасам” (*режиссёр А.Усольцев*) 1937 йилда яратилган. Бу фильмда бош ролларни А.Исмоилов, Я.Бобожонов, Ш.Рахимова, Л.Саримсоқова, Х.Латиповлар ижро этган. 1939 йилда режиссёр А.Кордюм “Азамат” (*бош ролларда А.Бакиров, Б.Ҳайдаров*), режиссёрлар

[1]Ўзбекистоннинг янги тарихи. иккинчи-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Тошкент.: Шарқ, 2000, 656-бет.

[2]Ўша жойда, 657-бет.

М.Егоров, В.Казачков 1940 йилда “Асал” (*бош ролда Ҳ.Насирова*) фильмини яратдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарғона қизи», «Насриддиннинг саргузашлари», «Алишер Навоий» (*Н.Ғаниев ва К.Ермалаевлар*) фильмлари яратилиб, бу фильмларда ўзбек халқига хос миллий ифтихор, ўткир зеҳн, ҳозиржавоблик, донишмандлик, ижодкорлик ва ниҳоят буюклик акс этган.Шу фильмлардан сўнг собиқ СССР киноматография вазирлиги буйруғи билан «Ўзбекфильм»да кино ишлаб чиқариш 5 йилгача тўхтатиб қўйилди.

1950 йиллар ўзбек бадиий кино санъати тарихида қайта туғилиш даври бўлди ва бунда режиссёрлардан К.Ёрматов, Й.Аъзамов, З.Собитов, Л.Файзиевларнинг хизмати катта. Улар техник ва ижодий қийинчиликларни енгиб ўтиб, мавзу ва жанр жиҳатдан долзарб фильмлар яратдилар: «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон», биринчи кенг экранли фильм «Иккинчи бор гуллаш» (*Л.Файзиев*), «Опа-сингил Раҳмоновалар», «Абу Али ибн Сино», «Гуллар очилганда» (*К.Ёрматов*), «Гулбаҳор», «Мафтунингман», «Фурқат» (*Й.Аъзамов*) ва бошқалар.

1960 йиллар ўзбек киносига янги авлод келиб қўшилди ва кинода ижодий юксалиш кўзга ташланади. Кинодраматургия даражасини кўтариш адабиёт, театр билан алоқаларни кучайтириш, 50 йиллардаги бир хиллилик, схематизмдан қочиш, мавзу ва жанр жиҳатдан бойиш, йўналишлар, фильмларнинг маданий тасвирини юксалтириш 1960-75 йиллар кино жараёнининг асосий белгисига айланди.

Ёш режиссёрларнинг бош қаҳрамонлари ўз замондошлари бўлиб, уларнинг образлари икки, яъни поэтик ва прозаик йўналишда яратилди. Э.Эшмухамедовнинг «Учрашув», «Нафосат», «Севишганлар», ижтимоий-аҳлоқий муаммоларни кўтариб чиққан «Синчалак» (*Л.Файзиев*) фильмлари ишланди. Комедия жанрида фильмлар ижод қилишга уринишлар натижасида машҳур «Маҳаллада дув-дув гап» (*Ш.Аббосов*) фильми юзага келди.

Бадиий кинога янги мавзу-иккинчи жаҳон уруши давридаги ўзбек халқининг қаҳрамонлигини акс эттирувчи фильмлар кириб келди: “Сен етим эмассан” (*режиссёр Ш.Аббосов*), “26 отилмасин”, “41 йил олмалари” (*режиссёр Р.Ботиров*), “Ватан ўғлонлари (*режиссёр Л.Файзиев*), “Ой бориб омон қайт” (*режиссёр Ҳ.Файзиев).* К.Ёрматов ва А.Ҳамроев ўзларининг қизиқарли трилогияси — “Осиё устида бўрон”, “Инқилоб чавандозлари”, “Қора консулнинг ҳалокати” ва “Фавқулодда комисар”, “Шижоат”, “Еттинчи ўқ” фильмларинисувратга олдилар.

1976-84 йиллар замонавий мавзуда фильм ишлаш сезиларли даражада пасайиб кетди, ҳақиқатни бўяб кўрсатиш, юзаки образлар яратиш кузатилади. Фақат баъзи фильмлардагина анъаналарга эргашиш сезилади: “Мевазорлик аёл” (*режиссёр А.Ҳамроев*), “”Деҳқонинг ёшлиги”, “Алвидо, ғўр ёшлигим” (*Э.Эшмухамедов*), “Ўзганинг бахти” (*Қ.Камолова*), “Шум бола” (*Д.Салимов*). Илк бор Ўзбекистон киноси чет эллик ҳамкасблар билан ҳамкорликда: “Икки солдат ҳақида қисса” (*режиссёр З.Собитов, Болгария билан*), “Муҳаббат ва нафрат” (*режиссёр Р.Ботиров, Югославия билан*), “Алибобо ва қирқ қароқчи саргузаштлари” (*Л.Файзиев, Ҳиндистон билан*) фильмлари суратга олинди.

Мусиқа санъати. Ҳозирги кунда мақомлар ўз салмоғи ва мазмуни билан кўпгина мусулмон Шарқ халқлари мусиқа меросининг асосий қисмини ташкил этади. Улар шаклан ва услубан ранг-баранг оҳангдор куй ва ашула йўлларидан иборат. Хусусан ўзбек мумтоз мусиқасида Бухоро “Шашмақом”и, “Хоразм мақомлари”, “Фарғона – Тошкент мақом йўллари”, шунингдек, ёввойи мақом, сурнай, дутор мақом йўллари юзага келган. Миллий мусиқа меросининг салмоқли қисмини ташкил этган мақом номидаги чолғу ва айрим мусиқа асарлари ўтмиш бастакорлик ижодиётининг мумтоз маҳсули бўлиб, асрлар давомида оғзаки анъанада сайқал топиб бизгача етиб келган.

И.Ражабовнинг миллий мусиқа меросига бағишланган “Мақомлар масаласига доир” (1963) илк йирик тадқиқоти чоп этилди. “Бухоро Шашмақоми” (*Ю.Ражабий, 1966-1976*), “Хоразм мақомлари” (*М.Юсупов, 1980-1987*)нинг янги тўла нашрлари эълон қилинди. 1959 йилдан Ўзбекистон

телерадиоси қошида, 1970 йиллардан Хоразм, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва бошқа жойларда профессионал ва ҳаваскорлик мақом ансамбллари, Тошкент консерваторияси таркибида “Шарқ мусиқаси” кафедраси (1972) фаолият кўрсата бошлади. Мақом ижрочилиги бўйича хонанда ва созандаларнинг республика танловлари (*1983-йилдан*), анъанавий мусиқанинг тарихи ва назарияси муаммоларига бағишланган халқаро илмий анжуманлар 1975, 1979 йилларда Тошкентда, 1980 йилда Хивада, 1978, 1983, 1987 йилларда Самарқандда ўтказилди.

Ражабийлар XX аср ўзбек санъатига улкан ҳисса қўшган санъаткорлар сулоласи. Сулола бошлиғи **Юнус Ражабий** (1897-1976)-бастакор, хонанда ва созанда, Ўзбекистон телерадиосининг “Мақом” ансамбли ташкилотчиси ва бадиий раҳбари (1959-76). Ёшлигиданоқ ширали ва таъсирчан овозга эга бўлган истъдодли хонанда ва моҳир созанда сифатида танилган. Унинг репертуаридан мақом парчалари “Гиря”, “Ушшоқ”, “Кўча боғи”, “Эшвой”, “Қурд”, “Қаландарий”, “Гулё - Шаҳноз”, “Баёт”, “Дугоҳи Ҳусайний”, “Чоргоҳ”, “Мискин”, “Насруллойи” каби ашула ва куй туркумлари ўрин олган. Юнус Ражабий бир қанча қадимий ўзбек халқ куй ва ашулаларини қайта ишлаб, тиклаган.

Юнус Ражабийнинг, айниқса ўзбек мусиқа меросини тўплашдаги хизматлари катта. У 1935 йилдан халқ куй ва ашулаларини нотага ёза бошлаган. Натижада Е.Романовская ва И.Акбаров тузган “Ўзбек халқ қўшиқлари” (1939) тўпламидан Юнус Ражабий нотага олган 29 та халқ мусиқа намунаси ўрин олган. 1955-59 йилларда Юнус Ражабий 5 жилдли “Ўзбек халқ мусиқаси” (*И.Акбаров таҳририда*) тўпламини нашр эттирди. Унга мингга яқин турли нашрдаги (ўзбек, тожик, уйғур) куй ва ашулалари, Бухоро Шашмақоми, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, катта ашулалар, XX аср бастакорлари (*Ҳамза, К.Жабборов, Н.Ҳасанов, С.Калонов, Ф.Содиқов, Т.Жалилов, М.Мирзаев ва б.*)нинг асарлари киритилган. “Мақом” ансамбли билан ишлаши жараёнида Юнус Ражабий “Шашмақом”нинг 6 жилдли янги нашрини (*1966-74,*

Ф.Караматов таҳририда) ҳамда грампластинка ёзувлари мукаммал тўпламини тайёрлади.

Тасвирий санъат. Октябрь тўнтарилишидан сўнг ўрнатилган шўро хукумати даврида ўзбек тасвирий санъати бутунлай янги йўналиш сари боришга мажбур бўлди. Тасвирий санъатнинг ўлка маданияти учун янгилик бўлган рангтасвир, плакат, китоб ва матбуот нашрларига мўлжалланган графика, дастгоҳли ҳайкалтарошлик турлари шаклланди ҳамда коммунистик мафкуранинг кучли ғоявий қуролига айланди.

1920 йилларнинг иккинчи ярми 30 йиллар бошида тасвирий санъатда реализм ва авангардизмнинг турли услубий йўналишлари (*натурализм, экспрессионизм, абстракционизм*) мавжуд эди. 30 йиллар реалисти, кейинроқ ўша давр таъбири билан айтганда “социалистик реализм” услуби ҳукумрон эди. Аксарият ўзбек рассомлари авангардизм йўналишида социалистик реализм услубига ўтишга мажбур бўлди. Асосий мавзуларини ўзбек халқининг “бахтиёр” турмуш тарзи, меҳнаткашлар образи, янги “қизил” байрамлар ташкил қилди.

Чингиз Аҳмаров (1912-1995)-миниатюрачи ва монументалист рассом, Ўзбекистон халқ рассоми. Ижодида Шарқ миниатюраси анъаналарини давом эттириб, миллий мусаввирлик мактабини яратди. Ч.Аҳмаров ўзбек тасвирий санъатининг миллий ўзига хослиги борасида халқнинг бой ва гўзал бадиий меросининг илғор анъаналарини ҳозирги замон санъатига ижодий сингдиришда фаол хизмат қилди. Асарларида ижодкорлик руҳи билан яшаётган замондошларининг гўзал ва ёқимтой, табиати мураккаб ва нафис қиёфалари тасвирланди.

Дастлаб А.Навоий театри фойесига А.Навоий “Хамса”си мавзулари асосида маҳобатли деворий расмларни (1944-47) ишлади. Шу даврдан бошлаб Шарқ мавзуси Ч.Ахмаров ижодидан кенг ўрин олди. А.Навоий номидаги адабиёт музейи (1968), А.Беруний номидаги Шарқшунослик институти (1968-69), Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мемориал музейи (1964), “Юлдуз”

ресторани (1970), Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти (1980) ва бошқа биноларга деворий расмларни чизди.

1980 йиллардан кўп қирралари ижодкор сифатида портретлар (М. Турғунбоева, 1952, шоира Зулфия, 1965, Ҳалима Носирова, "Ёш Навоий", 1968), театр спектакллари ва кинофильмларга чизгилар (*М.Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" фожиасига (1964), "Улуғбек юлдузи", "Икки дил достони" фильмларига*), китоб безаклари (*Ойбекнинг "Навоий романи", 1951, "Равшан" эпоси, 1958*), Тошкент метрополитенининг "Алишер Навоий" бекати, Амалий санъат музейи биноси деворларига ишланган асарлари (1980-90 йиллар) ҳам жозибалидир.

Абдулҳақ Абдуллаев (1918-1993)-портрет жанри устаси. Кишиларнинг ҳолат ва кайфияти, маънавий, ёрқин қиёфалари моҳирона ифодланган портретлари билан машҳур (*"Аброр Ҳидоятов Отелла ролида" (1946), "Маннон Уйғур" (1946), "Ойбек" (1949), "Комил Яшин" (1960), "Навоий" (1973) ва б.).*

Манзаралар *("Ёмғирдан сўнг", 1954, "Баҳор келди", 1955, "Хумсонда", 1961 ва б*), Натюрмортлар (*"Олма", 1962, "Узум ва шафтоли", "Қовун билан ҳандалак", 80-йиллар*) муаллифи, 1957-йил Ҳиндистон сафари таассуротлари асосида бу ўлка манзаралари *("Тонгда Тожмаҳал")*, кишилари (*И.Ганди,С.Кетчлу*)ни этюд ва картиналарда акс эттирган. Асарлари халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.

Рўзи Чориев (1931-2004)-рангтасвир устаси. Унинг ижоди рангтасвирга миллий руҳ, урф-одатлар, замондошлар, машҳур намояндалар образлари туркумини олиб кириши, қишлоқларда тасвирий санъат галереяларини ташкил қилиш билан аҳамиятга эга.

Портретлар (*"Замондошим", "Дўстим портрети", "Келин", "Шоҳи сўзана", "Фиръавн", "Бойсунлик қария", "Пошхурдлик қиз Барно", "Сайроблик чол", "Қиш. Автопортрет*"), маиший ва тарихий ("*Суҳбат", "Хумсон оқшоми", "Олтин топган кони")*мавзулардаги асарлари машҳур.

Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Жўра Асрон, Исфандиёр Ўзбекистон тасвирий санъатини тарғиб қилишда фидойилик кўрсатдилар. Улар ҳорижда халқаро кўргазмаларда қатнашиб, Европа *(Италия, Германия, Туркия, Швеция, Греция*), Осиё, Африка мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, таассуротлари асосида қатор асарлар ижод қилдилар.

Ўзбекистон давлат санъат музейи — маданий-маърифий, илмий муассаси Ўрта Осиёда илк бор 1918 йилда ташкил этилган. Музей Тошкентда яшаган князъ Н.К.Романовнинг шахсий тўплами (*рус ва Ғарбий Европа рассомлари яратган портрет ва тарихий картиналар, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари, чинни буюмлар*) негизида вужудга келган. Туркистон ўлкашунослик музейининг бадиий бўлимидан ва бошқа музейларнинг фондларидан, шахсий тўпламларидан санъат асарлари келтирилиб, бойитилган. Музей фонди 50 мингдан зиёд экспонатга эга.

Музейда Ўзбекистон халқ амалий санъати, Ўзбекистон тасвирий санъати, рус санъати, Ғарбий Европа санъати, хорижий Шарқ халқлари санъати бўлимлари бор.

Хива “Ичан қалъа” музей-қўриқхонаси. Хоразмнинг қадимги моддий ва маданий ёдгорликларини, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос анъаналарни сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланадиган маданий-маърифий муассаса. 1920 йил Қўҳна Арк (*Арзхона*)да кўргазма-музей тарзида очилган; 1924 йил Тошҳавлига кўчирилган. 1969 йилдан Хоразм тарихий-инқилобий музейи «Ичан-қалъа» музей-қўриқхонаси билан бирлаштириб, ҳозирги номи билан айтилади. 1990 йилда Ичан қалъа ўзининг тарихий аҳамиятига эга майдонлари (*Дишан қалъа девори харобаларига қадар бўлган худуди*) билан Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Музей-қўриқхона 26 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, унинг таркибида 54 та тарихий обидалар бор. Хоразмнинг қадимдан ҳозирги давригача бўлган бой тарихи, моддий ва маънавий маданиятини ўзида акс эттирган 13 та доимий музей-экспозициялар ташкил қилади: Кўҳна Аркда- қадимги Хоразм; Муҳаммад Раҳимхон мадрасасида-Тарих ва адабиёт; Қози Калон мадрасасида

— Мусиқа тарихи; Шерғозихон мадрасасида-Табобат; Исломхўжа мадрасасида — Халқ амалий санъати; Абдуллахон мадрасасида-Табиат; Муҳаммад Паноҳ мадрасасида-Авесто; Тошҳовлида-ҳунармандчилик; Арабхон мадрасасида — Асосий фонд ва бошқалар.

Музей-қўриқхона фондига 50 мингдан зиёд экспонатлар (2004) — археалогик топилмалар (1109 та), қурол-аслаҳалар (120), турли даврларда зарб қилинган нодир тангалар (14895), амалий санъат буюмлари (2309), уй-рўзғор анжомлари (1815), тасвирий санъат асарлари (127), ноёб китоб ва ҳужжатлар (4954), фото-фото негатив хужжатлар (3071) ва бошқа ноёб осори-атиқаларни, тарихий обидаларни авайлаб асрайди, илмий жиҳатдан ўрганади, уларни топилмалар билан бойитади ва бошқа ишларни амалга оширади.

Санъат саройи — Тошкентдаги Алишер Навоий номли кино-концерт зали. Кенг экранли кинофильмлар намойиш қилиш, ижтимоий-сиёсий йиғинлар ўтказиш, концертлар бериш учун мўлжалланган. Катта зали (*1964, 2300 ўринли*), кичик зали (*1976, 590 ўринли*), Санъат саройи конструктивизм ва функционализм услубида қурилган. Нур ва соядан самарали фойдаланилган. Катта зал акустик асбоблар билан жиҳозланган. Интеръери “Насриддин афанди саргузаштлари” мавзуида кошинли намоён, сопол лаган (*рассом А.Тан ва А.Кедрин*), “Мелодия” ҳайкали мужассамот (*ҳайкалтарош Ю.Киселев*) билан безатилган.

Тошкент телевизион минораси— радиотелевизион узатиш станцияси, 1978-1985 йилларда қурилган меъморий иншоот. Баландлиги 375 метр. Ўзаги 3 конуссимон қурилма тиргакка ўрнатилган. Ўз ўқида эркин турувчи иншоот 9 балли зилзилага бардош беради. Тошкент телевизион минорасида “Коинот” ресторанининг “қизил ва зангори” (*180 ўринли*) ва томоша (*кузатув*) майдончалари бор (*баландлиги 100 метр*). 220 метр баландликда эса радио-телевизион станцияси қурилган. Улар доирасимон шаклда бўлиб, ташқи ва ички томонга панжара, ганч ўймакорлиги ва бошқа меъморий анъаналар асосида ишланган.

Истиқлол саройи-Тошкент шаҳридаги маданият марказларидан бири, турли тадбирлар (*съезд, қурултой, фестиваль*) ўтказиш, концертлар беришга мўлжалланган. 1981 йилда очилган. Бино қиёфаси ва безакларида миллий меъморликка хос бўлган муҳарнасга ўхшаш шакллардан фойдаланилган, бинони безашда маҳаллий хом ашёлар, Нурота ва Ғазғон мармарлари ишлатилган. Бино тарҳи тўртбурчак шаклда, тарзларига ишланган қуёш нурини тўсадиган жимжимадор шакллар бинога салобат, кираверишдаги баланд, пештоқлар кўрк бахш этган. Бино тепасига сирти мармар билан қопланган муқарнасни эслатувчи йирик йиғма темир-бетон қурилмалар ўрнатилган. Бино мужассамоти марказида балконли, амфитеатр шаклидаги 4 минг ўринли зал туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустабид шўро тузуми даврида “дин-афюн” деган шиор байроқ қилиб олиниб, барча динлар, жумладан, ислом дини, у яратган бебаҳо маданий обидалар, диний қадриятлар инкор этилди. Ислом маданиятининг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси тан олинмади. Одамларни гўё диний сарқитлардан халос қилиш ва даҳрийлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил қилинган “худосизлар жамияти”нинг минглаб фаоллари миллий урф-одатларимиз, удум ва маросимларимизга қарши ташвиқотни авж олдирдилар.

Янги “маданий ҳаёт”га, “совет турмуш тарзи”га тезроқ кўниктириш учун кўп асрлик тарих-маънавий меросимиз битилган алифбо ҳам шоша-пиша ўзгартирилиб турилди. Араб алифбосида ёзилган асарлар “диний” деб турли йўллар билан йўқ қилишга ҳаракат қилинди. Ҳатто “ҳужумкор атеизм” шиори остида муқаддас маданий меросимиз-бетакрор тарихий ёдгорликлар, обидалар қаровсиз қолди, кўплаб масжид ва мадрасалар вайрон қилинди.

Совет мустабид тузуми шароитида маданиятда сиёсий бадиийлик ўрнига сиёсий, мафкуравий устуворлик ўрнатилди. Бадиий жамоалар, маданият масканлари, ижодий уюшмаларнинг меҳнат фаолияти фақат бир нарсага - совет воқелигини мадҳ этиш, унинг дунёда “энг аъло ва адолатли тузум” эканлигини исботлашга қаратилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда ҳам турли мафкуравий тазйиқларга қарамасдан ўзбек миллий маданиятида умумий ривожланиш бўлди. Аммо жуда катта интеллектуал салоҳиятга, буюк маданий меросга эга бўлган ўзбек халқи бундан ҳам кўпроқ ютуқларга эришиши мумкин эди. Узоқ йиллар давомида маданиятга синфийлик, ғоявийлик, партиявийлик асосида муносабатда бўлиш миллий маданиятимизга жуда катта салбий таъсир кўрсатди.

Демак, мустамлакачилик ва мустабид тузум ҳукмронлиги даврида ҳам ҳалқимизда истеъдодлар қўплиги сабабли ўзбек халқи маданияти ривожланишдан тўхтамади. Бу ривожланишда маълум даражада умумбашарий тараққиёт анъаналарига мос узвийликни кўришимиз мумкин. Шундай мураккаб даврда ҳам халқимиз маданий ҳаётида ўзига хос бетакрор мумтоз мерос яратилди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суяк-суягига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда”[1].

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1.Руслаштириш сиёсатидан мақсад нима?
2. Туркистондаги моддий бойликлар қандай йўллар билан империя манфаатига ўзлаштирилган?
3.Жадидчилик ҳаракати қандай шароитда вужудга келди?
4. Жадидлар илгари сурган ғоялар ҳақида сўзлаб беринг?
5. Советлаштириш сиёсати тўғрисида нималарни биласиз?
6. Ўзбекистонда фанлар академияси қачон ташкил этилган?
7. Абдулла Ориповнинг қайси шеъри қаттиқ танқид қилинган?
8. Эркин Воҳидовга қандай айб қўйилган?
9. Ўзбек миллий театрлари ҳақида сўзланг?
10. Меъморлик соҳасида қандай ютуқлар қўлга киритилган?

[1]Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч, -Тошкент.: Маънавият, 2008. 7-бет.

Мен умуминсоний қадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашувида деб биламан.

Ислом Каримов

14 мавзу. МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Таянч сўз ва иборалар

Маданий-маърифий ислоҳотлар, жамият тараққиёти, умумжаҳон мероси, маданиятимизнинг қадимийлиги, баркамол авлод тарбияси, таълим тизимидаги ислоҳотлар, ҳамкорлик алоқалари, интелектуал бойлик, адабиёт, санъат, меъморлик, музейлар, маърифат маркази, миллий боғ, спорт мусобақалари.

14.1. Маданий–маърифий ислоҳотлар — жамият тараққиётининг устувор йўналиши сифатида

Ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг у ёки бу вақт ва макондаги даражаси кўп жиҳатдан фуқаролар маданияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эҳтиёжлари қай даражада қондирилишига боғлиқдир. Мустақиллик туфайли тарихан қисқа муддат ичида мамлакат ҳаётида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда туб ўзгаришлар рўй берди.

Узоқ минг йилликлар шундан далолат берадики, ўзбек миллий давлатчилик тарихи энг аввало маънавият-маърифатнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ушбу азалий анъанага мустақиллик йилларида алоҳида эътибор берилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Энг муҳими, Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ маданиятнинг методологияси ўзгарди. Агарда, мустабид тузум даврида маданиятнинг асосий вазифаси жамият аъзоларининг коммунистик мафкура ва сохта социализмга эътиқодини мустаҳкамлашга сафарбар этилган бўлса, истиқлол даврида унинг мақсади Ватанимизнинг миллий тикланишига хизмат қилади.

Биринчидан, энг аввало, маданий-маърифий омилларга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди, маданий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши, деб ҳисобланди. Жойларда маънавий, маданий-маърифий ишлар билан боғлиқ вазифаларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият вазирликлар, ҳокимликлар, идора, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммаларига юклатилиши жуда катта ижтимоий аҳамият касб этди.

Иккинчидан, маънавияти юксак миллат ва давлатнинг келажаги буюк бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр ҳаётий ҳақиқат эканлиги исботланди. Дарҳақиқат, иқтисодий-сиёсий омилларнинг ҳар қандай давлат, миллат ҳаётидаги ўрни ва роли каттадир. Бироқ, маънавий омилларгина жамиятда барча масалаларни ҳал этишга қодир куч эканлиги ҳақиқатга айланди.

Учинчидан, маънавият ва маърифат жамиятни поклантирувчи куч эканлиги эътироф этилди. Зеро, мустабид тузум давридаги ғоявий, марксча - ленинча “мерос”дан покланмасдан туриб, Истиқлолга хизмат қиладиган, фуқаролар қалби ва онгини янгилашга қодир маънавиятни шакллантириш мумкин эмас эди.

Тўртинчидан, истиқлол даврида жамият маънавиятининг энг муқаддас мақсадларидан бири-ўтмиш тарихий-маданий, илмий, ахлоқий, мафкуравий, ижтимоий-сиёсий қадриятлари жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳкамловчи омил сифатида қарашдан иборат жамоатчилик фикри шаклланди.

Бешинчидан, Истиқлол йилларида маънавиятнинг ҳар қандай сиёсий ҳукмрон мафкуралардан ҳолилиги таъминланди. Мустақиллик даврида бажарилиши лозим бўлган энг устувор вазифа Президентимиз Ислом Каримов “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавобларида қайд этганидек, “...халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат

қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир”[1].

Маданий мерос авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва маданий қарашлар, халқ маданияти ва ижодида ифодаланган моддий ва маънавий бойликларни англатади. Ҳар бир маданий мерос жамият ривожига ўзига хос ҳисса қўшади. Масалан, қадимги Юнон маданияти доирасида фан, адабиёт ва санъати соҳасида яратилган нодир асарлар ва ёдгорликлар ҳозиргача инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Ёхуд *“Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”*[2].

Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мустақиллик йилларида ана шу бебаҳо маданий меросни тиклаш, уни асраб-авайлаш ва бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, изчиллик билан давом эттирилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Тошкент, Қарши, Термиз, Хива, Марғилон, Шаҳрисабз каби қўхна шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, масжиду мадарасалар, мақбаралар, қадамжолар ҳам маданий мероснинг ажралмас қисмидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, мустабид тузум даврида тақиқлаб қўйилган урф-одат, маросим ва анъаналар, исломий қадриятлар, миллий байрамлар қайта тикланди, ўзбек тили давлат тили мақомига эга

[1]Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Асарлар тўплами, 7-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 301-302-бетлар.

[2]Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. –Тошкент:, Маънавият, 2008, 30-31-бетлар.

бўлди, жаҳон ва миллий маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк сиймоларнинг номлари тикланиб, асарлари чоп этилиб, ҳар томонлама ўрганилмоқда, қадамжолари обод этилмоқда. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар — бой маданий меросимизни кўз қорачуғимиздек асраб-авайлаш, бойитиш, келгуси авлодларга безавол етказиб беришда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Истиқлол йилларида халқимизнинг ўтмишига, бой тарихий меросига, маънавий қадрият ва анъаналарига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди, таваллуд топган кунлари мамлакат ва халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда. Жумладан:

1991 йил — Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;

1993 йил — Баҳоуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги;

1993 йил — Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги;

1994 йил — Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги;

1995 йил — Маҳмуд аз — Замахшарийнинг 920 йиллиги;

1996 йил — Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;

1998 йил — Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги;

1998 йил — Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;

1999 йил — Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги;

2000 йил — Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги;

2000 йил — Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги;

2000 йил — Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги;

2003 йил — Абдухолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллиги;

2004 йил — Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги зўр тантана билан нишонланганлиги фикримизнинг далилидир.

Узоқ ва бой тарихнинг ҳамда маданиятимиз, шунингдек, маънавиятимизнинг илдизи қадимга бориб тақалишида гувоҳлик берувчи Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик тўйларининг ўтказилиши жаҳон маданияти тарихининг ибтидоси сифатида ҳам эътироф этилган эди. 1999 йилда “Алпомиш” эпосининг 1000 йиллиги, 2001 йилда “Авесто”

яратилганининг 2700 йиллиги, 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, 2002 йилда Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги, 2006 йилда Қарши (Насаф) шаҳрининг 2700 йиллиги, 2006 йилда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги, 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, 2007 йили Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги, 2009 йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланиши Ватанимизнинг маънавият соҳасида бардамлиги ва шаҳарсозлик маданияти ҳам бақувватлигини кўрсатувчи далил бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви халқ таълими тизими тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Миллий педагогик тафаккур таъсирида таълимни соғломлаштириш жараёни бошланди. Узоқ вақт мобайнида ташқи дунёдан узиб қўйилган, ўзга мамлакатлар тарихий тажрибасидан ҳам, миллий маърифий-педагогик меросдан ҳам бахраманд бўлмаган миллий педагогикамиз жаҳон майдонига чиқди. Эришилган натижаларни ўзгаларники билан қиёслаш, бошқалардаги ижобий натижаларни ўзлаштириш имкони пайдо бўлди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7 моддасида жамиятда ҳукмрон мафкура бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди ва халқ таълими олдига миллий онги шаклланган, ўз тарихини биладиган ва ундан фахрланадиган баркамол инсонни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Зеро, ёшлар бугунги ниятларимизни эртага рўёбга чиқарадиган, мамлакатимиз тараққиётини таъминлайдиган, ҳар бир соҳада ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўкис намоён эта оладиган авлод сифатида вояга етмоғи зарур. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (1992), “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” (1992), “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” (1993), “Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили” (1995), “Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди” (1995), “Юксак маънавиятсиз — келажак йўқ” (1996), “Янгича тафаккурга кенг йўл” (1997), “Замонавий кадрлар — тараққиётимизнинг муҳим омилидир” (1997), “Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” (1997), “Тарихий хотирасиз — келажак йўқ” (1998), “Юксак маънавият — жамият тараққиётининг асоси” (1998),

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” (1998), “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт — пировард мақсадимиз” (2000), “Юксак маънавият — енгилмас куч” (2008), “Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажагимизнинг гаровидир”(2012) “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” (2014) каби кўплаб асарлари, маъруза ва нутқларида юксак тараққиётни таъминлашда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берган.

Жамиятда истедодли, ишбилармон, етук кадрларга ҳамиша зарурат туғилган. Инсоният ривожининг тарихи унинг талабларини қондириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қодир муносиб кадрларга эҳтиёж сезиб келганидан гувоҳлик беради. Бу жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бунинг учун эса кадрлар сиёсати негизида маънавият ва маърифат, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш талаб этилади. Етук инсон деганда биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.

Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Ана шу фикрга таянган ҳолда, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбия масаласи давлатимиз сиёсатининг устивор йўналиши сифатида қаралиб, бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунарга ўргатиш тизимининг самарадорлик даражаси, ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилди. Замонавий тараққиёт талабларига тўла жавоб берувчи таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди.

14.2.Таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар

Республикада ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг янада самарали ва сифатли усули бўлган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тизимини ташкил этишга киришилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш, шунингдек, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш, уларда маънавий баркамол, чуқур билимларга эга бўлган малакали кадрлар тайёрланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибида ***Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази***, унинг худудий бошқармалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” 2002 йил 20 февралдаги Фармони ва бу фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 4 мартдаги Қарори илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар сифатига қўйилган талабларга мувофиқ илмий-техника ва инновация фаолиятини янада ривожлантиришда, шунингдек, мамлакатнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўтган йиллар давомида юртимизда жаҳондаги нуфузли университетлар билан яқин **ҳамкорлик алоқалари** ўрнатилди. Бунинг натижасида Тошкентда Буюк Британиянинг халқаро Вестминстер университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Жанубий Кореянинг ИНҲА университети юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва

Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ҳамда улар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрламоқда ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинган дипломларга эга бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари “Юксак билимли ва интелектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу конференцияда дунёнинг 48 давлатидан 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда “Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар, ўқитиш шаклларини жорий қилиш, педагоглар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш борасида янада самарали ишларни амалга ошириш имкониятини яратиб берганини таъкидлаш жоиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Қарори олий ўқув юртидан кейинги таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, хусусан, илмий тадқиқотларининг сифати ва амалий аҳамиятини ошириш, бу борада ёшларга ўзининг ижодий ва интелектуал салоҳиятини намоён этиш имконини яратиб беришга хизмат қилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб биз учун янги бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилди. Президентимиз таъкидлаганидек, илмий кенгашлар нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш маскани, айни вақтда илмий тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланиши лозим бўлган етакчи олий ўқув юртлари қошида ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Янги тизимнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда бакалавр илмий даражасига эга бўлган кадрларга ҳам докторлик диссертация ҳимоя қилиш имконияти берилади.

“Ҳар ишки қилмиш одамизот, тафаккур бирла билмиш одамизот”. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг ушбу теран маъноли сатрларида башарият тараққиёти учун билим ночоғлик улкан аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳақиқат мужассамдир. Инсоният томонидан неча асрлар давомида тўпланган билим ва орттирилган тажриба бугунги ҳамда келажак авлодларинг бебаҳо бойлиги, улкан маънавий ҳамда маданий мероси ҳисобланган китобларда жамланган. Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик ахборот ва маданият маркази бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ушбу интелектуал бойликнинг ноёб хазинаси ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 20 март куни қабул қилинган “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — Ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, кутубхона тузилмаси янгиланди, унинг бўлимлари ва хизматлари иши такомиллаштирилди, вазифалар кўлами кенгайтирилди. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал билим олиш,

таълим, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун шароит ҳамда Ахборот-ресурс базасини ташкил қилиш, миллий маданиятни тиклаш ва янада ривожлантириш,халқимизнинг бой тарихий меросини асраб-авайлашга кўмаклашиш шулар жумласидандир.

Кутубхона биносининг умумий майдони — 25 минг квадрат метр. Китоблар сақланадиган махсус хоналари 9 минг ва ўқув заллари 3 минг квадрат метрдан иборат бўлиб, бу ерда жаҳон талабларига жавоб берадиган автоматлаштирилган тизими, китобларни автоматик етказиб берадиган телелифт ҳамда юк кўтаргич, шунингдек, энг янги нашриёт-матбаа ва нусха кўчириш ускуналари ўрнатилган. Буюртмаларни қабул қилиш ва тезкорлик билан бажариш учун компьютерлаштирилган диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз миллий кутубхонасининг фонди ҳақиқатан ҳам ноёбдир. Бугун фондда қарийб 10 миллион китоб, шу жумладан, 3,5 миллионта миллий нашрлар бор. Бу ерда алоҳида қимматга эга китоблар, нодир ва қадимий нашрлар, қўлёзмалар, литографиялар кутубхонанинг фахри ҳисобланади. Фондда буюк олимларимиз ва мутафаккирларимизнинг XI-асар ва ундан кейинги даврларга оид қўлёзмалари авайлаб сақланмоқда. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаётлиги пайтида хаттотлар томонидан қайтадан кўчирилган асарлари кутубхона коллекциясининг дурдоналаридир.

Кутубхона фондининг катта қисмини XVI-XIX асрларда дунёнинг кўплаб тилларида чоп этилган китоблар ташкил этади. Шунингдек, бу ердан Бобур, Машраб, Огохий, Мунис, Комил, Ҳазиний, Ҳислат, Хувайдо, Муқимий, Фурқат, Авлоний, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарлари, мамлакатимиз тарихига оид адабиётлар ўрин олган.

14.3. Адабиёт ва санъат ривожи

Мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар шу давр адабиёти, хусусан, **шеъриятининг** асосий мавзулари ва ғоявий йўналишларидан бирини белгилаб берди. Ўзбек халқининг ўз мустақиллигига

эришиш ва ер куррасидаги тараққий этган халқлардек эркин нафас ола бошлаши шундай оламшумул воқеа бўлдики, шоирларнинг бу воқеани четлаб ўтиши, ундан илҳомланмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам шу давр лирик шеъриятида мустақиллик, эрк ва ҳуррият ғоялари, Ватанга муҳаббат туйғулари тасвири катта ўрин эгаллади. Шоирлар аста-секин янги воқеликни юзаки тасвирлашдан унинг ички моҳиятини очишга, янги тарихий-ижтимоий даврнинг маънавий масалаларини ёритишга ўта бошладилар (*Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Ҳалима Худайбердиева, Хуршид Даврон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид ва бошқалар).*

Чўлпон, Ойбек ва Шайхзода шеъриятида илк бор зухур берган, 70-80-йилларда эса Р.Парфи шеърларининг ўзига хослигини белгилаган истиоравий тил ва услуб истиқлол даври шеъриятида, бир томондан, У.Азим, Ш.Раҳмон ва бошқа шоирлар фалсафий шеърларининг, иккинчи томондан,Фахриёр, А.Қутбиддин, А.Саид ва бошқалар сиймосида модерн шеъриятининг майдонга келишида пойдевор бўлиб хизмат қилди. Айни вақтда истиоравийлик ўзбек шеъриятида янги эстетик дид ва тилнинг туғилишини тақозо этди.

Бунинг натижаси ўлароқ шу давр ўзбек шеъриятида уч адабий йўналиш майдонга келди. ***Биринчи йўналиш*** арузда ҳам, бармоқда ҳам анъанавий шеърий тил ва услубда ижод қилувчи шоирлар (*Н.Нарзуллаев, М.Юсуф, И.Мирзо ва бошқалар*)дан иборат бўлган бўлса, ***икиинчи йўналишни*** янги шеърий эстетика, тил ва услубни изловчи шоирлар (*Р.Парфи, И.Отамурод, А.Қутбиддин, А.Саид ва бошқалар)* ташкил этган. ***Учинчи йўналишга*** мансуб шоирлар (*И.Отамурод, Ф.Афрўз, С.Ашур ва бошқалар*) эса руҳий ҳолатларни ва танлаган мавзулари тақозоси билан гоҳ у, гоҳ бу йўналишда ижод қилиб келмоқдалар.

Достоннависликда лирик достон жанри устувор аҳамиятга молик. Достон жанрида **Т.Низом** бошқа шоирларга қараганда кўпроқ меҳнат қилди (*“Мажнунтол йиғиси”, “Қамчиғ давони”, “Чўлпон”).* Бу даврда улуғ даҳоларнинг ибратли ҳаёти ва ўлмас меросини ўрганишга қаратилган

тадбирлар орасида Алишер Навоийга бўлган муносабат алоҳида аҳамиятга эга. Алишер Навоий ҳаёти ҳақида қатор достонлар ёзилди (*Б.Бойқобилов — “Қонли Хуросон” ва “Сокин Хуросон” (1992)достонлари, “Ҳайрат ул-Аҳрор” шеърий романи*). Шеърий қисса жанрида катта тажриба орттирган О.Матжон эса Алишер Навоий асарларининг бадиий оламини қунт билан ўрганиб, “Қуш йўли”, “Иймон ёғдуси” асарларини китобхонларга ҳавола этди.

Ўзбек адабиётининг бадиий бойлигини, энг аввало, йирик насрий асарлар белгилайди. Халқ ҳаёти ва тарихий ўтмишда рўй берган воқеа-ҳодисаларни гарчанд ҳикоя ва очерк жанрларида тасвирлаш ва бу асарларни китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш осон ва қулай бўлишига қарамай, шу даврда йирик насрий жанрларда ҳам кўплаб асарлар яратилди. Бу даврда Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров сингари тажрибали романнавислар қаторида Муҳаммад Али, Ўткир Хошимов, Омон Мухтор, Тоҳир Малик, Қамчибек Кенжа, Хожиакбар Шайхов, Шойим Бўтаев, Хуршид Дўстмуҳаммадлар ҳам самарали ижод қилдилар.

Бу ёзувчилардан ташқари, ўзбек халқи тарихи билан шуғулланган тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов Амир Темур ва у яшаган тарихий даврни ўрганиб, “Амир Темур” (1995) романини ёзди. Умуман, 90 йиллар адабиётида тарихий ўтмишга мурожаат этиш ва Амир Темур образини яратиш тамойили барча адабий турлар ва жанрларда кўринди.

Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” (1999) тарихий роман трилогиясида ўзбек халқининг XIV асрдаги ҳаёти тасвирланаркан, тарихий ҳодисалар оқимида Амир Темур образининг тадрижий ўсиб бориши, унинг характеридаги адолатпарварлик, ҳалоллик, мардлик ва ватанпарварлик фазилатлари кўрсатилган.

Тарихий ўтмиш мавзусида ёзилган романлар орасида Мирмуҳсиннинг “Турон маликаси”, П.Қодировнинг “Она лочин видоси”, М.Қориевнинг “Абу Али ибн Сино”, “Ғазнавийлар салтанати”, Ў.Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Т.Маликнинг “Шайтанат”, Э.Самандарнинг “Тангри қудуғи”, С.Сиёевнинг “Яссавийнинг сўнгги сафари” каби романлари ўзининг юксак

бадиий савияси билан ажралиб туради. Хайриддин Султонов “Бобурийнома” маърифий асари билан роман жанрининг ҳам бадиий тасвир, ҳам ҳужжатлиликни ўзида мужассамлаштирган янги йўналишга асос солди.

Драматургия. Ўзбек халқининг тарихий тақдирида катта роль ўйнаган, аммо совет даврида қораланиб келинган Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек Мирзо ва Бобур Мирзо каби давлат арбоблари образини яратишга алоҳида эътибор берилди. А.Ориповнинг “Соҳибқирон”, О.Ёқубовнинг “Фотиҳи музаффар ёки бир париваш асири”, Э.Самандарнинг “Аждодлар қиличи”, Х.Давроннинг “Мирзо Улуғбек”, “Бобуршоҳ”, “Аврангзеб”, Ғ.Каримнинг “Турон қоплони” асарлари тарихий ўтмишни тасвирлаш ва буюк ўтмишдошларимиз образини яратишга бағишланган асарлар орасида бадиийлик даражаси билан кескин ажралиб туради.

Шу даврнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй берган муҳим воқеа 30-50 йилларда Ўзбекистонда совет давлати олиб борган қатағон сиёсати, шунингдек, 80 йиллардаги “Пахта иши” қурбонлари хотирасини абадийлаштирилишидир. У.Азим “Кундузсиз кечалар” ва “Адибнинг умри” драмаларида Чўлпон ва Ойбекнинг машаққатли тақдири, Ў.Ҳошимов эса “Қатағон” асарида “Пахта иши” мисолида халқнинг обрўли кишилари тақдирининг мажақланиб ташланиши ва умуман, мустабид совет тузумининг ўзбек халқини бадном этишга қаратилган сиёсий компаниялар моҳиятини очиб ташладилар.

Ўзбек халқига хос ҳазил-мутойиба ва кулгига бўлган майл кўплаб комедияларнинг пайдо бўлишига асос бўлди. Ҳ.Муҳаммаднинг “Хотинлар гапидан чиққан ҳангома” комедияси билан бошланган ижодий жараён Э.Хушвақтовнинг “Чимилдиқ”, “Қаллиқ ўйин”, “Андишали келин” сингари ўнлаб комедиялари билан давом эттирилди.

Театр санъати энди мустақиллик ғоясига хизмат қилиши, буюк аждодларимиз меросининг, неча минг йиллик ўзига хос ноёб маданиятнинг вориси эканлигини англашга ёрдам бериши, ушбу бойликни асраш ва умуминсоний қадриятлар, жаҳон тараққиёти ютуқлари асосида кўпайтиришга

кўмаклашиши, ўсиб келаётган ёш авлодни ундан баҳраманд қилиб, ҳар томонлама камол топган, қатъий ирода ва эътиқодга эга кишилар қилиб тарбиялаши лозим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги (*1998 йил 28 март*), “Ҳамза” номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида”-ги (*2001 йил 21 сентябрь*) Фармонларида, Миллий театрнинг янги биноси очилишида сўзлаган нутқида театр санъати, саҳна ижодкорлари олдида турган ва соҳа истиқболини белгиловчи вазифалар аниқ кўрсатиб берилди.

Театр репертуарларида барча мавзу йўналишларини, ижодда шу кунда мавжуд бўлган барча услуб ва воситаларни кузатиш мумкин. Тарихий мавзуларни ижодий ўзлаштиришда малакали театрлар катта ютуқларни қўлга киритди. Алишер Навоий (1991), Амир Темур (1996), Имом Бухорий (1998), Аҳмад Фарғоний (1998), Жалолиддин Мангуберди (1999) юбилейлари, шунингдек, муқаддас “Авесто” китобининг 2700 йиллиги ва “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги муносабати билан танловлар эълон қилиниб, ўнлаб асарлар театр саҳнасида қўйилди. 1996 йил “Амир Темур: буюклик ва инсонийлик” мавзусида театр санъати фестивали бўлиб ўтди. Намойиш қилинган 10 та спектаклдан Миллий театрнинг “Соҳибқирон” (*А.Орипов*) спектакли тарихий воқеалар теран акс эттирилиши билан ажралиб туради.

Ёқуб Ахмедов, Рихси Иброҳимова, Эркин Комилов, Толиб Каримов, Саидкомил Умаров, Теша Мўминов, Зуҳра Ашурова, Гавҳар Зокирова, Мадина Мухторова, Тоҳир Саидов, Муқаддас Холиқова, Саида Раметова, Раъно Ярашевалар театрнинг етакчи актёрларидир.

Муқимий театрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Ҳар кимки вафо қилса” (*Ҳ.Муҳаммад*) ва “Бобуршоҳ”(*Х.Даврон*) асарлари саҳналаштирилди. Қашқадарё вилоят театрида “Соҳибқирон” (*А.Орипов*), Хоразм вилоят театрида “Жалолиддин Мангуберди” (*Э.Самандар*), “Феруз” (*Комил Аваз*), Сурхондарё вилоят театрида “Собир Термизий” (*Низом Парда*),

Фарғона вилоят театрида “Ал-Фарғоний” (*Й.Сулаймон*) спектакллари саҳнага қўйилди.

Мустақиллик барча соҳалар каби **ранг тасвир санъати** ижодкорларига ҳам жуда катта имкониятлар эшигини очди. Улар бадиий услублари кўлами кенглиги билан ажралиб туради. Академик реализм, декоратизм, миллий романтизм (*франц. — санъат асарларига кўтаринкилик руҳини, ҳис-туйғуларнинг алоҳида жуширишини ифодалайди*), абстракционизм (*лот. — мавҳумлик, номаълумлик, узоқлашиш*) каби усул ва йўналишлар ижодий дунёқарашнинг кенгайишидан далолат беради.

Тасвирий санъатнинг турли соҳалари ривожланишида 1997 йилда Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий рассомчилик ва дизайн институти, Республика бадиий коллежи ва лицей-интернати, барча вилоятлар ва Қорақолпоғистон Республикасида тасвирий ва амалий санъат ўқув юртларидан иборат тармоқ вужудга келди. Бадиий академия ташкил бўлганидан сўнг кўргазмалар фаолияти жадаллашди, ўзбекистонлик рассомлар республика ва халқаро кўргазма, танлов, фестивалларда иштирок этиш имкониятлари кенгайди.

Мамлакатимизда бадиий ижод, тасвирий санъатга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги ЮНЕСКО қарорига биноан халқаро миқёсда Тошкентда ўтказилди. Беҳзод номидаги музейга асос солинди. Юбилейлари халқаро миқёсда нишонланган Алпомиш, Аҳмад ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларга ҳайкаллар ўрнатилди, уларга бағишланган ва юксак санъат асарлари сифатида баҳоланган расмлар ижод қилинди.

Ушбу даврнинг маҳобатли рангтасвир соҳасида Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Аликулов, О.Ҳабибулин, “Санойи-нафиса” гуруҳи, А.Бухорбоев, А.Аҳмедшин, А.Исаев, В.Ган каби рассомлар ёркин асарлар яратди. Б.Жалолов ўзига хос пластика ва ранглар ечимига эга деворий сурат ва намоёнларни ижод қилди: “Туркистон” саройи интеръерида “Умар Хайём

туши”, Ўзбекистон Миллий банки биноси интерьерида “Нимага туғилганимни ҳеч ким айтмади”, Интерконтинентал меҳмонхонасида “Наврўз”, “Афросиёб”, “Тун маъбудаси”, Ўзбекистон тарихи Давлат музейида “Абадият гумбази остида” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Истиқлол туфайли тасвирий санъатнинг бошқа соҳа ва жанрлари ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳайкалтарошликда янги услубий ёндашувлар асосида миллий мустақиллик ғояларига ҳамоҳанг қатор маҳобатли асарлар пайдо бўлди. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкаллари (*И.Жабборов, К.Жабборов*), Чирчиқ (*А.Раҳматуллаев, Л.Рябцев*) ва Тошкентда Алишер Навоий (*Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дегтяров*) ва Мирзо Улуғбек (*А.Раҳматуллаев, Л.Рябцев*) ёдгорликлари, Фарғона ва Қува шаҳарларида Ал-Фарғоний (*И.Жабборов, К.Жабборов*), Термизда Алпомиш (*А.Раҳматуллаев, Қ.Норхўрозов*) бошқа ҳайкаллари қад кўтарди.

Улуғ аждодларимиз қиёфаларини акс эттириш борасида Р.Миртожиев асарлари муҳим ўринга эга. Ҳайкалтарош Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпонларнинг фалсафий мушоҳадаларга бой, ўзига хос пластик ечимга эга ёдгорликларини яратди. Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг қайта очилиши (1992), Темурийлар тарихи Давлат музейининг ташкил этилиши (1996) жараёнида қатор ижодкорлар томонидан тарихий мавзудаги асарлар дунёга келади.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган **мусиқа санъати** ҳам жадал ривож топа бошлади, зеро табиатан санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг кўламли маънавият кўзгусидир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил 31 декабрдаги “Республика мусиқий таълим, маданият ва санъат ўқув юртларининг фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида”ги, 1997 йил 8 февралдаги “Миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997-йил 21 февралдаги Қарори “Ўзбекнаво” ва “Ўзбекрақс” бирлашмаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Ўзбек мумтоз мусиқа ижодиёти ва ижрочилиги соҳасида ўнлаб санъаткорлар — ҳофиз, созанда ва бастакорлар самарали фаолият кўрсатмоқда. Ҳ.Ражабий, М.Йўлчиева, М.Сатторова, М.Тожибоев, Р.Қурбоновлар миллий мумтоз мусиқа ижрочилигига катта ҳисса қўшмоқда. Замонавий миллий йўналишда куйловчи Камолиддин Раҳимов, Шерали Жўраев, Мухриддин Холиқов Ғуломжон Ёқубов, эстрада хонандалари — Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, Озодбек Назарбеков, опера солисти Муяссар Раззоқова, мусиқашунослар Тўхтасин Ғофурбеков, Отаназар Матёқубов, Оқил Иброҳимовларнинг ижоди таҳсинга сазовор бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарияти қўшиқчилик санъатидан мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда ҳам унумли фойдаланишга эътиборни кучайтирди. Шу мақсадда 1995 йил декабр ойида “Ўзбекистон — Ватаним маним” мавзусидаги қўшиқлар кўрик-танлови эълон қилинди. Танлов натижасида юзлаб янги қўшиқлар яратилди, у халқ орасидан кўплаб истеъдодли санъаткорлар чиқишига сабаб бўлди. “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўшик-танловининг 1996 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи босқичида 54 мингдан ортиқ ҳаваскор ва санъаткорлар иштирок этиб, 10 мингдан ортиқ янги мусиқий асарлар яратилди.

Буларнинг барчасини эътиборга олиб, 1996 йил августда “Ўзбекистон — Ватаним маним” қўшиқ байрами тўғрисида Президентимизнинг махсус Фармони эълон қилинди. Фармонда фуқаролар қалбида муқаддас Ватан туйғусини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имконият яратиш мақсадида, ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси “Ўзбекистон — Ватаним маним” қўшиқ байрами куни, деб белгилаб қўйилди.

Дунёни куй, қўшиқсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Акс ҳолда, қалбларимизни мудҳиш бир сукунат эзиб юборган бўларди. Табиатдаги ҳамма нарсада хониш бор: қушлар чуғури, ёмғирнинг шивалаб ёғиши, баргларнинг шитирлаши... Мусиқа эса, бутунлай бошқа бир дунё, унда ёмғир шивири, сувнинг шовиллашини ҳам куй ёрдамида акс эттириш мумкин. Мусиқанинг

киши руҳий ҳолатига таъсири беқиёс. Уни худди атиргул ифоридан пайдо бўлган ҳисга қиёслаш мумкин, зеро, ҳид ҳам товушсиз мусиқадир, дея таърифлаган эди улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий.

Шунингдек, мусиқада даврнинг муҳим чизгилари ўз аксини топади. Шу боис мусиқа санъати эришган ютуқларга қараб, маълум бир даврда инсоният қозонган муваффақиятлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги кунда инсонга руҳий мадад бериш, уни маънавий жиҳатдан тарбиялаш воситаси бўлган мусиқа санъати ривожига юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Санъат, айниқса, мусиқа санъати қалбга маънавий, эстетик завқ беради, ёшларнинг маънавий, руҳий эҳтиёжини қондиради. Чунки, санъат инсоннинг ҳиссиётлари ва туйғулар оламига кириб боради ва уни бойитади, оптимизм — ижодкорликка чорлайди.

Бу фикрни Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида: “Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”[1],— деб кўрсатган.

Санъат нафақат маданий хордиқ беради, балки кишиларни руҳлантириб, куч-қувват бахш этиб, орзу-мақсадлар сари етаклайди, агар етук билим соҳиблари томонидан яратилган санъат асарлари ўзининг хадди аълосига кўтарилса, мусиқа нафақат куйловчи ҳиссиёт, балки куйловчи ғояга айланади.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, “Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта, бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди.... Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакиллари томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади”[2].

1997 йил 11 мартда қабул қилинган республика ҳукуматининг “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг ўтказиш тўғрисида”ги Қарори

[1]Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч, –Тошкент, Маънавият, 2008., 141-бет.
[2]Ўша асар, 140-бет.

мусиқа санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, ривожлантиришда дастурамал бўлиб хизмат қилди. 1997 йил августда Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” биринчи халқаро фестивалида дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан ижрочилар, санъатшунослар, жамоат арбоблари иштирок этди, фестивалда янграган ўзбек оҳанглари, куй-қўшиқлари жаҳон узра таралди. Ҳар икки йилда Самарқандда “Шарқ тароналари” халқаро фестивалини ўтказиш анъана тусини олди.

14.4. Меъморлик ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқлар

Истиқлолнинг ҳар бир йили мамлакатимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, халқимиз эришаётган оламшумул ютуқлар, эзгулик ва шодумонлик, тараққиёт ва фаравонлик йили сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий корхоналар, турар жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, равон йўллар ва кўприкларни кўриб кўз қувнайди, дилларда шукроналик, ғурур ҳисси ортади.

Инсоният тарақиётига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси” дея эътироф этилган, халқимизнинг ифтихори бўлмиш Тошкент шаҳри ўзгача чирой, ўзгача маҳобат касб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари азим шаҳримизни замонавий мегаполисга айлантирди. Истиқлол йилларида Тошкент нафақат мамлакатимиздаги, балки бутун минтақадаги йирик ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий марказ сифатида обрў-эътибор қозонди.

Истиқлол даврининг қалдирғочлари сифатида Олий Мажлис, Оқсарой қароргоҳи, Туркистон саройи, Миллий банк, Интерконтинентал, Марказий меҳмонхона, Ўзбекистон тасвирий санъат галерияси, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон консерваториясининг янги кашонаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Симпозиумлар саройи, Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройи барпо этилди. Мустақиллик даврида маданият ва истироҳат боғлари махсус лойиҳа асосида қайта таъмирланди (*Тошкентдаги Мирзо Улуғбек, Ғофур Ғулом, Андижондаги Алишер Навоий, Фарғонадаги Аҳмад ал-Фарғоний,*

Самарқанддаги Марказий маданият ва истироҳат боғи), янгилари яратилди (*Хоразмда "Авесто" боғи, Бухорода, Наманганда, Қаршида ва бошқа вилоят марказларида, хусусан, пойтахтда Ўзбекистон миллий боғи, "Тошкент-ленд" аквапарки, ҳайвонот боғи).*

Буларда иқлими, манзараси, шаҳарсозлик ва иқтисодий шароити ҳисобга олиниб, қадимги миллий анъаналарни ривожлантирган ҳолда манзарали ва мевали дарахзорлар, гулзорлар, сунъий ҳавзалар, канал ва фавворалар, серсоя сўлим хиёбонлар барпо этилди. Маданият ва истироҳат боғларида (*жами 100 дан ортиқ*) аҳолининг табиат билан бевосита муносабатда бўлиши шаклида, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, кўнгилли ҳордиқ чиқаришига имкониятлар яратилган, маданий-оммавий тадбирлар, профессионал, миллий ва умумхалқ байрамлари ўтказилмоқда.

"Туркистон" санъат саройининг тантанали очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов меъморий келажак орзуларини шундай ифода этди: "...юртимизнинг ҳамма ерида меъморчилик ишлари бирдек ривож топишини, ҳар бир вилоят марказида "Туркистон" саройидек муҳташам саройлар бўлишини истар эдим. Токи, юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин, боғ-роғлар қолсин, қалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи биздан олис авлодларга озод ва обод ватан қолсин!"[1].

Мазкур башоратли сўзлар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли меъморий бунёдкорлик ишларида ўз ижобий тасдиғини топди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида янги кўринишдаги бинолар қурилди ва қурилмоқда, касб-ҳунар коллежлари, жисмоний тарбия марказлари учун бежирим биноларни барпо этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. (*Тошкентдаги Юнусобод теннис корти, "Жар" спорт мажмуаси, "Бунёдкор" стадиони ва бошқалар).*Ўзбек халқининг тарихий хотираси ва қадриятларини тиклаш йўлида ҳам муҳим меъморий тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, Имом ал–

[1]Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин! Асарлар тўплами, 2-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 38-бет.

Бухорий ҳазратлари таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан 1998 йилда Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғида янги лойиҳа асосида улкан меъморий мажмуа-мақбара, масжид, идора, кутубхоналарнинг тикланиши дунёдаги мусулмонлар томонидан ғоят миннатдорлик ва катта олқиш билан кутиб олинди. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Қува ва Фарғона шаҳарларида алломанинг ҳайкаллари ўрнатилди ва сайилгоҳ-боғлар барпо этилди. Самарқандда Имом Мотуридий хотирасига бағишланган меъморий ёдгорлик тикланди. Марғилон шаҳрида Бурҳониддин Марғиноний хотирасига меъморий мажмуа, Урганчда ўрнатилган Жалолиддин Мангуберди ҳайкали ва “Авесто” меъморий ёдгорлиги атрофида боғлар бунёд этилди. Тошкентда “Шаҳидлар хотираси хиёбони” ташкил қилиниб, у ердаги меъморий музей ва боғ муқаддас зиёратгоҳга айланди. Мамлакатимизда яна кўплаб улуғ аждодларимиз, дунёга машҳур алломаларга бағишланган ҳайкал-меъморий мажмуалар қад кўтармоқда.

Халқимизнинг узоқ йиллар кутган орзу-армонлари ва эзгу мақсадларини ифодалайдиган рамзи бўлмиш Мустақиллик ва эзгулик монументи истиқлолнинг дастлабки йилларида мустақиллик майдонида бунёд этилган бўлиб, у Мустақиллик тимсолидир. Унда Ўзбекистон Республикаси харитасининг тасвири акс эттирилган. 2005 йилнинг декабрь ойида Мустақиллик монументи мажмуасига туташ ҳолда қўлида фарзандини ушлаб ўтирган Бахтиёр она ҳайкали — эзгулик монументи ўрнатилди. Юртбошимиз ташаббуси билан дунёга келган бу икки меъморий — бадиий мажмуага **Мустақиллик** ва **Эзгулик монументи** деб ном берилди. Мустақиллик ва эзгулик монументи халқимизга хос бўлган эзгу фазилатлар — тинчликсеварлик, бағрикенглик, болажонлик, меҳр-оқибат, самимийлик ва одамийлик хусусиятларини намоён қилиб турибди.

Мустақиллик майдонига кираверишда Мустақиллик ва Эзгулик монументи билан яхлит ансамблни ташкил этувчи **Эзгулик аркаси** бунёд этилди. Мустақиллик ва эзгулик аркаси оқ рангдаги узун ва кенг йўлак билан туташган бўлиб, бу рамзий маънода оқ поёндозни билдиради. Эзгулик

аркасининг узунлиги 150 метр, асосий пештоқларининг баландлиги 12 метр, ён томондаги устунларининг баландлиги 10 метр бўлиб, жами 16 та оқ мармардан ишланган устунлардан иборат. Мазкур баланд ва бақувват устунлар мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдеворидан дарак беради. Марказий устунда **Ер шари** тасвири ўрнатилган, ер шари устида эса кўкка интилаётган турналар ишланган. Ер шари узра парвоз қилаётган турналар тинчлик ва эзгулик, бахт-саодат рамзини ифода этади.

Меъморий мерос обидаларини авайлаб-асраш, таъмир этиш соҳаларида замон талабларига муносиб мурккаб ва нисбатан анча қийин вазифаларни бажарадиган давр эндигина келди. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ёдгорликларга бой шаҳарларнинг қадимги марказлари меъморий кўрк тарзида ЮНЕСКОнинг **жаҳон маданий мероси** рўйхатига киритилгани соҳа мутахассислари олдига ниҳоятда масъулиятли вазифаларни кўндаланг қўйган.

Ўзбекистон ўзининг бой маданий анъаналари ва жаҳон маданияти жараёнларидаги фаол иштироки туфайли унинг халқаро миқёсдаги мавқеи тобора ошмоқда. Бунинг мисоли 1993 йилда ЮНЕСКО аъзолигига Ўзбекистоннинг қабул қилиниши ва 1998 йил Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155 сессиясининг якуний йиғилишини ўтказилишидир. Унда Ўзбекистоннинг таклифи билан “Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатларидаги фаолияти” тўғрисида ҳужжат қабул қилинди. Жаҳон маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланган миллий маданий меросни асраш, ўзаро муносабатларини янада кенгайтириш тизимини такомиллаштиришдир. Маълумки, ЮНЕСКО таълим, фан ва маданият соҳасида инсоният ақл-заковати эришган ютуқларни дунё бўйлаб ёйишдан иборат. Мамлакатимиз дунё цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган юрт сифатида машҳурдир.

“Туркистон” саройи — биноси (*1992, меъморлари Ю.Халдеев ва Ф,Турсунов*), кейинчалик ёзги театр саҳнаси (*1993, меъмори В.Акопжанян*)да халқ анъанавий байрамлари, театрлаштирилган томошалар ўтказишга мўлжалланган. Бино олдидаги кенг саҳнали майдонча кўкаламзорлаштирилган бўлиб, уч поғонали, мармар билан қопланган фавворалар ишланган ҳамда Хумо

қуши тасвири туширилган (*рассом Б.Жалилов эскизи*) ёдгорлик ўрнатилган. Бош қисми муқарнас безакли. Вестибюлга кираверишда Туркистоннинг тарихий шаҳарлари панорамаси ҳаво рангда, баъзи қисмлари сариқ рангда акс эттирилган. Йирик-йирик қилиб тахланган қизил мармар тош, сирли сапол идишлар, ўсимликлар билан уйғунлаштирилган ҳолда фойенинг чап қанотида дам олиш бурчаги ташкил қилинган. Иккинчи қавват вестибюль ён ойнасидан Б.Жалоловнинг "Умар Ҳаём тушлари" асари ўрин олган. Томоша зали муқарнаслар, ганчкори безаклар, тухумсимон гумбаз ва кундал нақшлар билан пардозланган.

Интерконтинентал — Ўзбекистондаги биринчи беш юлдузли меҳмонхона. Миллий ва энг замонавий меъморий услубда қурилган (*1996, бош меъмор А.Тўхтаев*). Интерконтинентал 16 қаватли ва 246 хонадан иборат. Қурилишда 27 хорижий фирма иштирок этган. Бош пудратчи Туркиянинг "Юксак Инмаат" фирмаси, қурилишни "Айсел" корхонаси амалга оширган. Ички безак ва жиҳозлари Американинг "Греханд" компанияси томонидан бажарилган. Фойеси ўзбекона уйлардаги каби ички ҳовлили, кичик фавворага рақс тушаётган шарқ гўзали ҳайкалчаси ўрнатилган.

Амир Темур номидаги конференция залидаги жиҳозлар классик жиҳатдан оддий, Б.Жалоловнинг "Тун маъбудаси" ва "Афросиёб" номли композициялари нақшлар билан уйғунлаштирилган. Бинони ташқи томондан безашда Италия гранитларидан фойдаланилган. Устунлардаги шер акси туширилган мармарлар Африкадан келтирилган. Меҳмонхона атрофидаги маданий соғломлаштириш, бизнес ва савдо марказлари, Миллий банк биноси, "Тошкент-ленд" (*сунъий кўл ва хиёбон*) боғ-кўли билан узвий боғланган.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси — ўзбек халқининг бой бадиий меросини сақлаш, тасвирий санъат асарларини тўплаш ва ютуқларини тарғиб қилишга қаратилган маданий-маърифий муассаса. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрь "Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки галереясини ташкил қилиш тўғрисида"ги Қарорига биноан асос солинган (*бош меъмори В.Н.Бреусенко: бош муҳандиси Г.В.Костина*).

Тўртбурчак тарҳли бино меъморликнинг энг сўнгги ютуқларини қўллаган ҳолда бунёд этилган. Галереяда 15 та кўргазма хонаси (*умумий экспозиция майдони 3.5 минг квадрат метр*), зарур техника ускуналари билан жиҳозланган мажлислар зали ҳамда хазина, маъруза ва кино заллари, кутубхона, моҳир уста студияси, бадиий салон бор.

Ўзбек миллий академик драма театри биноси 2001 йилда замонавий талабларга жавоб берадиган қилиб қайта таъмирланди. Таъмирдан сўнг бино бутунлай янги қиёфага эга бўлди. Бош тарзи устунлардан ташкил топган, пештоқи эгик ёй шаклида. Фойе ва зали оғир қурилмалардан халос этилди: фойе шифтига нақшинкор безакли гумбаз, томоша залининг шифтига эса осмонда сузиб юрган булутлар тасвирланган осма гумбаз ишланган, унинг атрофи гул япроқларини эслатувчи қандиллар билан ҳошияланган. Зал деворлари ганчкорлик усулида дарпардалар кўринишида безатилиб, оралиқларига бир маромда такрорланувчи зарҳалланган кўк кошинкори вертикал йўллар ишланган. Катта (*540 ўринли*) ва кичик (*110*) залдаги ўриндиқ, фойе ва зинанинг ёғоч тўсиқлари Италиядан келтирилган.

Темурийлар тарихи Давлат музейи 1996 йилда бунёд этилган. Музей биноси ўрта аср меъморлиги анъаналари асосида айлана тарзли, томи гумбазли қилиб, махсус темир-бетондан яхлит супа устига қурилган. Бино 3 қаватли, баландлиги 31 метр (*диаметри — ташқи томони 70 метр, ичкиси 50 метр*). Девор юзасини пардозлашда ганч, мармар ва сапол кошинлар ишлатилган. Атрофи пешайвонли, қатор устунли (20 та, баландлиги 10 метр, муқарнас бошали, пойустуни кулранг мармардан ишланган), турунижлари сиркори сопол билан безатилган, бинонинг ташқи девори юзасида “сулс” услубида инсонни яхшиликка ундовчи сўзлар битилган.

Халқаро анжуманлар саройи 300 ўринли мажлислар, 300 ўринли қабуллар ва 1800 ўринли анжуманлар залига эга. Амир Темур хиёбони меъморий ансамблининг дурдонасига айланган мазкур сарой ўз махобати, бетакрор тархи, замонавий ландшафт дизайни билан Тошкент шаҳри чиройига

чирой қўшди. Бу ерда йирик халқаро анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари ғояси асосида бунёд этилган мазкур муҳташам сарой ўзида миллий ва замонавий меъморлик услубларини мужассам этган. Ушбу сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мармар устунлар, диаметри 53 метрлик гумбаз меъморлик бобида ҳам дунё аҳлини лол қолдирган аждодларимизнинг асрий анъаналари бардавом эканидан далолатдир.

Дунё миқёсида бундай заллар барпо этишда икки жиҳатга алоҳида эътибор берилади. Биринчидан, залда ўтирганлар саҳнадаги ҳар бир ҳолатни тўлиқ кузата олиши керак. Бунда залнинг олди ёки орқа қаторида, маркази ёки чеккасида ўтирган одам учун бир хил қулайлик яратилиши зарур. Худди шундай шароит анжуманлар саройи залида мужассам. Ярим доира шаклидаги саҳна залнинг ҳамма нуқтасидан яққол кўзга ташланиб туради. Талаб этиладиган иккинчи жиҳат шуки, залдаги ҳар бир томошабинга овоз ва мусиқа бир маромда етиб бориши зарур.

Иккинчи қаватдаги фоега пиллапоялар ёки эскалатор орқали кўтарилиш мумкин. Пиллапоядаги безакли панжара жаҳон меъморлигида ноёб топилма. Бир замонлар мана шундай панжаралар Темурий подшоҳларнинг саройларини безаб турган. У такомил топган ва замонавий кўриниш касб этган ҳолда анжуманлар саройида кенг қўлланилди.

Фоенинг устки қисми саройнинг тепасига қадар очиқ бўлгани ва биринчи қаватдаги фое билан узвий боғланиб кетгани учун унда самовий кенглик ҳосил бўлган. Полдаги безак ва шаклларда, деворий дизайнда бетакрор бир гўзаллик мужассам. Булар барчаси инсон руҳиятига осойиш ва сокинлик, хушвақтлик ва самовий ҳиссиёт бағишлайди.

Бинонинг юқори қисмидаги мармар пештоқ ва муқарнаслар ҳам инсонни ҳайратга солади. Меъморликда шу пайтгача ёғочдан, ганчдан ва пишиқ ғиштдан ишланган муқарнаслар мавжуд эди. Мармардан муқарнас яратиш эса бу соҳада янгиликдир.

Саройнинг 4 та бурчагида қуёш фонидаги шер тасвири бўлиб, у аждодлар меросига эҳтиром рамзи. Тарихий тотемистик қадрият — Қуёш ва шер тимсоли ранг-баранг тошлардан териб яратилган. Мусаввирона нозик санъат намунаси бўлган бу тасвир аждодлар йўлида собит эканимизни англатади.

Бинонинг маҳобатли гумбази устидаги бир жуфт лайлак эса тинчлик, осойишталик ва фаравонлик рамзи. Гумбаз усти поклик ва мусаффоликни ифода этувчи рангда. Халқимиз бу рангни илоҳий бунёдкорлик тимсоли деб билади. Тинчлик ва осойишталикка ошуфта лайлаклар эса мана шундай оппоқ кенгликларда, гумбазлар устида ошён қуришган. Шу сабабли бу сарой муайян маънода она юрт рамзи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимиз марказида бунёд этилган **“Маърифат маркази”** халқимиз учун муносиб туҳфа бўлди. Ушбу замонавий муҳташам бинодан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган. Ушбу улкан кошона истиқлол йилларида пойтахтимиз марказида барпо этилган. Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Пойтахт Бизнес маркази каби бетакрор иншоотларга ҳамоҳанг тарзда яхлит композицияни ташкил қилган. Ватанимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига туташ ушбу ҳудуд бетакрор ландшафт дизайни билан ғоят гўзал қиёфа касб этган.

Йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар ўтказиладиган маҳобатли сарой ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам ноёб ҳисобланади. Мазкур муҳташам сарой ўзида миллий меъморлик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган. Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мармар устунлар, мовий гумбаз меъморлик бобида ҳам жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган аждодларимизнинг асрий анъаналари давом этаётганидан далолатдир.

Ушбу мажмуа миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ички ва ташқи безаклари ўз кучимиз, моҳир уста, қурувчи ва мутахассисларимизнинг меҳнати

билан бунёд этилгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари бундай бетакрор бино ва иншоотларни барпо этишга эришаётганимиз Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш ва бунёдкорлик борасида ҳам тобора юксалиб бораётганининг яққол исботи эканини алоҳида қайд этди. Симпозиумлар саройининг 1000 ўринли катта зали ўз салобати ва маҳобати билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Меъморий ечимига кўра дунё тажрибасида ҳали учрамаган гумбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дераза залда кун давомида табиий ёруғликни таъминлайди.

Ўзбекистон миллий боғи мамлакат миқёсидаги энг йирик маданият ва истироҳат боғи. Тошкент шаҳрининг марказий қисмида жойлашган; майдони 69 гектар. 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги тантаналари муносабати билан бунёд этилган. Мажмуа марказида фавворали айлана ҳовуз, амфитеатр шаклидаги томошабинлар жойлари ва саҳна, каналлар устидаги кўприклар ва тепаликда ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкали, амфитеатрнинг икки ёнида Олий Мажлис ва Навруз бинолари жойлашган. Миллий боғнинг янги қисми шарқона “Чорбоғ” услубида лойиҳаланган, мунтазам тартибли кенг ва шинам йўлаклардан иборат мумтоз композицияга эга. Худуддаги табиий паст-баландликлардан оқилона фойдаланиб сўлим маскан, ажойиб манзара яратилган.

Боғнинг муҳим таркибий қисми Алишер Навоий мемориал мажмуидир (*меъморлар: В,Акопжанян, Д.Латипов; ҳайкалтарошлар: Э.Алиев, Н. Бандзеладзе, В.Дегтяров*). Боғнинг тепалик қисмидаги айвон (ротонда) анъанавий услубда ишланган: устунларга ўрнатилган феруза гумбаз, унинг остида Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали қад кўтарган; пойгумбаз муқарнаслар билан, гумбаз ичи ганчкорлик билан безатилиб, шоирнинг тинчлик ва эзгуликни мадҳ этувчи қуйидаги мисралари битилган:

Олам эли, билингизким, иш эмас, душманлиғ,

Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.

Мемориал мажмуага мармар зиналар орқали чиқилади. Миллий боғдаги сув ҳавзалари, боғдан оқиб ўтган каналлар, фавворалар, кўкаламзорлар (*терак, акация, арча, қарағай, тут, чинор, майсазор ва гулзорлар*) хушманзара кўринишга эга, Миллий боғ Тошкент шаҳрининг энг гўзал ва сўлим масканларидан бўлиб, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун қулайликлар яратилган; боғда Наврўз ва Мустақиллик байрамларининг бош тантаналари ҳамда халқ сайллари ўтказилади, турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи — Ўзбекистон ФАнинг йирик илмий-тадқиқот ва маданий маърифий муассасаларидан бири. 1992 йил 21 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасанинг 203 сонли Қарорига мувофиқ, бир неча музейларни бирлаштириш асосида ҳозирги номи билан қайта ташкил этилди.

Мурабба тарҳли, 20 та зал (*умумий экспозиция майдони 3.2 минг квадрат метр*). Анъанавий панжара услубида ишланган, қуёш нуридан сақловчи тўсиқлар оддий геометрик шаклда бинога жозибадорлик бахш этган; кенг йўлка (*пандус*) бино олди майдонига олиб бориб, 2 қават вестибюли билан боғланади. Бино интеръери миллий анъаналарда зийнатланган, таъмирлаш даврида маҳобатли деворий расмлар билан безатилган.

Музей Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқларининг моддий ва маънавий обидаларини сақлаш ва ўрганиш бўйича мамлакатда йирик илмий-тадқиқот маркази ҳисобланади. Ҳозирги кунда унинг захирасида 250 мингга яқин тарихий, санъат ва маданият ёдгорликларидан иборат осори атиқалар сақланади. Бунинг 60 мингдан ортиғини археология, 80 мингдан зиёдини нумизматика ва 16 мингдан кўпроғини этнографик ёдгорликлари ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифа этиб белгиланди. 1992 йилда (*2000 йилда янги таҳрирда*) “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, 1993 йилда “Соғлом авлод” давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, Вазирлар Маҳкамасининг спортнинг алоҳида турлари

(*футбол, теннис, кураш*)ни ривожлантиришга оид Қарорлари, хусусан 1999 йилда “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Халқаро Олимпия қўмитаси уюштира бошлаган Марказий Осиё ўйинларининг биринчиси 1995 йилда Тошкентда ўтказилди. Бу мусобақа ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар юқори баҳоланди. 1996 йилнинг 6 февралида соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, Олимпия ғояларини ривожлантиришдаги беқиёс хизматлари учун Президентимиз Ислом Каримовга Лозанна (*Швейцария*)да Халқаро Олимпия қўмитасининг олтин ордени топширилди. Бу орден намунаси 1996 йилда очилган Олимпия шон-шуҳрати музейидан жой олди.

1996 йилдан Ўзбекистонда профессионал спорт ҳам ривожлана бошлади. Ҳаваскор боксчилар ўртасида юқори натижаларга эришган Артур Григорян профессионал **боксчилар** ўртасида жаҳон чемпиони бўлди.. 1996-2002 йиллар давомида у юксак унвонни 18 марта муносиб ҳимоя қилди. Фарҳод Бакиров, Темур Ибрагимов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев каби профессионал боксчилар ҳам муваффақият қозонишди.

Жаҳон чемпионатларида ҳам мамлакатимиз спортчилари юксак ғалабаларга эришиб келаяпти. Боксда Руслан Чагаев (1997, 2001), эркин курашда Дилшод Мансуров (2003, 2005) ва Абдулла Тангриев (2005, *икки вазнда*) 2 мартадан, муайтайда Еркинбой Қутибоев 5 карра (1995, 1997, 1998, 2002, 2004), кикбоксингда Олмос Юсупов 4 карра (1995, 1997, 2000, 2002) жаҳон чемпиони бўлишди. 2004 йил Рустам Қосимжонов Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) таснифи бўйича 17 чи жаҳон чемпиони бўлди.

Ўзбекистонда қатор замонавий спорт иншоотлари (*Тошкентда “Ўзбекистон”, “Жар”,”Бунёдкор”, Наманганда “Паҳлавон”, Термизда “Алпомиш”, Урганчда “Паҳлавон Маҳмуд”, Чирчиқда “Олимпия заҳиралари манежи” спорт мажмуаси*) барпо этилди.

Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, ўқувчи ва талаба-ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортдан самарали фойдаланиш давлат дастурларида, меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ватанимизда ёш авлоднинг саломатлиги ҳақида доимий ғамхўрлик қилинмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири-узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этишдир.

2003 йил 3 июнда Вазирлар Маҳкамаси "Ўқувчи ва талабаларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги 244 сонли Қарорини қабул қилди ва унга кўра спорт мусобақаларини уч босқичда ўтказиб бориш белгилаб қўйилди. Унга биноан, мамлакатимизда болалар ва ёшлар ўртасида ўтказилаётган, жаҳон эътирофига сазовор бўлган уч босқичли спорт мусобақалари тизимининг биринчи босқичи I-IX синф ўқувчиларини қамраб олган ***"Умид ниҳоллари",*** иккинчи босқич касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари иштирок этадиган ***"Баркамол авлод",*** учинчи босқич — олий ўқув юртлари талабаларининг ***"Универсиада"*** баҳслари ўтказилиши кўзда тутилди. Уч босқичли бу спорт ўйинлари дунёда беқиёс саналади. Ватанимиз спортининг кенг ривожланиши туфайли ёшларимиз орасида довруғи республикамизда ва халқаро миқёсда кенг танилган спортчилар етишиб чиқмоқда ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ёшларни жисмонан чиниққан, мард, билимли, қатъиятли, Она Ватанни ҳимоя қила оладиган авлод сифатида камол топтириш учун уларнинг жисмонан ривожланишига хизмат қиладиган масканларни барпо этиш ва ривожлантириш талаб этилади. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш борасида катта ишлар қилинаётгани ёшларимиз олдида кенг имкониятлар очилишига асос

бўлди. Айтиш жоизки, истиқлол йилларида бу соҳага алоҳида эътибор берилиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Жаҳон эътирофига сазовор бўлган уч босқичли — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” республика спорт мусобақалари орқали болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг оммавийлиги таъминланди. Ёш спортчиларимиз республика ва халқаро спорт мусобақаларида мувоффақиятли иштирок этиб, 3518 та медални қўлга киритди. Уларнинг 1114 таси олтин, 1013таси кумуш, 1391 таси бронза медалларидир. 30 дан ортиқ хорижий давлатда 156 та турли халқаро мусобақа, спорт фестиваллари ва ўқув-йиғин машғулотларида 1691 нафар юртимиз вакиллари иштирок этди.

Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Менкова, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан “Универсиада” мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум.

Хулоса қилиб айтганда узоқ минг йилликлар шундан далолат берадики, ўзбек миллий давлатчилик тарихи энг аввало маънавий-маърифатнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлиги билан боғлиқ бўлган. Ушбу азалий анъанага мустақиллик йилларида алоҳида эътибор берилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий маданиятитмизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди.

Миллий педагогик тафаккур таъсирида таълимни соғломлаштириш жараёни бошланди. Узоқ вақт мобайнида ташқи дунёдан узиб қўйилган, ўзга мамлакатлар тарихий тажрибасидан ҳам, миллий маърифий-педагогик меросдан ҳам баҳраманд бўлмаган миллий педагогикамиз жаҳон майдонига чиқди. Эришилган натижаларни ўзгаларники билан қиёслаш, бошқалардаги ижобий натижаларни ўзлаштириш имкони пайдо бўлди.

Мамлакатнинг маданий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар шу давр адабиёти, театр санъати, ранг тасвир ижодкорлиги соҳаларига кенг имкониятлар эшиги очилди. Шунингдек, истиқлолнинг ҳар бир йили

мамлакатимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, халқимиз эришаётган оламшумул ютуқлар, эзгулик ва шодумонлик, тараққиёт ва фаравонлик йилисифатида зарҳал ҳарифлар билан битилмоқда.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Жамият маънавияти деганда нималарни тушунасиз?
2. Нима учун маънавий мерос устувор вазифа этиб белгиланди?
3. Тарихий хотирани тиклаш деганда нимани тушунасиз?
4. Қайси шаҳарларимизнинг юбилейлари нишонланди?
5. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлиги қачон барпо этилди?
6. “Қатоғон қурбонлари музейи” ҳақида нималарни биласиз?
7. Бадиий адабиётнинг ривожига ҳисса қўшган адиблардан кимларни биласиз?
8. Ўзбекистон халқ рассомларидан кимларни биласиз?
9. “Ўзбекистон-Ватан маним” қўшиқлар байрами ҳақида нималарни биласиз?
10. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ҳақида сўзлаб беринг?
11. Мустақиллик йилларида қандай йирик бинолар қурилди?

Глоссарий

1. Аббат – католик черковида фахрий унвон. V асрдан бошлаб фақат эркаклар монастрлари раҳбарларига берилган ва черков мансабдори унвони ҳисобланган.

2. Аккультурация – маданиятларнинг бир-бирига таъсири, бир халқ томонидан бошқа халқ маданиятининг тўлиқ ёки қисман қабул қилиниши.

3. Акрополь – юнон шаҳарларининг муҳофазаланган ва баландликка жойлашган қисми, юқори шаҳар.

4. Амиша спанта – зардуштийликда бош худо Аҳурамазданинг яқин хизматчилари бўлган етти худо. Амиша спанта таркибига Воху Мана (эзгу уй), Аша Ваҳишта (олий ҳақиқат), Кшатра Вайръя (илоҳий ҳокимият). Спента Армайти (муқаддас итоат), Хаурватат (яхлитлик), Амертат (барҳаётлик), Сраяша (буйсуниш), Спента –Майнъю (муқаддас руҳ)лар киради.

5. Амфитеатр – қадимги Юнонистон ва Римда оммавий томошалар, театр спектакллари кўрсатиладиган маҳобатли бино: унинг томошабинлар учун мулжалланган қатор-қатор ўриндиқлари пастдан юқорига зина шаклида кўтарилиб боради. Амфитеатрда арклар, устунлар ва улар орасида гумбазли галереялар бўлган.

6. Антик адабиёт – Юнонистонда юзага келган ёзма адабиёт (мил.ав. IX-VIII асрлар). Бу адабиётнинг илк намунаси “Илиада” ва “Адиссия” достонлари бўлиб, улар “Гомер достонлари” деб ҳам аталади. Гомердан ташқари Эсхил, Софокл, Еврипидлар ҳам антик адабиётнинг йирик намояндаларидир. Юнонистон ва қадимги Рим адабиётини антик адабиёт деб қабул қилиш бир ёқлама фикр. Чунки ёзма адабиётнинг энг қадимги намуналари Шарқда, Шумер ва Аккадда, Ҳиндистон, Мисрда яратилган. Шумерликларнинг Гилгамеш ҳақидаги достони юнон адабиётидан 2000 йиллар илгари сополга ёзиб қолдирилган.

7. Аристократия – иқтисодий ҳукмрон синф, зодогонларнинг сиёсий ҳокимияти, ҳукмронлиги. Платон, Аристотеллар томонидан қулдорлик давлат тизимини идора этиш воситаси сифатида ишлаб чиқилган.

8. Арс нова – XIV аср италъян ва фанцуз мусиқасидаги ижодий илғор йўналиши. Фақат черков мусиқаси жанрларидан фойдаланишдан воз кечиб, дунёвий вокал-чолғу мусиқа жанрларини профессионаллик даражасига кўтарган, фольклор билан яқинлашиб, турли мусиқа асбобларини кенг қўллаган.

9. Астрология – юлдузлар ҳақида тушунча, юлдуз илми, мунажжимлик, илми нужум: қадим замонларда ва ўрта асрларда юлдузларнинг жойлашишига қараб одамларнинг тақдирини, ердаги воқеаларни олдиндан айтиб бериш, фол очиш билан шуғулланган сохта фан.

10. Астролябия – XVIII асргача астрономияда кенглик ва узунликни аниқлашга, шунингдек, ер улчаш ишларида ётиқ бурчакларни ўлчашга хизмат қилган бурчак ўлчаш асбоби.

11. Аутодафе – Испания ва Португалияда инквизиция ҳукмининг тантанали эълон қилиши, шунингдек, шу ҳукм ижроси (асосан, омма олдида гулханда ёқиш).

12. Афина тарбияси – мил.ав. VII-V асрларда Афинада болалар ва ўсмирлар тарбияси тизими. 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар грамматика мактаби, кифарачилар ва палестра мактабида ўқитилган. Маънавий тарбия гимнастик тарбия билан қўшиб олиб борилган. Жисмоний меҳнат билан шуғулланишга йўл қўйилмаган.

13. Барокко – XVI аср охири - XVIII аср ўрталарида Европа ва Америка санъатидаги асосий услублардан бири. Европада миллат ва миллий давлатлар жадал шаклланаётган даврда уйғониш даври бадиий маданияти ва субъектив ҳис-туйғуларни ифодаловчи манъеризм ўрнига вужудга келди. Аристократия ва черков билан боғлиқ бўлган Барокко санъати уларнинг шон-шуҳратини оширишга ҳамда тарғиб этишга қаратилганди. Барокко санъатига антифеодал чиқишлар, миллий озодлик ҳаракатлари ўз таъсирини кўрсатиб, унга демократик исёнкорлик руҳини киритди. Барокко услубида қурилган меъморий мажмуалар фазовий ечими, майда меъморий безакларга мўллиги ва ягона ғояга бўйсуниши билан ажралиб туради.

14. Библия – таврот яҳудийлар ва христианларнинг муқаддас китоби; Библия икки қисмга – Таврот ва Инжилга бўлинади. Таврот қадимги яҳудий тилида ёзилган бўлиб, яҳудий ва христианлар томонидан эътироф этилади. Инжил юнон тилида ёзилган бўлиб, у фақат христианлар томонидан эътироф этилади.

15. Будда (санскр, хотиржам, нурланган, олий ҳақиқатга эришган) – буддизмда бир неча бор қайта туғилишлар жараёнида мутлоқ ҳақиқатга етишган ва бошқаларга диний нажот йўлини кўрсатишга қодир зот.

16. Гимнасий – қадимги юнонистон шаҳарлари ва эллинистик Шарқда давлат ўқув – тарбия муассасаси. Мил.ав. V-IV асрларда кенг тарқалган. Гимнасий аввал жисмоний машқлар билан шуғулланадиган маскан саналган. Кейинчалик ёшларнинг мусиқий (ақлий ва эстетик) ҳамда гимнастик (ахлоқий ва жисмоний) ривожланишини таъминловчи, айни пайтда, бир-бирлари мулоқотда бўлиш марказига айланган.

17. Готика, готика услуби (итал.герман қабиласи готлар номидан) – Европа мамлакатларида ўрта асрлар санъатида ҳукм сурган бадиий услуб. Готика атамаси Уйғониш даврида қўлланила бошлаган. XII асрда роман услуби ўрнига юзага келган. Готикада етакчи ўринни меъморлик эгаллади,

унда меъморлик, ҳайкалтарошлик ва рангтасвир уйғунлигининг буюк намунаси бўлган ибодатхона алоҳида ўрин тутади. Ибодатхона қуришнинг янги лойиҳа тизими ишлаб чиқилди: бош тарзи учли равоқли ва гумбазлари қовурғали, оғирлиги аркбутанлар орқали ташқи девор ва таянч устунларга ўтказилган синчли тузилма. Гумбаз тушамалари енгил қатламлар билан тўлдирилган, устун ораларидаги йирик ойналар витражлар билан безатилган. Шунинг ҳисобига иншоот енгил, мужассамотига кўра кўкка чўзилган. Ичи ва ташқариси ҳайкаллар ва нафис тош ўймакори безаклар билан безатилган. Мужассамотида панжарали баланд миноралар муҳим ўрин тутади.

18. Гуманизм (лот.-инсоний) – Уйғониш даврида схоластикага ва черковнинг маънавий ҳукмронлигига қарши турган дунёвий ҳурфикрлилик. Ғарбий Европадаги бир неча мамлакатларда гуманизм ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъат ва илм-фанда католицизмга ҳамда шахснинг қуллигига қарши қаратилган илғор ҳаракат эди. Гуманизм тарафдорлари ўз замонасининг тараққийпарвар кучлари бўлган. Улар инсон ҳуқуқи ва олийжаноб фазилатлар, илм-маърифат ва ҳуррият, кишиларнинг ҳар томонлама эркин ривожланиши учун кураш олиб бордилар.

19. Епископ (юнон.-нозир, назорат қилувчи) – праваслав, католик черковларида олий мартабали руҳонийлардан бири, черковга қарашли маъмурий-ҳудудий бирлик бошлиғи.

20. “Етти эркин санъат” – ўрта асрлар мактабларида ва университетларининг артистик (тайёрлов) факультетларида ўргатиладиган ўқув фанлари. Икки босқич-тривиум (грамматика, риторика, диалектика) ва квадривиум (арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа)дан иборат бўлган. “Етти эркин санъат” антик даврдаёқ шаклланган. Ўрта асрлар даврида диннинг ҳукмронлиги ортиши ва маданиятнинг инқирози сабабли қадимги давр олимлари томонидан илмнинг бу соҳаларига қўшилган бой мазмун диний мақсадда фойдаланиладиган оддий маълумотларнинг чекланган миқдоридан иборат қилиб қўйилди. Уйғониш даврида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ортиши боис, таълимнинг мазмуни ўзгарди. “Етти эркин санъат”нинг дунёвий шакли тикланди.

21. Иероглифлар – бир сўз, буғин ёки товушни ифодалашга хизмат қилувчи график ифода. Иероглифнинг энг қадимгиси Миср ёзуви белгилари бўлиб, мил.ав. 4 минг йиллик охирида қўлланган. Ҳозирда 5 мингга яқин Миср иероглифлари маълум.

22. Икона (юнон.-тасвир, образ) – христиан динига мансуб диндорлар сажда қиладиган, чўқинадиган Исо, Биби Марям ва авлиёларнинг рангтасвир ёки бўртма тасвири. Диний иконанинг энг қадимгиси II асрга мансуб, IV асрда тараққий этган. Тор маънода ўрта асрлар санъатининг ўзига хос асари. Ўрта

асрларда Европа тасвирий санъатининг асосий тури сифатида аҳамият касб этган.

23. Индулъгенция (лот. -шафқат) – католик черковида гуноҳларини (ҳатто қилмоқчи бўлган гуноҳларни ҳам) тўлиқ ёки қисман кечириш, шунингдек, шу ҳақдаги шаҳодатнома. Индулъгенция савдоси (XII-XIII асрлардан) черковнинг бойлик орттириш манбаларидан бири бўлган.

24. Инквизиция (лот.-қидирув) – католик черковининг суд-тергов ташкилоти; XIII асрда битъатчиларга қарши курашиш мақсадида тузилган. Рим папасига бўйсунган. Инквизиция заминдорлар –черков мафкураси ва улар зулмига қарши курашчиларни таъқиб қилган.

25. Кардинал (лот.бош сўзидан) – католик черкови иерархиясида Рим папасидан кейин, епископдан олдин турувчи руҳоний. Кардиналлар папанинг черковни бошқариш соҳасидаги энг яқин маслаҳатчилари ва ёрдамчилари ҳисобланади ҳамда шу лавозимга папа томонидан тайинланади.

26. Лабиринт – хоналари беҳад кўп, йўлаклари одамни адаштурувчи улкан бино. Крит ороли подшоси Минос учун меъмор ва моҳир механик Дедал лабиринт қурган.

27. Маърифатчилик – маданият ва маънавият соҳасидаги оқим. Унинг негизини фан, билим имкониятларига катта ишонч ташкил қилади. Маърифатчилар билим ёрдамида ижтимоий ҳаётдаги номутаносибликлар ва камчиликларни бартараф қилиш мумкинлигига ишонганлар. Шу нуқтаи назардан маърифатчиликни мафкуравий, ижтимоий-фалсафий оқим дейиш мумкин.

28. Миххат – қадимги Олд Осиёда қўлланилган, мих ёки поначаларга ўхшаш чизиқча (белги)ларни лой тахтачаларга ўйиб туширишдан иборат идеографик ёзув тури, мил. ав. 3-мингйиллик бошларида шумерлар томонидан яратилган.

29. Мозаика – бир хил ёки турли хомашё (кошин, тош, ёғоч, мармар, металл) бўлакларидан ишланган тасвир, нақш. Маҳобатли (монументал) безак санъатининг асосий турларидан. Асосан, бинолар, амалий санъат асарларини безашда, дастгоҳ санъати асарлари яратишда қўлланади.

30. Монастирлар (юнон. – монахлар маскани) – черковнинг муайян йўл-йўриқлари асосида биргаликда яшовчи моних (роҳиб)лар жамоаси: монахлар жамоаси фойдаланадиган ибодатхона, тураржой ва хўжалик бинолари мажмуи.

31. Монахлар (юнон.-ёлғиз), – ижтимоий-диний гуруҳ. Улар таркидунё қилиши, мол-мулкдан воз кечиши, нафсини тийиши (оила қурмаслиги), қариндошлик ва ижтимоий алоқалардан холи бўлиши, қатъий интизомга риоя

қилиши керак. Монахлар монастрда яшаши ва унинг қоидаларини бажариши шарт ҳисобланади.

32. Нумизматика (лот.-танга сўзидан) – тангалар ҳақидаги фан; тангаларнинг тасвирлари, ёзувлари, оғирлиги, қандай металдан ясалгани, пул муомаласидаги даражаси ва танга зарб қилиниш тарихини ўрганади. Нумизматика тушунчасига яна қоғоз пулларни ўрганиш ва медаль, жетон, орден ҳамда нишонларни ўрганиш киради. XIX асрда фан сифатида шаклланган.

33. Пантеон (лот.-барча худоларга бағишланган ибодатхона ёки жой сўзидан) – машҳур одамларнинг жасадлари қўйиладиган сағана; қадимги юнон ва римликларда ҳамма маъбудларга бағишланган ибодатхона.

34. Пергамент (мил.ав. II асрда хат ёзиш учун хизмат қиладиган материал пергамент тайёрлана бошланган Пергам шаҳри номидан) – ҳайвонларнинг ошланган терисидан ёзиш учун тайёрланган материал (қоғоз ихтиро қилингунга қадар қўлланилган). Шунингдек, ана шундай материалга битилган қўлёзма.

35. Реформация (лот.-ўзгартириш, ислоҳ қилиш) –XVI асрда Ғарбий ва Марказий Европада тарқалган ижтимоий ҳаракат. Асосан, заминдорларга қарши характерда бўлиб, католик черкови (заминдорларнинг асосий ғоявий таянчи)га қарши қураш тусини олди.

36. Риторика (юн.-нотиқлик) – нотиқлик санъати; кенг маънода, умуман, бадиий наср ҳақидаги фан. Мил.ав. V-IV асрларда юнонистонда юзага келиб, мил.ав. III-II асрларда тизимли фан шаклини олган. Мил.ав. I асрда Римда тарқалган. Беш қисмдан иборат бўлган: материални топиш, жойлаштириш, сўз билан ифодалаш, ёдлаш, талаффуз.

37. Роман услуби – Европа санъатида X асрдан XII-XIII асрларгача ҳукм сурган бадиий услуб. Бу давр санъатида қадимги Рим маданияти ва меъморлигида кенг фойдаланилган (“роман” ибораси шартли бўлиб, “римники” маъносини англатади). XI аср охиридан сайёр қурувчилар собор, монастир, черков, кўрғон ва қисрлар қуриб роман услубини яратганлар. Бинолар тошдан қурилган (базилика тури асосий ўринни эгаллайди), тузилишининг асосини минора ташкил этади, унинг атрофидаги геометрик шакллар (куб, призма, цилиндр) бинонинг яхлит мажмуини ҳосил қилади.

38. Сатурналия – қадимги Римда ҳар йили Сатурн шарафига нишонланадиган байрам. Қишки тенг кунлик чоғида, ҳосил йиғиб олингач, ўтказилган. Байрам карнавал тусида бўлиб, унда қуллар хожалари билан “тенг” ҳисобланганлар, фақир – фуқароларга пуллар тарқатилган. Сатурналия маросимидаги бир-бирига совға одати христианларнинг Рождество байрами удумларида сақланиб қолган.

39. Терракота (итал. куйдирилган ер) – тешик -тешик парчали (одатда, қизил, жигарранг, сарғиш рангда) сирланган сопол буюмлар: қоплама тахтачалар, меъморий қисмлар, идишлар, кўзалар.

40. Трубадурлар (франц. топмоқ, шеър йиғмоқ) – XI-XIII асрларда прованс шоир-қўшиқчилар. Трубадурларнинг нафис шеърияти рицарлар муҳаббати, ҳаёт қувончларини тараннум этган. Трубадурлар ижтимоий, сиёсий ва диний ҳаётда фаол қатнашганлар. Католик черковини танқид қилганликлари учун таъқиб остига олинганлар.

41. Фреска (итал.-янги) – рангтасвир асари яратиш усули; асарлари янги нам сувоққа қуриганда юпқа шаффоф калъций карбонат қатлами ҳосил қилувчи сувли ёки оҳак суви қўшилган буёқларда ишланади. Бунда буёқлар мустаҳкамланиб, фрескanинг узоқ сақланишини таъминлайди.

42. Минталитет (лот.-ақлий) – айрим киши ёки ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳият. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф- одатлари, диний эътиқодини ҳам қамраб олади. Масалан, ўзбек миллати менталитетининг шаклланиш жараёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Халқимиз инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналар билан бойитган.

43. Абстракция – нарсани унинг аниқ хусусиятлари ва аломатларидан фикран айириб қараш. Билишда объектив реалликдаги предмет, ҳодисаларнинг иккинчи даражали, унча муҳим бўлмаган айрим хусусиятларидан хаёлан узоқлаштирувчи ва шу асосда уларнинг энг муҳим, асосий томонларини бўрттириб кўрсатувчи фикрий модель. Нарса ва ҳодисаларнинг конкрет томон белгиларидан узоқлашиш ва муҳим жиҳат, белгиларини ажратиш жараёни абстракциялаш (мавҳумлаштириш), шу жараённинг натижаси, якуни, хулосаси эса абстракция дейилади.

44. Анархизм (юн.-ҳокимиятсизлик, бебошлик) – раҳбар сифатида фақат алоҳида шахснинг ҳохиш-иродасинигина тан олиб, ҳар қандай ҳокимият ва давлат тузумини рад этувчи жамият тўғрисидаги таълимот. Антик дунё заманидаёқ анархизмга хос фикр юритиш аломатлари бўлган, қадимги христианликда диний шаклда, кейинчалик ўрта асрлар мазҳабларида ҳам учрайди. Лекин илмий назария сифатида анархизм кейин пайдо бўлган.

45. Авангардизм – XX аср адабиёт ва санъатида қатор замонавий оқимларнинг умумий шартли номи. Авангардизм тарафдорлари адабиётни ва санъатни тубдан янгилашни, унинг шакли ва ифодавий имкониятларини кенгайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган, аввалги қарор топган йўналишлар (шу жумладан, романтизм, реализм, имперессионизм, неоклассицизм)га танқидий ёндашган. Авангардизм намояндалари санъатнинг

предметини ҳам, услубини ҳам, шакл ва мазмунни ҳам янгилашни ўзида ифода этган умумий истак остида бирлашганлар.

46. Антик давр (лот.-қадимги) – кенг маънода қадимги даврни англатувчи термин: истеъмолда бўлган маънода эса Юнонистон ва Рим тарихи ва маданиятининг эллинизм даврини англатади.

47. Гладиаторлар (лот.-шамшир) – қадимги Римда махсус тайёргарликдан ўтган, ўзаро ёки ёввойи ҳайвонлар билан курашишга мажбур қилинган бақувват, жасур қуллар, ҳарбий асирлар. Римда биринчи гладиаторлар жангчи мил.ав. 264 йилда бўлган. Гладиаторлар жанги зодагонларнинг кўнгил очар томошасига айланган.

48. Диссидентлар (юн.-қўшилмаганлар, қаршилар) – 1) давлат дини католицизм ёки протестантизм бўлган давлатларда ҳукумрон динга эътиқод қилмайдиган христианлар. Кўчма маънода-ўзгача фикр қилувчилар. 2) 1950-80 йилларнинг ўрталарида кўпчилик социалистик мамлакатларда мустабид тузумга қарши ҳаракат қатнашчиларининг номи.

49. Детерминизм (лот.-аниқлайман) – барча ҳодисаларнинг ўзаро объектив қонуний алоқадорлиги ва сабабий боғланиш тўғрисидаги фалсафий таълимот. Индетерминизмнинг қарама-қаршиси. Детерминизмнинг мазмуни сабабият тушунчасида ифодаланади, яъни бунда бир ҳодиса (сабаб) муайян шароитида зарурийтни туғдиради, бу эса бошқа ҳодиса (оқибат)ни вужудга келтиради. У инсон онгига боғлиқ эмас.

50. Иерархия (юн.-ҳукумронлик, ҳокимият) – бир бутун нарса ёки ҳодисалар айрим қисмлари ёки элементларининг юқоридан қўйига томон бир тартибда жой олиши. Фанга иерархия тушунчаси XIX асрнинг иккинчи ярмида кириб келди. Дастлаб Иерархия жамиятнинг синфий табақаланишини ва ҳокимият тузилишини тавсиф этиш мақсадида қўлланилган. XX асрдан бошлаб эса ҳар қандай объект системасини тавсиф этишда қўлланила бошланди.

51. Импрессионизм (франц-таассурот) – санъатда XIX асрнинг охири-XX аср бошларида ҳукм сурган йўналиш. Импрессионизм вакиллари мавжуд борлиқни ҳаракатда, ўзгаришда табиийроқ тасвирлашга, ўз лаҳзалак таассуротлариини ифодалашга интилиб, тасвирнинг жонли, ҳаққонийлигига эришган. Воқеликнинг табиийлиги, инсон ва муҳит бирлигида унинг доимий ўзгарувчанлиги ифода этилди.

52. Идеализм (юн.идеа сўзидан) – фалсафадаги асосий оқимлардан бири: онг, руҳ, тафаккур бирламчи, материя, табиат, борлиқ иккиламчи деб талқин этувчи қарашлар тизими. Материализмнинг муқобили. Идеализмнинг объектив ва субъектив шакллари бор. Объектив идеализм дунёнинг асосида инсон

онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ғайритабиий руҳий ибтидо (ғоя, оламий ақл) ётади деб ҳисоблайди.

52[a] Католицизм (юн.-умумий, асосий) – христианликдаги асосий оқимлардан бири. Қатолицизм диний таълимот ва черков ташкилоти сифатида 1054 йилда черковларнинг бўлинишдан кейин вужудга келди. Католик черкови қатъий марказлашган, ягона маркази Ватикан, унинг бирдан-бир бошлиғи – Рим папаси.

53. Материализм (лот.-моддий) – фалсафадаги асосий оқимлардан бири: моддий, табиий, жисмоний оламнинг объектив равишда, яъни унинг ирода, руҳ онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини ва уларга нисбатан бирламчилигини таъкидлашга асосланган, фалсафий таълимот. Идеализмнинг муқобили. Материализм руҳий ҳодисалар ва қадриятларнинг мустақил мавжудлигини инкор этади ва уларни оламнинг бирламчи бўлган моддий асоси ривожининг олий даражасида вужудга келадиган хосса ва муносабатлари тарзида талқин қилади. Материализмнинг гносеологик (билишдаги) илдизини амалёт, инсоннинг воқеликни ўзгартиришга қаратилган оламшумул тарихий тажрибаси ташкил этади.

54. Метафизика (юн.-физикадан сўнг) – борлиқнинг сезгилардан юқори турувчи принциплари ва умумий асослари тўғрисидаги фан. Физикада тадқиқотчи бевосита ҳиссий объектлар устида изланиш олиб борса, метафизикада эса тадқиқотчи сезгилар воситасида англаб олиш мумкин бўлмаган объектларни тадқиқ этади. Метафизиканинг тадқиқот мавзуига кирувчи сифат, мазмун, моҳият, ҳодиса ва бошқа объектлар тўғрисида фикр юритганда уларни бевосита кўриб бўлмайди, улар бошқа нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорликлари жараёнида намоён бўлади. Шу жиҳатдан тарихан метафизика атамаси, кўпинча, фалсафа атамасининг синоними сифатида ишлатилади.

55. Монада (юн.-ягона, бўлинмас)-турли фалсафий таълимотларда борлиқнинг тузилиш элементларини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча: пифагорчилар таълимотида сон, неоплатонизмда ягоналик. Ж.Бруно фикрича, монада воқеликнинг жисмоний ва айни вақтда психик элементи. Монадалар ҳақидаги таълимот (монадология)нинг асосчиси Г.Лейбниц ҳисобланади. Унинг фикрича, монада руҳий табиатга эга бўлган, бутун дунёни ўзига қамраб, акс эттира оладиган оддий (бўлинмас)ва фаол бирламчи субстанциядир.

56. Малик уш – Шуаро (араб.-шоирлар шоҳи)-Шарқда муайян адабий доирага мансуб шоирлар ва ёзувчиларнинг энг пешқадамларига подшолар саройларида берилган расмий фахрий унвон.

57. Мутаассиблик, фанатизм – бирор эътиқодга ёки дунёқарашга ўта берилганлик, бошқа ҳар қандай қарашларга тоқад қила олмаслик (масалан, диний мутаассиблик).

58. Модернизм – XIX асрнинг иккинчи ярми –XX асрнинг 50-60 йилларида Европа, АҚШ адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ва йўналишларнинг умумий номи. Дастлаб Францияда ташкил топган символизм, акмеизм, импрессионизм вакиллари, мусиқада К.Дебюсси, М.Равель каби композиторлар ижодига нисбатан қўлланган. Бадиий ижоднинг мумтоз анъаналаридан воз кечиши, ижодкор ўз шахсий кечинма, таассурот ва тасаввурларини янгилаш жараёнига алоҳида аҳамият бериш улар ижодига хос бўлган хусусиятлардир.

59. Постимпрессионизм (лот.-кейин ва импрессионизм) – XIX аср охири –XX аср бошларида (неоимпрессионизм, кубизм, фовизм)нинг шартли умумлашма номи. Ўз ижодини импрессионизм услубида бошлаган рассомлар унинг инқирозидан сўнг аста-секин ундан узоқлаша бошлади. Постимпрессионизм намояндалари даврига ҳамоҳанг бадиий тасвир воситалари устида изланди: импрессионизмнинг оний таассуротлари ўрнига чуқур ҳис-туйғуга бой жўшқин шаклларни яратиш кучайди. Бу изланиш ва амалий фаолиятлар XX аср тасвирий санъатининг ғоявий пластик ривожланиши тамойилларини белгилаб берган муҳим тарихий босқич вазифасини ўтади.

60. Реализм – воқеликни, мавжуд борлиқни бадиий адабиёт ва санъат (тасвирий санъат, театр, мусиқа)нинг ифода воситалари орқали ўзига ўхшаш шаклларда ҳаққоний акс эттириш.

61. Неорелизм – XX аср инглиз фалсафасидаги ҳукумрон оқим. Кембриж шаҳрида 1903 йилда инглиз файласуфи Ж.Мур (1873-1958) асос солган. Неореализм неогегелчиликка, айрим фалсафий масалаларни слекулятив ишлаб чиқишга қарши қаратилган бўлиб, унинг вакиллари бу масалаларни мантиқий таҳлил воситаси билан, яъни табиатшунослик услуби билан ҳал қилишга уринадилар. Фалсафа тизим сифатида рад этилади. Фалсафий қизиқишлари марказида мантиқ, билиш назарияси, биология ва физика турган.

62. Символизм (юн. –белги, рамз, тимсол) – XIX аср охири XX аср бошларида дастлаб Францияда, кейин Европанинг бошқа мамлакатларида пайдо бўлган адабий оқим. “Символизм” янги шеърий йўналишни ифодаловчи термин сифатида илк бор. Ж.Мореаснинг “Кантилёналар” (1886) китоби сўз бошида қўлланилган ва у ёзган “Символизм манифести” (1886)да асослаб берилган. Символизмнинг юзага келиши Париж Коммунаси тугатилганидан кейин француз воқелигида вужудга келган ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ. Шу даврда воқеликни инъикос эттириш реалистик тамойилларнинг француз адабиётидаги парнасчилар ва натуралистлар оқими томонидан

қадрсизланиши ва рад этилиши символизмнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлади.

63. Натура (лот.-табиий)-1)инсон характери, мижози, ахлоқи; 2) пул ўрнига тўланган мол, маҳсулот; 3) тасвирий санъатда рассом томонидан тасвирлаш учун танланган воқеликдаги реал объектлар (табиат кўриниши, одам, ҳайвон, буюм). Натура танлаш, кузатиш ҳамда унинг талқинида ижодкорнинг ғоявий-эстетик қарашлари, мақсади намоён бўлади. Реалистик тасвирий санъат асосларини эгаллашда натура асосий манба ҳисобланади. Натурани кузатиш, унинг тузулиши ва расмини чизиш орқали рассом, ҳайкалтарош, меъмор ҳаётни чуқурроқ англаб, дунёвий билимлари кенгайиб, фазовий тасаввури ортиб боради. Натурадан ижодкор бевосита ҳаётий чизгилар ишлаши, уларнинг этюд, эскизлари-хомаки расмлар (кўпинча манзара, портрет, натюрмот ва мавзули қомпозициялар) яратиши мумкин.

64. Рационализм (лот.-ақл, ақл-идрок) – ақлни билишнинг ва кишилар хулқ-атворининг асоси деб ҳисоблавчи фалсафий йўналиш. Иррационализм ва сенсуализмга қарама-қарши туради. XVII-XVIII асрлардаги классик рационализм ўрта асрлар схоластикаси ва диний ақидаларига қарши чиқиб, бутун дунёда чексиз сабаблар силсиласи ҳукмрон деган табиий тартибот ғоясини илгари сурган. Рационализмга кўра, илмий (яъни объектив, умумий, зарурий) билимга билишнинг манбаи ва унинг ҳақиқийлиги мезони – ақл воситасидагина эришилади. Рационилизм – маърифатчилик мафкураси вакилларининг фалсафий манбаларидан бири. Ислом дини илоҳиётида Абу Мансур Мотуридий рационализм нуқтаи назаридан фикр юртган.

65. Кубизм (куб. сўзидан) – Европа тасвирий санъати (кўпроқ рангтасвир)даги модернистик оқим: XX аср биринчи чорагида юзага келган. Дастлаб Францияда пайдо бўлган. Кубизм санъатнинг реалистик анъаналаридан воз кечиб, ҳажимли шаклларни лойиҳалаш вазифасини биринчи ўринга қуяди. Текис юзада зич жойлашган қиррали ҳажимлар релъефга ўхшаб кетадиган шакл ҳосил қилади, бунда ранглар айрим қирраларини ажратиб, шаклини майдалаб кўрсатади.

66. Соната (итал.-янграмоқ) - камер – чолғу мусиқасининг асосий жанрларидан. 3 қисмли туркум асар, баъзан 1,4,5 қисмлари ҳам учрайди. 3 қисмли мумтоз сонатанинг 1 ва 3 қисмлари тез, 2 қисми вазмин суръатлидир. 1 қисми (соната аллегроси) 3 йирик бўлимдан ташкил топади: қарама-қарши мусиқий мавзуларни намоён қилиш (экспозиция), уларни бир-бирига таққослаб ривожлантириш (2 бўлим), сўнгра асосий куйларни ўзаро яқинлаштириб бирлаштириш (репризa). “Соната” атамаси XVI асрдан маълум бўлиб, аввал бошда қантатадан фарқли ўлароқ ҳар қандай чолғу пъеса ҳам соната дейилган.

67. Сенсуализм (лот.-сезги, ҳис) – билиш назариясида сезгиларни билишнинг асосий манбаи деб эътироф этувчи йўналиш. Билишнинг моҳиятини сезги органларининг фаолиятига боғлаб тушунтиради. Сенсуализм рационализмга қарама-қарши бўлиб, ҳиссий ва рационал билимларнинг ўзаро алоқадорлиги, имкониятларини ўзгача талқин этади. Сенсуализм вакллари билимлар одамга туғма равишда берилмаган, у ҳаётий тажриба давомида шаклланиб, ривожланиб боради, деб ҳисоблайди. Илмий билиш жараёнида индуктив хулоса чақаришни дедуктив хулоса чиқаришдан устун қўяди. Сенсуализмнинг "ҳисларда бўлмаган нарса ақлда бўлмайди" деган тамойилга ҳиссий билишлар объектив дунё билан боғлиқ деб ҳисоблаган материалистлар ҳам, ҳиссий билиш ташқи дунё билан боғланмаган, ўз-ўзидан мавжуд соҳа деб билган идеалистлар ҳам қўшилганлар.

68. Сентиментализм (франц. – ҳис – туйғу) – XVIII аср иккинчи ярми – XIX аср бошида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатидаги оқим. Сентиментализмда ҳиссиёт яхшилик ва ёмонликни белгиловчи, инсоннинг қадр-қиматини аниқловчи асосий меъёр сифатида талқин қилинади. Сентиментализм ақл-идрокдан кўра ҳист-туйғуни устун қўйиш асосида инсон шахсини тасдиқлашнинг янги шакли эди. Сентиментализм руҳидаги асарларда инсон ҳис-туйғулари ҳар томонлама бадиий тадқиқ қилиниб, психологик таҳлилга кенг ўрин берилади. Айниқса, ҳис-туйғуларнинг табиийлиги улуғланади. Сентиментализм йўналишидаги асарларда ҳис-туйғунинг устувор қўйилиши инсоннинг нафақат ўз олами, балки табиатга бўлган муносабатини ҳам ўзгартиради. Сентиментализмда табиат инсон кечинмаларига ҳамоҳанг тарзда, унинг ички дунёсини чуқурроқ очишга ёрдам берувчи восита сифатида намоён бўлади.

69. Субстанция (лот. – моҳият) – нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, асосини ифодаловчи тушунча. Одатда, материя, модда сўзининг синоними сифатида хилма-хил оламнинг, объектив реалликнинг, табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури тарихини, инсон билимларининг натижаларини ҳам ўзига қамраб олувчи конкретликнинг назарий инъикоси, билиш назариясининг асосий тушунчаси сифатида талқин этилади. Бундай универсал моҳият муайян нарса, ҳодисалар ва уларнинг ўзаро алоқадорликлари орқали намоён бўлади.

70. Оратория (лот. - ибодатхона) – яккахон хонандалар, хор ва оркестр учун яратилган, одатда, драматик сюжетга асосланган йирик мусиқа асари. XVI-XVII асрларда Италияда диний мусиқа жанри сифатида юзага келган. Опера ва кантата билан деярлик бир даврда шаклланган. Лекин кантатадан йириклиги, муайян сюжетга асосланганлиги, операдан эса драматик ривож ўрнига баён хусусиятлари етакчилиги билан ажралиб туради. Ораториянинг

кенг кўламли мумтоз намуналарини Г.Гендель яратган. У ўз ораторияларида, асосан, Инжил мавзуларига таяниб, халқ ва унинг қаҳрамонларини маҳд этган.

71. Опера (лот.-меҳнат маҳсули, асар) – мусиқали драматик санъат жанри. Опера қоришма (синтетик) жанр бўлиб, ўзида бир нечта санъат турларини мужассам этади; унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат ва рақс санъати шакллари яхлит саҳнавий жараёнда узвий боғланади. Лекин мусиқа улар орасида етакчи ўрин эгаллайди. Операнинг адабиий асоси- либреттодаги воқеалар мусиқий драматургия воситалари билан, аввало, вокал мусиқа шаклларида гавдалантирилади. Қаҳрамонларнинг ҳиссий кечинмалари, асосан, яккахон хонандалар ижросидаги ария, каватина каби тугал мусиқа лавҳаларида ўз ифодасини топади.

72. Симфония (юн.-оҳангдошлик) – симфоник мусиқанинг етакчи жанри, композиторлик йўналишдаги чолғу мусиқанинг олий шакли. Симфоник оркестр ижросига мўлжалланган; баъзи симфонияларда хор ва яккахон хонандалар ҳам жалб этилади. Бундан ташқари, торли оркестр, пуфалама созлар оркестри ва бошқа оркестрларга мўлжалланган симфониялар ҳам учрайди. Симфониянинг мумтоз шакли умумий ғоя ва яхлит драматургияга асосланган 4 қисмли туркумни ташкил этади: 1 қисми-мавзуларнинг қарама-қаршилиги ҳамда жадал ривожи билан боғлиқ бўлади; 2 қисми лирик чекиниш вазифасини бажаради; 3 қисми менуэт ёки скерцо характерида ёзилади; 4 қисми кўпинча тантанавор, жушқин хотимадир.

73. Телевидение – фан, техника ва маданиятнинг кўринадиган ахборотлар (ҳаракатланувчи тасвирлар)ни радиоэлектрон воситалар ёрдамида муайян масофага узатиш билан боғлиқ соҳаси: ахборотларни тарқатиш воситаларидан бири. Инсоният ўз яшаб турган жойдан узоқдаги нарсалар ва воқеаларни кўриш истаги билан ҳамиша банд бўлиб келган. Халқларнинг бу истаги, асосан, электроника, “сеҳрли кўзгу” (ойнаи жаҳон)га айланган XX асрда руёбга чиқди.

74. Поэтика (юн.-поэтик санъат) – бадиий асарларда ифода воситалари тизими ҳақидаги фан, энг қадимги адабиётшунослик фани. Кенг маънода поэтика адабиёт назариясига тўғри келади. Адабиёт назарияси сифатида поэтика адабий тур ва жанрлар хусусиятини, оқим ва йўналишлар, услубларни ўрганади ҳамда бадиий даражаси ўртасидаги ички боғланиш ва ўзаро муносабат қонуниятларини тадқиқ этади.

75. Техника (маҳорат, санъат) – моддий бойлик олиш ҳамда одамлар ва жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида инсон атрофдаги табиатга таъсир қилишига имкон берадиган воситалар ва кўникмалар мажмуи. Асосий вазифаси – инсон меҳнатини енгиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини

ошириш. У табиат ресурсларидан самарали фойдаланишга, ер қаърини, дунё океанларини, космик фазони ўзлаштиришга имкон беради.

76. Трагедия (юн.-эчки қўшиғи) – драматик тур жанрларидан бири. Трагедия қаҳрамонлар ўртасидаги кучли зиддиятлар асосига қўрилади: ундаги қаҳрамонлар тақдири фожиа билан якун топади. Трагедияда воқелик анча жиддий, ички қарама-қаршиликлар ўткир тарзда тасвирланади: конфликт шиддатли ва кескин тус олади. Трагедия бадиий ғояни ифодаловчи қаҳрамонлар характерининг ёркинлиги, ички ҳаракатнинг юксаклиги ҳамда персонажлараро конфлектнинг кучлилиги билан ўзига хослик касб этади. Трагедиянинг жанр хусусиятлари трагек конфликт, трагек ҳолат ва трагек қаҳрамон тушунчалари билан белгиланади. Трагедия жаҳон адабиёти тарихида мавжуд барча ижодий методларда жанр сифатида ўз моҳиятини сақлаб қолди. Гарчи трагедияда қаҳрамонларнинг тақдири фожиа билан якун топса ҳам, ушбу моҳиятида трагедия оптимистик пафос, адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши, юксак инсоний туйғуларнинг маромига етказиб тараннум этилиши билан ажралиб туради.

77. Тазкира (араб.-эслатмоқ, зикр этмоқ) – ўрта аср форсий ва туркий тиллардаги адабиётшунослик жанрларидан бири. Кенг маънода –тарих, тасаввуф, санъат соҳасидаги воқеа ва шахслар ҳақида эсдалик руҳидаги асар. Тор маънода-шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумот, асарларидан нумуналар келтириб тузилган тўплам. Тазкирада бир неча асрда яшаган ёки муайян давр шоирлариниг ҳаёти ва ижоди ҳақида турли тарзда маълумот берилади.

78. Технократия (юн.санъат, ҳунар, маҳорат) – ижтимоий тафаккурдаги оқим, унга кўра, жамият бутунлай илмий-техника тафаккури принциплари билан бошқарилиш мумкин; техниклар, муҳандислар ва олимлар (технократлар) илмий-техника тафаккурининг намояндалари бўлиб, корхоналар ва умуман жамиятдаги барча ҳокимият тадбиркорлар ва сиёсатчилардан уларга ўтиши керак. Технократик концепциялар ҳозирги ижтимоий ишлаб чиқаришда фан ва мутахассислар мавқеининг ошиб бораётганлигини акс эттиради. Технократиянинг барча кўринишларига хос бўлган белги ижтимоий жараёнларни техника ва бошқа тор ихтисослашган мезонлар асосида бошқаришга эътиборни кучайтириб, сиёсатнинг қадриятли – этик ўлчовларга кам аҳамият беришдир.

79. Цивилизация (лот.фуқароликка, давлатга тааллуқли), тамаддун-1) кенг маънода – онгли мавжудодлар мавжудлигининг ҳар қандай шакли; 2) маданият сўзининг синоними. Бу термин кўпинча моддий маданият маъносида ҳам қўлланилади; 3) маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи; 4) ёввойилик ва ваҳшийликдан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи.

“Цивилизация” тушунчаси XVIII асрда “маданият” тушунчаси билан узвий боғлиқ равишда пайдо бўлган. Француз файласуф маърифатпарварлари ақл ва адолатга асосланган жамиятни цивилизациялашган жамият деб белгиланган.

80. Фовизм (франц.-ёввойи) – XX аср бошларида француз рангтасвирида ҳукм сурган авангард бадиий оқим. Парижда 1905 йилда очилган кузги салон кўргазмасида намойиш этилган асарлар муаллифларига замонавий танқидчилар томонидан киноя тарзида берилган ном.

81. Экспрессионизм (лот.-ифодалаш, изоҳ қилиш) – 1900-1920 йилларда адабиёт ва санъатда юзага келган йўналиш: даврнинг ўткир инқирозларининг акс садоси сифатида юзага келган. Экспрессионизм асарларидаги ижтимоий-танқидий руҳи билан параллел мавжуд бўлган ёки кейин юзага келган авангард санъатидан фарқ қилади. Унинг асарларида замонавий цивилизациянинг инқирози табиат ва инсониятга ёпирилиб келаётган ҳолакат кўриниши тарзида намоён бўлди. Экспрессионнизмда, асосан ижодкорнинг субъектив тасаввурлари, ҳис – туйғулари ифодаланган, улардаги эҳтиростлилик ва жиддийлик асарларга жўшқинлик бахш этган. Экспрессионизм тараққиёти қарама-қаршиликларга эга бўлди, бир томондан, модернистик анъаналарнинг ривожланишига таъсир кўрсатса, бошқа томондан, ижтимоий танқидий йўналишнинг қарор топишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I.Президент И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А.Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Асарлар тўплами, 1 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1996.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Асарлар тўплами, 1 жилд. – Тошкент.; “Ўзбекистон”, 1996.

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. “Туркистон” саройи очилиши маросимида сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 2 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1996.

4. Каримов И.А. Улуғбек руҳи барҳаёт. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқ. Асарлар тўплами, 2-жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1996.

5. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. ЮНЕСКО қароргоҳидаги “Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши” кўргазмасининг очилиши маросимида сўзлаган нутқ. Асарлар тўплами, 4 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1996.

6. Каримов И.А. Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза. Асарлар тўплами, 5 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1997.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар тўплами, 6 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1998.

8. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX-сессиясида сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 6 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1998.

9. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат. Асарлар тўплами, 7 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1999.

10. Каримов И.А. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 7 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1999.

11. Каримов И.А. Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимида сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 7 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1999.

12. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур” журнали Бош муҳаррирининг

саволларига жавоблари. Асарлар тўплами, 7 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1999.

13. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. Асарлар тўплами, 7 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1999.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маъруза. Асарлар тўплами, 7 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1999.

15. Каримов И.А. Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 9 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 2001.

16. Каримов И.А. Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 9.жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 2001.

17. Каримов И.А. Бетакрор мусиқа саройи. Ўзбекистон давлат консерваторияси янги биноси очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. Асарлар тўплами, 10 жилд. — Тошкент.: Ўзбекистон, 2002.

18. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгимлас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008.

19. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. Асослар тўплами, 7 жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1999.

20. Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир. Асарлар тўплами, 14 жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2006.

21. Каримов И.А. Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқадас мақсад. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Асарлар тўплами , 20 эжилд. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2012.

22. Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси («Темур тузуклари»нинг янги нашрига сўзбоши). Асарлар тўплами, 19 жилд. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2011.

23. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. Асарлар тўплами, 8 жилд. – Тошкент., Ўзбекистон, 2000.

24. Каримов И.А. Миллий мафкура-давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. Миллий истиқлол

мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 8 жилд. – Тошкент. Ўзбекистон, 2000.

25. Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Асарлар тўплами, 22 жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2014.

II. Манбалар

Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. Тошкент.: Ўзбекистон, 2014.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент.: Қомуслар бош таҳририяти. 2000-2006. 1-12 жилдлар.

III. Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. Ўқув қўлланма, – Фарғона.: 1998.

2. Усмонов Қ., Каримов Б. ва бошқалар. Маданиятшунослик. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: Иқтисод-молия, 2008.

3. Мусаев Н., Азимов Ҳ. Маданиятшунослик, Ўқув қўлланма, – Тошкент.: ТДЮИ, 2009.

4. Маврулов А. Маданият ва тафаккур ўзгаришлари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2004.

5. Абдуллаев М. ва бошқалар. Маданиятшунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: Турон – иқбол, 2006.

6. Очилдиев А. Маданият фалсафаси. – Тошкент.: Муҳаррир, 2010.

7. Бекмуродов М., Юсупова Н. Маданият социологияси. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2010.

8. Худайқулов Х., Баратов Р. Маданиятшунослик. Ўқув услубий қўлланма. – Тошкент.: Ўзбекистон Миллий Университети, 2007.

9. Абдурахмонов М., Рахмонов Н. Маданиятшунослик. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2011.

IV. Қўшимча адабиётлар

1. Абдурахмонов А. Улуғбек академияси. — Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1993.

2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Тошкент: Мерос, 1993.

3. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. — Тошкент: Ғафур Ғулом, 1984.

4. Ахмедова Э., Габидулин Р. Культурология. Мировая культура. — Ташкент.: Академия художеств Узбекистана, 2001.

5. Бобомуродов. Э. Ислом одоби ва маданияти. — Тошкент.: Чўлпон, 1995.

6. Балтабоев Х., Маҳмудов М. Адабий-эстелик тафаккур тарихи. Тошкент.: Мумтоз сўз, 2013.

8. Бердиева С. Сайёрамиз мўъжизалари. — Тошкент.: Ўзбекистон, 2012.

9. Гёте Й. Ҳикматлар хазинаси. — Тошкент.: Шарқ, 2008.

10. Гуревич П. Культурология. — Москва.: ЮНИТИ, 2006.

11. Гуревич П. Культурология. Учебник. — Москва.: изд. Гардарики. 2000.

12. Дўстмухаммад Қ. Нобел мукофоти олган адиблар. — Тошкент.: Маънавият, 2002.

13. Драйзен, И.История эллинизма. В з-х томах. Ростов на Дону.: Феникс. 1995.

14. Есин А. Введение в культурологию. Учебное пособие. — Москва.: Академия, 1999.

15. Кайковус. Қобуснома. — Тошкент.: Ўқитувчи, 2006.

16. Каримов Б., Зияев Ф.. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. — Тошкент.: Иқтисод–молия, 2013.

17. Кармин А., Новикова Е. Культурология. — Санкт–Петербург.: Питер, 2006.

18. Комилов Н. Тасаввуф — Тошкент.: Ўзбекистон, 2009.

19. Қосимов Б. Миллий уйғониш. — Тошкент.: Маънавият, 2002.

20. Кравченко А. Хрестоматия по культурологии. — Москва.: Проспект, 2006.

21. Э.Умаров ва бошқалар. Культурология.— Тошкент.: Янги аср авлоди, 2006.

22. Ҳ.Бобоев ва бошқалар. Маданиятшунослик.— Тошкент.: Янги аср авлоди, 2001.

23. Розин В. Культурология. Учебник. — Москва.: Форум 1998.

24. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). — Тошкент.: Ўзбекистон, 2010.

25. Силичев Д. Культурология. Учебное пособие для ВУЗ. — Москва.: Приор, 1998.

26. Соколова М. Мировая культура и искусство. — Москва.: Владос, 2001.

27. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. — Тошкент.: Ўзбекистон, 1998.

28. Тайлор Э. Первобытная культура. — Москва.: Политиздат, 1989.

29. Темур тузуклари — Тошкент.: Ўзбекистон, 2013.

30. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. — Тошкент.: Фан, 1994.

31. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. — Тошкент.: Шарқ, 1997.

32. Юлдашбаева З. Культурология.— Москва.: Высшая школа, 2005.

33. Ницше Ф.Так говорил Зарастура. Москва.: Олма Медиа Групп, 2012.

34. Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2013.

35. Раджабов Қ., ва бошқалар Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. Тошкент.: Ўзбекистон, 2015.

36. Акопян К.З. Мировая музыкальная культура. Москва.: Эксмо, 2012.

37. Моисеева Н.А. Культурология. История мировой культуры. Санкт-Петербург.: Питер Пресс, 2007.

38. Конфуций. Суждения и беседы. Санкт-Петербург.: Азбука, 2014.

39. Живопис Италъянского Возрожения. Москва.: Олма Медиа Групп, 2014.

40. Данте Алигъери, Франческо Петрарка, Джованно Боккаччо. Сонеты. Москва.: Олма Медиа Групп, 2012.

41. Отамуратов С.Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш олимлари. – Тошкент.: Ўзбекистон 2015.

42. Сайфуллаев Н. Янги давр Ўзбекистон театри санъати: ривожланиш муаммолари ва изланиш жараёнлари . – Тошкент.: Мумтоз сўз, 2011.

43. Эркаев А. Ўзбекистон йўли (Президент Ислом Каримовнинг ислоҳотлар назарияси ҳақида мулоҳазалар). – Тошкент.: Маънавият, 2011.

44. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Шарқу Ғарбнинг цивилизациявий алоқалари. – Тошкент.: Шарқ, 2011.

45. Холбоев С. Миллий мустақиллик ва тараққиётининг “Ўзбек” модели (методология, инновация, тарихий таҳлил). – Тошкент.: Ўзбекистон, 2015.

46. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. – Тошкент.: Академия, 2013.

47. Қувватов Н. Ўтиш даври: назария ва амалиёт (сиёсий-фалсафий таҳлил). –Тошкент.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2012.

48. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Тошкент.: Шарқ, 2014.

МУНДАРИЖА

	МУҚАДДИМА ……	
	БИРИНЧИ БЎЛИМ. МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ	
1-мавзу.	**“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**	
1.1.	“Маданиятшунослик” фанининг предмети, бошқа фанлар билан алоқадорлиги, уни ўрганишнинг методологик асослари	
1.2.	Маданият ва шахснинг ўзаро муносабатлари……	
1.3.	Маданият ва цивилизация……	
2-мавзу.	**МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ**	
2.1.	Моддий ва маънавий маданият, уларнинг ўзаро алоқадорлиги	
2.2.	Маданиятнинг таркибий қисмлари ва функциялари…….....	
2.3.	Маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётида тутган ўрни……	
2.4.	Маданият бойликлари (маданий қадриятлар)……..	
	ИККИНЧИ БЎЛИМ. ЖАҲОН МАДАНИЯТИ РИВОЖ-ЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ	
3-мавзу.	**ҚАДИМГИ ШАРҚ МАДАНИЯТИ**	
3.1.	Қадимги Миср маданияти.....	
3.2.	Қадимги Месопотамия маданияти .....……	
3.3.	Қадимги Хиндистон маданияти.....	
3.4.	Қадимги Хитой маданияти.....	
4-мавзу.	**АНТИК ДАВР МАДАНИЯТИ**	
4.1.	Антик Юнонистон маданияти…….....	
4.2.	Антик Рим маданияти..... ..……	
5-мавзу.	**ЎРТА АСРЛАР ЕВРОПА МАДАНИЯТИ**	
5.1.	Ўрта асрлардаги Европа қиёфаси…… …….....	
5.2.	Христианлик — Европа маданиятининг ўзаги……	
5.3.	Ўрта асарларда таълим тизими ва адабиёт……	

5.4.	Меъморлик ва тасвирий санъат.....	
6-мавзу.	**ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ МАДАНИЯТИ**	
6.1	Уйғониш даври ва унинг асосий омиллари …….....	
6.2.	Ислом динининг вужудга келиши ва унинг илмий ривожида Марказий Осиё алломаларининг ўрни.....	
6.3.	Шарқ уйғониш даврида илм-фан равнақи.....	
7-мавзу.	**ЕВРОПА УЙҒОНИШ ДАВРИ МАДАНИЯТИ**	
7.1.	Европада Уйғониш даври маданияти ва унинг асосий хусусиятлари.....	
7.2.	Гуманизм, реформация, янги инсон идеалининг шаклланиши	
7.3.	Буюк географик кашфиётлар.....	
7.4.	Меъморлик ва тасвирий санъат ривожи	
7.5.	Табиий билимлар ва техник тараққиёт.....	
8-мавзу	**XVIII–XIX АСРЛАРДА ЕВРОПА МАДАНИЯТИ**	
8.1.	XVIII асрдаги маърифатпарварлик ғоялари. Демократик жамиятнинг илк устқурмалари шаклланиши… ….....	
8.2.	Саноат юксалиши ва илмий-техникавий ютуқлар.....	
8.3.	Меъморлик ва тасвирий санъатда классицизм, барокко услублари.....	
8.4.	Адабиёт ва санъат ривожи.....	
9-мавзу.	**XX АСР ЖАҲОН МАДАНИЯТИ**	
9.1.	XX асрда фан ва техника соҳасидаги кашфиётлар ……...	
9.2.	Адабиёт, театр, кино ва оммавий маданият.....	
9.3.	Тасвирий санъат ва меъморлик соҳаларида эришилган ютуқлар.....	
	УЧИНЧИ БЎЛИМ. ВАТАН ТАРИХИ МАДАНИЯТИ	
10-мавзу.	**ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТИ**	
10.1	Ватанимиз ҳудудидаги маданий жараёнлар.....	
10.2.	Марказий Осиё ҳудудидаги қадимги давлатлар маданияти..	
11-мавзу.	**АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ**	
11.1.	Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан равнақи…….	

11.2.	Амир Темур ва темурийлар даврида меъморлик ҳамда боғ тузиш санъати.....	
11.3.	Мовароуннаҳр ва Хуросонда адабиётшунослик соҳасида эришилган ютуқлар.....	
12-мавзу.	**ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ХОНЛИКЛАР ДАВРИДАГИ МАДАНИЙ ҲАЁТИ.....**	
12.1.	Бухоро хонлиги (*амирлиги*) да маданий ҳаёт.....	
12.2.	Хива хонлигида маданий ҳаёт.....	
12.3.	Қўқон хонлигидаги маданий ҳаёт.....	
13-мавзу.	**МУСТАМЛАКА ВА МУСТАБИД ТУЗУМ ШАРОИТИДА МАДАНИЯТ.....**	
13.1.	Россия империясининг Туркистонда маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати.....……....	
13.2.	Жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, унинг маданий-маърифий моҳияти.....	
13.3.	Таълим, илм-фан ҳукмрон мафкура измида.....	
13.4.	Адабиёт ва театр санъати совет тузуми шароитида.....	
14-мавзу.	**МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ.....**	
14.1.	Маданий-маърифий ислоҳотлар — жамият тараққиётининг устувор йўналиши сифатида.....	
14.2.	Таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар.....	
14.3.	Адабиёт ва санъат ривожи.....	
14.4.	Меъморлик ва бошқа соҳаларда эришилган ютиқлар	
	ГЛОССАРИЙ.....	
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	